

Ҳайдарали Мұхамедов

**ХОРИЖИЙ
МАМЛАКАТЛАР
ДАВЛАТИ ВА
ХУҚУҚИ
ТАРИХИ**



1
КИСМ

"АДОЛАТ"

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Тошкент Давлат юридик институти


Хайдарали МУҲАМЕДОВ

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУКИ ТАРИХИ

(Қадимги дунё давлати ва ҳуқуки тарихи)

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
томонидан юридик институти ва ҳуқуқ асослари ўқитиладиган бошқа
олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида
тавсия этилган*

I қисм



Тошкент
“Адолат”
1999

М-96

ББК 67.3 я 75

Ушбу дарслык Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихининг биринчи даври - қадимги дунё давлати ва ҳуқуқи тарихига бағишланиб, унда мазкур ўқув курси ўрганадиган масалалар доираси, уларга ёндашиш усуллари, унинг вазифаси, даврларга бўлиб ўрганилиши, аҳамияти, ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар тизимида тутган ўрни ва улар билан ўзаро алоқадорлиги, қадимги Шарқ ва антик дунё мамлакатларида давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши сабаблари, хусусиятлари, ижтимоий ва давлат тузуми ҳуқуқининг асосий белгилари каби масалалар ёритилган.

Унда хусусан Қадимги Шарқ мамлакатларидан Миср, Месопотамия давлатлари, Хиндистон ва Хитойнинг, антик дунё мамлакатларидан қадимги Юнонистон давлатлари (Афина, Спарта) ва Римнинг давлат ва ҳуқуқ тарихи баён қилинган.

Дарслык ҳуқуқшунослик мутахассислигига оид барча олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилари ва аспирант-тадқиқотчилари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: **А.Х.Сайдов,**
хуқуқшунослик фанлари доктори,
профессор.

Такризчилар: **А.М.Охунжонов,**
хуқуқшунослик фанлари доктори,
профессор.

А.Т.Тўлаганов,
хуқуқшунослик фанлари доктори,
профессор.

Ў.М. Ахмаджонов,
хуқуқшунослик фанлари номзоди,
доцент.

М 1202000000 - 010 эълонсиз 1999.
(04)99

© “Адолат”, 1999.

СЎЗ БОШИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, "Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулқ-авторнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Ҳалқнинг бой интеллектуал мероси умумбашарий қадриялар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида Кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир¹. XXI аср бўсағасида Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқитиш ва таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш устувор вазифалардан биридир. Бу эса олимларимиз зиммасига тегишли ўкув фанларининг замонавий дастурлари ва дарслкларини ҳозирги давр талаби ва илм-фаннынг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда янгилаб бориш, ўзбек тилида ўкув дастурлари ва дарслклар яратиш вазифасини юклайди.

Хукуқшунослик таълими тизимида "Хорижий мамлакатлар давлати ва хукуқи тарихи" фани алоҳида ўрин тутади. Хорижий мамлакатлар давлати ва хукуқи тарихи ижтимоий фанлар туркумига кирувчи тарихий-хукуқий фан ҳисобланади. Ўз мазмун-моҳияти бўйича у хукуқий (юридик) фандир, шу боис ушбу фан олий юридик ўкув юртларида асосий ўкув курсларидан бири сифатида ўрганилади. Аммо ҳозирги кунда биринчи курс мобайнида ўрганиладиган мазкур асосий ва ҳажми бўйича катта ҳамда илмий билишда жуда катта ўрин тутган фан бўйича ўзбек тилида ўкув дастури, кўлланмаси ёки дарслк деярия яратилмаган ёки ҳеч бўлмаганда бу соҳадаги қўшини давлатлар хукуқий тажрибаси ўрганилмаган ва умумлаштирилмаган.

Албатта, мамлакатимизда бу фаннинг ўқитилишини такомиллаштириш ва биринчи ўқув-услубий адабиётларни ёзиш борасида ўзбек олимларидан Ҳ.С.Саматова, Ў.М.Аҳмаджонов ва З.Муқимовлар² бир қанча ишларни амалга оширганлар. Улар томонидан ўзбек тилида ёзилган ўкув кўлланмалари хукуқшунослик таълими соҳасида билим олаётган талабаларнинг мазкур фанни ўрганишларида салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунга келиб бу кўлланмалар камёб китобга айланшиб қолди. Шу билан бирга улар, таъкидлаш жоизки, бироз эскириб ҳам қолди. Шўролар замонида ёзилган барча тарихий-хукуқий асарлар сингари улар ҳам асосан марксча-ленинчча назария якка ҳокимлиги таъсирида ёзилган кўлланмалар эди.

Хорижий мамлакатлар давлати ва хукуқи тарихи фани бўйича ҳозирги замон талаблари асосида ўзбек тилида фундаментал дарслк яратиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ҳаққоний таъкидлаганидек, "Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билиш рагбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар ҳалқ қўзидан иложи борича

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 18-сон. Т.: "Адолат", 1998, 4-бет.

² Саматова Ҳ.С., Аҳмаджонов Ў.М. Чет мамлакатлар давлат ва хукуқи тарихи. Ўкув кўлланмаси. - Т., 1960; Аҳмаджонов Ў.М. Эксплуататор синфлар давлат ва хукуқининг тарихий типлари. Лекциялар матни. - Т., 1969; Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва хукуқи тарихи (Қадимги дунё ҳамда ўрта асрлар давлати ва хукуқи тарихи). Ўкув кўлланмаси. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1992.

йироқ сақланарди. Ахвол шу дарајага борган эдикі, ўз тарихимизнің ўзимиз ёзиш хукуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Бирорлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқир эдик"¹. Шунинг учун ҳам илк бор мазкур фан бўйича ўзбек тилида тўрт қисмли дарслик ёзиш режаси асосида унинг Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси Х.М.Муҳамедов томонидан тайёрланган I қисмини эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Ушбу дарслик муаллифнинг кўп йиллик педагогик тажрибаси ҳамда сўнгги йиларда чиқарилган мавжуд дарсликлар, ўкув қўлланмалари, илмий маколаларни ўрганиш асосида ёзилган. Уни ёзишда хукуқшунос олимлар З.М.Черниловский, О.А.Жидков, Н.А.Крашенинникова, К.А.Батыр, А.И.Косарев, П.Н.Галанза, Б.С.Громаков, С.Ф.Кечекян, И.Д.Мартисеевич, Р.И.Никольская, К.Г.Федоров, Н.А.Селезнев, А.К.Рогожин, В.Н.Струнников, Н.Н.Страхов, Х.С.Саматова, Ў.М.Ахмаджонов, З.Муқимов томонидан яратилган ёки уларнинг таҳрири остида чиқсан дарслик ҳамда ўкув қўлланмаларига суюнилган ва улардан кенг фойдаланилган. Қонунлар, тарихий ёдгорликлар, хужжатлар ва манбалардан фойдаланишида И.М.Дъяконов, С.Э.Булатов, Л.И.Дембо, К.А.Попов, Е.Э.Лившиц, И.С.Претерскийлар томонидан рус тилига таржима қилинган хукуқий ёдгорликлардан фойдаланилган. Шу билан бирга, дарслик жаҳон хукуқий-тарихий фанининг энг сўнгги ютуқларига асосланган ҳолда янги манбалар билан бойитилган.

Мазкур дарсликнинг бошқа дарсликлардан мухим фарқи шундаки, бунда давлат-хукуқий масалалар кенг ва атрофлича ёритилганлигига, ҳар бир муйайн давлатнинг келиб чиқиши ва давлат тузуми ҳамда хукуқ тизими чукур баён қилинганилигига, шунингдек, тарихий-хукуқий фанларнинг энг сўнгги ютуқлари ҳисобга олинганлигига кўзга ташланади. Ушбу дарслик муаллифнинг бу соҳадаги дастлабки ишларидан бўлганлиги учун айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Бу ҳақда холисона фикр ва мулоҳазалар билдирган олимлар ва мутахассисларга масъул мұҳаррир ва муаллиф олдиндан ўз миннатдорчилигини изҳор қиласидилар.

А.Х.Сайдов,
профессор, хукуқшунослик
фанлари доктори.

¹ И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // "Мулоқот", 1998, 5-сон, 2-бет.

К И Р И Ш

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТИ ВА ХҮКҮКИ ТАРИХИ - АСОСИЙ ТАРИХИЙ-ХҮКҮКИЙ ФАН

1. Фан ва унинг тарихи

Хорижий мамлакатлар давлати ва хүкүкти тарихи ижтимоий фан бўлиб, уни асосан тарихий-хүкүкӣ фан деб атамиз. Чунки у бевосита ҳам тарих фанига, ҳам давлат ва хукуқ ҳақидаги фанга алоқадор.

Хорижий мамлакатлар давлати ва хүкүкти тарихи ўз характеристери бўйича юридик (хүкүкӣ) фан ҳисобланади. Шу боис у юридик олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ўрганиладиган асосий ўқув курсларидан биридир.

Тарих ўтмишнинг йигилган, концентрациялашган тажрибаларини сақловчи, уни авлодларга асрраб етказиб келувчидир. Ҳозирги замоннинг ҳар бир йирик масаласи ҳаётнинг қайси соҳасида бўлмасин, жумладан, давлат ва хүкүкӣ қурилиш соҳасида ҳам мавжуд бўлган тарихий тажрибаларни ҳисобга олмасдан, ундан унумли фойдаланмасдан, чукур ўрганмасдан самарали ҳал этилиши мумкин эмас. Ўтмиш воқеа-ҳодисаларини билмасдан туриб, ҳозирги воқеликни тўғри тушуниш, келажакни кўра билиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “**Ўзликни англаш тарихни билишдан бошлигади... Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди... Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.**”¹ Тарих фан сифатида жамият тараққиётининг объектив қонунлари ҳақидаги билимлар тизимини ўзида мужассамлаштиради, уларни тушуниш жамиятнинг келажакдаги ривожланишини кўра билишга имкон яратади. Шунинг учун ҳам умуминсоният тарихи фанининг таркибий қисми сифатида республикамиз олий ўқув юртларида фанлар соҳалари бўйича тарихий фанлар ўрганилади. Масалан, иқтисодиёт

¹ И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ” НМК, 1998, 5, 9, 10-бетлар.

олий ўкув юртларида иқтисод тарихи, маданият олий ўкув юртларида маданият тарихи, меъморчилик ўкув юртларида меъморчилик тарихи ўрганилади. Мамлакатимизда Тошкент Давлат юридик институтида, Ички ишлар вазирлиги Академиясида, университетларнинг ҳуқуқшунослик факультетларида, юридик колледжларда ҳам давлат-хуқуқий характеридаги тарихий фанлар ўрганилади. Давлат ва ҳуқуқ жамиятга оид ҳодисалар бўлиб, жамият тарихининг ажралмас таркибий қисмидир. Жамият тарихи ва унга мос ҳолда давлат ва ҳуқуқ тарихи узлуксиз ривожланиш жараёнидан иборат.

Мазкур фанни ва ўкув курсини ўрганишга киришишдан олдин унинг тарихига бир назар ташласак.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи деярли барча ривожланган мамлакатларда мустақил фан соҳаси сифатида ўрганилади. Фарбда уни кўпинча ҳуқуқнинг умумий тарихи, ҳуқуқ ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ва ҳоказо номлар билан юритадилар. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи турлича номлар билан илмий билишнинг мустақил соҳаси сифатида XVIII асрнинг охири - XIX асрдан бошлаб яшаб келмоқда. Тарихий-ҳуқуқий билимларни тўплашда дастлаб Германиядаги тарихий ҳуқуқ мактаби катта роль ўйнаган. Унинг Карл фон Савини (1779-1861 йиллар), Георг Фридрих Пухта (1798-1846 йиллар) ва бошқа намоёндалари асосан рим ва миллий герман ҳуқуқи тарихи бўйича илмий текширувлар олиб боришган. Машҳур немис юристи, Берлин университети профессори, қонунларни ислоҳ қилиш бўйича прусс министри бўлган Савини Рим ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқи бўйича кўп асарларнинг муаллифи, тарихий ҳуқуқ мактаби бошлиғи сифатида шуҳрат қозонган. У "Бизнинг давр қонунчиликка ва ҳуқуқшуносликка мойиллиги ҳақида"ги (1814 йил) деган дастурий асарида ҳуқуқ қандайдир мистик ва ўз-ўзидан ривожланувчи "халқ руҳи" сифатида талқин қилинади. Савини герман фуқаролик ҳуқуқини кодификация қилишга қарши чиқкан. У бунга ҳали вақт эрта деб ҳисоблаган. Савинининг кўрсатишича, ҳуқуқ давлат ҳокимиятидан келиб чиқмайди, шунинг учун давлат ҳокимияти қонун чиқаришни ўрнатиши мумкин эмас. Унинг Фикрича, юристларнинг вазифаси "халқ онгини" аниқлаш ва унга ҳаракатдаги қонунларни мослаштириш бўлмоғи лозим. Савинининг издоши, ишларини давом эт-

тирган яна бир немис юристи Г.Пухта бўлиб, у ҳам рим хуқуқи тарихига, шунингдек фуқаролик ва одат хуқуқига бағишланган қатор асарларнинг муаллифи ва тарихий хуқуқ мактабининг таниқли вакили ҳисобланади.

Кейинчалик Фарбда турли мамлакатларни ва тарижий босқичларни қамраб олган кўп тарихий-хуқуқий асарлар пайдо бўлган. Масалан, Францияда - Э.Лабул ва Р.Дарест, Англияда - Г.Мэн ва Г.Спенсер, Германияда - А.Пост, Россияда - П.Г.Виноградов ва Н.И.Кареев ва бошқаларнинг асарлари бу соҳада муҳим ўрин тутади. Инглиз юристи ва хуқуқ тарихчиси Генри Мэн (1822-1880 йиллар) ўзининг "Қадимги хуқуқ...", "Шарқда ва Фарбда қадимги жамоалар", "Муассасаларнинг энг қадимги тарихи", "Қадимги қонун ва одатлар", "Қадимги хуқуқ тарихи бўйича текшириш" каби асарларида ҳинду, қадимги рим, герман, қадимги ирланд, славян халқларини ўрганиш асосида улардаги хуқуқ ривожланишининг кенг қамровли манзарасини яратишга ҳара кат қилган. Унинг сафдоши, инглиз файласуфи ва социологи, позитивизм "ота"ларидан бири Герберт Спенсер (1820-1903 йиллар) социологияда органик мактабнинг асосчиси ҳисобланади. У жамиятнинг синфий тузилишини ва унинг доирасида турли маъмурий органларнинг ажralиб чиқишини киши танаси аъзолари ўртасидаги функцияларнинг ажralиши билан тақослаб тушунтиради.

Россияда Павел Гаврилович Виноградов (1854-1925 йиллар) ва Николай Иванович Кареев (1850-1931 йиллар) каби таниқли олимлар жаҳон тарихий-хуқуқий фанлар ривожига салмоқли ҳисса кўшганлар. Тарихчи-позитивист П.Г.Виноградов Фарбий Европанинг, айниқса Англиянинг ўрта асрлардаги тарихи бўйича муҳим изланишлар олиб борган. Унинг "Италияда феодал муносабатларнинг келиб чиқиши" деган магистрлик диссертациясида (1880 йил), "Ўрта асрларда Англиянинг социал тарихи бўйича текширишлар" деган докторлик диссертациясида (1887 йил), "Англияда вилланлик" деган монографик китобида (1892 йил) феодализмнинг келиб чиқишининг герман варианти очиб берилган. Кейинчалик босилиб чиққан "Манорнинг ўсиши" (1905 йил), "Англияда ўрта аср поместьеси" (1911 йил), "XI асрда Англия жамияти" (1908 йил) деган асарлари, айниқса Англия давлати тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Худди шунингдек, яна бир рус тарихчиси Н.И.Кареев ўзи-

нинг "XVIII асрнинг охирги чорагида Францияда дәхқонлар ва дәхқонлар масаласи" (1879 йил), "Энг қадимги даврлардан 1789 йилгача француз дәхқонлари тарихи очерки" (1881 йил), 7 жилдли "Янги даврда Фарбий Европа тарихи" (1892-1917 йиллар), 3 жилдли "Француз революцияси тарихчилари" (1924-1925 йиллар) каби асарлари билан тарихий-хуқуқий масалаларга доир манбаларни бойитишга катта хисса қўшган.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошларида тарихий-қиёсий услуб давлат ва хуқуқ тарихини иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар контекстида ўрганишга ёрдам берди; тарихий-хуқуқий изланишларда позитивизм ўрнига социологик йўналиш келди. Бу йўналишнинг ривожланишида рус олимни М.М.Ковалевскийнинг, немис хуқуқ тарихчиси Э.Нейкампнинг, америка юристи О.Холмснинг ва бошқаларнинг асарлари муҳим босқич бўлди.

Фарб адабиётида XIX-XX асрлар давлати ва хуқуқи тарихи масалалари бўйича жуда катта фактик материал тўплланган ва умумлаштирилган. Бунинг натижасида кўп пухта ва асосли ишлар чиқариш имконияти пайдо бўлди. Булардан немис олимлари Й.Колер ва Л.Вагнернинг кўп жилдли "Хуқуқ тарихи" (1914 йил), америкалик хуқуқ тарихчилари Д.Вигмар ва У.Сиглнинг "Хуқуқий тизимлар манзараси" ва "Хуқуқ тарихи" (1924 йил) каби асарлари катта аҳамиятга эга.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин хуқуқ ва сиёсий институтлар тарихи бўйича француз олимларидан Ж.Элльоль, Р.Монье, Ж.Имбер, Ф.Гаррисон ва бошқалар қатор йирик асарлар эълон қилдилар. Тарихий-хуқуқий муаммоларни ёритишида қиёсий хуқуқшунослик фанининг вакиллари (Р.Давид ва бошқалар) маълум хисса қўшганлар. Тарихий-хуқуқий изланишларнинг ривожланиши Фарбий Европа ва АҚШда қатор университетларда миллий, шунингдек, хорижий хуқуқ тарихи бўйича ёки хуқуқ ва сиёсий институтлар тарихи бўйича маҳсус курсларнинг киритилишига имкон яратди. Бундай курсларни жорий этишга бўлган ҳаракат Россияда XIX асрнинг бошларида илк марта қилинган эди. Масалан, 1804 йилда Москва университети профессори П.Цветаев "Машҳур қадимги ва ҳозирги халқларнинг хуқуқи" бўйича маъруза ўқиган, XX аср бошида эса (1907-1908

йилларда) профессор В.Г.Шеглов умумий ҳуқуқ тарихи бўйича бир неча марта китоблар нашр эттирган.

Ўзбекистонда Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи мустақилликка қадар Москвада тузилган дастурлар асосида, рус тилида чоп этилган дарслик ва ўкув қўлланмалари бўйича ўрганиб келинди. 1979 йилнинг май ойида Москвада бўлиб ўтган давлат ва ҳуқуқ умумий тарихининг методологик масалаларига бағишланган илмий-координацион кенгашда мазкур фаннинг ўқитилишини янада такомиллаштириш ҳақида алоҳида қайд этилди. Жумладан, унда сўзга чиқсан профессор П.Н.Галанза (Москва) давлат ва ҳуқуқ тарихини бир-биридан ажратмай, бир-бирига боғлиқ ҳолда тушунтириш, бу фаннинг ҳажмини қисқартириш, дастурини янгилаш ҳақида, профессор В.А.Стародубский (Свердловск) талабаларга фақат жаҳон миқёсида етакчи роль ўйнаган типик шаклдаги давлат ва ҳуқуқ тарихини, шунингдек, у ёки бу ҳуқуқшунослик тушунчасининг қандай вужудга келганлигини тушунтириш мазкур фаннинг муҳим вазифасидир, деган муҳим фикрни билдиридилар¹.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг teng ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро майдонга эркин чиқа бошлигандан сўнг, ўзбек тилида Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихини холисона ўрганишга асосланган дарсликлар ва ўкув қўлланмалари тайёрлаш имкониятига эга бўлинди.

Ўзбекистонда мустақилликка қадар ҳуқуқшунослик фанларини ўқитишни такомиллаштириш мақсадида республикашим олимлари томонидан ўзбек тилида бир қанча ўкув қўлланмалари ҳамда дарсликлар яратилиб, кўп йиллик тажрибалар умумлаштирилган. Бу соҳада айниқса Х.С.Саматова, Ў.М.Аҳмаджонов ва З.Муқимовлар бир қанча ишларни амалга оширганлар².

Улар томонидан ёзилган қўлланмалар талабаларнинг мазкур фанни ўзбек тилида ўзлаштириб олишларига

¹ Қаранг: Методология историко-правовых исследований. - М.: Госюриздан, 1980. - 183-184-бетлар.

² Саматова Х.С., Аҳмаджонов У.М. Чет мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихи. Уқув қўлланмаси. - Т., 1960; Аҳмаджонов У.М. Эксплуататор синфлар давлат ва ҳуқуқининг тарихий типлари. Маърузалар матни. - Т., 1969; З.Муқимов. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. (Қадимги дунё ҳамда урта асрлар давлати ва ҳуқуқи тарихи). Уқув қўлланмаси. - Самарқанд, 1992.

яқындан ёрдам беріб келган. Айни вақтда ушбу құлланмалар анча ноёб бўлиши билан бир қаторда бироз эскириб қолган. Уларда давлат ва ҳуқуқ тарихи ижтимоий-иктисодий формацияларга бўлиниш асосида фақат марксча-ленинчча назария ҳукмронлиги мавқеи асосида ёритилган. Булар, албатта, қизил империя шароитида бунёдга келганилиги боис шундай эди. Эндиликда янги давр талабига жавоб берадиган, давлат ва ҳуқуқ тарихини холисона ва атрофлича ёритиб берадиган пухта ва мукаммал дарсликлар яратиш ҳозирги күн ҳуқуқшунослик Фанининг энг долзарб масалаларидан бирига айланган.

2. Фанинг вазифаси, предмети ва аҳамияти

“Умуман, - деб таъкидлайди И.Каримов, - мен фанни илфор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнмаён қабул қиласман. Фанинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги куни-мизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўклигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олга силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим.”¹

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихини билиш аввало ҳозирги давлатчиликнинг моҳиятини чуқур англаш ва уни келажакда ривожланишининг асосий йўналишларини олдиндан айтиб бера олиш учун керак.

Ҳозирги воқелик ўтмишдан ва келажақдан мутлақо ажрабиб қолмаган. У фақат янги, тарихдаги янги босқичдир.

Ҳозирги давлат ва ҳуқуқ тарихини билиш учун уларнинг қандай келиб чиқсанлигини, ўз ривожланишида қандай босқичларни босиб ўтганлигини, уларнинг пайдо бўлишига, ташкил топишига, ривожланишига, шакли ва мазмунининг ўзгаришига қандай сабаблар таъсир кўрсатганлигини билиш жуда муҳим.

¹ И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ” НМК, 1998, 25-бет.

Ушбу фаннинг асосий вазифаси - хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи ривожланишининг умумий қонуниятларини ва уни алоҳида мамлакатлардаги ҳусусиятларини очишдан иборатdir. Мазкур фанда барча ҳалқларнинг давлати ва ҳуқуқи тарихи учун типик бўлган давлат ва ҳуқуқ тарихи, шунингдек алоҳида ўзига хос бўлган мамлакатларнинг давлати ва ҳуқуқининг ўрганилади. Бошқача қилиб айтганда, **Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи давлатчилик тарихига энг кўп таъсир этган мамлакатларнинг давлати ва ҳуқуқининг келиб чиқиши, ривожланиши, амал қилишини текширади, маълум вақтда ва мухитда ривожланадиган давлат-ҳуқуқий жараёнларнинг мазмунини таҳлил қиласди, уларнинг ўзига хос сабаб-оқибат алоқаларини текширади ва муайян-тарихий қонуниятларини очиб беради.**

Бу фан умумий тарихдан фарқ қилиб, жамиятни тўла ва бутунлигича ўрганмайди, балки давлат ва юридик муассасаларнинг мураккаб тизимининг тарихий ривожланиш жараёнини ҳамда ҳуқуқ, унинг алоҳида соҳалари ва институтларининг келиб чиқиши ва тараққий этиши жараёнини ўрганади.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи, давлат ва ҳуқуқقا, ҳусусан, уларнинг маълум ривожланиш босқичидаги кўринишлари, шакллари ва ривожланиш жараёнларига муайян-тарихий ёндашар экан, жуда кўп далилларга, сиёсий ҳаётнинг аниқ ҳодисаларига, давлатлар, ҳукуматлар, синфлар, табақалар, партиялар ва бошқалар фаолиятига таянади. Бироқ давлат ва ҳуқуқ тарихи давлат ва ҳуқуқнинг ўтмиши ҳақидаги билимларни йиғиши билангина чекланиб қолмайди. У ўз олдига давлат ва ҳуқуқнинг тарихий ривожланиш қонуниятларини аниқлашни асосий вазифа қилиб қўяди.

Давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг муайян-тарихий қонуниятлари жамият ривожланиши қонуниятларига қараганда ўзига хос ҳусусиятларга эга. Зеро, давлат ва ҳуқуқ жамиятда алоҳида ўрин тутади, нисбатан мустақилликка эга.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи юқоридаги муаммоларни текшириш билан тўхтаб қолмайди. У муҳим муаммолар қаторида инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари, ҳокимиятлар таҳсилманиши, парламентаризм, ҳусусий ва оммавий ҳуқуқнинг асосий институтларини келиб чиқиши

ва ривожланишини ўрганади. У ўтмишда эришилган ютуқлардан ўннак олишга имконият яратади, шунингдек йўл қўйилган хато ва камчиликларни тақрорламасликка ўргатади.

Шундай қилиб, Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи дунёning алоҳида мамлакатлари давлати ва ҳуқуқини уларнинг вужудга келиши ва маълум муайян-тарихий шароитда ривожланишини хронологик изчиллиқда, бу жараёнларнинг умумтарихий қонуниятларини, шунингдек муайян жамиятлар ривожланишида муҳим бўлган, айрим тарихий босқичлар доирасида ҳаракат қилувчи қонуниятларни аниқлаш асосида ўрганади.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Тарихни кўпинча ҳалқлар хотираси деб атайдилар, у жаҳон ижтимоий тажрибасининг улкан лабараторияси ҳисобланади. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ўзининг шаклланишида самарали қуролдир. Бу фан фақат давлат ва ҳуқуқ тарихини чукур англаш имконинигина бериб қолмай, давлат ва ҳуқуқнинг янада ривожланиши ҳақида олдиндан айтиб беради. У умуман юристларни, ҳусусан, мустақил Ўзбекистоннинг XXI аср ҳуқуқшуносларини иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва янада чуқурлаштириш, сиёсий ҳаётни янада демократлаштириб бориш ҳамда инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқукий давлат барпо этиш ҳамда фуқаролар жамиятини қарор топтириш соҳасидаги самарали фаолиятларида зарур билимлар билан қуроллантиради.

3. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихининг юридик ва ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни

Давлат ва ҳуқуқ тарихи давлат ва ҳуқуқни бир бутун ҳолда олиб, бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлган ижтимоий ҳодисаларни ўрганади. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳар қайсиси алоҳида бўлган давлат тарихининг ва ҳуқуқ тарихининг механик равишда қўшилиши эмас. Давлат ва ҳуқуқ тарихи бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ ва ўзаро алоқадор. У юридик фанларнинг муҳим пойдевори ҳисобла-

нади. Давлат ва ҳуқуқ тарихи кенг тарихий ва далилий материалларга асосланиб, бу материалларни умумлаштириб ва синтез қилиб, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келишини: давлат ва ҳуқуқ турларининг изчил равишда биридан кейин иккинчиси келишини, бунинг сабабларини, турли хил тарихий турдаги ва босқичдаги давлатлар ва ҳуқуқнинг моҳияти, мазмуни ва шаклларини, турли ривожланиш босқичидаги ва шаклдаги давлатларнинг ўзига хос томонларини; ҳуқуқий манбаларнинг пайдо бўлиши, тузилиши, амал қилиши, шакллари, қўлланилиши, уларда мустаҳкамланган ҳуқуқ соҳалари ва институтларининг моҳиятини ва шу сингариларни очиб беради. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ўрганадиган масалалар юридик фанлар тизимида марказий ўринни эгаллайди. Зеро, юқорида айтилган барча Фикрлар давлат ва ҳуқуқ назариясига ҳам тўлалигича тааллуқлидир. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ана шу жиҳатлари билан давлат ва ҳуқуқ назарияси билан чамбарчас боғлиқ. Лекин давлат ва ҳуқуқ назарияси фақат ўзига хос хусусиятга, ўзи ўрганадиган фан соҳасига эга бўлиб, ўша жиҳати билан давлат ва ҳуқуқ тарихидан фарқ қиласди. Маълумки, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳам давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Лекин давлат ва ҳуқуқ назарияси мантиқий услуб ёрдамида тарихий жараённи абстракт (мавҳумий) шаклда, ҳар қандай тарихий тасодифлардан ҳоли тарзида акс этиради. У ўзининг умумҳуқуқий тушунчалари ва тоифалари тизимини ишлаб чиқади. Бундай тушунча ва тоифалардан биз ўз навбатида давлат ва ҳуқуқ тарихи ўкув курсида кенг фойдаланамиз.

Давлат ва ҳуқуқ тарихи давлат ва ҳуқуқ назариясидан фарқли ўлароқ, давлат-ҳуқуқий институтларни ва ҳодисаларни хронологик изчилликда ва маълум тарихий мухитда ривожланишининг муайян жараёнларини ўрганади. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи давлат-ҳуқуқий жараённи унинг макон ва замонда белгиланган тарзда текширади ва муайян-тарихий қонуниятларни аниқлади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси тарихий-ҳуқуқий изланишларнинг илмий натижаларига таяниб, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши ва ҳаракат қилишининг энг умумий қонуниятларини ифодалайди ва очиб беради. Натижада давлат-ҳуқуқий жараёнларнинг моҳиятини илмий асослан-

ган тарзда очиш бу фанларнинг ўзаро алоқасини назарда тутади.

Тарих ўтмишни ўрганса, назария ҳозирги даврни ва келажакни ўрганади, тарих тарихий материал билан боғланган бўлса, назария ҳам тарихий материал билан, шунингдек, давлат ва ҳукуқнинг ҳозирги аҳволи билан ҳам боғлангандир. Умуман олганда, назариясиз тарих, тарихсиз назария бўлмайди.

Юқорида айтилганлар тўлалигича Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳукуки тарихининг сиёсий ва ҳукуқий таълимотлар тарихи билан ўзаро алоқасига ҳам тааллуқли. Зеро, сиёсий ва ҳукуқий таълимотлар тарихи қадим замонлардан то ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган давлат ва ҳукуқ ҳақидаги ғоялар тараққиётини ўрганар экан, бунда давлат ва ҳукуқий таълимотларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини, ижтимоий самарадорлигини уларнинг тарихий музайянлиқда ва хронологик изчилликда ўрганади. Бу муаммоларнинг давлат ва ҳукуқ тарихини ўрганишга нисбатан аҳамияти, аввало шу билан белгиланадики, уларни ўрганувчилар, одатда, маълум ғоя ва назарияларга, таълимотларга асосланадилар.

У ёки бу мамлакатда маълум тарихий замонда ҳукмрон бўлган ғоявий-назарий йўл-йўриқлар хилма-хилдир, шунингдек, нисбатан мустақил ҳамдир. Шу боис уларнинг ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат-ҳукуқий институтлари ривожланишига қай даражада ва қандай таъсир этганлигини аниқлаш мухимдир.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳукуки тарихи Ўзбекистон давлати ва ҳукуки тарихи фани билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Уларнинг ҳар иккиси ҳам тарихий-ҳукуқий фан олдида турган вазифаларни биргаликда ҳал қиласди, лекин ўрганадиган масалалари доираси бўйича бир-биридан фарқ қиласди.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳукуки тарихи ҳамда Ўзбекистон давлати ва ҳукуки тарихи Давлат ва ҳукуқ назарияси ва Сиёсий ва ҳукуқий таълимотлар тарихи билан биргаликда тармоқ юридик фанларнинг назарий, агар кенг маънода айтадиган бўлсак, гносеологик асосларини ташкил этувчи назарий-тарихий гурухини вужудга келтиради. Улар юриспруденциянинг тушунчаларга оид аппаратининг **муҳим** таркибий қисмини ифодалайди.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи, шунингдек, бошқа ижтимоий фанлар: умумий тарих, фалсафа, иқтисод назарияси, мантиқ каби фанлар билан ҳам яқин ва мустаҳкам боғланган. Айни вақтда бу фан улардан фарқ қиласы.

Мазкур фан умумий тарихдан фарқ қилиб, жамиятни тұла ва бутунлигіча ўрганмайды, балки давлат ва юридик мұассасалар мұраккаб тизимининг тарихий ривожланиш жараёнини ҳамда ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва тараққий этиши жараёнини ўрганади. Шуни ёдда тұтмоқ лозимки, умумий тарихда ўрганиладиган баъзи масалалар (масалан, урушлар, маданий ривожланиш, сулолалар тарихи ва бошқалар), агар давлат ва ҳуқуқда ўзгаришларга-сабаб бўлсагина, давлат ва ҳуқуқ тарихининг предметига тааллукли бўлиб қолади. Акс ҳолда, давлат ва ҳуқуқ тарихи ундей масалалар билан маҳсус шуғулланмайди.

Маълумки, фалсафа бизни табиат ва жамиятта қарашлар тизими билан қороллантиради. Бу тизим уларнинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни тушунтиради. Фалсафанинг ижтимоий онгнинг материяга, борлиққа муносабати, базис ва устқурманинг бир-бирига муносабати, устқурманнинг фаол, кўмакчилик роли тўғрисидаги ва бошқа холосалари давлат ва ҳуқуқ тарихига бевосита тааллуклидир. Фалсафа фани давлат ва ҳуқуқни умумий тарзда, ижтимоий тоифа сифатида кўриб чиқади.

Давлат ва ҳуқуқ тарихи курси жамиятнинг иқтисодий қонунларининг амал қилишини ҳамда моддий ишлаб чиқариши ривожлантириш қонуниятларини ўрганувчи иқтисод назарияси билан ҳам яқындан боғлангандир. Моддий ҳаёт шароитлари давлат ва ҳуқуқни ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Иқтисод назарияси жамиятнинг иқтисодий базисини ўрганса, давлат ва ҳуқуқ тарихи иқтисодий базисдан келиб чиқадиган давлат ва ҳуқуқни ўрганади.

Давлат ва ҳуқуқ тарихи мантиқ фани билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланиши, уларнинг бир шаклдан бошқа шаклга ўтиши сингари масалалар сўзсиз мантиқ қоидаларига бўйсунади.

Шу ўринда давлат ва ҳуқуқ тарихи фанининг археология, семантика фанлари (тилларнинг келиб чиқиши ҳақидаги фан) билан бўлган алоқасини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтмоқ лозим. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ана шу фанлар бўйича олиб

бориладиган илмий изланишлар, археологик қазилмалар натижасида янги материалларга эга бўлади, уларни тарихий-ҳуқуқий таҳлил қиласди. Масалан, агар Француз олими М.Шомпалён Миср мих хатларини ўқиш усулини топмагандага ёки Женуульяк экспедицияси подшо Хамурраппи қонунларини очмаганда, биз Миср ва Бобил давлатлари қонунчилиги бўйича жуда кам маълумотга эга бўлган бўлур эдик, деб бежиз таъкидламайди З.Муқимов.¹

Шундай қилиб, Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи бошқа юридик ва ижтимоий фанлар билан боғлиқ эканлигини ва у ўз қиёфаси, ўз предмети ва ўз хусусиятларига эга эканлигини қараб чиқдики, бу ҳол мазкур ўкув курсини ўрганишда янада аникроқ ва тўлароқ намоён бўлади.

4. Фан ўрганадиган масалаларни текшириш услублари

Ҳар қандай фаннинг асосий вазифаси ўзи ўрганаётган нарса ва ҳодисаларнинг тараққиёт қонунларини очиб беришдан иборат. Инсоният тараққиёти жараёнида вужудга келадиган ҳар қандай фан ўз предмети билан бирга тадқиқот усулларига ҳам эга. Ҳар бир фан назарий жиҳатдан тизимлашган билимлар йигинидиси сифатида тадқиқот жараёнида хилма-хил усуллардан фойдаланади. Давлат ва ҳуқуқ тарихи соҳасидаги илмий билиш тарихий ўтмишдаги фактлар ва воқеаларни баён қилишгагина олиб келмайди. У бу фактларнинг моҳиятини англаш ва назарий жиҳатдан тушунишни кўзда тутади. Бу эса ўз навбатида текширишнинг фалсафий ва маҳсус илмий усулларидан фойдаланишини талаб қиласди.

Давлат ва ҳуқуқнинг мураккаб, хилма-хил, ранг-баранг ҳодисаларининг ҳақиқий мазмунини, моҳиятини, ривожланиш қонунларини билишнинг аниқ усуллари мавжуд бўлиб, улар илмий-тадқиқот ва изланишнинг йўналишини ифодалайди. Бу ерда биринчи навбатда муайян-тарихий давлат-

¹ Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. (Қадимги дунё ҳамда урта асрлар давлати ва ҳуқуқи тарихи). Ўкув қулланмаси. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1992., 10-бет.

ҳуқуқий ҳодисаларни, кенг маънода тарихий-ҳуқуқий фаннинг пойдевори ҳисобланган тарихий фактларни билиш во-ситалари, услублари кўриб чиқилади.

Ҳар қандай тарихий воқееликлар тарихий фактлар ҳисобланади. Улар бир-биридан кўп томонлари билан фарқ қила-ди. Тарихий факт сифатида фақат айрим кўринишлар (ма-салан, меъёрий хужжат) эмас, балки маълум тарихий жара-ён, яъни ўзаро алоқадор фактлар занжири ҳам тўлалигича майдонга чиқиши мумкин.

Фактларни фақат ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш асосида тарихчи-юрист ўтган воқеаларни "қайта тиклаши", ўрганаётган ҳодисаларнинг қонуниятларини белгиловчи мо-хиятини очиши мумкин.

Илмий-тадқиқот жараёнида билишнинг аниқ шакли ва усулларидан фойдаланиш орқали илмий билимлар вужудга келади, ривожлантирилади. Ҳар бир билим тизимида ил-мий-тадқиқот жараёнида келиб чиқсан муаммо ёки маса-ланинг қўйилиши ва ҳал қилинишида маҳсус усуллардан фойдаланилади. Улар эса тарихий аниқ билиш жараёнида вужудга келади, ривожланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир фаннинг ўз предмети ва тадқиқот усули мавжудки, улар ўзи ўрганаётган обьектга нисбатан маҳсус амалий ва назарий тадқиқот усули асосида ёндашади.

Хозирги замон жаҳон фани давлат ва ҳуқуқнинг ривож-ланиш жараёнини тури мавқелардан туриб тушунтиришга имкон берувчи кенг фалсафий кўрсатмалар беради. Тарих-га монистик-материалистик қарашдан ва методологик плю-рализмдан¹ воз кечиш ҳозирги Ўзбекистондаги барча ижти-моий фанларда бўлганидек, Давлат ва ҳуқук тарихига ҳам хосдир.

Тури мамлакатлардаги тарихий-ҳуқуқий адабиётларда давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланишини тушунтирувчи кўпгина концепциялар (қарашлар тизими)ни кўриш мумкин. Бунда диний назариялар (неотомизм, ислом Фундаментализми)дан тортиб марксча-ленинчча ва бошқа сўл радикал (давлат ва ҳуқук тарихини синфий курашдан иборат деб кўрувчи) назариялар назарда тутилмоқда.

¹Борлиқнинг ёки билим асосларининг бир неча ёки жуда кўп мустақил бошлантичи мавжуд деб даъво қилувчи соҳта фалсафий таълимом.



Маълумки, мустақилликка қадар асосан Москвада чоп этилиб Ўзбекистонда ўрганиладиган, шунингдек, Ўзбекистонда чиқарилган тарихий-хуқуқий адабиётларда кўп йиллар давомида жамиятни марксча-ленинчча ижтимоий-иктиносидий формациялар (ибтидоий жамоа тузуми, кулдорлик, феодализм, капитализм, коммунизм)га бўлиб ўрганиш ягона хукмрон назария бўлиб қолган эди. Бу ҳолат тарихни чекланган тарзда ва бир томонлама ўрганишга сабаб бўлган.

Яна шу нарса маълумки, ижтимоий тараққиётнинг марксча-ленинчча назарияси - диалектик ва тарихий материализм бўлиб, бунда тарихга идеалистик нуқтаи назар билан қарава кескин қораланади, табиат ва жамиятни тасодифлар асосида ривожланиб боради, деб тушунтирувчи таълимотлар қатъий рад этилади. Тарихга фақат материалистик нуқтаи назардан қарава инсонни, унинг онги, ички дунёси ва тажрибасини иккинчи ўринга сурниб қўяди.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи фанинг ягона методологик асоси - диалектик ва тарихий материализмидир деб ҳисоблаш нотўғри. Уни ўрганишда бошқа қаравшлар ва нуқтаи назарлардан, хусусан, хусусий, илмий, маҳсус услублардан фойдаланиш лозим.

Билишда хусусийлик ва умумийлик вазифасини бажарувчи усувлар мавжуд. Кўпчилик фанларда қўлланиладиган усувлар умумий усул дейилади. Ҳар бир аниқ фанинг ўзи қўллайдиган хусусий усувлари асосида билим тизими чуқурлашиб борса, умумий усулни тадбиқ қилиш орқали эса билиш доираси янада кенгайиб боради.

Илмий билишнинг ҳамма фан учун тегишли бўлган умумий усувларига анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия, мантиқийлик ва тарихийлик, мавхумлиқдан аниқликка бориш ёки, аниқлиқдан мавхумликка бориш ва бошқалар киради. Илмий билишнинг бу услублари фан тараққиётида гарчи умумий ҳисобланса ҳам, диалектик усулга нисбатан хусусий бўлиши мумкин. Лекин бу усувлар диалектик усул билан бўғланган.

Шундай қилиб, билиш жараёнида илмий-тадқиқотнинг хусусий, умумий ва энг умумий усувлари мавжуд бўлиб, улар ўзаро бир-бiri билан боғлиқ. Диалектик усул реал оламни илмий билишнинг энг умумий усули бўлиб, у барча фанлар учун, жумладан, тарихий-хуқуқий фанлар учун ҳам

методологиядир. Диалектик усул хусусий фанлар эришган ютуқлардан фойдаланиб, уларнинг усуллари билан биргаликда ривожланади, улар бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Давлат ва ҳуқук тарихини ўрганишдаги бундай усул давлат ва ҳуқуқдек ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини жамият моддий ҳаёт шароитлари билан, иқтисодий базис билан боғлаб ўрганишни таъмин этади.

Диалектик усул давлат ва ҳуқук ривожланади, ўзгаради, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтади, деб қарайди. Давлат ва ҳуқуқни ўрганиш, билиш, тадқиқ қилишнинг диалектик усули - бу илмий билимлар дунёсига киришнинг, давлат ва ҳуқуқни билишнинг асосий қалитидир.

Диалектика ҳодисаларни ривожланишда, бошқа ҳодисалар билан алоқадорликда, бир-бiri билан боғлиқ ҳолда, ҳаракатда, миқдорий ва сифат ўзгаришида олиб қарайди. У реал мавжуд, муайян вазиятда, муайян вақтда ва ҳудудда вужудга келган. Бинобарин, уларни тушуниш учун уларни вужудга келтирган шароитни, мавжуд бўлган ва яшаётган даврни билмоқ керак.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, давлат ва ҳуқук муайян ижтимоий кучлар, яъни ҳукмрон синфлар томонидан яратилиб, кейин мустақил кучга, усткурмага айланади, шундан кейин ўзини вужудга келтирган иқтисодий базисга таъсир кўрсатади.

Давлат ва ҳуқук тарихини ўрганишда диалектик усул билан бир қаторда тадқиқотнинг бошқа қатор фалсафий умумий усуллари ҳам мухим аҳамият касб этади. Келинг, шулардан баъзилари билан танишиб чиқайлик.

Маълумки, анализ(тахлил қилиш)да ўрганилаётган нарса ва ҳодиса, Фикр майдага бўлакларга, яъни элементларга бўлинади ва улар ўртасидаги боғланишлар, ўзаро муносабат ва таъсир ўрганилади. Таркибий қисмларни синтез қилиш (умумлаштириш) учун анализ қилинади. Элементларни яна қайтадан бирлаштирганимизда анализ натижалари ўрганилади. Турли мамлакатларда ёки бир гурӯҳ мамлакатларда (масалан, Шарқ ёки антик дунёда) давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланиши хилма-хил хусусият ва сифатларга эга. Ана шундай кўп қиррали, мураккаб давлат ва ҳуқук ҳодисаларини ўрганиш ва билиш, ғулар тўғрисидаги тушунчаларимизни чуқурлаштириш учун мамлакатларнинг давлат ва ҳуқук тарихини алоҳида-алоҳида, таркибий қисм-

ларга ажратиб анализ қилиш зарур бўлади. Лекин бу усул билан давлат ва ҳуқуқ тарихини, унинг алоҳида мамлакатларда келиб чиқиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тўла билиш мумкин эмас, шунинг учун у синтез йўли билан тўлдирилади.

Синтез анализнинг натижаларига суюниб, давлат ва ҳуқуқнинг бутун сифатини, бир гуруҳ мамлакатлардаги умумий хусусиятларини ва алоҳида мамлакатлардаги ўзига хос хусусиятини ўрганади. Синтез анализ натижасида фикран бўлинган элементларни қайтадан тиклаш, уларни бирлаштириш, илгариги яхлитликни фикран вужудга келтириш усулидир.

Анализ тадқиқот жараёнида билишнинг тайёргарлик кўриш босқичи ҳисобланса, синтез уни якунлайди. Анализ ва синтез натижасида давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича умумий тушунча, муҳокамалар таркиб топади, улар ёрдамида давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг ўзига хос ва умумий сифатлари ва муйян қонуниятлари аниқланади, шаклланади.

Билиш жараёнида индукция ва дедукциянинг ҳам роли катта. Индукция ва дедукция ақлий хulosанинг асосий шакли бўлиб, билиш жараёнида маълумдан номаълумга томон бўлган фикр ҳаракатини ифодалайди.

Индукция айрим фикрий билишдан умумий хulosалар чиқаришда қўлланиладиган муҳокама усулидир. Хусусийликни ўрганиб, умумийлик билиб олинади. Умумийлик нарса ва ҳодисалар билан узвий алоқада бўлади. Билишда индуктив усул асосида қонуниятлар очилади, тушунчалар майдонга келади. Бу усул давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларининг сабабий боғланишларини текшириш усули ҳамдир. Фанимизда ушбу усулдан фойдаланиб, масалан, қадимги Шарқ давлатларини алоҳида-алоҳида ўрганиш асосида уларнинг барчасида жамоаларнинг роли кучли бўлганлиги, доимий ирригация ишлари талаб қилинадиган хўжаликнинг мавжудлиги, бошқаришни монархия шакли танҳо ҳукмронлиги (Шарқ деспотияси деган хулоса ҳам шундан келиб чиқсан), умуман, уларнинг ижтимоий тузилишида, давлат тизимида ва ҳуқуқий тизимида уруғчилик муносабатларининг қолдиқлари узоқ сақланиб қолганлиги ва ҳоказолар ҳақидаги умумий хусусиятларни билиб оламиз.

Дедукция эса умумийликдан хусусийликка олиб борувчи мантикий усулдир. Фандаги назариялар дедуктив усул на-

тижасида юзага келади. Бу усул асосан далилий материаллар тўплаш натижасида уларни чукур ўрганиш, тизимга солишда қўлланилади. Дедуктив усул турли шакллар: аксиоматик, гипотетик-дедуктив усул шаклида учрайди. Дедуктив усул ақлий хulosса чиқаришнинг барча шакллари билан, биринчи навбатда, индукция билан боғлангандир. Индуктив ва дедуктив усуллар бир-бири билан диалектик боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёки ажратиб қарашиб асло мумкин эмас.

Аналогия (мослик, айнаник, ўхшашлик) усулида давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг турли мамлакатлардаги бирор хусусиятларининг ўхшашигини ўрганамиз. Бу усул ёрдамида икки ёки бир неча мамлакатнинг айрим олинган даврда ёки турли ривожланиш босқичларида давлати ва ҳуқуқи ривожланишининг ўхшашиб хусусиятлари ўрганилади.

Тарихийлик ва мантиқийлик давлат ва ҳуқуқ тараққиёти жараёнининг муҳим хусусиятларини билиш усуllibидир. **Тарихийлик усули** давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланиб бориши аниқ вақтини, даврини билиш усуllibидир. Ҳар бир давлат-ҳуқуқий ҳодисани тарихий нуқтаи назардан, аниқ тажриба асосига боғлаб ўрганмоқ зарур. Тарихийлик усулининг ўзига хос хусусияти тарихий ҳаракатни унинг бутун бойлиги билан пайқаб олишга интилишдир. Давлат ва ҳуқуқ тарихини очиб бериш унинг тараққиётидаги асосий тарихий босқичлар, уларнинг сабаб-оқибат алоқаларини ажратиб кўрсатишни талаб қиласи. Бунинг учун эса унинг моҳияти ҳақида назарий билим бўлиши керак.

Мантиқийлик усули предметнинг назарий шаклда тадқиқ қилиш усули ҳисобланади. У тадқиқот объектининг энг муҳим алоқаларини билиб олишга имкон беради.

Мантиқий билиш усули давлат ва ҳуқуқнинг тарихан объектив реал мавжудлигини, уларнинг ўзаро алоқаларининг бутун рангба-ранглигини акс эттириш вазифасини бажаради. Тафаккур услуби орқали вужудга келган назарий билимлар нисбатан тугалланган билимлар тизими бўлиб, ўз тараққиёт жараёнида ўзгариб бораади. Мантиқий тафаккур услубида кўр-кўрона ҳаракат бўлмайди, балки билимларни умумлаштиради, айниқса тарихийликни тасодифий четлашишлардан сақлайди.

Тадқиқотнинг тарихийлик ва мантиқийлик усуллари - ўзаро диалектик боғланишда. Тарихийлик ва мантиқийлик диалектик бирлиқда аниқ тарихий билимлар асосида давлат ва ҳуқуқ тарихининг асосий йўналишлари ва ривожланиш қонуниятларини аниқлаш мумкинлигини таъкидлайди.

Биз юқорида давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишда қўлланиладиган баъзи умумий усулларнигина кўриб чиқдик холос. Зеро, давлат ва ҳуқуқ тарихини тадқиқ қилишда **кузатиш, ўлчаш, абстракция (мавхум тасаввур), моделластириш, аниқлик, тасаввур, аксиоматик ва бошқа умумий фалсафий усуллар** ҳам қўлланилиши мумкин. Шуни ёдда тутиш лозимки, бу усуллар бошқа фанлар учун ҳам текширишнинг умумий усуллари бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилардан ташқари, давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишда жуда муҳим бўлган айрим **хусусий тадқиқод усуллари** ҳам мавжуд бўлиб, улар устида алоҳида тўхтаб ўтиш керак.

Ҳозирги замон илмий билиш жараёнида кенг қўлланиладиган усул - **тизимлаш усули**дир. У мураккаб объектларни илмий билишда қўлланилади. Тизимлаш усули муайян тарзда ўзаро боғланган ва бир қадар яхлитликни ташкил этадиган унсурлар мажмуини ўрганишни ўз ичига олади. Мазкур усул асосида ўрганилаётган ёки изланаётган объекtnинг бошқа объект билан умумий боғланишлари, муносабатлари очилади. Ҳар бир тадқиқот объекти ва уни ташкил этувчи унсурлар бир бутун тизим деб олинса, шу тизимни ташкил этувчи ҳар бир унсур бир-бири билан ўзининг тутган ўрни, вақти ва имкониятларига кўра функционал боғланган. Бу унсурлардан бирининг ўзгариши иккинчисининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун ҳам уларни ўрганиш тизимлаш усулига асосланади. Ҳар бир тизимни ўрганишда уни бошқа тизимлар билан биргаликда олиб қараш керак. Лекин бу тизимларни бирданига, бир вақтда билиш мумкин эмас, лекин уларни билиш, бир-биридан ажратиш, ўзаро боғлиқликда олиб қараш мумкин. Демак, давлат ва ҳуқуқ ўз ривожланишининг дастлабки босқичлариданоқ анча мураккаб ижтимоий қурилмалар бўлган экан, тарихий-ҳуқуқий изланишларда уларни тизимлаш йўли билан таҳлил қилиш самарали услубдир. Зеро, бу услугуб ёрдамида давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқ мураккаб

бутун тузилишидан унинг алоҳида, ўзига хос, такрорланмас, шунингдек, умумий хусусиятларга эга бўлган таркибий қисмларини ажратиб олиш мумкин бўлади.

Киёсий-тариҳий усул - билиш фаолиятида тадбиқ қилинадиган муҳим усул бўлиб, билимларнинг шаклланиши, ривожланишида алоҳида бир босқичдир. Объектив реалликдаги нарса ва ҳодисаларни "қайта ўрганиш" жараёнида маълум бўлган билимлар билиш амали бажарилаётган вақтда олинган билимлар билан таққосланади. Изланувчи аввалги маълум билимларга таянган ҳолда изланаётган объектга хос бўлган ўхшаш ва фарқли томонларни таққослаш орқали аниқлади. Таққослаш бир нарса ёки ҳодисанинг иккинчи бир нарса ёки ҳодисадан фарқли ва ўхшаш томонларини ҳамда уларнинг муносабатларини ўрганиш усули ҳисобланади. Киёсий-тариҳий усулдан фойдаланиш давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг бир вақтнинг ўзида ёки турли тариҳий босқичларда, лекин турли мамлакатлардаги баъзи умумий қонуниятларини ва мос тушадиган белгиларини аниқлашга имкон беради. Бошқача қилиб айтганда, қиёсий-тариҳий усул айрим мамлакатларнинг давлат-хукукий қурилишидаги умумий ва ўзига хос томонларини билиш ва шу асосда давлат ва ҳуқуқ тараққиёти қонуниятларини таърифлаш ва аниқлаш имкониятини беради. Чунончи, турли мамлакатларда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш жараёнларини бир-бирига таққослаб, турли ҳалқларда бу жараённинг умумий қонуниятлари ва ўзига хос томонлари борлигини билиб оламиз.

Давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишда айниқса **муайян-тариҳий ёндашув усули** катта аҳамиятга эга. Бу давлат ва ҳуқуқка уларнинг ўзига хос ва такрорланмас шароитларда вужудга келиши ва ривожланишини, қатор ҳолларда эса у ёки бу давлат ёки ҳуқуқий тизимнинг ноёблигини кўриб чиқиши назарда тутади.

Статистик усулдан тариҳий жараённинг сон-миқдор томонларини тадқиқ қилишда, аниқроғи, ўрганиш объекти кўпдан-кўп сон кўрсаткичларидан иборат бўлган вақтда фойдаланилади. Тадқиқотнинг бу усулидан фойдаланиш муҳим масалаларни аниқлашда жуда қўл келади. Масалан, ривожланишининг узоққа чўзилганлигини, кенг тарқалганлигини, суръатларини ва бошқа қўп томонларини статистик усул асосида ўрганиш яхши натижалар беради. Статистик

усул тадқиқотчига тасодифий ҳодисалардан энг зарурларини ажратиб олишга, оммавий ҳодисалар билан боғлиқ маълум жараёнларнинг қонунийлигини аниқлашга ёрдам беради ва ҳоказо.

Давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишга юқорида кўрсатилган тадқиқот усуулларининг ҳаммасидан Фойдаланган ҳолда комплекс ёндашиш фаннинг моҳиятини тўлиқ очишга ёрдам беради.

5. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуки тарихини даврларга ва таркибий қисмларга бўлиб (системага солиб) ўрганиш

Ўқув курси материали хронологик изчилиқда жойлаштирилган. Маълумки, адабиётларда инсоният жамияти тарихини қуидаги асосий даврларга: қадимги дунё, ўрта асрлар, янги давр ва энг янги давр (XX аср)га бўлиб ўрганиш қабул қилинган. Ушбу даврларнинг ҳар бири давлат ва ҳуқуқнинг ривожланишидаги алоҳида тарихий босқич ҳисобланади. Мазкур ўқув курси илгариги рус ва ўзбек тилларида чоп этилган ўқув курсларидан фарқ қилиб, жамиятни ижтимоий-иқтисодий формацияларга бўлишга асосланган марксча-ленинча назарияга таянмайди. Унда алоҳида мамлакатларда, айниқса Шарқда қадимги ва ўрта асрлар жамиятининг ривожланиши алоҳида йўллар билан борганлиги, у ердаги қулчилик муносабатларининг антик қулчиликдан фарқ қилиши, Фарbdаги феодал жамиятлар ўзига хос йўллар билан ривожланганлиги ҳисобга олинади.

Ўқув курсида кулдорлик, феодал, буржуа тузумлари деган тушунчалардан фақат соф методик мақсадлардагина, яъни қадимги давр давлати ва ҳуқуқини даврларга бўлиш зарурияти нуқтаи назаридан шартли равишда фойдаланилган.

Умуман давлат ва ҳуқуқ тарихини даврларга бўлишда давлатларнинг маданиятга эришганлиги, тарихий-сиёсий, мафкуравий ва бошқа муҳим омиллари ҳисобга олинган.

Мазкур ўқув курсида у ёки бу ҳалқларнинг дини, мафкураси, ноёб томонларининг қадимги давр давлати ва ҳуқуқи ривожи учун таъсирига катта эътибор берилган.

Ўқув курсида давлат ва ҳуқуқ масалаларига бериладиган тавсиф қуидаги тизимга асосан баён қилинади:

1. Ўрганилаётган давлатнинг ташкил топиши (келиб чиқиши, пайдо бўлиши, ўрнатилиши, эълон қилиниши).
2. Унинг ижтимоий тузуми, яъни социал анатомияси.
3. Унинг давлат тузуми - давлатнинг типи, бошқариш шакли, тузилиши, механизми, армияси, полицияси ва суд тузилиши ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари.
4. Ҳукуқнинг асосий белгилари - ҳукуқ манбалари, соҳалари ва институтлари.

Ушбу тизимдан четга чиқиш фақат баъзи ҳоллардагина юз бериши мумкин. Масалан, алоҳида мамлакатларнинг давлати ва ҳукуқи ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлардан, шунингдек, баъзи мамлакатлар давлати ва ҳукуқи ўрганилаётганда юқоридаги элементлардан бирортаси ҳақида тўлиқ маълумотлар бўлмаган ҳолатлардан келиб чиқиб, ўрнатган тизимимиздан четга чиқишимиз мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозимки, сулолалар, қўзғолонлар, урушлар, илм-фан, маданият, меъморчилик ва ҳоказолар тавсифи Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳукуқи тарихи курсининг мавзуига кирмайди. Лекин булар давлат ва ҳукуқда ўзгаришлар бўлишига таъсир этса у ҳолда бу масалалар ҳам фанимиз предметига айланиши мумкин.

МУҚАДДИМА БҮЛИМ

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ТАРИХИДАН ОЛДИНГИ ДАВР

1. Ибтидоий жамият ва давлат пайдо бўлгунга қадар мавжуд бўлган ижтимоий бошқариш шакллари

Инсоният тарихи икки асосий даврга: ибтидоий жамият ва цивилизацияга бўлинади. Инсоният ривожланишининг дастлабки (бошланғич) ва қонуний босқичи ҳисобланган ибтидоий тузум жуда узоқ вақт, ҳозирги замон фани маълумотларига қараганда, икки миллион йилдан ортиқ вақт ҳукм сурган. Ибтидоий жамият тарихи одамзоднинг пайдо бўлишидан то давлатнинг ташкил топишигача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу вақтда ҳали давлат ва ҳуқуқ бўлмаган эди. Лекин давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши жараёни айнан шу даврдан бошланади. Ҳали давлат ва ҳуқуқ мавжуд бўлмаган жамият тарихини ўрганиш инсоният тараққиёти бошланғич босқичининг умумий қонуниятларини аниқлашга имкон беради. Давлат ва ҳуқуқни вужудга келтирган тарихий шароритлар ва сабабларни билиш уларни янада ривожлантиришнинг конкрет усусларини топишга ёрдам беради.

Инсоният тарихида энг узоқ умр кўрган ва ривожланишнинг катта йўлини босиб ўтган ибтидоий жамиятнинг социал-маданий қиёфаси ва хўжалиги тобора ўзгариб, тараққий этиб борган. Ҳозирги замон фанида инсониятнинг энг қадимги тарихини даврларга бўлишга олимлар турлича ёндашадилар. Ибтидоий жамият тарихи бўйича ягона даврлаштириш мавжуд эмас. Тарихчилар, археологлар, геологлар уни ўзларича турли даврларга бўладилар. Тарихчилар ўз даврлаштиришида ижтимоий муносабатлар характеристига асосланиб ибтидоий жамият тарихини икки босқичга: 1) ибтидоий гала бўлиб яшаш босқичи (уруғчилик жамиятидан илгариги жамият)га ва 2) уруғ жамоаси (она уруғи ва ота уруғига ажратиладиган уруғ жамоаси) босқичига бўладилар. Археологлар эса моддий маданият ёдгорликларини қуроллар ясаш материали ва техникасига қараб классификация қилиб, ибтидоий жамият тарихини археологик нуктати назардан даврлаштирадилар. Улар қадимги жамиятни тош асли, бронза асли ва темир аслига, асрларни эса қу-

ролларнинг хиллари ва ясаш техникасига қараб замонларга бўладилар. Масалан, тош асри уч замонга: 1) палеолит (қадимги тош), 2) мезолит (ўрта) ва 3) неолит (янги) замонга бўлинади. Замонлар даврларга (илк ва кейинги даврларга) бўлинади ва ҳоказо. Лекин археологик даврлаштириш ўзининг барча афзалликлари қарамай, ижтимоий муносабатлар эволюциясини мутлақо акс эттирамайди. Бунинг устига, кишиларнинг ижтимоий муносабатлари характерини меҳнат қуролларига қараб аниқлаб бўлмайди, чунки айни бир археологик даврда турли ҳалқлар ҳар хил ижтимоий тузумга эга бўлганлар. Чунончи, бронза даврида Миср ва Жанубий Осиё ҳалқлари ўзларининг давлатчилигига эга бўлган бўлса, Европа ҳалқлари эса айни замонда уруғилик тузуми босқичида яшаган.

Давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитларини тушуниш учун ибтидоий жамиятдан икки асосий босқич: ўзлаштирувчи хўжалик ва ишлаб чиқарувчи хўжалик босқичини ажратиб олиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзлаштирувчи хўжалик (териб-термачлаш, овчилик, балиқчилик)дан ишлаб чиқарувчи хўжалик (дехқончилик, чорвачилик)ка ўтиш неолит даврига тўғри келиб, бунга неолит инқилоби дейилади. Бу давр тахминан милоддан аввалги VIII-III мингинчи йилларга тўғри келади.

Ўзлаштирувчи хўжалик босқичида ҳали инсоннинг ўзини биоижтимоий мавжудот сифатида ташкил топиш жараёни давом этган. Бу даврда одамлар энг содда тош қуроллардан фойдаланганлар ва асосан табиатнинг тайёр неъматларини ўзлаштириш (термачилик, овчилик, балиқчилик) ҳисобига яшаганлар. Улар кўчманчилик (дайдиб юриш) ҳаёт тарзини бошдан кечириб, йўлбошчилар раҳбарлиги остида маълум жой билан чегараланган ва алоҳида (ажралган) кичик-кичик гурухларга бирлашган эдилар. Бу маданий-иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг қолоқ, паст даржасини акс эттирувчи содда ва примитив ижтимоий ташкилот шакли эди. Адабиётларда уни ибтидоий тўда ёки ибтидоий жамоа деб юритилади.

Ибтидоий жамиятнинг ички ҳаёти тартибсиз бўлиб кўринса ҳам, унда нафақат ўз-ўзидан, ташқи таъсирсиз, тасодифан вужудга келадиган жараёнлар, балки олдиндан ўрнатиб қўйиладиган қоидалар, таъқиқлар, мезонлар ва бошқа

юриш-туриш меъёрлари билан тартибга солинадиган жараёнлар ҳам мавжуд эди.

Жамоа ичидаги муносабатлар эгалитар¹ характерга эга бўлган.

Тенглик асосан озиқ-овқат ва бошқа ресурсларни таксимлаш жараёнида намоён бўлган. Бундай тенглик асосида жамоага хос бўлган хотинларни, озиқ-овқатларни, меҳнат куролларини тенг қийматли айирбошлиш ётарди. Қадимий кишилар жамоасидаёқ йўлбошчининг гуруҳнинг бошқа аъзолари устидан чинакам ҳокимлиги юзага келган эди. Жамоа аъзолари йўлбошчининг иродасига бўйсуниши меъёр сифатида қабул қилган эдилар.

Шундай қилиб, ибтидоий жамоанинг узоқ давом этган эволюцияси жараёнида туфма инстинктлар ўз ўрнини ижтимоий-маданий турмуш тарзига, яъни ижтимоий алоқалар тизимиға бўшатиб берган. Бу эса инсоният жамиятининг мавжудлиги ва янада тараққий этиши учун имкон туғдирган.

Никоҳ - жинсий муносабатлардаги мухим ўзгаришлар (эзогамия²нинг жорий қилиниши, яъни яқин қариндошлар ичida никоҳ алоқаларининг тақиқланиши), сўнгра эса ишлаб чиқарувчи иқтисодиётга ўтишни бошлаб берган неолит инқилоби натижасида ижтимоий муносабатлар янада мураккаблашган, ибтидоий жамоа ўз ўрнини уруғдошлик жамоасига бўшатиб берган. Галанинг уруғ жамоасига айланниши, ҳеч шак-шубҳасиз, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши, шунингдек, эзогамиянинг пайдо бўлиши билан боғлиқидир.

Бирлашган ишлаб чиқариш жамоасидан иборат бўлган уруғ фақат эзогамия хусусияти билангина характерланиб қолмайди, унинг бошқа белгилари ҳам мавжуд. Уруғда жамоавий меҳнат ҳукмронлик қиласи. Манзилгоҳларнинг ов қилинадиган жойлар яқинида бўлиши бу ерда яшаган одамларда ишлаб чиқариш фаолияти (овчилик, териб-термачлаб ғвқат топиш) учун муайян уруғ ҳудуди мавжуд бўлганлигини, ишлаб чиқариш воситалари умумий мулк ҳисобланганлигини кўрсатади. Туарар-жойларга ва уларнинг атро-

¹ Эгалитаризм - французча *egalité* - тенглик сўзидан олинган.

² Эзогамия - грекча *ехо* - "ташқари", *gemos* - "никоҳ" деган сўзлардан олинган.

фидаги хўжалик хусусиятларига қараб умумий меҳнат са-маралари бутун жамоанини бўлганлиги ва улардан биргаликда фойдаланилганлиги аниқланган.

Шундай қилиб, уруф қон-қариндошлардан иборат хўжалик жамоаси бўлиб, унда биргаликда ишлаб чиқариш мавжуд бўлган, у ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол маҳсулотларининг умумий мулклигига асосланган; уруф - бу экзогамия никоҳ тартиби ва қариндошликтининг бир томонлама (она ёки ота томондан) ҳисобланиши билан, ҳудуднинг умумийлиги, номи ва эътиқоднинг бирлиги билан, ижтимоий хаётдаги демократик тартиблари билан таърифланади.

Уруф жамоаси дастлаб истеъмолчилар (овчилар, балиқчилар)нинг илк уруғчилик бирлашмаси сифатида, кейинчалик эса ишлаб чиқарувчилар (дехқонлар ва чорвадорлар)нинг ривожланган жамоаси сифатида майдонга чиқсан. У ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг асосий бирлиги, ибтидоий демократиянинг ёрқин ифодаси бўлган эди. Неолит инқилоби одамларни баъзи нарсаларга, аникроғи озиқовқатни ўзлари тайёрлашларига ўргатди. Бу эса истеъмолчилар жамоасини ишлаб чиқарувчилар жамоасига айлантириди. Уларни ўтроқ турмуш тарзига ўтишга ва маълум ҳудудда жойлашишга тайёрлади.

Уруғдошлик жамоасида меҳнат тақсимоти, озиқ-овқат тақсимоти ва никоҳ-оила муносабатлари аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган эди. Тақсимот одамларнинг ёшига, жинсига ва бошқа белгиларига кўра амалга оширилар эди. Уруғдошлик жамоасида гуруҳ раҳбари маълум имтиёзлардан фойдаланиши мумкин бўлган. Бундай имтиёзларга айниқса ўзига юклатилган турли вазифаларни (масалан, гурухга бошчилик қилиш, унинг яхши яшashi учун шароитлар яратиш, манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни) муваффақиятли адо этган раҳбарлар кўпроқ эгалик қиласидилар. Мазкур ҳолатда гуруҳ раҳбари бошқа аъзолар томонидан сўзсиз кўллаб-қувватланар эди, унинг обрў-эътибори ва ҳокимлиги ортиб борарди. Бу ҳокимият давлатдан илгариги, уруғдан ажралмаган ҳокимият эди. Жамоа ишлари барча жамоа аъзолари иштирокидаги жамоа йиғинларида кўриб ҳал қилинар эди. Ҳудди шу йиғинда уруф бошлиғи - гуруҳ раҳбари - оқсоқол барча ижтимоий ишларни бошқарувчи сайланарди. Оқсоқол ҳокимияти мажбурлашга эмас, балки оқсоқолнинг обрў-эътибори, ҳурмати ва бутун жамоа

аъзоларининг уни тан олишига асосланарди. Оқсоқолнинг ўзи ҳам бошқа жамоа аъзолари каби жамоа анъаналарини, урф-одатларини, юриш-туриш қоидаларини сўзсиз бажариши лозим эди, акс ҳолда, у ўз ўрнини бошқасига бўша-тишга мажбур бўлар эди, яъни унинг ўрнига бошқаси сай-ланарди.

Уруғдошлик жамиятида тенгликнинг мавжудлиги, шунингдек, йўлбошчиларнинг сайлаб қўйилиши ва алмаштириб турилиши ҳали уруғчилик демократиясининг мавжудлигини англатмас эди. Чунки бу жамиятда меҳнат ва юриш-туришнинг қаттиқ интизоми, ҳамманинг бажариши шарт бўлган диний маросимлар мавжуд бўлган.

Оила-уруг жамоасида ибодат, топиниш, сифиниш ва у билан боғлиқ диний маросимлар, урф-одатлар, анъаналар ва ҳоказолар асосида гурухнинг барча аъзолари томонидан риоя қилиниши шарт бўлган ва унча мураккаб бўлмаган ахлоқ (юриш-туриш) қоидалари юзага келган. Бу уруғчилик меъёрлари мифологик-рамзий никобланган ва кўпроқ тотемистик¹ маросимларга оид бўлиб, ўзида ибтидоий жамиятнинг табиий яшаш шароитларини акс эттирган. Улар биргалиқда яшаш руҳи билан киритилган, уруғчилик жамоаси аъзоларининг ўзаро қўллаб-қувватлашини назарда тутган, хўжалик фаолиятини ва никоҳ муносабатларини тартибга солишга қаратилган, жамоа аъзолари учун турли чеклаштақиқлар ва уларнинг юриш-туриши ҳамда ахлоқининг қатъий қоидаларини ўрнатган эди. Жамоа томонидан ўлжа қилиб олинган маҳсулотларни тақсимлаш ҳамда истеъмол қилишнинг қатъий тартиби ўрнатилган эди. Бунда ажратиладиган ҳиссага қараб, гуруҳ аъзолари даражаларга - рангларга бўлинган эди. Бундай тақсимот меъёрларини амалга тадбиқ қилиш йўлбошчининг мухим функцияси ҳисобланган.

¹Тотемизм - ибтидоий дин шаклларидан бири бўлиб, уруғчилик жамиятида одамлар гурухларининг бирор ҳайвон, балиқ ёки ўсимлик тuri билан, яъни муайян гурухнинг "тотеми" ҳисобланадиган ва шу ном билан юритиладиган гурухнинг ўз тотеми билан гайритабии қариндошлик алоқасига ишониш ҳисобланади. Тотемизм хўжалик ривожланишининг овчилик-териб-термачлаб овқат топиш босқичида вужудга келган. Овчилик уша даврдаги одамларнинг асосий машгулоти бўлган, шу сабабли урутлар ҳайвонларнинг номлари билан аталади.

Жамоа - уруғчилик меъёрлари синкетик¹ характерга эга бўлиб, ўзида айни вақтда диний, ахлоқий ва бошқа ижтимоий мажбурий талабларни сақлаган.

Анча мустаҳкам, барқарор уруғ жамоаларида юқоридаги меъёрлар манфаатлар, диний тасаввурлар ва бошқа қадриятлар кучи билан қўллаб-қувватланадиган ўз-ўзидан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларни акс эттирган. Бу табиийки, ушбу меъёрларнинг ҳукмрон ва мажбурловчи характерга эга бўлганлигини кўрсатади. Агар оила-уруғ аъзоси унинг яшаш қоидаларига риоя қилишни хоҳламаса, оғир ножӯя иш қилса, калтакланиши, ҳайдаб юборилиши ёки, ҳатто, жамоа иродаси бўйича ўлимга маҳкум этилиши мумкин бўлган.

2. Жамият устидаги курилмаларнинг пайдо бўлиши ва илк давлатларнинг ташкил топиши

Нёолит инқилоби ва милоддан аввалги VII-V мингинчи иyllарда инсониятнинг ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиши турли халқларда турлича бўлган ва чуқур оқибатлар келтириб чиқарган.

Аввало кишиларнинг яшashi ва муваффақиятли хўжалик фаолияти учун қулай минтақаларда² дастлабки ўтроқ дехқончилик жамиятларининг пайдо бўлганлигини, шунингдек аҳолининг сони ва зичлиги бирданига ўсганлигини таъкидлаш лозим. Дехқончилик жамоалари ўсиб борган. Бу жараён ҳаммадан аввал оила-уруғ гуруҳларининг ажralиб чиқишида намоён бўлган. Йирик дехқончилик-уруғчилик жамоалари худудларида бир неча поселениялар, ҳатто, кварталлар ташкил топиши мумкин эди. Улардаги хўжалик ҳаётининг ўсиши ва жонланиши оқибатида шаҳар типидаги поселенияларнинг шаклланиши содир бўлган.

Вақт ўтиши билан оила-уруғ гуруҳларининг ички ташкилий тузулиши мураккаблашган, уларнинг аъзолари янги маданий ва ишлаб чиқариш билимларини эгаллаб олган-

¹ Синкетизм - грекча "synkretismos" - қўшилган сузидан олинган булиб, нарсанинг бир-биридан ажралмаган, қоришиқ ҳолатини англатади.

² Минтақа - узаро чегарадош, бир гурух мамлакатлар ёки вилоятлардан иборат катта район.

лар, меңнат тақсимоти (дәхқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва ҳоказолар) бошланган. Буларнинг ҳаммаси жамоа ва биргалиқдаги ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига олиб келган. Ишлаб чиқарувчи хўжалик уруғчилик жамоалари аъзоларининг нафақат энг зарур эҳтиёжларини қондирган, балки ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлишига олиб келган. Бу ортиқча маҳсулотлар дастлаб урганинг ичидаги яна қайтариб олиш мумкин бўлган шароитда айрибошланган. Лекин улар аста-секин қабилалараро алоқалар доирасига тушиб, товарга айланиб борган. Товар ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши ўз навбатида ортиқча маҳсулотнинг янада ўсишига, бойликнинг тўпланишига олиб келган (бу эса қадимий уруғдошлик жамиятида йўқ эди). Оқибатда алоҳида оила-уруг жамоалари, шунингдек уруғчилик гуруҳлари орасида мулкий тенгсизлик келиб чиқиши учун объектив асос пайдо бўлган.

Ихтимоий маҳсулотнинг кўпайиб бориши мулкий тафовутларнинг чуқурлашувига, шу билан бирга, уруғ-жамоа юқори қисми қўлида мулкий ва ихтимоий имтиёзларнинг мустаҳкамланишига олиб келган. Янги шароитларда оила-уруг гуруҳида уруғчилик лавозимларини эгаллаб туриш йўлбошчиларга фақат обрў ва нуфуз келтирибгина қолмай, балки жамоа тузумининг ўтган босқичига хос бўлган, лекин маҳсус ва анча юқори мавқе берган. Бунда уларни сайлаб кўйиш тартиби ҳали сақланиб қолган эди.

Йўлбошчига тақдим этилган ва тобора кўпайиб бораётган мулкий ва бошқа имтиёзлар (масалан, бир неча хотинга эга бўлиш ҳуқуқи)ни уларнинг эндилиқда амалга ошираётган анча мураккаб вазифалари ва зиммаларига олган жиддий мажбуриятлари эвазига берилган деб қаралар эди. Оила-уруг жамоалари йўлбошчиларининг мажбуриятлари тобора кўпайиб борган. Улар қаторига ихтимоий ишларни ташкил қилиш, ер участкаларини қайта тақсимлаш, қўшни оила-уруг жамоалари билан муносабатлар олиб бориш кабилар кирган. У ёки бу даражада анъанага айланиб қолган ушбу вазифаларга бутун жамоа томонидан ишлаб чиқарилган ортиқча маҳсулотни қайта тақсимлашдан иборат янги ва жуда муҳим вазифа қўшилган. Бу ерда энди келажакка, давлатчилик асосида ташкил этилган жамиятга хос унсурлар, эксплуатация тизими пайдо бўла бошлаган.

Неолит инқилоби ва жамият ижтимоий-иқтисодий тузулишининг мураккаблашуви натижасида оила-уроф гурухларининг ичидаги ҳокимиятни амалга ошириш борасида чукур ўзгаришлар юз берган.

Оила-уроф гурухида йўлбошли ҳокимияти илгаригидек потестар характеристини сақлаб қолган. Лекин у томондан амалга ошириладиган вазифалар унинг ҳокимиятини сиёсий, давлат ҳокимиятига яқинлаштирган, чунки у оила-уроф жамоаси аъзолари бажариши шарт бўлган катта кучга эга бўлиб олган эди. У энди илгаригидек шахсий сифатлари га боғлиқ бўлмай, кўпроқ энг олий бошқарувчи мақомига эга шахс бўлиб қолган. Айнан шу боис йўлбошчиликка интилевчи гуруҳ аъзоларининг кўз ўнгида йўлбошчининг обрў-эътибори эмас, балки ҳокимиятчилик вазифалари энг олий қадрият касб эта бошлаган. Ҳокимиятга интилиш жамоа га ўз иродасини ўтказишга, ҳокимиятдан маълум мулкий ва шахсий имтиёзлар олишга бўлган хоҳиш-истак орқали мустаҳкамланган.

Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишига бевосита алоқаси бўлган неолит инқилобининг муҳим оқибатларидан бири уруғлараро алоқаларнинг ривожланиши ва жамият устида ги курилмаларнинг шаклланиши бўлган. Бу курилмаларнинг вужудга келиши ва эволюцияси маълум даражада ташқи таъсирсиз (ўз-ўзидан) кечган ва конкрет-тариҳий далиллар таъсирида турли шаклларга эга бўлган. Улардан баъзилари айрим халқлар учун типик бўлган, бироқ бошқа халқларда ривожланмаган. Давлатчиликнинг ташкил топиши жараёнида жамоалараро алоқалар ва ташкилий қурилмаларнинг шаклларидан бири - қабилавий тузум алоҳида мавқега эга бўлган. Бироқ ҳозирги адабиётларда унинг умумийлиги ва аҳамияти баъзан шубҳа остига олинади.

Жамоа тузумининг, айниқса, сўнгги уруғчилик жамоаси-нинг табиий эволюцияси (тадрижий ривожланиши) натижасида кўпгина янги оила-уроф жамоалари вужудга келган. Бу эса анча йирик ижтимоий ташкилотлар - иттифоқлар (Фратриялар) ва қабилаларнинг, баъзан эса қабилалар иттифоқининг пайдо бўлишига олиб келган. Қабила, одатда, ўз худудига, номига, тилига (шевасига), диний ва маиший урф-одатларига эга бўлган. Аста-секин қабиланинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, аввало қабила кенгаши ташкил топа бошлаган. Унинг таркибида, одатда, қабила-

даги барча уруғларнинг оқсоқоллари (доҳийлари) кирган. Қабила кенгаши аъзолари, шунингдек, қабила йўлбошчиси (доҳийси) қабила аъзолари томонидан сайланган ва алмаштирилган. Қабиланинг ҳар қандай аъзоси Кенгаш мажлисига сўзга чиқиши имкониятига эга бўлган ва мажлис қарорлари юзасидан ёки қабила бошлигининг хатти-ҳаракатлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдира олган.

Қабила органларининг фаолияти жамоа ишларини ташкил этишга, оила-уруғ гуруҳлари ўртасидаги алоқаларнинг кенгайишига (жумладан, жамоалараро маҳсулотлар айирбошлашга), уруғлараро низоларни, шунингдек, бошқа қабилалар билан ўзаро муносабатларни тартибга солишга ёрдам берган. Дастребу бу органлар факат айрим оила-уруғ гуруҳлари манфаатлари доирасидан четга чиқадиган баъзи масалаларнигина ҳал қилган.

Тақсимотчилик муносабатлари узоқ вақтгача қабила кенгаши томонидан юритилмаган ва қабила одатлари билан эмас, балки уруғчилик одатлари билан тартибга солинган. Лекин аста-секин ишлаб чиқарувчи иқтисоднинг ривожланиши, ички қабилавий ташкилотнинг мураккаблашуви натижасида ўзини-ўзи бошқарув уруғ-қабила доирасидан қабила даражасига ўсиб чиқкан. Эндиликда уруғ жамоалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, лекин, албатта, уларнинг ички ҳётига ҳам таъсир этувчи (бу сўзсиз жамоа демократиясининг аҳамияти ва мустаҳкамлигига птур етказган) қабила меъёрлари (одатлар, маросимлар, расм-русумлар ва бошқалар) ҳам катта аҳамият касб эта бошлаган.

Давлат ва хукуқ тарихидан олдинги даврнинг муҳим босқичи - бу жамоа тепасида турувчи мураккаб тузилмаларнинг ва уларга мос бўлган ижитимоий-меъёрий тартибга солиш механизмларининг ташкил топиши билан бир қаторда ўз мазмунига кўра давлатдан олдинги жамиятни бошқаришнинг тамомила янги асосларининг шаклланиши бўлган.

Бошқарувчилик фаолиятининг янги қиёфаси жамият ҳаётининг эҳтиёжлари, хўжалик фаолиятининг мураккаблашуви ва одамларнинг ижитимоий-маданий алоқаларининг бутун тизими натижасида шаклланган. Ижитимоий ишларни ташкил этиш ва назорат қилиш, озиқ-овқат ва бошқа ресурсларни сақлаш ва тақсимлаш, қўшни гуруҳлар билан айирбошлаш муносабатларини ушлаб туриш зарурияти керакли

билимларга ва маҳоратларга эга бўлган маҳсус ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар қатламининг ажралиб чиқишига олиб келган.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг муҳим турлари (дэҳкончиликдан чорвачилик ва бошқаларнинг ажралиб чиқиши) билан бир қаторда бошқарувчилик фаолиятининг ҳам ажралиб чиқиши ва аста-секин ихтинослашиб - доимий касбга айланиб бориши содир бўлган. Одамларнинг сон жиҳатдан иккита нотенг гурухларга (бошқарувчилар ва бошқарилувчиларга) бўлиниши жуда катта аҳамиятга эга бўлган, бу давлатнинг ташкил топишидаги охириги босқич ҳисобланган. Бошқарувчилик мансаблари уларнинг әгаларига катта моддий фойдалар берган, уларнинг бутун жамоага ўз хоҳиш-иродаларини ўтказишларига имконият яратган. Шакланаётган бошқарувчилар табақаси ўз ҳокимиятидан ва имтиёзларидан ажралиб қолишини асло хоҳламас эди, уни ўз оиласи ва уруғи билан мустаҳкамлашга интилган. Ташкилотчилик фаолияти сиёсий характер касб этган. Жамоанинг маъмурий оқсусяклари (аслзодалари) давлат зодагонларига айланган. Жамоанинг юқори доиралари ўз анъанавий обрӯ-этибиоридан ва диний-мифологик асослар тизимидан фойдаланиб, тез-тез бошқалар учун берк бўлган ёпик табақага ёки кастага бирлашишга ҳаракат қилган.

Ташкил топаётган илк давлатчаларда йўлбошчи (доҳий)-нинг мавқеи ҳам ўзгарган, у борган сари кўпроқ маъмурий мансабларга таянадиган бўлиб қолган ва шу тариқа ўз ҳокимиятини кучайтириб борган. Шундай қилиб, илк давлатчалар уруғ-қабила тизимида ташқаридан зўрлаб киритилган куч сифатида эмас, балки жамоа тузилмаларининг мантиқий ва табиий ривожланиши натижасида унинг тадрижий давоми сифатида вужудга келган. У оила-уруг гурухларининг умумий манфаатлари ва эҳтиёжлари билан мустаҳкамланган, лекин илгариги ижтимоий бошқарув тизимидан мураккаб маъмурий иерархия¹ ташкил этганлиги билан фарқ қилган. Бу иерархиянинг энг тепасида йўлбошчи (до-

¹ Иерархия - куйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсуниши.

хий) турган, унинг ҳокимияти авторитар¹ ва муқаддас характерга эга бўлиб қолган.

Кўп хуқуқий-тариҳий адабиётларда жамоа устида турувчи дастлабки қурилмаларнинг ва илк давлатчаларнинг вужудга келишига сабаб бўлган қатор омиллар кўрсатилади. Бундай омилларга одатда экологик мұхит (иссиқ иқлим, ҳосилдор тупроқлар, сув ресурслари ва бошқалар), нисбатан кўп ортиқча маҳсулот берувчи барқарор ишлаб чиқариш даражаси, демографик оптимум² кабилар киритилади. Босқинчилклар ва урушлар гарчи иккинчи даражали бўлса-да, давлатнинг ташкил топишида мұхим омил ҳисобланади. Улар жамоа алоқалари тадрижий ривожланишининг ички жараёнларига таъсир эта олмайди, лекин илк давлатчаларнинг ташкил топишини тезлаштирадиган қурдатли ҳарбий-ташкилий қурилмаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Илк давлатларнинг ташкил топиш факти айниқса қулай табиий шароитларга эга бўлган минтақаларда кўпроқ учрайди. Бундай жойларда бирданига бир неча илк давлатчалар вужудга келгандилиги тариҳдан маълум. Шундай дастлабки давлат ташкилотлари илк шаҳар - давлатлар номини олган. Тез орада ушбу шаҳар - давлатлар ўртасида кескин қарама-қаршиликлар ва сўнgra ҳарбий тўқнашувлар келиб чиқсан. Охир оқибатда ҳарбий ташкилоти анча кучли ва самарали бўлган давлат ғалабага эришган. Натижада ҳарбий-иерархия тузилмалари кўринишига эга бўлган давлатлар анча кенг тарқалган. Айнан шу ҳарбий демократия бўлган бўлса эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо мазкур ҳарбий демократиянинг аҳамияти ва кенг тарқалгандилиги Л.Морганнинг³ асарларидан бошлаб адабиётларда узоқ вақтгача бўрттириб кўрсатилган. Бизнингча, ўзга давлатларни зўрлиқ йўли билан қўшиб олишга, бошқа халқлар устидан ҳукмронликка, зўравонликка асосланган давлатларни - ҳарбий демократияларни бўрттириб кўрсатиш, уларни илк давлатларнинг ташкил топишидаги асосий омил сифатида қайд этиш учалик тўғри эмас.

¹Авторитар - ҳокимият, диктатура ва шу кабиларга кур-куронва сусиз буйсунишга асосланган.

²Демографик оптимум - аҳолининг энг қулай шароитларда жойлашниши.

³Л.Морган - XIX асрдаги таниғли америкалик этнограф.

Урушлар ва табиий ўсиш давомида, шунингдек, иккинчи даражали давлатлар ҳам вужудга келган, улар ўз таркибида бир неча илк шаҳар-давлатларни бирлаштирган ёки баъзан ургуф-қабилалари ҳамда аллақачон ташкил топган давлат қурилмалари билан бирга катта-катта ҳудудларни қўшиб олган. Бундай давлатлар анча мураккаб ташкилий-бошқарув қурилмаларига эга бўлиб ва жуда хилма-хил маъмурий функцияларни бажариб, синфий характерга эга эмас эди, бу вақтда ҳали синфлар бўлмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шаҳар-давлатлар (илк давлатчалар) дастлабки ва оддий давлат ташкилотлари сифатида ҳали жамият синфларга бўлинишни билмаган даврда ташкил топган.¹ Улар жамият ривожининг анча юқори босқичида давлат ҳокимиятининг фаол таъсири натижасида келиб чиқкан.

Шундай қилиб, ҳозирги замон тарихий, этнографик, археологик ва бошқа маълумотларнинг ёрқин гувоҳлик берисича, давлат адабиётларда кўп вақт марксча-ленинчча таълимот асосида эътироф этиб келинганидек, синфий ҳукмронлик асосида эмас, балки ибтидоий жамоа тузумининг табиий ривожланиши давомида ички сабаблар натижасида пайдо бўлган жамоа тепасида турувчи тузилмалардан ташкил топган. Илк шаҳар-давлатларнинг характерли белгиларидан бири - бу мураккаб ташкилий-бошқарувчилик тизимининг ташкил топиши ва уни аста-секин ёпиқ ва ўзини туғдирган жамиятдан ажralиб борадиган тизимга айланishiда бўлган.

Шаҳар-давлатларнинг ташкил топиши - бу инсониятнинг ибтидоий жамиятдан цивилизацияга ўзига хос ёриб ўтиши бўлган. Бу "ўтмиш" турли қитъаларда ва турли халқларда тарихий жараёнларнинг нотекис ривожланиши натижасида турли вақтларда содир бўлган ҳамда асрлар ва баъзан минг йиллаб давом этган. Дунёда биринчи цивилизация ва шаҳар-давлатлар Қадимги Шарқда² милоддан аввалги IV-III минг йилликларда ёки ташкил топган эди. Ўрта ер денгизи ҳавзасида - антик дунёда эса цивилизация ва

¹ Қарант: О.А. Жилков Продыстория государства и права (В кн. Истории государства и права зарубежных стран. Ч 1, М., 1998), 9-бет.

² "Қадимти Шарқ" тушунчаси фандо жанубий-гарбий, жанубий ва шарқий Осиё, шунингдек, шимолий ва шимолий-шарқий Африка мамлакатлари йигиндинини антик учун анъанавий тарзда шартли равишда ишлатилади.

давлатчиликка ўтиш бирмунча кейинроқ содир бўлган. Европанинг кўпгина халқарида ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ва давлатнинг ташкил топиш жараёни ўрта асрларда ниҳоясига етган. Африка, Полинезия ва ер юзининг бошқа баъзи жойларида то XIX-XX асрларгача давлатдан олдинги оила-уруғ муносабатлари яшаб келган ва бу ерларда давлатнинг ташкил топиши табиий ривожланиш натижасида эмас, балки Европа мустамлакачилиги оқибатида юз берган.

Давлат ва ҳукуқ тарихидан олдинги даврда улардаги баъзи умумий белгиларга қарамай, давлатнинг ташкил топиши ва ривожланиши турли халқларда ўзига хос такорланмас белгиларга ва хусусиятларга эга бўлган. Булар устида кейинги бобларда алоҳида мавзуларда батафсил тўхтаб ўтамиз.

І Б ЎЛ И М ҚАДИМГИ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

І боб

ҚАДИМГИ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ РИВОЖЛАНИШИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ

✓ Қадимги замонда юонон-римликлар дунёсидан шарқда ва жануби-шарқда жойлашган мамлакатларнинг жамини қадимги Шарқ деб атамиз. Бу тахминий ва шартли иборадир. Шарқ билан антик дунё ўртасидаги чегара доимий чегара бўлмаган. Уларга қарашли ҳудудлар турли вақтларда қисман галма-гал бир-бирига ўтиб турган, шу сабабли уларнинг географик чегараланишини ҳар бир давр учун турлича кўрсатишга тўғри келади.

Шарқ тўғрисида гапирав эканмиз, Европа (айниқса анча кейинги даврларда) билан боғлиқ бўлган жанубий Осиё ҳамда қисман Шимолий Африка мамлакатлари ва ҳалқларини, шунингдек Ҳиндистон ва Хитойни назарда тутамиз.

Шарқ тушунчаси тарих фанида нафақат географик маънода, балки тарихий-маданий, цивилизация жиҳатлари билан ҳам ишлатилади. Бутун дунё тарихида Шарқнинг тутган ўрнига етарли баҳо бермаслик асло мумкин эмас. Ҳудди Шарқда ибтидоий жамоа тузуми биринчи марта бузила бошланган. Кишилик жамияти ривожланишидаги энг муҳим ижтимоий ва сиёсий институтлар, давлат, ҳуқуқ, жаҳон дини илк бор айнан Шарқда вужудга келган. Энг қадимги ёзув тизимлари ҳам дастлаб Шарқда пайдо бўлган.

Шарқ ва Фарб цивилизация йўлидан ривожланишда бир-биридан жиддий фарқ қиласди. Шарқда, ҳусусий мулкчилик ҳукмронлик қилган Фарбдан фарқли ўлароқ, аввало ҳусусий мулкчилик муносабатлари, бозорга асосланган ҳусусий товар ишлаб чиқариш муносабатлари муҳим ўрин эгал-ламаган.

Шарқдаги асосий мамлакатлар (Икки дарё оралиги, Миср, Ҳиндистон, Хитой), кейинчалик эса бошқа мамлакатлар ҳам ўзларининг географик қулай жойда жойлашган-ликлариidan жуда барвақт фойдалана бошлаганлар. Даставал Шарқда - ҳудуднинг асосий қисми катта-катта дарё-

лар (Дажла, Фрот, Нил, Хинд, Ганг, Хуанхэ ва бошқалар) водийларида ва фақат узоқ чеккадагина тоғ тизмалари ва ясси тоғликлар ташкил қылган мамлакатларда давлатчиликка ўтиш рўй берган. Бу ерда табиий шароитлар ижтимоий-иқтисодий силжишларни ҳам, оқибат натижада сиёсий ташкилотлар ва маданиятни ҳам белгилаб берадиган ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг умумий боришини тезлаштиришга имкон берган. Шарқда ернинг унумдорлиги ва уни суғориш имкониятлари, экиб ўстириш учун яроқли бўлган фойдали ўсимликларнинг ва қўлга ўргатиш, кейинроқ эса хонакилаштириш мумкин бўлган ҳайвонларнинг мавжудлиги фоят катта аҳамиятга эга бўлган. Ана шулар натижасида Европа Шарқдан анча орқада қолган. Аммо кейинчалик Юнонистон-Рим дунёси ривожланишнинг хотекислиги сабабли ва қисман қадимги Шарқ, халқларининг ютуқларидан фойдаланиб, жуда илгарилаб кетган.

Антик дунё, гарчи кейинчалик баъзи жиҳатдан Шарқдан ўзид кетган бўлса ҳам, Шарқ антик дунёга катта таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам бутун дунё давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишда дастлаб Шарқ мамлакатлари давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганишдан бошлишимизга ажабланмаслик лозим.

Қадимги Шарқ ва антик дунё давлатлари ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Мана шу хусусиятларни очиш уларнинг моҳиятини тўғри ва тўлиқ тушуниб олишга катта ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан Шарқ ва антик дунё давлатлари ўртасидаги фарқлар ҳам очиқ-равшан бўлиб қолади. Шарқ давлатларининг келиб чиқиши ва ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар айниқса уларнинг ижтимоий, сиёсий тузуми ва ҳуқуқ тизимида яққол намоён бўлади. Ана шулар ҳақида тўхтаб ўтамиш.

1. Қадимги Шарқ давлатлари инсоният тарихидаги дастлабки ва энг қадимги давлатлар бўлган. Бу ерда энг қадимги шаҳар-давлатлар жамоа-урӯғчилик ташкилотларининг емирилиши натижасида милоддан аввалги IV-III йилликлардаёқ пайдо бўлган. Улар меҳнат тақсимотининг кучайиши, бошқарувчилик функцияларининг мураккаблашви, шу билан бирга, бу функцияларни бажарувчи шахсларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган ва жамоа тепасида турувчи оқсуяклар табақасига айланиши натижасида ташкил топган. Шарқда давлат айрим олимлар эъти-

роф этганидек, қуллар ва қулдорлар синфининг пайдо бўлиши натижасида ташкил топмаган. Зеро, бир гуруҳ олимларнинг фикрига кўра: а) қулчилик Шарқда тўғридан-тўғри хўжалик юритишнинг асоси бўлмаган; б) асосий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳудудларида қулчилик ҳукмрон мавқени эгалламаган; в) Шарқ мамлакатларидағи қулчилик уй қулчилиги бўлиб қолган. Шунинг учун шарқда қулдорлик ғормацияси бор деб булмайди. Бу ишлаб чиқаришнинг Осиёча усули деб аталиб, унга алоҳида ижтимоий-иқтисодий формация деб қаралмоғи лозим дейишган. Шубҳасиз, Осиёча ишлаб чиқариш усули ҳақидаги масала мураккаб ва тортишувли масаладир, бу мавзудаги мунозарани ҳали туғаган деб ҳисоблаб бўлмайди. Лекин маҳсус Осиё формацияси (баъзан уни ҳатто маҳаллий эмас, балки универсал формация деб эътироф қиладилар) бўлмаганилиги борган сари кўпроқ маълум бўлиб қолмоқда. Шарқда қулчилик муносабатлари антик дунёга нисбатан анча суст ривожланган, давлат ташкил топган вақтда ҳали ибтидоий жамоа тузумининг кўпгина қолдиқлари чуқур сақланиб қолган.

2. Бизга маълумки, Шарқ давлатлари одатда дарёлар ҳавзаларида, масалан, Миср Нил дарёси ҳавзасида, Хитой Хуанхэ, Бобил Фрот ва Дажла, Хиндистон Хинд ва Жамна дарёлари ҳавзаларида ташкил топган. Бу давлатлар худудида деҳқончилик қилиш эса ботқоқликни куритиш, ирригация иншоатларини қуриш асосида олиб борилган. Бундай ишларни айрим қулларнинг меҳнати билан амалга ошириб бўлмас эди, у жамоавий меҳнатни талаб қилган. Шунинг учун ҳам ерга нисбатан қадимги антик давлатларда бўлгани каби хусусий мулкчилик эмас, балки жамоа мулкчилиги сақланиб қолган. Шарқда ерларнинг ҳақиқий эгаси давлат ҳисобланиб, озод жамоачи деҳқонлардан ер учун маҳсус солик - рента солиғи олинган.

Шарқда жамоа устида турувчи бошқарув қурилмаларининг ажralиб чиқиши натижасида хусусан подшо-черков хўжалиги ҳам ташкил топа бошлаган. У асосан жамоа ерларини ўзлаштириб олиш ҳисобига ташкил этилган. Подшо-черков ерларидан ажратиладиган участкаларга ғақат у ёки бу ишларни бажарувчи, подшога ёки черковга хизматда турувчи кишиларгина эга бўлиши мумкин эди. Бундай ерларда қулларнинг, турли даражадаги қарам

кишиларнинг меҳнатидан анча барвақт фойдаланила бошланган эди.

3. Шарқ қулдорчилиги асосан патриархал қулдорчилик бўлиб, унча ривожланмаган, худди антик дунё мамлакатларидағи сингари классик шаклга эга бўлмаган. Бу ерда қуллар ўз оиласларига, ҳатто айрим мулкларига эга бўлганлар, қулларнинг меҳнатидан кўпроқ уй юмушлари ва хўжалигига, саройдаги турли паст лавозимларда фойдаланилган. Қадимги Ҳиндистонда хўжайиннинг қулларга нисбатан ўзбошимчаликларини чеклашга қаратилган давлат қонунчилиги бўлган. Масалан, қул болаларни ота-оналарисиз сотиш тақиқланган; хўжайин қул меҳнатидан фойдаланаётганида унинг варнадаги ҳолатини ҳисобга олишга мажбур бўлган ва ҳоказо. Мисрда қул жиноят содир этса, қамоқقا олинган ва давлат органлари томонидан жазоланган. Давлат қулларга ибодатхоналардан бошпана топишга рухсат берган ҳамда ўз хўжайнлари шафқатсиз муносабатда бўлса шикоят қилиш ҳуқуқини берган ва ҳоказо.

4. Шарқ мамлакатлари ижтимоий тузуми ўзининг табақалашганлиги, даражалангандиги, айирмалилиги, поғонама-поғоналилиги билан ҳам ажралиб турди. Масалан, Бобилда ҳукмрон табақаларнинг ўзи ҳам иккига (авилиум ва мушкенуга) бўлинган ёки Ҳиндистонда кастали (тоифали) тузум мавжуд бўлиб, озод аҳолининг ўзи брахманлар, кшатрийлар, вайшийлар ва шудралар деб аталувчи тоифаларга ажратилган ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳолати турлича белгиланган. Кўп укладли ишлаб чиқаришга асосланган хўжалик ҳаётининг тузилиши қадимги Шарқ жамиятларининг ижтимоий таркиби жуда ранг-баранг, хилма-хил бўлишини белгилаган. Улардаги барча аҳоли қатламларини жамиятда тутган ўрнига, шуғулланадиган машгулотига, бир-бирига ўзаро боғлиқлик даражасига ва шу кабиларга қараб умуман қуидагича уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган ва қарамлик ҳолатида турган турли тоифадаги шахслар, жумладан қуллар ҳам; 2) эркин майда ишлаб чиқарувчилар - ўз меҳнатлари эвазига яшовчи жамоачи-дехқонлар ва ҳунармандлар; 3) ҳукмрон ижтимоий табақа-сарой ва хизматчи зодагонлар, армиянинг кўмондонлик таркиби, дехқончилик жамоаларининг бой юқори қисми ва бошқалар.

Шарқда аҳоли турли гурухлари ўртасида аниқ ижтимоий-синфий чегаралар бўлмаган, масалан, эркин кишилар билан қуллар ўртасида оралиқдаги мавқеда турувчи турли тоифадаги қарам кишилар, ёки аллақандай эркинликка ўтиш босқичида турувчи кишилар ҳам бўлган. Масалан, Ҳиндистонда - шудралар, Бобилда - мушкенулар ва ҳоказо.

5. Қадимги шарқ жамиятларининг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг анъанавийлигидадир. Шарқ мамлакатларидағи барқарор кўпукладлилик, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий шаклларнинг ва институтларнинг, ҳукмрон диний мафкуранинг тарихан мерос бўлиб ўтишлиги қадимги шарқ жамиятларининг анъанавийлик характеристига эга бўлганлигини кўрсатади. Буни узоқ вақт ҳукм сурган қадимги Ҳиндистон ва қадимги Хитой тарихи мисолида яққол кўриш мумкин. Уларнинг мустаҳкам ва ўзгармас ғоявий-диний йўл-йўриклиар билан муқаддаслаштирилган ижтимоий-сиёсий тузуми ва ҳуқуқий тизими фикримизнинг далилидир.

6. Шарқ мамлакатлари ўзининг давлат тузуми бўйича ҳам антик дунё мамлакатларидан фарқ қилган. Қадимги Шарқ давлатлари ташкил топган вақтдан бошлабоқ деспотик шаклдаги давлатлар бўлган. Бунга кўра, давлат бошлиғи-деспот (подшо, фиръавн) ҳокимияти чекланмаган бўлиб, унинг қўлида ижтимоий ҳокимиятнинг ҳамма таркибий элементлари - олий қонун чиқариш, ижро этувчи, суд ва ҳарбий ҳокимият тўпланган. Деспотизмнинг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, деспот бир вақтнинг ўзида ҳам давлат бошлиғи, ҳам дин бошлиғи ҳисобланган. Үнга алоҳида унвон берилиши (Мисрда, Бобилда) уни худонинг ердаги ноиби эканлигини билдирган. Масалан, қадимги Ҳиндистонда давлат бошлиғи-подшо брахманлар таълимотига кўра инсон қиёфасидаги худодир, олов ва нур, қуёш ва ой, жазо ва эзгулик манбаидир. Хитойда эса император "осмон ўғли" (тянцзи) деб аталиб, бу ном ўрта асрларда ҳам сақланиб қолган. Мисрда эса VI сулола фиръавнлари исмларининг тартибига қуёш худоси Ранинг исми ҳам қўйилган. Улар Ра (куёш худоси)нинг ўғли унвонини олганлар. Шумер давлатларида патеси (подшо)лар ўзларини худонинг ердаги ноиби әмас, худо деб эълон қилиб, тўрт мамлакат подшоси деб атаганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шарқ мамлакатларининг давлат аппаратида сайданиб қўйиладиган орган бўл-

маган. Барча мансаблар ё подшо томонидан тайинлаш, ё мерос қилиб олиш асосида вужудга келган. Антик дунё мамлакатларида эса давлат ҳокимиятининг кўпгина сайланниб кўйилувчи органлари мавжуд бўлган.

7. Шарқ мамлакатлари ўзининг ҳуқуқ тизими бўйича ҳам антик дунё мамлакатларидан фарқ қиласан. Аввало шуни айтиш керакки, Шарқ мамлакатлари ҳуқуқи инсоният тарихидаги дастлабки ҳуқуқ тизимлариданadir. Шу боис унда ибтидоий жамоа тузумининг кўпгина қолдиклари ва сарқитлари анча вақтгача чукур сақланиб қолган. Унда ҳали қасос олиш одатининг излари сақланган, жазо тизимида жамоавий жавобгарлик, яъни бир кишининг жинояти учун оила аъзоларининг, уруғдошларнинг жавобгарлиги, жазо тайинлашда талиония, яъни "кўзга-кўз, тишга-тиш" тамойили, суд юритиш ишларида ордалия - синааб кўриш мавжуд бўлган. Бундан ташқари, қадимги Шарқ қонунларида ҳуқуқ маълум тармоқлар бўйича бўлинниб ишланмаган. Унда моддий ва процессуал меъёрлар кўшилиб кетган. Антик давлатларда эса бунинг аксини кўриш мумкин. Айниқса, товар-пул муносабатлари анча ривожланган шароитда ташкил топган Рим қулдорлик давлатида фуқаролик, никоҳ оила ҳамда жиноят ҳуқуқлари мукаммал ишлаб чиқилдики, Рим ҳуқуқи Рим давлатидан кейин ҳам узоқ яшаб, бошқа кўп давлатлар ҳуқуқига жуда катта таъсир кўрсатди.

Қадимги Шарқ давлати ва ҳуқуқи тарихини алоҳида мамлакатлар бўйича ўрганиш умумий тараққиёт йўлини ҳам, маҳаллий айирмаларни ҳам аниқлашга ёрдам беради; бу айирмалар ўзининг хилма-хиллигигига қарамай, тарихий жараён қонуниятини ўзгартирмайди. Асосий эътибор йирик дарёлар водийларида вужудга келган, Шарқ учун типик бўлган давлатлар - Миср, Икки дарё оралиғи, Хиндистон ва Хитойга қаратилади.

Давлат ва ҳуқуқка оид воқеалар ва ҳодисалар, гарчи, афсуски, ҳамма вақт хронологик аниқлик билан кўрсатиш мумкин бўлавермаса ҳам имкон борича изчил тартибда баён этилади.¹

ҚАДИМГИ МИСР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУКИ

1. Қадимги Мисрда давлатнинг ташкил топиши ва даврларга бўлиниши

Дунёда биринчи синфий жамият ва давлат Мисрда ташкил топган. Миср давлати Африканинг шимоли-шарқида вуждуга келган. Нил дарёсининг бошидаги шаршаралардан то Ўрта дengizgacha bўlgan водий бу давлатнинг асосий қисмини ташкил қилиб, шарқ томондаги (Нил дарёси билан Қизил дengиз ўртасидаги) Араб қирлари ва фарб томондаги Ливия яssи тоғликларининг бир қисми ҳам шу давлат таркибига кирган. Мисрликлар ўзларининг мамлакатини "Қора тупроқ"¹ деб атаганлар, бу билан улар "Қизил тупроқ", яъни чўлга нисбатан унумдор ер эканлигини ўқтирганлар.

Мисрда қадимги тош (палеолит) давридаёқ одамлар яшаган. Бу даврда аҳоли саёқ овчи қабилаларидан иборат бўлган. Улар асосан Нил дарёсининг тор ботқоқлик воҳасини ўраб турган тепаликларда ҳаёт кечириб, азим дарё қирғоқларига камдан-кам тушганлар. У пайтда Европанинг кўп қисми foят катта музликлар билан қопланган, Ўрта дengизнинг шимолий соҳилида эса тундралар ястаниб ётган, тез-тез ёмғирлар бўлиб турган. Африка қитъасининг бепоён кенгликлари ям-яшил ўтлар ва буталар билан қопланиб, овчилик учун қулай кўпдан-кўп ҳайвонларга бой бўлган.

Кейинроқ Европа музликлари эриб бўлгандан кейин (бундан тахминан 12-15 минг йил илгари) Шимолий Африканинг иқлими ўзгара бошлаган, аввалги майсазорлар чўлга айлана бошлаган. Натижада фақат овчилик билан тириклилик ўtkазиш ибтидоий одамларга камлик қилиб қолган. Улар тепаликлардан Нил водийсига тушиб, кичикроқ худудларга жойлашиб, ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка (дехқончилик ва чорвачиликка) ўта бошлаган.

Қадимги мисрликлар бир тилда (турлича шевада бўлсада) гапирадиган самит-ҳамит гуруҳига мансуб ягона ҳалк

¹ Баъзан "Ҳар икки тупроқ" ёки "Жонажон тупроқ" деб атаганлар.

бўлган. Мисрликларга бегона халқлар ҳам келиб қўшилган. Жанубдан күшитлар ёки нубийлар (греклар буларни эфиоплар деб атаган, лекин бу ҳозирги Эфиопия ахолиси эмас) келиб жойлашган. Мисрда Марказий африкалик пакана (карлик) қабилаларнинг вакилларини ҳам онда-сонда учратиш мумкин. Farbdan Mисrga ливияликлар (самит-ҳамит гурӯхига мансуб барбарлар пуштининг вакиллари) келиб жойлашган. Шимоли-шарқ томондан Нил водийсига бир неча марта Осиё халқлари ҳам (асосан самитлар) бостириб кирган.

Аммо кўчиб келган бу халқлар туб аҳоли мисрликлар билан жуда тез аралашиб кетган, уларнинг тилини, урф-одатларини қабул қилган.

Мисрликлар ботқоқ Нил водийсини янги тош (неолит) давридан бошлаб, асосан милоддан аввалги V минг йилликда ўзлаштирганлар ва мис-тош (энеолит) даврида милоддан аввалги IV минг йилликда ҳам ўзлаштириш давом этган. Милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирларига келиб овчилик иккинчи ўринга ўтган, бора-бора хўжалик фаолияти шакли бўлмай қолган, асосан кўнгил очадиган эрмак бўлиб қолган.

Мисрликлар ботқоқликларни қуритиш, тўғонлар қуриш, каналлар қазиб, дарё сувларини текис тақсимлаш, ерни шўр босиб кетишидан сақлаш, катта-катта фалла майдонларини ҳосил қилиш соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эришганлар. Хунармандчилик мустақил хўжалик соҳаси сифатида тараққий эта бошлаган. Ишлаб чиқарувчи кучлар қатъий ривожланиб борган. Натижада Мисрда ибтидий жамоа тузуми емирилиб, давлатнинг ташкил топиши учун зарур шарт-шароитлар вужудга келган. Уруғдошлиқ алоқаларининг сусая бориши билан қишлоқ (қўшничилик) жамоаси таркиб топган. Ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуклар ва айирбошлашнинг тараққий этиши натижасида мулкий табақаланиш вужудга кела бошлаган. Хусусий мулкчилик ривожланиб борган.

Ижтимоий муносабатлардаги мана шу силжишлар муқаррар равища қабилачилик тузумидан давлат тузумига ўтишга олиб келган. Табиийки, бу ўтиш бирданига содир бўлмаган, секин-аста юз берган. Дастрлаб Мисрда бир неча давлатчалар ташкил топган. Мисрликлар бу давлатчаларни **"сепат"**, юонлар эса **"ном"** деб атаганлар. Номлар

қишлоқ жамоаларининг ибодатхоналар атрофида сугориш ишларини биргаликда юритиш учун бирлашиши натижасида вужудга келган. Ҳар бир номнинг ўз ҳокими бўлиб, у юонон тилида **"номарх"** дейилган. Маълумотларга қараганда, милоддан аввалги IV минг йиллик бошларида Мисрда 42 та давлатча бўлган. Ҳар бир номнинг номархи дехқончилик, чорвачилик, айниқса сугориш ишларини, шунингдек, ҳарбий ва диний ишларни бошқарган.

Шундай қилиб, қадимги Мисрда илк давлат **Нил дарёсини жиловлаш ва янги ерларни ўзлаштириш, канал ва сув иншоотларини куришни бошқариш, дехқончилик ва чорвачилик ишини йўлга қўйиш, уруг ва қабилаларро ишларни тартибга солиш, жамоани, мамлакатни кўшни қабилалар хужумидан ҳимоя қилиш зарурияти натижасида аста-секинлик билан вужудга келган**. Нил тошқинини жиловлаш ва унинг сувини бутун Миср миқёсида тақсимлаш зарурияти бундай майда давлатларнинг бирлашишига ёрдам берган. Табиийки, бу бирлашиш ўзаро урушлар жараёнида юзага келган, негаки, ҳар бир ном бу бирлашмага бош бўлишга интилган.

Кучайиб бораётган зодагонлар оддий жамоачиларга ва қулларга тазийик кўрсатиб туриш учун мустаҳкам давлат аппаратини вужудга келтиришга ҳаракат қилганлар. Дастрраб иккита улкан давлат: жанубда Юқори Миср, шимолда Куйи Миср ташкил топган. Уларнинг ҳар бирида ўз подшоси бўлган. Юқори Миср подшоси Менес (Мина) милоддан аввалги тахминан 3000-йилда Куйи Мисрни ўзига бўйсундириб, пойтахти Абидос бўлган ягона Миср подшолигига асос солган.

Фанда қадимги Миср давлати тарихини қўйидагича бешта иирик даврга бўлиш қабул қилинган: 1) Илк подшолик даври (милоддан аввалги 3100-2800 йиллар); 2) Қадимги подшолик даври (милоддан аввалги 2800-2250 йиллар); 3) Ўрта подшолик даври (милоддан аввалги 2250-1750); 4) Янги подшолик даври (милоддан аввалги 1584-1071 йиллар); 5) Сўнгги подшолик (милоддан аввалги XI-VI асрлар). Адабиётларда қадимги Миср давлати тарихи юқоридагича бешта даврга аниқ бўлинган бўлса-да, лекин ушбу

даврларнинг қачон бошланиб, қачонгача давом этганлиги
жакида ягона фикр йўқ¹.

Қадимги, Ўрта ва Янги подшоликлар оралиғидаги даврлар Мисрнинг хўжалик ва сиёсий инқирози даврлари бўлган. Миср Янги подшолик даврида турли қабилаларни ўз хукмронлиги остига бирлаштирган қудратли давлат - тарихда Биринчи жаҳон империясига айланган. Унинг таркибига Нубия, Ливия, Фаластин, Сурия ва бошқа табиий ресурсларга бой вилоятлар кўшиб олинган. Янги подшолик даврининг охирида Миср инқирозга юз тутган ва милоддан аввалги 525 йилда Ахмонийлар Эрони томонидан босиб олинган. Эрон шоҳи Камбиз ўзини Миср фиръавни деб эълон қилган. Гарчи ундан кейинги фиръавнлар мисрликлардан бўл иб, улар мамлакатни мустақилликка олиб чиқиш ва бирлаштириш учун қаттиқ кураш олиб борган бўлсалар ҳам, аммо Миср милоддан аввалги 332 йилгача, яъни А.Македонский томонидан босиб олингунга қадар Эрон салтанати таъсирида бўлган. Искандар вафотидан кейин бу ерда Птоломейнинг юнон-македония сулоласи қарор топиб, Миср элтинизм даврига қадам қўйган. Кейинчалик, милоддан аввалги I асрда Миср Рим салтанати таъсирига тушиб қолган.

2. Илк подшолик

(милоддан аввалги 3100-2800 йиллар)

Ягона Миср давлатининг асосчиси Менес (Мина) ўз давлатини мустаҳкамлаш чораларини кўрган. У Қуий Миср чегарасида Мемфис шаҳрини қурдирган ва уни мамлакат пойтахтига айлантирган. Мина ва унинг авлодларидан кейин Мисрда иккичи сулола намояндалари подшолик қилган. Шу даврдан бошлаб Миср подшолари **Фиръавн дейилган**. Бу икки сулола вакиллари идора қилган давр **Илк подшолик даври** дейилади. Бу давр икки юз йилдан

¹ Қарант: История государства и права зарубежных стран. Ч.1. Учебник для вузов. Под ред. проф. Крашенинниковой Н.А. и проф. Жидкова О.А. - М., 1998, 20-бет; Всеобщая история государства и права: Учебник / Под ред. проф. К.И.Батыра. -М., 1998, 20-23-бетлар; Черниловский З.М. Всеобщая история государства и права - М., 1996, 23-24-бетлар; Муҳимов З. Чет мамлакатлар давлати ва хукуки тарихи. (Қадимги дунё ва Ўрта асрлар давлати ва хукуки тарихи). Уқув қулланмаси. - Самарқанд, 1992, 19-бет. Бизнингча, умумий тарихда белгиланган юқоридаги курсатилган йилларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

зиёдроқ вақтни ўз ичига олади. Бироқ Илк подшолик даврининг ижтимоий-сиёсий тузумини характерлаб берадиган маълумотлар фанда жуда кам. Миср давлати бу даврда ҳали жуда қадимий қабилавий иттифоқ шаклидаги анча примитив давлат бўлган.

Ижтимоий Илк подшолик даврида ва, албатта, кейинги **тузуми**. даврларда ҳам қишлоқ жамоаси давлатнинг асосий хўжалик ва ижтимоий ячейкаси бўлган. Жамоалар ерларга амалда жамоа ер эгалиги асосида эгалик қилса-да, бироқ давлат ҳокимияти ўзини барча ерларнинг олий эгаси деб ҳисоблаган ва жамоанинг эркин аъзоларидан даромад солиғи ундириб турган. Зоро, аҳолининг асосий қисмини айнан эркин жамоачи - дехқонлар ташкил этган. Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг жадаллашуви, ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлиши ва уни суғориш иншоотларини қуриш, сақлаб туриш ва кенгайтириш вазифаларига раҳбарликни ўз кўлларига олган жамоанинг юқори қисми (кейинчалик бу вазифа давлатга ўтган) томонидан ўзлаштирилиб бориши жамоа ичидаги ижтимоий ва мулкий табақаланишнинг қонуний жараёни бўлган.

Қадимги Миср ижтимоий тузуми эволюцияси жуда секин кечганилиги билан характерланади. Унинг ижтимоий тузумида, хусусан, иқтисодида барча подшоликлар даврида давлатнинг **подшо-черков хўжалиги** хукмрон бўлиб турган. Аммо Илк подшолик даврида катта подшо хўжалиги билан бир қаторда бошқа йирик хўжаликлар ҳам мавжуд бўлган. Подшо, гарчи ижтимоий поғонанинг энг юқорисида турса ҳам, ҳали қудратли амалдорлар ичida яққол ажralиб турмаган. Бу даврда олиб борилган кўпдан-кўп урушлар кул асиirlарнинг сонини кўпайтирган. Кулларнинг меҳнатидан йирик хўжаликларда фойдаланила бошланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қадимги Мисрда аҳолининг давлат хўжалигига ялпи жалб қилиниши шароитларида меҳнаткашлар оммасининг алоҳида табақалари ҳуқуқий ҳолатида бошқа Шарқ мамлакатлари сингари муҳим фарқлар бўлмаган. Бу, ҳатто, меҳнаткашларга нисбатан ишлатиладиган ибораларда ҳам ўз аксини топган. Мисрда оддий кишиларга нисбатан **мерет** деган 'ибора кенг ишлатилган. Бундан ташқари "**подшо хизматчиси**" деган ярим эркин қарам қишилар ҳам мавжуд бўлиб, улар Миср дав-

латининг барча даврларида аниқ ҳуқуқий мазмунга эга бўлмаган.

Давлат Илк подшолик даврида Кўйи Мисрнинг Юқори тузуми. Миср томонидан бўйсундирилиши жараёни давом этган. Натижада ягона подшолик ташкил топган. Лекин бу бирлик мустаҳкам бўлмаган ва Илк подшолик даврининг бутун тарихи Юқори Миср босқинчилари билан Кўйи Миср ўртасида курашларга тўла бўлган.

Илк подшолик давридаги фирмъавнлар ва уларнинг аъёнлари янги ерлар очиш, сугориш иншоотлари қуриш ишларига катта эътибор берганлар. Мамлакатнинг ягона марказлашган давлат остида бирлашуви уни бирмунча иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ривожига олиб келган.

Давлат тепасида подшо турган. Унинг атрофини бир қанча сарой амалдорлари ва турли хизматчилардан иборат кўп сонли сарой аъёнлари ўраб турган. Нил сувининг кўпайиб ёки камайиб боришини муттасил текшириб туриш, каналлар, ариклар ва тўғонларнинг аҳволини назорат қилиш подшонинг маҳсус амалдорларига топширилган, жамоат ишларини ҳам ўша амалдорлар назорат қилиб турган. Мисрнинг ягона давлат қилиб бирлаширилиши бу ерда марказлашган бюрократик аппаратнинг ташкил этилишини тезлаштирган. Ушбу аппарат ёрдамида марказий ҳокимият кучайиб борган, фирмъавннинг қудрати янада мустаҳкамланишда давом этган. Бу айниқса унинг илоҳийлаширилиб борилишида кўзга яққол ташланган. Қулдор зодагонлар ҳам подшо хўжалигининг ўзида муҳим мансабларни эгаллаганлар. Бу давр давлат аппаратининг шаклланиши билан характерланади.

Илк подшолик даврида давлатнинг асосий вазифаларидан бири Нил водийсида сугориш ишларини ташкил этиш ҳисобланган. Сугориш ишларига олий раҳбарлик давлатнинг қўлида бўлган.

Маҳаллий Жойларда ҳокимият ва бошқарув органлари **бошқарув**. қадимги номларнинг анъаналари бўйича ташкил этилган. Номларнинг ҳукмдорлари но мархлар ҳокимият тепасида туриб, уларнинг атрофида черков коҳинлари, катта амалдорлари ва турли даражадаги сарой чиновниклари бўлган.

Армия. Илк подшолик даврининг армияси тўғрисида шунни айтиш мумкинки, доимий қўшин, гарчи давлат қўшни қабилалар билан кўпдан-кўп урушлар олиб борган бўлса-да, энди гина шакллана бошлаган эди.

3. Қадимги подшолик (милоддан аввалги 2800-2250 йиллар)

Қадимги подшолик (баъзи манбаларда Кўхна подшолик деб ҳам юритилади) мамлакатни Илк подшоликдан кўра хийла мустаҳкамроқ қилиб жиспластирган ва кўпроқ марказластирган. Шу сабабли Мисрда бу вақтда биринчи марказлашган кучли давлат ташкил топган деб ҳисобланиши ҳам бежиз эмас.

Ижтимоий Қадимги подшолик хўжалиги ривожлаништузуими. нинг юкори даражаси билан ажralиб турган.

Яхши ташкил этилган ишчилар армияси мамлакат аҳолисини барча зарур нарсалар билан таъминлаб турган. Бу вақтга келиб аҳоли турли қатламларининг турмуш даражаси энди аниқ белгилаб қўйилган эди. Жамият ижтимоий поғонасининг юкори қисмида катта ерларга эгалик қилувчи йирик қулдор зодагонлар турган. Йирик ер эгалиари саройда ва давлат бошқарувида муҳим мансабларни эгаллаганлар.

Миср жамиятида **коҳинлар** алоҳида роль ўйнаганлар. Улар бутун жамият аъзоларининг иззат-хурматига сазовор бўлган, чунки коҳинлар нариги дунё ҳақидаги барча нарсалардан хабардор кишилар деб ҳисобланган. Коҳинлар, хусусан, мисрликлар учун муқаддас ҳисобланган "Мурдалар китоби"да ёзилган охиратда бўладиган саргузаштлар ва охират суди ҳақидаги зарур билимларнинг эгалари сифатида қадрланганлар. Бундан ташқари, коҳинларнинг даволаш, мураккаб архитектура иншоотларини барпо қилиш санъатини эгаллаганликлари, ер участкалари майдонларини ҳисоблашни билганликлари уларнинг аҳамиятини янада оширган. Коҳинлар подшо ҳокимиятининг таянчи бўлиб хизмат қилган. Коҳинлар фоят катта кучга эга бўлиб, улар билан подшо ҳокимияти ўртасида баъзан ихтилофлар бўлиб турса-да, фиръавнларнинг илоҳийлиги тўғрисида таълимотлар яратгандар ва аҳоли оммасини "Куёш фарзанди"га (Миср хукмдорларини шундай деб атаганлар) итоат

қилишга ундағанлар. Бунинг эвазига фиръавнлар ўз навбатида черков хўжалигини солиқлардан ва давлатга ишлаб беришдан озод қилганлар.

Давлатдаги асосий ишлаб чиқарувчи кучлар **жамоачи-дехқонлар** бўлган. Улар "ишчилар отрядлари"га бирлаштирилиб, нафакат қишлоқ хўжалигида, балки турли иншоотларни қуришда, йўллар ётқизишида, каналлар қазишида ишлатилганлар. "Ишчилар отрядлари"ни фиръавн ўз чиновниклари орқали бошқарган.

Фиръавн ўз ихтиёридаги ер-мulkнинг хийла қисмини сарой аҳлларига, аввалги мустақилликларидан маҳрум бўлган номархларга бўлиб берган. Ишлаб чиқариш қуролларидан маҳрум бўлган кўп минглаб дехқонлар, подачилар, балиқчилар ва ҳунармандлар уларнинг амлокларида хизмат қилган, улар қилган ишлари эвазига фақат **таъминот ("сабок")** олган.

Қадимги подшолик даврида гарчи қул бозори мавжуд бўлиб, одамлар сотилган ва сотиб олинган бўлса-да, **куллар** хали жуда кам бўлган. Қулга эгалик фақат жамиятнинг юқори қисмидагина эмас, балки аҳолининг ўрта қатламларида ҳам тарқалган. Қуллар меҳнатидан одатда уй хўжалигидаги ишларда фойдаланилган. Асир қилиб ҳайдаб келтирилган күшитлар, ливияликлар ва осиёликлардан қулларга айлантирилган кишиларнинг кучидан ҳам фойдаланганлар. Бу даврда қулларнинг сони қанча бўлганлиги ҳақида аниқ рақам бўлмаса ҳам, лекин барча мавжуд маълумотларга кўра қуллардан кўра эркин кишилар кўп бўлган. Зотан, камбағаллар хукуқ жиҳатдан қуллардан фарқ қилсалар-да, ўзларининг иктисадий аҳволига кўра қулларга яқинлашиб келганлар. Мустақил равишда майда хўжалигини тебратган оддий дехқонларнинг сони доим камайиб борган. Ўзларининг чек ерларини сотиш ҳоллари учрайди. Баъзи манбаларда давлатмандлар (амалдорлар, коҳинлар ва шу кабилар) марҳаматига қараб қолган "оч ва яланғочлар" тилга олинади. Фиръавнга, номархлар, коҳинлар ва амалдорларга моддий бойликни оддий дехқонлар ва ҳунармандлар яратиб берган. Уларнинг зиммасига кўпгина доимий солиқлар ва мажбуриятлар билан бир қаторда яна бошқа кўшимча турли тўловлар ҳам жорий қилинар эди. Масалан, номархлар ўз ёзувларида ҳосил бўлмай қолган йили ўз фуқароларини очидан ўлиб кетишидан сақлаб қолганликларини

пеш қилиб мақтандилар ва бунинг эвазига "очларнинг чорvasи қўлимизга кирди", деб қўшиб қўядилар.

Давлат Қадимги подшолик даврида Мисрнинг давлат **тузуми.** тузуми бошқарувнинг қаттиқ марказлаштирилиши билан характерланади. Диний мафкура ёрдамида подшо ва унинг фаолиятининг илоҳийлаштирилиши фиръавннинг нуфузини жуда мустаҳкамлаган. Подшо ҳокимияти кучая бориб мустабид тус олган. "Подшо" сўзининг ўзи шу қадар муқаддас номга айланганки, бу номни овоз чиқариб айтишга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган, ҳукмдорни тилга олиш жуда зарур бўлиб қолган тақдирдагина мажозий **"Фиръавн"** ("Улуғ үй" дегани, шу уйда турадиган шахсни назарда тутиб айтилган") иборасини ишлатгандар. Ҳужжатларда эса фиръавнни расмий равишда "Раҳмдил худо", Тоғ, "Ра фарзанди" (яъни Қуёш ўғли) ва бошқа шу каби номлар билан атаганлар.

Фуқаролар подшо олдида пайдо бўлганларида "қоринлари билан" йиқилишга ва ўз ҳукмдорининг оёғи тагидаги тупроқни ўпишга мажбур бўлганлар, аммо нуфузли баъзи шахсларгина подшонинг оёғини ўпишга ҳақли бўлган.

Фиръавннинг қўлида бутун қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимияти тўплланган. Фиръавнларнинг асосий диққат-эътибори барча муҳим давлат ишларига қаратилган. Суфориш бўйича тадбирлар, суд, мансабларга тайинлаш ва бўшатиш, ёрликлар бериш, мажбуриятлар юклаш ва улардан озод қилиш, ҳарбий юришлар, кемачилик бўйича тадбирлар, давлат қурилиши ва ер ости бойликларини қазиб олиш - буларнинг ҳаммаси подшонинг буйруғи билан амалга оширилган.

Фиръавн ҳокимияти Қадимги подшолик давридаёқ у ёки бу сулола подшолиги вақтида мерос тариқасида ўтган. Лекин сулолалар, маълумки, тез-тез ўзгариб турган, баъзи фиръавнлар, айниқса, нотинч йилларда 3-4 йил подшолик қилганлар. Бундай ҳолат мисрликларнинг ҳокимият ҳақидаги диний таълимоти бўйича ҳам маъқулланган. Бу тасаввурларга биноан, янги фиръавн-худони яратиш учун фиръавнларнинг илоҳийлиги етарли ҳисобланмаган. Илоҳийлик даражасига бошқа кишилар, масалан, кўпинча номархлар, коҳинлар ҳам эришиши мумкин эди. Бундай диний тасаввурлар асосида фиръавнлик даражасига фақат унинг ав-

лодлари эмас, бошқа кишилар, жумладан, номархлар ҳам сазовор бўлишлари мумкин бўлган.

Фиръавннинг ваколатлари ниҳоятда катта бўлишига қарамай, унинг ҳокимияти шахсий, ўзбошимчаликка асосланган эмас эди. Ягона Миср давлатининг сиёсий барқарорлиги, таҳтнинг даҳлсизлиги фиръавннинг ҳукмрон табақалар, айниқса, ҳарбийлар ва коҳинлар табақаси юқори қисмининг манфаатлари йўлида қанчалик муваффакиятли хизмат қилишига боғлиқ эди. Фиръавннинг ҳокимияти диний-аҳлоқий адолат меъёрлари билан ҳам ушлаб турилган.

Давлатдаги энг муҳим мансабдор шахслар - олий амалдорлар, ҳарбий бошлиқлар, ҳазинани сақловчилар, иш бошқарувчилар, олий коҳинлар, одатда, подшо хонадони аъзолари бўлган.

Фиръавн мамлакатни олий мансабдор (кейинроқ бориб араб тилида вазир деб аталган шахс) бошчилик қиласидиган хийла мураккаб бюрократик аппарат воситаси билан идора қилган.

Вазир - жати давлат бошқарувида подшодан кейин биринчи ўринда турувчи олий амалдор ҳисобланган. Жати дастлаб ҳукмдор қароргоҳи жойлашган шаҳарнинг коҳини бўлган ва асосан подшонинг ўғилларидан бири ёки фирмъавннинг бошқа яқин қариндошларидан бири бу лавозимга тайинланган. У шу билан бирга сарой маросимларини, фирмъавннинг девонхонасини юритадиган подшо саройи бошлиғи ҳисобланган. Жатининг ваколатлари астасекин подшо саройини, подшо хўжалигини бошқариш доирасидан ташқари чиқиб, кенгайиб борган. У барча давлат муассасалари ва ибодатхоналарни назорат қилган, лашкар тўплашни бошқарган, суд органлари фаолиятини йўналтириб турган, маҳаллий бошқарувни юритган, турли давлат устахоналарини бошқарган, подшонинг барча ишларига раҳбарлик қилган, унинг қарамогида турли давлат омборхоналари бўлган. Баъзан жати ўз вазифаларининг бир қисмини бошқа юқори амалдорларга ўтказган. Давлатдаги катта ва кичик амалдорларнинг ҳаммаси жатига бўйсунган. Жати қўйидаги маҳсус ихтисослашган бошқармаларнинг бошлиқларини: ҳарбий маҳкамага раҳбарлик қилувчи, армияни куроллантириш ва таъминлашга, қальалар қуришга ва бошқаларга жавоб берувчи **"куроллар уйининг бошлиғи"**, давлат омборлари ва омборхоналарини кўриқловчи

- "Осмон берадиган, ер ишлаб чиқарадиган ва Нил олиб келадиган нарсаларга бошчилик қилувчи", йирик қурилиш ва бошқаларга жавоб берадиган "ишлар бошлиғи" кабиларни бевосита назорат қилиб турган.

Армия. Қадимги подшолик даврида ҳарбий ишлар анча ривожланган. Бу даврда бир қатор ҳарбий бошлиқлик унвонлари мавжуд бўлганлиги маълум. Миср армияси 2 қисмдан: 1) маҳсус ўргатилган ва яхши тайёрланган солдатларнинг кичик отрядлари ва, 2) қўшинга бир неча ойга олинган ва вақтинча дала ишларидан озод қилинган дехқонларнинг катта лашкаридан ташкил топган.

Бу даврда давлатнинг ҳарбий, ижтимоий ишлар, молиясолик, суд каби муҳим идоралари ташкил этилган.

Суд. Қадимги жамоа судлари борган сари подшо юрисдикцияси¹ вакиллари томонидан сиқиб чиқарилган. Олий суд инстанцияси - "Олтита буюк уйлар" пойтахтда бўлган. Энг олий суд ҳокимияти фиръавнга тегишли бўлган. У кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ишончли кишиларидан давлат аҳамиятига эга бўлган жиноятлар билан боғлиқ маҳфий ишларни ҳал этиш учун маҳсус судьялар тайинлаган.

Маҳаллий бошқарув. Давлат худуди илгаригидек алоҳида вилоятнинг ҳўжалик бошқарувини амалга оширганлар ва майдонларни суборишга тайёрлаш, янги тўғонлар барпо этиш, каналлар қазиш ҳақида буйруқ берганлар, шунингдек ҳосилни йиғиб олиш ва унинг аҳоли ўртасида тақсимланиши устидан кузатиб турганлар.

Инқирози. Қадимги подшоликнинг охирги босқичига келиб фиръавннинг ҳокимияти заифлаша бошлаган. Мамлакатдаги барча ерлар фақат номигагина фиръавннинг мулки ҳисобланган. Ҳақиқатда эса подшо поместьелари саройдаги ва бошқа хизматлар учун мукофот тариқасида бўлиб берилган инъом-тортиқлар ҳисобига камайиб кетган. Фиръавн атрофидаги сифиндиilar (подшонинг илтифоти билан унинг саройида яшаб турувчилар) армияси кўпайиб борган, бу эса подшонинг хазинасини бўшатиб турган. Катта амалдорлар соликлар тўлашдан, уларнинг

¹ Суд қилиш ҳуқуқи.

ерларидан ўтадиган фиръавн хизматчиларини боқишдан, ўз кишиларини ижтимоий ишларга жұнатышдан озод бўлиб олишга эришганлар. Кўп жойларда номларни бошқариш мерос бўйича отадан ўғилга ўтган.

Сиёсий тарқоқлик. Подшо ҳокимиятининг инқирози Мисрда "нотинч йиллар"нинг бошланишига олиб келган. Кўпдан-кўп сарой тўнтиришлари мамлакатда рўй бораётган сиёсий инқироздан дарёк берарди. Кадимги подшоликнинг охирларида марказий ҳокимият заифлашиб, турли номларда ажралиш кайфияти куяйган.

VI сулола фиръавнлари айрим ибодатхоналарни ва бутун-бутун шаҳарларни солиқлар ва мажбуриятлардан озод қилиб, уларга ён бера бошлаганлар. Подшоларнинг бизгача етиб келган имтиёз ёрликлари ана шулардан гувоҳлик беради.

Децентрализация (парчаланиш) жараёни тобора кучайиб, милоддан аввалги XXIII асрда Миср бир-бирлари билан ўзаро урушиб турадиган бир нечта майда мустақил давлатларга ажралиб кетган. Сиёсий тарқоқлик тахминан милоддан аввалги XXIII аср ўрталаридан XXI аср ўрталаригача давом этган. Сиёсий тарқоқлик жиддий қийинчиликлар келтириб чиқарган. Суориш тармоқлари ишдан чиқсан, хўжаликнинг вайрон бўлиши ва очарчилик халқ оммаси орасида норозиликни кучайтирган, фарbdаги ливия қабилалари ва шарқдаги кўчманчи қабилалар Мисрга бостириб кириб, унинг бойликларини талаб қайтганлар, пойтахт шаҳар Мемфис ҳам инқирозга учраган, мамлакатни бирлаштиришни уддасидан чиқмаган. Аммо бу даврда Юқори Мисрдаги Фива билан Кўйи Мисрдаги Гераклеополь аста-секин кучая бошлаган ва улар ўртасида Мисрни бирлаштириш учун курашда бошланиб, охир оқибатда Фива ғолиб чиқсан, у бирлашган Мисрнинг пойтахти бўлиб қолган. Ана шу пайтдан эътиборан милоддан аввалги 2250 йилдан 1750 йилгача давом этган Умуммиср миқёсидаги Ўрта подшоликка асос солинган. Мамлакат тартибсизликлардан чиқиб олган ва Миср яна ягона ҳокимият остида бўлиб қолган. Фиръавнлар яна илгаригидек "илоҳий" титул билан номланганлар.

4. Ўрта подшолик

(милоддан аввалги 2250-1750 йиллар)

Ижтимоий Кадимги подшолик даврининг иккинчи босқи-
тузуми. чида жойларда номларнинг ворислик ҳуқуқига

эга бўлган уруғлари олдинга чиқа бошлаган. Бу даврнинг охирига келиб маҳаллий зодагонларнинг аҳамияти кучайган. Уларни аҳолининг кенг оммаси қўллаб-куватлаган. Натижада мамлакат ярим қарам вилоятларга бўлиниб кетган. Фиръавнларнинг умум Миср доирасидаги ҳокимиияти инқизозига учраган.

Вилоятларнинг марказий ҳокимиядан озод бўлиши жойларда хўжалик фаолиятининг жонланиб кетишига олиб келган.

Ўрта подшолик даврида ҳам Миср иқтисодиётида хийла жиддий силжишлар юз берган. Низолар ва тарқоқлик даврида ишдан чиқсан сугориш тармоқлари тикланибгина қолмасдан, балки янада кенгайтирилган. Масалан, Фаюм воҳасида айниқса муваффақиятли ишлар қилинган. У ердаги кўянада чуқурлаштирилган ва сунъий сув омборига айлантирилган. Қилинган ана шу ишлар натижасида экин майдони кенгайган. Ички ва ташқи савдо ривож топган. Бунгача дон асосий қиймат ўлчови бўлиб келган бўлса, энди унинг ўрнини олтин эгаллаган.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва айирбошлишнинг кенгайиши натижасида мулкий табақаланиш кучайиб борган.

Ўрта подшоликнинг гуллаб-яшнаган давридаги (милоддан аввалги XVIII аср) ижтимоий муносабатлар қўйидаги иккита муҳим белгилари билан характерланади: 1) бир томондан, хусусий хўжаликларда қулдорликнинг анча ўсиши содир бўлган ва ер эгаларининг аҳволи ўзгарган, 2) бошқа томондан, қишлоқ жамоаларининг табақалашуви **майда мулкдорлар - нахислар** (Миср тилида "нахис" сўзи "кичкина" дегани) табақасининг ташкил топишига олиб келган. Нахислар ичидан бойиган хўжайнилар ва майда дехконлар ажralиб чиқсан. Бойиб кетган аҳолининг ўрта қатлами коҳинлар ва чиновниклар сафига қўшилиб борган, хаттотлар, савдогарлар ва ҳатто ер эгалари бўлиб қолган. Уларни кучли нахислар деб атаганлар. Булар мустақил хўжалик юритувчи, баъзан эса қуялар ҳам сотиб оладиган

бой дөхқон ва ҳунармандлар бўлган. Уларга ўз аҳволи бўйича қуллардан кам фарқ қиласидиган камбағал нажислар қарама-қарши турган. Қашшоқлашиб қолган дехқонларнинг ҳам сони кўпайиб борган. **Хему-несут ("подшо қуллари")** деб аталувчи қуллар ўша хонавайрон бўлган дехқонлардан ташкил топиб борган бўлса ажаб эмас, улар бошқа қуллардан меҳнатлари қатъий тартибга солинганлиги билан фарқ қиласиган. Улар хазинадан бериладиган ишлаб чиқариш воситалари билан иш қилгандар, меҳнатлари эвазига озиқовқат билан таъмин этилгандар ва қисман кўшин сафига ҳам жалб қилингандар. Подшо ўз қулларидан баъзиларини айрим шахсларга тортиқ-инъом сифатида ҳадя қиласиган. Шу билан бирга урушда асир қилиб ёки сотиб олинган қуллар ҳисобига ҳам ҳақиқий қулларнинг сони ошиб борган. Баъзи хужжатларда кўлдан-кўлга ўтган 20-30 тадан иборат қуллар гуруҳлари тилга олинади. Энг оғир ва сермашақват ишлар қулларга юқланган. Масалан, ун қилувчи чўрилар тиз чўккан ҳолда қўл тегирмонда донни майдалаб ун қилгандар.

Жамият ҳаётида шаҳарликларнинг ўрта табақаси ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлаган. Шаҳар қуллар ва ерларга эгалик қилувчи юридик шахс сифатидаги жамоа аҳамиятига эга бўлган.

Давлат Ўрта подшоликнинг иқтисодий жиҳатдан гуллаб-тузуми. яшнаши ва сиёсий қудрати авжига чиққан давр

XII сулола ҳукмронлик қиласиган милоддан аввалги 2000-1888 йилларга тўғри келади. Лекин XII сулола Фиръавнлари Қадимги подшоликнинг мустабид ҳукмдорлари каби қудратга молик бўломмагандар. Улар давлат маблағларининг кўп қисмини ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарф қилишга ботинолмагандар.

Ўрта подшолик фиръавнлари мамлакат янгидан бирлашгандан кейин ҳам ўз бойликларининг анча қисмини ва нуфузларини сақлаб қолган вилоятлардаги зодагонлар билан иноқ бўлишга урингандар.

Ўрта подшолик даврининг бошида номархларнинг ҳокимияти деярли чекланмаган характерга эга бўлган. Ўрта подшоликнинг гуллаб-яшнаган даврида фиръавнлар давлатни бирлаштиришга ва марказий ҳокимииятни мустаҳкамлашга интилиб вилоятларнинг эски, мустақил ҳукмдорларини янги, подшо ҳокимииятига бўйсунадигандари билан алмаштириб, номархларнинг ҳокимииятини чеклашга ҳаракат

қилганлар. Подшонинг асосий таянчи сарой аъёнлари, хизматчи зодагонлар, шунингдек, подшони қўриқловчи қўшинлар бўлган.

Номархлар ўз ёзувларида фиръавнга содикликларини таъкидласалар-да, ўзларини хийла мустақил ҳис қилганлар, ҳатто йил ҳисобини ҳам фиръавнлар подшолиги ҳисоби билан эмас, балки ўз ҳисоблари билан юргизганлар. Уларнинг ҳар қайсисининг шахсий қўраси ва ҳарами, шунингдек, ўз қўшини бўлган, у вилоятда фиръавннинг ноиби бўлишдан кўра, фиръавнга тобе кичикроқ подшо бўлган. Олий ҳокимиятнинг бунга тоқат қилишидан бошқа чораси бўлмаган.

XII сулола ҳукмронлигининг охирларида, Аменемхет III даврида (милоддан аввалги XIX асрнинг иккинчи ярмида) гина ҳокимиятнинг марказлашиши кучайиб, номархларнинг имтиёзлари хийла қирқилган. Аменемхет III номархлар ҳокимиятини кучсизлантиришни уддасидан чиқсан, лекин бу Ўрта подшолик даврида Миср жамиятини ларзага соглан ижтимоий қарама-қаршиликларни тугатмаган. Эзувчи синфлар томонидан зулмнинг кучайиши озод дехқонлар ва қулларнинг норозилигига сабаб бўлади. Бунинг натижасида милоддан аввалги XVIII асрда бутун Миср жамиятини ва давлатини ларзага соглан жуда катта қўзғолон бўлиб ўтади. Бу ҳодисалар Мисрни гиксослар (Осиёнинг жанговар кўчманчи қабилалари) томонидан босиб олинишини осонлаштиради. Улар ҳукмронлиги 100 йилдан ортиқ давом этади. Гиксосларга қарши кураш давлатнинг ҳарбий қурдатининг ошишига олиб келади. Фива номи билан бошчилик қилган кураш натижасида фақат Мисрнинг ўзи озод бўлиб қолмасдан, балки гиксослар босиб олган бошқа худудлар ҳам қўлга киритилади.

Бундан кейинги давр Янги подшолик даври деб юритилади.

5. Янги подшолик

(милоддан аввалги 1584-1071 йиллар)

Гиксосларнинг мағлубияти ва ҳайдаб юборилиши натижасида қайта тикланган Миср давлати Янги подшолик¹ деб аталади.

Урушлар натижасида Миср худуди анча кенгайган ва уйирик давлат бўлиб қолган. Бу Миср тарихида иккинчи олтин аср дейилади.

Ижтимоий Янги подшолик даврида хўжаликнинг ҳамма тузуми. соҳаларида ғоят катта ўзгаришлар рўй берган. Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликда бир қанча янги қуроллар пайдо бўлган ва эскилари такомиллаштирилган. Экин майдони кенгайтирилган ва баъзи ерлар йилига икки марта экиладиган бўлган. Тўқимачилик ривожланган, транспорт воситалари такомиллаштирилган, фидиракли аравалар пайдо бўлган, ички ва ташки савдода айирбошлаш анча кучайган, пул хўжалигининг салмоғи натурад хўжаликка нисбатан ўсиб борган. Осиёдан келтириладиган кумуш асосий қиймат ўлчовини ташкил этган.

Иқтисодий юксалиш йирик хусусий мулкчилик ва қулдорликнинг ўсишига ёрдам берган, бу эса кенг аҳоли оммасининг албатта қашшоқланиши билан боғлиқdir. Қулларга бўлган талаб кучайган, бу талаб кўпинча ўн минглаб ва ҳатто юз минглаб ҳайдаб келтириладиган асиirlар ҳисобига таъмин этилган. Кўп сонли урушлар қулчиликнинг ривожланишига кўмаклашган. Қулдорлик муносабатлари Янги подшолик даврида Миср жамияти ичига чуқур кириб борган. Қулларга ҳатто унча юқори мавқега эга бўлмаган кишилар - чўпонлар, ҳунармандлар, боғбонлар ва бошқалар ҳам эгалик қилган. Бу даврда қулчиликнинг ривожланишини учун катта бўлмаган хўжаликларда кўл меҳнатига бўлган талабнинг ўсиши билан изоҳлаш мумкин. Қуллар меҳнатидан эндилиқда фақат уй хўжалигидагина фойдаланилмаган. Тўғри, ҳарбий асиirlарнинг бир қисмидан хизматкорлар (хўжайини келаётган арава олдига тушиб югуриб юрувчи юргурдаклар, шахсий соқчи ва ҳатто жангчи ва миршаб) си-

¹ Илк подшолик, Қадимги подшолик ва Урта подшолик шартли равишда шундай аталганидек, Янги подшолик ҳам шартли равишда шундай ном олган. Қадим вақтларда улар бундай аталмаган, албатта. У 500 йилдан ортиқ яшаган.

фатида фойдаланган бўлсалар-да, анчагина қисми қуллар сафини тўлдириб турган, улар далаларда, устахоналарда, тош конларида ва бошқа конларда ишлаганлар, хуллас, ҳамма оғир ва мاشаққатли ишларни қилганлар. Қулларнинг ичидан тош йўнувчилар, тош ташувчилар, темирчилар, тўқимачилар, қурувчилар ва бошқа ҳунармандлар чиқсан.

Миср жамиятида дехқонлар оммасининг асосий қисмени, шубҳасиз, эркин жамоачилар ташкил этган. Фақат улардан баъзиларигина бойиб борганлар. Жамоачи-дехқонларнинг асосий қисми камбағаллашиб борган. Уларнинг кўплари ишлаб чиқариш қуролларидан маҳрум бўлиб, иш ҳайвонлари ва уруғикни ғазнадан қарзга олишга мажбур бўлганлар. Насиҳатномалардан бирида ҳосил бўлмай қолиб, хўжалиги вайрон бўлган дехқоннинг мушкул аҳволи баён қилинган, Амалдор ундан дон талаб қилгану бечоранинг эса ҳеч нимаси бўлмаган. Уни ерга ётқизиб, калтак билан савалаганлар. Умумий кафиллик билан боғланган қўшнилар қочиб кетиб, боқиманда учун бутун жамоани жавобгарлиқдан сақлаб қолганлар. Дехқонларни подшоликка ва черковга қарашли ерларда мажбурий тартибда ишлатганлар. Шунингдек, хусусий кишиларга тегишли дехқонлар хам бўлганлиги маълум. Баъзи бойроқ дехқонлар ўзларининг чорвасига, ишчи кучига эга бўлишлари мумкин эди. Черков дехқонлари ҳатто қулларга эга бўлишлари мумкин бўлган. Вақти-вақти билан одамлар, чорвалар, паррандалар кўриқдан ўтказиб турилган, бундан кўзда тутилган асосий мақсад уларнинг зиммасига турли мажбуриятлар юклаш, улардан у ёки бу ишларда фойдаланиш эди.

Хўкмрон табақалар оддий жамоачиларни ва қисман қулларни эксплуатация қилиш ҳисобига кучайган ва бойлик орттирган.

Янги подшолик даври ижтимоий муносабатларининг ўзига хос хусусияти коҳинларнинг юксалишида бўлган. Олий коҳинларнинг бойлиги ошиши натижасида уни марказий ҳокимиятга нисбатан боғликлиқдан озод бўлиши содир бўлган. Коҳинлик ёпиқ наслий табақага айланган.

Коҳинлар билан маҳкам боғланган ва ибодатхоналар даромадининг жуда катта қисмига шерик бўлган эски, наслий зодагонлар билан бир қаторда, янги тоифа - ҳарбий хизматчи зодагонлар пайдо бўлган. Жангчи Яхмос (машхур фиръавнининг адаши ва сафдоши)нинг мансабда кўтарилиб

бориши бунга ёрқин мисол бўла олади. Гиксослар билан бўлган урушларда ном чиқариб, "эшкакчилар бошлиғи", - яни дарё флоти командири бўлиб қўтарилигандан кейин подшо унга олтиндан ташқари (асирга тушган гиксослардан) йигирматача қул ва чўри ҳамда чек ер инъом қилган.

Давлатманд табақалардан чиқсан жанг арава эгалари ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Давлат тузуми. Янги подшоликнинг давлат тузуми марказий тузуми. бюрократик бошқариш тизимининг мустаҳкамланиши билан характерланади. Мамлакат иккита маъмурий округга: Юқори ва Куйи Мисрга бўлинган. Улар ўз навбатида вилоятларга (номларга) бўлинган. Ҳар бир округ тепасида фиръавиннинг маҳсус ноиби турган. Бу эса бошқарувнинг янада марказлашувига ёрдам берган. Номларда бутун ҳокимият подшо чиновниклари қўлида тўпланган. Шаҳар ва қалъаларни фирмъавн томонидан тайинланадиган бошлиқлар идора этган.

Бу давр давлат тузумининг илгаригиларидан ажратиб турдиган белгиси шунда бўлган эдики, Янги подшолик даврида фирмъавн бойлик ва мартабаларни мерос қилиб олган амалдорларга қарама-қарши ўлароқ қуйидан чиқсан амалдорларга ҳомийлик қилган. Шундай қилиб, хизматчи зодагонлар аристократик зодагонларни иккинчи ўринга суребўйдан.

Давлатдаги биринчи ва олий амалдор жати (вазир) бўлган (албатта, подшодан кейин). Вазир саройда турли сарой маросимлари ўtkазилишини, девонхонани, пойтахтни бошқариши юритган, мамлакатнинг бутун ер фондини ва бутун сув таъминоти тизимини бошқарган; унинг қўлида олий ҳарбий ҳокимият бўлган, олий суд назорати тўпланган; бутун солиққа оид ва маҳаллий бошқарув устидан назорат қилиш ҳам унга тегишли эди.

Давлатда яна бошқа муҳим вазифаларни бажарувчи мансабдор шахслар бўлган. Уларнинг ичида, айниқса, бош ҳазиначи ва бутун подшолик ишлари бошлиғи алоҳида ўрин тутган. Булардан ташқари, кўп сонли мирзалар мавжуд бўлиб, улар буйруқларни ёзғанлар, дехқонлар ва ҳуарманларнинг ишлари устидан назорат қилганлар, ҳазинага тушадиган даромадларни ҳисоблаганлар.

Фиръавнларнинг босқинчилик сиёсати Мисрнинг бутун давлат бошқарув тизимида ўз изини қолдирган. Хусусан,

хўжалик бошқаруvida ҳарбий бошлиқларнинг роли кучайиб, давлат бошқаруvi ҳарбий характер касб эта бошлаган.

Милоддан аввалги XII-XI асрларда Янги подшолик инқизатга учраган. Шимолда ва жанубда тўпланган қарама-қарши курашувчи кучлар бир-бирини мағлубиятга учрата олмай мамлакатни икки қисмга бўлинишига олиб келганлар. Бундай шароитларда ягона давлат ҳокимиияти фақат номигагина сақланиб қолган, холос.

Янги подшоликдан кейинги давр Миср тариҳида Сўнгги подшолик ёки Ливия-Саис даври деб аталади.

6. Сўнгги подшолик

(милоддан аввалги XI-VI асрлар)

Бу даврнинг бошида яна тарқоқликка интилиш тенденцияси кучайган, бунинг аломатлари Янги подшоликнинг охирларидаёқ сезилган.

Жанубда (Фиваидада) коҳинлик ҳукм сурган, у ўзини аҳолининг бошқа қисмига қарама-қарши қўйиб, улардан тобора ажралиб, алоҳида тоифага айланиб борган. Ибодатхоналарнинг кўпдан-кўп руҳонийлари тепасида Бош коҳин Амоннинг олий коҳинлари турган. Кейинроқ олий коҳинлар вазифасига фиръавннинг қизлари ёки сингиллари тайинланган, бу эса руҳонийлар ҳокимиияти билан подшо ҳокимииятининг муросага келишга уринганлигидан далолат беради.

Шимолий Мисрда, аксинча, ёлланма аскарлар-ливиялар ўз таъсирларини мустаҳкамлаб борганлар. Улар ерли мисрликларни армия хизматидан четлаштирганлар ва ҳарбий хизмат билан боғлиқ имтиёз ва инъомлардан маҳрум қилганлар. Шу тариқа коҳинлар билан рақобат қилувчи ҳарбийлар тоифаси ташкил топган. Гарчи ливиялар ҳокимииятни кўлга олган бўлсалар-да, бу вақтинчалик бўлган, мамлакат тез орада майда бўлакларга бўлиниб кетган. Деярли ҳар бир номда ўз қўшниси билан доим жанжаллашиб турган ўзининг мустақил подшоси ўтирган. Коҳинлар ва ҳарбий зодагонлар (ливиялик ҳарбийлар) жамоачиларни қаттиқ эксплуатация қилган. Кўп чек ерлар сотилиб, хусусий мулкка айланган.

Ташки вазият ёмонлашганлиги туфайли, ҳарбий асиirlар мамлакатга деярли бутунлай келмай қўйганлигидан қуллар

қаторини ўз ватандошлари ҳисобидан түлдириб туришга интилганлар. Хонавайрон бўлган жамоачилар қарзларини тўлай олмаганидан кейин қулларга айлантирилган.

Милоддан аввалги VIII асрдаги фиръавнлардан бири Бокхорис қарздорларни қулга айлантирилишига қарши курашмоқчи бўлган. У қарздорларни озодликдан маҳрум қилишни тақиқлаб, мол-мулкини мусодара қилишгагина йўл қўйган. Аммо бу ислоҳот муваффакият қозона олмаган. Бокхориснинг ўзи озгина вақт подшолик қилган, уни Куйи Мисрдагина тан олишган, шунинг учун ҳам унинг грек анъаналарида баён этилган қонунлари ижтимоий табақаланиш жараёнини узоқ вақт тўхтатиб туролмаган.

Милоддан аввалги VIII-VII асрларда Мисрда ўрнатилган дастлаб эфмопияликларнинг, сўнgra осур подшоларининг ҳукмронлиги мамлакат ижтимоий-сиёсий тузумида жиддий ўзгаришларга олиб келмаган. Улар маҳаллий подшоларни олиб ташламаганлар, фақат бўйсуниш ва хирож тўлашнигина талаб қилганлар.

Эфиопия ва осур подшолари бир-бирларини заифлаштирганлар. Шимолий Мисрнинг энг катта маркази бўлган Саиснинг ҳукмдорлари бундан усталик билан фойдаланганлар. Саис ҳукмдорлари ичida Псамметихнинг толеи баланд бўлган. У аввало Жанубий Мисрда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган, сўнgra эфиопияликларни Фивадан суриб чиқарган ва маҳаллий подшо сулолаларини тугатиб, бутун мамлакатни ўз қўл остига бирлаштирган. Псамметих XXVI (Саис) сулоласини (милоддан аввалги тахминан 663-525 йиллар) бошлаб берган.

Бу даврда Миср иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яна равнақ топган ва яна марказлашган давлатга айланган.

Бу вақтда жамиятнинг эркин кишилар ва қулларга бўлиниши илгаригига қараганда жадаллашган. Ўзини қулликка сотиш ҳақидаги битимлар кенг тарқалган. Эркин кишиларнинг кенг қатламларининг камбағаллашуви ўсган. Аҳолининг кўп қисми илгаригидек хазинага, черковларга, зодағонларга қарам бўлган. Ҳунармандларнинг аҳволи ёмонлашган.

Бу вақтда коҳинлар билан бир қаторда ҳарбийлар ҳам имтиёзли табақа бўлиб қолган.

Маҳаллий зодагонларнинг асосий негизини илгаригидек номархлар ва шаҳар ҳукмдорлари ташкил этган. Мартабали

зодагонларнинг бошқа вакиллари ўзларининг илгариги ўтмишдошлари: олий амалдор, хазинани сақловчилар, ишлар бошликлари, судьялар ва бошқалардан кам фарқ қилгандар. Бу даврда ҳарбий бошликлар алоҳида ўрин эгаллаган.

7. Қадимги Миср ҳуқуқининг асосий белгилари

Хукук манбалари. Барча қадимги давлатлардаги каби Қадим-манбалари. ги Мисрда ҳам ҳуқуқнинг дастлабки манбаи **одат ҳуқуқи** бўлган. Лекин, албатта, давлатнинг ташкил топиши билан аста-секин ёзма қонунчилик пайдо бўлиб, ривожлана бошлаган. Қадимги грек ёзувчиси Диодар Сицилияликнинг хабар беришича, Мисрда биринчи қонун чиқарган афсонавий подшо - биринчи сулоланинг биринчи подшоси Менес бўлган, иккинчиси подшо Сазихис бўлган (бу Қадимги подшолик даври подшоларидан бўлса керак). Геродот ва Диодар кўрсатганларидек, Сазихис қарз олиш шартларини белгиловчи қонун эълон қиласкан. Унга кўра, шахсларнинг ўз отасининг ёки шахсан ўзининг мумиёсини (мумиё шахслар ўлганидан кейин жасадига суртиш учун ишлатилган) гаровга қўймасдан туриб ва шу тариқа қарзини тўлашни таъминламасдан қарз олиши тақиқланган. Бундай ҳолда қарз олган қарздор ва-фот этса, унинг қарзи тўланмагунча дафн этилмаган, чунки унинг мумиёси гаровда бўлган.

Мисрда милоддан аввалги XIII асрда **ёзма қонунчилик** анча тараққий қиласкан. Масалан, айниқса, Рамзес II подшолиги даврида кўп қонунлар чиқарилган. Бу қонунлар Миср армиясини, жамиятнинг ижтимоий тузумини ва бюрократик давлат аппаратини мустаҳкамлашга қаратилган. Ниҳоят, милоддан аввалги VIII асрда подшо Бокхориснинг саккизта китоби (қирқта нома)дан иборат катта кодекси пайдо бўлган. Мазкур қонунлар бўйича Миср тарихида биринчи марта қарздорларни қарзи учун қулга айлантириш тақиқлаб қўйилган, деҳқонларга эса ўз чек ерларини сотишига ва гаровга қўйишига рухсат берилган, биринчи марта ҳуқуқни қўллаш танҳо коҳинларнинг машгулоти бўлмай қолган ва шартномалар қатъий ва муқаддас қоида шаклида ёзилмайдиган бўлди. Милоддан аввалги VI асрда подшо Амасис маҳаллий ҳокимият фаолиятини тартибга солувчи қонунлар чиқарган. Ипусернинг машхур нутқида "суд залининг қо-

Мөхөн оғуздың Эң ба бүкүлгө

нунлари" эслаб ўтилади. Булар, шубҳасиз, судлар томонидан фойдаланиладиган қонунчилик бўйича қўлланма ёки хукукий тўплам бўлган. Бизгача етиб келган қонунчиликка оид хукукий ҳужжатлар ичida "вазирга инструкция" деб номланадиган акт муҳим ўрин тутади.

Мисрда вазир (жати)нинг ва бошқа олий мансабдор шахсларнинг фаолияти характеристи кўламидан кўринадики, уларнинг маъмурӣ фармойишлари қонун аҳамиятига эга бўлган ва, демак, одатлар ва қонун сингари хукуқ манбаи ролини ўйнаган. Зеро, олий суд ҳокимияти подшо ва жати қўлида экан, суд қарорлари ҳам хукуқнинг у ёки бу соҳаси бўйича янги хукукий меъёrlар ўрнатishi мумкин.

Мулк Қадимги Мисрда ерга эгаликнинг бир қанча турхукуки. лари мавжуд бўлган. Бутун ерлар расман подшонинг мулки ҳисобланган. Бироқ амалда турли хукукий режимдаги бир қанча ерга эгалик шакллари мавжуд бўлган.

Фиръавн ерларни ибодатхоналарга, хизматчи зодагонлар вакилларига, коҳинларга ва ҳарбийларга вақтинча эгаликка бериб қўйган.

Ибодатхоналарга берилган ерлар уларнинг мансабдор шахсларининг биргалиқда фойдаланишига келиб тушган. XIX сулола ҳукмронлиги даврида амалда бу ерлар коҳинлар ўртасида қуръа ташлаш йўли билан тақсимлана бошлаган. Бундай ерларда уни ишлашга ва етиширилган ҳосилнинг маълум қисмини давлатга ва ибодатхоналарга беришга мажбур ҳисобланган дехқонлар бўлган. Ерлар подшо чиновниклари томонидан бошқарилган. Подшонинг солиқ йигувчилари ибодатхоналарнинг солиқ йигувчи шахслари билан биргалиқда бевосита ишлаб чиқарувчилардан рента-солиғи ундиришни амалга оширганлар. Ҳужжатлардан кўринишича, солиқ йигувчилар ўз мавқеларидан фойдаланиб, суисистеммолликлар қилганлар, тез-тез ўз фойдаларига ҳам йиғимлар олиб турганлар. Бундай солиқ ва йиғимларни тўлай олмаган ёки тўлашдан бош тортган дехқонлар ерлардан ҳайдаб юборилган. Фақат фиръавн Хоремхеб (милоддан аввалги XIV аср) солиқ тўламаган дехқонларни ердан ҳайдаб юборилишини тақиқлаган эди. Бироқ солиқ тўламаган дехқонларга нисбатан турли тан жазолари (қамчи билан савалаш) берилиши назарда тутилган. XIX-XX сулолалардан

бошлаб коҳинлар ерларни давлат органларининг ҳеч қандай аралашувисиз бошлаганлар.

Ибодатхоналардан ташқари алоҳида ҳарбийлар ва коҳинлар ҳам ўз хизматлари эвазига мукофот тариқасида подшолардан ер олиб турганлар. Подшо қандайдир амалдорни мансабга тайинлаб, унга мукофот тариқасида яна ер, ишлаб чиқариш куроллари ва қуллар ҳам берган.

Ибодатхоналарга ёки ҳарбий ва чиновникларга берилмай қолган бошқа барча давлат ерлари дехқонлар жамоатарининг эгалигида бўлган ва бевосита оқсоқол - ксерп томонидан идора этилган.

Хайдалмайдиган ерлар - боғлар ва қурилиш участкалари ҳайдаладиган (экин экиладиган) ерларга қараганда бошқачароқ ҳуқуқий мавқега эга бўлган. Подшо бундай ерларни ҳеч қандай хизмат ўтаб бериш мажбуриятларисиз берган. Подшо уларни хоҳлаган кишига ҳадя қилиши мумкин бўлган. Эҳтимол, бундай ерлар хусусий мулк бўлиб қолган ва уни олган кишилар сотиши ва ҳадя қилишига рухсат этилган.

XVIII сулоладан бошлаб подшо ҳайдаладиган ерларни ҳам фахрийларга маълум хизмат эвазига эмас, балки оддий ҳадя сифатида бера бошлаган.

Ибодатхоналар ва алоҳида фуқаролар эгалигидаги ерлар баъзи ҳолларда олди-сотди, ҳадя, ижара шартномаларининг предмети бўлиши мумкин эди. Ерлар фақат номигагина давлатники деб тан олинган, амалда эса хусусий мулк бўлиб қолган. IV ва, ҳатто, III сулолага оид ҳужжатларда ерларни, шу жумладан, ҳайдаладиган ерларни, уйларни олиш-сотиш, ҳадя қилиш, мерос қилиб қолдириш ҳақидаги ҳужжатлар учрайди.

Ерга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтказилиши маълум расмиятиликларга қатъий риоя қилишликни талаб этган (бу ҳақда қўйироқда "мажбурият ҳуқуқи" билан танишганимизда алоҳида тўхталамиз).

Харакатдаги ашёлар хусусий мулк предмети ҳисобланган. Подшо томонидан ер билан бирга инъом қилинган иш чорваси ва қуроли (инвентарь) олган шахснинг хусусий мулки бўлиб қолган ва уни тасарруф қилиш мумкин бўлган.

Мисрда кўпдан-кўп харажатлар талаб қилувчи марҳумларга бағишлиланган маросимларга катта аҳамият берилган. Бадавлат кишиларга бу мақсадларда алоҳида ажралмас

мулк ажратилган. Ундан келадиган даромадлар маълум мақсадларда белгиланган. Бу мулк гўё оила мулкини ташкил этган.

Қадимги Мисрда қуллар хусусий мулк сифатида кўрилган, лекин уларни эксплуатация қилиш Греция ва Рим сингари юқори даражага чиқмаган. Қуллар ўз оиласи ва мулкига эгалик қилиши мумкин бўлган. Улар содир этган жиноятлари учун хўжайнинлари томонидан эмас, давлат ҳокимияти органлари томонидан жазоланган. Қуллар агар хўжайнинлари шафқатсиз муносабатда бўлса, ибодатхоналардан бошпана излашга ва ўз хўжайнинлари устидан шикоят қилишлари мумкин эди. Бу уларни ибодатхоналар хизматчиларига айланишига олиб келган.

Мажбурият Мисрда мажбуриятлар асосан **шартнома-хукуки**.

шартномалардан келиб чиқсан. Шартномалар узоқ вақтгача коҳинлар ва мансабдор шахслар олдида тантанали қасам ичиш орқали тузилган. Фақат подшо Бокхорис даврида (милоддан аввалги VII асрда) шартномалар бундай диний тартибдан холос этилган. Бироқ ёзма шартномаларнинг матни кейинчалик ҳам уларнинг тантанали равишда оғзаки ваъда беришдан келиб чиқсанлигини акс эттиради.

Товар-пул оборотининг ривожланиши билан **олди-сотди шартномаси** анча кенг тарқала бошланган. Қадимги подшолик даврида ёқ тоштахтачаларга товар айирбошлиш учун бозорларнинг тасвири тушурилганлиги маълум, шу билан бирга уларда баъзи ҳолларда сотиб олувчиларнинг кўлларида монеталар ушлаб турганлиги тасвирланган. Бироқ Қадимги подшолик даврида савдо асосан давлат томонидан чет элликлар билан олиб борилган. Савдо муносабатлари Янги подшолик даврида, айниқса, XVIII сулола ҳукмронлиги вақтида (милоддан аввалги XVI-XIV асрларда) анча ривожланган.

Ерларни фақат олий табақа вакилларигина бегоналаштириши (тасарруф этиши) мумкин эди. Деҳқонлар ўзларининг ер участкаларини бировга ўтказиш ҳукукини фақат подшо Бокхорис даврида олган эдилар. Бунинг устига, бу ҳукуқ фақат подшо томонидан ибодатхоналарга, ҳарбийларга ёки чиновникларга инъом қилинган ер участкаларига вақтинча эгалик қилиб турган деҳқонларга берилган.

Ерларни ёки қурилишларни олиш-сотиш шартномаси маълум расмиятчиликларга амал қилган. Бунда кетма-кет учта далолатнома тузилган. Биринчи далолатнома сотувчи ва харидор ўртасидаги олди-сотди шартномасининг предмети ҳақидаги қиймати тўла тўланганилигини кўрсатиб тузиладиган битим бўлган (суммаси одатда кўрсатилмаган). Бунда сотувчи ўз зиммасига мулк ҳукуқини харидорга ўтказиш ҳамда бу мақсадда кейинги далолатномаларни тузиб, ерни сотиб олувчига бу ерга нисбатан бошқа учинчи шахс томонидан эгалик ҳукуқи талаб қилинmasлигига кафолат бериш мажбуриятини олган. Иккинчи далолатнома диний характерга эга бўлган ва сотувчи қасам ичиш йўли билан шартномани тасдиқлаган. Ва ниҳоят, учинчи далолатнома сотиб олувчига ерга эгалик қилишни ўтказиш хисобланган. Бу суд олдида амалга оширилган ва бундан кейин ер китобларига сотиб олувчининг исми сотувчининг ўрнига қайд этилган. Кейинчалик иккинчи далолатнома тузилмайдиган бўлган ва фақат биринчи ва учинчи далолатномалар тузилган. Мулк ҳукуқи фақат ашёларнинг топтирилиши билан, яъни ерга эгалик қилишга киришиш билан ўтказилган.

Шартномаларнинг кенг тарқалган турларидан бири **қарз шартномаси** бўлган. Мисрда бу шартноманинг обьекти пул ва шунингдек қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари (дон, уруғ ва бошқалар) бўлган.

Қарзни ундириш воситалари ҳам назарда тутилган. Бунинг учун Бокхорис қонунлари чиқарилгунга қадар қарздорнинг ва унинг қандайдир қариндош-уруғларининг шахси гаровга қўйилган. Қарз муддатида тўланмаса гаровга қўйилган шахс қулга айлантирилган. Қарзни таъминлаш воситаси сифатида баъзан отасининг ёки қарз олувчининг бошқа яқин қариндошларининг ёхуд бевосита шахсан қарздорнинг мумиёси гаровга қўйилган.

Бокхорис подшолигидан бошлаб қарзи учун қулга айлантириш бекор қилинган, дехқонларнинг биринчи марта ерни гаровга қўйишига рухсат этилган, бу эса дехқонларнинг ерсизланиш жараёнини кучайтирган. Шу билан бирга, кредиторларнинг ўзбошимчалик билан қарздорнинг мулкини, айниқса, ерни ишлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш куролларини ва чорвасини гаров сифатида эгаллаб олишлари тақиқланган. Бироқ бу қоида ибодатхоналар учун ва давлат органлари учун истисно эди.

Мисрда мулкни ижарага бериш, яъни ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига маълум мол-мulkни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун ўтказиш шартномалари ҳам учрайди. Агар ижарага берилган қул ёки чўри касаллиги туфайли ишга яроқсиз бўлса, мулк эгаси бунинг учун олган ижара ҳақининг икки баравари миқдорида қайтариб бериши лозим бўлган. Ижарага олинганд ашёнинг нобуд бўлиши ижарага олувчини ижара ҳақини тўлашдан озод қилмаган.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар Мисрда, одатда, бир йилдан ортиқ муддатга берилмаган. Курилиш учун, шаҳарларда уйлар учун ва бошқалар учун мўлжалланган ер участкаларини хоҳлаган муддатга ижарага бериш мумкин бўлган. Майдонларни ижарага олганда ижара ҳақи одатда ҳосилнинг бир қисми тарзида тўланган. Ижара шартномаси шартлари бўйича ерни ишлаш ижарага олувчининг фақат ҳуқуқи бўлмай, балки унинг мажбурияти ҳам ҳисобланган. Зоро, ерларни ижарага олиб, уларни қаровсиз ташлаб қўйишга йўл қўйилмаган.

Оддий ширкат шартномалари (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномалар) ҳам бўлган. Бунда шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахслар фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар. **Багаж ва юк ташиш шартномалари** ҳам учраган. Бу шартнома бўйича багаж ёки юкни белгиланган манзилга элтиб бериш ҳамда уларни олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Бунда йўловчи белгиланган йўл ҳақини, багаж топширган бўлса, багаж ташиш ҳақини ҳам тўлаш мажбуриятини олади. Юқоридагилардан ташқари бирорнинг ашёларини **омонат сақлаш шартномалари** ҳам учрайди. Сақлаб туриш текин бўлган; юк сақлаш дин ҳомийлиги остига қўйилган яхши қўшничилик битими бўлган.

Оила ва мерос Мисрда давлатнинг жуда эрта келиб ҳукуки. Чиққанлиги сабабли оиласда кўпгина матриархат қолдиқлари сақланиб қолган эди. Масалан, у ерда ака-сингиллар ва опа-укалар ўртасидаги никоҳ кенг тарқалган эди. Болалар дастлаб кўпроқ она линияси бўйича номланганлар. Қариндошлар ичida онанинг отаси ва акаси катта ҳурматдан фойдаланган.

Оилада аёллар жуда юқори мавқега эга бўлган. Манбаларда у "уй бекаси" деб номланади. Бироқ V сулоладан бошлаб оилада эрнинг ҳуқуқлари мустаҳкамланиши ва кенгайиши томонга ўзгариб борган. Аёл, илгариgidек оилада нисбатан юқори мавқега эга бўлса-да, энди ўз эри билан teng ҳуқуқли деб тан олинмаган. Кўп хотинликка йўл қўйилган. Ҳар бир мисрлик, агар у коҳинлар табақасига мансуб бўлмаса, иккинчи хотин олиш ҳуқуқига эга бўлган. Бадавлат мисрликларда ҳарамлар пайдо бўлган. Бироқ ҳарамдаги аёллар унинг әгасининг хотини ҳисобланмаган ва уларнинг болалари ҳам ҳарам әгасининг оиласи таркибиغا кирмаган.

Никоҳ шартнома асосида тузилган, аёл ўз номидан шартнома тузган. Никоҳ шартномаси бўйича хотин ўз шахсий мулкини сақлаб қолган ва эр унга никоҳ харажатлари учун маълум сумма бериши лозим бўлган. Хотин мулкининг сақланишини таъминлаш мақсадида унинг батафсил рўйхати тузилган ва эрининг барча мулки гаровга қўйилган. Баъзан эр хотинига оиланинг бутун бойлигини ўтказган. Бундай шартнома, албатта, вазирнинг тасдифидан ўтиши лозим бўлган.

Қадимги Мисрда ажralиш мутлақо эркин бўлган. Хотин ўз хоҳиши билан никоҳни бекор қилиши мумкин эди. Ажralиш ҳолларида хотин одатда маълум сумма олган, бу никоҳдан бўлган болалар эса ота мулкига мерос ҳуқуқини сақлаб қолганлар. Бироқ, агар ажralиш эрнинг талаби билан амалга оширилган бўлса, унинг барча мол-мулки катта ўғилга ўтган. Катта ўғил эса бу мол-мулкни бошқа барча болалар ўртасида тақсимлаши лозим бўлган.

Мисрда болалар маълум даражада мустақилликдан фойдаланганлар, улар ўзларининг шахсий мулкларига эга бўлишлари мумкин эди.

Мерос барча болалар ўртасида teng тақсимланган. Қизлар ҳам ўғиллар билан teng ҳисса олганлар. Мерос тақсимланаётганда уни амалга оширувчи катта ўғил баъзи имтиёзларга эга бўлган. У меросни вақтинча қўлда тутиб туриши ва тақсимлаши эвазига бироз кўпроқ ҳисса олиши мумкин эди. Болалар отанинг, онанинг, шунингдек, онаси қариндошларининг мол-мулкини қонун бўйича мерос қилиб олишлари мумкин бўлган. Болалар бўлмаса мерос қолдирувчининг ака-укалари ва опа-сингиллари қонуний меросхўрлар бўлган. Дафн қилиш маросимлари учун ажратилган

мулк бўлинмас ҳисобланган ва улар эгалари ўлганидан кейин ўтказиладиган маросимларга сарфланган.

Миср ҳуқуқига **васият** тушунчаси ҳам маълум. Мерос қолдирувчи ўлимидан олдин ўз мулкининг бир қисмини алоҳида шахсларга васият қилиб қолдириши мумкин бўлган. У шунингдек, васиятда ўз мулкининг маълум қисмини худолар йўлига қурбонлик қилинишини меросхўрлар зими масига юклаши мумкин эди.

Жиноят Миср ҳуқуқида жиноят деб тан олинадиган ҳуқуқи. хатти-ҳаракатларнинг анча кенг доираси маълум. Ижтимоий ва давлат тузуми асосларига озгина бўлса-да суиқасд қилишлик учун оғир жазолар назарда тутилган. Давлатга хиёнат, қўзғолон кўтариш ва фитна ўюштириш ҳолларида фақат айбдорнинг ўзи эмас, унинг онаси, опа-сингиллари, бутун оиласи жавобгар бўлган. Бунда исёнчи ўлим жазосига маҳкум этилиб, унинг жасади ҳамма қатори ерга кўмилмай, сувга ташлаб юборилган.

Давлат тузумига қарши қаратилган жиноятлар билан бир қаторда диний қоидаларни бузган шахсларга ҳам ўлим жазоси берилган. Худоларга бағишлиланган ҳайвонларни қасдан ўлдириш, ибисларни (иссиқ мамлакатларда яшайдиган лайлакка ўхшаган узун оёкли қуш), мушукларни, бойўғиларни ва бошқаларни ўлдириш, Нил дарёсини ифлослантириш, мурда кўмилган гўрни қазиш, тақиқланган жойга мурдани кўмиш ва бошқалар ҳам оғир жиноят ҳисобланган. Афсунгарлик учун ўлим жазоси назарда тутилган; инсонни сеҳрли жодулар ёки ичимликлар билан сеҳрлаб қўйиш энг оғир жиноятлардан ҳисобланган. Шунингдек, худо Тотонинг муқаддас китобларида ўрнатилган қоидалардан четга чиқиб даволаш санъати қоидаларини бузиши натижасида касалнинг ўлимига сабабчи бўлса, оғир жиноят ҳисобланган. Худди шу каби юқоридаги қоидаларни бузиб янги рақс кашф этса ёки қўшиқ тўқиса ҳам оғир жиноят ҳисобланган.

Давлат сирларини ошкор қилишлик оғир жиноят ҳисобланиб, бунинг учун айбдорларнинг тили кесилган. Сохта нарсалар ясаш ҳам жиноят деб топилиб, бу жиноятда айбланганларнинг қўли кесилган. Қалбаки мухрлар, пуллар ясаганларнинг икки қўли кесилган, шунингдек, сохта тоштарозилардан фойдаланганларга тана аъзоларидан бирини майиб қилиш (кесиб ташлаш) жазоси қўлланган.

Юқоридагилар билан бирга ўлим жазоси қасамхўрлик жиноятлари, одам ўлдириш ва баъзи ҳолларда ёлғон хабар бериш учун ҳам назарда тутилган. Отасини ўлдирган фарзанднинг танасидан гўштларини суғуриб олиб, сўнгра тиканларга ётқизганлар, ундан кейин ёқиб юборгандар.

Ўғирлик учун оғир жазо берилган. Чорвани ўғирлаганлик учун ва бошқа баъзи ҳоллардаги ўғирлик учун қўлни кесиш жазоси назарда тутилган. Ибодатхонага тегишли мулкни ўғирлаганларга - 100 қамчи урилган ва ўғирланган мулк қийматининг 100 баравар ҳажмида жарима солинган. Ибодатхонага тегишли чорвани ўғирлаган кишини тана аъзоларидан бирини майиб қилиб, сўнгра қулга айлантирилган. Маросимларга оид нарсаларни ўғирлаганлар ўлимга маҳкум этилган. Қабрни бузиб ўғирлик содир этган шахснинг қулоқлари, бурни кесилган ва қозиқقا ўтқазилган.

Хотиннинг эрига хиёнати (бевафолик қилиши) оғир жиноят ҳисобланган. Бунда хиёнаткор хотиннинг бурни кесилган, унинг иштирокчисига эса кастрация жазоси берилган.

Шу нарса характерлики, Мисрда **жазолар** жуда оғирлиги билан ажралиб турган. Унинг асосий мақсади қўрқитиш бўлган. Кўриб ўтганимиздек, давлатнинг ташкил топиши билан қонли ўч олиш одати бекор қилинган. Хун олиш одати аллақачон йўқ бўлиб кетган. Мисрда жазоларнинг энг кўп тарқалган тури ўлим жазоси ҳисобланган. У ёқиб юбориш ёки қозиқقا ўтқазиш, бошини кесиш, осиш, тириклиайн кўмиб юбориш, қўл-оёқларини бутга тортиб михлаш каби усулларда қўлланган. Юқори лавозимлардаги кишиларга ўлимга маҳкум қилинганда ўзини-ўзи ўлдиришга рухсат этилган. Боқхорис қонуни бўйича ўлим жазоси қулга айлантириш жазоси билан алмаштирилиши мумкин бўлган. Ўлим жазоси билан бирга тана аъзоларини майиб қилувчи жазолар: қўлларини, қулоқларини, бурнини, тилини кесиш, кастрация ва бошқалар; қамчи билан уриш кўринишидаги тан жазолари, мажбурий тартибда оғир ишларга жўнатиш (каторгага сургун) жазоси; ниҳоят, турмада сақлаш каби жазолар бўлган. Баъзи ҳолларда пул жарималари ҳам амалда бўлган. Обрўсизлантириш жазоси ҳам қўлланган. Масалан, жиноятчини шарманда қилувчи симёфоч олдига кўйиб кўйиш жазоси ҳам назарда тутилган эди. Булардан

ташқари, эркин кишини қарам ишчига айлантириш жазоси ҳам бўлган.

Суд Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд иш-жараёни. ларини юритиш бир хил бўлган. Жиноят ишлари ҳам фуқаролик ишлари сингари жабрла-нувчининг шикояти билан қўзғатилган. Суд ишларини юри-тишда ошкоралик ва оғзакилик бўлмаган. Судда прокурор-лик вазифаси, яъни айловни қўллаш ҳуқуқи жабрланув-чининг ўзига берилган. Жабрланувчи ўз шикоятида айбдор-га қандай жазо берилиши кераклигини, унингча қанча миқ-дорда жарима ундирилиши лозимлигини кўрсатиши керак бўлган. Айбланувчи судда ўзини ўзи ҳимоя қилиши лозим бўлган.

Суд ишлари ёзма тартибда олиб борилган. Айбланувчи ёки жавобгар ёзма жавоб берган. Томонлар ўз аризала-рида иш бўйича фикр-эътиrozларини баён қилганлар. Би-роқ суд ишларни маҳфий равишда, мотивлар келтирмай, далилларсиз кўриб ҳал қилган ва қарор чиқарган. Судья кимнинг фойдасига ишни ҳал қилса, индамай туриб ҳа-қиқат тимсоли - худо Маатнинг тасвирини унинг лабига тек-кизган.

Судда гувоҳларнинг кўрсатмалари, гувоҳларнинг ва ши-коятчиларнинг қасамлари, кўздан кечириш (масалан, қабр-ларни таҳқирлаш ишлари бўйича), қийнаш (қўли ва оёкла-рига оғриқ етказиш) кабилар далил ҳисобланган. Жиноят ишларида ҳам, мулкий низолар бўйича фуқаролик ишла-рида ҳам томонлар ва гувоҳлар қасам ичганлар, шу йўл би-лан кўрсатмаларига ишонтиришган.

Шундай қилиб, юқорида кўриб ўтганимиздек, Қадимги Мисрда ҳукуқнинг алоҳида соҳалари ва институтлари бўйи-ча у ёки бу манбаларда ҳукуқий меъёрлар ўрнатилган бўлса-да, лекин улар маълум тизимга солинмаган, ягона ҳукуқий тўпламга келтирилмаган ва ҳукуқ соҳалари бўйича ишлаб чиқилмаган эди. Бизнинг юқоридагича тарзда ҳукуқ-ни тизимга солишимиз, албатта, шартли бўлиб, уни ўрга-нишимизга ёрдамлашиши мумкин, холос.

ҚАДИМГИ МЕСОПАТАМИЯДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ (Шумер ва Бобил)

1. Давлатларнинг пайдо бўлиши

Месопатамиянинг жанубий қисми (Иккидарё оралиғи)да, яъни Форс қўлтигининг Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида қадимги тош аспи (палеолит) замонларида ҳамма ерлар ботқоқликдан иборат бўлиб, бу ерда одамларнинг ҳаёт кечириши мумкин бўлмаган. Лекин янги тош (неолит) даврининг охирига келиб, теварак-атрофдаги қирларнинг ахолиси, эҳтимол, зўр эҳтиёж (озик-овқат заҳираларининг тугаб қолиши ва душманларнинг сиқуви) сабабли аста-секин Иккидарё оралиғига кўчиб келиб жойлаша бошлаган. Булар шарқдан кўчиб келган шумерийлар ҳамда гарбдан ва шимоли-гарбдан кириб келган семит (сомий) қабилалари эди (кўчиб келувчи семитларнинг биринчи тўлқини бундан кейин Аккад шаҳрига кўра аккадликлар номини олган).

Энг қадимги одамларнинг асосий машғулоти овчилик ва айниқса балиқ овлаш эди. Шунингдек, мотигадан фойдаланиб қилинадиган дехқончилик ҳам кичик кўламларда ривожлана борган. Айни замонда чорвачилик ривожланган. Эшакларни, кейинчалик ҳўқизларни сўқа (плуг)га қўшишни ўрганишган, шунингдек, улардан янчиш учун фойдаланишган. Мотига билан дехқончилик қилишдан сўқа билан дехқончилик қилишга ўтилиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишида анча катта силжишга олиб келган. Кўпроқ экин майдонларини ўзлаштиришга имконият туғилган. Аммо бунинг учун ботқоқликларни қуритиш, далаларни Дажла ва Фрот тошқинларидан ҳимоя қилиш, сунъий ҳовузларда сув заҳираларини (курғоқчилик вақти учун) сақлаш каби ишларни амалга ошириш талаб қилинган. Бунда ўз навбатида каналлар қазиш, тўғонлар қуриш, куёш ҳарорати қуритган баланд участкаларда эса қудуқлар ковлаш зарур бўлган. Кейинчалик далаларни суғориш усуллари тобора такомиллашган.

Дажла ва Фрот дарёлари водийси кўпгина авлодларнинг меҳнати туфайли мисли кўрилмаган кўп ҳосил берадиган серҳосил мамлакатга айланган. Бу ерда қишлоқ ҳўжалиги

ва у билан боғлиқ ҳолда хунармандчиликнинг ривожлана бориши ахолининг тез ўсишига олиб келган. Катта қишлоқлар пайдо бўлган, улардан баъзилари катталашиб, деворлар билан ўралган шаҳарларга айланган. Шу тариқа, милоддан аввалги IV минг йилликнинг охири - II минг йилликнинг бошларида биринчи шаҳар-давлатлар вужудга кела бошлаган. Бу ерлар дехқонларнинг доимий яшаш жойларига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан чорва маҳсулотлари айирбошланадиган марказларга айланиб қолган эди. Қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик ишлаб чиқаришнинг ўсиши Иккидарё оралиги шаҳарларининг тобора мустаҳкамланишига, ахолисининг кўпайиб боришига ёрдамлашган. Милоддан аввалги III минг йилликнинг иккичи чорагида Уруқ, Киш, Ур, Лагаш каби шаҳар-давлатларнинг ахолиси бир неча минг кишига етган эди. Бу ерда ижтимоий фарқлар аниқ сезилиб қолган, катта-катта ер участкаларига эгалик қилувчи уруғ аристократияси ажralиб чиқкан, патриархал оила жамиятнинг асосий ячейкасига айланган ва бунда ота хотини ва болалари устидан ҳокимликни эгаллаган ҳамда оиласи мулкни бошқарувчи бўлиб қолган. Айrim катта оиласи сугориш ишлари тобора ривожланиб, дехқончилик техникаси мураккаблашган сари ерларни ўзлаштириш ва дарё сувларини жиловлаш учун зарур бўлган мураккаб ишларни энди уddeлай олмай қолишган. Оиласи қариндошлиқ алоқаларига қарамай бирлашадилар. Ер чекларга тақсимланади ва умумий мажбурий ишлар (тўғонлар қуриш, каналлар қазиш каби ишлар) биргаликда олиб борилади.

Ибтидой жамоадан қишлоқ жамоасига ўтмишнинг ана шу босқичида энди одамнинг одам томонидан эксплуатация қилиши пайдо бўлади. Қабилалар ўртасидаги тўқнашувлар вақтида қўлга туширилган асиirlар қулларга айлантирила бошланган. Энг оғир ишларда қуллар меҳнатидан фойдаланилган. Қулларни каналлар қазишга, гиштдан иморатлар қуришга мажбур этилган, чўрилар эса қўл тегирмон тошлари билан дон янчишлари керак бўлган.

Милоддан аввалги III минг йилликда ибодатхоналарнинг ерларини жамоа ерларидан ажralиб чиқши ҳисобига подшо-черков хўжалиги ҳам ташкил топган. Жамоачи-дехқонлар эндилиқда илгаригидек ибодатхоналарнинг ерларини ишлашда иштирок этмаганлар, балки ибодатхона хазинаси-

га рента-солиғи тұлғаганлар. Ибодатхоналарнинг өрлари турли тоифадаги қарам кишилар, қуллар томонидан ишланған. Бироқ, бу жамоачиларни жамоат ишларидан, йүллар, сұғориш иншоотлари ва бошқалар қуришдан озод қылмagan. Шаҳарларда бошқарувчилик вазифаларининг мураккаблашуви билан бир қаторда ерларни, ибодатхона хұжалигини, маросимларни, жамоат ишларини ҳисобға олиш билан шуғулланувчи шахслардан ташкил топған маъмурый аппарат ўсған. Жамоа бошқаруви органларидан ўсиб чиққан бу аппарат энди янги ижтимоий вазифаларни Бажара бошлаган. У бошқа қишлоқ-жамоаларига нисбатан хилмажил бошқарувчилик вазифаларини амалға оширувчи шаҳар давлатлар аппарати бўлиб қолган.

Шаҳар-давлатлар дастлаб Иккидарё оралиғининг жанубий қисмидаги иккита қабилавий гурухлар: шумерлар ва аккадларда келиб чиққан. Милоддан аввалги III минг йилликнинг охирларида Иккидарё оралиғига келиб жойлашған турли қабилалар гурухлари батамом қўшилиб кетған, лекин уларнинг асосий қисмларининг номлари сақлашиб қолган. Булар жанубда Шумер, шимолда Аккад эди. Шумер цивилизациясининг биринчи маркази Урук бўлган. Аккад-семитларнинг шаҳарлари ичida энг қадимииси Аккад бўлган. Урук аҳолиси, масалан, осмон худоси Ан (аккадча Ану)га итоат этганлар. Ушбу худога бағищланған ибодатхона эса фақат маъмурый марказ бўлиб қолмай, хунармандчилик, савдо маркази, хавфсизлик учун зарур бўлган кўргон ҳам эди.

Иккидарё оралиғининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишига унинг атрофидаги ярим кўчманчи ва кўчманчи кишиларнинг, бошқа маданиятли қабилаларнинг яқин бўлиши ҳам таъсир этган. Кўшни қабилаларнинг доимий бостириб кириши ва қочиб ўтиши Иккидарё оралиғи шаҳар-давлатларининг сиёсий аҳамиятини оширган, шунингдек, уларнинг яшашини таъминлаган.

Иккидарё оралиғининг энг кучли шаҳар-давлатлари ўртасида бутун мамлакат (ёки лоақал унинг катта қисми) устидан сиёсий ҳукмронлик қилиш учун қайта-қайта урушлар бошланиб кетган.

Милоддан аввалги XXVIII-XXVII асрларда Киш шаҳар-давлати юксалиб, унинг ҳукмдори биринчи бўлиб лугал ("катта одам", "хўжайин") деган унвонни олган. Бироқ Урук ҳокими

Гильгамиш (кейин афсонавий қаҳрамонга айланган) милоддан аввалги **XXVII** асрда Киш армиясини енгиб, Лагаш, Ниппур ва бошқа шаҳар-давлатларни бўйсундирган.

Милоддан аввалги **XXV** асрда сиёсий ҳукмронлик Урга, **XXV-XIV** асрлар оралиғида эса Лагашга ўтган. Мамлакатнинг Лагаш қўли остида бирлаштирилиши, бир томондан **хўжаликнинг** ривожланишига ёрдам берган, давлатнинг марказлашувига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан тинимсиз урушлар ва оғир солиқлар аҳолининг норозилигини кучайтирган. Натижада Лагашда давлат тўнтариши бўлиб, ҳокимият тепасига Урунимингин келади (2318-2312 йиллар). У Лагашда олти йил подшолик қилиб, баъзи ислоҳотлар ўтказиб, камбағаллар аҳволини яхшилашга, уларга баъзи енгилликлар беришга, солиқ ва йигимлар миқдорини камайтиришга ҳаракат қилган.

Милоддан аввалги **XXIV** аср охирида Лагаш заифлашиб, Умма шаҳар-давлати кучайган ва бутун Шумер устидан ҳукмронлик қила бошлаган. Унинг ҳокими Лугал-заггиси **Лагаш**, Ур, Урук, Ларса, Адаб, Ниппур шаҳар-давлатларни ўзига итоат эттириб, Шумер подшолигини ташкил этган. **Аммо** Шумер подшолигининг мустақиллиги узоққа чўзилмаган ва тез орада семитларнинг Аккад давлати томонидан мағлубиятга учраган. Аккад давлатининг асосчиси ўз даврининг йирик сиёсий арбоби Саргон I (2316-2261 йиллар) эди. Саргон (ҳақиқий подшо дегани) дастлаб Аккадда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, янада кучли қўшин тузиб, Кишни босиб олган. Ўзини "Киш подшоси" ва "Аккад подшоси" деб эълон қилган. Саргон I тез орада бутун Шумерни ўзига қаратиб, Эламга қўшин тортиб, унинг бир қанча шаҳарларини босиб олган. Форс қўлтиғида ҳам ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаган. Саргон I Элам, бутун Месопатамия ва Олд Осиёни ўз ичига олган фоят катта ҳарбий давлат барпо этиб, ўзини "тўрт иқлим подшоси" деб эълон қилган. Бу жануби-ғарбий Осиёдаги энг йирик дастлабки марказлашган аккад-шумер "қулдорлик давлати" эди. Шимолий ва Жанубий Иккидарё оралиғининг Саргон ҳокимияти остида бирлаштирилиши мамлакатнинг ҳар иккала қисмидаги қулдор аъёнларга фойдали бўлган. Катта ҳарбий кучга эга бўлган марказлаштирилган истибдоднинг халқ оммасини тиийб туришни ташкил этиши осонроқ бўлган. Иккинчи томондан, бепоён давлат доирасида иқтисодиётда катта сил-

жишлар рўй берган, ваҳоланки, кичик давлатларда бундай силжишлар бўлиши қийин эди. Азим дарёларнинг тошқинларини тартибга соловчи суғориш ишлари бутун мамлакат кўламида олиб бориладиган бўлиб қолган, бу тадбир ҳосилнинг оша боришига имкон берган. Ягона ўлчовлар ва тош-тарози тизими яратилган, бунинг натижасида давлат ичидаги савдо-сотиқ алоқалари кучайган.

Аккад давлати қарийб 120 йил яшаган ва милоддан аввалги таҳминан 2200 йилда шарқ томондан келган уруш-қоқ тоғлиқ гутийлар ҳужуми натижасида тор-мор қилинган. Лекин тез орада босқинчи гутийларга қарши кураш бошлиниб, бу курашга Ур ва Уруқ шаҳарлари бошчилик қилган. Милоддан аввалги 2108 йилда гутийлар ҳайдаб чиқарилган. Иккидарё оралиғи яна, бу сафар Урнинг III сулоласи ҳокимияти қўл остида бирлаштирилган, мазкур сулола милоддан аввалги III минг йиллик охирига қадар мамлакатни идора қилган. Унинг вакиллари ўзларини Шумер ва Аккад подшолари деб - ҳатто "дунёнинг тўрт иқлим подшолари" деб аташганки, бу нарса бутун дунёда ҳукмронлик қилишга даъвогар бўлишидан далолат беради. Баъзида улар ҳатто худолар деб аталадилар. Урнинг III сулоласи ҳукмдорлари ўз давлатини яхши ташкил этилган мунтазам армия ёрдамида идора қилганлар, подшолик судлари ташкил этилган, дастлабки қонунномалар (Ур-Намму Қонунномаси)ни қабул қилганлар ва ҳоказо. Лекин бу нисбатан марказлашган давлат ҳам шаҳар-давлатларни асосан ҳарбий куч билан бирлаштириб турганлиги ва унинг ичидаги ўзаро урушлар бўлиб турганлиги сабабли, худди Аккад давлати сингари, узоқ яшамаган. Милоддан аввалги XXI асрнинг энг охирида, деярли айни бир вақтда бостириб кирган душманлар - Фарбдан аморий қабилалари ва Шарқдан эlam қабилалари ҳужуми натижасида Шумер-Аккад подшолиги парчаланааб кетган.

Иккидарё оралағида Урнинг III сулоласи қулагандан кейин икки юз йилдан ортиқ сиёсий тарқоқлик ва ўзаро урушлар бўлиб турган. Бу вақтда аморийлар Ларса, Исин, Мари, Ашшур, Эшкунна ва Бобил каби мустақил давлатларнинг ҳокимлари бўлиб олганлар. Месопатамияда ҳукмрон бўлиш учун улар бир-бирлари билан қонли урушлар олиб борганлар. Бу урушларда Бобил ғолиб чиқиб, амо-

рийлар сулоласига асос солинган. Қадимги Бобил¹ подшолиги 300 йил (милоддан аввалги 1894-1595 йиллар) хукм суриб, Иккидарё оралиғи тарихида чуқур из қолдирған. Бобил подшолигининг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий равнақ топган вақти подшо Хаммурапи даврига (милоддан аввалги 1792-1750 йиллар) түғри келади. Хаммурапи томонидан асос солинган ва Иккидарё оралиғининг катта қисмини ўз таркибиға олган Бобил давлати жуда катта бўлган, лекин мустаҳкам бўлмаган. Хаммурапи ўлганидан сўнг Бобил қўшилари қатор мағлубиятларга учраган. Милоддан аввалги 1595 йилда Қадимги Бобил подшолиги хеттлар ва касситлар томонидан тугатилган. Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида Бобилда касситлар сулоласи қарор топган (милоддан аввалги 1518-1204 йиллар).

Бобилнинг янгидан юксалиши милоддан аввалги VII-VI асрларга тўғри келади. Милоддан аввалги 626 йилдан 539 йилгача Янги Бобил подшолиги хукм суриб, бу вақтда, айниқса, Навуходоносор II (милоддан аввалги 605-562 йиллар) подшолиги даврида жуда қудратли давлатга айланган эди. Бу даврда йирик ер эгалиги ва қулдорлик муносабатлари равнақ топган. Ҳунармандчилик ва савдо тез ривожланган, улкан ибодатхоналар, мудофаа ва суфориш иншоотлари қурилган. Подшо ҳокимиятининг таянчи коҳинлар бўлган.

Янги Бобилнинг равнақи узоққа чўзилмаган. Подшо Навуходоносор II вафотидан кейин руҳонийлар билан ҳарбийлар ўртасида кучли тўқнашувлардан сўнг таҳтга ўтирган руҳонийлар вакили Набонид (милоддан аввалги 556-539 йиллар) подшолиги даврида мамлакатда фитна ва қўзғлонлар авж олиб, Янги Бобил подшолиги анча кучсизланган. Натижада эронийлар шоҳи Кайхусрав Бобилни босиб олган ва бутун Месопатамияни ўзига қаратган. Шу билан Месопатамиядаги Янги Бобил подшолиги тугаб, бутун жануби-ғарбий Осиёда Эрон подшоларининг ҳукмронлиги бошланган. Бобил милоддан аввалги VI-IV асрларда эронийларга, IV асрнинг 30-йиларидан бошлиб юонномакедонияликларга, сўнг салавкийларга тобе бўлиб қолган.

¹Аккадча "babīlōn" - Бобили - худо дарвозаси. подшолиги 300 йил (м.а. 1894-1895 йиллар) хукм суриб, Иккидарё оралиғи тарихида чуқур из қолдирған.

2. Қадимги Шумернинг ижтимоий ва давлат тузуми

Қадимги Шумернинг ижтимоий ва давлат тузуми ибтидоий жамоа тузумининг қолдиқлари сақланиб қолганлиги билан характерланади. Сунъий суфориш иншоотлари барпо этиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги юритишнинг хусусиятлари бу ерда ҳудудий **жамоаларнинг** узоқ яшашига шароит яратган.

Шумернинг ижтимоий ҳаётида **кохинлар** жуда катта рол ўйнаганлар. Улар жамиятнинг олий табақаси ҳисобланган. Ибодатхоналар қишлоқ хўжалигини бошқариш марказлари бўлган. Дастреб ибодатхоналарнинг ўз ери бўлмаган, ҳар бир қишлоқ уларга ер участкалари ажратган. Бундай ерларда **жамоачи-дехқонлар** ишлаб, йигилган ҳосилни ибодатхонага берганлар. Аста-секин ибодатхоналар бу ерларни ўзлариники қилиб олиб, уларда мустақил хўжалик юрита бошлигандар.

Шумерда ерни олиш-сотишга жуда барвақт рухсат этилган, бу эса ибодатхоналар ерлари кўпайишининг асоси бўлиб қолган. Ерларнинг бир қисми аренда (ижара)га берилиганди. Ибодатхоналарнинг ерларида ерсиз дехқонларнинг ёлланма меҳнатидан кенг фойдаланилган. Ибодатхоналар каналлар қазишни ташкил этганлар, солиқлар йигланлар, кўшни шаҳар ва қишлоқлар ҳаётини идора этганлар.

Шумер аҳолисининг ярмидан кўпини уруғ жамоачилари ташкил этган. Жамоа ерлари тобора таланиб, сотилиб ва айрим кишилар қўлидаги хусусий мулкка айланиб борган.

Шумерда **куллар** ҳам бўлган. Масалан, энг қадимги Шумер хужжатларида (милоддан аввалги қарийб уч минг йил олдин) куллар тилга олинади. Аммо улар ҳали жуда оз бўлган, эркин одамлар эса ишлаб чиқарувчиларнинг асосий кўпчилигини ташкил этган. Кулларнинг кўпинча худоларга атаб қурбон қилинганини уларнинг меҳнатига қандай кам аҳамият берилганини кўрсатади. Албатта, кейинчалик бу одатга амал қилинмаган, чунки энди иш кучини бундай ўринсиз йўқотишга йўл қўйилмайдиган бўлган.

Куллар асосан ё урушларда асир олингандардан, ё чет эллардан сотиб олингандардан иборат эди. Ибодатхоналарга (яъни жамоаларга) ва хусусий шахсларга қарашли куллар бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилган. Лекин жамоага ёки хусусий хўжайинларга ишлаб берадиган куллар

энг бошдаёқ ҳуқуқсиз бўлишган. Шумерийлар уларни хўжайинлар олдида бош эгувчилар деб аташган.

Лекин қишлоқ жамоаларининг эркин аъзолари орасида ҳам (илгариги уруғ жамоаларидан фарқ қилиб) тенглик бўлмаган. Жамоа билан алоқасини йўқотган жамоачилар клиент (мижоз) ҳуқуқий лаёкатига эга бўлганлар ва шахсан эркин бўлиб, ибодатхоналарга ва хусусий шахсларга иқтисодий қарамлика тушганлар.

Шумер ягона давлат эмас эди. Унинг худудида бир неча ўнлаб мустақил шаҳарлар ва вилоятлар бўлган. Уларнинг ичида энг таниқлilари Эриду, Ур, Лагаш, Умма, Урук, Киш шаҳарлари ҳисобланган.

Шаҳарлар ва вилоятлар тепасида **”энси”¹ (”патеси”)** деган унвонга эга бўлган ҳукмдорлар турган. Ҳукмдорнинг ҳокимияти айни бир шаҳар доирасидан ташқари чиқсан ҳолларда, ҳукмдорга **лугал² (подшо)** унвони берилган. Ҳукмдорларнинг (патесиларнинг) функциялари бир хил бўлган. Улар асоан жамоат қурилиши ва суғориш иншоотларини, ибодатхона хўжалигини бошқарганлар, жамоа маросимларига бошлилик қилганлар, қўшинга йўлбошлилик қилганлар, оқсоқоллар кенгаши ва ҳалқ мажлисига раислик қилганлар.

Оқсоқоллар кенгаши ва ҳалқ мажлиси ҳукмдорни сайлаганлар, унга муҳим ишлар бўйича тавсиялар берганлар, унинг фаолияти устидан умумий назорат қилиб турганлар, суд ишларини амалга оширганлар ва жамоа мулкини бошқариб турганлар. Шундай қилиб, булар ҳукмдор ҳокимиятини чеклаб турадиган органлар бўлган.

3. Бобил давлатининг ижтимоий тузуми

Месопатамия жамиятида иқтисоднинг кўп укладли характеристи, синфларнинг ташкил топиш жараёни ниҳоясига етмай қолганлиги, асосан подшо-черков хўжалигида ривожланган ва жамоа ишлаб чиқаришига жиддий таъсир этмаган товарпул муносабатларининг анча барвақт ва нисбатан юқори даражада ривожланганлиги - буларнинг ҳаммаси ушбу жа-

¹ ”Энси” - ”уруг бошлиги”, ”ибодатхона асосчиси” дегани. Энси (патеси) шаҳар бош ибодатхонасининг олий кохини бўлган.

² ”Лугал” - ”кatta одам”, ”хўжайин”, ”жаноб” дегани.

миятнинг ижтимоий тузумини ажратиб турадиган белгилари бўлган.

Бобилнинг бутун ахолиси, аввало, бошқа Месопатамия давлатлариники сингари қонун билан муҳофаза қилинадиган эркин кишиларга ҳамда молдек ва мулк деб ҳисобланган, тамомила хўжайин иҳтиёрида бўлган қулларга бўлинган.

Куллар ва күлдорлар ўртасидаги фарқлар Месопатамия давлатларининг қонунларида ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган. Энг биринчи қонунчилик манбалари (масалан, Ур-Намму қонуллари) эгасидан қочиб кетган қулни "хўжайини"га қайтарганлик учун мукофот белгилаган. Айниқса, Бобилда (ХК)¹ қуллар тўғрисида жуда кўп гапирилади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунларда қуллар тўғрисида қанчалик кўп гапирилмасин, улар жамият моддий бойликларининг асосий ишлаб чиқарувчилари бўлмаган. Қуллар бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг факат бир қисмини ташкил этган, холос. Қуллар билан бир қаторда аҳолининг эксплуатация қилинадиган бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум этилган ва тўла эркин бўлмаган шахслар ҳам бўлган.

Куллар ("вардум") ижтимоий қатламнинг энг күйи қисмини ташкил этган. Бобилда асосан ҳарбий асирлар, шунингдек, қулга айлантирилганлар ва эркинлигини йўқотган хукуқсиз озод кишилар (масалан, жиноятчилар ва қарзини тўлай олмаганлар) қуллар бўлиб қолган. Куллар қонун бўйича хўжайнинг барча мулкининг бир қисми - ашёлар сифатида кўрилган. Кулларга нисбатан мулк ҳукуки оилада авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган. Кулларни сотганлар, қарзга берганлар.

Хаммурапи қонунларида қуллар қулдорларнинг хусусий мулки сифатида қаттиқ ҳимоя қилинган. Унга нисбатан ҳар қандай тажовуз учун оғир жазо ўрнатилган. Шу ўринда ХҚдан баъзи мисолларни келтириб ўтамиз. “Агар бирор саройнинг шаҳар дарвозасидан сарой қулини ёки чўрисини, шунингдек, мушкенунинг қули ёки чўрисини олиб чиқса ўлимга маҳкум этилади” (15-модда); “Агар бирор ўз уйида

¹Хаммурапи қонууларини бундан бүн қысқартыриб ХҚ деб ифода қиласиз. Ундан келтириладиган иловалар айнан сұзма-суз олинмай, тушуниш осон булиши үчүн мазмұни түлил берилади.

саройга ёки мушкенуга тегишли қочоқ қул ёки чўрини яширса, уйга қамаб қўйса, уй эгаси ўлимга маҳкум этилади" (16-модда); "Агар бирор қочоқ қулни ёки чўрини тутиб олса ва уни хўжайнинг қайтарса, қулнинг хўжайнини унга 2 сикл¹ кумуш берган" (17-модда); "Агар тутиб олинган қул ўз хўжайнини кимлигини айтмаса, у саройга келтирилиб, танаси текширилган ва сўнгра хўжайнинг қайтарилиши лозим бўлган" (18-модда); "Агар қочоқ қулни ушлаб олган шахс уни уйида сақлаб турса-ю, буни шу пайтда қул эгаси топиб олса, бундай ҳолда қулни уйида ушлаб турган шахс ўлимга маҳкум этилган" (19-модда); "Агар қул уни ушлаб олган одамнинг қўлидан қочиб кетса, бу одам қулнинг хўжайнини олдида худони ўртага қўйиб қасам ичиши лозим бўлган ва жавобгарликдан озод этилган" (20-модда); "Агар сартарош хўжайнинг рухсатисиз қулнинг қулчиллик белгисини қириб ташласа, сартарошнинг бармоқлари кесилган" (226-модда); "Агар бирор бошқа одамга тегишли қулни сартарошга олиб келиб ўз қулим деб, алдаб қулдаги белгини қирдириб ташлатса, бундай одам ўлимга маҳкум этилган; сартарош эса "мен буни қасдан қилмадим" деб қасам ичиб, жавобгарликдан озод бўлиши мумкин бўлган" (227-модда).

Хаммурапи қонунлари бўйича қулнинг соғлиғига зарар етказиш ёки ҳаётидан маҳрум қилиш хўжайнинг мулкига зарар етказиш сифатида кўрилган ва бунинг учун айбдор хўжайнинг етказган зарарни тўлаши лозим бўлган. "Агар қурувчи маълум ҳақ эвазига бирор одамга уй қириб берса-ю, қурилган уй мустаҳкам бўлмай бузилиб кетса, натижада уй эгасининг қули ўлса, бунда қурувчи қул учун қул берган" (229; 231-моддалар); "Агар врач бирорнинг қулини бронза пичноқ билан кесиб оғир операция қилаётганда қул ўлиб қолса, қул учун қул бериши лозим бўлган" (219-модда); "Агар бундай ҳолда қулнинг кўзини кўр қилиб қўйса, қийматининг ярмини тўлаган (220-модда); "Агар бирорнинг хўкизи сузонгич бўлса, унга бу ҳақда қўшилари огоҳлантирган бўлсалар ҳам унинг эгаси бунинг чорасини кўрмаган

Сикл - 8,4 грамм (1/120кг) кумуш пул бирлиги, 225 литр арпа баҳоси, бу ёлланиб ишловчиларнинг ўртача ойлик маошига тенг бўлган.

ёки ҳўқизини боғлаб қўймаган бўлса ва ҳўқиз бироннинг қулини сузиб ўлдирса, ҳўқиз эгаси қул эгасига 1/3 мина¹ кумуш тўлаши лозим бўлган" (251-252-моддалар).

Қул ҳўжайиннинг ҳатто жуда катта ишончини қозонган бўлса ҳам, аммо унинг мулкини ўз хоҳишича бошқара олмаган. Қул билан кимда-ким олди-сотди шартномаси тузиб, ундан бирор нарса харид қилса, ўлим жазосига маҳкум қилинган (7-модда). Қулнинг қочишига ёрдам берган, уни яширган ёки эгасига қайтаришдан бош тортган шахсларга ҳам ўлим жазоси берилган. Аксинча, қулни тутиб олиб, эгасига қайтариб берганлар хизматлари эвазига мукофот олганлар. Қулларнинг қул эканлигини ажратиб туриш учун унинг танасига ўйиб ёки куйдириб тамға босиб қўйилган. Лекин бундай тамға босилган қулни ҳўжайин сотиши ёки бошқасига алмаштириши мумкин бўлмаган. Демак, бу ҳолат ҳўжайиннинг ўз қулига нисбатан ҳуқуқини маълум даражада чеклаган.

Қуллар куйидаги тоифаларга бўлинган: **подшо қуллари, ибодатхоналарнинг қуллари ва хусусий эгаликдаги қуллар**. Қуллар ўз мулкига эгалик қилиши мумкин бўлган. Албатта, бундай мулк ҳўжайиннинг рухсати билан ортирилган, оқибатда унинг мулкининг бир қисми деб ҳисобланган ва қул ўлса, мулк ҳўжайинга ўтган. XҚ ҳўжайиннинг қул устидан ҳукмронлигини чекламаган. Фақат айрим ҳолларда баъзи тоифадаги озчилик қуллар қонун ҳимоясидан фойдаланган. Буларга, масалан, ўз ҳўжайинларидан боласи бўлган чўрилар (қул аёллар) кирган. Улардан туғилган болалар ҳам эркин ҳисобланган. Подшоликка қарашли қул ёки мушкенунинг қули эркин аёлни хотинликка олиши мумкин бўлган, улардан туғилган болалар ҳам эркин деб тан олинган (175-модда). Эркин киши ва қул аёлдан туғилган болалар ҳам, агар уларнинг отаси томонидан тан олинса, эркин бўлган. Эркин кишидан бола туғган қул аёл "кумуш учун" сотилиши мумкин эмас (171-модда). Қулнинг эркин болалари унинг мулки бўлса, уни ярмини мерос тариқасида олганлар, қолган ярми ҳўжайинга ўтган (176-модда).

Қарзи учун қулга айлантирилганлар қуллик ҳолатида уч ийлдан ортиқ бўлмасликлари лозим эди. Қарздорлик асорати жамоачи-дехқонларни қулга айлантиришнинг асо-

¹ 1 мина = 60 сикл = 504 грамм.

сий усули бўлган, шу сабабдан ХҚ худди шу қарздорлик асоратини чеклашга интилади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Судхўрларнинг шафқатсиз ҳатти-ҳаракатларидан фақат камбағалларгина эмас, балки кўпгина мулкдорлар ҳам азоб чеккан, бу ҳол ялпи норозиликка сабаб бўлиб, подшога зиён етказган, чунки подшо фуқаролардан тобора маҳрум бўла борган (негаки қул бутунлай хўжайинга тегишили бўлган). Конун хусусий мулкни ҳимоя қилиб, қарзини ва унинг фоизларини ундиришга йўл қўйган, лекин бу ундиришни муайян доирага солиб, очкўз қарз берувчиларнинг ҳаддан ташқари иштаҳасини тийиб қўйган. Қарздорнинг ўзи эмас, балки унинг хотини ёки болалари фақат уч йил давомида қарз бадалига ишлаб бериши, бунинг устига, мазкур қарам кишилар қуллардан фарқ қилиб, конун йўли билан қўриқланган ва қарздор отасининг қарзи бадалига ишлаб бераётган ўғли судхўрнинг калтагидан ўлиб қолгудай бўлса, у ҳолда қарз берганнинг ўғли ҳам ўлдирилиши лозим эди.

Янги Бобил подшолигида товар-пул муносабатлари ривожланиши муносабати билан қулчиликнинг ўзига хос шакллари намоён бўлган. Қул бу вақтда кўпроқ ерни ижарага оловчи ва маълум даражада мустақил хўжалик юритувчи сифатида майдонга чиққан. Баъзи қуллар ўз хўжалигини фақат эркин юритувчилар сифатида эмас, балки ўз оиласарига, ерларига, уй-жойларига, айrim ҳаракатдаги мулкларига эгалик қилувчилар сифатида майдонга чиққанлар. Улар бошқа қуллардан ва эркин кишилардан қарз олиб, қарз берганлар, қуллар сотиб олганлар ва сотганлар, қулларни ва эркин кишиларни ёллаб ишлатганлар ва хоказо. Янги Бобил подшолиги қуллари Кўхна Бобил подшолиги қулларидан фарқ қилиб, судда даъвогар, жавобгар, гувоҳ сифатида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритганлар. Бироқ, шуларга қарамай, қул ўз хўжайинига қаттиқ қарамлигича қолган ва унга ўзига хос ойлик оброк тўлаб туриши лозим эди.

Месопатамия жамиятида ҳар бир кишининг аниқ ўрни белгилаб қўйилганлиги эркин аҳоли ўртасидаги нотенгликда ҳам кўзга ташланади. Юқорида кўриб ўтганимиздек, ХҚда қулларнинг мавқеи тўғрисида жуда кўп меъёrlар белгиланган, қуллар Бобил жамиятининг муҳим таркибий қисмини ташкил этган бўлса-да, улар билан бир қаторда эркин

кишиларнинг турли тоифалари эксплуатация қилинган. Хосилнинг 1/3 қисмидан 2/3 қисмигача хўжайинга топширадиган мазкур ижарабалардан ва оила бошлигининг қарзи бадалига ишлаб берувчи қарам одамлардан ташқари, яна ўз хусусий хўжалиги бўлмаган ва ўз меҳнати бадалига натура ёки пул билан иш ҳақи олувчи кўп сонли батраклар тилга олинади.

Бобилнинг эркин ахолиси ўз навбатида **тўла хукуқли ва тўла хукуқли бўлмаган фуқароларга** ажратилади. Тўла хукуқли фуқаролар **"авилум"** (одам, эр киши) ахолининг асосий оммасини ташкил этган. Уларнинг кўпчилиги ўз ерига эга бўлиб, давлат фойдасига турли мулкий ва шахсий мажбуриятлар ўтаганлар, соликлар тўлаганлар. Тўла хукуқли фуқаролар ҳам ўз навбатида бир хил табака бўлмаган. Ҳаммурапи подшолиги вақтида қишлоқ жамоасининг табакалашиш жараёни жуда чуқурлашиб кетган эди. Алоҳида бойиб кетган жамоачилар борган сари мустақил бўлиб қолганлар. Улар билан бир қаторда камбағаллашган, қарздорлик асоратига тушган жамоачилар пайдо бўлган. XКда ана шу тоифадаги шахсларнинг аҳволини бирмунча яхшилашга ҳаракат қилиб, белгилangan қатор меъёрлар мавжуд. Масалан, унда қарздор ўзининг бутун мулкининг тўла хукуқли эгаси деб эълон қилинган, унинг розилигисиз ва суднинг рухсатисиз қарз берувчи бу мулкни тортиб олиш хукуқига эга эмас. "Агар бир одам бирорвга нон ёки кумуш қарзга берган бўлса, у қарз олган кишининг фалла омборидан ёки хирмонидан сўрамай донини олса, бу ноқонуний ҳисобланган ва олган донни унинг эгасига қайтариши лозим бўлган, шунингдек, унга берган қарзни ҳам йўқотган" (113-модда). "Эр" қарздор - кул бўлиб қолиши мумкин эмас. Қонунда белгиланишича, қарздорнинг хотини ёки болалари кул сифатида эмас, балки гаровга олинганлар сифатида ишлаб берган. Гаровга олинганлар уч йил ўтгандан сўнг қарз суммаси қанча бўлишидан қатъи назар озод қилинган ва қарз тўланди деб ҳисобланган. Подшо ҳокимияти эркин ахолининг қарздорлик асоратига тушган энг камбағал табакалирини кредиторларнинг ўзбошимчаликларидан ҳимоя қилишга интилиб, бунда, аввало, армиянинг қурдатини сақлаб қолишни кўзлаган. Чунки қўшинларнинг асосий қисми эркин кишилардан ташкил топган эди. —

ХҚнинг кўпдан-кўп моддалари давлат ҳокимиятининг асосий таянчи ҳисобланган **ҳарбийларнинг** ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган. Ҳарбийларга (жангчиларга) инъом этилган чек ерлар ва чорвалар уларнинг қарзи бадалига тортиб олиниши мумкин эмас эди. Кредитор фақат ҳарбийлар томонидан сотиб олинган майдонни, боғни, уй-жойни тортиб олиши мумкин бўлган. Жангчининг вояга етган ўғли унинг чек ерига қонуний меросхўр бўлиб қолган. Агар жангчининг ўлимидан сўнг унинг кичик ёшдаги ўғли қолган бўлса, унда бева қолган хотинга бўлажак жангчини ўстириши учун мерос қолган чек ердан 1/3 қисми ажратилган. Агар жангчи асирга тушиб қолса, уни сотиб олиш мумкин бўлган ва у чек ерга нисбатан ўз ҳуқуқини сақлаб қолган. Чек ерлар билан таъминланган жангчилар подшонинг буйруғи бўйича хоҳлаган вақтда юришларда қатнашиш учун чақириб олиниши мумкин эди. Жангчи бундай ҳолда сўзсиз дарҳол етиб келиши лозим эди. Агар бундан бош тортса ўлимга маҳкум этилган. Унинг ўrniga жангга кирган жангчи қатл этилган жангчининг чек ерини олган.

Бобил жамиятида тўла ҳуқуқли фуқароларга **"мушкену"** (бўйсундирилганлар, акгад тилидаги луғавий маъноси "майда кишилар" дегани) қарама-қарши турган. Бобилнинг ижтимоий тузумидаги "мушкену" масаласи хусусида олимлар ўртасида турли фикрлар мавжуд. Масалан, И.М.Волков мушкенуларни эркинликка қўйиб юборилганлар деб ҳисоблайди. Шарқ тарихи бўйича кўзга кўринган олимлардан В.В.Струве, С.Ф.Кечекянлар эса мушкену деганда урушлар натижасида Бобилга қўшиб олинган давлатлар ва шаҳарларнинг аҳолисини назарда тутадилар.

Бизга ҳеч шубҳасиз шу нарса маълумки, мушкену ўзининг ҳуқуқий ҳолатига кўра авилумга нисбатан Бобил жамиятида қуи мавқени эгаллаган. Бизгача етиб келган қонуларда ҳам авилумнинг мулки, ҳаёти, соғлиғи, обрў-эътибори мушкенуниги қараганда кучлироқ ҳимоя қилингандигини кўрамиз. Мушкенуга қарши жиноятлар учун белгилangan жазолар ҳам қонунда унинг авилум билан teng ҳуқуқларга эга эмаслигини тасдиқлади. Масалан, XҚда авилумга тегишли молни ўғирлагани учун бериладиган жазо мушкенунинг молини ўғирлаганга қараганда уч баробар ортиқ бўлган. Шунингдек, агар жабрланувчи авилум бўлса, айбордорга оғирроқ жазо тайинланган ва ҳоказо. "Агар бир

киши бошқа кишини (бу ерда авилум назарда тутилмоқда Х.М.) күзини уриб чиқарса, унинг ҳам кўзи чиқарилган" (196-модда); "Агар бир киши бошқа кишини уриб суягини синдирса, унинг ҳам суягини синдириш лозим бўлган" (197-модда); "Агар у мушкенунинг кўзини чиқарса ёки суягини синдирса, у ҳолда 1 мина кумуш тўлаши лозим" бўлган (198-модда). "Агар одам бошқа одамнинг тишини синдирса, унинг ҳам тиши синдирилиши лозим" бўлган (200-модда); "Агар у мушкенуни тишини синдирса 1/3 мина кумуш тўлаши лозим" бўлган (201-модда).

Юқоридагилардан яққол кўриниб турганидек, мушкену авилумга қараганда жамиятда анча қўйи мавқени эгаллаган.

Лекин шунга қарамай, баъзи ҳолларда мушкенулар алоҳида ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланганлар. Масалан, мушкенунинг мулкини ўғирлаш XҚ бўйича саройдан мулк ўғирлаш сифатида қаралган, уларнинг қуллари эса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, хусусий шахсларнинг қуллари олдида баъзи имтиёзларга эга бўлган.

XҚда юқоридаги табақалар билан бир қаторда, шунингдек, аҳолининг ихтисослашган касблар билан шуғулланувчи грухлари ҳам кўрсатилади. Уларнинг ичидаги ўринда **сарой хизматчилари**, яъни подшога бевосита яқин турувчи подшонинг шахсий қўриқчилари ва **коҳинлари** турган. Бошқа давлат хизматчиларидан қонунларда "редум", "баирум", "декум", "лубуттум" деб номланган кишилар эслаб ўтилади. Лекин буларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилмаган эди. Эҳтимол, булар турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар бўлган бўлиши мумкин. Бобилда дин ва ибодатхоналар жуда катта давлат аҳамиятига эга бўлганлиги сабабли бошқа касб вакиллари орасида ибодатхоналарнинг хизматчилари фахрий мавқега эга бўлган. Лекин коҳинлар Бобилда табақа сифатида расмийлашмаган.

Жамиятда чиновниклар жуда юқори мавқега эга бўлган, уларга катта талаблар қўйилган, шунингдек улар ер билан таъминлаб, уни мерос қилиб қолдириши мумкин бўлган.

Иккидарё оралиғида дон билан савдо қилиш учун, бу ерда етишмайдиган фойдали қазилмаларга, масалан, металлга, шунингдек тош, ёғоч ва бошқаларга эга бўлиш учун ҳали Шумер ва Аккад жамоалари ёқ ўзларининг савдо агентларини узоқ сафарларга жўната бошлаган эдилар.

Оссурия орқали ўтган савдо йўллари Бобилни Сирия, Кичик Осиё, Арманистон ва бошқа мамлакатлар билан боғлаган. Шу муносабат билан Месопатамияда **тамкар** - судхўр, кредитор, савдогар, саройнинг савдо фаолияти билан шуфулланувчи кишиси деган тушунча жуда барвақт шаклланган. XКда тамкарлар зиммасига фақат ўз даромадларидан подшо хазинасига ўтказиб туриш мажбурияти эмас, балки бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилган эди. Масалан, тамкарлар асирга тушган жангчини сотиб олишлари лозим эди. Албатта, бунга кетган харажатлар кейинчалик озод қилинган жангчидан, унинг жамоасидан ёки ибодатхонаасидан ундириб олиниши назарда тутилган.

Тамкарлар қарам кишилар бўлсалар-да, жуда катта молиявий-савдо фаолияти эркинлигидан фойдаланганлар, йирик савдо битимлари тузганлар, капиталларини бирлаштирганлар, савдо ташкилотлари тузганлар, йирик пул операцияларини амалга оширганлар, ерлар олганлар ва сотганлар ва ҳоказо.

Хунармандчилик ишлаб чиқариши асосан подшо хўжалигида ривожланиб, унга қарам бўлган. Подшонинг маҳсус кузатувчилари нафақат хунармандчилик ишлаб чиқаришини, балки маҳсулотларининг сотилиши устидан ҳам назорат қилиб турганлар. Янги Бобил подшолигида кулларни ихтиносли ҳунарларга ўргатиш амалиёти қўлланган. Бироқ, темирчилар, дурадгорлар, пиво пиширувчилар каби жуда муҳим **хунармандлар** у ёки бу даражада мустақил бўлганлар, ихтинослашган бирлашмалар тузганлар. XК бўйича, масалан, ўз ҳунарини ўргатиш учун бирорларнинг боласини ўғил қилиб оловчилар алоҳида мавқега эга бўлишган (188-модда).

Бобилда "олимлар"дан иборат баъзи мутахассислар, масалан, "руҳларни ҳайдаш" бўйича мутахассислар, келажакни олдиндан айтиб берувчи фолбинлар, шифокорлар, мирзалар анча-мунча мустақилликдан фойдаланганлар. Лекин шифокорлар, ветеринарлар меҳнати архитекторлар ва кемасозлар меҳнатидан паст қадрланган. Архитекторлар, кемасозлар ўз меҳнати эвазига гонорар (мукофот) олсалар, шифокорлар ҳақ олишган.

4. Бобилнинг давлат тузуми

Қадимги Бобил подшолиги **марказлашган давлат** бўлган. **Подшо** Хаммурапи расман чекланмаган ваколатлардан фойдаланган. Унинг қўлида қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимияти тўплланган. Шу билан бирга подшо ҳокимияти унча кучли бўлмаган. Подшога худонинг ердаги ноиби ва хизматчиси сифатида қаралган. Шу тариқа, давлат бошлиғи мустақил бўлмаган, унинг фаолияти юқоридан, худо томонидан йўналтириб турилган. Қўйидан подшо ҳокимияти кучли руҳонийлар ва бой шаҳарлар томонидан чеклаб турилган. Бобилнинг учта муқаддас шаҳарлари - Ниппур, Сиппар ва Бобил - имтиёзли ёрликларга эга бўлиб, бу уларга алоҳида имкониятлар ва имтиёзлар берган. Подшо бу шаҳарларнинг фуқароларини турмага қамай олмаган, улардан аскарлар талаб қилиш, уларни ибодатхоналар хўжаликлирида ишлашга мажбур этиш хуқуқларига эга бўлмаган. Коҳинлар шаҳарларнинг дахлсизлик хуқуқларини сақловчилари сифатида чиққанлар.

Юқоридагиларга қарамай, Хаммурапи замонида подшо ҳокимияти истибодод (деспотия) хусусиятига эга бўлган ва фуқаролар ўртасидаги ҳамма ўзаро муносабатларга аралашаверган. Қонунлар тўпламига доир муқаддимада худоларнинг ўзлари подшоларга чекланмаган ваколатлар берганилкleri ҳақида гапирилади. XҚда подшонинг иш-ҳаракатларида ҳеч қандай чеклашлар кўзда тутилмаган.

Подшо катта бошқарув аппаратининг тепасида турган. Бу ҳақда ҳозирги кунгача сақланиб қолган подшо Хаммурапи томонидан шаҳарлардаги ва алоҳида вилоятлардаги подшо ноибларига, шунингдек, элчиларга берилган 60га яқин буйруқлар ҳам далолат беради. Уларда чиновникларни алмаштириш ва тайинлаш, аҳолини рўйхатга олиш, каналлар қуриш, соликлар ундириш ҳақида буйруқ-фармойишлар берилган эди.

Бошқа қадимги Шарқ давлатлари сингари Бобилда ҳам подшо қўлида кенг хўжалик функциялари: суғориш иншоотларига, ибодатхоналар қурилишига, товарларга нарх қўйишни тартибга солишга, хунармандлар, шифокорлар, қурувчиларга ҳақ белгилашга раҳбарлик қилиш кабилар тўплланган. Хаммурапи даврида савдогарлар (тамкарлар) подшо агентларига (айғоқчиларига) айлантирилган.

Қадимги Бобил ҳукмдорлари ўзлари учун мақбул ва қулаги бошқарув механизмини ташкил этгандар. Бунга давлатдаги барча, ҳатто, энг кичик ишларга шахсан эътибор бериш йўли билан эришганлар. Шу сабабли давлатда оқил ва таҳрибали чиновниклар қадрланган. Хизматчи зодагонлар уруғ зодагонларини давлат аппаратидан сиқиб чиқарган. Барча бошқарув ишлари подшо саройида тўплангандар. Сарой бошқарув тизими шуниси билан ажralиб турганки, давлатда подшо хўжалигини бошқарувчилар олий мансабларни эгаллагандар; уларнинг вазифалари ўртасида аниқ чегара бўлмаган.

Давлатда подшодан кейин **нубанда (вазир)** турган. **Нубанда** подшо Ҳаммурапи даврига келиб жуда катта ваколатларга эга бўлиб олган. У энди аҳолининг мажбуриятлари билан боғлик деярли барча ташкилий ишларни юрита бошлаган. Нубанда каналлар, истеҳқомлар, саройлар, ибодатхоналар қуришга, урушлар олиб боришга, дехқончилик ишларини ташкил этишга раҳбарлик қилган.

Подшо ҳузурида яна бир бошқа ҳукмдор - ноиб - **исакку**, яъни кўп шаҳарлар ҳокими пайдо бўлган. Шу билан бирга олий мансабдор шахслардан яна **саройбон, ҳазинабон, сарой дастурхончиси, бош ҳарбий бошлиқ** кабилар ҳам мавжуд эди. **Мирзалар** давлатда жуда юқори баҳолангандар. Булардан ташқари манбаларда аскарлар ва куръерлар кузатуви остида мамлакат бўйлаб ҳукумат топшириклирини бажариш юзасидан айланиб юрадиган бошқа мансабдор шахслар ҳам эслаб ўтилади. Шунингдек, маълум даражада давлат бошқарувида иштирок этадиган **турли даражадаги коҳинлар, агентлар, судьялар, омборхона кўриқчилари, кузатувчи ва бошқалар** ҳам мавжуд эди.

Давлат бошқарув органлари тизимида марказий ва маҳаллий бошқарув органлари ажратилган.

Мамлакат ҳудуди **вилоятларга** бўлинган. Маълумки, илгари вилоятлар-шаҳар-давлатлар тепасида **патесилар** турарди. Подшолар марказий ҳокимиятни кучайтириб, патесининг дунёвий ҳокимиятдан маҳрум этгандар ва уларда фақат коҳинлик мавқенини сақлаб қолганлар ёки уларни ўз ноибларига, ўзларига бўйсунадиган вилоятларнинг ҳокимларига - **шакканақуларга** айлантиргандар. Шакканақулар вилоятларда солиқлар йиғишига, тартиб сақлашга ва ҳалқлашкарларини чақиришига масъул эдилар.

Мазкур вилоятлар ҳукмдорлари билан бир қаторда ки-чикроқ ҳудудий бирликларга бошчилик қилувчи мансабдор шахслар ҳам мавжуд бўлган. Булар - **рабианумлар** бўлиб, улар алоҳида шаҳарларнинг ҳокимлари бўлишган. Баъзи олимлар уларни ҳудудий жамоалар бошликлари бўлган деб кўрсатишади. Жойларда, гарчи, анча чекланган вазифалар билан бўлса-да, **жамоа ўзини-ўзи бошқариш органлари** сақланиб қолган эди. Бундай органлар маҳаллий жойларда баъзи маъмурий, молиявий ва суд ҳокимиятини амалга оширганлар.

Суд ҳокимияти. Қадимги Бобил жамиятида Хаммурапига қадар суд ишларини юритишида ибодатхоналар ва жамоалар судлари асосий ўрин тутган. Суд органлари сифатида **ибодатхоналарнинг кенгашлари, жамоа мажлислари** ёки улар томонидан махсус ажратилган **жамоа судлари ҳайъатлари** майдонга чиққан. Манбаларда **подшолик судлари** ҳақида анча барвақт эслатиб ўтилади. Масалан, Лагаш шаҳар - давлатида махсус олий судья - ҳукмдорнинг йирик амалдорларидан бири мавжуд бўлганлиги маълум.

Подшо ҳокимиятининг кучайиши жамоалар ва ибодатхоналарнинг суд ваколатларининг чекланишига олиб келган. Жамоалардаги коллегиал судлар илгаригидек оқсоқоллар кенгаши аъзоларидан иборат бўлган, лекин уларга энди рабианумлар раҳбарлик қила бошлаганлар. Бу судларга подшо одамларнинг иши тааллуқли бўлмаган, улар подшо мулкига тегишли ишларни кўриб, ҳал қила олмаганлар. Подшолик судлари Хаммурапи даврида барча катта шаҳарларда жорий этилган, улар асосан подшо одамлари ишларни кўриб ҳал қилган. Бироқ подшо олий кассацион инстанция сифатида ҳам, аппеляцион инстанция сифатида ҳам майдонга чиқмаган. Подшо ўлим жазосига ҳукм қилингандарни афв этиш ҳуқуқига эга бўлган. Унга суддаги сансалорликлар, судьяларнинг ўзбошимчаликлари, судни бекор қилиш ҳақидаги шикоятлар келиб тушган. Бундай шикоятларни подшо тегишли маъмурий ёки суд органлари: жамоа судларига ёки подшолик судларига кўриб ҳал қилиш учун берган. Бу ерда умуман суд инстанцияси бўлмаган, ҳар қандай суд қарори амалда қатъий бўлган. Подшо ноиблари деярли ҳамма ерда жиноятчиларни судга чақириш, қамоқقا

олиш ва қидириш каби ишларни амалга оширишлари мумкин бўлган.

Суд ҳокимияти бошқа қадимги Шарқ давлатларида бўлганидек маъмурий ҳокимиятдан ажратилмаган. Подшо ва подшо чиновниклари бир вақтда ҳам маъмурий, ҳам суд ишларини юритганлар.

Подшо амалда олий судья бўлган У хоҳласа ҳар қандай фуқаролик ёки жиноят ишларини шахсан ўзи кўриши ёки уларни кўришни кўйи, суд органларига жўнатиши мумкин бўлган. Подшо жиноятчиларни афв этиш ҳуқуқига эга бўлган.

Суд функциялари шунингдек "ноиблар" (шакканақулар) ва "рабианумлар" кулида ҳам бўлган. Улар суд ҳайъатларига раислик қилганлар. Вилоятларга тенглаштирилган худудларда **шакканақулар 6-12 киши таркибидаги суд ҳайъатларига раислик қилсалар, шаҳарларда рабианумлар 4-8 шаҳар оқсоқоллари таркибидаги суд ҳайъатига раислик қилганлар**. Катта шаҳарларда маҳсус "подшо судьялари" суд вазифаларини амалга оширганлар; булар бевосита подшога бўйсуниб, унинг кўрсатмалари бўйича ҳаракат қилганлар.

Хаммурапи ибодатхоналар судларини сақлаб қолган бўлса ҳам, аммо уларнинг вазифаларини чеклаб қўйган: улар томонларни қасам ичишга олиб келтирганлар ва буни тасдиқлаганлар. Эҳтимол улар коҳинлар ўртасидаги ишларни бевосита кўриб ҳал қилган бўлишлари ҳам мумкин.

Армия. Иккидарё оралиғида сиёсий тарқоқлик даврида қуролли кучларнинг асосий тури **эркин жамоачи дехқонлардан иборат лашкарлар** бўлган. Улар ўз ҳукмдорларининг чақируви бўйича урушларга ўзларининг қурол-яроғлари ва асбоб-анжомлари билан келиш лозим бўлган. Ҳарбий юришлар тугагач, лашкарлар уй-уйларига тарқаб кетганлар. Қулдорлик муносабатларининг ривожланиши, солиқлар ва мажбуриятларнинг ўсиши ва эркин жамоачи-дехқонларнинг мулкий табақалашуви борган сари кучайиб бориши муносабати билан ҳалқ лашкарларини тўплаш қийинлашиб борган. Бундан ташқари, хонавайрон бўлган жамоачиларнинг қаршилигини бостириб туриш, ташки душманлар томонидан доимий бўлиб турадиган урушларни бартараф этиш ва умуман давлатнинг ягоналигини сақлаб қолиш зарурияти мустаҳкам, доимий ва кучли армия ту-

зишни тақозо этарди. Жаҳон тарихида биринчи марта **аккад подшоси Саргон** (милоддан аввалги 2316-2261 йиллар) 5400 та профессионал жангчидан иборат **доимий армия тузган**. Ундан фақат ташки душманларга қарши эмас, балки халқ қўзголонларини бостириш учун ҳам фойдаланиш мумкин эди. Бу армия Иккидарё оралигининг кейинги ҳукмдорлари даврида ҳам сақланиб қолган.

Хаммурапи даврида доимий армиянинг жамоа ер эгалигидан тамомила ажратилиши юз берган. **Жангчи (редум, баирум)** хизмат эвазига подшолик ерларидан чек ер олган, шунингдек, оиласини боқиш учун уй-жой, боғ, чорва олиб, подшонинг қарамоғида бўлган (ХҚнинг 30-36-моддалари). Бу мулклар фуқаролик оборотидан олинган. Ҳатто жангчи асирга тушиб қолса ҳам, чек ерга нисбатан эгалик ҳуқуқини сақлаб қолган; участканинг бир қисмига унинг вояга етмаган ўғли мерос ҳуқуқини сақлаб қолган (ХҚ 27-29-моддалари). "Агар жангчи хизматдан қутулиш мақсадида чек ерни ташлаб кетса, унга нисбатан эгалик ҳуқуқини бир йилгача муддатга сақлаб қолган, бунда, албатта, унга хизматга қайтиш шарти қўйилган. Жангчи ҳалок бўлса ёки асир тушиб қолса, мулки унинг вояга етган ўғлига ҳарбий хизмат ўташ шарти билан ўтказилган. Агар ўғли вояга етмаган бўлса, жангчи хотинига мулкнинг 1/3 қисми ўғлини яхши жангчи қилиб тарбиялаш мақсадида берилган. Жангчи асирдан қайтиб келса, унинг бошқа кишига ўтказилган барча мулклари қайтариб олиб борилган.

Хаммурапи армиянинг жанговарлик қобилиятини мустаҳкамлаш, қаттиқ интизом ўрнатиш чораларини кўрган. Жангчи юришларда қатнашишдан бош тортса, ўлимга маҳкум этилган ва унга берилган барча мол-мулклар тортиб олинган. Агар жангчи ўз ўрнига ўринбосарини жўнатса, бунда ҳам у ўлимга маҳкум қилиниб, унинг мулки ўша жангга борган ўринбосарига ўтказилган. Агар ҳарбий бошликлар (**декум ва лубуттум**) жангчининг мулкидан ўз мақсадлари йўлида фойдалансалар ёки ижарага берсалар ўлимга маҳкум этилганлар. Жангчининг хизмати "абадий" ҳисобланган.

Бобилда профессионал жангчилар полициячилик вазифаларини ҳам бажарганлар.

Бобилда кучли ва мустаҳкам доимий армия ташкил этилган бўлса ҳам, аммо йирик ҳарбий юришлар вақтида чақириладиган халқ лашкари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ар-

мияда камончилар ва оғир қуролланган пиёдалар билан бир қаторда аравали жангчилардан иборат отрядлар алоҳида ўрин эгаллаган. Қадимги Бобил манбалари шундан дарак берадики, уларнинг кўмандонлари жанговорлик жасорати учун подшо томонидан ерлар билан тақдирланганлар, солиқлардан ва бошқа турли мажбуриятлар ўташдан озод қилингандар.

5. Қадимги Месопатамияда ҳукуқнинг асосий белгилари

Хукуқ манбалари. Иккидарё оралиғи давлатларида ҳукуқнинг манбалари, энг қадимги манбаи, Мисрда бўлгани каби, одат ҳукуки хисобланган. Месопатамия давлатларининг ташкил топиши натижасида бу ердаги ҳалқлар ва қабилалар ҳаётида асрлар давомида ишлаб чиқилган, авлоддан-авлодга анъаналар сифатида ўтиб келган ва ижтимоий ҳаётнинг тури соҳаларини тартибга солиб турган, у ёки бу бир-бирига ўхшашиб ҳодисаларни узоқ вақт бир хил тартибга солиб келган аҳлоқ-одоб меъёрлари энди мажбурий характер касб эта бошлаган. Бобилда ибтидоий жамоа тузуми даврида пайдо бўлган кўп урф-одатлар давлат ташкил топгандан кейин ҳам дастлабки вақтларда сакланиб қолган. Зоро, Иккидарё оралиғи давлатларида пайдо бўлган ёзма қонунларни ўрганиш шуни кўрсатадики, улар ўзларида жамият ҳаётининг ҳамма томонларини тартибга солишга қаратилган ҳукукий хужжатлар эмас эди. Колаверса, ушбу ёзма қонунларда ибтидоий жамоа тузумининг анчагина қолдиқлари сакланиб қолган эди. Албатта, бу даврда урф-одатлар янги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга мослаштирилган.

Иккидарё оралиғида одат ҳукуки билан бирга ҳукуқнинг бошқа яна бир муҳим манбаи - қонун жуда эрта пайдо бўлган. Қадимги Месопатамия давлатларида жуда қадимги пайтларданоқ у ёки бу подшолик ҳукмдорларининг иродаси билан қабул қилинган ёзма қонунлар ҳукуқнинг асосий манбаи бўлиб қолган. Бу ерда подшолар қонунларининг пайдо бўлиши узлуксиз урушлар, давлат тўнтиришлари, босқинчиликлар давомида унча мустаҳкам бўлмаган ҳудудий-сиёсий бирлашмаларнинг қарор топиши ёки у ёки бу ҳукмдор - гегемон ҳокимиятининг мустаҳкамланиши, у ёки

бу ирқ олийлигининг ўрнатилиши натижасида келиб чиқсан кўп сонли давлатларнинг ташкил топиши ва ривожланишининг алоҳида шарт-шароитлари билан боғлиқ. Подшо қонунчилигининг пайдо бўлишини бу ерда яна товар-пул муносабатларининг, ички ва ташки савдонинг нисбатан эрта ривожлана бошланганлиги ҳам тезлаштирган. Бобил қадимги дунёда халқаро савдонинг асосий марказларидан бири бўлган.

Дастлабки подшолар ёзувлари том маънодаги қонунлар ёки ислоҳотлар бўлмаган. Уларда Месопатамия подшоларининг ҳақиқий ёки ҳаёлий фалабалари, уларнинг ўз мамлакатлари, шаҳарлари, ибодатхоналари аҳолисига, худоларга қилган муруватлари ва хайр-саҳоватлари ҳақидаги маълумотлар сақланган. Бу мадҳиявий ёзувларнинг ўзига хос белгисини улардаги ҳақиқатни тиклаш ҳақидаги, ҳамма нарсадан маҳрум қилинганларни (камбағалларни, етимесирларни, бева-бечоралар ва ҳоказоларни) подшо томонидан ҳимоя қилиниши ҳақидаги кўрсатмаларда кўриш мумкин. Бундай тарихий ҳужжатлар қаторига милоддан аввалги XXIV асрга таалуқли Лагаш подшолиги ҳукмдори Уруйнимгин (2318-2312 йиллар)нинг “ислоҳотлари” ҳам киради. Бу ҳужжатларда камбағалларни қарзлардан, калтаклардан, ўзбошимчалик билан йифиладиган йифимлардан озод қилиниши ҳақида, илгариги ҳукмдорлар томонидан тажовуз қилинган ибодатхоналарнинг мулкининг ҳимоя қилиниши ҳақида гапирилади.

Дастлабки ёзувлар ҳаракатдаги қонунларни ўзларида муҗассамлаштирган бўлсалар-да, аммо ҳукмдорларнинг қонунчилик фаолиятларини, қонунларини анъанавий ёзиб қолдирилишига ва эълон қилинишига асос солган. Ва, энди подшоларнинг қонунлари аста-секин ёзиб қўйиладиган бўлган.

Бундай ҳаракатдаги қонунлар (тўғри, бизгача тўлиқ етиб келмаган) қаторига қуйидагилар киради: Ур сулоласининг асосчиси (милоддан аввалги III минг йилликда) подшо Ур-Намму қонунлари, Исина подшолиги ҳукмдори Липид-Иштар қонунлари, Эшкунна подшолиги (милоддан аввалги II минг йилликлар бошида)даги Билалам қонунлари, “Ўрта осур қонунлари” (милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари) ва ниҳоят, Месопатамиянинг энг муҳим ҳукукий ҳужжати - Иккидарё оралиғидаги энг йирик давлат - қадимги Бобил

подшоси Хаммурапи қонунлари. Буларнинг ичидаги айниқса подшо Хаммурапи қонунлари қадимги давр ҳуқуқий қарашларининг ва ҳуқуқ тизимининг жуда катта ёдгорлигидир.

Хаммурапи қонунлари 1901-1902 йилларда Жениульяк бошчилигидаги француз археологик экспедицияси томонидан қадимги Элам пойтахти Суз шаҳрини қазиш чоғида топилган. Бу қонунлар миҳнат ёзувида қора базальт тош устуни сатҳига ўйиб ёзилган¹. Бу устун қуёш, ҳақиқат ва адолат худоси Шамаш таҳти олдида турган ҳамда унинг қўлидан олий суд ҳокимлиги белгиси чўқмор ва чамбар олаётган подшонинг ўзини тасвиirlайдиган бўртма шакллар билан безалган, 282 та моддадан иборат бўлган ушбу қонунлар Шумер ва Аккад ҳуқуқининг кўпгина тажрибалари мужассамлаштирилган эди. Уни биз шартли равишда кодекс-қонунлар тўплами дейишимиз мумкин. Чунки у кўпроқ суд қарорларининг тўпламига ўхшаб кетади. Кодекс уч қисмга бўлинади: 1) Кириш; 2) Қонунноманинг матни (ёки асосий қисм); 3) Хулоса. Кириш қисмидаги қонунларни чиқаришдан асосий мақсад мамлакатда адолат ўрнатишидир, деб кўрсатилган. Унда подшо улуғланиб, кўкларга кўтарилиган. Ундан кейин подшо ўзи қилган ишларини санаб кўрсатади ва унвонларининг тўла номини келтиради.²

Асосий қисмда жиноят ҳуқуқи, процессал ҳуқуқ, мулк ҳуқуқининг бузилиши ва унга қўлланиладиган жазолар, ниҳоҳ ва оила ҳуқуқи, жангчиларнинг ҳуқуқлари ва бошқа муносабатлар тўғрисида меъёрлар белгиланган.

Хулоса қисмидаги подшо ўзининг халқ олдидаги хизматларини келтиради, бу қонунларни келгусида бажарадиган подшоларни ҳурматлаш, уларни бажармаган ёки бекор қилмоқчи бўлган подшоларни лаънатлаш лозимлигини тўғрисида гапирилади.

ҲКнинг 1-5-моддалари суд ва суд жараёнининг айрим масалаларига бағишлиланган. Бу моддалар судларда ҳукмрон бўлган ўзбошимчаликларга, суистеъмолликларга, бирорни нотўғри айблашларга қарши қаратилган. Бу шундан дарак берадики, Бобилда судьяларни ва гувоҳларни сотиб олиш, порахўрлик каби ҳоллар ҳам кенг тарқалган. Хуллас, 1-5-

¹ Унинг асл нусхаси Париж (Лувр)да сақланади.

² Қаранг: Вестник древней истории, - 1958, № 3, 225-258-бетлар, бу ерда қонунларининг тўла матни берилган.

моддалар Кодекснинг асосий қисми бошидаги ўзига хос муқаддима сифатида берилган. Ундан сўнг мулкка бағишлиланган жуда катта бўлим бошланади, бу алоҳида ажратиб кўрсатилмаса-да, Кодекснинг 6-120-моддалари мулк ва у билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Бунга мулкни ҳимоя қилишга тааллуқли, жумладан, ўғирлик, талончилик учун жазолар ўрнатувчи, дараҳтларни кесиш, майдонларни пайҳон қилиш ва бошқалар учун жавобгарликлар белгиловчи меъёrlар киритилган. Ушбу бўлимга мулкка эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш, бегона мулқдан фойдаланиш усусларини, кўпгина шартнома мажбуриятларини тартибга солишга қаратилган моддалар кирган. Хусусан, 26-39-моддаларда жангчиларнинг чек ерлари ҳақида гапирилади. XКнинг 127-195-моддалари никоҳ, оила ва мерос масалаларига бағишлиланган. Ундан кейинги қисмда - 196-214-моддаларда шахснинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишга қаратилган меъёrlар белгиланиб, бу ерда шахсга қарши қаратилган жиноятлар учун жавобгарликлар ўрнатилган. Кодекс матнининг охирги бўлими - 215-282-моддлари меҳнат ва меҳнат қуроллари тўғрисида бўлиб, бу ерда шифокорларларга, ветеринарларга, қурувчиларга мукофотлар ва жавобгарликлар ўрнатувчи моддалар, ҳўкизларни ижарага бериш ҳақидаги ва сузонғич ҳўқиз учун эгасининг жавобгарлиги ҳақидаги, қишлоқ ҳўжалик ишчилари, ҳунармандлар, чўпонлар ҳақидаги, қишлоқ ҳўжалик асбобларини ўғирлаганлик учун жазолар ҳақидаги, эшакларни, араваларни, кемаларни ижарага олиш ҳақидаги ва, ниҳоят, қуллар ҳақидаги моддалар келтирилган. Шундай қилиб, ҳукуқ тармоқлари бўйича унинг тузилиши қуидагичадир: 1) Суд; 2) Мулк; 3) Никоҳ ва оила; 4) Шахсни ҳимоя қилиш; 5) Меҳнат ва меҳнат қуроллари. Лекин бизнинг бундай шартли тизим асосида XКнинг мазмунини ўрганишимиз ушбу қонунларнинг ҳукуқ соҳалари бўйича маълум бир тизимга солинганлигини ва ҳукуқ соҳаларининг алоҳида институтларга ажратилганлигини англашмайди. Чунки бундай бўлиниш ва тизимга солиш Кодексда йўқ.

Кодексни тузишда эски одат ҳукуки, шумер қонунлари ва янги қонунлар унга асос қилиб олинган.

XК ўзининг тўлалиги нуқтаи назаридан ва қатъийлиги бўйича мукамал эмас, улар жамият ҳаётининг ҳамма томонларини тўлиқ қамраб олмаган.

Матнлар асосан казуистик (қонуннинг умумий моддаларини турли юридик ҳолатларга тадбиқ қилиш) шаклда тузиленган. Қонунларда умумий тамойиллар мавжуд эмас, уларни, гарчи, маълум мантиқ бўйича баён қилишга ҳаракат бўлса-да, аммо тизимга солиб баён қилиш йўқ. Лекин уларда кўрсатилган барча ҳолатлар батафсил ҳал қилинган. ХҚ бошқа шарқ қонунномаларидан фарқ қилиб, ўзида диний ва насиҳатгўйлик элементларни сақламайди.

Хаммурапи ўз қонунлари билан майда ва ўрта қулдорлар хукмрон куч бўлган давлатнинг ижтимоий тузумини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. ХҚ қулдорчиллик тузумини, хусусий мулкчиликни акс эттирувчи биринчи йирик ва машҳур қонунлар тўплами бўлган. Шу сабабли қонунларда уруғдошлик тузумининг қолдиқлари сақланиб қолган. Масалан, жазоларнинг жуда оғир ва шафқатсизлиги, талион тамоийили ("кўзга кўз" "тишга тиш" ва ҳоказо)нинг сақланиб қолганлиги, ордalia (си nab кўриш)нинг кўлланиши ва бошқалар айнан уруғдошлик тузумига хос бўлиб, улар қонунларда тўлиқ сақланиб қолган.

Куйида ХҚда белгиланган меъёрларнинг мазмунига қараб, гарчи, улар маълум тизимга солинмаган бўлса ҳам, хукуқ соҳалари ва институтлари билан танишиб чиқамиз.

Мулк Хаммурапи хукмронлиги даврида хусусий мулкхукуки. чилик энг юқори даражага эришган. Бобилда ерга эгаликнинг хилма-хил шакллари мавжуд бўлган. Булар: **подшо ерлари, ибодатхоналарнинг ерлари, жамоа ерлари ва хусусий ерлардир.** Подшо ерлари ҳам, ибодатхоналарнинг ерлари ҳам подшо томонидан идора этилган ва муҳим даромад манбаи бўлган.

Давлат ерлари подшо ерлари сифатида, саройга тегишли ерлар сифатида кўрилган. Подшо бундай ерларнинг бир қисмини майда ишлаб чиқарувчиларга (дехқонларга) бериб, эвазига натура тарзида ҳақ олиб турган; баъзан дехқонларга ерлар билан бирга зарур ишлаб чиқариш қуроллари ва ашёлар ҳам берилган. Подшо ўз ерларининг бошқа қисмини мансабдор шахсларга ва жангчиларга маълум хизматлар ўташ шарти билан бериб қўйган.

Чиновникларга ва жангчиларга берилган ер участкалари хизмат ўтаяпган вақтлари давомида уларнинг қўлида бўлган ва ўғиллари ўша хизматни давом эттирса, уларга мерос бўй

либ ўтган. Жангчиларга ер участкалари билан бирга баъзан ерга бириктириб қўйилган дәҳқонлар ҳам берилган.

Чиновникларга ва жангчиларга тақдим этилган бундай ерлар, шунингдек, уйлар ва ашёлар алоҳида даражадаги мулкни - **илку мулкни** ташкил этган. Ерлар, уйлар ва бошқа илку мулклар фуқаролик оборотидан чиқарилган: уларни сотиш, сотиб олиш, хотини ёки қизига васият қилиб қолдириш, жангчини асирикдан сотиб олиш учун сарфлаш, қарзни тўлаш учун бериш мумкин эмас эди. Агар бирор киши жангчига тегишли ер, боф ва уйни сотиб олса, бундай шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланган. Уларни сотиб олган киши унга тўлаган барча нарсасидан маҳрум бўлган. Ер, уй, боф уларнинг эгасига қайтарилиган. (ХКнинг 35-39-моддалари).

ХКнинг 40-моддасига биноан, илку мулкини сотиш мумкин бўлган фақат иккита ҳолат белгиланади. Бунда, биринчидан, бундай мулкни тамкар сотиши мумкинлиги, иккинчидан эса, илку мулкини сотиб олаётган шахс хазинага тўлов тўлаб туришини таъминлайдиганлар сотиши мумкинлиги кўрсатилади.

Илку мулкининг эгаси давлатга шахсан ҳарбий хизмат ўтаб туриши лозим бўлган. Агар у ўз ўрнига ўринбосар ёллаб, хизматга жўнатса, ўлимга маҳкум этилган ва унинг ери, уйи ва бошқа илку мулки ўша ёлланиб хизматга борган кишига ўtkazilgan (26-модда). Агар жангчи асирга тушиб қолса, унинг ери ёки илку боги вояга етмаган ўғлига хизмат ўташ шарти билан ўtkazilgan. Агар ўғли вояга етмаган бўлса ёки хизматни ўтай олмаса, у ҳолда илку мулкининг учдан бир қисми онасига ўғлини жангчи қилиб тарбиялаш учун берилган.

Жангчи ўзига берилган илку ерни ишлашга мажбур бўлган. Агар ерни ишлатмай қаровсиз уч йил давомида ташлаб қўйса ва кимдир буни барча мажбуриятларни зиммасига олган ҳолда эгаллаб олса, бу мулкнинг дастлабки эгаси ўзининг ерга нисбатан барча ҳуқуқларини йўқотган (30-модда).

Бобилда ерга нисбатан жамоа мулкчилиги давлат мулкчилиги билан бир қаторда узоқ сақланиб қолган. Бунга, аввало, мазкур ердаги сунъий сугориш ишларини биргаликда ташкил қилиш зарурияти ёрдам берган.

Жамоа мулкини ташкил этган ерлар қишлоқлар ўртасида тақсимланган. Жамоа ҳудуди анча майда ҳудудий бирликларга бўлинган. Жамоа ерлари парцеллаларга бўлиниб, улар мазкур жойлар ахолиси - "кўшнилар" ўртасида тақсимланган. Бу куръя ташлаш йўли билан амалга оширилган бўлса керак. Ерлар номаълум муддатга вақтинча фойдаланиш учун бериб қўйилган; жамоа уни хоҳлаган вақтда қайтариб олиши мумкин эди.

Жамоанинг алоҳида аъзолари ерни бегоналаштириш ёки мерос тариқасида ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Баъзи ҳоллардагина, кўпинча подшо фойдасига ерни бегоналаштиришга йўл қўйилган.

Ер сотиш учун қўшниларнинг розилиги талаб қилинган. Ер эгаликлари чегараларига **"кудурурру"** (**чегара, оралик**) деб номланадиган тош-ҳужжатлар қўйиб қўйилган. Мазкур ер эгаларининг ушбу ерга нисбатан мулк ҳуқуқини англатади. Бундай тошлар дастлаб далаларга қўйилган бўлса, кейинчалик ибодатхоналарга жойлаштириладиган бўлган, яъни кудурру нусхаси ибодатхоналарда сақланган.

Баъзан кудурру хусусий мулкни ҳимоя қилиш мақсадида қўйилган. Подшо кўпинча жамоалардан тортиб олган ерларни айрим кишиларга кудурру асосида берган. Бундай ерлар хусусий, мерос тариқасида ўтадиган мулк бўлиб қолган. Мулк эгалари эса турли мажбуриятларни ўз зиммаларида сақлаганлар. Улар подшо фойдасига - суфориш иншоотларини тартибида келтириш, йўллар ва кўприклар куриш ва улар билан боғлиқ мажбуриятларни, жамоалар фойдасига - ўт-ўланлар, похоллар, дон йигиштириш, чўпон тақдим этиш, чорва учун бино бериш ва бошқа мажбуриятларни, қўшнилари фойдасига - алоҳида ҳолларда эса, сувдан фойдаланишга рухсат этиш, даласидан ўтишга имкон яратиш ва ҳоказо мажбуриятлардир.

Подшо ерларни инъом этиб, баъзан уларга турли имтиёзлар ҳам берган. Бундай кишилар баъзан каналлар ҳақида ғамхўрлик қилишдан, янги суфориш иншоотлари қуришда иштирок этишдан, ибодатхоналар фойдасига солиқлар тўлашдан ва бошқа мажбурий хизматлардан ҳам озод этилган.

Бобилда хусусий мулк жуда қаттиқ чоралар билан ҳимоя қилинган. Агар ўғри қонунда белгиланган катта миқдордаги жаримани тўлай олмаса, ўлимга маҳкум этилган.

Мулк эгаси ўз мулкини ҳар қандай кишидан талаб қилиб олиш имкониятига эга бўлган. Агар мулк эгаси ўз мулкини бирордан топиб олса, бунда уни эгаллаб турган шахс мулкни бошқа шахсдан сотиб олганлигини кўрсатса, мулкнинг ҳақиқий эгаси судга мулк ҳақиқатда уники эканлигини тасдиқлайдиган гувоҳлар келтириши, уни сотган кишини ва уш-бу шартнома тузилишида иштирок этган гувоҳларни судга олиб келиши лозим бўлган.

Гувоҳларни сўроқ қилиш натижасида бегона ашё сотилганилиги аниқланса, мулк эгаси ўз ашёсини қайтариб олган, мулкка эгалик қилиб турувчи шахс (сотиб оловучи) эса уни сотган кишидан берган тўлов ҳақини қайтариб олган, мулкни сотган сотувчи ўғри деб топилган ва ўлимга маҳкум этилган (9-модда). Агар мулкка эгалик қилиб турган шахс ашёни сотган кишини кўрсата олмаса ва гувоҳлар тақдим эта олмаса, мулкнинг ҳақиқий эгаси гувоҳлар ёрдамида ашёга бўлган ҳуқуқини исботласа, мулкка эгалик қилиб турган шахс ўғри деб топилган ва ўлимга маҳкум этилган (10-модда). Агар, аксинча, даъвогар ушбу мулкка бўлган ҳуқуқини исботлай олмаса, тухматчи сифатида ўлимга маҳкум этилган (11-модда). Агар бегона ашёни сотган шахс ўлиб кетган бўлса, у ҳолда ушбу ашёни сотиб олган киши Фойдасига сотувчининг уйидан мулк қийматининг 5 баравар ҳажмида мулк ундирилган (12-модда).

Мажбуриятлар. Қонунларда шартномалардан ва зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бир-биридан ажратиб кўрсатилган. Шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар кенг тарқалган. Айниқса, Ҳаммурапи даврида шартнома ҳуқуки жуда ривожланган. Бу вақтда Бобилда товар-пул муносабатларининг анча ривожланганлиги, жамиятда савдо-судхўрлик ролининг ошганлиги, мулк айланишининг нисбатан тараққий этганлиги, ерларнинг сотилиши, сотиб олиниши, ижарага, вақтинча фойдаланиш учун берилиши ва ҳоказолар - ҳаммаси шартнома ҳуқуқининг анча ривожланганлигини кўрсатади. Шартномаларнинг олди-сотди, ижара, қарз, юқ ташиш, топширик, ширкат, ҳадя ва бошқа турлари ҳақида қонунларда кўпгина меъёрлар белгиланган.

Кўчириб бўладиган ва кўчмас мулкка хусусий мулкчилик мавжудлиги шароитларида **олди-сотди шартномаси** кенг тарқалган. Олди-сотди шартномасининг предмети (нарса-

си) күчириб бўладиган ашёлар (дон, ҳайвонлар, қуллар ва бошқалар) ҳамда кўчмас мулклар (далалар, боғлар, уйлар) бўлиши мумкин бўлган. Анча қимматбаҳо мулклар (ерлар, қурилиши бинолари, кул, ҳайвон сингарилар)ни сотиш гувоҳлар иштирокида ёзма шаклда амалга оширилган. Бундай шартномалар қуёшда қуритилган ёки оловда кўдирилган лойдан ясалган қаттиқ лойтахтачага ёзиб қўйилган. Олди-сотди шартномасида ашёни сотувчи фақат мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлиши талаб қилинган. Зоро, мулк учинчи шахс томонидан сотилиб, сўнгра мулкнинг ҳақиқий эгаси мазкур мулк унинг хоҳиш-иродасига зид равишда сотилганини даъво қилса, ушбу мулк ҳақиқатан ҳам унга қарашли эканлигини гувоҳлар ёрдамида исботласа, тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб топилган. Бундай ҳолда, юқорида айтиб ўтганимиздек, мулк ҳақиқий эгасига қайтарилиб, сотувчи ўғри сифатида сотилган нарса эвазига унинг суммасини сотиб оловчига қайтариб берган ва ўзи ўлимга маҳкум этилган (ХҚ 9-модда). Шу сабабли олди-сотди шартномасида бъязи ҳолларда сотилаётган ашёнинг учинчи шахс томонидан талаб қилинмаслиги учун кафолатлар назарда тутилган. Шунингдек, бундай шартномалар тузиш чоғида шартнома предметининг яроқлилиги ҳақида ҳам кафолат олинган. Масалан, сотилган қул тутқаноқ касалига йўлиқкан бўлиб чиқса ва ишга яроқсиз бўлса, бир ой муддат ичida шартнома бекор қилиниши мумкин, яъни қул эгасига қайтарилиб, унга тўланган ҳақ ("кумуш") қайтиб олинган (278-модда). Фуқаролик оборотидан чиқарилган мулкларни (масалан, илку мулкини) сотиш ҳам ҳақиқий эмас деб ҳисобланган (35-39-моддалар). Шу сабабли ёзма равища тузиладиган олди-сотди шартномаларида сотиб олинаётган нарсанинг номи, унга нисбатан сотувчининг мулк хукуқи аниқ кўрсатилиши, бъязан бу гувоҳлар иштирокида қасам ичиш орқали тасдиқланган бўлиши лозим эди. Олди-сотди шартномаси томонларнинг маълум ҳаракатларни бажариши билан, яъни сотувчи томонидан шартномада кўрсатилган нарсанинг сотиб оловчига берилиши ва сотиб оловчининг бунга белгиланган тўловнинг тўлаши билан тузилган деб ҳисобланган. Бъязи ҳолларда сотилган нарса (масалан, ер) учун ҳақ тўлаш муддати кечикирилиши мумкин эди. Бундай ҳоллар, албатта, қарздорлик тилхатлари билан расмийлаштирилган.

Хаммурапи қонунларининг кўпгина моддалари (48-51; 113-119 ва бошқа моддалар) бевосита **қарз шартномасига** бағишланган. У Бобилда дастлабки сулолалар давридаёқ кенг тарқалган. Ўша вақтларда судхўрлик авжига чиқиб, дехқонлар хонавайрон бўлиб, қулга айлана бошлаганлар. Хаммурапи қонунлари қабул қилинишига қадар қарздор дехқонлар қарзи эвазига умрбод тутқунликка тушилар эди. Натижада жуда кўп камбағаллар эркинлигини йўқотмоқда, армия сафида хизмат қилиши лозим бўлган эркин фуқароларнинг сони жуда қисқариб бормоқда эди. Бу эса мамлакат мудофаа қобилиятининг кучсизланишига сабаб бўлмоқда эди. Шу сабали Хаммурапи ўз қонунларида қарздорлик асоратини чеклашга, очкўз судхўрларнинг (кatta фоизлар ҳисобига қарз берувчиларнинг) ҳаддан зиёд иштаҳасини тийиб қўйишга ва қарз учун қулга айланиш жараёнининг ўсишини тўхтатишга ҳаракат қилган, шунингдек, мумкин қадар қарздорлар аҳволини яхшилашга интилган. Хаммурапи қонунлари қарз учун умрбод асоратга солинишини йўқ қилган ва ҳар қандай қарзни тўлаш учун уч йиллик мuddат ўрнатган. XКнинг 117-моддасига биноан, қарздорнинг ўзи эмас, балки унинг хотини ёки ўғил-қизлари фақат уч йил қарз бадалига ишлаб бериши лозим эди; тўртинчи йили эса улар эркинликка қўйиб юборилган. Бу ерда қарздорнинг ўзи ҳақида ҳеч нарса дейилмаса-да, ишлаб бериши мумкин бўлган оила аъзолари бўлмаса, унинг ўзи уч йил ишлаб бериши керак эди.

Қонун қарзини ўтаётган қарздорга ва унинг оила аъзоларига кредитор томонидан шафқатсиз муносабатда бўлишликни тақиқлади. Агар кредитор гаровга олинган шахсни уриб ёки бошқа оғир муносабатда бўлиш натижасида ўлдириб қўйса ва гаровга олинган (ўлган) киши эркин одамнинг ўғли бўлса, у ҳолда кредиторнинг ўғли ҳам ўлдирилган, агар гаровга олинган эркин одамнинг қули бўлса, унда 1/3 мина кумуш тўлаган, бундан ташқари, қарзга берган ҳамма нарсасини йўқотган (116-модда).

Хаммурапи қонунларида кредитор томонидан қарздорнинг мулкини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши ҳам тақиқланади. Агар кредитор қарздорнинг рухсатисиз унинг омборидан ёки хирмонидан “донини” олса, уни қайтариб бериши лозим бўлган ва қарзга берган ҳамма нарсасини йўқотган (113-модда).

Қонунларда бўрон, сув тошқини ёки қурғоқчилик натижасида зиён кўрган ва ҳосил ололмаган қарздорларга имтиёзлар назарда тутилган. Бундай ҳолларда қарзини тўлаш муддати кечиктирилган ва шу йилги тўлов фоизларидан озод қилинган (48-модда).

Қарз бўйича олинадиган фоизлар анча юқори белгиланган. Қонунда унинг энг кўп миқдори қўйидагича ўрнатилган: уруғлик учун - 33,3 %; пул учун - 20 %. Қарз гаров билан таъминланган. Гаровга, асосан, қарз олувчининг мулки (кўпинча ери) қўйилган.

Хаммурапи қонунларида **ерларни ижарага (аренданга) беришни** тартибга солувчи қатор моддалар мавжуд. Шунингдек, боғларни, турар-жойларни, араваларни, кемаларни, эшакларни ижарага бериш ҳам кенг тарқалган. Кулларни ижарага бериш тез-тез учраб турадиган ҳолат эди. Булар **мулкни ижарага бериш** ҳисобланган. Маълумки, **мулк ижараси шартномаси** бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мulkни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фақат фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади. Агар қонун ёки мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мulkдан фойдаланиш натижасида оладиган маҳсулот, мева ва бошқа даромадлар унинг мулки ҳисобланади. Мол-мulkни ижарага бериш хукуки шу мол-мulk эгасига тегишилдири.

Ерларни ва боғларни ижарага (аренданга) бериш шартномаси, қисқа муддатга, одатда, бир йилга тузилган. Агар боғларни арендага олувчилар ўз зиммаларига ҳосилдорликни ошириш мажбуриятини олсалар, бу муддат беш йилгача узайтирилиши мумкин бўлган. Ерларни ва боғларни ижарага олишда дала ёки боғ майдонига қараб аренда ҳақи аниқ ўрнатиб қўйилган. Бу, шунингдек, қўшни майдонлар ва боғлардан келадиган даромадларга қараб ҳам белгиланиши мумкин бўлган. Албатта, ҳосилнинг маълум қисмини бериш шаклидаги ҳисоб-китоб ҳам учраб туради. Бунда кўпинча ерлардан олинадиган ҳосилнинг ярми ёки 1/3 қисми, боғлардан олинадиган ҳосилнинг 2/3 қисми миқдорида ижара ҳақи белгиланган.

Ерни ёки боғни ижарага олиб, ундан фойдаланмай ташлаб қўйишилик, яъни маълум ҳосил олмаслик ижарачиларни аренда ҳақи тўлашдан озод қилмаган. Бундай ҳолда арен-

датор мулк эгасига унинг қўшниси қанча тўласа, у ҳам шунча тўлаган (42-модда). Агар арендатор ерни олиб, унга умуман ишлов бермаган бўлса, ижара ҳаки тўлаш билан бир қаторда ерга ишлов берган ҳолда эгасига қайтариши лозим бўлган (43-модда). Қонуннинг ушбу моддаларида ўз ерларини ва боғларини арендага берган мулк эгалари ҳакида ғамхўрлик чоралари кўрилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Бобил жамиятида унумдор ва серҳосил ерлар ва боғларни олдиндан аниқ белгилаб қўйилган ижара ҳақлари эвазига арендага олиш кўп ҳолларда ижарага олувчиларнинг жуда бойиб кетишига сабаб бўлган. Кўп ҳолларда арендаторлар сифатида анча-мунча мол-мulkка эга бўлган кишилар майдонга чиқиб, ўз даромадларини янада ошириб борганлар. Бу ўз навбатида айрим камбағал деҳқонларнинг янада қашшоқлашуви ҳисобига амалга оширилган.

Хаммурапи қонунларида **туар-жой ижараси** ҳакида фақат битта 78-моддада меъёрлар белгиланган. Унда кўрсатилишича, туар-жойни ижарага берган мулк эгаси ижара ҳақини олдиндан олиб, белгиланган муддат (одатда бир йил) ўтмай ижарачини уйни бўшатиб қўйишини талаб қилса, у ҳолда ижара ҳаки сифатида олган "кумуш"ни ижарачига қайтариб бериши лозим бўлган.

Кўчириб бўладиган (ҳаракатдаги) ашёларни ижарага беришни тартибга соладиган қонунларнинг моддалари, биринчидан, ижара ҳақининг қатъий нархларини, иккинчидан эса, баъзи ҳолларда ижарага олинган ашёларнинг нобуд бўлиши ёки яроқсизланиши учун жавобгарликлар кўламини ўрнатади. Хўқизлар, кемалар ижарасида ҳам жавобгарлик ўрнатилган. Шубҳасиз, бошқа ҳаракатдаги ашёларнинг ижарасига нисбатан ҳам шундай жавобгарлик белгиланган.

Хўқизни ижарага олувчи уни эҳтиётсизлик ёки уриб-калтаклаб ишлатиш натижасида нобуд қилса (ўлдирса), ижарачи бунинг учун жавобгар бўлган. Агар хўқизни далада йиртқич ҳайвон нобуд қилса, ижарачи жавобгарликдан озод қилинган (244-модда). Хўқиз ўлат тегиши натижасида нобуд бўлса ҳам ижарачи худо номи билан қасам ичган ва жавобгар бўлмаган (249-модда).

Хаммурапи қонунларида қулларни ижарага бериш тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтилмайди. Бироқ бизгача етиб келган

маълумотларда бундай турдаги битимларнинг кенг тарқалғанлиги кўрсатилади.

Бобилда, шунингдек, **эркин фуқароларни ишчи кучи сифатида ижарага бериш** ҳам бўлган. Эркин кишиларни ижарага бериш шартномаси қулларни ижарага бериш шартномасига ўхшаб тузилган.

Хунармандларнинг бир қанча тоифалари учун уларнинг меҳнат ҳақларининг аниқ нархлари ўрнатилган. Бироқ, бунга кўпинча амал қилинмаган, масалан, қонунларда кўрсатилган йилига 9-10 сикл ўрнига, ишчилар 6-7 сиклга ёллашиб ишлаганлар. "Агар одам ишчи ёлласа, унга йил бошидан бешинчи ойгача кунига 6 ше¹ кумуш бериши, олтинчи ойдан йи:лнинг охиригача кунига 5 шедан кумуш бериши лозим" (273-модда). Шуниси характерлики, қишлоқ хўжалик ишчилари қонун бўйича хунармандлардан анча юқори иш ҳақи олганлар. Бу қишлоқ хўжалигининг хунармандчиликка нисбатан катта аҳамиятга молик эканлигидан гувоҳлик беради. Қонунлар шунингдек, табибларнинг, ветеринарларнинг, қурувчиларнинг, кемасозларнинг меҳнат ҳақларини ўрнатади. Табибларга ҳақ тўлашда улар кимга (авилумгами, мушкенугами ёки қулгами) хизмат кўрсатганликлари инобатга олинган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш, қоида бўйича, ижара муддати тугагандан сўнг амалга оширилган. Агар ёлланиб ишловчи муддатидан илгари ишни тўхтатса, ҳақ олиш ҳуқуқини йўқотган.

Кўпинча шахсий ижара қарз шартномаси билан қўшилиб кетган. Шахсни ёлловчи ишчига иш ҳақининг бир қисмини қарз тариқасида олдиндан берган. Бу ижарага олувлчиларга (ёлловчиларга) кўп ҳолларда ишга ўз вақтида келмаган, ишни ўз муддатида бажармаган ишчиларни қарздорлик асоратига солишларида кўл келган.

Алоҳида ҳолларда ёлланиб ишловчиларга моддий қимматдор нарсалар ишониб топширилган. Қонун бундай ҳолларда уларнинг ушбу қимматдорликларнинг сақланиши учун жавобгарлигини ҳам белгилайди. Масалан, чўпон унга ишониб топширилган ҳўқизларни ва эшакларни йўқотиб қўйса, ҳўқиз учун ҳўқиз, эшак учун эшак қайтариши лозим бўлган. Бундан ташқари, чўпон поданинг камайиши ва унинг етарли даражада ўсмаслиги учун ҳам жавоб берган. Чўпон шунинг-

¹Ше - 0,046 граммга тенг огирилик улчови.

дек, ўғирланган ва ўзи томонидан сотиб юборилган чорва моли учун 10 баравар миқдорда заарни тұлаши лозим эди (265-модда). Агар чүпон әхтиётсизлиги натижасида чорванинг касалланиб ўлишига сабабчи бўлса, бунинг учун ҳам жавоб берган.

Юқоридагилардан ташқари, далани кузатиб туриш учун ёлланган шахсларнинг, кемаларда юкни манзилга элтиш учун ёлланган кемачиларнинг, жарроҳлик йўли билан даволовчи табибларнинг касалнинг кўзини кўр қилиб қўйганилиги ёки ўлими учун, ветеринарларнинг ҳайвонни муваффақиятсиз операция қилгани натижасида ўлдириб қўйганилиги учун, қурувчиларнинг мустаҳкам уй қурмаганлиги оқибатида етказган моддий ва жисмоний заарлари учун жавобгарликлар ўрнатилган,

Хаммурали қонунларида **ашёларни сақлаш ёки ташиш шартномаси** ҳам назарда тутилган. Сақлаш учун пуллар, уруғликлар, донлар, хурмолар, қуллар, металлар, ҳужжатлар берилган. Ашёларни сақлаш шартномаси гувоҳлар иштирокида тузилиши лозим бўлган, акс ҳолда уни сақлашга берган шахс судга даъво қила олмаган (122-модда). Дон сақлашга берилганда у кам чиқса, сакловчи икки баравар миқдорда қайтариши лозим бўлган (120-модда). Агар кимдир қандайдир ашёни сақлашга олиб, сўнгра уларни олганлигини инкор қилса, бундай ҳолда ҳам ундан ўша ашёларнинг икки баравар миқдори ундириб олинган (124-модда). Хаммурали қонунлари бўйича мулкни сақлаш учун олган шахс мулкни ўғирлатиб қўйса, у мулкнинг қийматини тўлаган ва бу мулкни қидириш ҳамда ўгридан талаб қилиб олиш ҳуқуқини олган (125-модда).

Сақлаш учун берилмаган ашёни асоссиз талаб қилганлик учун айбдорга қанча талаб қилган бўлса, ўша мулкнинг икки баравар нархини бериш мажбурияти юкланган (126-модда).

Хаммурали қонунлари бўйича, агар саёҳатга чиқкан киши йўлда кимгадир пул, олтин, қимматбаҳо тошлар ва бошқа ашёларни белгиланган жойга олиб бориш учун сақлашга берган бўлса-ю, сақлашга олган шахс уларни ўзиники қилиб олса, у ҳолда ишониб топширилган нарсаларнинг беш баравари миқдорида ундириб олиниши мумкин бўлган (112-модда). Бу шартнома топшириқ шартномасига ҳам ўшаб кетади (бу ҳақда қуироқда тўхталамиз).

Қонунларда сақлаш учун берилган баъзи ашёларнинг айнан ўзини эмас, балки уларни ўрнининг тўлиқ босадиган бошқа ашёларни қайтариш мумкинлиги ҳам ўрнатилган. Бундай ашёлар, масалан, кумуш, олтин, дон, хурмо ва ҳоказолар бўлиши мумкин эди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ҲҚнинг 112-моддасида **топшириқ шартномасига** хос барча белгилар ўз аксини топган. Зеро, топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Топшириқ шартномаси маълум шахс ёки шахслар номидан маълум шахснинг ёки шахсларнинг вакиллик қилиши тўғрисидаги шартномадир. Топшириқ тарафларнинг ўзаро ишончларига асосланиб тузиладиган шартнома бўлганлиги учун у шахсий характерга эга бўлган шартнома ҳисобланади.

Топшириқ шартномаси ҳақида Ҳаммурапи қонунларида алоҳида тўхтаб ўтилмаган бўлса-да, Бобилда у қадимдан кенг қўлланиб келган. Масалан, ҳосил даладан йиғиширилаётган чоғда кимларгадир уни хирмонга, омборхоналарга элтиш учун ишониб топширилган, кимлардир ишонган одамларидан ибодатхоналарга солиқлар бериб юборганлар ва ҳоказо.

Топшириқ олган шахс унинг бажарилганлиги ҳақида ҳисбот бериши лозим бўлган. Топшириқ шартномаси маълум ҳақ эвазига ёки бепул тузилиши мумкин бўлган.

Ширкат шартномаси бизга етиб келган ҳужжатлардан маълум бўлишича, турли мақсадларда, масалан, қарзни биргаликда узиш, иш ҳайвонларини биргаликда сотиб олиш сингари ҳолларда тузилган. Ширкат шартномаси биргаликдаги фаолияти тўғрисидаги шартномадир. Биламизки, бу шартномада шериклар деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар.

Ҳар бир шерик бошқа шериклари олдида ўз зиммасидаги мажбуриятни бажармаслиги учун жавоб беради. Фойда ва заарлар шериклар ўртасида тенг тақсимланган (99-модда). Тақсимлаш "худонинг олдида", яъни ибодатхонада амалга оширилган.

Хаммурапи қонунлари **айирбошлаш**, ҳадя каби шартномаларни ҳам назарда тутади.

Хаммурапи қонунлари бўйича мажбуриятлар фақат шартномалардан эмас, балки зарар етказишдан ҳам келиб чиқади.

Конунларда **зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар** тўғрисида алоҳида меъёrlар белгиланган. Қонун бўйича, бир шахснинг мулкига ёки соғлиғига етказилган зарар учун айбдор зиммасига баъзи ҳолларда ушбу зарарни тўлаш мажбурияти юклатилади. Бунга қўидаги ҳоллар киради: а) суғориш иншоотига эҳтиётсизлик орқасида етказган зарарни тўлаш мажбурияти; б) чўпоннинг эгаси рухсатисиз чорвани бироннинг даласида боқиши натижасида келиб чиқадиган жавобгарлиги; в) бироннинг боғидан дарахт кесганлик учун жавобгарлик; г) дарё оқими бўйича юқорига сузуб бораётган кема ҳайдовчисининг қўйига сузуб келаётган кемага тўқнашиб кетиши оқибатида чўқтириб юборишидан келиб чиқадиган мажбурияти; д) урушиш натижасида эҳтиётсизликдан жароҳат етказган шахснинг даволаниш харажатини тўлаш (206-модда), шунингдек, қул ёки чўрини тасодифан ўлдириб қўйганда қийматини тўлаш мажбурияти. Охиригина ҳолда хўжайнинг қул учун қул бериш мажбурияти келиб чиқсан. Ўзига ишониб топширилган мулкни манзилга элтаётганда кемани чўқтириб юборган кемачи барча ўлганлар учун зарарни тўлаши лозим бўлган.

Никоҳ-оила Никоҳ Бобилда ёзма тузиладиган шарт **муносабатлари.** нома асосида расмийлаштирилган.

"Агар киши хотин олса ва ёзма шартнома тузмаса, бу аёл унга хотин эмас" (128-модда). Демак, шартномасиз никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган. Никоҳ шартномаси куёв ва келин ўртасида ёки куёв ва келиннинг оиласи ўртасида тузилган. Бироқ, шуни айтиш керакки, шартнома мазмунига бўлажак хотин ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Масалан, аёл киши никоҳ шартномасида бўлажак эри зиммасига қарзлари эвазига хотинини гаровга қўймаслик мажбуриятини юклashi мумкин бўлган (ХҚ, 151-модда). Эркин кишининг қул аёл (чўри) билан никоҳга киришига йўл қўйилган (100-модда), шунингдек, эркин аёлнинг сарой қули билан ёки мушкену қули билан никоҳга кириши мумкин бўлган. Бундай никоҳдан туғилган болалар эркин ҳисобланган. Бироқ қул эр ўлганидан сўнг эр-хотин

биргалиқда орттирган мулкнинг ярми қулнинг хўжайинига ўтган, қолган ярмини хотин "болалари учун" олган. Бундан ташқари, хотинда никоҳ шартномаси тузилаётганданда ўзи билан олиб келган сеп-сицирғаси ҳам тўлиқ қолган (175-176-моддалар).

Никоҳ шартномаси тузилишидан аввал күёв бўлажак қайнонасига қалин пули - "**тирхатум**", келиннинг оила аъзоларига тўй совғалари - "**библум**" бериши лозим бўлган эди. Келиннинг отаси қизига сеп-сицирға - "**шериктум**" топширган, бу албатта, кейин күёвга фойдаланиш учун ўтказилган. Сеп-сицирға, одатда, қалин пулидан анча катта қийматга эга бўлган.

Конунда белгиланишича, қалин пули назарда тутилган бўлса ҳам, аммо бу никоҳ шартномаси тузишнинг мажбурий шарти бўлмаган (139-модда). Никоҳ қалин пули тўлаш натижасида эмас, балки шартнома тузиш оқибатида келиб чиқкан. Никоҳ шартномаси бўйича аёл зиммасига турли мажбуриятлар юкланган ва у маълум даражада мустақил шахс сифатида кўрилган. Қалин пули ва келиннинг оиласига тўй совғалари бериш одати уруғдошлиқ тузумидан сақланиб қолган қолдик сифатида қонунларда ўз аксини топган.

Күёв никоҳ шартномасини тузишдан бош тортса, берган қалин пули ва тўй совғаларини қайтариб ололмаган. Булар келиннинг отасида қолган. Агар келиннинг отаси қизини эрга беришдан воз кеча, у ҳолда олган нарсаларини икки баравар қилиб қайтариши лозим бўлган (159-160-моддалар).

Никоҳ муносабати билан ота томонидан қизига берилган сеп-сицирға келиннинг мулки ҳисобланган ва эрнинг фойдаланишига ўтказилган. Хотин вафот этса, болаларига қолдирилган, болалари бўлмаса, ўлган аёлнинг отасига қайтарилган, бунда қайнота қалин пулини күёвига қайтариб бериши лозим бўлган. Сеп-сицирға эр ўлса, хотинда қолган (171-172-моддалар). Шунингдек, эрнинг ташаббуси билан ёки айби билан никоҳ асоссиз равишда бекор қилинса ёки хотини туғмаганлиги ёки касаллиги туфайли никоҳ бекор қилинса, бундай ҳолларда ҳам сеп-сицирға хотинга қайтариб берилган. "Агар хотин эрини ёмон кўрса ва унга "менга қўл теккизма" деб айтса, бу қўшнилар ўртасида текшириб кўрилиши лозим. Агар хотин ахлоқий соғ ва ҳалол бўлса, эр уни уйда юриб шарманда қилса, бунда аёл айбсиз; у ўз сеп-сицирғасини олиб отасининг уйига кетиши мумкин"

(142-модда). "Агар аёл ахлоқий ҳалол бўлмаса ва уйида юриб ўз уйини хонавайрон қилса, ўз эрини шарманда қиласа, бу аёлни сувга чўктириш лозим" бўлган (143-модда). Албатта, бундай ҳолларда сеп-сидирға эрда қолган.

Никоҳнинг асосий шакли моногамия (бир никоҳли) бўлган. Лекин баъзи ҳолларда эрнинг иккинчи никоҳга ҳам киришига йўл қўйилган. "Агар хотин ўзини телбаларча тутса, ўз уйини хонавайрон қилса ёки эрини менсимай қўйса", эр иккинчи никоҳга кириши мумкин. Бунда у илгариги хотинини уйда чўри сифатида қолдириши ёки у билан ажрашиб мумкин эди (141-модда). Агар хотин бола туғмаса, унинг бошқа ҳеч қандай камчиликлари бўлмаса ҳам, эр ўзига жазман (никоҳсиз хотин) олиши мумкин эди. Лекин ана шу жазман (ўйнаш) аёл оилада хотин билан тенг мавқега эга бўлишни даъво қила олмаган (145-модда). Ва ниҳоят, эр агар хотини касал бўлганда ҳам иккинчи хотин олиши мумкин эди. Бундай ҳолда биринчи хотин эри билан қолишни хоҳламаса, эр унга сеп-сидирғани қайтариб берган ва у отасининг уйига қайтиб кетган. Агар туғмайдиган хотин ўз эрига туғиб бериш учун чўри тавсия қилса, эр ўзига бошқа хотин олиши мумкин эмас эди. Бундай ҳолда чўри бола туғиб берса, хотин энди уни сотиши мумкин бўлмаган (146-модда).

Хотин оилада маълум мустақил ҳуқуқларга эга бўлган. У битимлар тузга олган, мулк сотиб олган ва ижарага берган, ҳунармандчилик, савдо, судхўрлик билан шуғулланган. Бироқ, шуларга қарамай, хотин эрига тўлиқ бўйсунган. Бобил аёллари Миср аёлларига қараганда анча паст мавқега эга бўлганлар. Кўриб ўтганимиздек, эркак кишига кўп хотинликка рухсат этилган. Шу билан бирга хотин эрига бевафолик қилса, ўлимга маҳкум этилган, яъни дарёга ташланган. Эркак киши хоҳлаган вақтда никоҳни бекор қила олган. Хотин эса фақат қўйидаги ҳолларда: а) агар у бевафоликда асоссиз айбланган бўлса; б) эри садоқатни бузса ва хотинини авайлаб-асрамаса (142-модда); в) эр уй-жойини ва яшаш жойини ташлаб кетса; г) агар хотин касал бўлиб, эр уйга жазман олиб келган бўлса никоҳни бекор қилиши мумкин бўлган. Хотин бошқа ҳолларда ўз хоҳиши билан никоҳни бекор қилишга ҳаққи йўқ эди.

Бундан ташқари, эр хотини устидан маълум шахсий ҳокимликка эга. Агар никоҳ шартномасида хотин эрининг

никоҳгача қарзи учун қарамлика берилиши мумкин эмас, деб кўрсатилмаган бўлса, эр хотинини болалари сингари қарз бадалига уч йилгача ишлаб беришга бериши мумкин бўлган (117; 151-моддалар). Никоҳ тузилгандан сўнг келиб чиқсан қарзлар учун эр-хотиннинг иккаласи жавобгар эди. Бунда ҳам қарз тўлаш учун маблағ бўлмаса, эр хотинини, болаларини ишлаб беришга уч йил муддатга кредиторга бера оларди.

Агар эр асир тушиб қолса, хотин яшаши учун маблағ бўлмаган ҳолда, иккинчи эрга тегиши мумкин эди. Бироқ, эр асирикдан қайтиб келса, хотин иккинчи эрини ташлаб биринчисига қайтиши лозим эди.

Бева хотин, агар ёш болалари бўлса, суднинг рухсатисиз иккинчи эрга тегиши мумкин эмасди. Судьялар биринчи эрдан қолган мулкларнинг рўйхатини тузиб, хомий тайинлаганлар. Мазкур мулклар фақат болаларга тегишли бўлиб, она ҳам, иккинчи эр ҳам уларни сотиш ҳуқуқига эга бўлмаган.

Ота болалари устидан тўлиқ ҳукмронликка эга бўлган. У қизини коҳинликка бериши, болаларини қул сифатида сотиши, қарз бадалига ишлаб беришга топшириши, ёллаб ишлатиши ва бундан келадиган даромадларга тўла эгалик қилиши мумкин эди: Ота-онасига бўйсунмаган, уларга қарши иш тутган фарзандлар қаттиқ жазоланган. Масалан, ўз отасини урган ўғилнинг бармоқлари кесилган (195-модда). Худди шунингдек, "агар ҳарам оғасининг (бичилган қулнинг) боқиб олган боласи ёки ибодатхона коҳини аёлининг боқиб олган боласи ўзини тарбиялаб ўстирган кишиларга "сен менинг отам эмассан" ёки "сен менинг онам эмассан" деб айтса, унинг тилини кесилган (192-модда).

Бобилда болаликка олиш кенг тарқалган. (185-192-моддалар). Бу албатта, кўпинча текин ишчи кучига эга бўлиш мақсадини кўзлаган. Болаликка олиш, шунингдек, никоҳсиз туғилган болаларга, жумладан, чўрилардан туғилган болаларга қонуний болалар мавқеини бериш мақсадларида ҳам амалга оширилган.

Хаммурапи қонунларида ўғил қилиб оловчиларнинг бундай ўғилларидан тониш ҳуқуқига йўл қўйилмайдиган шароитлар кўрсатилган. Шунингдек, ўғил қилиб олинганлардан тониш мумкин ва асосли бўлган ҳолатлар ҳам қайд этилган. Масалан, ўғил қилиб оловчидаги ўзининг қонуний ўғли туғил-

са, ўғил қилиб олган боласидан тониши мумкин (191-модда). Бироқ бундай ҳолда ота унга ўғилларига мерос қилиб қолдирадиган баъзи мулкларнинг 1/3 қисмини бериши лозим эди. “Даладан, боғдан ва уйдан унга ҳеч нима беришга мажбур эмас”.

Ўғил қилиб олинган фарзанд, агар ҳунарманд томонидан ўз ҳунарини ўргатиш учун олинган бўлса, лекин унга ҳунар ўргатмаса ҳамда ўзининг бошқа фарзандлари билан тенг кўрмаса, уни тарк этиши ва ўз ота-онасига қайтариши мумкин эди (189-190-моддалар).

Мерос Меросга дастлабки вақтларда энг аввал ўғиллар **хукуки**. ўғиллар бўлмаса қизлар, кейинчалик қизлар ҳам ўғиллар билан тенг мерос хукуқига эга бўлганлар. Агар мерос қолдирувчининг фарзандлари ва невара-лари бўлмаса, у ҳолда ака-укалар, улар бўлмаса, амаки-лари меросхўр сифатида майдонга чиққанлар. Агар мерос қолдирувчининг ўғилларидан бири ўлган бўлса ва ундан фарзандлар қолган бўлса, у ҳолда улар отасининг ўрнига меросхўр бўлиб, тегишли улушни олганлар.

Мерос болалар ўртасида тенг тақсимланган. Ўғил қилиб олинганлар ҳам ҳақиқий болалар билан тенг улуш олганлар. Чўрилардан туғилган болалар, агар улар оталари томонидан тан олинган бўлса, фақат ҳаракатдаги (кўчириб бўла-диган) ашёлардан тенг мерос олганлар, лекин кўчмас мулкни тақсимлашда иштирок этмаганлар (170-модда). Бироқ ҳаракатдаги ашёларни мерос қилиб олишда эркин аёлдан туғилган болалар ўзларига тегишли улушни танлаб олиш ҳукуқига эга бўлганлар. Агар ота чўридан бўлган болала-рини тан олмаса, улар меросда иштирок этмаганлар, лекин отаси ўлганидан сўнг онаси билан биргалиқда эркинлик олганлар.

Мерос тақсимланаётган вақтда оталари ҳаётлик чоғида ундан тўй учун тирхатум олган ўғиллар ҳали уйланмаган ака-укаларига тирхатум тўлови учун алоҳида ҳисса ажра-тишлари лозим бўлган (166-модда). Чўри хотиннинг қизи эрга тегаётган вақтида сеп-сидирға олган бўлса, отасидан қолган мерос тақсимланишида қатнашмаган (183-модда). Агар у бундай сеп-сидирға олмаган бўлса, унда ака-укалар бунинг учун улуш ажратганлар (184-модда). Бошқа қизлар, юқорида айтганимиэдек, меросдан тенг ҳисса олганлар.

Үлган онанинг сеп-сидирғаси болалар ўртасида тенг тақсимланған, бу отага ўтмаган (167-модда). Агар хотин бола-сиз ўлиб кетса, у ҳолда эр қайнонасидан қалин пули - тирхатумни қайтариб олиб, хотинининг сеп-сидирғасини қайтариб берган (163-модда).

Эри үлган хотин сеп-сидирғани - шериктүмни ва эрининг қилган совғаларини - нудуннумни олган ва ўзининг үлган эри уйида яшаб қолаверган. Бироқ у ушбу мулкларни со-тиши мумкин эмас эди, бу мулклар унинг ўлимидан сўнг болаларига ўтказилган (171-модда). Агар хотин эридан совғалар олмаган бўлса, сеп-сидирғани, совғалар ўрнига болалар билан меросдан тенг ҳисса олган (172-модда).

Бева хотин иккинчи марта эрга тегса, қонун биринчи никоҳдан бўлган болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилган. Бунда хотин биринчи никоҳдан олган совғалар (нудуннум)ни болаларига қолдириши лозим бўлган, бундан ташқари, у ўлганидан сўнг биринчи никоҳдаги болалар унинг сеп-си-дирғасини иккинчи никоҳдаги болалар билан тенг тақсим-лаб олганлар (173-модда).

Кулнинг мулки у ўлганидан сўнг хўжайинига ўтган. Агар сарой қули ёки мушкену қули эркин аёл билан никоҳда бўлган бўлса, мулкининг фақат бир қисми хўжайинга ўтган, қолган қисми бева хотинига келиб тушган.

Хаммурапи қонунларида васиятлар ҳақида ҳуқуқлар тўғридан-тўғри кўрсатилимайди. Бироқ мерос қолдирувчи ме-росхўрлардан бирининг фойдасига бошқаларининг зарари-га кўпроқ ҳисса ажратиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу албатта, маҳсус васият орқали қилинмаган. Масалан, ХҚнинг 160-моддасида кўрсатилишича, бева хотин нудуннумни ўз болаларидан хоҳлаганига ўтказиши мумкин, 165-моддада эса отанинг ҳаётлик чоғида ўғилларидан бирига кўпроқ мулк ҳадя этиши ҳуқуқи эътироф этилган. Албатта, ўғил қилиб олиш тартиби ҳам худди васият ролини ўйнаган, чунки ўғил қилиб олинганлар ҳам меросхўр ҳисобланган. Қонунлардан кўринадики, ота ўғлини рад этиши мумкин (168-169-модда-лар), демак, бу билан ўғил мерос ҳукувидан тўла маҳрум этилган. Отанинг ўз ўғлидан воз кечиши учун, биринчидан ўғил бир неча марта ножӯя ишлар қилган бўлиши ва, иккин-чидан, суднинг рухсати бўлиши лозим, яъни ўз ўғлини ме-росдан маҳрум қилмоқчи бўлган ота бу ҳақда судга му-рожаат қилиши талаб этилган.

Жиноят Хаммурапи қонунларида ибтидоий жамоа тузухукуки. мига хос бўлган қонли қасос олиш одати ҳақида ҳеч нарса эсланмайди. Қонли қасос олиш одати ўз ўрнини давлат ҳокимияти органлари томонидан бериладиган жазоларга ва жиноятчининг жабрланувчига ёки унинг қариндошларига тўлайдиган ҳақларига бўшатиб берган.

Бироқ, Хаммурапи қонунларида жиноят ҳукуқи соҳасида ибтидоий жамоа тузумининг кўпгина қолдиқлари сақланиб қолган. Буларга: а) жиноят учун жиноятчининг шахси но маълум бўлган ҳолларда бутун ҳудудий жамоанинг жавобгарлиги (23-24-моддалар); б) ота-оналари қилган жиноятлар учун болаларнинг жавобгарлиги (116,210,230-моддалар); в) жиноятчими мазкур ҳудуддан ёки "уидан" ҳайдаб юбориш (154,158-моддалар) кабилар киради.

Хаммурапи қонунларида **талион** ("кўз учун кўз", "тиш учун тиш" ва ҳ.к.) тамойилининг сақланиб қолганлиги ҳам ибтидоий жамоа тузумининг қолдиқлариданadir. Бироқ талион тамойили фақат жиноятчи ва жабрланувчи Бобилнинг тўла ҳукуқли фуқаролари (авилум) бўлса, шунда қўлланилган. Агар авилум авилумнинг кўзини чиқарса, унинг ҳам кўзини чиқариш лозим бўлган (196-модда). Агар авилум авилумнинг суягини синдирса, унинг ҳам суяги синдирилган (197-модда). Агар авилум мушкенунинг кўзини чиқарса ёки суягини синдирса, жарима тўлаган, агар у қулга жароҳат етказса, унинг хўжайинига қул баҳосининг ярмини тўлаган (199-модда).

Шундай қилиб, қонунларда ўрнатилган жазолар очиқдан очиқ юқори табақалар манфаатларини ҳимоя қилган. Бу бир хилдаги жиноятлар учун айбланувчи ва жабрланувчининг қандай мавқеда турганлигига қараб турлича жазолар тайинланганлигига яққол кўринади. Масалан, авилум ижтимоий мавқеи бўйича ўзига teng бошқа авилумнинг юзига урса, жарима тўлаган (203-модда). Агар кимда-ким ўзидан юқори ижтимоий мавқедаги кишини юзига урса, у омма олдида мол терисидан тайёрланган қамчи билан олтмиш дарра саваланган (202-модда). Агар қул эркин кишининг юзига урса, унинг қулоги кесилган (205-модда). Мушкену бошқа мушкенунинг юзига урса, авилум авилумни урганга қараганда олти баравар кам (яъни 10 сикл кумуш жарима тўлаган (204-модда). Зоро, авилум бунинг учун

авилумга бир мина кумуш жарима тўлаши лозим эди (203-модда).

Хаммурапи қонунларининг мулқдор табақалар манфаатларига хизмат қилганинги ўғирлик учун жазо берилган жойларда ҳам очиқ кўриш мумкин. Бунда угрилик учун асосан ўлим жазоси назарда тутилган бўлса-да, лекин бундан мулк қийматининг ўн ёки ҳатто ўттиз баравар миқдорида жарима тўлаш билан кетилиб мумкин бўлган.

ҲҚда назарда тутилган жазолар биринчи навбатда Бобилдаги қулдорлик тузумини ушлаб туришга қаратилган. Қулни ўғирлаш, шунингдек, қочоқ қулни яшириш ёки ушлаб туриш учун ўлим жазоси назарда тутилган. Кул ўз хўжайинига сўзсиз қулоқ солиши ва бўйсуниши лозим бўлган. Қул озгина бўлса-да хўжайинга итоат этмаса, хўжайини уни қаттиқ жазолаши мумкин эди. Қонунга биноан "агар қул ўз хўжайинига "сен менинг хўжайиним эмассан" деса, хўжайин унинг қулогини кесиши мумкин" бўлган (282-модда).

Қадим даврлардаги бошқа кодекслар сингари Хаммурапи қонунлари ҳам жиноятнинг умумий тушунчаси ва жиноят деб ҳисобланадиган барча ҳатти-ҳаракатларнинг рўйхатини бермайди. Унда доимо ўлим жазоси билан жазоланадиган давлатга ва динга карши жиноятлар ҳакида ҳеч нарса дейилмаган. ҲҚнинг умумий мазмунига қараб, ундаги тўртта турдаги: шахсга қарши, мулкка қарши, оиласга қарши ва судга қарши жиноятларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Шахсга қарши жиноятларда аввало шахснинг ҳаётига қарши жиноятларга эътибор берилган. Бунда қасддан одам ўлдириш ҳакида қонунларда умуман ҳеч нарса дейилмаган, лекин эҳтиётсизлиқдан одам ўлдириш жинояти тўғрисида анчагина меъёрлар белгиланган. Бироқ бундан қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик назарда тутилмаган эканда, деган хулоса келиб чиқмайди. Бундай ҳолларда айбдор албатта ўлимга маҳкум этилган. Ушбу фикримиз ҲҚнинг 1-моддасида белгиланган бирорни одам ўлдиришда ёлғондан айловчиларга нисбатан ўлим жазоси назарда тутилганлиги, 3-моддасида белгиланган ёлғон кўрсатма бериш оқибатида бирор учун ўлимга маҳкум этилиш хавфини туғдирган шахсларга нисбатан ўлим жазосининг назарда тутилганлиги, шунингдек, эрини ўлдирган хотинга нисбатан қозикка ўтқазиш жазосининг (153-модда) тайинланганлиги каби ҳолатлар билан ҳам тасдиқланади. Демак, булар қонун-

ларда қасддан одам ўлдириш жинояти сифатида алоҳида қайд этилмаган бўлса-да, аслида, субъектив томондан ана шундай бўлганлигига шубҳа йўқ.

ХҚда эҳтиётизлик натижасида одам ўлдириш тўғрисида аниқ меъёрлар ўрнатилган. Масалан, омонат иморат қурган қурувчи бундай иморатнинг бузилиши ёки босиб қолиши натижасида уй хўжайини ўлса, қурувчи ҳам ўлимга маҳкум этилган (229-модда); агар бунинг натижасида уй эгасининг ўғли ўлса, қурувчининг ўғли ҳам ўлдирилган (230-модда); агар уй босиб тушиши натижасида уй эгасининг қули ўлса, қурувчи қул учун бошқа қул берган (231-модда). Шунингдек, табибларнинг муваффақиятсиз операция қилишлари натижасида касалларнинг ўлимига сабабчи бўлганликлари учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Агар табиб-жарроҳ эҳтиётизлик қилиб касални ўлдириб қўйса ёки қўзини кўр қилиб қўйса, унинг қўли кесилган (218-модда). Агар бундай ҳолда касал қул бўлса, қул учун қул берган (219-модда).

Шахснинг соғлиғига қарши жиноятларнинг бир қанча турлари учун қонунларда жавобгарликлар назарда тутилган ва бундай ҳолларда ижтимоий аҳволи жабрланувчилар билан бир хил бўлган айбланувчилар талион тамойили бўйича жазоланган. Агар жабрланувчи айбланувчига нисбатан қуий мавқеда турса, жарималар назарда тутилган. "Агар авилум мушкенунинг қўзини чиқарса ёки суягини синдирса, 1 мина кумуш жарима тўлаган" (198-модда). "Агар авилум авилумнинг тишини синдирса, унинг ҳам тиши синдирилган" (200-модда).

Шахсга қарши жиноятлар қаторида ёш болаларни ўғирилаш жинояти ҳам эслаб ўтилади. Албатта, бунда уларни қул қилиб сотиш мақсадида ўғириланар эди. ХҚнинг 14-моддасида шундай дейилади: "Агар кимда-ким авилумнинг ёш ўғлини ўғириласа, ўлимга берилади".

Мулка қарши жиноятларга нисбатан қонунларда айниқса жуда оғир жазолар назарда тутилган. Сарой ёки ибодатхона мулкини ўғирилашга нисбатан қонунда айрим ҳолларда ўлим жазоси (6-модда), бошқа ҳолларда (хўқиз, қўй, эшак ўғириласа) ўғириланган мулкнинг ўттиз баравари миқдорида жарима назарда тутилган. Агар ўғри бундай жаримани тўлай олмаса ўлимга маҳкум этилган (8-модда). Жиноятчи деворни бузиб ўғирилик қилса, уни жиноят жойида қатл этиб кўмиб ташлаш жазоси (21-модда) назарда ту-

тилган. Ёнғин пайтида ўғирлик қилған жиноятчи ўтга ташланған (25-модда).

Айниқса, қулға нисбатан мулк ҳуқуқи қаттиқ ҳимоя қилингандар. Сарой ёки ибодатхона қулини, шунингдек, мушкенунинг қулини ўғирлаганлик учун ўлим жазоси белгиланған (15-модда). Юқорида айтиб ўтганимиздек, қочоқ қулни яширганлик ёки топиб олинған қулни уйида ушлаб турғанлик учун ҳам ўлим жазоси назарда тутилған (18-модда). Кулдан қуллик белгисини олиб ташлаган тамғаловчининг құли кесилған, бу ишга уни даъват этған шахс эса ўлимга маҳқум этилған (226-227-моддалар).

Ўғирлик билан бир қаторда босқинчилік жинояты ажратиб күрсатылған ва бунинг учун ўлим жазоси белгиланған (22-модда). Агар босқинчи (талончи) жиноят жойида құлға тушмаса, жабрланувчи жиноят содир бўлған жойни кўрсатиши керак ва бунда ўша жойдаги жамоа жавобгарликка тортилған ҳамда етказилған зарарни тўлаган. Агар таланған шахс ўлган бўлса, унинг оиласига (қариндошларига) бир мина кумуш тўлаши лозим бўлған (23-24-моддалар).

Хаммурапи қонунларида **оиласига қарши жиноятлар** тўғрисида алоҳида меъёрлар назарда тутилған. Бундай жиноятларга эр-хотинлик садоқатини бузишлик, яқин қариндошлар билан жинсий алоқада бўлишлик, шунингдек, бева хотиннинг суд рухсатисиз иккинчи никоҳга кириши кабилар кирган. “Агар хотин бошқа эркак билан бирга ётганида ушланса, иккаласининг қўл-оёғини боғлаб сувга ташлаш лозим. Агар хотиннинг хўжайини (эри) унинг ҳаётини сақлаб қолса, у ҳолда подшо ҳам ўз қулиниң ҳаётини сақлаб қолади” (129-модда). Агар кимдир хотин кишини эрига хиёнат қилғанликда айбласа, у аёл ўзини оқлаши, яъни ўзини сувга ташлаб айбдор эмаслигини исботлаши лозим (132-модда). Агар бундай ҳолда хотин киши синовдан муваффақиятли ўтса, уни ноҳақ айبلاغан кишининг сочини шармандалиқ белгиси сифатида олиб ташланған. Фақат хотин кишининг эрига нисбатан хиёнати жазоланған. Эр ҳеч қандай жазосиз хотинига хиёнат қилиши ва ҳатто, юқорида кўриб ўтганимиздек, баъзи ҳолларда уйига жазман олиб келиши мумкин бўлған. Бу ерда қонун оиласига эрнинг хотин устидан ҳукмронлигидан келиб чиққан.

Қонунларда яқин қариндошлар ва туғишганлар ўртасидаги жинсий алоқалар оғир жиноят сифатида қаралиб, қат-

тиқ жазолар ўрнатилган. Масалан, отаси ўлган ўғилнинг ўз онаси билан жинсий алоқада бўлиши ўта ахлоқсизлик ва оғир жиноят ҳисобланиб, бунда иккала томоннинг ҳам ёқиб юборилиши лозимлиги белгиланган. Ота ўз қизи билан жинсий алоқа қилса, яшаб турган жойидан хайдаб юборилган ва ҳоказо.

Жиноят қонуни ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларга ҳам тааллуқли бўлган. Қонун отанинг оиласдаги ҳукмронлигини қаттиқ ҳимоя қилиб, ўз отасини урган ўғилнинг кўли кесилиши лозимлигини белгилайди (195-модда). Қонун ўз навбатида болаларни ҳам ота-она томонидан йўл қўйиладиган ўэбошимчаликлардан ҳимоя қилади. Қонунда белгиланишича, ота ўз ўғли фақат иккинчи марта оғир ножӯя иш қилгандагина ундан юз ўгириши ва уни меросдан маҳрум қилиши мумкин (168-169-моддалар).

Жиноий қонунлар, шунингдек, ота-оналар билан фарзанд қилиб олинганлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам тегиб ўтган. Бу ерда фарзанд қилиб оловчиларнинг ҳукмронлиги қаттиқ чоралар билан ҳимоя қилинади. Айрим ҳолларда ўзига фарзанд қилиб олган ота-онани инкор қилганини учун тилини кесиш (192-модда), шунингдек, ўзининг ҳақиқий ота-онасини кўриб унга қайтмоқчи бўлган фарзанд қилиб олинганларнинг кўзини ўйиш (193-модда) жазолари назарда тутилган.

Хаммурапи қонунларида **судга қарши жиноятлар** ҳам учраб туради. Гарчи, қонунларда булар ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилмаган бўлса-да, биз айрим турдаги жиноятларнинг мазмунига қараб, уларни шу туркумга киритишими мумкин. Масалан, қонунларда ўз ҳукмини ўзгартирган судъя-нинг жазоланишини белгиловчи меъёрлар мавжуд. Агар судъя ҳукм чиқариб ва уни ёзиб қўйган бўлса, кейин эса ўзгартирса, унда даъвонинг ўн икки баравар миқдорида жарима тўлаган ва ўз мансабидан маҳрум бўлган (5-модда). Шунингдек, бирорни ёлғондан айблаш учун, судда ёлғон гувоҳлик берганлик учун ҳам жавобгарликлар мавжуд. Тайёрланаётган жиноят ҳақида хабар бермаган шахслар ҳам жиноий жавобгарлика тортилган (109-модда).

Шундай қилиб, Хаммурапи қонунларида **жазоларнинг хилма-хил турлари** назарда тутилган бўлиб, уларни қўйидаги гурӯҳларга ажратиш мумкин: ўлим жазоси, тана аъзолалига жароҳат етказиш (майиб қилиш) жазолари, тан жазо-

лари (дарра билан уриш), шармандалик белгисини қўйиш, яшаб турган жойидан ёки уйидан ҳайдаб юбориш, пул жарималари, ва ниҳоят, келажақда муайян машғулот билан шуғуланиш ҳуқуқидан маҳрум этиб, мансабидан бўшатиш. Ўлим жазо жуда кенг қўлланган. Қонунларда ўттиздан ортиқ ҳолатларда ўлим жазоси назарда тутилади. Бунинг устига ўлим жазоси турли кўринишларда: сувга чўктириш, ёқиб юбориш, қозиққа ўтқазиш, осиш каби кўринишларда амалга оширилган. Тана аъзоларига жароҳат етказиш жазолари аввало талион йўли билан берилган. Бундан ташқари, жиноят тананинг қайси аъзоси билан қилинса, ўша қисмини кесиб ташлаш - рамзий талион ҳам қўлланган. Масалан, фарзандликка олинган шахс отасига "сен менинг отам эмассан" деса тили кесилган, отасини урган ўғилнинг қўли кесилган ва ҳоказо.

Суд ишларини Суд жараёни жиноят ишлари бўйича юритиши. ҳам, фуқаролик ишлари бўйича ҳам бир хил бўлган. Иш жабрланувчи томонларнинг аризаси билан бошланган. Айблов хусусий шахслар томонидан кувватланган. Жамоат айблови қандайдир прокурор айблови ёки бўлмаган. Пул жарималари кўп ҳолларда айбланувчидан жабрланувчига келиб тушган ва жабрланувчи ташаббуси билан ундирилган.

Судда гувоҳларнинг кўрсатмалари, қасам, ёзма далолатномалар, шунингдек, ордалия исботлаш (гумон қилинувчи ни сув билан синаш) воситаси сифатида хизмат қилган. Хаммурапи қонунларидан кўринадики, ордалиядан, биринчидан, хотин бевафолик қилишда айбланаётганда, иккинчидан, кимдир сеҳгарлик (афсунгарлик) қилишда айбланаётганда фойдаланилган. Процессуал ҳуқуқ меъёрлари судьялардан "ишни кўриб ҳал қилишни" шахсан ўзлари амалга оширишларини талаб қилган. Судья ўз қарорини ўзгартириши мумкин эмас. Агар судья биринчи чиқарган ўз қарорини ўзгартирса, юқорида айтиб ўтганимиздек, даъвонинг ўн икки баравар миқдорида жарима тўлаган ва мансабидан абадул-абад маҳрум бўлган.

Суд қайдномалари лойтахтачаларга ёзилган. Уларда томонларнинг кўрсатмалари, қасамлари, гувоҳларнинг исмлари ва суд ҳукмининг мазмуни ёзиб қўйилган. Томонлар қоида бўйича айнан бир ишни иккинчи марта қўзғатишлари мумкин эмас эди.

IV боб

ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУКИ

1. Қадимги Ҳиндистон давлатининг ташкил топиши ва ривожланишига умумий тавсиф

Ҳиндистон - инсоният цивилизация бешикларидан бири бўлиб, бу ерда қадимги тош давридаёқ одамлар яшаган, неолит босқичида катта дарёларнинг водийлари ўзлаштирила бошланган, энеолит ва айниқса бронза даврига келиб эса ўзига хос илк ҳинд маданияти таркиб топган эди. Бундан тўрт минг йил илгари Ҳинд ҳавзасида вужудга келган Хараппа ва Моҳенжо - Даро¹ қадимги цивилизациянинг катта шаҳарлари ҳисобланган. Археологик қазилмаларнинг гувоҳлик беришича, милоддан аввалги III мингинчи йиллilarда бу ерда шаҳарлар ҳунармандчилик ишлаб чиқариши марказлари сифатида майдонга чиқсан, дехқончилик, савдо, аҳолининг мулкий табақалашуви ривожланган. Илк ҳинд маданиятини яратган халқ эҳтимол дравидлардан ёки дравидлардан олдин ўтган қабилалар бўлиши мумкин. Афсуски, фанда ушбу даврга оид маълумотлар жуда кам сақланган. Манбаларда бу даврнинг синфий тузилишини ва сиёсий тузумини кўрсатиб берувчи аниқ маълумотлар йўқ. Лекин шундай бўлса-да, мавжуд манбалар жамиятнинг ижтимоий табақалашуви ва ибтидоий-жамоа тузумининг емирилиши ҳақида етарлича маълумотлар беради.

Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида ilk ҳинд шаҳар-давлатлари ва маданияти тушкунлик даврини бошдан кечирган. Унинг марказлари инқизотга учраган. Бу жараён шимолий-ғарбдан ҳинд-арий қабилаларининг бостириб кириши билан ниҳоясига етган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида - I минг йилликнинг биринчи ярмигача бўлган давр тарихда веда² даври деган ном билан юритилади ва Ҳиндистон та-

¹Бу иборалар уибу марказларнинг ҳозирги номлари бўлиб, уларнинг қадимги номлари ҳозирча бизга маълум эмас.

²Ведалар - гимнлар, қўшиқлар, афсункор ва диний дуолардан иборат катта тўплам. Бундай тўпламлардан 4 таси: Ригведа, Самаведа, Яжурведа ва Атхарваведа сақланниб қолган. Энг қадимги қисмлари милоддан аввалги II минг йилликка мансуб.

рихининг айнан шу босқичида синфий жамият ва давлатнинг ташкил топиши юз берган. Ишлаб чиқариш соҳасидаги улкан ютуқлар жамиятнинг табақалашувига олиб келган.

Ижтимоий тангисизликнинг кучайиши билан илгари мажлис томонидан сайланадиган ва алмаштирилиши мумкин бўлган қабиланинг ҳарбий бошлиғи - рожа энди борган сари қабила бошқарув органларини ўзига бўйсундира бориб, қабиладан устун бўла бошлаган. Рожалик мансаби учун қабилада таникли ва қудратли уруғларнинг вакиллари ўртасида доимо ўзаро кураш давом этган. Вақт ўтиши билан бу мансаб мерос тариқасида ўтадиган бўлган.

Рожаларни тайинлашга таъсир ўтказувчи халқ мажлислири дастлаб ўзларининг илгариги аҳамиятларини сақлаб қолганлар. Лекин улар аста-секин қабиладошлар мажлисидан кўра кўпроқ рожа яқинларидан иборат зодагонлар мажлиси бўлиб қолган. Халқ мажлислари ролининг камайиб бориши рожалар ҳукмронлигининг кучайиши билан бирга кечган.

Қабилавий бошқарув органлари аста-секин давлат органларига айлантирилган. Давлат бошқарувида юқори мансабларни эгаллаш ҳукмдор зодагонларнинг имтиёзи ҳисобланган. Зодагонлар орасида подшолик коҳини - пурохита катта аҳамият касб эта бошлаган. У шунингдек, астролог ва рожа маслаҳатчиси ҳам эди.

Қабила дружинаси (кўнгилли қўшини) аста-секин ҳарбий бошлиқ (сенани, сенапати) бошчилигидаги доимий қўшинга ўсиб чиқсан.

Халқнинг зиммасига турли солиқлар юклатилган. Масалан, илгари қабила йўлбошчисига ёки худо йўлига ихтиёрий тортиқ қилинадиган бали энди подшога маҳсус чиновниклар орқали тўланадиган мажбурий ва қаттиқ ўрнатилган солиққа айлантирилган.

Шу тариқа уруғ-қабила тузуми ўз ўрнини тобора кўпроқ давлат ташкилотига бўшатиб берган. Милоддан аввалги VI асргача шимолий Ҳиндистон жуда кўп подшоликларга бўлинган эди. Масалан, Ганг ҳавзасининг ўзида ўн олтига майда давлат бўлган. Уларнинг энг йириклари Магадха, Анга, Шахъя, Кашала, Гандхар, Малла, Кашилар эди. Улардан бири Магадха ўша даврнинг энг йирик ва кучли давлати бўлган. Айниқса, милоддан аввалги IV-III асрларда Маурь-

ийлар сулоласи даврида бу давлат деярли бутун Ҳиндистон худудини ўз ҳукми остига бирлаштириб, жуда құдратли давлатта айланған. Бу давлатнинг асосчиси грек-македон истилочилариға қарши курашда халқ оммаси ҳаракатига бошлиқ қылган машхур ҳинд арбоби Чандрагуптадир. У милоддан аввалги 321 йилдан 298 йилгача подшолик қилиб, құдратли Маурья давлатини барпо қылган. Чандрагупта бутун шимолий Ҳиндистонни бирлаштиришга, грек-македон гарнизонларини Ҳинд водийисидан ҳайдаб чиқаришга ва кучли марказлашган давлат тузишга муваффақ бўлган.

Магадха - Маурыйлар даврига қадимги Ҳиндистон давлатчилиги ривожланишидаги алоҳида босқич сифатида қаралади. Бу даврда Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва хўжалиги анча ривожланган, йирик сиёсий воқеалар бўлиб ўтган. Бирлашган ҳинд давлатининг тузилиши турли халқларнинг яқинлашувига, уларнинг ўзаро маданий алоқалариға, тор қабилачилик доираларидан четга чиқишлирига кўмаклашган. Айнан Маурыйлар даврида кўпгина давлат институтларига асос солинган.

Шундай бўлса-да, Маурыйлар империяси тараққиётнинг турли босқичларида турган қабилалар ва халқлар йигинди сидан иборат эди. Кучли армия, мустаҳкам бошқарув аппарати бўлишига қарамай, Маурыйлар давлатнинг бирлигини сақлаб қола олмаган. Милоддан аввалги II асрда Ҳиндистон бир қанча майда давлатларга бўлинниб кетган. Натижада уни милоддан аввалги 190 йилларда Юнон-Бақтрия подшоларидан Деметрий қўшинлари, 100 йилларда саклар (скифлар) босиб олади. Шимолий Ҳиндистонда Ҳинд-Скиф давлати вужудга келади. Янги эра арафасида Шимолий-Фарбий Ҳиндистонга Парфия қўшинлари бостириб кирган, кейинчалик бу ерни Кушонлар босиб олган. Кушонлар даврида Ҳиндистон кучли давлатга айланған. Кушонлар бу ерда милоднинг III асригача ҳукмронлик қылганлар. III асрдан бошлаб Ганг воҳасидаги Магадха давлати яна кучаяди. Унинг асосчиси Гупта бўлиб, сулола ҳам шу ном билан аталган. Магадха давлати Гуптанинг набираси Чандрагупта I даврида (320-335 йиллар) Ҳиндистон Осиёдаги энг кучли давлат эди. Лекин Чандрагупта I нинг вафотидан кейин давлат парчаланиб кетган. V аср охирида Ҳиндистонга шимоли-фарбдан аввал кидарийлар, сўнг эфталитлар бостириб кирган. VI асрга келиб Ҳиндистондаги гупталар тузган

давлат яна майда давлатларга бўлиниб кетади. Шу тариқа Ҳиндистоннинг қадимги тарихи ҳам ўз ниҳоясига етади.

2. Ижтимоий тузуми

Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ҳамда ижтимоий ва мулкий тенгсизликнинг ривожланиши натижасида ўсиб бораётган ижтимоий табақаланиш тоифаларнинг кескин суратда бўлинишига ва биқиқ варналарнинг¹ пайдо бўлишига олиб келган. Варналарнинг мавжудлиги ҳинд жамиятининг ўзига хос хислати деб ҳисобланади.

Қадимги ҳинд жамиятининг ижтимоий табақаланиш жараёни уюшмаган қабилалар жамоалари ичидаги бошланган. Уруг-қабила муносабатларининг емирилиши натижасида ўз қўлида бошқарувнинг ижтимоий функцияларини, ҳарбий мудофаани, коҳинлик мажбуриятини тўплаган анча кучли ва нуфузли уруғлар олдинга чиққан. Бу ижтимоий ва мулкий тенгсизликнинг, қулдорчиликнинг ривожланишига, қабила юқори доираларининг уруг аристократиясига айланишига олиб келган. Урушлар ҳам ижтимоий тенгсизликни кучайтирган. Урушлар давомида алоҳида қабилалар ва жамоалар ўртасида қарамлик, бўйсуниш муносабатлари келиб чиққан.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қадимги ҳинд жамиятининг ижтимоий табақаланиши синфлар (кулдорлар ва қуллар)нинг шаклланишига эмас, балки алоҳида тоифалар - варналар: **брахманлар, кшатрийлар, вайшийлар ва шудраларнинг²** вужудга келишига олиб келган. Бу тоифалар ҳақида илк марта Ригведада эслатиб ўтилган. Ведаларда варналар фақат кейинги қўшимчалардагина тилга олинади. Кейинги манбаларда ўша биқиқ гуруҳларга бўлиниши энг юқоридан, яъни тангри белгилаган бўлиниши деб ҳисобланган. Ана ўша икки варна: брахманлар билан кшатрийлар ҳукмрон мавқени эгаллаганлар. Ривоятга кўра, брахманлар олий худо Брахманинг оғзидан чиққан, кшат-

¹ Уларни кўпинча португаллар ибораси билан “каста” деб атайдилар. Лекин бу ном кўпроқ ҳиндларнинг “жати”сига мувофиқ келади. “Жати” янада кўпроқ парчалангандай биқиқ гуруҳларни, ўзларига бирон касбни танлаб олган қабилаларнинг шундай гуруҳларини билдиради.

² Брахманлар - дин ҳомийлари, коҳинлар; кшатрийлар - ҳарбийлар, ҳукмдорлар; вайшийлар - дехқонлар, ҳунармандлар, саводгарлар; шудралар - хизматчиilar, камбагаллашган дехқонлар ёки озодликка чиқарилган қуллар.

рийлар эса унинг елкасидан чиққан эмиш. Ахолининг энг кўп қисми вайшилар деб аталган учинчى варнага кирган. Улар Брахманинг қовурғасидан чиққан деб ҳисобланган. Тўртинчи варна - шудралар бўйсундирилган ажнабийлар ва шунингдек, ўз уруф ва қабилаларидан ажралиб кўчиб келганлар ҳисобига тўлдириб турилган. Улар Брахманинг “товоронидан пайдо бўлган зоти паст” кишилар бўлганлари учун чанг - тупроққа беланиб яшашга маҳкум этилган халқ ҳи-собланган. Улар жамоаларга яқинлаштирилмаган ва бирон-бир хизмат, вазифаларга қўйилмаган. Хатто баъзи диний маросимлар, чунончи, фахрли маросим - “иккинчи бор туғилиш” маросими улар учун ўтказилмаган.

Юқоридаги ривоятларга қарамай, варналарнинг келиб чиқиши ўзига хос тарихий шарт-шароитларга боғлиқ.

Брахманлар томонидан ведаларга оид гимнлар, афсункор ва диний дуоларнинг танҳо ўзлаштириб олиниши тарихий тараққиётнинг маълум босқичида уларнинг шундай варна бўлиб ажрилишларига олиб келган. Ҳарбий аристократия - кшатрийлар эса арийлар томонидан Шимолий Хиндистоннинг дарё ҳавзалари истило қилиниши жараёнида пайдо бўла бошлаган. Бу тоифага дастлаб фақат арийлар кирган. Бироқ, кейинчалик ассимилияция натижасида кшатрийлар сафи маҳаллий қабила йўлбошчилари ва кучли уруф бошлиқлари ҳисобига ҳам тўлдирилган. “Вайшийлар” варнаси эса “виш” - халқ, қабила, манзилгоҳ (поселение) сўзидан келиб чиққан. Бу меҳнаткаш кишиларнинг, дехқонларнинг ва ҳунармандларнинг асосий оммасини англатган. Шудралар варнасининг келиб чиқиши урушларда асир қилиб олиш ва мулкий ҳамда ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши билан боғлиқ бўлган. Бунинг натижасида жамоа аъзолари бўлмаган кишиларнинг катта гурухи - шудралар пайдо бўлган. Жамоага қабул қилинган бегоналар эркин жамоачилар билан тенг ҳуқуқлар олмаганлар. Улар ижтимоий ишларни ҳал қилишдан четлаштирилганлар, қабила мажлислиарида қатнашмаганлар ва ҳоказо. Шудралар варнаси фақат маҳаллий, тутқинликка туширилган аҳоли ҳисобигагина эмас, балки арийлар жамиятининг энг камбағал қисми, қарзини тўлаш эвазига хизматни ўтаётганлар ҳисоб

бига ҳам тўлдирилган. Шудраларни ярим қул, ярим озод қишилар дейиш мумкин, лекин улар қуллар эмас.¹

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳатто ўша энг пастки варнага киритилмайдиган, варналардан ташқари қишилар ҳам бўлган. Улар "чандаллар" деб аталиб, бундай қишиларни тоза сувни ҳаром қиласи деб кудуқларга ҳам яқинлаштирганлар. "Чандал"лар жамиятда энг хўрланганлар бўлиб, уларнинг боласи туғилган кундан бошлаб нопок ҳисобланган. Улар энг оғир ва ифлос ишларни - ахлат тозалаш, кўчаларни супуриш ва ўлган ҳайвонларнинг терисини шилиш билан шуғулланган.

Қадимги Ҳиндистон ҳуқуқий ёдгорликларида, жумладан, Ману қонунларида қадимги ҳинд жамиятининг табақа-касталарга бўлиниши ҳақида кенг маълумотлар берилган.

Ману қонунларида (VIII боб, 415-модда) қулларнинг етти-та разряди (шунга қараб қулликнинг еттита манбаи): урушларда асирга олиш; боқсанлик учун қул қилиб олиш; сотиб олинган уйда туғилган қулни олиш; ҳадя сифатида олиш; мерос йўли билан олиш ва жазо тариқасида қул қилиб олиш кўрсатилади. Адабий асарларда ҳам қуллар тез-тез тилга олинган. Ҳарбий асарлардан иборат қуллар "даса" деб аталган, бу сўзи "душман" ва "ажнабий" маъносида ишлатилган. Ўзини ёки қариндошларини сотиш ҳоллари ҳам кўп бўлган.

Қўллар ва шудралар ўртасидаги фарқ жуда кам бўлганлиги ҳуқуқий ёдгорликларда ўз ифодасини топган. Ману қонунларида "даса" сўзи (X боб, 32-модда) бир вақтда ҳам қул, ҳам хизматда турувчи киши сифатида ишлатилган. Бу ҳолат қадимги Ҳиндистонда қулчилик қарамликнинг ягона шакли бўлмай, бошқача шакллари ҳам мавжуд бўлганлигидан келиб чиқсан.

Ҳар бир варна учун яшаш тарзини белгиловчи ўз қонуни - дхармаси ўрнатилган эди. Дхармашastrалар (одат ҳуқуқлари тўпламлари)да варналар ўртасидаги диний-ҳуқуқий фарқлар, уларга нисбатан чеклашлар, тақиқлар ва талаблар аниқ белгилаб қўйилган; ҳар бир варна шуғулланиши лозим бўлган машғулотлар доираси қатъий чегаралаб қў-

¹ З.Муҳимов. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. (Қадимги дунё ҳамда ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи тарихи). Ўқув қўлланмаси. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1992, 29-бет.

йилган. Муқаддас китобларни ўқиш брахманлар, кшатрийлар ва вайшийларнинг имтиёзлари бўлган. Улар “икки марта туғилганлар” деган ном олганлар. Шудралар эса “бир марта туғилганлар” ҳисобланган. Давлат бошқарувини юритиши фақат брахманлар ва кшатрийлар қўлида эди, шу билан бирга коҳинлик мажбуриятларини бажариш брахманларнинг, ҳарбий ишларни юритиши эса кшатрийларнинг имтиёзи ҳисобланган. Вайшийлар деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланишлари лозим эди. Шудралар эса юқоридаги учта варна хизматида туришлари керак бўлган.

Брахманлар жамиятда энг юқори мавқега эга бўлган, олий мартабали кишилар бўлиб, уларнинг машғулоти муқаддас китобларни ўрганиш, судда ва бошқарувда қатнашиш, қонунлар ва фармойишлар ишлаб чиқишида иштирок этиш кабиларни ташкил этган. Брахман нимани кўриб турган бўлса, ҳаммаси унга тегишли бўлган; у нимани хоҳласа (ҳар қалай қонун доирасида), ҳаммасини талаб қилиши мумкин бўлган. Брахманга нисбатан фақат баъзи янги жазоларгина қўлланиши мумкин бўлган. Ману қонунларида брахманлар биринчи ўринга қўйилган, кшатрийлар (ҳарбий зодагонлар) брахманларни ҳурмат қилиши лозим дейилган. Лекин амалда бу варналарнинг иккиси ҳам ҳукмронлик ва имтиёзларга тенг шерик бўлган.

Кшатрийлар - дунёвий аристократия бўлиб, улар орасидан подшолар, ҳарбий бошлиқлар, чиновниклар чиққан. Жамиятда ва давлатда ҳукмронлик амалда кшатрийлар қўлида бўлган.

Вайшийлар ва шудралар имтиёzsиз варналар ҳисобланган.

Бир варнадан бошқасига ўтиш тақиқланган. Варналарнинг бир-бирлари билан аралашишига йўл қўймайдиган қилиб бўлинниши абадий ўзгармас деб ҳисобланган; дин эса уни муқаддас деб эълон қилган. Бир варнадагиларни бошқа варнадагилар билан никоҳга кириши, яъни аралаш никоҳ чеклаб қўйилган. Бир хилдаги жиноятлар учун юқори варнадагиларга қўйи варнадагиларга қараганда енгилроқ жазолар белгиланган. Шудрани ўлдирган брахман тавба-тазару қилиш ва жарима тўлаш билан кутулиб кетган, у ҳайвонни ўлдиргани учун ҳам худдий шундай жазога тортилган.

Милоднинг I асрларида Ҳиндистонда феодал муносабатлар ташкил топа бошлайди. Бу даврда варналарнинг каста (табақа)ларга айланиш жараёни вужудга келган. Касталар ижтимоий гурӯҳларга - табақаларга айланган.

Қадимги ҳинд жамиятининг муҳим хусусиятларидан бири унда катта патриархал оиласалар бирлашмасидан иборат қишлоқ жамоасининг роли анча катта бўлганлигига эди. **Жамоаларга** аҳолининг катта қисми - эркин дехқонлар бирлашган эдилар. Жамоанинг энг кенг тарқалган шакли қишлоқ бўлган. Шу билан бирга қолоқ чекка ўлкаларда хали эски, примитив уруғчилик жамоалари сақланиб қолган эди.

Мулкий табақаланиш жараёни жамоага ҳам аллақачон чукур кириб келган эди. Ўз участкаларида ўzlари ишлайдиган оддий жамоачилар билан бир қаторда қулларни, ёлланган кишиларни эксплуатация қилувчи бой жамоачилар ҳам бўлган. Булар асосан жамоанинг юқори доиралари эди. Баъзи жамоачилар хонавайрон, ерлари ва меҳнат қуролларидан маҳрум этилганлар ва арендаторлар сифатида ишлашга мажбур бўлганлар. Қишлоқ ҳунармандларининг ҳам аҳволи турлича бўлган: уларнинг бир қисми ўз устахоналарига эга бўлиб, мустақил ишлаган, бошқалари маълум ҳақ эвазига ёлланиб ишлаган.

Жамоа ҳали ягона жамоа белгиларини ва эски умумжамоа анъаналарини сақлаб қолган эди. Маълум даражада ўз ички ишларида мустақил бўлган. Эркин кишилар мажлисларда қатнашиб, бошқарувнинг турли масалаларини ҳал қилишган. Лекин бунда қишлоқ бошлиқлари тобора катта аҳамият касб эта боргандар. Дастреб жамоа бошлиғи жамоачиларнинг мажлисида сайланган, сўнгра давлат ҳокимияти томонидан тасдиқланиб, шу тариқа давлат вакилига айланиб борган. Жамоалар узоқ вақт бир-биридан ажратиб қўйилган эди. Лекин аста-секин бу чегаралар ва маҳдудлик бузилиб борган.

Жамоаларнинг мавжудлиги қадимги Ҳиндистонда қулдорлик муносабатларининг танҳо хукмронлигини инкор қиласиган муҳим омил эди. Қадимги ҳинд қуличилигининг муҳим хусусияти шунда эдик, у ерда ҳўжайниннинг қулларга нисбатан ўзбошимчаликларини чеклашга қаратилган давлат қонунчилиги бўлган. Масалан, қул болаларни ота-оналарисиз сотиш тақиқланган; ҳўжайн қул меҳнатидан фойдалан-

ганида унинг кастандаги ҳолатини ҳисобга олишга мажбур бўлган ва ҳоказо.

Ҳинд кул антик давлатлардаги қуллардан фарқ қилиб, ўз оиласига эга бўлиши, мулкка эгалик қилиши, мерос қолдириши ёки олиши мумкин бўлган. Эркин киши қулга айланса ўзининг оилавий, уруғчилик ва кастага оид алоқаларини йўқотмаган. Шундай қилиб, қадимги ҳинд қулчилигининг ўзига хос хусусияти унинг ривожланмаганлигига эди. Қадимги ҳинд жамиятида қулдорлик муносабатлари билан бир қаторда ибтидоий-жамоа тузумининг муҳим қолдиқлари узоқ сақланиб қолган.

Қадимги Ҳинди斯顿да қулнинг бошқа қарам кишилардан, жумладан, шудралардан фарқ қиладиган асосий белгиси унда ўз шахсига ҳуқуқининг йўқлигига эди. У бошқаларнинг ҳукмронлиги остидаги инсон қиёфасидаги ашё бўлган. Қадимги Ҳинди斯顿да ҳам антик дунёда бўлгани сингари қулнинг ҳаёти тўлиқ хўжайнинг тегишли бўлган: уни сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш, мерос қилиб қолдириш, жазолаш ва, ҳатто, ўлдириш мумкин эди.

3. Давлат тузуми

Қадимги Ҳинди斯顿да илк давлат бирлашмалари милоддан аввалги I минг йилликда алоҳида қабилалар ва қабила-лар иттифоқи асосида содда қабилавий давлатчалар шаклида ташкил топган. Унча катта бўлмаган ушбу давлатчаларда қабилавий органлар давлат бошқарув органларига ўсиб чиқкан. Уларнинг баъзилари монархия шаклида идора этиладиган давлатлар бўлиб, буларда брахманлар ҳукмронлик ролини ўйнаганлар, бошқалари эса олигархияга асосланган кшатрийлар республикаси бўлиб, уларда сиёсий ҳукмронлик бевосита кшатрийларнинг ҳарбий кучи билан амалга оширилган.

Илк шаҳар-давлатларнинг ҳукмдорлари - рожалар бошқарувнинг энг оддий вазифаларини бажарганлар, ташқи хавфсизликни таъминлаганлар, суд ишларини ҳал қилганлар, ҳарбий бошлиқлар сифатида ер жамғармаларини тасарруф қилганлар: ибодатхоналарга, брахманларга, зодағонларга ажратиб берганлар, рента солиги йигғанлар.

Баъзи давлатларда рожалар сайланиб қўйилар эди. Лекин кейинчалик вақт ўтиши билан уларда ҳам рожа ҳоки-

миятининг мерос бўлиб ўтиши тамойили ўрнатилган. Монархларни сайлаш вақтида бутун ҳокимият оқсоқоллар кенгаши қўлида тўпланган. Ҳукмдорнинг ҳокимияти мустаҳкамланиб, маъмурӣ органлар шаклланиб борган сари оқсоқоллар кенгаши ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотиб борган ва монарх ҳузуридаги маслаҳатчи орган - паришадга айланниб борган.

Тахминан милоддан аввалги IX-VIII асрларда қадимги Ҳиндистонда қабилавий давлатлар асосида дастлабки бирмунча йирик давлатлар ташкил топган. Лекин улар ўзларидан кейин муҳим из қолдирмаганлар.

Қадимги Ҳиндистон давлатчилиги тарихида Магадҳо-Маурийлар даври муҳим босқич бўлиб, у монарх ҳокимиятининг кучайиши ва қабилавий бошқарув институтлари ролининг пасайиши билан характерланади.

Маурийлар салтанатининг гуллаб-яшнаган даври милоддан аввалги III асрга - Ашока ҳукмронлиги (293-268) йилларига тўғри келиб, бу даврда давлатни бошқариш, дин ва маданий соҳаларда кўпгина ислоҳотлар ўтказилган, Ҳиндистон нисбатан марказлашган шарқ монархияси шаклида идора этилувчи жуда кудратли давлатга айланган. Унинг чегаралари шимолда Кашмир ва Химолайдан жанубда Майсургача, фарбда ҳозирги Афғонистон вилоятларидан шарқда Бенгалия кўрфазига қадар чўзилиб кетган эди.

Қадимги Ҳиндистонда империянинг ташкил топишига урушлар натижасида қатор қабила ва халқларнинг бўйсундирилиши, Магадҳо ва бошқа князликлар ўртасида вассал муносабатларнинг ўрнатилиши, шу тариқа, Ҳиндистоннинг анча ривожланган шимолий-шарқий вилоятларини мамлакатнинг бошқа қисмларига диний-маданий таъсирининг ёйилиши оқибати сифатида қараш керак.

Давлатнинг таянчи **подшо** (князликлар доирасида рожа) ҳисобланган. Давлат бошлиғи - подшо брахманлар таълимотига кўра, инсон қиёфасидаги худодир, олов ва нур, күёш ва ой, жазо ва эзгулик манбаидир. У ижтимоий ҳокимиятга тўла эгалик қилган, аммо диний ҳокимият брахманларга тегишли бўлган. Бу қадимги Ҳиндистоннинг бошқа Шарқ давлатларидан фарқлайдиган белгиларидан биридири.

Тахт отадан ўғилга мерос тариқасида ўтган. Бу тамойилга қадимги Ҳиндистонда жуда қаттиқ амал қилинган. Подшо

хали ҳаётлигидәёқ ўз ўғилларидан бирини тахтга меросхўр қилиб тайинлаган.

Маурийлар даврида подшога “чақравартина” - ягона ҳукмдор деб қараш расмийлашган. Бу айни пайтда ҳукмдор ҳокимиятининг жуда катта ҳудудларга ёйилганлигини англатган.

Маурийлар салтанатининг подшоси давлат аппаратининг тепасида турган ва қонун чиқариш ҳокимиятига эга бўлган. Эдиктлар подшо номидан ва унинг амири бўйича чиқарилган. Подшонинг ўзи йирик давлат чиновникларини тайинлаган ва алмаштирган, молия ва суд маъмуриятига бошчилик қилган, энг олий судья бўлган. Подшо ҳарбий ҳокимиятнинг ҳам тепасида туриб, армиянинг бош қўмондони хисобланган.

Қадимги Хинди斯顿 давлатида жамоа ўзини-ўзи бошқариш органларининг муҳим роли сақланиб қолганлиги сабабли марказий маъмурий-ҳарбий аппарат бошқа Шарқ давлатларига қараганда анча кучсиз бўлган. Шу боис қадимги ҳинд подшоларининг ҳокимиятини соф деспотик характерда деб бўлмайди. Подшо жамоаларнинг алоҳидалигини, давлатдаги ҳукмрон наслий зодагонларнинг нуфузли мавқенини ҳисобга олишга мажбур эди. Дин ҳам подшонинг қонун чиқариш функциясини инкор қилган, унга кўра, гўёки ведаларда мустаҳкамланган ҳуқуқ меъёрларининг мустаҳкамлиги ва ўзгармаслиги ўрнатилган. Ведалар эса фақат донишманд брахманлар томонидан шарҳланиши лозим бўлган. Бу анъанага фақат Ашока даврида ҳукумат фармони ҳуқуқ манбаи қаторига киритила бошлангач, путур етказилган эди.

“Худога ёққан подшо” (деварожа) деб номланувчи ҳинд диний-сиёсий таълимотига биноан подшога махсус дхарма (мажбурият)ларни бажариши лозимлиги буюрилади. Ману қонунларида кўрсатилганидек, унинг асосий мажбуриятларидан бири - фуқароларни қўриқлашдир (VII боб, 2-3-моддалар). Подшо ҳалқни “ҳимоя қилиб” уни солик - бали тўлашга мажбуrlаши мумкин (VII боб, 80-модда). Умуман подшонинг соликлар ўрнатиш ва йифиш бўйича ваколатлари жуда катта бўлган.

Подшога шунингдек тажрибали брахманлар ёрдами билан одйлсудловни амалга ошириш ишониб топширилган эди (VIII боб, 1,10-моддалар). У барча ёш болаларнинг, ка-

салларнинг, беваларнинг ҳомийси ҳисобланган (VIII боб, 27-28-моддалар), табиий оғатларга, очарчиликка қарши курашга бошчилик қилиши лозим бўлган. Подшонинг энг муҳим вазифаси ижтимоий ишларни ташкил қилиш, салтанат ерларини ўзлаштириш ва ободонлаштириш (Артхашастранинг II боби 1-2-моддалари), суфориш иншоотларини қуриш бўлган.

Диний тасаввурларга биноан, қадимги Шарқнинг барча мамлакатларида сингари Ҳиндистонда ҳам подшо ҳокимияти илоҳийлаштирилган. Бироқ, қадимги ҳинд татлигига, жумладан, Маурийлар давлатига теократии монархия сифатида қараб бўлмайди. Ашока ўзини худо деб эмас, балки "илтифотли худо" деб атаган. Ману қонунларида (VII боб, 8-модда) подшо шахси эмас, балки унинг ҳокимияти илоҳийлаштирилган. Зеро, Ману қонунларида "калтафаҳм, очкӯз, саводсиз" (VII боб, 30-модда), "бузуқликларга берилган" (VII боб, 46-модда) подшолар ҳақида ҳам эслаб ўтилган. Подшо ведаларни биладиган брахманларни қадрлаши (VII боб, 37-модда), уларнинг маслаҳати бўйича иш тутиши лозим эди.

Подшо маслаҳатчилари - **олий чиновниклар (мантриналар, махаматралар)** давлатда алоҳида мавқега эга бўлганлар. Подшо маслаҳатчиларидан иборат таркибда маслаҳатчи коллегиал орган - **паришад** тузилган. Бу қабила-вий демократия органларининг ўзига хос қолдиги сифатида мавжуд бўлган давлат ташкилоти эди. Паришадга аъзолик аниқ ўрнатилмаган, унга чиновниклар билан бирга баъзан шаҳарларнинг вакиллари ҳам таклиф қилинарди. Бу орган маълум даражада мустақил эди, лекин фақат баъзи 2-даражали масалалар юзасидангина мустақил қарорлар қабул қила олган, холос.

Подшо чиновниклари кенгashi - паришад илгари ҳам мавжуд бўлган, лекин у айнан Маурийлар даврида сиёсий кенгаш функциясини эгаллаб олган. У бутун бошқарув тизимини текшириш ва подшо буйруқларини бажариш билан шуғулланган. Паришаддан ташқари **махфий кенгаш** ҳам мавжуд бўлиб, у бир неча алоҳида ишончли кишилардан иборат таркибда ташкил этилган. Алоҳида фавқулодда ҳолларда, кечиктириб бўлмайдиган ишларни ҳал этиш учун иккала кенгаш аъзолари биргаликда йиғилиши мумкин эди.

Паришад сиёсий орган сифатида зодагонлардан - ҳарбийлардан ва коҳинлардан иборат бўлиб, улар доимо ўз имтиёzlарини сақлаб қолишга ва ҳукмдорнинг мутлақ ҳокимиятини чеклашга ҳаракат қилганлар. Илк даврларда паришад ҳокимиятнинг таркибий жиҳатдан анча кенг ва характери бўйича анча демократик органи бўлган ҳамда рожага ва унинг сиёсатига сезиларли даражада таъсир ўтказиб турган. Аста-секин паришаднинг таркиби қисқариб, аристократлашиб борган ва подшо хузуридаги маслаҳатчи органга айланиб қолган. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, ҳатто подшо ҳокимияти айниқса кучайган Маурийлар даврида ҳам паришад ўзининг муҳим нуфузини сақлаб қолган ва Маурийларнинг ҳукмдорлари у билан ҳисоблашиб турганлар.

Давлат бирлигининг сақланиши мустаҳкам давлат бошқаруви ташкил этилишини талаб қилган. Маурийлар давлатни марказлаштириш даврида турли тоифадаги **чиновникларга** таяниб, бошқарувнинг ҳамма соҳаларини ўз қўлларида тутиб туришга ҳаракат қилганлар.

Подшо чиновникларининг маҳсус гуруҳи подшо ҳўжалигини бошқаришни ташкил этиш, подшо ҳазинасини тўлдириш чораларини кўриш сингари ишлар билан шуғулланган. Артхашастрада подшоликка қарашли яйловларни, гаванларни (кемалар турадиган жойлар), кемачиликни кузатувчилар ҳамда денгиз савдоси, кемачилигини сингари ишларни юритувчи чиновниклар эслаб ўтилади. Мамлакат иқтисодий ҳаётини тартибга солишга **адхъякша** деб номланувчи маҳсус чиновниклар жалб қилинган. Уларнинг орасида соликлар йигишни амалга оширувчи, давлат ҳазинасини юритувчи молия идораларининг чиновниклари муҳим ўрин тутган. Улар Ману қонунларига асосан "ҳалолликни, оқилликни ва қатъиятлиликни" эгаллаган бўлишлари лозим эди (VII боб, 60-модда). Шунингдек армия таъминотини кузатиб турувчи чиновникларнинг маҳсус гуруҳи ҳам ажralиб чиқкан. Юқоридаги барча чиновниклар шуғулланадиган фаолиятларининг турига қараб ё **Бош солик йигувчига, ё Бош ҳазиначига, ёки армиянинг Бош қўмондони (сенапати)** га бўйсунганлар. Бошқа олий чиновниклар орасида **бош судья, подшонинг ҳукукий маслаҳатчиси ва диний ишлар бўйича маслаҳатчиси, ўғилларининг тарбиячиси, олий сарой коҳини (пурохита)** алоҳида ўрин тутган.

Чиновниклар асосан тайинланиш тамойили асосида ва мерос бўйича мансабларни эгаллаганлар. Маурыйлар чиновниклар фаолиятини текшириш, кузатиб туриш ва назорат қилиш механизмини ишлаб чиқсан эдилар. Подшонинг **максус айғоқчилари, махфий агентлари** мавжуд бўлиб, подшо уларни "кундузи ҳам, кечаси ҳам" қабул қиласерган (Артхашастра, I боб, 19-модда).

Мамлакатда подшога нисбатан фитна-сүиқасдлар тез-тез уюштириб турганлиги учун унинг шахсини қўриқлашга алоҳида эътибор берилган. Гарчи, рожа ўзига ишончли ёрдамчиларни, қўриқчиларни тайинлаб қўйган бўлса-да, уларнинг устидан ҳам махфий кузатув ўрнатилган эди. Умуман назорат хизматига катта эътибор берилган. Назорат остига нафақат мансабдор шахслар, балки шаҳарлар ва қишлоқларнинг ахолиси ҳам олинган эди.

Маҳаллий Маурыйлар империясининг маъмурий бўлиб-бошқарув. ниши ва у билан боғлиқ маҳаллий бошқарув тизими жуда мураккаб ташкил этилганлиги билан ажralиб турган.

Империянинг фақат бир қисмигина бевосита подшо ва унинг саройи бошқаруви остида бўлган. Давлат ҳудуди Маурыйлар даврида провинцияларга бўлинган. Тўртта асосий **провинцияларнинг** тепасида **шахзодалар** турган. Провинциялар алоҳида (максус) мақомга, жумладан, маълум автономияга эга бўлган. Асосий провинцияларнинг шахзодалари маҳаллий чиновникларнинг хатти-ҳаракатларини текшириш учун ўзларига тегишли ҳудудларга **максус инспекторлар** жўнатиб турганлар. Провинциялар ҳукмдорларининг вазифасига унинг ҳудудини ҳимоя қилиш, тартибни сақлаш, соликлар йиғиш, қурилиш ишларини таъминлаш сингарилар кирган.

Мамлакат ҳудуди асосий провинцияларга бўлиниши билан бир қаторда оддий провинциялар (жанападлар)га, вилоятлар (прадешлар)га, округ (ахалалар)га ҳам бўлинган.

Жанападлар тепасида йирик давлат чиновниклари - **ражуклар** турган.

Провинцияларга нисбатан кичикроқ маъмурий бирлик **округ** бўлиб, унга "барча ишлар ҳақида ўйловчи" **округ бошлиғи** раҳбарлик қилган. Округ бошлигининг зиммасига қишлоқ маъмурияти устидан назорат қилиш мажбурияти

юкланган. У "шахардан" даромад олган (Ману қонунлари, VII боб, 119-модда).

Округнинг асосий шаҳарларида **девонхоналар** бўлиб, у ердан бутун округга фармойишлар жўнатилган.

Артхашастра (II боб, 1-модда) қишлоқ вилоятларининг тўртта: 800, 400, 200 ва 10 та қишлоқлардан иборат тузилган турини ажратиб кўрсатади.

Чегараларни қўриқлаш бўйича маҳаллий чиновниклар юқори мавқени эгаллаганлар.

Маурийлар қаттиқ марказлаштириш сиёсатини олиб борганлар, лекин шу билан бирга кўпгина эски институтлар ва анъаналардан воз кечмаганлар, балки улар билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. Давлатда эскича сиёсий ташкилотга эга бўлган автоном, мустақил полислар сақланиб қолган.

Маурийлар даврида марказий ҳокимият гарчи шаҳар кенгашларининг мустақиллигини тугатишга ҳаракат қилган бўлса-да, шаҳарларда ўзини-ўзи бошқаришнинг баъзи белгилари сақланиб қолган эди.

Давлатда энг қуи поғонада турувчи маъмурий бирлик - қишлоқлар - **жамоалар (ганалар)** уларнинг оқсоқоллари томонидан бошқарилган. **Оқсоқолларнинг** мажбуриятлари га солиқлар йиғиши, жамоада тартибни сақлаб туриш ва бошқалар кирган. Жамоанинг ички ҳаётига тегишли анча муҳим масалалар - сугориш, жамоа маросимларини ўтказиш, жамоани қароқчилардан қўриқлаш ва ҳоказолар **жамоа йигинларида** ҳал этилган. Ерни сотиш, ер участкалари чегараларини белгилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш оқсоқолларнинг жамоа кенгаши вазифасига кирган.

Суд. Қадимги Хиндистонда икки тизимли: **подшолик ва ички жамоа судлари** мавжуд бўлган.

"Брахманлар ва тажрибали маслаҳатчилар билан биргалиқда" подшонинг шахсан ўзи қатнашган суд ёки унинг томонидан ваколат берилган **маҳсус суд ҳайъати (сабха) олий суд инстанцияси** ҳисобланган. Суд ҳайъати подшо томонидан тайинланган брахман ва унинг "атрофини ўраб турган учта судядан" иборат таркибда тузилган. (Ману қонунлари VIII боб, 10-модда). Судда ҳуқуқ меъёрларини, драхмаларни брахман ёки ҳеч иложи топилмай қолганда кшатрий ёки вайший шарҳлаши мумкин бўлган (Ману қо-

нунлари VIII боб, 21-модда). Подшо олий судья сифатида ҳар йили амнистия эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Артхашастрода (III боб, 1-модда) назарда тутилганидек, барча маъмурий бирликларда учта судьядан иборат **суд ҳайъатлари** тузилиши лозим эди. Бундан ташқари **максус судъялар** жиноят ишларини ҳал қилганлар, “ўғрилар устидан назорат”ни амалга оширганлар. Жиноятчиликка қарши курашда айниқса шаҳар ҳокимият органлари зиммасига катта масъулият юкланган. Улар ўз агентлари ёрдамида тинтувлар ўтказганлар, номаълум кишиларни ушлаганлар, устахоналарда, қовоқхоналарда, қиморхоналарда куршов-текширувлар ташкил этганлар.

Кўпгина ишлар **кастали судларда** кўриб ҳал қилинган. Норасмий кастали судлар Ҳиндистонда ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолган.

Армия. Қадимги Ҳиндистон давлатларида армия жуда катта роль ўйнаган. Давлатнинг гуллаб-яшнашининг мухим манбай урушлар ва бошқа ҳалқларни талаш хисобланган. Подшо - “нимага эга бўлмаса ўшанг” эриша оладиган жасур жангчи сифатида кўрилган. (Ману қонунлари, VII боб, 101-модда). Урушлардан келган ўлжанинг катта ва асосий қисми, хусусан, ер, қурол-яроғ, олтин, кумуш подшога ўтган, қолган нарсалар жангчилар ўртасида тақсимланган (VII боб, 97-модда).

Армия касбий жангчилардан, ёлланганлардан, шунингдек, алоҳида бирлашмалар, жумладан, савдо гильдиялари, қарам иттифоқчилар, вассаллар томонидан тақдим этиладиган жангчилардан иборат таркибда тўлдирилган. Тинчлик вақтларида асосан кшатрийлар қурол кўтариб юрганлар, бошқа “икки марта туғилганлар” фақат “фалокат вақти яқинлашган”дагина қуролланишлари мумкин бўлган (VIII боб, 348-модда).

Армия жамоат тартибини қўриқлаш функциясини ҳам бажарган. У давлатнинг бутунлигини ҳимоя қилишга доимо хушёр туриши лозим бўлган. Шунинг учун ҳарбий отрядлар “икки, уч, беш, шунингдек, ўнлаб қишлоқларга” жойлаштирилган эди (VII боб, 114-модда).

4. Ҳукуқнинг асосий белгилари

Хукуқ манбалари. Қадимги Ҳиндистон давлати ва ҳукуки ри-вожланишининг ўзига хос ҳусусиятлари

аввало ҳукуқ манбаларида ўз аксини топган. Бизгача қадимги Ҳиндистон ҳукуқига оид кўпгина манбалар етиб келган. Улар дин ва диний ахлоқ билан жуда чамбарчас боғлиқ эди. Шуниси характерлики, бу вақтда хали ҳозир биз тушунадиган маънодаги ҳукуқни ифода этувчи маҳсус сўз бўлмаган. Қадимги ҳинд ҳукуқи ҳақидаги илк маълумотлар аввало Ведалар (диний китоблар)да ва дхармашастраларда, яъни диний-ҳукукий, ахлоқий йўл-йўриқлар, қоидалар (дхармалар) тўпламларида келтирилган. Булардан ташқари ҳукуқ манбалари ичida артхашастралар - сиёsat ва ҳукуқ ҳақидаги трактлар ҳам алоҳида ўрин тулади.

Артхашастра ўзига хос ёзма ёдгорлик бўлиб, уни А.Македонский замондоши машхур мансабдор Каутилье тўплаган дейдилар. Давлатни идора қилиш тўғрисидаги бу ажойиб асарда мамлакатнинг марказлаштирилган ва бирор-кратлаштирилган даврининг шароитини акс эттирадиган бир қанча муҳим маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар, фармойишлар мавжуд.

Дхармашастралар дастлаб брахманлар томонидан шогирдлар учун кўлланма сифатида тузилган. Кейинчалик муҳим ҳукуқ манбаига айланган ва ҳатто артхашастралардан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолган.

Энг қадимги дхармашастралар - **Гаутама, Баудхаяна, Аластамба, Васиштха** кабилар **дхармасутралар (сутратизма)** деган ном билан юритилиб, тахминан милоддан аввалги I минг йилликнинг иккинчи ярмида ва янги эра оралигида пайдо бўлган. Ана шу дхармашастралар асосида милоддан аввалги II аср ва милоднинг II асрида вужудга келган **Ману қонунлари**¹ қадимги ҳинд қонунчилиги тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу қонунлар брахманизм мак-

¹ Бу қонунларнинг пайдо бўлиши вақти хали тўлиқ аниқланмаган. Кўпгина олимлар уларни милоддан аввалги II аср ва милоднинг II асри оралигида пайдо бўлганligини курсатадилар. Қаранг: История государства и права зарубежных стран. Ч.1. (под ред. Крашениковой Н.А. и проф. Жидкова О.А.) М., 1998, 72-бет; Всеобщая история государства и права: Учебник (под ред. проф. К.И.Батыра) М., 1998, 42-бет. Бизнингча шу фикр ҳақиқатта яқин.

табларидан бири томонидан тузилган бўлиб, унга диний куч бериш мақсадида афсонавий. подшо Ману номи билан аталган. Бу кодекс ўз тузилишига кўра 12 та боб, 2685 та моддадан иборат. Ундаги меъёрлар, қоидалар икки мисрали шеърий йўл билан баён қилинганд. У ўз мазмунига кўра диний, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар йигиндисидан иборат. Унинг IV, VII, VIII ва X бобларида кўпроқ ҳуқуқий меъёрлар белгиланган. Бироқ бу ерда ҳам ҳуқуқий меъёрлар диний ва ахлоқий меъёрлар билан қўшилиб кетган. Ману қонунларида энг аввало Ҳиндистондаги мавжуд варна тузуми мустаҳкамланган. Унда варналарнинг диний таълимот асосида келиб чиққанлиги батафсил баён қилинган, варналарнинг мерос тариқасида авлоддан-авлодга ўтиб бориши кўрсатилган, ҳар бир варнанинг вазифаси белгиланган, юқори варналарнинг имтиёzlари мустаҳкамланган.

Ҳуқуқ манбалари ичидаги ёзма ёдгорликлар жуда катта аҳамиятга эга бўлса-да, қадимги Ҳиндистонда **одат ҳуқуқи** ҳам муҳим ўрин тутганлигини айтиб ўтиш керак. Ҳатто дхармашастраларда урф-одатларга кўплаб ҳаволалар учраб туради.

Бундан ташқари қадимги ҳинд ҳуқуқи ривожланишининг турли босқичларида **подшоларнинг эдиктлари** - амр-буйруқлари ҳуқуқнинг муҳим манбани ташкил этган. Гарчи дхармашастраларда подшоларнинг эдиктларига унчалик қонун кучи берилмаган бўлса-да, артхашастраларда эдиктларга барча судлар учун мажбурий бўлган қонун кучи берилган.

Мулк Ману қонунларида мулк ва унга эгалик қилиш **ҳуқуқи**. ўртасидаги фарқ ажратиб кўрсатилган, хусусий мулкни кўриқлашга катта эътибор берилган. Қонунларда мулк ҳуқуқи қўйидаги ҳолларда: мерос олиш, ҳадя ёки топиб олиш, сотиб олиш, эгаллаб олиш, судхўрлик, бирор ишни бажариш йўли билан, шунингдек ҳайр-эҳсон тариқасида олиш билан келиб чиқиши мумкинлиги кўрсатилган. (Х боб, 115-модда). Қадимги Ҳиндистонда ўн йил муддат бегона мулкка эгалик қилиб туришлик ҳам мулк ҳуқуқини келтириб чиқарган. Ашёни фақат унинг эгасидан сотиб олиш мумкин бўлган, яъни бирорвнинг ашёсини учинчи шахсдан сотиб олиш қонуний ҳисобланмаган. Бошқа ҳолларда гўёки ҳалол-йўл билан мулк ҳуқуқини олганликни исботлаш тақиқланган. Агар мулкни ҳалол йўл билан эгаллаб

турган шахсда ўғирланган ашё топиб олинса, у илгариги эгасига қайтарилган.

Қонунларда мулкчиликнинг асосий тури - ерга алоҳида эътибор берилган. Ерлар эгалик шакллариға қараб қуидаги турларга бўлинган: подшога қарашли, жамоаларга қарашли ва хусусий эгалиқдаги ерлар. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, подшо давлатдаги барча ерларнинг ягона эгаси ҳисобланмаган. У ер эгаларидан солиқларни ер эгаси сифатида эмас, балки мамлакат аҳолисини кўриқловчи сифатида олган. Ману қонунларида айтилганидек, агар подшо фуқароларни ҳимоя қилмай солиқлар ундиrsa, сўзсиз дўзахга кетади; бундай подшо "хосилнинг олти қисмини ўғирловчи" ҳисобланган.

Бегона мулкни қонунсиз эгаллаб олганларга нисбатан катта жарима солинган, бирорнинг ерини эгаллаб олган эса ўғри деб ёълон қилинган.

Мулк эгасининг ишларига аралашиб тақиқланган. Ману қонунларида айтилганидек, агар бирор шахс бошқа бир кишига тегишли ер майдонига уруф экса, ҳосилини олиш ҳукуқига эга эмас. Фақат ер эгасининг якка ўзи ўз ерининг тақдирини мустақил ҳал қилган: уни сотиши, ҳадя қилиши, қарзга бериши, ижарага бериши мумкин бўлган. Ману қонунлари ҳаракатдаги мулклар (чорва, меҳнат қуроллари ва бошқалар)ни ҳам ҳимоя қилади.

Ману қонунларида жамоалар ўртасидаги чегаралар, жамоа қудуклари, каналлари ҳақидаги суд низоларини кўриш тўғрисида эслатиб ўтилган. Бундай низоларни кўришда аввало қариндошларнинг ва қўшниларнинг фикрлари инобатга олинган. Айнан улар ерга имтиёзли эгалик қилиш ҳукуқига эга бўлганлар. Шундай қилиб, жамоа ижтимоий муносабатларда муҳим роль ўйнаб, хусусий ер эгалигини чеклашга ҳаракат қилган.

Мулкка эгалик қилишда аёллар, болалар ҳамда қулларнинг эгалик қилиш ҳукуқи чеклаб қўйилган (VIII боб, 416-модда).

Мажбуриятлар. Фуқаролик ҳукуқининг мажбуриятларга оид муносабатлари Ману қонунларида анча батафсил ишлаб чиқилган. Қонунларда асосан шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳақида гапирилади. Шартномаларнинг қарз, олди-сотди, сақлаб туриш, ижара ва бошқа турлари мавжуд бўлган. Ману қонунлари,

айниңса, **қарз шартномасига** катта эътибор берган. Қонун қарз мажбуриятларининг бузилмаслигини ва мерос бўлиб ўтишлигини мустаҳкам ўрнатади. Агар қарздор қарзини муддатида тўлай олмаса, ишлаб бериши лозим бўлган. Бунда қуий кастага мансуб қарз берувчи юқори кастага мансуб қарздорни ишлаб беришга мажбур қилиши мумкин эмас. Қарз берувчига нисбатан юқори кастада турганилар қарзини аста-секин тўлаган. Қарзни куч ишлатиб, айёрлик ва мажбуrlаш йўли билан ундиришга рухсат этилган. Қарз фоизлар билан тўлангандан сўнг қарздор озод бўлиб қолган. Қарз учун ссуда фоизи брахмандан 2 %, кшатрийдан 3 %, вайшийдан 4 %, шудрадан 5 % миқдорида ундириб олиш белгиланган. Агар қарздор ўлиб қолса, қарз унинг ўғилларига ёки бошқа қариндошларига ўтиши мумкин бўлган. Қонунларда қарзни ундиришнинг воситалари: бошка шахсларнинг кафилликка ўтиши, шунингдек гаров ҳам кўрсатилган. Агар қарздор қарзини тўлашга қодир бўлмаса, қарз кафил турган кишига ўтган. Агар қарз тўланса, гаровга кўйилган нарса эгасига қайтариленган. Қарзни тўлай олмаслик қарздорни кулга айлантирилишига олиб келган. Қарз берувчи қарзни ундириб олиш учун қарздорнинг хотинини, ўғлини, ҳайвонларини ушлаб туриши, шунингдек, эшиги тагида доимо кутиб ўтириши мумкин бўлган. Бундан ташқари, Ману қонунларига биноан қарз берувчи қарздорни тутиб олиб, ўз уйига олиб келиб қарзни тўлагунча очликка ташлаб қўйиши ва ҳатто уриши - дўппослаши ҳам мумкин бўлган.

Қадимги Ҳиндистонда товар-пул муносабатларининг нисбатан кучсиз ривожланиши **олди-сотди шартномаларининг** баъзи ўзгарувчалигига ўз аксини топган. Қадимги дхармашastrаларга биноан олди-сотди шартномаларини хоҳлаган вақтда бекор қилиш мумкин бўлган. Ману қонунлари бўйича эса олди-сотди шартномасини бекор қилиш учун ўн кун муддат белгилаб кўйилган эди. Артхашастрада эса ҳайвонларни сотиш ҳақидаги битимларни бир ярим ой ичida, одамларни сотиш ҳақидаги битимларни бир йил ичida бекор қилиш мумкинлиги белгиланган (Арт., III, 15 (17,18).

Олди-сотди шартномасининг ҳақиқий ҳисобланиши учун гувоҳларнинг иштироки ва сотувчи ашёнинг ҳақиқий эгаси бўлишилиги талаб қилинган. Қонун бўйича шартнома пред-

мети маълум талабларга жавоб бериши, хусусан, яхши сифатли бўлиши, оғирлиги бўйича кам бўлмаслиги лозим эди.

Хиндистонда олди-сотди шартномасининг энг муҳим хусусияти шунда эдикӣ, бу ерда одамларни олиш-сотиш чеклаб қўйилганди. Агар бундай ишлар билан юқори кастага мансуб кишилар шуғулланса, улар кастадан чиқарилган.

Маурыйлар даврида эркин **ёлланма ишчилар (кармакарлар)** меҳнатидан кенг фойдаланилган. Шу боис Ману қонунларида бундай турдаги шартномаларга алоҳида эътибор берилган. Ёлланма ишчилар кўпроқ шудралардан иборат бўлган. Лекин уларнинг орасида хонавайрон бўлган жамоачилар ва вайшийлар варнасига мансуб ҳунармандлар ҳам бор эди. Деҳқончилик билан машғул бўлган кармакарлар ҳосилнинг 1/10 қисмини, чорвачилик билан шуғулданадиган кармакарлар эса ўзлари боқаётган сигирлар сутидан олинадиган ёғнинг 1/10 қисмини олганлар. Шартнома тузиш шартлари иш берувчи томонидан ўрнатилган. Шартнома шартларини бажармаслик жарима солинишига олиб келган. Айбдорларга маош тўланмаган. Агар касал бўлганилиги оқибатида шартнома шартлари бажарилмай қолса ва тузалгандан сўнг кўрсатилган ишларни бажарса, у ҳолда анча вақт ўтиб кетган бўлса ҳам иш ҳақи тўланаверган.

Ману қонунларида **ҳадя шартномаси** ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Қонунларда шартномаларнинг алоҳида турлари тартибга солиниши билан бир қаторда уларнинг барчаси учун умумий бўлган тамоилилар ҳам ўрнатилган. Шартномаларнинг ҳақиқий бўлишлиги учун қатор талабларга жавоб бериши керак эди. Шартнома ёзма шаклда тузилган. Унда шартноманинг тузилган вақти ва жойи, томонларнинг турар-жойи, қайси уруфга, кастага мансублиги аниқ кўрсатилган бўлиши лозим эди.

Битимлар агар яширинча, гувоҳларсиз, алдаш ёки куч ишлатиш йўли билан, маст ёки ақли норасо киши билан, жаҳолат, кулфат ҳолатидаги киши билан, шунингдек, кекса, жуда ёш, бадбашара одам билан тузилган бўлса, ҳақиқий эмас деб ҳисобланган (Ману қонунлари, VIII боб, 163-165-моддалар; Артхашастра, III боб, 1-модда). Аёлларнинг, оиласининг моддий қарам аъзоларининг ҳукуқий лаёқати чеклаб қўйилган.

Ману қонунлари зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳам алоҳида ўрин ажратган. "Ким қандайdir мулкка атайлаб ёки билмасдан туриб зарар етказса, ундан келтирилган зарар ундирилади ва подшо фойдасига етказилган зарарга тенг миқдорда жарима тўлаттирилади" (Ману қонунлари, VIII боб, 288-модда). Бирорнинг мулкига зарар етказиш деганда чорва билан бирорнинг экинини пайхон қилиш, чўпон томонидан хўжайнинг чорвасини йўқотиб қўйиш ва ҳоказолар назарда тутилган.

Никоҳ-оила Қадимги Хиндистон учун катта патриармуносабатлари. хал оила характерлидир. Оиласда эр тўла ҳукмрон бўлган. Хотин ўз эри ва болалирининг қарамоғида бўлган. Никоҳ мулкий битим ҳисобланиб, унинг натижасида эр ўзига хотин сотиб олган ва хотин эрнинг мулкига айланган. Никоҳ ёшида ҳам жуда катта фарқ ўрнатилган. Эркаклар 24 ёшдан, аёллар 8 ёшдан бошлаб никоҳга кириши мумкинлиги белгиланган.

Ману қонунларига биноан аёллар болалигида отасининг, ёшлигига - эрининг, эри ўлгандан сўнг - ўғилларининг ҳукмидаги бўлган, шунга кўра "аёллар ҳеч қачон мустақил бўлишга лаёқатли эмаслар", аёллар - бола тувиш ва оила ҳақида фамхўрлик қилиш учун яралган, деб ҳисобланган (Ману қонунлари, IX боб, 27-модда). Ману қонунлари аёллардан ўз эрини ҳатто улар яхши фазилатлардан маҳрум бўлсалар ҳам, худо деб ҳисоблашларини қаттиқ талаб қилган.

Гарчи Ману қонунлари эр ва хотинни ўлгунларича ўзаро садоқатли бўлишларини эълон қилса-да, эр бир нечта хотинга эга бўлиши, хотини билан хоҳлаган вақтда ажралиши мумкин эди. Хотин эса ҳатто эри уни сотса ёки ташлаб кетса ҳам оиласи тарқ эта олмаган. У барибир эрининг хотини бўлиб қолаверган. Хотин ҳиёнат қилса, оғир жазога - ўлимга маҳкум этилган. Анъаналарга биноан, хотин эри қайси варнага мансуб бўлса, ўша варнага тегишли ҳисобланган. Эркакларга баъзи ҳоллардагина қуий варнага мансуб аёллар билан никоҳга киришларига рухсат этилган. Лекин юқори варнадаги аёлларнинг қуий варнадаги эркаклар билан никоҳга кириши тақиқланган. Айниқса шудраларнинг брахман аёлга уйланиши катта гуноҳ ҳисобланган. Улардан туғилган бола чандалга айланган. Аёл киши доимо эркак кишининг ҳоммийлигига бўлиши назарда тутилган. Никоҳни бекор қилиш хотин кишининг ташабbusи билан мумкин

эмас эди. Эр қуидаги ҳолларда: агар хотини уни ёмон күрса, бола туғмайдиган хотинини саккиз йилдан кейин, үлік бола туғадиган хотинни ўн йилдан сўнг, фақат қыз бола туғадиган хотинни ўн бир йилдан сўнг никохини бекор қилиши мумкин.

Оилада ота болалар устидан ҳам кучли ҳукмронликка эга бўлган.

Мерос. Оилада барча мол-мулклар унинг умумий бойлиги ҳисобланган, лекин оила бошлиғи томонидан идора этилган. Мерос барча ўғиллар ўртасида тенг тақсимланган ёки катта ўғил кўлида қолиб, у оила бошлиғига айланган ва бошқа оила аъзоларига ҳомийлик қилган. Қизлар меросдан четлаштирилганлар, лекин ақа-укалар ўз улушларидан 1/4 қисмини уларга сеп-сицирға сифатида ажратишлари лозим эди. Васият бўйича мерос ҳақида қадимги ҳинд ҳукуқ ёдгорликлари ҳеч қандай меъёrlар белгиламаган.

Жиноят Жиноят ҳукуқида қасдан ва эҳтиётсизликдан **ва жазо.** қилинган, биринчи марта содир этилган ва рецидив, оғир ва енгил жиноятлар бир-биридан ажратилган. Шунингдек, жазолар тайинлашда айбордлик даражаси, иштирокчилик, жабрланувчи ва айбланувчнинг қайси варнага мансублиги кабилар ҳисобга олинган. Зарурий мудофаа учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Лекин шулар билан бир қаторда жиноят ҳукуқида ҳали ибтидоий жамоа тузуми қолдиклари, жумладан, ордалия, жамоавий жавобгарлик тамойиллари сақланиб қолган. Ҳукукнинг дин ва ахлоқ билан чамбарчас боғлиқлиги натижасида жиноятлар билан гуноҳлар ўртасида аниқ фарқ бўлмаган.

Ҳукуқий ёдгорликларда жиноятларнинг давлатга қарши қаратилган, шахсга қарши қаратилган, мулкка ҳамда оиласа қарши қаратилган турларига бағишлиланган кўпгина меъёrlар мавжуд.

Ману қонунларида биринчи навбатда **давлатга қарши қаратилган жиноятларга** алоҳида эътибор берилган. Давлат ва ижтимоий тузумга қарши ҳар қандай суйқасд учун ўлим жазоси белгиланган. Подшо душманларига хизмат қилиш, шаҳар деворларини, дарвозаларини синдириш кабиларга давлатга қарши жиноятлар сифатида қаралган. Лекин бундай турдаги жиноятларнинг тўлиқ рўйхати берилмаган (бу қадимги Шарқ ҳукуқига хос характерли белгилардан би-

ридир). Шундай бўлса-да қадимги ҳинд хукуқий ёдгорликлари бундай жиноятларнинг баъзиларини ажратиб кўрсатади. Масалан, Нарадада "душманлик" мақсадларида қонунга хилоф равишида курол тақиб юришлик учун оғир жазо белгиланган. Артхашастрада (III боб, 18-модда) ўз мамлакатини ёки қишлоғини қаттиқ овоз чиқариб сўкканлик учун энг юкори жарима белгиланган. Қишлоқ бошлигининг буйруғига бўйсунмаслик учун ҳам жарима назарда тутилган (Артхашастра, III боб, 16-модда). Бундан кўринадики, подшонинг буйруғини бажармаганларни қанчалик оғир жазо кутишини тасаввур этиш қийин эмас, албатта.

Шахсга ва оиласга қарши қаратилган жиноятлар қонунларда анча батафсил баён қилинган.

Ману қонунлари шахсга нисбатан ҳар қандай зўрликни қаттиқ қоралайди. Шахсга қарши қаратилган жиноятларга аввало одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш жиноятлари кирган. Қасддан одам ўлдириш учун ўлим жазоси назарда тутилган. Ўзини ҳимоя қилиш, қурбонликка аталган тухфаларни қўриқлаш, аёлларни ва брахманларни ҳимоя қилиш чоғида одам ўлдириш учун жазо белгиланмаган (Ману қонунлари, VIII боб, 349-модда). Булар зарурий мудофаа сифатида кўрилган. "Котилларни ўлдириш - очиқ ёки яширинча бўлсин - ҳеч қачон гуноҳ ҳисобланмайди" - деб эълон қилинган (Ману қонунлари, VIII боб, 351-модда). Брахманни ўлдириш энг оғир жиноят ҳисобланган. Бироқ брахман одам ўлдирса, ўлим жазосига маҳкум этилмаган, бундай ҳолда у мамлакатдан ҳайдаб юборилган. (Ману қонунлари, VIII боб, 230-модда).

Қадимги ҳинд хукуқий ёдгорликларида тан жароҳати етказиш ҳаракат билан ҳақорат қилиш сифатида кўрилган. Масалан, Артхашастрада қўл тегизиш, мушт кўтариш, уриш кабиларга ҳаракат билан ҳақорат қилиш деб кўрсатилган (III боб, 19-модда). Ҳаракат билан ҳақорат қилиш жинояти учун жарима белгилашда уриш натижасида қон тўкилганлиги ёки қон тўкилмаганлиги ёки "деярли ўлгунча" урганими, қўл ёки оёқ синдирилганми, тиш синдирилганми, қулоқлар, бурун узиб олинганми, гапириш, ҳаракат қилиш, овқат ёйиш қобилияти йўқолганми ёки йўқми шуларга қаралган. Охирги ҳолатда жарима солиш билан бирга даъволаниш учун кетадиган ҳаражатлар ҳам ундирилган (Артхашастра, III боб, 19-модда). Бир гуруҳ шахслар томонидан бирор шахс дўп-

послаганда ҳар бир жиноятчидан икки баравар миқдорда жарима ундирилган.

Артхашастра "сўкиш, шарманда қилиш ва тажовуз қилиш" кабиларни сўз билан ҳақорат қилиш деб ҳисоблаган (III боб, 18-модда). Бунда ҳақоратомуз сўзниңг тўғридан-тўғри ва яширинча айтилганлиги, шунингдек ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги, жумладан, акли норасолар, моховлар томонидан айтилганлиги кабилар ҳисобга олинган. Бу мақсадда уларнинг даволовчилари, яқин кишилари кўрсатмалар беришга жалб қилинган.

Қонунларда кишиларнинг нафақат ҳаёти, соғлиғи, балки қадр-қиммати ҳам табақа - варнага мансублигига қараб ҳимоя қилинган. Агар сўз ёки ҳаракат билан ҳақорат қилиш мавқеи бўйича тенг ёки паст варнадагиларга нисбатан содир этилса, одатда, жарима жазоси белгиланган (Ману қонунлари, VIII боб, 276, 268 ва бошқа моддалар). Агар шундай жиноят шудралар томонидан юкори варнадагиларга нисбатан қилинса, унга тан жазолари: тилини, лабини, қўлини, оёғини кесиш, кастрация қўлланган (Ману қонунлари, VIII боб, 270-280-моддалар). Архашастрада "Брахманни урган шудранинг танасидан ўша урган қисми кесиб ташла-нади" - деб эълон қилинган (III боб, 19-модда).

Ману қонунларида оиласвий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган анчагина моддалар мавжуд. Қонунлар эр хотиннинг хиёнати учун, аёлларнинг номусига тажовуз учун қаттиқ жазолар ўрнатган. Эр хотиннинг ҳар қандай кўринишдаги хиёнати: бироннинг хотини билан яширинча сұхбатлашиш, хизматини қилиш, у билан ўйнашиш, унинг кийимиға тегиш ва бошқалар учун Артхашастраларда кўрсатилганидек ўлим жазоси назарда тутилган. Шуниси характерлики, эрининг розилиги билан хотиннинг фохишабозлик қилиши жазоланмаган (Ману қонунлари, VIII боб, 362-модда Нарада, I боб, 183-модда). Қонунларда хиёнат қилиш билан зўрлик ишлатиб номусга тегиш ўртасидаги фарқ ажратиб кўрсатилмаган. Бундай жиноят учун агар жиноятчи жабралнувчи билан тенг ижтимоий мавқега эга бўлмаса, унинг қўли кесилган, агар тенг мавқега эга бўлса катта жарима тўлаш билан қутулиб кетиши мумкин бўлган. Хиёнаткор аёл сурбетлиги оқибатида қариндошларининг обрў-эътиборига пултур етказса" қутурган итларнинг олдига ташланган (Ману қонунлари, VIII боб, 371-модда). У билан бирга хиёнат қил-

ган эркак эса қиздирилган темир ўзанда күйдирилган. Эркин аёл билан жинояткорона бирга яшаёган эркак ҳам жазоланган. Бунда аёлнинг ижтимоий аҳволи ва у ҳимоя остидами ёки йўқми шулар ҳисобга олинган. Агар шудра юқори варнадаги аёл билан бирга яшаса унга кастрация жазоси кўлланган.

Ману қонунларида **мулкий жиноятларга** катта ўрин ажратилган. Қонунларда подшолар ўғриларни жиловлашга чакириб, ўғриликка айниқса алоҳида эътибор берилади. Шуни таъкидлаш жоизки, Қонунларда ўғриликни мулкни яширинча ўғирлаш сифатида кўрилиб, жабрланувчи иштирокидаги ва зўрлик йўли билан содир этиладиган талончилик (босқинчилик)дан аниқ ажратиб кўрсатилган. Ўғрига нисбатан кўлланиладиган жазолар, у жиноят жойида кўлга тушганми ёки йўқми, ўғрилик кундузи содир этилганми ёки кечасими, ана шуларга боғлиқ бўлган. Ўғрилик жойида ва ўғрилик қуроллари билан тутиб олинганлар қонунга кўра, дарҳол ўлимга маҳкум этилган. Кечаси ўғрилик қилган ўғриларнинг иккала қўли кесилиб, қозиқقا ўтқазилган. Биринчи марта ўғрилик учун ўғрининг - иккита бармоғи, иккинчи мартасида - қўли ва оёғи кесилган, учинчи мартасида ўлимга маҳкум этилган. Ўғриликни кўриб туриб, бу ҳақда хабар бермаган шахс ҳам жавобгарликка тортилган. Ўғрини яширган шахс ўғри билан тенг жазоланган.

Анча қимматбаҳо мулклар: йирик чорва, одамлар, уйлар, олтин кабиларни талон-тарож қилганлик учун Артхашастрада (III боб, 17-модда) катта жарима белгиланган. Ману қонунлари бўйича, "аслзода кишиларни, айниқса аёлларни ўғирлаганлар, худди энг қимматбаҳо тошларни ўғирлаганлар сифатида" ўлимга маҳкум этилганлар, бироннинг сигирини зўрлик йўли билан тортиб олганларнинг оёгининг ярми кесиб ташланган (Ману қонунлари, VIII боб, 323-324-моддалар).

Қонунларга биноан жазоларнинг хилма-хил турлари қўлланилган. Уларнинг ичida **ўлим жазоси** - энг оғир жазо ҳисбланган. Ману қонунларида ўлим жазосининг оддий ва мураккаб турлари ажратиб кўрсатилган. Оддий турдаги ўлим жазосига бошини кесиш жазоси кирса, мураккаб турдагисига - қозиқقا ўтқазиш, сувга чўктириш, кароватга боғлаб ёки гулханда кўйдириш, ёқиб юбориш, филнинг оёклари остига ташлаш кабилар кирган. **Тан жазоларининг**

бармоқларни, құлларни, оёқларни, жинсий ва танадаги бошқа аъзоларни кесиш турлари құлланилған. Юқоридаги лардан ташқари, қонунларда **жарима, ҳайдаб юбориш, қамоқ** каби жазолар белгиланған. Ману қонунларида гарчи шарманда қилувчи жазолар: **тамға босиши, сочини олиб ташлаш** ва бошқалар ҳамда **мамлакатдан, қастадан, оиласдан ҳайдаб юбориш** кабилар әслаб үтилмаган бұлса-да бундай жазолар амалда бошқа ҳуқуқ манбаларига асосан құлланилған. Талион принципи ҳинд жиноят ҳуқуқыга хос ҳодиса әмас. Конли үч олиш түғрисида Қонунларда әслаб үтилмаган, бу вақтда әнди у құлланилмай қўйган эди.

Суд жараёни. Артхашастра ва дхармашастраларда суд ишларини юритиши ҳақида батафсил баён қилингандар. Суд жараёни жиноят ишлари бўйича ҳам, фуқаролик ишлари бўйича ҳам айблов характеристига эга бўлган. Фуқаролик ва жиноят жараёнлари ўртасида фарқ бўлмаган. Суд маъмуриятдан ажратилмаган. Подшонинг ўзи брахманлар ва тажрибали маслаҳатчилари билан бирга Олий судни амалга оширган ёки бунинг учун брахманлардан бирини судья этиб тайинлаган (Ману қонунлари, VIII боб, 1-2-моддалар).

Суд ишлари давлат органларининг ташаббуси билан әмас, манфаатдор шахсларнинг даъво аризаси билан қўзғатилған. Судларда ишларни кўриш тортишувчилик характеристига эга бўлган. Низолашаётган томонлар судда ўзларининг ҳақ эканликларини ўzlари исботлашлари ва бунинг учун судга тегишли далилларни тақдим этишлари лозим бўлган. Қонунларда даъволарнинг судда кўриб чиқишга асос бўлган сабаблар аниқ санаб кўрсатилған. Булар: қарзни тўламаслик, гаров, бегона мулкни сотиб юбориш, уюшмаларда иштирок этиш, солиқ-ўлпонлар бермаслик, маош тўламаслик, битимни бузиш, олди-сотди шартномасининг бекор қилиниши, хўжайиннинг чўпон билан низоси, чегара ҳақидаги низо, туҳмат ва ҳақорат, ўғрилик, зўрлик, бевафолик, мерос тақсимлаш, ошиқ (қимор) ва гаров ўйнаш бўлиб, жаъми 18 та бўлган (Ману қонунлари VIII боб, 4-7-моддалар).

Ману қонунлари бўйича судда ҳақиқатни аниқлашнинг асосий воситалари гувоҳларнинг кўрсатмалари ва турли ҳйлдаги синовлар бўлган. Қандайдир дастлабки ҳаракатлар бўлган (айниқса давлатга қарши жиноятлар бўйича), лекин

улар маҳсус дастлабки суриштирув ёки тергов ҳаракатлари эмас эди. Коида бўйича, тергов суд мажлисининг ўзида бошланган ва тугаган.

Судда кўрсатма беришдан бош тортиш ёки ёлғон кўрсатма бериш гуноҳ ҳисобланган (Ману қонунлари VIII боб, 13-модда).

Гувоҳларнинг кўрсатмаларига баҳо беришда гувоҳларнинг сифати, яъни қайси варнага мансублиги ҳисобга олинган. Шудра юқори варнадагилар иши бўйича гувоҳ бўла олмаган. Умуман куйи варнадаги кишилар юқори варнадаги кишиларга қарши гувоҳликка ўта олмаганлар. Ману қонунларида "гувоҳлик кўрсатмаларини аёлларга нисбатан - аёллар, икки марта туғилганларга нисбатан - шундай икки марта туғилганлар, шудраларга нисбатан - тўғри сўз, софдил шудралар, бир марта туғилганларга нисбатан - бир марта туғилганлар берсин" - деб кўрсатилади (Ману қонунлари VIII боб, 68-модда). "Кулларнинг, қариндошларнинг ва болаларнинг" кўрсатмалари ишончли бўлмаган, шу боис уларга мурожаат этмаган маъқул деб ҳисобланган. Бундан ташқари манфаатдор шахслар ва ожизалиги туфайли аёллар судда гувоҳлик қила олмаганлар. Фақат тегишли гувоҳлар бўлмагандагина болаларнинг, кексаларнинг, шогирдларнинг (устозларга нисбатан), қариндош-уруғларнинг, қулларнинг ва аёлларнинг гувоҳликка ўтишига рухсат этилган (Ману қонунлари, VIII боб, 70, 71 ва бошқа моддалар). Артхашастрода бу рўйхатга яна қасаллар, кастадан чиқарилгандар, "тегилмайдигандар", хиссий аъзолардан маҳрум бўлганлар ҳам кўшилади (Артхашастра, III боб, 11-модда).

Гувоҳлар бўлмаса процессуал ҳукуқда ордалия (синаш) усулидан фойдаланилган. Ҳинд процессуал ҳукуки беш хил синаш усулини билади: тарози билан, олов билан, сув билан, заҳар билан ҳамда қасам билан синаш. Тарози билан синашда айбланувчи ёки гумон қилинувчи икки марта тортиб кўрилган, иккинчисида енгил чиқса, у айбдор ҳисобланган. Олов билан синаш турли шаклларда амалга оширилган. Улардан энг кўп тарқалгани ёниб турган гулхандан ўтказиш бўлган. Бунда агар судланувчи танасининг ҳеч бир жойи куймаса, у айбсиз деб топилган. Сув билан синашда у сувга ташланган, агар сув уни ўз қаърига тортиб кетса, у айбсиз ҳисобланган (Ману қонунлари, VIII боб, 115-модда). Ману қонунларига кўра, "брахманни - тўғрисўзлиги билан,

кшатрийни - жанговар араваси ва қуроли билан, вайшийни - сиғири, ғалласи ва олтини билан, шудрани - барча оғир жиноятлар билан қасам ичишга мажбур этиш лозим" бўлган (Ману қонунлари, VIII боб, 113-модда).

Шуни таъкидлаш керакки, ордалия фақат алоҳида ҳолларда, биринчидан, томонларнинг розилиги билан, иккинчидан, иш бўйича муҳим далиллар бўлмагандага ва ниҳоят, учинчидан, ошкора равишда қўлланилган.

Судда ашёвий далилларга ҳам эътибор берилган. Адолатли подшо - дейилади Ману қонунларида, ўғирланган нарсани топмай туриб ўғрини қатл этмайди (Ману қонунлари, IX боб, 270-модда.).

V боб

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУКИ

1. Энг қадимги Хитой тўғрисида умумий маълумот

Хитой Марказий ва Шарқий Осиёдаги энг қадимги мамлакатлардан биридир. Археологик маълумотларнинг хабар беришича, Хитойда одамлар қадимги тош давридаёқ яшаганлар. Ҳозирги Пекин яқинидан синантроп сүяклари топилган. Антропологик жиҳатдан бу сүяклар энг қадимги маймун киши (питекантроп) сүякларидан жуда фарқ қиласди ва маймуннинг одамга айланиши жараёнидаги янги даврни билдиради. Палеолит даврига оид кўпгина қурол-асбоблар топилган. Хитойнинг кўп ерида (айниқса Ҳэнанда) анча кейинги неолит даврига мансуб манзилгоҳлар бўлгани аниқланган. Энг қадимги Хитойда матриархат ҳукмрон бўлган. Уруф ҳисоби она йўли билан олиб борилган. Қабила оқсоқолининг ҳокимияти отадан ўғилга эмас, балки отадан укага ўтган.

Милоддан аввалги II минг йиллик она ҳукуқининг астасекин отага ўтиш замони бўлган, лекин бу ўтиш турли қабилаларнинг ҳаммасида бир вақтда бўлмаган, турли қабилалар олдин-кетин ўтган ва матриархат қолдиқлари хийла узоқ вақт сақланиб қолган.

Энг қадимги Хитой қабилаларидан милоддан аввалги II минг йиллик бошларида Хуанхэ қирғоқларига шимолдан кўчиб келган Шан қабиласи айниқса кучайиб кетган. Бу

қабила бошқа қабилаларни (шу жумладан, Ся қабиласини ҳам) ўзига бўйсундириб, Хуанхэ дарёси ҳавзасининг кўп қисмини эгаллаб олган.

Шундай қилиб, Хитойга жануби-шарқдан, айниқса шимолдан хилма-хил уруғлар ва қабилалар кириб жойлашган.

Милоддан аввалги V-III минг йилликларга келиб Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида дастлабки дәхқончилик вужудга келиб, аҳоли дарё бўйидаги кичик-кичик қишлоқларда яшаган. Секин-аста дәхқончилиқдан чорвачилик, ҳунармандчилик ажralиб чиқсан. Чорвачилик Хитойнинг фарбий вилоятларида, хусусан, Тибет ясси тоғлигига айниқса кўп тарқалган.

Шундай қилиб, дәхқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши аҳоли орасида мулкий тенгсизлик ва табақаланишга олиб келган. Бу ҳол Шарқий Хитойда дастлабки давлатларнинг вужудга келиши учун имконият яратган.

Қадимги Хитой давлати тарихини қўйидагича тўрт: 1) Қадимги Хитой давлатининг ташкил топиши - Шан (Инь) давлати (милоддан аввалги XVIII-XII асрлар); 2) Чжоу давлати (милоддан аввалги XI-III асрлар); 3) Цинь подшолиги (милоддан аввалги 221-207 йиллар); 4) Ханъ подшолиги (милоддан аввалги 206 йилдан милоднинг 220 йилигача) давларига бўлиб ўрганилади. Сўнгги давр қулдорлик давлатининг феодал давлатга ўсиб ўтиши билан характерланади.

2. Қадимги Хитойдаги ilk Шан (Инь) давлати (милоддан аввалги XVIII-XII асрлар)

**Давлатнинг таш- Қадимги Хитойда шаҳар типидаги
кил топиши.** Қадимги Хитойда шаҳар типидаги
цивилизациянинг дастлабки ўчоқлари
милоддан аввалги II минг йилликда Хуанхэ дарёси ҳавзасида ташкил топа бошлаган. Бу вақтга келиб инъ қабилаларининг уруғчилик гурухлари кўчманчилик ҳаёт тарзидан ўтроқ дәхқончилика ўта бошлаган эди. Инъ қабилалари ичida меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда уруғчилик алоқаларининг емирилиши оқибатида жамиятда уруғ аристократиясининг бошқарувчи табақаси: ҳукмдор - ван ва унинг яқинлари, қарин дошлари, чиновниклари, қабила бошлиqlари ҳамда оддий

қабиладошлар, шунингдек, одатда қулларга айланадиган бегоналар - бошқа қабилаға мансуб кишилар ажралиб чиқкан.

Хитой анъаналарида айтилишича, қадимги Хитойда давлат милоддан аввалги XVIII асрда ся қабиласининг шан қабиласи томонидан босиб олиниши натижасида ташкил топган. Ўша вақтда шан қабиласи бошлиғи Чэн Тан деган киши давлатга асос солиб, унга ҳукмдор қабиланинг номи билан Шан давлати деб атаган. Кейинчалик, Шан сулоласи қулагандан сўнг бу давлат Инь деган ном билан юритила бошланган. Шу сабабли қадимги Хитой тарихининг биринчи даври иккита: Шан ва Инь деган номга эга. Чэн Тан биринчи хитой подшоси (вани) бўлган.

Хитойда дастлабки примитив давлат - Шан (Инь) давлатининг ташкил топиши, аввало, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ерларни суфориш, дарё тошқинларининг ҳалокатли оқибатларини тугатиш, худудларни ҳимоя қилиш заруриятидан келиб чиқкан. Қолаверса, эндиликда ибтидоий жамоа тузуми органлари босиб олинган ҳалқни бошқариш учун ярамай қолган эди. Шу мақсадда маҳсус давлат аппарати ташкил этилган. Бу, биринчидан, қабила бошлигининг Инь подшолигининг илоҳийлаштирилган ҳукмдори - талайгина ҳокимиятга эга бўлган ванга айланишида, иккинчидан, кўп сонли бошқарувчилардан, ҳарбий бошлиқлардан, коҳинлардан ва бутун жамоа оммасига қарама-қарши турувчи бошқа кишилардан иборат маъмурий аппаратининг ташкил этилишида намоён бўлган. Инь даврида подшо - ванга бутун ерларнинг олий эгаси деб қараш амалда расмийлаштирилган. Бу эса асосан ваннинг ердаги худо сифатида тасаввур этилишидан келиб чиқкан.

Шундай қилиб, Хитойда давлатнинг ташкил топиш хусусияти шунда эдики, бу ерда ибтидоий жамоа тузумидан синфий жамиятга ўтиш жараёни бир ҳалқнинг бошқаси томонидан бўйсундирилиши натижасида тезлашган. Лекин бу давлатнинг ташкил топишида асосий сабаб бўлмаган. Хитойда давлат бошқа ҳалқларда бўлгани сингари жамиятнинг ички тараққиёт маҳсули сифатида хўжаликнинг ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши оқибатида мурлакий тенгсизлик ва табақаланишнинг пайдо бўлиши ва уруфдошлиқ тузумининг емирилиши натижасида ташкил топган.

Ижтимоий Шан (Инь) подшолиги жамоа-уруғдошлиқ ту-
тузуми. зумидан синфий жамиятга ўтиш босқичида
турган. Уни соғ маңындағи құлдорлик давла-
ти ва жамияти деб ҳисоблаш унчалик тұғри әмас. Үнда
құлдорлик муносабатлари билан бир қаторда жамоа ишлаб
чиқаришига асосланған ижтимоий муносабатлар ҳам ри-
вожланған. Бу ерда ҳукмрон синф инь **дунёвий аристо-
кратиясидан, қохнілардан ва бўйсундирилган қабила-
ларнинг аристократлари**дан ташкил топған.

Дунёвий аслзодаларга подшога яқинлигига ва әгаллаб
турган лавозимига қараб маълум имтиёзлар ва унвонлар
берилған. Шунингдек, ер әгалиги микдорига ва қулларнинг
сонига қараб ҳам ижтимоий мавқे белгиланған.

Кулларга хусусий шахслар ҳам, давлат ҳам әгалик қили-
ши мүмкін бўлған. Урушларда асир олиш; қарз учун қул
қилиб сотиш; баъзи жиноятлар учун қулга айлантириш;
бўйсундирилган халқдан ўлпон сифатида қул олиш кабилар
қулчилик манбаи ҳисобланған. Куллар ҳайвонларга тенг-
лаштирилған. Улар оиласига, мол-мулкига эга бўлмаганлар.

Аҳолининг асосий қисмини **эркин жамаочилар** ташкил
этган. Инь давлатида жамоа жуда катта роль ўйнаган. Жа-
моа ерларидан фойдаланиш "қудуқли майдонлар" тизими
бўйича ташкил этилган. Барча ерлар иккита тоифага: жа-
моат майдонлари ва хусусий майдонларга бўлинған. Жа-
моат ерларига бутун жамоа томонидан биргаликда ишлов
берилған. Үндан келадиган бутун ҳосил жамоа оқсоқолига
келиб тушган ва охир оқибатда подшога жўнатилған. Хусу-
сий майдонлар алоҳида оиласарнинг якка тартибда фойда-
ланишида бўлған. Бундай майдонлардан келадиган ҳосил
эркин жамаочиларни боқишига кетган. Лекин хусусий май-
донлар, уларни ушлаб турувчиларнинг мулки ҳисобланма-
ған. Ерлар давлат мулки сифатида кўрилған ва подшонинг
иҳтиёрида бўлған. Бу даврда қуллар, уйлар, меҳнат қурол-
лари хусусий мулк ҳисобланған.

Давлат Инь подшолигининг дастлабки босқичларида
тузуми. давлат тузумида уруғ-қабила ҳарбий демокра-
тияси қолдиқлари сақланиб қолған. Лекин вақт
үтган сари **подшо** аста-секин бутун ҳокимиятни ўз кўлига
олиб борған. Шан-инь оқсоқоллари қабила бошликларидан
якка ҳукмдорларга айланғанлар. Фуқаролар орасида улар

тўғрисида гўё улар ҳокимиятни илоҳий куч иродаси билан олган. "Осмон ўғли" бўлганлиги ҳақидаги тасаввурлар мустаҳкамланган.

Подшо биринчи ва энг йирик қулдор, олий ҳарбий бошлиқ, энг олий судья ва энг катта руҳоний ҳисобланган. Дин уни ҳалқ оммаси кўзи ўнгидаги илоҳий келиб чиқсанлигини тасаввур этган. Подшо давлат аппаратига бошлилик қилган, ўзига яқин кишилардан ва қариндош үруғларидан олий мансабдор шахсларни тайинлаган. Анчо майдага мансабларни ўзларига касб қилиб олган қатор чиновниклар: **котиблар, мирзалар, солик йигувчилар, судъялар** ва бошқалар эгаллаб турган.

Мансабдор шахслар учта асосий тоифага: **олий фуқаролик чиновниклари; ҳарбий чиновниклар; турли хил маслаҳатчилар, авлиёларга** бўлинган. Шунингдек давлатнинг муҳим ажралмас қисми ҳисобланган **армия ва турмалар** ҳам мавжуд бўлган.

Милоддан аввалги XII асрда Шан (Инь) давлати ички зиддиятлар кучайиши натижасида тушкунликка учраган. Инь давлати кучсизлангач, у томондан бўйсундирилган қабилалар, жумладан, ҷзоу қабиласи ҳам унга итоат этмай кўйган. Ҷзоу қабиласи раҳбарлигига қатор қабилалар бирлашиб, Инь давлатига қарши кураш бошлаб юборганлар. Милоддан аввалги 1076 йилда Ҷзоу қабиласи инь армиясини тор-мор этган, Шан давлати қулаган, унинг ўрнига Ҷзоу подшолиги ташкил топган.

3. Ҷзоу давлати

(милоддан аввалги XI-III асрлар)

Ҷзоу подшолиги Хитой тарихида қуйидагича учта давр: Фарбий Ҷзоу (милоддан аввалги 1122-742 йиллар); Шарқий Ҷзоу (милоддан аввалги 770-403 йиллар); "урушқоқ подшоликлар" даври (милоддан аввалги 403-221 йиллар)га бўлинади.

Фарбий Ҷзоу давлатининг чегараси Вей дарёси бошидан шарқда Сариқ денгизгача давом этиб, унинг пойтахти Хао шаҳри бўлган.

Фарбий Ҷзоу подшолиги ҳукмдорлари даврида улар атрофдаги қабилалар, хусусан жунлар билан уруш олиб борганлар. Инь подшолигини босиб олган ҷзоу қабилалари

инълар қўлга киритган хўжалик, ҳарбий ва маддий маданият соҳасидаги ютуқларни ўзлаштирганлар. Бу даврда ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг анча юқори дараҷасига эришилган, йирик ер эгалиги ривожланган, қулчилик ҳам ўсган, давлат анча мустаҳкамланиб, унинг таркий тузилиши мураккаблашган.

Ижтимоий Жамиятда қулдорлар аристократияси ҳукмтузум. Қулдорлар аристократиясига наслий ва ҳарбий чжоу оқсуяклари, инъ қулдорлик аристократиясининг бир қисми (босқинчилик урушлари натижасида кўчиб келиб ўрнашганлар) кирган.

Барча ерларнинг эгаси илгаригидек подшо (ван) ҳисобланган. Подшо ерларни тасарруф қилган: хоҳласа инъом қилган, хоҳласа қайтариб олган. Йирик ер эгалиги ривожланиб борган. Қулдорлар аристократияси ўзларига тегишли ерларни эркин тасарруф қилганлар. Мавжуд маълумотларга қараганда, ерни сотиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш мумкин бўлган. Бу даврда гарчи ерга эгалик қилишда подшо иродасига боғлиқлик расман сақланиб қолган бўлса-да, эгалиқдаги ерларни хусусий мулкка айлантиришга мойиллик пайдо бўлган. Кейинчалик, чжоу подшоларининг ҳокимияти заифлашиши билан йирик қулдорларнинг ерга эгалик хуқуқининг ерга хусусий мулкчилик хуқуқига айланishi содир бўлган.

Фарбий Чжоу подшолиги даврида жамоаларнинг ердан фойдаланиш тартиби илгаригидек катта ўрин тутган. Юқорида эслаб ўтилган "кудуқли майдонлар" тизими сақланиб қолган. Умуман **дехқонлар (нунфу)** аранг кун кечирган. Уларнинг кўпчилиги ерсиз ижаракиларга айланган.

Жамиятнинг энг кўйи қисмини **куллар** ташкил этган. Уларнинг сони ҳарбий асирлар, тинч аҳолини босиб олиш, давлат жиноятчилари ҳисобига кўпайган. Айниқса хусусий қулларнинг сони орган. Қул меҳнатидан хўжаликнинг турли соҳаларида ва оғир, ифлос ишларда кенг фойдаланилган.

Давлат Олий ҳокимият наслдан наслга мерос бўлиб тузуми. ўтадиган **подшо (ван)** қўлида бўлган. Чжоу подшолигида **сарой бошқарув тизими** мавжуд бўлган. Сарой хизматчилари бир вақтда мансабдор шахслар ҳам ҳисобланганлар. Бу вақтда турли вазифаларни амалга оширадиган кўп сонли чиновниклар мавжуд эди.

Буларнинг ичидаги ваннинг от-уловини юритувчи чиновник, мирза (котиб), подшолик архиви бошлиғи, хазинабон, маросимларнинг ўтказилишини кузатиб турувчи чиновник ва бошқалар мұхим ўрин тутган.

Давлат аппарати ванга яқын шахсий хизматчилардан, баъзан эса ишончли куллардан ташкил этилган. Давлат аппаратига **олий мартабали амалдор (сян)** бошчилик қилган. Сян маъмурий аппарат бошлиғи ва мамлакатни бошқаришда подшо (ван)нинг яқын ёрдамчиси бўлган. **Олий чиновниклар (дафу) учта: катта, ўрта ва кичик даражаларга бўлинган.**

Ривоятларга қараганда, подшо Чэн ван (1115-1079 йиллар) давлат аппаратини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширган. Подшонинг асосий маслаҳатчилари **"учта гун"**: **"буюк мураббий"**, **"буюк устоз"** ва **"буюк ҳомий"** ҳисобланган (сян айнан шуларнинг ичидан тайинланган). Бундан ташқари, давлатда мұхим роль ўйнаган **учта бошқарувчи** бўлиб, улардан бири диний маросимларни юритган, бошқаси жамоат ишлари маҳкамасига бошчилик қилган (унинг ихтиёрида ер фонди ва суфориш тизими бўлган), учинчиси ҳарбий маҳкамани бошқарган. Ҳарбий Чжоу подшолигида **коҳинлар ва фолбинлар** ҳам мұхим ўрин тутган. **Олий коҳин ва буюк фолбин** деган мансаблар мавжуд эди.

Армия асосан урушлар вақтида йигиладиган **халқ қўшинлари**дан ва унча катта бўлмаган **доимий хизматдаги отрядлар**дан иборат эди. Хитой қўшинларининг асосини **жанговар арава, отлик қўшин ва пиёдалар** ташкил этган. Жанг араваси ўша даврда қўшинда энг асосий ҳужум қилувчи куч эди. Жанг аравасида **ҳайдовчи, камонбоз ва найзабардордан** иборат уч киши бўлган.

Чжоу подшолиги даврида марказлашган давлат ташкил этилмаган эди. Ван фақат пойтахт вилоятини бевосита бошқариб турган. Мамлакатнинг бошқа ҳудудлари ворислик ҳукуқига эга бўлган князлар - **чжухоулар** томонидан идора этилган. Бу даврда бешта тоифа: **гун, хоу, бо, цзи, инань** деб номланадиган князлик унвонларининг босқичма-босқич бўйсунишига асосланадиган тизими батамом расмийлашган. Қўйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсуниши тартиби (иерархия) қатъий ўрнатилган. Ҳукмдорлар ўз ҳудудларини Чжоу подшосининг қў-

лидан олганлар ва маълум муддатда саройда хизматда бўлишлари лозим эди. Демак, улар подшога қарам бўлганлар.

Князлик худуди уруғ-қабила бўлиниши асосида ташкил топган анча кичикроқ маъмурий бирликларга бўлинган. Энг қуи звенодаги маъмурий-худудий бирлик **қишлоқ жамоаси** ҳисобланган. Маълумотларга қараганда, турли князликларда қишлоқ жамоаларининг тузилиши ҳар хил бўлган. Буларнинг ичидаги маъмурий-худудий бирлик **қишлоқ жамоаси** (уруғ жамоаси)ни, бешта цзу гурухни - **данни**, бешта дан округ - чжоуни ташкил этган, бешта чжоу **сянни** ташкил этган. Сян тепасида унинг бошқарувчиси - цин турган. Энг қуи маъмурий мансаб **қишлоқ жамоаси оқсоқоли** бўлган.

Милоддан аввалги IX асрда марказий ҳокимиятнинг тобе князликлар хукмдорлари билан алоқалари заифлашган. Князликларнинг хукмдорлари саройга келмай қўйганлар, ўлпонлар жўнатмайдиган бўлиб қолганлар. Катта ер-мулкка эга бўлган нуфузли кишилар, вилоят ҳокимлари подшоларга итоат этмай қўйганлар. Эксплуатациянинг кучайиши халқ оммасининг норозилигини келтириб чиқарган. Кўчманчи жунлар билан олиб борилган муваффақиятсиз урушлар ҳам Фарбий Чжоу давлатининг емирилишига ўз хиссасини кўшган. Мамлакат бир қанча мустақил давлатларга бўлинниб кетган. Милоддан аввалги 770 йилда подшолик пойтахти Хаодан Лоянга кўчирилган. Шундан кейин Шарқий Чжоу подшолиги даври бошланган.

Шарқий Чжоу подшолиги даври мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида йирик ўзгаришлар билан характерланаиди. Ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши ижтимоий ҳаётда савдогарлар ролининг ўсишига сабаб бўлган. Қулдор зодагонлар ўзларининг меросий уруғчилик ер эгаликлиридан маҳрум бўлганлар, бундай ерлар ҳарбий бошликлар, хизматчи кишилар, савдогарлар қўлига ўтган. Бу уруғ аристократиясининг меросий ер эагилигининг заифлашишига ва қулдорларнинг ерга нисбатан хусусий мулчичиликнинг мустаҳкамланишига олиб келган. Хизматчи зодагонлар қўлида анчагина ер эгаликлири тўпланган. Йирик ер эгалиги фақат доимий хизмат ва алоҳида хизматлар учун бериладиган инъомлар, тортиқлар ҳисобига эмас,

балки күчлилар томонидан күчсизларни зўрлик йўли билан босиб олиш ҳисобига ҳам ташкил этилган.

Милоддан аввалги VII-IV асрларда Шарқий Чжоу подшолигида ҳукмронликни қўлга киритиш учун Ци, Цзинь, У, Чу, Юз каби майда подшоликлар ўртасида ўзаро урушлар давом этган. Бу давр Хитойда **беш ҳоким даври** ёки **Чжанъго** ("урушқоқ подшоликлар") даври деб юритилади.

Бу даврда узоқча чўзилиб кетган тинимсиз ўзаро урушлар иқтисодиётнинг пасайишига, сугориш иншоотларининг издан чиқишига сабаб бўлган. Ва ниҳоят, одамлар тинчлик ўрнатиш ва Хитой халқларининг бирлашиши зарурлигини тушуна бошлаганлар. Одамлардаги бундай кайфиятлар конфуций дини тарғиботчилари томонидан ифода этилган. Улар "гараз ниятларсиз ва одамларни йўқотмасдан" мамлакатни бирлаштиришга чақирганлар. Тинимсиз давом этган урушларга қарамай Чжанъго даврида турли минтақалар ва халқларнинг иқтисодий ва моддий алоқалари кучайган. Бу эса ўз навбатида уларнинг яқинлашувига ва турли майда подшоликларнинг еттита йирик Хитой подшоликлари атрофига "йифилиши"га олиб келган.

Милоддан аввалги V асрда қадимги Хитой тарихида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларда кескин ўзгаришлар юз берган. Бу вақтда подшоликнинг ягона империяга бирлашишига олиб келадиган шарт-шароитлар туғилган. Бунда юқорида айтганимиздек, конфуцийлик сиёсий ҳукмрон мафкура бўлиб қолган. Ишлаб чиқаришда темирдан ясалган меҳнат қуролларидан фойдаланилиши иқтисодиётнинг бирданига кўтарилишига сабаб бўлган. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши, сугориш иншоотларининг яхшиланиши, қишлоқ хўжалик ва хунармандчилик ишлаб чиқарининг ўсиши товар-пул муносабатларининг ривожланишига, бозорнинг пайдо бўлишига, савдогарлар табақасининг ажralиб чиқишига кўмаклашган. Бундай шароитларда ерга нисбатан жамоа мулкчилигининг емирилиши ва хусусий мулкчиликнинг ўрнатилиши, йирик ер эгалигининг ташкил этилиши жараёни янада жадаллашган. Бу вақтда эски типдаги жамоа ер эгалиги ("қудуқли майдонлар" тизими) бузила борган. Жамоа ер эгалигига қарши қаратилган зарбалардан бири - ер солиғининг жорий қилиниши бўлган. Дехқонлар жамоа майдонларида ишлаш ўрнига ўз ерларидан солиқ тўлашлари лозим бўлган.

Буларнинг ҳаммаси Хитойда милоддан аввалги сўнгги асрларда жамият ривожидаги иккита қарама-қарши оқимнинг курашида намоён бўлган. Бу вактда бир томондан, ижарачи дехқонларни, ёлланма ишчиларни, қулларни эксплуатация қилишга асосланган йирик ер эгалиги ривожланган бўлса, иккинчи томондан, бевосита давлатга бўйсунадиган қарам дехқонларнинг кенг оммаси шаклланиб борган. Олдинда олға бориш мумкин бўлган иккита йўл турар эди. Булардан биринчиси - ерга нисбатан йирик хусусий мулкчиликнинг фалабаси орқали тарқоқликка, ўзаро урушларга олиб борадиган йўл бўлса, иккинчиси - ерга нисбатан давлат мулкчилигини мустаҳкамлаш орқали ягона марказлашган давлатни ташкил этишга олиб борадиган йўл эди. Хитой ривожланишнинг кейинги йўлидан юрган. Бунда милоддан аввалги IV асрда кучайиб кетган Цинь подшолиги муҳим ўрин тутган. У милоддан аввалги 221 йилда бошқа подшоликлар билан курашда голиб чиқади ва мамлакатни бирлаштириш учун узоқ давом этган курашни ниҳоясига етказиб, ягона Цинь подшолигига асос солади.

4. Цинь давлати

(милоддан аввалги 221-207 йиллар)

Цинь подшолиги Шарқий Чжоунинг фарбий қисмида - Хуанхэ ирмоқларидан бири Вей дарёси ҳавзасида жойлашган эди. Милоддан аввалги IV аср ўрталарида Цинь подшолиги бирмунча кучаяди. Подшо Сао-гун (361-338 йиллар) даврида давлатнинг нуфузли амалдори **Шан Ян** томонидан бир қанча **ислоҳотлар** ўтказилган. Бу ислоҳотлар кучли марказлашган давлатнинг ташкил топишига кўмаклашган. Бу ислоҳотлар қуйидагиларни ўз ичига олган. Ислоҳотга кўра, ерни истаганча хусусий мулк қилиб олиш, уни эркин сотиш ва сотиб олишга рухсат берилган. Бу эса жамоа ер эгалигига берилган қаттиқ зарба эди. Жамоаларнинг емирилишини, шунингдек, катта оиласаларнинг мажбурий бўлиниши ҳақидаги қонун ҳам тезлаштирган. Давлатни марказлаштириш мақсадларида ҳудудий тамойил бўйича янги маъмурий бўлиниш амалга оширилган. Солиқлар ундириш тизими ўзгарган. Хосилдан олинадиган солиқ ер солиғига алмаштирилган. Янги солиқ ишлов бериладиган ернинг миқдорига қараб белгиланган. Кўшин қайта тузилиб, курол-

лантирилган, ҳарбий хизматлар учун 18 даражали зодагонлик ташкил этилган. Бу ислохотлар марказий, яни подшо ҳокимиятини анча мустаҳкамлаган. Давлатдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт умумий қоидаларга бўйсунган. Император ягона ёзув белгиларини жорий қилган, оғирлик ва узунлик ўлчовларини тартибга келтирган, ҳамма учун мажбурий қонунлар тасдиқлаган, ҳатто маросимларга оид асбобанжомлар ва қурол-яроғлар ягона намуна бўйича тайёрланган. Қонунларга қатъий риоя қилиш мамлакатда тартиб сақланишининг энг муҳим шарти ҳисобланган.

Бироқ Шан Ян ислохоти эски зодагон, меҳнаткаш халқ ва қулларнинг, шунингдек конфуцийчи оқим намояндадарининг қаршилигига учраган. Подшо Сяо-гун вафотидан кейин Шан Ян ҳам зодагонлар томонидан қатл этилган. Шундай бўлсада, Шан Ян томонидан ўтказилган ислохотлар давлатни анча мустаҳкамлаган.

Подшо Ин Чжен даврида (241-210 йиллар) Шарқий Хитой ерлари бирлаштирилган. Ин Чжен - Циннинг биринчи подшоси (Цин Ши Хуанди) деган ном олган. У Шарқий Хитойдаги олтита подшоликни ўзига қаратиб олгач, шимолдаги сюнни (хунн) қабилаларига қарши зафарли урушлар олиб борган. Жанубда эса у Юз подшолигини ҳам ўзига итоат эттирган. Шу тариқа йирик империяга асос солинган. Давлат бошлиғи **император (хуанди)** бўлган; у жуда катта ваколатларни қўлга киритиб олган. Қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимияти унга тегишли эди. Империя жуда кенг тармоқли давлат аппарати томонидан идора этилган. Давлат аппаратида ўн минглаб чиновниклар хизмат қилган. Бошқарув аппарати тепасида ўнг ва сўл **ченсянлар (министрлар)** турган. Ченсянларнинг ўринбосарлари **котиблар** бўлган. Сарой қўриқлаш хизматининг бошлиғи, император авлодларининг маросимларини ўтказишни юритувчи чиновник, ташки муносабатларни юритувчи чиновниклар давлатда олий чиновниклар ҳисобланган. Давлат аппарати фаолиятида **император маслаҳатчилари** катта роль ўйнаган.

Қадимги Хитой подшоликлари босиб олингандан сўнг империяда Шан Ян ислохотлари намунасида бир қатор маъмурий, аграр, молия ва ҳарбий ислоҳотлар ўтказилган. Илгариги подшоликларнинг чегаралари йўқ қилинган. Бутун империя худуди ўттиз олтита вилоятга бўлинган. **Вилоят-**

лар ўз навбатида **уездларга**, уездлар - **волостларга**, волостлар эса - **тин (энг қуидаги маъмурый бирлик)ларга** бўлинган. Ҳар бир вилоят тепасида иккитадан **бошқарувчи** - ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти вакиллари турган. Улар пойтахтлардан тайинланган ва император томонидан хоҳлаган вақтда алмаштирилиши мумкин бўлган. Эски аристократия империя чиновникларининг қаттиқ назорати остига олиниб, эски зодагонлик унвонлари бекор қилинган. Бойлик ва давлат хизматлари аслзодалик мезони бўлиб қолган. Заррача айб ёки ножӯя иш учун жазоловчи жуда қаттиқ қонунлар жорий этилган. Чиновниклар ўз фаолиятларида қаттиқ ўрнатилган ягона қонунларга амал қилгандар. Бу даврнинг давлат аппарати катталиги, мураккаблиги билан ажralиб турган, унда жуда кўп миқдордаги чиновниклар хизмат қилган.

Марказлашган давлатнинг ташкил топиши дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланишига имкон яратган. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг чукурлашуви аҳолининг табақалашувини кучайтирган. Шу билан бирга йирик ер эгалиги ривожланиб, жамоалар хонавайрон бўлишда, қулларнинг сони кўпайиб боришда давом этган. Айниқса, Цинь подшолиги давридаги тўхтовсиз урушлар, Буюк Хитой деворига (уни қуриш ишлари милоддан аввалги IV асрда бошланган эди) сарфланган сарфҳаражатлар ва солиқлар меҳнаткашларни оғир аҳволга солиб қўйган. Улар ўртасида қаттиқ норозиликлар келиб чиқсан. Оқибатда кучли ҳалқ қўзғолонлари - дехқонларнинг улкан миқёсдаги урушлари бошланиб кетган. Ана шундай урушлардан бири милоддан аввалги 209 йилда бутун мамлакат бўйлаб бошланиб, Цинь давлатини ҳалокатга олиб келган. Үнга Лю Бан деган қишлоқ оқсоқоли раҳбарлик қилган эди. Милоддан аввалги 202 йилга келиб Лю Бан тарафдорлари ғолиб чиқиб, у ўзини янги Ханъ сулоласининг подшоси деб эълон қилган. Шу тариқа Цинь подшолиги туғатилиб, ўрнида Ханъ подшолиги пайдо бўлган.

5. Ханъ давлати

(милоддан аввалги 206-йилдан-милоддаги 220 йилигача)

Ханъ подшолигининг асосчиси Лю Бан мамлакатни марказлашган давлатга айлантириш учун кўпгина чора-тадбир-

лар ўтказган. У ўз ҳукмронлигининг бошида қуллар ва дәхқонлар аҳволини яхшилашга қаратилған қатор ислоҳотлар амалга оширган. Цин Ши Хуанди даврида зарар күрган жабр-дийдалар манфаатини күзлаб, уларга анча енгилликлар берилған, қарзлари ва арзимаган жиноятлари учун қулларга айлантирилған кишилар озод қилинганды. Айни пайтда оғир солиқлар бекор қилинганды, ер солиғи камайтирилған. Маҳаллий ишлар сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар томонидан бошқариладиган бўлган. Бироқ бу ислоҳотлар қулдорликнинг ва йирик хусусий ер эгалигининг - ижтимоий зиддиятларни туғдирадиган асосий сабабларнинг ўсишини тўхтата олмаганды. Халқ оммасининг аҳволи орадан бироз вақт ўтгач яна ёмонлашган.

Милоддан аввалги I асрнинг охирида император У Ди маҳсус фармон чиқарип, йирик мулқдорлар ихтиёридаги ерларнинг миқдорини ва қулларнинг сонини анча қисқартирганды: ҳеч ким 138 гектардан ортиқ ерга ва икки юздан кўп қулга эга бўлиши мумкин эмас эди. Баъзиларга ўттиз нафардан кўп қулга эга бўлмаслиги лозимлиги ўрнатилғанды. Бу миқдор қулдорнинг ижтимоий ҳолатига қараб белгиланганды.

Марказий ва маҳаллий давлат аппарати тизими илгаригидек сақланиб қолган. Подшо ҳокимиятининг мақсади, асосий иштиёқи мамлакатни марказлаштиришга қаратилғанды. Бунга Хитойнинг янги маъмурий бўлиниши кўмаклашган. **Мамлакат ҳудуди ўн учта йирик округга бўлинганды.** Округларга маҳаллий маъмурият устидан назоратни амалга оширувчи **округ тафтишчи - подшонинг ноиблари** бошчилик қилғанды. Вилоятлар, округлар, уездлар сони кўпайтирилғанды.

Вилоятлар ва уездлар тепасида марказдан тайинланган **учта чиновник** - ҳукмдор ва унинг фуқаролик ва ҳарбий ишлар бўйича ёрдамчилари турган. Маҳаллий маъмурият фаолияти марказдаги **назоратчилар** томонидан назорат қилинганды.

У Ди вафотидан сўнг Хитойда аҳвол янада оғирлашган. Қуллар ва меҳнаткаш халқнинг сабр косаси тўлиб, мамлакатда даҳшатли кўзғолоннинг бошланиши хавфи туғилғанды. Милоддан аввалги I асрнинг иккинчи ярмида аҳвол шундай даҳшатли тус олганки, бундан подшо ва ҳукмдор табақа вакиллари чўчиганды. Улар меҳнаткашларга ён берив,

баъзи ижтимоий ва иқтисодий **ислоҳотлар** ўтказишга мажбур бўлганлар. Бу жиҳатдан Дун Чжун-шу, Ван Чун ва Ван Ман ислоҳотлари диккатга сазовордир. Дун Чжун-шу катта ерларнинг бир киши кўлида бўлишини тақиқлашни, туз ва темирга нисбатан якка ҳокимликни бекор қилишни таклиф этган. У қулдорларнинг ўз қулларини ўлдиришларини бекор қилиб, қулликни битиришни, солиқларни камайтиришни, ҳарбий ва ортиқча меҳнат мажбуриятларини енгиллаштиришни талаб қилган.

Синфий зиддиятларни тепадан туриб ислоҳотлар йўли билан юмшатишга қаратилган анча дадил уриниш милоддан 8 йилда сарой тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига келган Ван Ман томонидан қилинган эди. Ван Ман милоднинг 9 йилида ўзини "Янги" сулоланинг императори деб тантанали суратда ҳаммага аён қилган ва қатъий ислоҳотлар сиёсатини ўтказиш ниятини эълон қилган. Конфуцийлар ислоҳотларнинг гоявий илҳомлантирувчилари бўлишган.

Ислоҳотларнинг моҳияти қўйидагиларни ўз ичига олган. Уларга кўра йирик ер эгаларига қарашли ерлар мусодара этилган. Мамлакатдаги барча ер "подшо ери" деб эълон қилинган. Ерларни қайта таҳсим қилишга, ер эгалигини чеклашга ҳаракат қилинган. Шулар билан бир вактда жамоа ер эгалигининг қадимий тизими қайта тикланган. Ер ва қулларни олиш-сотиш ман этилган. Шу билан бирга қулларни "шахсий қарам кишилар" деб аташ буюрилган. Бу Хитойда қулчиликни бекор қилиш ҳақидаги биринчи қадам эди. Бирор Ван Ман хусусий қулчиликка қарши кураш олиб бориб, давлатнинг кул эгалигини чеклашга мутлақо ҳаракат қilmай, балки, ҳатто давлатнинг қулга эгалигини унинг қонуний ҳуқуки сифатида асослашга уринди. Давлат қулларининг сони кўпайди. Улардан армия тузила бошланди.

Бир неча марта пул ислоҳотлари ўтказилди, янги солиқлар жорий қилинди, баъзи солиқлар камайтирилди, бозор нархларини тартибга солиши ва ссуда фоизларини қатъий белгилаши лозим бўлган маҳсус бошқармалар таъсис этилди. Буларнинг ҳаммаси барча даромад манбааларининг, хусусан, ссуда операцияларининг катта қисмини давлат кўлида тўпланишига имкон туғдирди.

Ван Ман кучли бюрократик империя тузишга интилган. Давлат аппарати ўсган, мансабларни сота бошлаган. Дав-

лат хизматчилари мансабларни эгаллаш учун имтиҳон топширганлар. Бунда улар Конфуций таълимотини мукаммал билишлари лозим эди. Бу тадбирлар эски уруғчилик ва чиновниклик аслзодаларнинг кудратини синдириган ва бойиган савдогарларнинг, хунармандларнинг, аслзода бўлмаган дехқонларнинг давлат бошқарувига кириб келишини таъминлаган. "Янги қонунлар"ни бузганлик учун қаттиқ жазолар жорий қилинган ва ўн минглаб кишилар қатл этилган ёки давлат қулларига айлантирилган.

Лекин Ван Ман ислоҳотлари охиригача етказилмаган, ўйланган натижаларни бермаган ва зодагонлар, нуфузли кишилар ҳамда ҳарбийларнинг қаршилигига учраган. 12 йилда ер ислоҳоти бекор қилиниб, қул савдосига яна рухсат берилган. Ислоҳотлар синфий қарама-қаршиликларни бўшашибирмади, аксинча, уларни чуқурлаштириди ва кескинлаштириди, мамлакат иқтисодиётининг бузилишига олиб келди. Ислоҳотларнинг амалга ошмаганлиги, курсоқчилик, чигиртка босиш натижасида рўй берган ҳосилсизлик очлик ва ниҳоясиз жабр-зулмлар меҳнаткаш омманинг сабр-косасини тўлдирган. Бу ҳол Хитойда подшо ҳокимиётига, заминдор зулмкорларга қарши ҳалқ харакатининг бошланишига олиб келган. 18 йилда бошланган ва "қизил қошлар" номи билан машҳур бўлган қўзғолон ана шундай харакатлардан бири эди. Қадимги Хитой йилномаларида ёзилишича, қўзғолонда Ван Ман томонидан ағдариб ташланган Хань сулоласи вакиллари ҳам қатнашган. Уларнинг асосий мақсади ўз ҳокимиётлари қайта тикланишига эришиш эди. 23 йилда Хань сулоласи таҳтни қайтадан эгаллаб, Ван Маннинг фармонлари ва буйруқларини бекор қилган. Мамлакат иқтисоди барқарорлаша бошлаган. Давлат аппаратида муҳим ўзгаришлар юз берган. Мамлакатни идора этиш бўйича функциялар бешта маҳкама ўртасида тақсимлаб олинган, император хузурида **олий маслаҳатчи орган - императорлик кенгаши** тузилган.

II асрнинг иккинчи ярмида Хитойда яна оғир вазият вужудга келади, сиёсий гурухлар ўртасидаги кураш чукур сиёсий инқизозга олиб келади. Мамлакатнинг хўжалик тизими тушкунликка учрайди. 184 йилги кучли "сариқ рўмолликлар" қўзғолони бутун мамлакатни қамраб олган. Қўзғолон ҳукумат қўшинлари томонидан катта талофотлар эвазига зўрға бостирилган. Жанг натижасида 80 мингдан ортиқ

киши ҳалок бўлган, ерлар бўшаб қолган, баъзи йирик шаҳарлар вайрон этилган. 188 - 207 йилларда ҳам Хитойнинг кўп жойларида кучли қўзғолонлар бўлиб ўтган. Аммо уларнинг ҳаммаси хукумат қўшинлари томонидан шафқатсизларча бостирилган. Лекин шунга қарамай, қўзғолонлар Ханъ салтанатини заифлаштириб юборган ва охир оқибатда унинг қулашига олиб келган. 220 йилда Ханъ подшолиги Вей, Шу ва У каби давлатларга бўлиниб кетган. Бу Хитой тарихида **Уч подшолик даври** деб аталади. Шу билан қадимги Хитой тарихи ўз ниҳоясига етган.

6. Қадимги Хитойда хуқуқнинг асосий белгилари

Қадимги Хитой хуқуқий тизимининг муҳим хусусиятларидан бири шунда эдики, бу ерда хуқуқнинг шаклланишида иккита бир-бирига қарама-қарши фалсафий диний-хуқуқий таълимот - **конфуцийлик ва легизм** ўртасидаги foявий кураш жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Қадимги Хитойда умуман хуқуқнинг ривожланишида, хусусан, унинг foявий асослари, тамоилилари ва институтларини, шунингдек хуқуқни кўллаш механизмини, хитойликлар томонидан ань-анавий хуқуқни тушунишларининг ривожланишида конфуцийликнинг ахлоқий-сиёсий, диний ақидалари ва легизмнинг сиёсий-хуқуқий концепцияси ҳал қилувчи омил бўлган.

Қадимги Хитой фалсафий-сиёсий мактабининг ушбу икки умумий белгиси уларнинг сиёсий мақсадга қаратилганлигига, хитой жамияти ҳаётининг "оқиллик", "адолатлилик" асосларида ташкил этишга қаратилганлигига бўлган. Лекин уларнинг ҳар иккиси "оқил", "адолатли" жамият тушунчаларини ҳар хил тушунганлар. Бу эса улар ўртасидаги охир оқибатда келишувчилик билан тугаган кескин курашни келтириб чиқарган.

Қадимги Хитой хукуки ривожланишида учта босқиччини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи босқич Шань (Инь) ва қадимги Чжоу даврига тўғри келиб, бу даврда Хитойда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда **одоб-аҳлоқ меъёрлари (ли)** асосий роль ўйнаган. Улар (ли)да Хитой жамияти аъзолари билан ҳукмдор - ван ўртасидаги муносабатлар ва ички оиласи муносабатлар белгиланган. Бундай меъёрлар ота-оналарни, катталарни ҳурмат қилиш, аслзо-

далар олдида таъзим қилиш, ванга садоқатли бўлиш руҳи билан суфорилган.

Хуқукий меъёрлар бу вақтда диний-ахлоқий меъёрлардан ажратилмаган, улар билан бирга ҳаракат қилган. Шу билан бирга ван ҳокимиятининг мустаҳкамланиб бориши билан хукмдорнинг, яқинларининг, олий чиновникларнинг фармойишлари ва буйруқлари катта аҳамият касб этиб борган, уларни бажариш мажбурлаш кучи билан таъминланган.

Милоддан аввалги VI асрда хитойликлар орасида асрлар давомида шубҳасиз катта обрў-эътиборга сазовар бўлган Конфуций ўз таълимотини яратган. **Конфуцийликнинг асосий фалсафий ғояси** - уйғунлик ғояси бўлиб, унга кўра, уйғунлик умумий космогоник¹ тартибининг, дунёдаги мувозанатнинг ва, демак, одамлар баҳтининг асосий шартидир. Бу ғоя ўз ичига одамлар ва табиат ўртасидаги уйғунлик сингари, одамларнинг "табиий тартибга", яъни яхши фазилатлар ва ахлоқ-одобга мос келиши лозим бўлган юриш-туришларида ифодаланадиган ўзлари орасидаги уйғунликни ҳам қамраб олади.

Конфуцийликда адолатли тартибни ушлаб туриш воситаси қонунга эмас, балки анъаналарга, ахлоқ-одоб меъёрларига риоя этиш ҳисобланган. Ахлоқ-одоб меъёрлари, анъаналар барча "ўлчов"ларга риоя этишга асосланадиган, ўз навбатида инсонни ён беришга, келишишга ундейдиган юксак ахлоқ-одоб тимсолини мустаҳкамлайди.

Конфуций таълимотига асосан, "Аллоҳнинг амри" билан тузилган уйғун жамият - гурӯхлар йифиндиси (одамлар бирлашмаси) бўлиб, бунда улардан ҳар бири ўзларига ажратилган функцияларни максимал даражада амалга оширишлари учун ижтимоий ва ҳуқукий шароитларда яшашлари лозим. Бундай бирлашманинг асосий ғояси - "**сюо" ғояси** - ўғилларча муҳаббат, катталарни, шунингдек мансаби бўйича юқори турувчиларни хурмат қилиш кабилар ҳисобланган.

Пухта ишланган диний маросимларда ўз ифодасини топган "ли"га қаттиқ риоя этишни талаб қилиш конфуцийларнинг алоҳида, легистлардан асосий фарқ қиласидиган, ҳар

¹ Космогония - астрономиянинг осмон жисмлари, уларнинг пайдо булиши ва узгаришлари ҳақидаги бўлими.

қандай ҳолларда риоя этиш, мажбурий суд ҳимояси қаттиқ талаб қилинмайдиган яхши хулқ-автор намуналари сингари қонунчилик шаклига қандайдир мезонлар сифатида қарашини белгилайди.

Қадимги Хитой ҳуқуқи ривожланишининг 2-босқичида, яъни Чжанъго давридан (милоддан аввалги V-III аср) бошлаб мунтазам жазо комплексига эга бўлган ҳуқуқнинг роли кучайган. Бу даврда легизмнинг энг ёрқин вакили Шан Ян томонидан ҳалқ ва давлатни бошқариш ҳақидаги легистларнинг муқаммал таълимоти яратилган. Шан Ян ҳукмдорнинг мутлақ ҳокимиятини ёқлаб чиққан. Унингча, ҳукмдор қаттиқ ўрнатилган, муҳокама қилинмайдиган қонунлар ёрдамида барча фуқароларнинг ҳаётини белгилаши лозим.

Легистлар одамларни қаттиқ жазолар доирасидан ташқарида яшавлари бефойдалиги ва мумкин эмаслиги фояларини тарғиб қилганлар, "яхши бошқарув"ни таъминлайдиган эҳтиёт чораларининг ва жамоавий жавобгарликнинг зарурлигидан келиб чиққанлар, жазо чораси ва содир этилган жиноятнинг оғирлиги ўртасида қандайдир боғлиқлик бўлишини тан олишдан воз кечганлар. Уларнинг фикрича, ҳатто подшонинг буйруқларини озгина бўлса-да бузишлик учун оғир жазо берилиши лозим. Легистлар қонун олдида ўзига хос "тengлик"ни, содир этилган жиноятлар учун жазоларнинг муқаррарлигини тарғиб қилиб, кучли марказлашган ҳокимииятни мустаҳкамлаш шиори остида зодагонларни, турли князликларнинг чиновникларини эски, уруғчилик имтиёзларидан маҳрум этишга ҳаракат қилганлар. Жазоларнинг жуда қаттиқлаштирилиши, уларнинг муқаррарлигини талаб қилиниши давлатга қарши жиноятлар тушунчасининг ривожлантирилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлганлиги ҳам тасодифий ҳол эмас, албатта.

Милоддан аввалги III асрнинг 2-ярмида қадимги Хитой ҳуқуқининг анъанавий белгилари ва институтларининг қарор топишига янги туртки берган иккита мафкуранинг қарама-қарши кураши жуда кескинлашган. Легизм биринчи Хитой империяси - Цинь давлатининг (милоддан аввалги 221-207 йиллар) расмий мафкураси бўлиб қолган. Легистлар ҳокимият тепасига келгач, ўзларининг ҳуқуқий қарашларини ҳаётга тадбиқ этганлар ва конфуцийликка қарши қаттиқ кураш олиб борганлар, конфуцийликка оид китобларни йўқ қилганлар. Ривоятларга қараганда, Цинь им-

ператори Шихуандиң милоддан аввалги 213 йилда конфуцийларнинг китобларини ёқиб юборишга буйруқ берган, конфуцийлик оқимига мансуб 400 та олимни қатл эттирган.

Хан сулоласининг ўрнатилиши билан қадимги Хитой ҳуқуқининг ташкил топишидаги охирги З-босқич (милоддан аввалги III аср - милоднинг III асри) - конфуцийларнинг расман ғалабаси босқичи бошланган. Бу вақтда легизм ва конфуцийликнинг қўшилиб кетиши натижасида янги таълимот - ортодоксал Ҳанъ конфуцийчилиги майдонга келган. Унинг асосий мақсади ўша вақтда тўпланган билимлар асосида мавжуд ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тузумни қадимги Хитой жамиятининг яشاши ва сақланиб қолиши мақсадларига тўлиқ жавоб берадиган маъқул ва оқилона тузум сифатида оқлаш ва абадийлаштиришдан иборат эди. Бу мағкуранинг ҳукмрон ғояси одамларнинг тенгсизлигини, уларнинг ижтимоий, табақавий, хизмат мартабасидаги фарқларини, шунингдек, оиласда тутган ўрнидаги, жинсий, ёшидаги ва бошқа фарқларини оқладиган конфуцийлик ғояси бўлган. Бу фарқларнинг ўзгармаслиги "ли"нинг қаттиқ аҳлоқ-одоб меъёрлари, расман тан олинган маросимлар ёрдамида жамиятда, оиласда одамларнинг юриш-туришларини пухта тартибга солишга хизмат қилиши лозим бўлган.

Ортодоксал конфуцийлик қонунни, қаттиқ жазоларни рад этмаган, у қаттиқкўллик ва шафқатсизлик бирга қўшиб олиб борилишини назарда тутган. Демак, аҳлоқ ва ҳуқуқ мос тушган. Аҳлоқ юриш-туриш, ҳулқ-атвор андозасини белгилаган, ҳуқуқ эса жазолар ёрдамида ундан бўйин товлашни тақиқлаган.

Конфуцийлик аҳлоқида ҳукмрон бўлган меъёрлар бундан буён куч билан, **қаттиқ қонун ("фа")** жазоси билан ўрнатилиши лозим бўлган. Бу ортодоксал конфуцийликнинг қуидагича қисқа ва аниқ қоидасида ҳам ўз аксини топган: "қаерда "ли" камлик қилса, ўша ерда "фа"ни қўллаш лозим, ёки нима "фа" бўйича жазоланса, у "ли" бўйича рухсат этилмайди, нимага "ли" бўйича рухсат этилган бўлса, уни "фа" бўйича жазолаш мумкин эмас".

Конфуцийлик ва легизмнинг қўшилиши шунга олиб келдики, "ли" меъёрлари энди мажбурийлик ва расмийлик характеристерини олган, ҳуқуқка эса ўша вақтда муқаддаслаштирилган кўпгина конфуцийлик асарлари - **"Чкоу ли", "Или", "Ли ҳзи"** кабилар кўчирилган. Бу асарларда милод-

дан аввалги I минг йиллик 2-ярми бошларидаёқ конфуцийларнинг аҳлоқ меъёрлари системалаштирилган ва мустаҳкамланган эди.

Хукуқ ман- Маълумотларга қараганда, биринчи ёзма балари. қонунлар Хитойда Шань давлатида пайдо бўлган. Қадимги даврлардаёқ Хитой подшо-лари томонидан чиқарилган қонунлар ва фармойишларнинг тобора кўпайиб бориши ҳукуқда қарама-қарши меъёрларни келтириб чиқарган ва улардан фойдаланишни қийинлаштирган. Оқибатда ҳукуқни кодификация қилиш зарурияти туғилган. Милоддан аввалги X асрда Чжоу давлатида ван - **Му** томонидан 3000 та моддага эга бўлган **Жиноят кодекси** - жазолар ҳақидаги қонуннома ишлаб чиқилган. Қонунномада айни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар ҳақида гапирилган, эҳтиётсизликдан ва қасддан қилинган хатти-ҳаракатлар бир-биридан ажратилган. Қонуннома алоҳида суд қарорлари ёзуви бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас, унда аввало одат ҳукуқи меъёрлари мустаҳкамланган.

Хитойда ёзма қонунларнинг бир мунча кенг тарқалиши милоддан аввалги VI-V асрларга тўғри келади. Бу қадимги хитой жамиятининг табақалашуви кучайиши билан боғлиқ. Милоддан аввалги VI асрда Лу подшолигида қабул қилинган ер солиғи ҳақидаги жамоа ер эгалигининг тугатилганлиги ва хусусий ер эгалигининг ўрнатилганлиги ҳам бе-жиз эмас.

Қадимги Хитойда айниқса Чжанъго даврида қонунчилик фаолиятининг жуда теъз ривожланиши эслатиб ўтилади. Бу милоддан аввалги V-III асрларда алоҳида хитой подшоликлари ўртасидаги оғир ва тинимсиз курашлар шароитида сиёсий аҳволни барқарорлаштириш мақсадларида қонунлардан фойдаланиш зарурияти билан боғлиқ.

Қадимги Хитойда милоддан аввалги 536 йилга тааллуки **“Конунлар обзори”** илк ёзма қонунларга ёрқин мисол бўла олади. Унда жиноятлар учун жазоларнинг қўйидаги бешта тури: тамға босиш, бурнини кесиш, битта ёки иккала оёгини кесиш, кастрация (ахталаш, бичиш) ва ўлим жазоси бериш назарда тутилган эди. Бу жазолар кейинчалик энг кўп тарқалган жазо турлари бўлиб қолган.

Милоддан аввалги V-IV асрларда легистларнинг илфор вакилларидан бири Ли Куй томонидан тузилган **“Вей под-**

шолиги қонунлари китоби" қадимги Хитойдаги илк қонунлар түпламларидан мұхими ҳисобланади. У қүйидагича олтита боб: ўғрилар ҳақидаги, босқинчилар ҳақидаги, зинданда сақлаш ҳақидаги, жиноятчиларни тутиш ҳақидаги, қатл этиш ва қийнаш қуроллари ҳақидаги қонунлардан иборат.

Бу түплам келажакда шундай қонунлар түпламлари ишлаб чиқыш тажрибасини бошлаб берган. Милоддан аввалги III-II асрларда Хань даврида Хитойда қадимги қонунларни баён қилиш, ёзиш, шарҳлаш ва қайта тиклаш бүйича жуда катта ишлар амалға оширилган. Бу вақтга келиб "Вей подшолиги қонунлари китоби" қатор боблар билан, жумладан, ҳарбий ишлар ҳақидаги, давлат от-улови ҳақидаги ва молия ҳақидаги хукуқ меъёрлари билан түлдирилган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ёзма қонунларнинг пайдо бўлиши **одат хукуқи** меъёрларининг тугатилишига олиб келмаган. Қадимги Хитой давлати ривожланишининг барча босқичларида одат хукуқи мұхим ўрин тутиб, ижтимоий муносабатларнинг кўп томонларини, жумладан ер муносабатларини тартибга солиб турган.

Мулк Хитой анъанавий хукуқида хусусий хукуқ меъёрхукуқи. лари мустақил ривожланмаган. Лекин шунга қарамай Чжоу даврининг охирларидан бошлаб (милоддан аввалги IV-III асрларда) "ю" феъли "мулкка эга бўлиш" деган маънени билдирилган.

Шан (Инь) ва Фарбий Чжоу даврида ерлар подшо (ван)-нинг мулки ҳисобланган. Подшодан мукофот, инъом тариқасида ер олганлар ундан фақат фойдаланиш хукуқига эга бўлганлар. Фарбий Чжоу даврида эгаликдаги ерларнинг хусусий мулкка айланиши тенденцияси сезила бошланган. Милоддан аввалги I аср ўрталаридан қатор подшоликлар ер олиш-сотиш ҳақида битимлар тузা бошлаганлар. Ерлар сотиладиган ва сотиб олинадиган, майда участкаларга бўлинадиган ёки айрим шахслар кўлида тўпланадиган бўлган. Лекин ердан фойдаланиш хусусий бўладими ёки жамоа асосида бўладими, унга эгалик қай тарзда бўлишидан қатиғ назар, ер барибир давлатники бўлган. Ер ундан фойдаланувчиларга - вақтинча эгалик қилиб турувчиларга тўлиқ хусусий мулк бўлиб ўтмаган. Цинь даврига келиб ерларни қайта тақсимлаш ва унинг янги зодагонлар кўлига ўтиши

ҳисобига хусусий мулкка асосланган ер эгаликлари жадал ривожланган.

Қадимги Хитойда ерлар билан бирга мулк ҳуқуқининг муҳим обьекти қуллар бўлган. Шан (Инь) даврида қуллар чорвага тенглаштирилган. Улар давлат мулки ҳисобланган, қуллар гарчи хусусий шахслар эгалигида бўлса-да, ҳали уларни олиш-сотиш бўлмаган. Чжоу даврида эса кул айирбошлаш, олиш-сотиш мумкин эди. Милоддан аввалги V-III асрларда икки тоифадаги қуллар: давлат қуллари ва хусусий қуллар мавжуд эди. Бу вақтда хусусий кул эгалиги тобора катта аҳамият касб этган. Айниқса Цинь даврида қул савдоси жуда кенг тарқалган. Милоднинг I асрида император Уди барча давлат қулларини озод қилиш ҳақида ёрлиқ чиқарган. Хитойнинг қатор вилоятларида очлик туфайли ўзини қулликка сотганлар ва мажбуран қулга айлантирилганлар, шунингдек, зўрлаб сотилган аёллар озод қилинган.

Қадимги Хитойда қишлоқ жамоаси тез емирила бошланган бўлса-да, милоддан аввалги I асрда жамоа ҳали ўз ер эгалигини сақлаб қолган, ер билан боғлиқ шартнома муносабатларида иштирок этган.

Хитойда энг қадимги вақтлардан бошлаб деҳқончиликнинг ривожланишини рағбатлантириш мақсадларида ҳар кимда эгасиз ва ташландик ерларни эгаллаш ҳуқуки мавжуд бўлган. Маълум муддат ўтганидан сўнг бундай ерлар уларни ишловчиларининг хусусий мулки сифатида кадастрага ёзиб қўйилган.

Шундай қилиб, қадимги Хитойда ерга нисбатан давлат, жамоа ва хусусий мулкчилик шакллари мавжуд бўлиб, вақт ўтиши билан мулкка эгаликнинг охирги шакли тобора ривожланиб борган.

Мажбуриятлар. Қадимги Хитойда мажбуриятларнинг шартномалардан келиб чиқадиган тури кенг тарқалган. Ҳуқукий манбаларда шартномаларнинг хилма-хил турлари эслаб ўтилган. Дастребаки шартномалардан бири **айирбошлаш** бўлиб, у астасекин ўз ўрнини **олди-сотди шартномасига** бўшатиб борган. Ерни олиш-сотиш билан боғлиқ шартномалар кенг тақалган. Манбаларнинг хабар беришича, милоднинг I асрида аёллар ва давлат қуллари ҳам ерларни олиш-сотиш шартномасини тузишлари мумкин бўлган. **Ҳадя шартномаси**

ҳам жуда кўп учрайдиган шартномалардан эди. Ерларни, қулларни, араваларни, қурол-яроғ ва бошқа мулкларни ҳадя қилиш тез-тез бўлиб турадиган ҳодиса эди. Чжанъго даврида **Қарз шартномаси** бўлганлиги маълум, судхўрлик ривожланган. Қарз шартномаси қарздорлик тилхати билан расмийлаштирилган. Тўлов муддатини кечикириш, гаровга қўйиш, ёзма мажбуриятлар бериш ҳоллари ҳам маълум. Қарз шартномасининг ривожланиши қарздорлик қулчилигининг пайдо бўлишига олиб келган. Милоддан аввалги V-III асрларда **ерни ижарага бериш шартномаси** айниқса тез-тез туғилиб турган. Бундан кейинги вакъларда шунингдек **шахсий ижара шартномаси** кенг тарқалган эди. Уларнинг шартлари асосан одат ҳуқуки билан тартибга солинган.

Никоҳ-оила Қадимги Хитойда оила патриархал харакава мерос. терга эга бўлган. Катта оиласидаги алоқалар

мустаҳкамлиги билан ажралиб турган. Катта оила тепасида оиласидаги энг катта эркак турган. Унга оиласининг барча аъзолари: хотинлар ва жазманлар, ўфиллар ва набиралар, уларнинг хотинлари ва болалари, қуллар ва хизматчилар бўйсўнганлар.

Оила бошлиғи унинг мутлақ ҳукмдори, мулкининг хўжайини сифатида майдонга чиққан. У итоатсиз оила аъзоларини жазолаш ҳуқуқига эга эди.

Ерга нисбатан хусусий мулкчиликнинг ривожланиши билан катта оиласидаги алоқалар заифлаша бошлаган. Бу жарёён легистлар сиёсати билан тезлаштирилган. Милоддан аввалги 356-350 йилларда Шан Ян кучли марказлашган ҳокимият ташкил этиш йўлида тўсиқ ҳисобланган нуфузли катта оиласарнинг, оиласидаги уруғ-аймоқларнинг ажралиб чиқишлирага қарши курашиб, уларни мажбурий суратда бўлиб юборишига қаратилган сиёсат юргизган. Бироқ катта оила ижтимоий-хўжалик ячейкаси сифатида кейинги асрларда ҳам сакланиб қолган.

Никоҳ-оила ҳуқуки асослари конфуцийлик таълимоти асосига курилган эди.

Никоҳ тузиш учун қатор шартларга риоя этиш талаб қилинган. Никоҳ томонларнинг ота-онаси ёки куёвнинг ўзи томонидан тузилган ва хусусий битим сифатида расмийлаштирилган. У бузилган тақдирда нафақат моддий жавобгарлик келиб чиққан, балки оиласидаги катталарга нисбатан жиноят тартибида жазо берилишига ҳам сабаб бўлган.

Дастлабки пайтларда Хитойда (Шан (Инь) даврида) қариндошлар ўртасидаги никохга йўл қўйилган эди. Лекин кейинчалик бу тақиқланган ва ҳатто билмай қариндош оиласлар аралашиб кетмаслиги учун келин ва куёв битта фамилияда бўлмасликлари лозим бўлган. Хитой жамиятида оиласвий фамилияларнинг камлиги бу кескин қоидага маълум истисно қилинишини белгилаган. Масалан, "иккинчи даражали хотин" сотиб олишда бир хил фамилияда бўлишлик тўсқинлик қилмаган (Ли цзи, I китоб).

Ли цзининг V китобида никоҳ ёшининг ўзига хос қуи ва юқори чегараси: эркаклар учун 16 ёшдан 30 ёшгача, аёллар учун 14 ёшдан 20 ёшгача қилиб белгиланган. Бунга амал қилинишини давлат ҳам назорат қилиб турган. Шу мақсадда Чжоу ли (XI китоб)нинг хабар беришича, маҳсус чиновник никоҳ ёшининг энг охирги чегарасига етиб келган эркаклар ва аёлларнинг рўйхатини тузган. Қоидага кўра, 30 ёшга тўлган бўйдок эркаклар 20 ёшга тўлган қизларни хотинликка олишлари лозим бўлган.

Оиласвий муносабатларда хотинининг эрга нисбатан садоқатли, вафодор бўлишлиги қаттиқ талаб қилинган. "Бир хотинга бир эр" деган тамоийл ўрнатилган эди. Лекин эр "иккинчи даражали" хотинларга ва жазманларга (айниқса хотини тұғмайдиган бўлса) эга бўлиши мумкин эди. Уларнинг нечтагача бўлиши мумкинлиги эркак кишининг ижтимоий ҳолатига қараб белгиланган (Ли цзи, XIV китоб; Чжоу ли, VII китоб). Никоҳ тузишга тўсқинлик қиладиган қатор сабаблар санаб кўрсатилган. Хотин эри ўлганда янги никохга кириши учун маълум мотам муддати ўтишини кутиши лозим. Худди шунингдек бева хотин собиқ эрининг ота-оналари вафот этганда ҳам юқоридаги тартибга амал қилишга мажбур бўлган. Жиноят содир қилган шахслар билан никохга кириш тақиқланган. Юқори табақадагиларнинг паст табақадагилар билан никохга кириши ман этилиб, бунинг учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган. Айниқса, эркин кишиларнинг қуллар билан никохга кириши қатъий тақиқланган. Эркин киши қул аёлни хотинликка олса, ўғри сифатида жазоланган.

Қадимги Хитой анъанавий ҳуқуқида никохни бекор қилиш учун қаттиқ чеклашлар ўрнатилмаган. Унда "эр-хотинлик бурчини бузганлик учун" ҳатто жиноий жавобгарлик назарда тутилиб, арзимаган ҳолатларда никохни бекор қилиш

мумкин бўлган. Ҳақорат қилиш, уриш, тан жароҳати етка-зиш ва бошқа йўллар билан эр-хотиннинг бир-бирига ва қариндошларига зарар етказиши "эр-хотинлик бурчини бузганлик" сифатида қаралган. Никоҳни бекор қилишни фа-қат эр-хотин эмас, балки уларнинг оила аъзолари ҳам та-лаб қилиши мумкин эди. "Ли"да эрнинг ташаббуси билан никоҳни бекор қилишга асос бўлган қатор ҳолатлар санаб ўтилган. Бунга кўра, агар хотин "авлодларнинг умидини оқламаса", қайнона ва қайнотага қулоқ солмаса, наслсиз, суюқоёқ, хасадгўй, вайсақи, оғир касал бўлса, шунингдек, оила мулкидан ўғрилика фойдаланса, эр жазо бериш билан қўрқитиб никоҳни бекор қилиши мумкин эди.

Хотиннинг никоҳни бекор қилиш ҳуқуқи жуда чекланган. Коида бўйича, хотин эри билан "ердаги ҳаётда ҳам ва на-риги дунёда ҳам" бирга қолиши лозим (Ли цзи, XI китоб). Хотиннинг икки марта турмуш куриши амалда мумкин эмас эди. Бироқ эр ҳам асоссиз никоҳни бекор қилишни талаб қилса, қаторга ишларига маҳкум этилган. Агар хотиннинг борадиган жойи бўлмаса ёки эрининг ота-онасининг мотам маросимлари ўтаётган бўлса, эр никоҳни бекор қила олма-ган. Бундан ташқари, хотин томонидан оғир жиноятлар ва ҳиёнатдан бошқа ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар содир этил-ганда, эр уни кафилликка олиши лозим бўлган.

Оилада ота нафақат хотин устидан, балки унинг бошқа аъзолари, жумладан, болалар устидан ҳам ҳукмронлик қил-ган. Ота катта ўғлидан ташқари бошқа фарзандларини со-тиши мумкин эди. Катта ўғил оилада бошқа болаларга нис-батан қатор имтиёзлардан фойдаланган. Хитойда ота, она, отаси бўйича бува ва буви томонидан ўғилни, набирани, келинни уриш-калтаклаш оқибатида уларнинг ўлимига са-баб бўлса, ҳеч қандай жазо чораси назарда тутилмаган. Бу тартиб Хитойда то XIX асрғача сақланиб қолган.

Оила аъзолари, айниқса, аёллар зиммасига вафот этган қариндошлари учун маълум муддат мотам либосларини ки-йиб юриш мажбурияти юкланган. Бунга амал қилмаслик "оилавий" жиноят ҳисобланган. Катта оиладан рухсатсиз алоҳида ажralиб чиқишига ҳаракат қилган ёки оила мулкини рухсатсиз ўзиники қилиб олган ўғиллар, набиралар ҳам жа-золангилар. Оилада қариндошлилик алоқалари, катта ёки кичик ёшда бўлишлик "оилавий" ва бошқа жиноятлар учун бериладиган жазонинг оғир-енгиллигига таъсир қилган.

Масалан, отанинг ўғил мулкини ўғирлаши жиноят ҳисобланмаган, аммо оиласининг каттаси ҳатто жиноят қилганда ҳам буни оила аъзоларидан бири бировга хабар берса, қаттиқ жазога тортилган.

Мерос ҳуқуқида аввало болалар, набиралар ва улар бўлмаса бошқа қариндошлар қонуний меросхўрлар сифатида чиқканлар. Оиласда катта ўғил мерос олишда катта имтиёзга эга бўлган. Ота ўлганидан сўнг оила мулки унга ўтган ва у оила бошлиғига айланиб, бошқа оила аъзолари устидан хукмронлик қила бошлаган.

Жиноят Қадимги Хитойда ҳуқуқнинг ривожланиши **ва жазо.** кўпроқ жиноят ҳуқуқи ривожланиши билан боғлиқ эди. Қадимги Хитойда жиноят тушунчалиси инсон жиноий иродасининг намоён бўлиши билан боғланади. Ҳуқуқбузар шахсга "пасткаш инсон" сифатида қаралган. Унинг "пасткашлиги" шу билан белгиланганки, у ўзининг ҳалокатли, жиноий иродаси билан ўзи яшаб турган, ўзи тааллукли бўлган ижтимоий груҳдаги, жамиятдаги, табиатдаги үйғунликни, тартибни ва ҳатто содир этган жинояти характеристига қараб бутун дунёни бузиб юбориш мумкин, деб ҳисобланган.

Ахлоқ-одоб меъёрларининг устунлигини тан олишдан шу нарса келиб чиқадики, айбдорлик даражаси ва жазонинг оғирлиги хатти-ҳаракатнинг характеристига эмас, жиноятычининг маънавий ҳолатига, жиноий ҳаракатнинг оғирлигига эмас, жиноий ироданинг қанчалик шиддатли эканлигига мос бўлиши лозим эди.

Ханъ даврида "агар ирова эркин бўлса, инсон қонунни бузмайди" деган конфуцийлик тамойилига асосан Хитойда айб шакли ҳақидаги маҳсус таълимот юзага кела бошлаган, жазо чораларини белгилашда жиноий ирова ҳисобга олина бошланган. Жиноятычининг иродасини ҳисобга олишни талаб қилиш милоддан аввалги 120 йилги қонунда ҳам мустаҳкамланган. Бу талаб асосида Хитой худудида қасдан ва атайлаб, гараз мақсадларда содир қилинган жиноятлар ва буларсиз, шунингдек хато натижасида содир этилган жиноятлар бир-биридан ажратила бошланган. Тан жароҳати етказилганлик учун жазонинг оғирлиги жароҳат "ёвуз мақсадда" етказилганми ёки уришиш-ёқалашиб натижасида етказилганми шунга боғлиқ бўлган. Қасдан қилинган тұхмат учун

нисбатан оғирроқ жазо белгиланған бўлса, тасдиқланмаган қаҳимчилик учун эса анча енгил жазо назарда тутилган.

Қадимги Хитой жиноят ҳуқуқида тугалланган жиноят ва сүиқасд ўртасидаги фарқ ҳам ажратилган. Жиноятга сүиқасд қилиш жиноий ироданинг намоён бўлиши сифатида кўрилиб, анча енгилроқ жазо билан таъқиб қилинган. Бироқ жиноят ҳуқуқининг кўпгина умумий тамойиллари аниқ ҳаратат қилмаган. Натижада конфуцийларнинг қистови билан сүиқасд кўпинча тугалланган жиноят деб аталган. Масалан, яқин қариндошини ўлдиришга сүиқасд қилиш тугалланган жиноят деб ҳисобланган.

“Жиноий ирода” концепцияси жиноятда иштирокчилик ва гуруҳ жиноятчилиги каби институтларнинг мазмунини ҳам белгилаган. Янги эра арафасида жиноят ҳуқуқида маҳсус меъёр пайдо бўлиб, унга кўра, жиноят қилишга бевосита қасд қилган, уни режалаштирган шахс жиноий гуруҳ бошлиғи ҳисобланган. Агар жиноят олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, гуруҳ шахслар томонидан қилинган жиноят деб тан олинган, акс ҳолда жиноий гуруҳ иштирокчиларнинг ҳар бири алоҳида жиноят учун жавобгарликка тортилган. Жиноий гуруҳ иштирокчилари орасидан айби бошқаларга нисбатан айниқса оғир бўлган гуруҳ бошлиғининг - жиноят ташкилотчисининг ажратилиши конфуцийларнинг легистлар устидан ғалабаси эди. Зеро, юқорида эслаб ўтилган милоддан аввалги 120 йилда пайдо бўлган қонун легистларнинг жазолар универсаллиги ҳақидаги фояларига асосланган эди.

Жиноят ҳуқуқида айбни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар ҳақидаги ҳуқуқий қоидалар конфуцийларнинг куйидаги панд-насиҳатларида ҳам белгиланган: “Ота-оналарни ва қариндош-уругларни бошқалар олдида кўпроқ севиш, кексаларга ҳар жиҳатдан ҳурмат кўрсатиш, ногиронларга ҳамдард ва болаларга раҳмдил бўлиш лозим”. Шу муқаддас бурчлар нуқтаи назаридан 8 ёшдан кичик болалар ва 70 ёшдан катта кексалар тан жазоларидан озод этилганлар. Бироқ Хитой анъанавий ҳуқуқи ўз ҳаратини идрок эта олмаганлиги ёки ўз ҳаракатларини идора қила олмаганлиги туфайли жавобгарликдан озод этиш ҳоларини билмайди.

У ёки-бу ҳуқуқقا хилөф ҳатти-ҳаракатни жиноятлар рўйхатига қўшиш, улар учун жазоларнинг оғир-енгиллигини

белгилаш императорнинг субъектив хоҳиш-иродасига, конфуцийлар ва легистларнинг устунлик мавқеига ва шу каби қатор ҳолатларга боғлиқ бўлган. Жиноятлар рўйхати жуда майда бўлакларга бўлинган ва ноаниқ эди. Масалан, қарзини тўламаган қарздорлар, ичкилиkbозлиқ билан шуғулланувчилар ҳам жиноий жавобгарлика тортилганлар.

Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Чжоу даврида Му кодексида кўрсатилганидек, 3000 турдаги жиноят мавжуд бўлган. Буларнинг орасида давлатга қарши (исён, фитна), динга қарши (сехргарлик билан шуғулланиш, кулни кўчага ташлаш), шахсга қарши (одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш), мулкка қарши (ўғрилик, талончилик, бирорвнинг чорвасини сўйиш), ҳарбий (кўшин ий-филадиган жойга белгиланган муддатда етиб келмаслик, жангда қўрқоқлик қилиш) жиноятлар муҳим ўрин тутган. Давлатга қарши жиноятларга оғир жиноят сифатида қаралган. Цинъ подшолигида конфуцийларнинг тақиқланган адабиётларини сақлаш давлатга қарши оғир жиноятлардан бири ҳисобланган.

Милоддан аввалги IV-III асрларга оид чиновниклар учун мўлжалланган қўлланмаларда ибодатхоналардаги ўғрилик, диний маросимларга тегишли нарсаларни ўғирлаш, жароҳат етказиш, тухмат, армиядан қочиш каби жиноят ишларини кўриш ҳақида кўпгина мисоллар келтирилган. Конфуцийларнинг ахлоқ қоидалари асосида отага, оила каттасига бўйсунмаслик каби жиноятлар ҳам жуда эрта ажralиб чиққан эди. Қадимги вақтлардаёқ юқори ва қуий чиновникларнинг хизмат бўйича қилган хатолари ёки ножӯя қилмишлари учун анъанавий жавобгарлик ўрнатилган эди. Милоддан аввалги III асрда ўз хизматдошининг айбини билган ва бу ҳақда хабар бермаган чиновникнинг жиноий жавобгарлиги жорий қилинган. Қадимги Хитой жиноят ҳукуқи бўйича солик тўлашдан бош тортиш жиноят сифатида кўрилган, ичкилиkbозлиқ билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан ўлим жазоси назарда тутилган.

Қадимги Хитойда "бао" деган иборадан содир этилган жиноят учун ўч (қасос) олиш деган маънода фойдаланилган. Жиноят ҳукуқида ибтидоий жамоа тузумининг қолдиги сифатида талион тамойили бўйича ўч олишдан иборат бўлган қонли қасос олиш одати узоқ вақтгача сақланиб қолган. Хитой жамиятида синфий курашнинг кескинлашиб бориши

натижасида бу одат аста-секин жазоларнинг бошқа турлари томонидан сиқиб чиқарилган, бевосита давлат ҳокимияти органлари томонидан қўлланиладиган тан жазолари ва ўлим жазоси кенг тарқала бошлаган.

Жазо турлари турли даврларда бир-биридан жуда кам фарқ қилган. Инъ давлатида таёқ билан уриш, бурнини кесиш, оловда куйдириш, майда бўлакларга бўлиш, бошини кесиш, тириклайин ерга кўмиш, оёқларини, қўлларини узиш, кўзини ўйиш жазолари қўлланилган. Подшо Му Конунномасида жазоларнинг қуйидаги беш тури ажратиб кўрсатилган: 1) "мосин" (татуировка йўли билан юзга тамға босиш) - бу 1000 хил турли айблар учун қўлланган; 2) "исин" (бурунни кесиш) - бу ҳам 1000 хил турли айбларга нисбатан берилган; 3) "фэйсин" (оёғини кесиш) - 500 хил турли айблар учун; 4) "чужин" (эркаклар учун кастрация ва аёллар учун қулга айлантириш) - 300 турли айблар учун; 5) "данисин" (бошини кесиш) - 200 турли айблар учун. Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари Конунномада таёқ билан калтаклаш, қамчи билан савалаш, қулоқларини кесиш ва бошқа жазолар ҳам кўрсатилган.

Жиноят қонунлари жазоларнинг жуда оғирлиги билан характеристланади. Цинъ даврида қўрқитиш тамомила жазонинг асосий мақсади бўлиб қолган. Ўлим жазоси хилма-хил кўринишларда жуда кенг қўлланган. Қатл этилган шахснинг жасади кўпинча ҳаммага кўринадиган жойларга - боғзорда ёки катта йўлда дараҳтга осиб қўйилган. Маҳкумни белидан иккига бўлиб ташлаш тез-тез қўлланиб турган.

Айниқса сиёсий, давлатга қарши жиноятлар учун жуда оғир жазолар назарда тутилган. Бундай ҳоларда нафақат айборнинг ўзи, балки унинг отаси, онаси ва хотини тармоғи бўйича уч авлод қариндош-уруғлари ҳам жавобгар ҳисобланган. Ханъ империясининг дастлабки даврида маҳсус фармон чиқарилиб, бунга кўра, давлатга қарши жиноят содир этган шахснинг уч авлоди қирғин қилиниши назарда тутилиб, "сўнгги авлодга дастлаб татуировка йўли билан тамға босилган, сўнгра уларнинг бурунлари ва оёқлари кесилган, ундан кейин уларни таёқ билан ўлгунча уриш лозим бўлган. Уларнинг бошларини узиб, суяклари ва гўштларини таналаридан ажратиб олиб, бозор майдонларига осиб қўйганлар. Агар кимда-ким бундан норозилик билдириб, ҳукуматни танқид қиласа, унинг тили кесилган, сўнгра унинг

хотини ҳам шундай жазоланган". Жазо айбдорнинг отасига, онасига, болаларига, ака-укаларига, опа-сингилларига ҳам, ёшларидан қатыи назар, қўлланаверган. Жуда ёш болаларни ва ўта кекса кишиларни қийноқлар билан қатл этиш ҳоллари кўп бўлган. Мавжуд тузумга қарши фитна ва исёнларда иштирок этган шахслар қайнаб турган сувда ёки ёниб турган гулханда кўдирилган. Бундан ташқари ўлим жазосининг тириклайин кўмиб юбориш, бўлакларга бўлиб ташлаш ва ҳоказо усуллари кенг қўлланилган.

Шунингдек тан жазолари ҳам кўп ҳолларда берилган. Давлат қулига айлантириш одатда айбдор шахсларнинг уч авлодига нисбатан қўлланган.

Юқоридагилардан ташқари маълум муддатга каторга ишларига жўнатиш жазоси бўлиб, унинг берилиши учун маҳсус тартиб ўрнатилган эди. Бунда маҳкумнинг кўзи атрофи доира шаклида яшил рангта бўялиб, сочи тагидан олиб ташланган ва бўйнига темир ҳалқа тақиб қўйилган. Баъзан бунга таёқ билан калтаклаш жазоси ҳам қўшиб берилиган. Бамбуқ таёғи билан уриш мустақил жазо тури сифатида ҳам қўлланилган. Уни бармоқларни кесиш жазоси билан алмаштириш мумкин эди. Қамчи билан уришнинг сони 500 та, 300 та, 200 та ва алоҳида даврларда ундан камроқ бўлиши мумкин эди.

Жазоларнинг сургун, мансабидан бўшатиш ва жарима каби турлари ҳам мавжуд эди. Тан жазолари жарима тўлашга алмаштирилиши мумкин бўлган. Бунда албатта мулкдорларнинг манфаатлари назарда тутилган эди.

Ўлим жазоси ҳукми дарҳол ёки маълум муддат ўтгач ижро этилган. Гап шундаки, баҳорда ва ёзда, яъни табиат уйфонаётган даврда тирик мавжудотни ўлдириш табиат ва жамиятдаги уйғунликнинг бузулишига олиб келиши ва бунинг оқибатида сув тошқинлари, курсоқчилик ва бошқа табиий сув тошқинлари, курсоқчилик ва бошқа табиий оғатлар келиб чиқиши мумкин деб ҳисобланган (Конфуций таълимоти асосида). Шу сабабли ўлим жазоси ижроси кузда ёки қишида амалга оширилган. Лекин синфий курашнинг кескинлашган даврларида бу қоида тез-тез бузилиб турган, албатта.

Суд ва суд Қадимги Хитойда суд ҳокимияти маъмурий жараёни. ҳокимиятдан ажратилмаган. Асосий суд ишлари вилоятларнинг маъмурий бошлиқлари - "префектлар" томонидан кўриб ҳал этилган. Префект тўла суд ҳокимиятига эга бўлган; у барча турдаги жазоларни, жумладан, ўлим жазосини ҳам бера олган. Фақат "шубҳа туғдирадиган ҳолларда" префектлар ишни кўришни юкори турувчи суд ҳокимиятига тақдим этишлари лозим эди. Префектларнинг суд ҳокимияти полициячилик функциялари билан қўшилиб кетганди. Уларнинг мажбуриятига "жиноятнинг олдини олиш" ва "газандаларни тийиб туриш" ҳам кирган. Бунинг учун маҳаллий жойларда уларнинг полиция ёрдамчилари бўлган. Уларнинг кўлида эса норозиликларни бостириб туриш ва "қароқчиларни" тутиш учун маҳсус ҳарбий кучлар мавжуд эди. Полицияда кўплаб айғоқчилар хизматда турган.

Префектларнинг суд фаолиятини ҳукуматнинг таниқли чиновникларидан бири - "Буюк маъмур" кузатиб турган. Унга ҳар йилнинг охирида вилоятларнинг ҳукмдорлари ҳисобот берганлар. Бундан ташқари "Буюк маъмур" кузда ва қишида империянинг барча қисмларига жойларда жазоларнинг ягона услубларидан қандай фойдаланилаётганигини кузатиб туриш учун "адолатли чиновниклар"ни жўнатиб турган. Улар бу мақсадда маҳкум этилганларни сўроқ қилишлари мумкин эди. Бу назоратчилар маълум ҳолларда баъзи суд ишлари бўйича мустақил қарор қабул қилиш ҳукуқига эга бўлганлар.

Суд фаолиятини амалга оширишда империянинг олий чиновникларидан бири - "аддия бошлиғи" алоҳида роль ўйнаган. Унга "жазоларнинг берилиши", "суд қарорларининг адолатлилиги", "жазоларнинг содир этилган жиноятларга мос келиши" устидан назорат қилиб туриш вазифаси юклатилган.

Марказий бошқарувнинг кўпгина бошқа чиновниклари ҳам суд функцияларига эга бўлган. Турли даражадаги ҳарбий бошлиқлар кенг суд ҳукукларидан фойдаланганлар.

Энг олий суд ҳокимияти императорга тегишли бўлган. Император олий суд инстанцияси ҳисобланган.

Давлат суди билан бир қаторда оила бошлиғининг оила аъзолари устидан суд ҳокимияти ҳам мавжуд бўлган. Уй эгаси - оила бошлиғи - оила отаси хотини, болалари ва ўз

ҳокимияти остидаги бошқа қариндошларига жазо бериш соҳасида узоқ вақтгача чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлиб келган. Манбаларнинг хабар беришича, ота ўз ўғлини содир этган жинояти учун ўлдириши ёки ўзини-ўзи ўлдиришга буйруқ бериши мумкин эди. Отанинг ўз ўғлини ўлдириш ҳуқуқи милоддан аввалги I аср ўрталарида бекор қилинган, лекин унинг ўз болаларини сотиш ва уларга бошқа жазолар бериш, жумладан, оиласдан ҳайдаш ҳуқуқи сақланиб қолган.

Дастлабки тергов ва суд одатда айни бир шахс томонидан амалга оширилган. Бу - жиноят жараёнида ўзбошимчаликларга, суистеъмолликларга олиб келган ва айбланувчини жуда оғир аҳволга солиб қўйган. Жиноятларни тергов қилиш қадимги вақтлардаёқ маҳсус чиновник (линьши)га топшириб қўйилган эди. Тергов асосан шикоят қилиш ёки уезд ёхуд округ бошқармасига хабар бериш билан бошланган. Хабар бериш, айниқса ўғрилик ва одам ўлдиришга тааллуқли хабар бериш аниқ бўлиши талаб қилинган, акс ҳолда нотўри хабар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Хабар бериш "ҳуқуқи" шахснинг ижтимоий ҳолатига ва унинг қариндошлик алоқалари тизимида тутган ўрнига боғлиқ эди. Давлатга ва подшога қарши жиноятлар ҳақида барча кишилар хабар бериш ҳуқуқига эга бўлганлар. Ёлғон хабар беришлиқ қаттиқ жазоланган. Бундай ҳолларда хабар берувчига қандай жиноят ҳақида ёлғон хабар берган бўлса, ўша жиноят учун назарда тутилган жазо берилган. Ўлдириш билан қўрқитиб ота-онаси, бува-бувиси ва бошқа яқин қариндошларининг жинояти ҳақида хабар беришни талаб қилиш тақиқланган. Лекин эрини ўлдириган хотиннинг боласи бу ҳақда хабар бериш ҳуқуқига эга бўлган. Ўз хўжайнининг қилган жинояти ҳақида хабар берган кул, агар бу хабар фитна ва давлатга ҳиёнат ҳақида бўлмаса, осиб ўлдирилган. Номини яшириб (аноним тарзда) хабар бериш тақиқланган, шундай хабарлар натижасида бегуноҳ маҳкум этилганлар жазодан озод қилинган. Оила бошлиғи жиноят содир этган қарамоғидаги шахсларни судга ўзи тақдим этиши лозим бўлган, акс ҳолда, унинг ўзи жазоланган. Оила бошлиғига айби учун ўз кулларини жазолаш, бъязан эса ҳокимиятнинг маҳсус рухсати билан ўлдириш ҳуқуқи тақдим этилган. Тергов ишлари уезд чиновниклари томонидан олиб борилган, улар ҳукмни ҳам ижро этганлар. Масалан, таёқ билан уриш ўша суднинг ўзидаёқ амалга

оширилган. Оғир жиноятлар (исён, давлатга ҳиёнат ва бошқалар)ни тергов қилиш округ бошлиқларига ўтказилган. Тергов ишлари қийноқлар ёрдамида ва айбланувчини, баъзан эса ҳатто талаб қилинган кўрсатмаларни беришдан бош тортган гувоҳларни ҳам қамоқقا олиш йўли билан олиб борилган. Қийноқ гувоҳларга нисбатан ҳам қўлланилган.

Тергов натижалари ҳақида хulosа, айблов далолатномаси тузилган. Қадимдан "далилларни тақдим этиш", "айблаш" ва бошқа юридик иборалар кўп ишлатилган.

Қадимги Хитойда аппеляция тартибида иш кўриш бўлмаган. Лекин маҳкум этилган шахс ҳукмдан норозилигини уч ой ичида билдириши ва ишни қайтадан кўриб чиқилишини талаб қилиши мумкин эди. Бироқ бундай иш ўша биринчи қарор чиқарган суднинг ўзи томонидан қайта кўрилган. Шу сабабли ҳукмнинг бекор қилинишига эришиш учун маҳкумнинг қариндошлари бошқача йўл тутишган. Улар ё императорга, ёки кўпроқ марказдан маҳаллий ишларни текшириш ва судларни назорат қилиш учун жўнатилган чиновник-назоратчиларга илтимоснома билан мурожаат қилгандар.

Судда гувоҳларнинг кўрсатмалари, далилий ашёлар ва қасам далил ҳисобланган. Цинь даврида "агар жиноятчи фош этилса-ю, айбига иқрор бўлмаса ёки суриштирув пайдидаги кўрсатмаларини ўзгартирса", қийноқ усулидан фойдаланилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Айбланувчининг айбизлил презумпцияси тамойили ҳаракатда бўлган. Ёмон, бузуқ ниятларда қийнаш, таёқ билан калтаклаш тақиқланган. Бундай ҳолатлар айбланувчининг ўлимига сабаб бўлса, судья ёки терговчи каторга ишларига маҳкум этилган.

Судда иш юзасидан аналогия (қиёслаш) бўйича қарорлар чиқариш кенг қўлланилган.

II бўлим

АНТИК ДУНЁ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

VI боб

ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН ВА ҚАДИМГИ РИМ
ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

1. Антик дунёда давлатнинг вужудга келиши ва по- лис тизими

Юқорида кўриб ўтганимиздек, инсониятнинг цивилизация тарихи ва унга хос бўлган давлат ва ҳуқуқ тарихи Қадимги Шарқдан бошланади. Бироқ, албатта, цивилизациянинг янги ва ўзига хос юқори даражаси Ўрта ер денгизида Оврўпанинг жанубида ташкил топган антик жамиятнинг ривожланиши билан боғлик.

Тарих фанида “Антик дунё”¹ ибораси, одатда, Қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим, шунингдек, эллинистик давлатлар тарихига нисбатан ишлатилади.

Антик дунё мамлакатлари, албатта, Қадимги Шарқ мамлакатларида илк бир қарор топган цивилизациялар билан боғлик ҳолда ривожланиб, жаҳон маданиятига сўзсиз улкан ҳисса қўшганлар. Антик цивилизация ўзининг энг юксак чўққисига милоддан аввалги I минг йиллиқда - янги эра I минг йиллигининг бошларида эришган эди. Айнан шу вақтда юнонлар ва римликлар инсоният фаолиятининг барча соҳаларида, жумладан, сиёсий-ҳуқуқий соҳада ҳам зўр таассурот қолдирадиган ютуқларга эришганлар. Антик дунёнинг, айниқса, фалсафа, санъат ва ҳуқуқ соҳасидаги мероси Оврўпа цивилизациясининг дастлабки асосини ташкил қиласди. Шу муносабат билан антик давлатчилик муаммоси алоҳида ўрин тутади.

Юнон-рим дунёси бўш жойда, бутун дунёдан ажralган ҳолда, “ёпиқ жамият” типида ташкил топмади. Цивилизациянинг илк ўчоқлари ва дастлабки шаҳар-давлатлар Ўрта ер денгизи бўғозида милоддан аввалги III-II минг йиллilarдаёқ шарқ дунёсининг муҳим таъсири остида ташкил

¹Антик сўзи лотинча *antiquitas* - қадимги, эски сўзидан олинган.

топган. Кейинчалик, айниқса, "буюк мустамлакачилик" даврида (милоддан аввалги VIII-VII асрларда) Осиё қирғоқларида юонон поселенияларига (шаҳарларига) асос солиниши натижасида икки цивилизациянинг ўзаро алоқаси янада мустаҳкамланган ва чукурлашган. Кичик Осиёдаги юонон шаҳарлари - Милет, Эфес ва бошқалар Шарқ ва Фарб ўртасида савдо, маданий ва бошқа алоқалар олиб бориладиган очиқ дарвозалар бўлиб қолган эди. Юоннларнинг ва кейинчалик римликларнинг Шарқ мамлакатлари билан тобора ўсиб бораётган алоқалари уларнинг Шарқда ўзларидан анча илгари пайдо бўлган давлатчилик - ҳуқуқий фаолиятнинг бой тарихий тажрибасини ўрганишларига ва бундан ўз давлат-ҳуқуқий қурилишларидаги фойдаланишларидаги анча самарали ва оқилона ёндашувларига олиб келган.

Болқон ярим оролининг жанубида ва Эгей денгизи қирғоқларидаги милоддан аввалги III-II минг йилларнинг илк шаҳар-давлатларнинг, сўнгра эса анча йирик давлатларнинг ташкил топиши юонон-ахайяликлар томонидан бу минтақанинг¹ маҳаллий туб аҳолисини (пеласгларни, минойларни) босиб олиниши натижаси бўлган. Босқинчилик турли маданиятлар, тиллар ва халқларнинг аралашиб ва чатишиб кетишига ва оқибатда анча юқори крит-микен маданиятнинг туғилишига олиб келган. Бу жараёнлар бир қатор ўсиб бораётган ёки инқизозга учраб бораётган давлатларни (Кносс, Микен подшоликларини ва бошқаларни) келтириб чиқарган.

Бу давлатларнинг монархия характеристига эга бўлганлиги, уларда йирик давлат - ибодатхона хўжалиги ва жамоа ерларининг мавжудлиги ушбу давлатларни шарқ деспотиясига ўхшаш бўлганлигидан дарак беради. Крит-микен анъаналари кейинчалик подшо саройи билан боғлиқ жамоа укладининг мавжудлиги характеристи бўлган юонон-ахайяликларнинг давлатчилигига ҳам узоқ вақтгача сақланиб қолган.

Қадимги Юонистонда давлатнинг ташкил топишидаги муҳим хусусиятлардан бири шунда бўлган эдик, бу жараённинг ўзи қабилаларнинг кўчуб ўтиши ва аралашуви муносабати билан тўлқинсимон, узилиб-узилиб содир бўлган. Масалан, Юонистонга милоддан аввалги XII асрда шимол-

¹ Минтақа деганда ўзаро чегарадош, бир гурух мамлакатлар ёки вилоятлардан иборат катта худуд тушунилади.

дан дорий қабилаларининг бостириб кириши давлатнинг ташкил топишидаги бутун бир табиий жараённи орқага улоқтириб ташлаган. Дорийлар истилосидан кейин келган “қоронги асрлар” (милоддан аввалги XII аср - VIII асрнинг биринчи ярми), кейин эса архаик давр эллинларни яна қабилавий давлатчиликка ва шаҳар-давлатчилигига қайтарган.

Юноистонда давлатнинг келиб чиқиши жараёнида ички ва ташқи омилларнинг ўзига хос ўзаро қўшилиб кетганлигини кўриш мумкин. Лекин марксча-ленинчада назария та-рафдорлари кўпинча бу ҳолатларга етарлича баҳо бермай, ташқи омилларнинг аҳамиятини ҳисобга олишмайди. Масалан, улар Афинада давлат “соғ ҳолда”, яъни бевосита уруфдошлик тузумининг емирилиши натижасида, ички ва ташқи омилларнинг тезлаштирадиган таъсирисиз ташкил топган деб кўрсатишга уринишади. Шуни айтиб ўтиш керакки, ташқи омилнинг (масалан, этрускларнинг) муҳим таъсири Рим давлатининг келиб чиқишида ҳам кўзга ташланади. Лекин бу ерда ҳам кўпчилик фақат давлатнинг ташкил топишини тезлаштирувчи ички омилларни, яъни плебейлар ва патрицийлар ўртасидаги курашни асосий ва ягона омил сифатида кўрсатишга ҳаракат қиласидар, яъни юқоридаги ташқи омилларни эътибордан четда қолдирадилар. Бизнингча, ҳар ҳандай давлатнинг пайдо бўлишида унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар тўлиқ ҳисобга олингандагина масаланинг моҳияти мазмунан тўғри очилиши мумкин.

Антик дунёда давлатчилик ташкил топиши жараёнининг хусусиятларини кўп жиҳатдан табиий-географик омиллар белгилаб берган. Масалан, Юноистон тоғли мамлакат ҳисобланган, у ерда худди Шарқдаги сингари бирлашиб суғориш ишлари ўтказишни талаб қиласидиган унумдор ва дех-қончилик учун қулай ерлар кам бўлган. Антик дунёда шарқ типидаги жамоа ер эгалигининг тарқалиши ва сақланиши учун шароитлар йўқ эди, аммо Юноистонда хунармандчилик, жумладан, металл ишлатиш ривожланиши учун қулай шароитлар юзага келган. Милоддан аввалги III минг йилликларга келибоқ юонлар бронзадан, милоддан аввалги I минг йилликларда эса темир қуроллардан кенг фойдалангандар, бу ўз навбатида меҳнат самарадорлигининг ошишига ва якка тартибдаги меҳнатнинг ривожланишига кўмак-

лашган. Айирбошлаш ва сўнгра савдо муносабатларининг, айниқса, денгиз савдосининг кенг тарқалиши бозор хўжалигининг жуда тез ташкил топишига ва хусусий мулкчилик нинг ўсишига ёрдамлашган. Ижтимоий фарқлар кучайиб бориши кескин синфий курашнинг асоси бўлиб қолган. Бунинг натижасида оддий давлатларнинг анча ривожланган давлатларга айланиши тез суратлар билан содир бўлган ва бошқа антик дунё мамлакатларига қараганда муҳим ижтимоий оқибатлар келтириб чиқарган.

Табиий шароитлар бошқа жиҳатдан ҳам Юноистонда давлат ҳокимиётини ташкил этишга таъсир ўтказган. Юнонларнинг кўпчилик қисми яшаган денгиз қирғоқларини кесиб ўтган тоғ тизмалари ва кўрфазлари мамлакатнинг сиёсий бирлаштирилишига тўсқинлик қилган ва бунинг устига марказий бошқарувни ташкил этиб бўлмайдиган ва кераксиз қилиб қўйган. Шундай қилиб, табиий тўсиқларнинг ўзи бу ерда кўп сонли, унча катта бўлмаган ва бир-биридан анча ажralиб қолган шаҳар-давлатлар - полисларнинг ташкил топишига шароит яратган. Полис тизими нафақат Юноистонга, балки бутун антик дунёга хос бўлган давлатчилик нинг муҳим ва характерли белгиси ҳисобланади.

Полиснинг меҳнат тақсимоти анча ривожланган бир шароитда географик ва сиёсий ёпиқлиги уни ҳунармандчилик буюмларини четга чиқаришга, дон ва қулларни четдан келтиришга, яъни умумюонон ва халқаро денгиз савдосига боғлиқ қилиб қўйган. Денгиз антик полиснинг (ҳаммадан аввал юнонлардаги) ҳаётида жуда катта роль ўйнаган. У полиснинг ташқи дунё билан, бошқа полислар билан, мустаммалалар билан, шарқ мамлакатлари ва бошқалар билан алоқасини таъминлаган. Денгиз ва денгиз савдоси барча шаҳар-давлатларни ягона полис тизимига боғлаганлар, очиқ умумюонон ва Ўрта ер денгизи сиёсий маданиятини, цивилизациясини ташкил этганлар.

Антик полис ўзининг ички тузилиши нуқтаи назаридан ёпиқ давлат бўлган. Фақат қуллар эмас, бегона чет элликлар, ҳатто, бошқа юонон шаҳарларидан чиқсан кишилар ҳам давлатдан ташқарида қолган. Полис ўз фуқаролари учун ўзига хос сиёсий микрокосмос бўлиб ҳисобланган. Унинг ўзи учун муқаддас бўлган сиёсий тузилиш шакллари, анъаналари, урф-одатлари, ҳукуқи ва бошқалари бўлган. Полис қадимги юнонларда хусусий мулкчиликнинг таъсирида еми-

рилган ер жамоалари мажмунини фуқароларга ва сиёсий жамоага алмаштирган. Иқтисодий ҳаётдаги, сиёсий курашлар кескинлигидеги, тарихий мероснинг ўзида катта фарқлар шаҳар-давлатларнинг ички тузилишлари жуда хилма-хил бўлишига олиб келган. Лекин, албатта, полис дунёсида турли республика шакллари - аристократик, демократик, олигархия, плутократия ва бошқалар шубҳасиз устунлик қилган.

Юон жамиятнинг ўзида классик қуллик ва антик демократиянинг гуллаб-яшнаган даврига қадар сиёсий ҳаётнинг ривожланишида ва шаҳар-давлатлар тузилиши шаклларининг ўзгаришида баъзи қонуниятлар мавжудлиги кўзга ташланади. Милоддан аввалги II минг йилликнинг охирида, гомер эпосининг дарак беришига, юон дунёсида подшонинг ҳарбий бошлиқ, судья, сарой хўжалигининг олий раҳбари ва ҳаказолар сифатидаги ҳокимияти кучайишининг умумий тенденцияси кузатилади. Унинг бошқариш шаклларида қадимги монархларга, айниқса, шарққа хос деспотик белгилар намоён бўлган. Худди шунга ўхшаш ҳолатни бир қанча асрлардан сўнг Римда подшолар даврида ҳам кўриш мумкин.

Ягона подшо (басилем, рекс) ҳокимияти таянадиган патриархал - жамоа алоқаларининг бузилиши, катта бойликларга ва ижтимоий нуфузга эга бўлган аристократик оиласларнинг ўсиши деярли барча антик дунёда подшо ҳокимиятининг йўқ қилинишига олиб келган. Подшолар қатор ҳолларда қатл этилган.

Антик дунёда монархияларнинг тугатилиши республика тузумининг ғалабасига, шунингдек, давлатни ташкил этишнинг полис тизимини батамом ўрнатилишига олиб келган. Бироқ илк республика даврида бевосита демократия элементларини (халқ мажлиси ва бошқаларни) назарда тутувчи полис тизимиға хос бўлган демократик имкониятлар тўла ривожланмаган. Барча антик полисларда оддий халқ сиёсий тажрибага эга бўлмай ва ҳокимият ҳақидаги ўз тасаввурларини ўтмишдаги патриархал-диний қарашлардан олиб, ҳокимиятнинг жиловини уруғдошлиқ, коҳинлар ва мулқорлар аристократиясига бериб қўйган эди. Худди шундай давлат ҳокимияти Афинада Салон ислоҳотлари арафасида, Римда илк патрицийлар республикаси даврида ва бошқаларда бўлган эди. Антик шаҳар-давлатларда сиё-

сий ҳаётнинг демократлаштирилиши ўз қўлида ҳокимиятни ушлаб турган ва эски полис тартибларни сақлаб қолишига ҳаракат қилган аристократия билан ўзини тобора англаб бораётган халқ (демос) ўртасидаги курашнинг кескинлашуви бирга борган. Бу кураш (Афинадаги евпатрийлар ва демос ўртасидаги, Римда патрицийлар ва плебейлар ўртасидаги ва бошқа курашлар)нинг натижаси аристократиянинг қудратини синдирувчи ва демократик институтлар ривожланиши учун асос яратувчи кўпгина қонуний ислоҳотларнинг амалга оширилиши бўлган.

Кўп юон шаҳар-давлатларида демократик тузумнинг батамом ўрнатилиши ягона ҳукмдор - тиран томонидан ҳокимиятнинг тортиб олинишидан илгари содир бўлган. Тиранлар, одатда, аристократлар орасидан чиққанлар, лекин ўз ҳокимиятларидан эски аристократларни ва патриархал тартибларни синдириш учун, полис аҳолиси кенг қатламларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланганлар. Тириания деб ном олган ва шахсий ҳокимиятта асосланган бундай тартиблар Милетда, Эфесда, Коринфда, Афинада, Мегарда ўрнатилган ва хусусий мулкчиликнинг мустаҳкамланишига ҳамда аристократлар имтиёзларининг тугатилишига, маълум даражада фуқаролик ва сиёсий жамоанинг умумий манфаатларини акс эттирувчи демократия давлатларнинг шакли сифатида ўрнатилишига кўмаклашган.

Милоддан аввалги VI-V асрларда бир неча юз қадимги юон полислари ичida ҳарбий жиҳатдан анча йирик ва кучли иккита шаҳар-давлат: Афина ва Спарта биринчи ўринга чиққан. Афинада хусусий мулкчилик, қулдорлик, бозор муносабатлари анча ривожланиб, антик демократия ўзининг энг юқори чўққисига чиққан бўлса, Спарта эса, унга қарама-қарши ўлароқ, тарихга аристократик ҳарбий-лагерь давлати сифатида кирган. Бу икки давлат ўртасида Юнонистонда ҳукмронликни кўлга олиш учун ўзига хос мусобақа ва кураш кетган. Ушбу икки полис типидаги давлатлар ўртасидаги кураш бутун юон дунёсининг узоққа чўзилган ва қонли Гелопоннес урушига олиб келган. Уруш эса ўз навбатида бутун полис тизимини заифлаштирган ва демократик институтларнинг кулашига сабаб бўлган. Оқибатда Афина ва Спарта Македония монархиясининг ўлжаси бўлиб қолган.

Кадимги юонон давлатчилигининг, жумладан, антик демократиянинг ёрқин тимсоли бўлмиш Афинанинг ҳалокатга учрашининг сабаби фақат қулчилик тузуми бўлмай, балки давлатнинг ички полис тизими заифлигига эди.

Милоддан аввалги I асрга келиб Римда ҳам полис тизими тугаган. Чунки бу вақтда энди полис тизими - шаҳар-республикаси қуллар кўзғолонини бартараф эта олмай қолган ва ички бирликни таъминлай олмай қолган эди. Бундай шароитларда шаҳар-давлатни бошқаришга мўлжалланган республика тузумининг сақланиб қолиши ўз замонасига тўғри келмас эди. Республика ўрнига милоддан аввалги I асрда йирик давлатчиликка асосланган империя келган. Лекин полис тизимининг Рим республикасининг узоқ давом этган тарихига таъсири кейинги вақтларда ҳам сезилиб турди. Дастребаки асрларда (принципат даврида) марказлашган бюрократик монархия ташкил этишга ҳаракат қилган императорлар узоқ вақтгача республика полис институтларидан қутула олмаганлар.

Кечки Рим императорлари ҳокимиятининг мустаҳкамланиши ва христианликнинг қабул қилиниши натижасида полис тартиблари батамом тутатилган.

2. Антик дунё давлатларида ҳукуқнинг умумий ва ўзига хос ҳусусиятлари

Ҳукуқ антик даврда фуқаролик жамиятини ва унинг маданияти элементларини мустаҳкамловчи омиллардан бири сифатида бирданига камолотга ва такомилга эришмади. Ҳукуқ ўз ривожланишининг илк босқичларида юридик техникаси ва асосий институтларининг ишлаб чиқилиши даражаси бўйича Шарқ мамлакатлари ҳукуқий тизимига ўхшаш бўлган. Антик Юнонистонда ва Римда ҳукуқнинг ривожланиши алоҳида полислар доирасида амалга оширилган ва алоҳида шаҳар-давлатларда демократик институтларнинг ривожланиш даражаси ҳукуқда ўз аксини топган Полис тизимининг ўрнатилиши ҳукуқ ижодкорлик фаолиятининг ва унинг аста-секин диний-мифологик ниқоблардан ҳолос бўлиши натижаси бўлган. Ёзилмаган одатлар ўрнига ёзма қонунчилик келган. Ҳукуқ, шундай қилиб, антик дунёда полис ҳаётини тартибга соладиган нуфузли ва мажбурий меъёrlар мажмуига айланган.

Урф-одатларни эмас, балки қонунларни ҳуқук ижодкорлигининг асосий шакли сифатида эътироф этилиши (Юнонистонда) ёки уларни ҳуқуқнинг муҳим манбаларидан бири сифатида ўрнатилиши (Римда) одат ҳуқуқини кодификация қилиш йўли билан амалга оширилган. Юнон анъаналарига асосан ҳуқуқнинг бундай қадимий кодификациялари Залевка томонидан Локрада (Италия), шунингдек, Харонда томонидан Катон (Сицилия)да ўтказилган эди. Шунга ўхшаш ҳуқук тўпламлари бошқа юнон шаҳар-давлатларида ҳам, жумладан, Афинада милоддан аввалги VII асрнинг охирида (Драконт қонунлари) тузилган.

Афинада халқ мажlisлари томонидан янги демократик қонунларнинг қабул қилиниши тартиби милоддан аввалги VI асрда Салон ва Клисфен ислоҳотлари билан жорий қилинган. Римда эса анъанавий ҳуқуқий одатлар қайта ишланиб, XII жадвал қонунларида ёзиб қўйилган. Бу қонунларда, шунингдек, халқ мажlisларининг қарорлари қонун ҳисобланади, деган қоида назарда тутилган.

Салон айтганидек, жамият ҳаёти умум розилиги асосида қабул қилинган ҳуқук ва қонунлар билан тартибга солиниши лозим. Юнон шаҳар-давлатларида фуқаролар болалик чоридан бошлаб қонунларга ва полисда ўрнатилган тартибларга бўйсуниш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбияланганлар. Суқрот таъқидлаганидек, полис қонунлари ақл-идрокка бориб тақалади. Суқрот қонунлар ҳамма афиналиклар томонидан сўзсиз бажарилиши лозимлигини тарғиб қилган.

Афинада, гарчи қонун чиқаришнинг демократик тизими ўрнатилган, ҳуқук фуқаролар кўз ўнгидаги ақл-идрок ва ҳақиқат билан бирга қўшилган, ўзига хос ҳуқуқий давлат ташкил этилган бўлса-да, бу қуллар ва чет элликлар учун эмас эди. Ҳуқуққа сифиниш ва қонунларни ҳурмат қилиш янада кўпроқ даражада рим жамиятида вужудга келган. Республика қонунларига сўзсиз амал қилиш римликлар учун фақат юридик мажбурият эмас, балки шарафли иш ҳисобланган. Рим республикасининг ўз ҳуқуки ва қонунлари билан боғлиқлиги машҳур рим юристи Цицерон томонидан ҳам таъқидланган эди. Цицероннинг кўрсатишича, давлат унинг барча аъзоларининг умумий манфаатларини ифода этувчисигина эмас, балки ҳуқук масалаларида ўзаро келишув билан боғланган кўп кишиларнинг бирлашмаси ҳам-

дир. Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат фояси Рим республика-сидан ҳам бошланган.

Шу нарса тасодиф эмаски, Рим жамиятида қадимдан қоннлар муқаддас саналган, қадимги дунё учун анча тако-миллашган ҳуқуқий тизим ишлаб чиқилган. Бу ҳуқуқий тизим яхлит ва кенг қамровли характер касб этган. Рим ҳукуқи тарихда биринчи марта ҳуқуқий билимларни аниқ тизимга солинган, жуда пухта ишлаб чиқилган намунаси сифатида майдонга чиқкан. Классик рим ҳуқуқи - антик ва бутун қадимги дунё ҳукуқи тарихидаги энг юксак чўққидир. Антик дунёning энг буюк ютуқларидан бири - рим хусусий ҳуқуқидир.

Римда мансабдор шахсларнинг ва аввало преторлар-нинг, шунингдек таникли "классик юристларнинг" кучи билан хусусий мулкчиликка асосланган оддий товар-пул муносабатларини юридик тартибга солишнинг энг мақбул тартибни ўрнатувчи ҳуқуқий тизим яратилган. Узоқ давом этган ривожланиш давомида эришилган ҳуқуқнинг такомиллашган шакллари ва мазмуни, мантикий асосланганлиги, қатъий ва аниқ баён қилинганлиги уни кейинги даврларда рецепция қилинишига (андоза қилиб олинишига) сабаб бўлган.

Рим ҳукуқини баъзи истиснолар билангина қулдорлик ҳукуқи дейиш мумкин, чунки у бутун антик дунёда классик қуллик жуда ривожланган бир шароитда пайдо бўлган. Шу боис мазкур тарихий шароитлар ҳукуқда ўз ифодасини топмасдан иложи йўқ эди. Лекин, шубҳасиз, рим ҳукуқининг асосий мазмунини қулдорлик эмас, балки унинг нозик юридик техникаси олдиндан белгилаб берган.

Рим давлати тарихининг илк босқичларида ҳам жамиядада патриархал турмушнинг кўпгина элементлари сакланиб қолган бир шароитда, товар-пул муносабатлари унча ривожланмаган бир пайтда, рим ҳукуқи анъанавийлиги, расмиятчилиги ва иқтисод оборотини тұхтатиб турган мураккаб одатлари билан ажralиб турган. Римнинг шаҳар-республикасидан аста-секин йирик цивилизацияга айланиши фақат қулчиликнинг ўсиши натижаси эмас, балки товар ишлаб чиқаришнинг, оқибатда, бутун қадимги дунё тарихида энг мураккаб бўлган бозор хўжалигининг ташкил топиши натижаси бўлган. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ана шундай мураккаб ва мұхим томонларини энди қадимги эски ҳуқуқий тизим билан тартибга солиб бўлмас эди.

Хусусий мулкчиликнинг кучи ва унга асосланган товар обороти эскирган ва қийинчилек туғдираётган ҳуқуқий шаклларни синдириб ташлади. Уларнинг ўрнига янги ва техник-юридик жиҳатдан такомиллашган, нозик бозор муносабатларини тартибга солишга, ривожланган фуқаролар жамиятининг бошқа эҳтиёжларини қондиришга қодир ҳуқук яратилган. Айнан шундай кўринишда рим ҳуқуки тури тарихий шароитларда қўлланадиган универсал ҳуқуқий тизим бўлиб қолган. Рим ҳуқуки билан бирга цивилизация тарихига улкан маданий қимматга эга бўлган рим юриспруденцияси ҳам кирган. Рим юриспруденцияси асосида юридик касб туғилган, унга мос равишда эса маҳсус ҳуқуқий таълимга асос солинган.

VII боб

КАДИМГИ ЮНОНИСТОНДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУК

1. Қадимги Юноnistон тарихига умумий тавсиф

Қадимги Юноnistон тарихи қадимги Шарқ мамлакатлари тарихи билан бир вақтда ва у билан ўзаро алоқадор ҳолда ривожланди. Энг сўнгги археологик маълумотларга қараганда милоддан аввали III минг йилликдаёқ Болқон ярим оролининг жанубида ва унинг яқин теварак-атрофидаги оролларда ибтидоий-жамоа муносабатлари бузила бошлиганилиги кўринади. Айрим жойларда дастлабки синфий жамият ўчоқлари вужудга келиб, ривожлана бошлаган. Синфларнинг тузилиш жараёнлари Крит, Лемнос оролларида бошқа ҳудуддан илгарироқ юз берган, қитъада эса бу жараёнлар бирмунча кейинроқ содир бўлган. Бу жараёнлар қабилаларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишлари ва ўзаро урушлар билан бирга борганки, бу ҳақда кейинроқ юзага келган қадимги юнон афсоналарида хотиралар сакланиб қолган.

Юноnistоннинг жўпрофий мавқеи қулай бўлгани ҳолда ерининг нисбатан кам унумлиги, бир томондан, маҳаллий аҳолини қишлоқ хўжалигига ниҳоятда зўр бериб ишлашга, иккинчи томондан эса қўшнилар билан халқаро алоқаларни, мол айирбошлишни ривожлантиришга мажбур этган. Бу ҳол ҳунармандчиликнинг ривожини тезлаштирган.

Энг қадимги Юнонистонда антик мулк шаклининг пайдо бўлиши учун дастлабки зарур шартлар ана шулардан иборат бўлиб, бу мулкий шакл “тариҳий жараёнида дастлабки қабилаларнинг кўпроқ серҳаракат ҳаёти, тақдири ва ўзга-ришларининг” натижаси эди.

Шундай жамоаларнинг синфий табақаланиши жараёнида шахар-давлатлар (полислар) пайдо бўлган ва бундай шахар-давлатларнинг мавжуд бўлиши қадимги юон қулдорлик жамияти учун характерлидир. Урушлар, қулфурушлардан қуллар сотиб олиш ва камбағаллашиб қолган ўз қабиладошларини қарзлар эвазига кул қилиб ишлатиш - полислардаги қуллик манбай эди. Антик қуллик даставвал Юнонистонда кенг тарқалган, сўнгра қўшни ҳудудларга ёйилган.

Қадимги Юнонистон тарихи қўйидагича беш даврга бўлиб ўрганилади:

1) эгей ёки крит-микен даври (милоддан аввалги III-II мингинчи йиллар), бу давр - уруғдошлиқ тузумининг емирилиши, айрим районларда илк синфий қулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши даври бўлиб, у дорийларнинг кўчуб келиши натижасида тамом бўлади;

2) милоддан аввалги XI-IX асрлардаги Юнонистон (Гомер даври) - бу давр дорийларнинг истилоларидан кейин ибтидоий жамоа муносабатларининг вақтингчалик қайтадан бунёдга келиши ҳамда ундан кейин антик мулкчилик шакли асосида синфий муносабатларнинг умумюонон ривожланиши давридир;

3) гархаик давр (милоддан аввалги VIII-VI асрлар) - бу даврда полислар шаклидаги синфий жамият ва давлатнинг ташкил топиш жараёни ниҳоясига етган;

4) классик давр (милоддан аввалги V-IV асрлар) - антик полисларда қулдорлик муносабатларининг энг юқори дарражада ривож топиши;

5) эллинизм даври (милоддан аввалги IV асрнинг II ярми - I асрнинг ўрталари), бу давр - Эрон давлатининг юон-македон истилосига учраганидан кейин Яқин Шарқнинг кенг ерларида қулдорлик жамиятининг янада ривожланишидан иборатdir. Бу давр эллинизм дунёсининг гарбий қисми Рим томонидан, шарқий қисми эса (Фротга қадар) Парфия томонидан зabit этилиши билан тамомланади.

Қадимги Юноистонда давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари каби муаммоларни ўрганишда юқоридаги ҳар бир даврга тұхтаб үтиш мұхим ахамиятта эга.

2. Юноистондаги қадимги давлатлар

Қадимги Юноистон - Болқон ярим ороли, Эгей ва Ўрта ер дengizlariidagi bir қанча оролларни ўз ичига олган мамлакат. У табиий жиҳатдан уч қисмга: Шимолий Юноистон, Ўрта Юноистон ва Жанубий Юноистонға бўлинади. Жанубий Юноистон Пелопоннес ҳам дейилган. Юноистон майдонининг учдан икки қисми тоғлардан иборат. Тоғлардан катта-кичик дарёлар оқиб чиқади. Энг йирик дарёлари Вардар ва Марицадир. Болқон ярим оролининг шарқида Эгей, Миртой, жанубида Крит, фарбида Иония дengizlari жойлашган. Юноистонда олтин, мис, қўрошин, рух, темир каби қазилма бойликлар ҳам кўп. Бу ҳолат металurgия ва бинокорликнинг ривожланишига сабаб бўлган. Тоғлар орасидаги кичик-кичик текисликлар тупроғи унумдор бўлиб, деҳқончилик ва боғдорчилик учун жуда қулайдир.

Маълумотларга қараганда Болқон ярим ороли ва Юноистонда жуда қадим замонлардан, хусусан қадимги тош асридан бошлаб одамлар яшаб келадилар. Пеласг, крит, ионий, эолия ва ахайя қабилалари унинг энг қадимги аҳолиси бўлган. Милоддан аввалги XII асрда юон дорий қабилаларнинг шимолдан Болқон ярим оролининг жанубига кўчиши бошланган.

Крит - Ўрта ер дengизidagi катта ороллардан бири. Милоддан аввалги III-II минг йилликларда Критда хўжалик ривожланиб, мулкий тенгсизлик, табақаланиш содир бўлган. Ибтидоий жамоа тузуми ўрнида дастлабки қабила иттифоқлари пайдо бўлган. Уларга қабила сардорлари ва оқсоқолларидан сайланган кишилар раҳбарлик қилишган. Кносс, Малия ва Фест аҳоли марказлари мазкур иттифоқларнинг энг йириги бўлган. Кейинчалик бу аҳоли марказлари бирлашиб, дастлабки давлатларга асос солинган. Кносс шоҳи Минос бутун Критда ҳукмронлигини ўз қўлига олиб, кучли дengиз давлати тузган. Крит милоддан аввалги XVIII-XV асрларда Ўрта ер дengизи ҳавzasидаги энг кучли давлат бўлиб олади.

Критда дәхқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланган, сарой хўжалиги тараққий қилган. Ерлар қисман жамоага тегишли бўлиб, қисман якка тартибда ижарага берилган ва хусусий мулк бўлган. “Одиссея”да сақланиб қолган хотираларга кўра, Крит ҳукмдори Минос фақат подшо бўлиб қолмай, шу билан бирга коҳин ва умуман худо назар қилган шахс ҳисобланган. Ҳар ўн йилда у бош маъбуд билан диний мулоқотда бўлган ва ундан яна ўн йил подшолик қилишга фотиҳа олган. Демак, подшо диний мартабага эга бўлган. Бошқа афсоналарда айтилишича, Минос судья бўлган. Бу, афтидан, илк синфий давлат ташкил топаётган даврда Крит ҳукмдорларнинг қонун чиқарувчилик фаолиятини кўрсатса керак.

Крит ҳокимияти остида бўлган денгизнинг нариги томонидаги ерларни маҳаллий ҳокимлар идора этиб, Критга хироҳ тўлаб турғанлар.

Болқон ярим оролининг жанубида, Эгей денгизи оролларида ва Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилида яшаган ахайяликлар милоддан аввалги XV асрда Критдаги илк қулдорлик давлатини забт этганлар.

Критда бўлгани сингари Болқон ярим оролининг жанубида ҳам синфий тузилишлар жараёнлари юз бера бошланган. Соҳилга яқин жойларда бу синфий тузилиш жараёнлари жуда жадаллик билан борган. Ичкарироқдаги жойларда ибтидоий-жамоа муносабатлари узоқ вақтгача сақланиб қолган. Пелопоннесда Микен, Тиринф, Пилос, Ўрта Юнонистонда Орхомен, Фива ва Афина, Фессалияда Иолк ва бошқалар илк синфий жамиятнинг каттароқ марказлари бўлган. Бу жойларнинг ҳаммасида қалин деворлар билан ўралган саройлар сақланиб қолган. Саройлар ёнида молмулки турли даражадаги маҳаллий аҳолининг турар жойлари, булардан ташқари, яна бир қанча қишлоқлар ҳам бўлган. Критдаги сингари, материк (қуруқлик) Юнонистонда яшовчи аҳоли ҳам дәхқончилик ва чорвачилик билан шуфулланган. Кўпдан-кўп касб-корлар ҳам юқори даражада тақомиллашган. Бу жараёнларнинг ҳаммаси милоддан аввалиги II минг йилликнинг биринчи ярмидаёқ қайд этилган.

Ўша маҳалда пайдо бўлган **Микен** тез орада ўз даврининг каттагина илк қулдорлик давлати бўлиб қолган эди. Археологик төкширувлар натижасида Микен истеҳкомидан

ва ундан ташқарыда бир неча ўн подшолик мақбаралари топилғанлығи фикримизга гувохлик беради.

Жанубий Юнонистондаги илк құлдорлик давлатлариdan бўлган Микен подшолиги Пелопоннеснинг шимоли-шарқий чеккасида жойлашган эди. Унга милоддан аввалги III минг йиллик охирларида асос солинган. Микен подшолиги ми-лоддан аввалги XV-XIII асрларда гуллаб-яшнаган. Бу даврда унинг хўжалиги анча равнақ топиб, қишлоқ хўжалиги, чор-вачилик, хунармандчилик ва савдо тараққий этган. Микен-да денгиз кемасозлиги ҳам ривожланган.

Давлат тепасида подшо турган. Подшо саройи жуда ха-шаматли бўлганлығи унинг ҳокимиияти анча кучли бўлганли-гини тасдиқлайди.

Пелопоннесдаги яна бир илк қадимий давлат Жанубий Юнонистоннинг катта қисмини эгаллаган **Пилос подшоли-ги** бўлган. Пилос подшолиги құлдорлик давлати бўлиб, ер подшо, айрим кишилар ва "халқа" қарашли эди. Ерсиз од-дий кишилар экин ерларни ижарага олиб ишлаганлар. "Халқ" турлича ер участкаларини хизмат учун мукофот қи-либ берган. Ер участкасининг ҳажми ер оладиган шахснинг мансаб-мартабасига қараб белгиланган. "Халқ" ери, эҳти-молки, жамоа ери бўлиб, аста-секин давлат қарамоғига ўтиб борган бўлса керак. Афтидан, бу ерларни бўлиб бе-риш халқ йиғинининг, "халқ"нинг қарори билан амалга оши-рилган. Лекин "халқ"дан олинадиган ер майдонининг аниқ ҳажмлари белгилаб қўйилган эди. Пилос давлатининг ҳукм-дори - ванака - 1800 дон ўлчови миқдорида, унинг ёрдам-чиси, қўшинлар қўмондони - равакета - 600 дон ўлчови миқдорида, бошқа мансабдор шахслар ўз мавқеларига қараб, камроқ ер участкалари олган. Улар орасида коҳин-лар ва коҳиналар кўзга кўринарли мавқени эгаллаганлар. Оддий эркин кишилар "халқ"дан ҳам, хусусий мулкдор-лардан ҳам озгина ер участкаларини ижарага олганлар. Шундай қилиб, Пилос давлатида ерга эгалик қилиш ва ер-дан фойдаланишнинг мураккаб, ҳали етарлича тадқиқ қи-линмаган тизими бўлганки, унда эндиғина юзага келаётган хусусий мулк сўниб бораётган жамоа анъанаси шароитида пайдо бўлган, бирга яшаган ва ривожланган. Пилос саро-йида яшаган ва гоят катта ер участкасига эга бўлган ванака ҳам бу ерни расман "халқ"дан олган. Милоддан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг биринчи

ярмида Пилос давлати равнақ топади. У ерда чорвачилик, дәхқончилик, ҳунармандлик ва савдо тараққий этган. Давлат ва хўжаликнинг барча соҳаларида қуллар ва чўрилар хизматидан фойдаланилган.

Пилоснинг қуруқлиқдаги қўшини ва флоти бўлган. Давлат вилоятларга бўлинган, вилоятларни, Критдаги сингари, ванакага (хўкмдорга) қарам бўлган пасиревелар (ноиблар) идора қилганлар. Афтидан Ахайянинг бошқа давлатларида ҳам шунга ўхшаш шарт-шароитлар бўлган бўлса керак.

Милоддан аввалги XIII-XII асрларда дорий қабилалари Болқон ярим оролининг шимолидаги ерлардан жануб томон силжиб, Ўрта ва Жанубий Юнонистонга бостириб киргандар. Дорий қўшинлари Микен, Тиринф, Пилос, Крит давлатларини тор-мор этганлар. Дорийлар истилоси натижасида бу ердаги аҳоли яна қайтадан ибтидоий муносабатлар гирдобига ташланган. Ахайя давлатларининг ҳукмдорларига қарам бўлган вилоятларнинг ҳокимлари (пасиревелар) энди мустақил патриархал қабилаларнинг бошлиқлари - басилейлар бўлиб қолган. Ахайя давлатларида мавжуд бўлган ҳалқ йиғинлари энди катта аҳамият касб эта бошлаган. Юнонистон тарихида янги давр - Гомер даври бошланган.

3. Гомер ва архаик даврларда Юнонистон

Қадимги Юнонистон тарихининг мазкур даври анъанага кўра Гомер даври деб юритилади. Чунки бу даврни ўрганишда афсонавий кўр баҳши Гомернинг “Илиада” ва “Одессия” достонлари муҳим манба ҳисобланади. Гомер достонларининг гувоҳлик беришича, милоддан аввалги II ва I минг йилликлар сарҳадида **ер жамоаси** мавжуд бўлиб, ундан тенглик асосида Фойдаланилган ва ер доимо қайта-қайта бўлиниб турган. Жамоа аъзолари ер участкаларини чек ташлаб олганлар. Ер участкасининг “клер” деб аталишининг ўзи ҳам шуни кўрсатиб турибди: “клер” сўзининг айнан таржимаси “чек” демақдир. Бироқ жамоа аъзолари орасида мулкий табақаланиш бошланган бўлиб, уруф аристократияси ажralиб чиқмоқда эди, бу аристократиянинг каттароқлари, яъни қабила бошлиқлари **“басилейлар”** деб аталар эди. Басилейлар ўз қариндошларига жамоа ерларидан катта-катта кесик участкалар - **“теменлар”** ажратиб бера бошлаганлар.

Бу вақтда бой хұжайинларга батрак бўлиб ишлайдиган камбағаллар - **Фетлар** ва ҳатто ўз уруғдошлиқ жамоаси билан алоқасини йўқотган кишилар - зўр-базўр кун кўришга ва тиламчилик қилишга мажбур бўлган **мотанаастлар** пайдо бўлган. Ҳали ўтмишдаги кўчишлар ва истилоларданоқ қақшаб қолган жамоа аста-секин парчаланиб кетган. Достонларнинг мазмунига қараганда, бу даврда ўз жамоалари билан алоқасини йўқотган кўпгина дарбадар **хунармандлар** бўлган. Улар натурал ҳақ эвазига ёллаб ишлатилган. Шуни айтиш керакки, Гомер даврида хўжалик асосан натурал характерда эди.

Гомер жамиятида **патриархал қуллик** мавжуд бўлиб, у басилейларнинг хўжаликларида жорий этилган. Қуллар асосан ҳарбий асиrlардан тўплланган, бундан ташқари қул сотиш ва сотиб олиш ҳоллари ҳам бўлган. Эркак қулларни чўпон ва боғбон қул чўриларни эса уй-рўзгор ишларида оқсоч, яргичноқда ун тортувчи, мато тўқувчи сифатида ишлатганлар. Ҳар қандай итоатсизлик учун қул ёки чўрини хўжайин қаттиқ қийнаб ўлдириши мумкин эди.

Гомер даври - **ҳарбий демократия** давридир. Бу вақтда ҳали давлат бўлмаган, жамиятни бошқариш қуйидаги орғанлар ёрдамида амалга оширилган.

Хўкимиятнинг доимий ҳаракатдаги органи **оқсоқоллар кенгаши - буле** бўлган. Аммо бу орган қариялар кенгаши эмас, балки уруғ зодагонларининг анча таникли вакиллари кенгаши эди. Бу вақтда ҳали ибтидоий демократия сақлашиб қолган ва ижтимоий ҳаётда **халқ йиғинлари** муҳим роль ўйнаган. Лекин вақт ўтиши билан, мулкий табақаланиш, асосий аҳоли оммасининг бирлашуви, уруғ аристократиясининг бойиши, камбағалларнинг бой қўшниларига иқтисодий қарамлиги тобора ошиб, патриархат давридаёқ пайдо бўлган қуллик ривожлана борган сари, халқ йиғинларининг роли камайиб боради.

Қабилалараро урушларнинг тез-тез бўлиб туриши натижасида турли қабилалар аҳолиси аралаш-қуралаш бўлиб кетар эди. Шу сабабли қабила бошликлари - **филобаси-лейлар** ("фила" - "қабила" демакдир) қабилани идора қилишдан кўра кўпроқ айни қабила ҳудудида яшовчи аҳолини идора қиласидиган бўлганлар. Бу ҳудудни басилей қўмон-донлигидаги эркак жангчилар қўриқлар эди. Басилей гарчи қабила бошлиғи деган унвонини сақлаб қолган бўлса-да,

ҳақиқатда ҳарбий лашкарбоши эди. Уруғ ва қабила халқ йиғинлари аста-секин мазкур жангчилар ҳал қилувчи роль ўйнайдиган йиғинларга айланган.

Басилемлик мансаби сайланган, лекин аста-секин музайян бир аристократлик уруғида наслдан-наслга мерос бўлиб ўтадиган мансабга айлана борган. Басилем бир вақтнинг ўзида қабиланинг ҳарбий бошлиғи, олий судъяси ва олий коҳини бўлган. Амалда у уруғ зодагонлари вакиллари билан бирга ҳокимиятни амалга оширган. Оқсоқоллар кенгаши бу вақтларда басилем ҳузуридаги маслаҳат органи ҳисобланган. Басилем ва оқсоқоллар кенгаши ўз қарорларини аксарияти жангчилардан иборат халқ йиғинининг муҳока-масига ва тасдигига ҳавола қиласдилар.

Шундай қилиб, Гомер Юноистони жуда кўп майда ўзини-ўзи бошқарадиган вилоятларга бўлинниб кетган эди. Кейинчалик, айнан ушбу худудий майда вилоятлардан биринчи шаҳар-давлатлар - полислар ташкил топган. Зоро, милоддан аввалги XI-VIII асрларда юононлар дунёсида Афина, Спарта, Коринф, Мегара, Агрос, Фива, Сиклон ва бошқа жуда кўп кичик-кичик шаҳар-давлатлар бор эди. Бу давр Қадимги Юноистоннинг тарихий ривожланишида чукур ўзгаришлар билан тавсифланади.

Милоддан аввалги VIII-VI асрларда Юноистоннинг ижтимоий тараққиёти Гомер даври охирларидан бошлаб ҳамма жойда юз берган илк синфий жамиятнинг қарор топиши жараённинг давомидир. Бу давр анъянага кўра кўпинча архаик, яъни дастлабки давр деб аталади, чунки худди шу вақтда қулдорлик жамиятининг шаклланиши биринчи марта энг соғ ва энг аниқ ифодаланган вариантида юз бермоқда эдики, бу давр фанда антик давр деган ном олган.

Дорийлар истилоси натижасида юз берган узилишдан сўнг Юноистонда янгидан кичик-кичик қулдорлик давлатлари пайдо бўла бошлаган. Бу давлат тузилишлари истехком билан ўраб олинган манзиллардан иборат бўлиб, уларда дехқонларнинг ва айни вақтда қулдорларнинг жамоалари яшаб, улар биргаликда ўзларининг умумий манфаатларини: истехком билан ўраб олинган манзил ёнидаги ер участкаларини ва бошқа мол-мулкларини ҳимоя қилгандар. Бу давлат тузилишлари юононларда полислар, яъни шаҳар-давлатлар деб ном олган. Натурал хўжалик катта

давлат бирлашмалари тузиш учун шарт-шароит туғдирмаган.

Бу вактда күп оддий дәхқонлар ўзларининг чек ерларидан маҳрум бўлган, бундай ерлар уруф зодагонлари қўлида тўпланган. Йирик ер эгалиги ташкил топган. Қарз бадалига қулликка тушиш пайдо бўлган ва кенг тарқалган. Хунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдонинг ўсиши жамиятнинг ижтимоий ва мулкий табақалашувини тезлаштирган.

Ўз аъзолари ўртасида қон-қариндошлиқ алоқаларини сақлаб қолган қадимги жамоа янги шароит талабига жавоб бера олмай қолган. Милоддан аввалги VIII-VI асрларда Юноистоннинг ҳамма ерида илгариги алоҳида майда, бир-бирига яқин жойлашган жамоаларнинг қўшилиб кетиши (синойкизм) содир бўлган. Урувлар бирлашмаларининг қадимги шакллари - филалар ва фратриялар ҳам бу бирлашмаларда ўз аҳамиятларини бирмунча сақлаб қолганлар. Бироқ улар тез орада ўз ўрнини янги, мулкий ва худудий белгиларга асосланган бўлинишларга бўшатиб берган. Шу тариқа уруғдошлиқ ва қишлоқ жамоалари асосида янги ижтимоий-сиёсий бирликлар - полислар вужудга келган. Полис шаклидаги илк қулдорлик жамияти ва давлатнинг ташкил топиши Қадимги Юноистоннинг архаик даврдаги тарихий ривожланишининг мазмунини ташкил этади.

Қадимги Юноистон тарихида қўйидаги иккита полис: Афина ва Спарта муҳим роль ўйнаган. Афина - қулдорлик демократиясининг, Спарта эса - қулдорлик аристократиясининг намунаси эди. Афина Юноистоннинг энг ривожланган давлати бўлса, Спарта ўзида ибтидоий жамоа тузуми қолдиқларини сақлаб қолган қолоқ давлатлардан ҳисобланган.

4. Қадимги Афина давлатининг ташкил топиши

Ўрта Юноистоннинг Эгей денгизи соҳилидаги тошлоқ яrim орол - Аттикадаги полислар ичida Афина етакчи ўрин тутган. Афина давлати тарихи асосан қўйидаги даврларни ўз ичига олади: 1) Афина давлатининг ташкил топиши (милоддан аввалги VII-VI асрлар); 2) Афина давлатининг ривожланган даври (милоддан аввалги V-IV асрлар); 3) Афина давлатининг инқирози ва емирилиши (милоддан аввалги IV асрнинг охири - III асрлар).

Афинада давлат бирданига ташкил топмади, бу ерда давлат жамиятнинг узоқ давом этган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши натижасида пайдо бўлади.

Милоддан аввалги ЎШ асрларда Афинада ҳали уруғдошлик тузуми ҳукмронлик қиласар эди. Бу ерда милоддан аввалги II минг йилликнинг охирида тўртта қабила ўрнашган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ҳалқ йигини, оқсоқоллар кенгаши ва сайлаб қўйиладиган сардори - басилейи бўлган. Ишлаб чиқарувчи хўжаликка ва якка тартибдаги меҳнатга ўтиш жамоа ерларининг майда участкаларга бўунишига, мулкий тафовутнинг ривожланишига ва аста-секин уруғнинг юқори қисмининг ажралиб чиқишига ва кўп эркин жамоачиларнинг қашшоқлашувига, уларнинг кўпчилигини фетларга - батракларга айланишига ёки қарз бадалига қулликка тушишига олиб келган. Хунармандчилик ва савдонинг ривожланиши юқоридаги жараёнларни янада тезлаштирган. Бой оиласар қўлида дастлабки қуллар пайдо бўлган. Бу вактда асосан ҳарбий асиirlар қулларга айлантирилган. Милоддан аввалги 1 минг йилликнинг охирига келиб қулчиллик кенг тарқалган ҳодиса бўлиб қолган эди. Лекин қул меҳнатини эксплуатация қилиш ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этмаганди. Қуллар асосан уй хўжалигига, хунармандчилика, камдан-кам ҳолларда дала ишларида банд бўлганлар, оғир ишларни бажарсалар-да, улар билан бирга хўжайнлари ҳам ишлар эдилар. Вакт ўтиши билан қул эгалари ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган бўлганлар. Ҳокимиятнинг уруғ-қабила ташкилотлари энди фақат барча қабила аъзоларининг эмас, балки бойиб бораётган юқори қисмининг манфаатларини таъминлашга, қулларни эксплуатация қилишга мослашиб борганлар. Ҳалқ мажлисларида таникли уруғларнинг таъсири ўсган, уларнинг вакилларидан оқсоқоллар кенгаши тузилган ва баси-лейлар сайланган. Ибтидоий жамият кўпинча ҳарбий демократия деб аталувчи сиёсий жамиятга айланган. Лекин у ҳам жамиятда шаклланаётган қуллар ва эркин кишилар ўртасидаги, оддий жамоачилар ва уруғ-қабила юқори доиралари ўртасидаги ривожланаётган қарама-қаршиликларни бартараф эта олмаган. Ҳарбий демократиянинг сақланиб қолишида ташки омиллар ҳам муҳим роль ўйнаган.

Атроф мұхитни ўраб турган табиий шароитларга хўжалик юритишнинг мослаштирилишини талаб қиладиган жуғро-

фий шароитлар, ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиш муносабати билан янада кучайиб бораётган маҳаллий табиий ресурсларнинг тугаб бориши, айирбошлаш ва у билан боғлиқ қабилалараро алоқаларнинг ривожланиши, қон-қариндошлиқ алоқаларининг кучизланиши ва уруғлар ҳамда қабилаларнинг ассимиляцияси оқибатида вужудга келган ва қабилалар доирасидан четга чиқсан низоларни бартараф этиш ва тартибга солиш зарурияти - буларнинг ҳаммаси Аттика қабилаларининг ягона ҳокимият остида бирлаштирилиши учун шарт-шароитлар бўлиб қолган эди.

Крит-микен ва Гомер даврларига бориб тақаладиган риоятлар ҳам бизга кўпдан-кўп урушлар бўлганлигини ва бу урушлар давомида Афина атрофида Аттикада яшовчи ион қабилаларининг аста-секин бирлашуви (юнонча-“синойиклизм”) юзага келганлигини хабар қиласидар. Афсоналарга кўра, милоддан аввалги II минг йиллиқда ёк **синойиклизмни** (бирлашувни) **Тесей** амалга оширган. Тесей ана шу қабилаларни ягона афина халқи қилиб бирлаштирган. Бунинг оқибатида марказий бошқарув ишларини ташкил этиш зарурити келиб чиқсан. Синойиклизм натижасида Афинада барча тўртта қабила ишларини бошқарадиган Кенгаш тузиленган, бу билан эски уруғ-қабила ташкилотига биринчи зарба берилган.

Афина полиси жамият сиёсий ташкилотининг худудий шакли бўлиб қолган.

Жамиятнинг худудий ташкил этилиши ижтимоий ишларни бир хил (қабилавий фарқлардан қатъи назар) ва демак, марказлаштирилган бошқарувни ташкил этишни ва тобора ривожланаётган ижтимоий муносабатларни анча фаол тартибга солишини қаттиқ талаб қилган. Илгариги анча яхлит уруғ-қабила жамияти қийин аҳволга тушиб қолган. Ҳали уруғлараро ва қабилалараро жазолар сақланиб қолган. Бироқ Аттикада мулкий даражаланиш кучайиши муносабати билан энди янги кескин низолар келиб чиқсан. Бу низолар эркин афиналиклар ва турли гуруҳдаги тўла ҳукуқقا эга бўлмаган ва қарама-кишилар (Фетлар, чет элликлар, қуллар ва бошқалар) ўртасидаги тобора чукурлашиб бораётган қарама-қаршиликларда ўз ифодасини топган ва ҳокимиятнинг янги механизмларини шакллантириш учун замин ҳозирлаган. Шу тариқа бир томондан, муросага келтириш ва яраштириш воситаси бўлган, иккинчи томондан, бўйсунди-

риш ва асоратга солиш кучи бўлган ва жамият устида турадиган сиёсий (давлат) ҳокимиятга зарурият туғилган. Бундай ҳокимиятнинг келиб чиқиши эркин кишиларни нафақат ижтимоий тенгсизлигини, балки сиёсий тенгсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган ва уларни қайси қабила ёки фратрияга тегишилигидан қатъи назар, қўйидаги уч тоифага: 1) **евпатриidlар** - насл-насаби олижаноб бўлган аристократлар, аслзодалар; 2) **геоморлар** - дехқонлар; 3) **демиурглар** - ҳунармандларга бўлинишини белгилаб берган Тесей ислоҳотлари билан бошланади. Бу тоифавий бўлинишда меҳнат тақсимоти ва қадимги жамоанинг парчаланиши жараёнлари акс эттирилган эди.

Жамоада мансабларни эгаллаш ҳуқуқи фақат уруф-қабиланинг юқори қисми бўлган евпатриидларга ўтказилган. Бу эса оммавий ҳокимиятни аҳолидан янада ажralиб боришига олиб келган. Эркин кишиларнинг кўп қисмини ташкил этган геоморлар ва демиурглар савдогарлар ва камбағаллар билан бирга аста-секин жамоа ишларини бошқаришдан четлатиб борилган. Уларда фақат бу вақтда аҳамияти жуда пасайиб кетган халқ йиғинида иштирок этиш ҳуқуқи сақланиб қолган эди. Улар хонавайрон бўлиб, қарзга ботиб, ерларни қарз бадалига гаровга қўйишга мажбур бўлганлар. Ерларни гаровга қўйиш билан бирга қарздорлик асорати ҳам келиб чиқсан. Бунга кўра, қарзини тўлай олмаган қарздорлар чет элга қул қилиб сотилиши мумкин эди.

Ривоятларга кўра, қадимдан Афинада басилейлар - уруф саркардалари ҳокимлик қилишган. Евпатриидлар ўз бойлигига ва ижтимоий мансабларни эгаллашга бўлган танҳо ҳуқуқига таяниб, аста-секин уруғдошлик демоқратияси анъ-аналари билан боғлиқ басилей ҳокимиятини, синфий жамиятга ўтиш жараёнида кучайиб бораётган ва евпатриидларнинг манфаатларини химоя қилган зодагонлар кенгashi басилейлар ҳокимиятини чеклаб борганлар.

Бироқ басилей мансаби Афинада ҳеч қачон бекор қилинмаган бўлса-да, у ўз сиёсий аҳамиятини аста-секин йўқотиб борган. Ихтимоий тараққиёт илгарилаб борган сари тобора мураккаблашган бошқариш функциялари янги вазифаларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Зодагонлар кенгashi бу вазифаларни энди басилейлар зиммасига юкламаган, балки уларни бажариш учун янги лавоғимлар таъсис этган. Ҳарбий ишнинг мураккаблашуви муносабати билан

максус **аскарбошилик-полимархлик** лавозими ана шу тариқа пайдо бўлган. Басилейнинг вазифалари доирасидан ҳарбий қўмондонлик лавозимининг олиб ташланиши унинг обрўсини жуда тўкиб қўйган. Айниқса, милоддан аввалги IX-VIII асрларда таъсис этилган **архонтлик** мансаби Афинада давлатнинг ташкил топишидаги муҳим иккинчи қадам эди (биринчи қадам синойкизм бўлган). Шундан сўнг иккинчи ўринга тушиб қолган басилей мансаби кейинчалик фақат диний ишларни бажарадиган бўлиб қолган. Басилейнинг асосий функциялари евпатрилардан сайлаб қўйиладиган мансабдор шахсларга - архонтларга ўтган. **Архонтлар (яъни бошлиқ ёки эл оғаси)** дастлаб умрбод муддатга, милоддан аввалги VIII асрдан 10 йилга, милоддан аввалги 583 йилдан эса 1 йилга (ҳар йили 9 та архонт) сайланадиган бўлган. Архонтлар ҳайъати басилейнинг фақат ҳарбий, коҳонлик ва суд функцияларинигина эмас, балки вақт ўтиши билан бутун мамлакатни бошқаришни ўз қўлига олган. Айниқса биринчи архонтнинг ваколатлари жуда катта бўлган: у ҳайъатга раҳбарлик қилган, ички бошқарувни амалга оширган ҳамда оиласи ишларга оид суд ишларини назорат қилиб турган.

Давлатнинг ташкил топишига таъсир кўрсатган яна бир муҳим ҳодиса - бу милоддан аввалги VIII асрда янги бошқарув органи - **ареопагнинг** ташкил топиши бўлган (бу орган ареопаг деб номаланган тепаликда мажлис ўтказиб тургани учун шундай деб аталган). Мазкур орган оқсоқоллар кенгashi ўрнида пайдо бўлган эди. Ареопаг асосан евпатрилардан иборат бўлиб, архонтларни сайлаган ва назорат қилган, шунингдек, халқ мажлисини ҳам назорат қилиб турган, олий суд ҳокимиятини амалга оширган. Ареопаг таркибига барча собиқ ва хизматдаги архонтлар, яъни ҳар ҳолда яна ўша евпатрилар вакиллари кирган.

Шу тариқа Аттика жамияти сиёсий жамиятга - жамиятнинг ўзидан ажralиб чиқсан ва унинг устида турган ҳокимият остидаги жамиятга айланган. Жамият ва ҳокимиятнинг собиқ синкретизми (ажралмаганлиги) ниҳоясига етган.

Юқоридагилар билан бирга давлатнинг ташкил топиши учун характерли бўлган яна бошқа муҳим жараён - **аҳоли-нинг ҳудудий бўлиниши жараёни** ҳам ривожланишда давом этган. Милоддан аввалги VII асрда мамлакат ҳудуди округларга - **навкрайларга** бўлинган. Уларнинг аҳолиси

қайси қабилага мансублигидан қатын назар ўз маблағларига ҳарбий кемалар қуриш, уларни қурол-яроғлар ва әкипажлар билан таъминлашлари лозим эди.

Милоддан аввалги VI асрға келиб Афинада жуда мураккаб вазият вужудга келган. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши эркин аҳолини янада ижтимоий табақалашувига олиб келган. Евпатридлар ва геоморлар орасидан бой ер эгалари ажралиб чиқсан, евпатридларнинг бир қисми камбағаллашган, геоморлар эса батракларга айланиб, бир қисм ҳосил (одатда ҳосилнинг 1/6 қисми эвази) учун бирорвларнинг ерларида ишлаганлар ёки қарздорлик асоратига тушиб, эркинликларини йўқотганлар ва чет элга кул қилиб сотилганлар. Шаҳарликларнинг бой савдо-хунарманidlари юқори қисмининг иқтисодий роли ўсган, лекин улар ҳалиям ҳокимиятдан четлатилган эди. Камбағаллар - фетлар сони ҳам ўсган. Ўрта ва майда дехқонлар ва хунарманidlарнинг аҳволи доимо ўзгариб турган. Натижада турли даражадаги эркин кишилар ўртасида зиддиятлар келиб чиқсан. Бой евпатридлар билан ҳали ҳам ҳокимиятни ушлаб турган камбағал евпатридлар ўртасида, шунингдек, ҳокимиятга интилаётган бой дехқонлар, бой савдогарлар, бой хунарманidlар билан ўрта ва майда мулқорлар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлган. Бу зиддиятлар бой уруғ аристократияси ва янги бойлар бошчилигидаги ҳалқ (демос) ўртасидаги зиддиятлар сифатида майдонга чиқсан. Шу тарика демоснинг аристократияга қарши кураши бошланган. “Килон фалаёни” шундай курашлардан бири бўлган эди. Бу фалаён мағлубиятга учрашига қарамай, орадан бир неча йил ўтгач, демоснинг давлатманд табақалари ҳамда уларга қўшилган бир қисм евпатридлар тазиики остида ҳукмон аристократия жиддий ён беришга мажбур бўлиб, аллақачонлар ваъда қилинган, лекин ҳамиша орқага сурib келинган қонунларни ёзишга розилик берган. Милоддан аввалги 621 йилда “Драконт қонунлари” эълон қилинган. Албатта, Драконт томонидан одатдаги оғзаки ҳуқуқнинг ёзигб қўйилиши, хун олишнинг чекланиши, хусусий мулкнинг химоя қилиниши, суд ишларининг аниқланиши ўз замонаси учун прогрессив ҳодиса эди. Лекин қонунларнинг ёзигб қўйилиши демос билан евпатридлар ўртасидаги зиддиятларга ҳотима беролмади, чунки бу тадбир демоснинг иқтисодий аҳволига бир қадар бўлса ҳам муҳим ўзгариш ки-

ритмади ва унинг сиёсий, илгаригидек хукуқсиз ҳолатига мутлақо дахл қилмади.

Ана шу зиддиятлар натижасида, Аристотелнинг хабар қилишича, милоддан аввалги VII асрда ҳалқ уруғ зодагонларига қарши катта қўзғолон кўтарган ва кураш узоқ давом этган. Ушбу кураш давомида милоддан аввалги 594 йилда сиёсий кураш майдонига **Салон** деган тарихий шахс чиққан эди. Евпатридлардан келиб чиққан Салон 1-архонт қилиб сайлангач, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ўтказган.

Салоннинг асосий иқтисодий ислоҳати “сисахфия” - “юкни қоқиб ташлаш”, яъни камбағалларнинг гаровга қўйилган ер участкаларидан қарздорлик тошларини олиб ташлаш деб аталади. Салон дәхқонларнинг барча қарзларини бекор қилган, гаровга қўйилган ер участкаларини эгаларига қайтариб берган ва қарз бадалига қул қилишни абадул-абад бекор қилган. Шулар билан бирга, қарзи учун четга қул қилиб сотиб юборилганларни қайта сотиб олиб, ватанига қайтарган.

Салон васият қилувчининг қонуний фарзандлари бўлмаган тақдирдагина васият қилиш эркинлиги ҳақида қонун чиқарган. Натижада васият баҳонаси билан ерларни сота бошлаганлар. Салон ер максимумини ҳам жорий қилиб, бунга кўра, истаган миқдорда ер сотиб олиш мумкин эмас эди. Шу боис Салон ислоҳотларидан кейин Аттика узоқ вақтгача ўрта ва майда ер эгалиги мамлакати бўлиб қолган.

Салон Аттикандан дон чиқаришни тақиқлаган-у, аммо зайдун мойи чиқаришга рухсат этган. У токзорлар, боғлар ва полизлар барпо этиб парвариш қилишни рағбатлантирадиган, кудуқлардан ва умуман суфориш тизимларидан фойдаланишини тартибга соладиган қонунлар чиқарган.

Хунармандчилик ва савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида Салон шундай бир қонун чиқарганки, бунга биноан, агар ота ўз вақтида ўғлига бирон хунар ўргатмаган бўлса, ўғил қартайиб қолган отасига ёрдам беришдан бош тортишга ҳақли бўлган. Салон яна бекорчиликка қарши ҳам қонун чиқарган. У ягона ўлчовлар жорий қилган ва пул ислоҳоти ўтказган.

Салон иқтисодий ислоҳотлар билан бир қаторда **сиёсий ислоҳотлар** ҳам ўтказган. У ўша вақтгача мавжуд бўлиб келган генократияни (“генос”- “уруг” демакдир) - насл-насаби аристократия ҳокимиятини бекор қилган ва ўрнига

тимократияни (“тиме” - “баҳо”, “қиймат” демакдир), яъни мулкий цензга асосланган ҳокимиятни жорий этган ва шундай қилиб, аристократияни уруғдошлиқ тузуми сарқитлари билан боғлиқ бўлган имтиёзлардан маҳрум қилган. Салон Аттиканинг барча фуқароларини мулкий ҳолатига қараб тўрт даражага бўлган. Цензга асос қилиб дехқончиликдан келган даромад олинган. Ўз еридан камида 500 медимн сочилувчан ёки суюқ маҳсулот олган фуқароларнинг ҳаммаси биринчи даражага киритилган (медимн - ўлчов ҳажми; турли вактда у 41 литрдан тортиб то 52,5 литргача бўлган миқдорни ташкил этган). Улар **пентакосио-медиимнлар**, яъни беш юз галвирчилар деб аталган. Ўз еридан камида 300 медимн миқдорида даромад олган фуқаролар иккинчи даражага киритилган. Улар **суворийлар** деб аталган, чунки улар ўз жанговар отлари билан отлиқ аскарлар сифатида хизмат қилишлари лозим бўлган. Ўз еридан 200 медимн даромад олган фуқаролар учинчи даржага мансуб бўлган. Улар **зевгитлар** (“зевгос” - “қўш” демакдир), яъни қўш хўкизлар деб аталган. Улар пиёда лашкарда хизмат қилишга ва ўз оғир қуролига эга бўлишга мажбур эдилар. 200 медимндан кам даромад оладиган фуқаролар тўртинчи дарражага киритилган. Улар **фетлар (батраклар)** деб аталган. Фетлар ҳарбий хизматда ёрдамчи вазифалар ва енгил куролланган пиёда аскарларни ташкил этганлар. Энг бой даражадаги Афина фуқароларнинг - пентакосио-медиимнларнинг вазифаси ҳарбий кемаларни жиҳозлантириш ва уларни яхши сақлашдан иборат эди.

Сўнгра Салон ҳалқ йигинида муҳокама қилинадиган ишларни тайёрлашни Ареопагнинг ҳуқуқ доирасидан чиқарип ташлаб, уни заифлаштириб қўйган. Бу ишларни тайёрлаш учун Салон янги давлат органи - **буле (400 лар кенгashi)**-ни тузган. Улар Аттика қадимдан бўлиниб келган тўрт эски уруғдош фила (қабила) йигинларида ҳар бир филадан 100 булечи ҳисобидан сайланган.

Салон ислоҳотлари натижасида ҳалқ йигини Аттика ҳаётидаги фаолроқ роль ўйнай бошлаган. Унда кундалик сиёсий ишлар муҳокама қилинган, архонтлар ва бошқа олий мансабдор шахслар сайланган, сўнгра уларнинг ҳаммаси ўз фаолиятлари ҳақида ҳалқ йигини олдида ҳисоб беришлари лозим эди. Ҳалқ йигини **экллесия**, яъни чорланганлар йигини деб аталган, чунки йигин чақириладиган кунни жарчи-

лар бармаҳал ҳамма ёқقا жар солиб эшиттирганлар, шу мақсадда бутун мамлакатни кезиб юрганлар.

Салон юқоридагилардан ташқари, ҳар қандай афина фуқароси қатнашиши мумкин бўлган янги олий ҳакамлар судини - **гелиэяни** таъсис этган.

Салоннинг ислоҳотлари уруғдошлик тузумига ва уруғ зодагонларининг имтиёзларига зарба берган. Ислоҳотлар уруғ аристократияси - евпатридларнинг ҳокимиятини чеклашга ва уруғ-қабила сарқитларини тугатишга қаратилган эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, энди фуқарога унинг келиб чиқишига қараб эмас, балки мулкий цензга қараб баҳо бериладиган бўлди. Архонтларни фақат биринчи мулкий даражага мансуб кишилардан, яъни пентакасио-медиимнлардан сайлаш мумкин эди. Фақат дастлабки уч даражага кирувчи фуқароларгина буле аъзолари бўлиши мумкин эди. Фақат экклесияда ва гелиэядага ҳамма даражага мансуб фуқаролар иштирок этишлари мумкин бўлган.

Салон ислоҳотлари чет эллардан қуллар сотиб олиб келтириш ҳисобига қулдорлик хўжалигининг тараққий қилишига олиб келган, демак, антик қулликнинг ривожланишига асос соглан эди. Эркин васиятларни жорий қилганлиги ҳам ернинг хусусий мулк бўлишини ривожлантириб юборган эди ва ернинг уруғ мулки бўлиши сарқитларини заифлаштирган ва бекор қилган эди. Четга дон чиқаришнинг тақиқланиши ҳам асосан бу маҳсулотларни етиштирадиган евпатридларнинг манфаатларига зид эди. Хунармандчилик ва савдо-сотиқни ривожлантиришга қизиқтирувчи қонунлар шаҳар демоси ўрта табақаларининг аҳволини мустаҳкамларди. Сиёсий тимократик ценз ислоҳоти евпатридларнинг уруғ аристократиясини турли мулкий даражаларга ва бундан келиб чиқадиган турли ҳуқуқ ва мажбуриятларга бўлиб юборган эди. Лекин умуман олганда Салон ислоҳотлари маълум даражада компромисс (келишувчилик) характеристига эга бўлган. У Ареопагнинг қонун чиқариш ва назорат қилиш вазифаларини ўзида қолдирган эди, Аттика нинг тўрт уруғ қабиласига - филасига бўлиниши каби эски уруғ-қабила бўлинишини дахлсиз қолдирган эди, ҳолбуки Салон ислоҳотларидан илгариёқ Аттика худудининг уруғ-қабила тамойили асосида бўлиниши бузилган эди. Ҳарбий кемалар қуришга бутун аҳолидан пул йиғиш учун Аттика 48 та худудий округга - навкрайирига бўлинган эди.

Салон ислоҳотлари Аттиканинг ундан кейинги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти учун фоят катта аҳамиятга эга бўлган. Албатта, бу ислоҳотлар евпатридларнинг - уруф задагонларининг норозилигини туддирган. Лекин ислоҳотлардан демоснинг камбағал қатламлари ҳам норози эди. Ер улушининг етарли бўлмаганлиги уларнинг қашшоқлик манбай эди. Камбағаллар евпатридларга қарашли ерларнинг бир қисмини тортиб олишни, уларни бўлиб, ўз майда участкаларига қўшиб беришни ва шу йўл билан мазкур участкалардан олинадиган ҳосилни ўлмас овқат даражасига етказишни талаб қилдилар. Лекин Салон бунга кўнмади. Бундан ташқари Салоннинг ценз ислоҳоти фуқароларнинг камроқ мол-мулки бўлган табақаларининг сиёсий ҳукуқларини қирқиб кўйган эди. Шу сабабли Салон архонт-айсидент сифатида ҳокимият тепасида бир йил тургандан кейин ислоҳотлардан мулкий ва сиёсий зарар кўрган, унинг ислоҳотларини ҳаддан ошиш деб ҳисоблаган эски зодағонлар, ислоҳотларни етарли эмас деб топган демоснинг кўйи табақалари ҳам унга қарши чиқди. Салон бирмунча вақт Афинадан чиқиб кетишга мажбур бўлган.

Бу вақтда Аттикада синфий ва сиёсий кураш фоят кескинлашиб кетган. Ўзаро курашлар вақтида учта ижтимоий-сиёсий ва ҳудудий гуруҳ ташкил топган: улар ер эгаларининг (кўпчилиги Салон қонунларини бекор қилишни истовчи евпатридларнинг) манфаатларини ҳимоя қилувчи **педиэйлар** (серҳосил водийлар аҳолиси); **паралийлар** (соҳил аҳолиси) - Салон қонунларидан қаноатланган ва унинг ислоҳотларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган шаҳар ва қишлоқнинг ўрта мулқдорлари, савдогарлари ва ҳунармандлари; **диакрийлар** - Салон қонунларини етарли эмас деб топган камбағал деҳқонлар (тоғли районлар аҳолиси)дан иборат эди. Диакрийлар ўз ер участкаларининг миқдорини кўпайтиришни ва сиёсий ҳукуқларини кенгайтирилишини талаб қиласидилар. Фетлар даражасига мансуб шаҳар камбағаллари ҳам уларга қўшилардилар. Бу гурухларнинг раҳбарлари анъанага кўра манфаатдор аристократ уруғларнинг вакиллари эди. Энг радикал гуруҳ бўлган диакрийлар тепасида Писистрат турарди.

Милоддан аввалги 560 йилда Писистрат диакрийларга таяниб, давлат тўнтариши ўтказган ва тиран бўлиб қолган. Писистрат Салон ислоҳотларини бекор қилмаган, балки да-

вом эттирган. У қишлоқ камбағаллари - диакрийлар манфаатларини қондириб, ўзига душман евпатридларнинг ерларини мусодара қилган. Дехқонларга кредит бериб, уларнинг ахволини анча яхшилаган. Илгари судга иши тушган киши албатта Афинага бориши керак эди. Писистрат дехқонларга суд ишларини юритишни енгиллаштириш учун дема (қишлоқ)лар бўйлаб юрадиган маҳсус сайёр судлар лавозими ва ўндан бир микдорда даромад солиги жорий қилиб, давлат хазинасини тартибга соглан.

Аммо тиран - якка ҳоким Афинада ноқонуний ҳукмдор ҳисобланган. Шунинг учун тез орада айниқса бой афиналиклар норозилигига учраган. Милоддан аввалги 527 йилда Писистрат вафотидан кейин ҳокимиятни унинг ўғиллари Гиппий ва Гиппарх бироз вақт ушлаб турганларидан сўнг, дастлаб Гипперх ўлдирилган ва кейин милоддан аввалги 510 йилда Гиппий Афинани ташлаб чиқиб кетишига мажбур бўлган.

Тириания асосан Спартанинг қўллаб-қувватлаши билан афдарилган эди. Чунки Спарта Афинанинг кучайишидан чўчирир эди. Шундан сўнг ҳокимиятни аристократия қўлга олмоқчи бўлган. Лекин камбағалларга таяниб, Афинанинг бой савдо-хунарманлари вакили Клисфен бошчилигидаги афина қулдорлари спарталикларни ҳайдаб юборганлар.

Клисфен Афина ҳокимияти тепасига чиққач, милоддан аввалги 509 йилда бир қанча **ислоҳотлар** ўтказган. Унинг ислоҳотлари уруғ-қабила муносабатларининг қолдиқлари ва сарқитларини узил-кесил тугатган ва Афина қулдорлик демократияси тизимини шакллантирган.

Клисфеннинг энг асосий тадбири **маъмурий-худудий ислоҳот** эди. У аҳолини эскича тўртта қабилага бўлинишини бекор қилди, яъни эски тўртта уруғ-қабила филаларни тугатди, уларнинг ўрнига ҳудудий белгига қараб **ўнта ҳудудий фила ташкил этди**. Энди уруғдошлиқ ташкилотлариға тааллуқлилик ўз аҳамиятини йўқотиб, ҳал қилувчи ролни фуқароларнинг яшаб турган жойидаги ташкилотлар ўйнай бошлаган. **Ҳар бир фила учта триттийга бўлиниб**, филанинг ички бўлиниши ҳисобланган. Шуниси характерлики, бу триттийларнинг биттаси шаҳардан, иккинчиси дениз соҳилидан, учинчиси мамлакатнинг ўртасидан жой олган эди. Шуниси ҳам борки, ҳар бир фила қайси триттийлардан ташкил топиши чек ташлаш йўли билан ҳал этилган.

Шу сабабли айрим филаларнинг триттийлари, ҳатто умумий чегараларга эга бўлмасликлари ҳам мумкин эди. Лекин бутун Аттиканинг ҳудуди кичик-кичик доиралардан иборат бўлиши каби бундай ҳолат бу хилдаги аралаш-қуралаш филаларни идора қилишни қийинлаштирмасди. Бундан кўзда тутилган мақсад - аҳолини бутунлай аралаштириб юбориш ва уруғ-қабила алоқаларининг қолдикларини батамом туғатиш эди.

Клисфен бутун Аттика ҳудудини **энг қуи бўгинда турувчи юзта маъмурий бирликларга - демларга бўлиб чиққан**. Ҳар бир филага ўнтадан демлар киритилган. Афинанинг ҳар бир фуқароси ўзи келиб чиққан демга ёзилган. Ўзини уруғ-аймоқ билан аташ тақиқланган. Уруғдошлиқ алоқалари шу тариқа бекор қилинган.

Шундай қилиб, ислоҳот натижасида илгари уруғдошлиқ тузуимида бўлмаган ва фақат давлатга хос бўлган маъмурий-ҳудудий бўлиниш жорий этилган.

Филалар сонининг ўзгариши муносабати билан Салоннинг тўрт юзлар кенгаши ўрнига беш юзлар (ҳар бир филадан 50 вакил ҳисобидан) кенгаши ташкил этилган Кенгашнинг халқ йиғини муҳокамасига қўйиладиган ишларни тэйёрлаш органи сифатидаги вазифаси кучайган Беш юзлар кенгаши олий маъмурий орган бўлиб қолган Унинг ўнинчи (навбатчи) қисми йилнинг ўндан бир қисми давомида (35-36 кун) навбатма-навбат давлат вазифаларини бажариши лозим эди, бу вақт притания деб аталарди. Беш юзлар кенгашининг аъзолари (пританлар) филаларда сайланган номзодлардан чек ташлаш йўли билан бир йилга сайлаб қўйиларди. Беш юзлар кенгаши халқ йиғинлари орасидаги даврда Афина сиёсий ҳаётига раҳбарлик қилган, халқ йиғинларининг қарорларини бажаришни амалга оширган.

Бу вақтда архонтларнинг эски ҳайъати ўз аҳамиятини йўқотган эди Клисфен ҳудудий ислоҳот ўтказар экан, Аттикада кўпдан бери яшаб келган ва лекин мамлакатнинг туб аҳолиси бўлмаган анча шахсларни фуқаролар қаторига кирилди.

Клисфен даврида Афина фуқароларининг энг оммавий органи бўлган ҳакамлар суди - гелиэянинг роли кучайди. Гелиэяга фуқаролар цензидан қатъи назар бир йилга сайлаб қўйилар эди. Улар ўз навбати билан турли суд комиссияларида суд ишларини бажарадилар. Клисфен тирания

қайта тикланишининг олдини олиш учун "сополлаштириш", юонча "остракисм"ни ("остракон" - "сопол" демакдир) жорий этган. Ҳар йилда бир марта ҳалқ йифини остракисмни ташкил этиш кераклиги ёки керакмаслигини ҳал қилган. Агар ижобий қарор қибул қилинса, орадан бирмунча вақт ўтгач, камида олти минг фуқародан иборат ҳалқ йифини чакирилган ва бу фуқаролардан ҳар бири, унинг Фикрича, Афина демократик тузуми учун хавфли бўлган сиёсий арбобнинг номини сополга ёзиб қўйган. Бу яширин овоз бериш натижасида кимга қарши кўпроқ овоз берилган бўлса, ўша шахс ўн йил муддат билан Афинадан қувилган, лекин у фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ва мол-мулки мусодора қилинмаган. Остракисм дастлаб уруг аристократиясиға қарши қаратилган бўлса, оқибатда ундан Афина жамиятидаги турли гурухлар ўртасидаги сиёсий курашда фойдаланилган.

Клисфенning сўнгги тадбирларидан бири - милоддан аввалги 502 йилда ўнта стратег ҳайъатини таъсис этишдан иборат эди. Бу ҳам аҳолининг худудий бўлинишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган, яъни унга ҳар бир филадан биттадан вакил киритилган. Бу стратеглар ҳалқ йифинида кўл кўтариб (хейротония) очиқ овоз бериш йўли билан бир йил муддатга сайланганлар ва Афина ҳалқ лашкарига галма-гал қўмондонлик қилганлар. Расман бу ҳайъатнинг раиси ҳисобланган эски архонт-полимархлик лавозими ўз аҳамиятини йўқотган.

Шундай қилиб, Клисфен ислоҳотлари Афинада уруғдошлик тузумига энг сўнгги зарба бериб, узоқ давом этган давлатнинг ташкил топиш жараёнини ниҳоясига етказган.

Тесейдан сўнг туғила бошланган ҳокимиятчилик функциялари уларни амалга ошириш органларининг ташкил этилишига олиб келган. Натижада аста-секин сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи маҳсус ва доимий ҳаракатдаги аппарат вужудга келган. Шу билан бир вақтда бу аппарат томонидан жамият устида ҳокимиятни танҳо эгallab олиш жараёни борган. Ҳокимиятчилик функцияларини амалга оширишни танҳо ҳуқуқقا айланиши натижасида зўрлиқдан фойдаланиш қонуний ҳуқуқ бўлиб қолган. Сиёсий ҳокимият давлат ҳокимияти шаклида амалга оширила бошланган, уни амалга оширувчи аппарат эса давлат аппаратига айланган.

Шу тариқа узоқ асрларга чўзилиб кетган иқтисодий муносабатлардаги инқилобдан сўнг ижтимоий инқилоб, кейин эса давлатнинг ташкил топиши билан якунланган сиёсий инқилоб содир бўлган. Буларнинг ҳаммаси бир вақтдаги ҳодиса бўлган. Афинада давлатнинг келиб чиқиши уруғ аристократияси ва демос ўртасидаги кескин ва муросасиз кураш билан бирга борган ва бу кураш оқибатда демос ғалабаси билан тугаган. Натижада Афинада демократик республика шаклидаги қулдорчилик давлати вужудга келган.

5. Афина давлатининг ривожланган даври (милоддан аввалги V-IV асрлар)

Милоддан аввалги V асрнинг биринчи ярмида Афина юон дунёсида энг илфор давлатлардан бирига айланган. Бунга юон давлатларининг Юнонистон - Эрон урушидаги ғалабаси, Афина экономикасининг жадал ривожланиши ва унда демократик тузумнинг мустаҳкамланиши кўмаклашган. Юнонистон - Эрон уруши даврида ташкил топган юон давлатлари иттифоқига дастлаб Спарта бошчилик қилган бўлса, 70-йилларда ҳарбий харакатлар денгизга кўчгандан сўнг, иттифоққа раҳбарлик Афинага ўтган. Милоддан аввалги 478 йилда Афина бошчилигидаги Делос ёки биринчи Афина денгиз иттифоқи (симмахия - ҳарбий иттифоқ) тузиленган. Иттифоққа 140-160 юон давлатлари кириб, улар ҳарбий кемаларни ва аскарларни таъминлаб туришлари ва иттифоқ ҳазинасига (кассасига) пуллар (бадаллар) - "форос" (айнан таржимаси "оғирлик") тўлаб туришлари керак эди. Флотга кўмонданлик Афинага топширилган эди.

Вақт ўтиши билан флотни қуриш ҳам Афинага ўтган, иттифоқ ҳазинаси ҳам Делосдан Афинага ўтказилган, форос иттифоқчиларидан йигиладиган хирожга, солиққа айланган ва бунга Афина ҳеч қандай назоратсиз эгалик қила бошланган.

Шу тариқа 1-Афина денгиз иттифоқи аста-секин Афина архэсига ("архэ" - "ҳокимият", "ҳукмронлик" дегани), яъни **Афина денгиз давлатига** айлана борган. Иттифоқчиларнинг норозиликлари куч билан бостирилган, иттифоқчилар ҳудудларида афина манзилгоҳларини (клерухияларни) ташкил эта бошлаганлар, яъни у ерга афиналик камбағал фуқароларни кўчириб келтириб, ўша ерда уларга улуш ерлар

(клерлар) тақсимлаб бера бошлаганлар. Клерухиялар ҳарбий-дәхқончилик мансабдорлардың бүлиб, улар амалда ҳарбий отрядларга айлантирилген эди. Күп иттифоқчы давлатларга афина мансабдор шахслари жүнатылған, Афина судига иттифоқчы давлатлар фуқароларининг баъзи ишларини күриш ҳам ўтган эди, 500лар кенгаши иттифоқ ишларини ҳал қила бошлаган.

Демак, шу тариқа, иттифоқда Афина гегемонлиги (йўлбошчилиги) қудратли Афина архесига айланган.

Афинанинг ташқи сиёсий ахволидаги ўзгаришлар, унинг бойиб кетиши ижтимоий-сиёсий муносабатларда ҳам ўзгаришларга олиб келган. Урушдан кейинги даврларда Афинанинг давлат тузуми демократлаша бошлайди. Архонтларни куръя ташлаб сайлаш жорий қилиниб, бу мансабга иккинчи дараражали кишилар ҳам сайланадиган бўлган. Афина фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари кенгайган. Булар Эфиалт ва Перикл ислоҳотларида ўз ифодасини топган.

Эфиалт ареопагни сиёсий ҳокимиятдан деярли тұла маҳрум этган, унинг асосий функцияларини ҳалқ мажлиси, 500лар кенгаши ва гелиәяга ўтказган. Жумладан, ареопаг ҳалқ мажлисининг қарорларига “вето қўйиш” ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилиш вазифаси ҳалқ мажлиси ҳамда 500лар кенгашига олиб берилди. Ареопаг энди қасддан одам ўлдиришда ва куфронийликда айблашлардан бўлак ҳеч қандай суд ишларини ҳал қила олмаган. Қолган ишларнинг ҳаммаси ҳакамлар судига - гелиәяга топширилган.

Афинада демократиянинг равнақ топиши **Перикл** номи билан боғлиқ. Унинг даврида Салоннинг цензга оид ислоҳотлари ўз аҳамиятини йўқотган. Чунки энди давлат мансабларига барча тұла ҳуқуқли фуқаролар эга бўлишлари мумкин эди. Перикл Афина фуқароларининг камбағал табакаларини иш билан банд этиш тўғрисида ҳаракат қилган. Давлат мансабларини бажарғанлик учун ҳалқ тайинлаган.

Ижтимоий Милоддан аввалги VI-V асрларда антик қултузум. лик шакли анча ривожланган. Бу даврда қулдорлик сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам ўсган.

Кулларнинг меҳнатидан қишлоқ хўжалигига, ҳунармандчиликда ва конларда фойдаланилар эди. Бойларнинг уйларида улар хизматкор қилиб ишлатиларди. Юридик жиҳат-

дан қул хўжайнинг мулки ҳисобланган. Афинада қулни ўлдиришни тақиқловчи қонун бўлса-да, лекин амалда бу қонунга риоя қилинмаган. Қулни қилич билан ёки осиб ўлдириш мумкин эмас, аммо ўлгунча калтаклаш ёки очликдан ўлдириш мумкин эди, чунки агар қул бирон жазо натижасида ўлса, қулдор айбдор ҳисобланмаган. Қул судда гувоҳлика ўтолмасди. Лекин, агар қулнинг айтганлари “бадан товуши” бўлса, яъни қийноқ натижасида айтилган бўлса, у вақтда унинг айтганлари ҳақиқий ҳисобланган. Қуллар қонуний никоҳга киролмаганлар. Уларнинг амалдаги эр-хотинлик муносабатлари фақат бирга туришдан иборат бўлган, бу бирга туриш хўжайнинг хоҳиши билан ҳар қачон бузилиши мумкин эди.

Қуллар орасида педагоглар, врачлар, актёrlар, музикачилар ва раққослар, ҳатто файласуф қуллар ҳам мавжуд эди. Лекин бундай касб-корлар ҳеч бир ҳолда қулни хўжайнинг жабр-зулмидан қутқаролмасди. Қулдор қулни истаган кўйига сола оларди.

Милоддан аввалги V-IV асрларга келиб патриархал қуллик ўрнига классик, антик қуллик келган. Қулларга оддий меҳнат қуроллари сифатида қараларди. Қуллар аста-секин асосий ишлаб чиқарувчи кучларга айланган. Давлат қуллари асосан конларда ва тош йўнишда, шунингдек, идораларда паст лавозимларда, масалан, мирзалик, котиблик вазифаларида ишлардилар. Бундай қулларнинг аҳволи хусусий қул эгалари қўлидаги қулларнинг аҳволидан енгилроқ эди. Лекин бу қуллар ҳам доим сотилиши ёки бошқа ишга кўчирилиши мумкин эди. Хусусий эгаликдаги қуллар далаларда ва хунармандчилик устахоналарида ишлатилганлар ёки ижарага берилганлар. Бу шахсий ижара эмас, мулк ижараси ҳисобланган. Қулларнинг умумий сони жуда ўсиб кетган ва тахминан эркин афиналиклар сонидан тўрт баравар кўп бўлган. Баъзи маълумотларга қараганда эса, ҳатто Афинанинг 21 минг фуқаросига 400 минг қул тўғри келганлиги кўрсатилади. Қуллар энг хуқуқсиз бўлиб, хуқуқ субъекти эмас, ашё ҳисобланганлар. Хуқуқсиз қуллар ва тўла хуқуқли қулдорлар ўртасидаги зиддиятлар афина жамиятининг асосий антогонистик (муросага келтириб бўлмайдиган) зиддиятларига айланган. Афина фуқаролари ва **метеклар** (Афинага кўчиб келиб жойлашган чет элликлар) ўртасидаги зиддиятлар ҳам кескинлашган. Метеклар сони афиналик-

лар сонининг тахминан ярмини ташкил этарди. Улар асосан савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланганлар ва мулкий ҳуқуқларда чеклаб қўйилганлар, мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этишдан тўла маҳрум бўлганлар.

Афинада Эфиалт ва Перикл ислоҳотларидан кейин ҳам афиналикларнинг турли эркин гуруҳлари ўртасидаги зиддиятлар тугамади. Мулкий дараҷаланишнинг тобора чуқурлашиб бориши натижасида эркин фуқаролар иккита нотенг ва амалда тенг ҳуқуқларга эга бўлмаган гуруҳларга - бадавлат қулдорларнинг кичик гуруҳи (ер эгалари, савдогарлар, кемаларнинг эгалари, судхўрлар, ҳунармандчилик устахоналарининг эгалари)га ва эркин камбағалларнинг асосий қисми (дехқонлар, ҳунармандлар, денгизчилар)га, шунингдек ишлаб чиқариш қурол-воситаларидан маҳрум бўлган, давлатдан ва бойлардан олинадиган хайр-садақа ҳисобига кун кўрадиган люмпенларга бўлинган.

Афина демократияси ўзининг гуллаб-яшнаган даврида эркин кишиларнинг (кулдорлар, камбағаллар, люмпенларнинг) қуллар устидан биргалиқдаги ҳукмронлигининг сиёсий шаклига айланган. Шу билан бирга у қулдорларнинг мулксиз фуқаролар устидан ҳукмронлиги шакли ҳам бўлган. У шунингдек, бир томонда эркин кишилар - қулдорлар, бошқа томонда майдо ишлаб чиқарувчилар ва люмпенлар ўртасидаги зиддиятлар ривожланадиган ҳукмронлик шакли ҳам бўлиб қолган. Афина демократиясининг бу характерли белгилари айниқса унинг давлат тузумида яқол намоён бўлади.

Давлат Афина давлати ўз моҳиятига кўра эркин фуқатузуми. роларнинг манфаатларининг ҳимоя қилинишини ва кўп сонли қулларнинг тутқунликда ушлаб туришни таъминлайдиган сиёсий ташкилот ҳисобланган. Бошқариш шакли бўйича у демократик республика бўлиб, унда афина фуқаролари тенг ҳуқуқлардан фойдаланганлар ва сиёсий ҳаётда (давлатни идора этишда) фаол қатнашишлари мумкин бўлган. Афинада қулдорларнинг демократик республикаси милоддан аввалги V асрда ташкил топиб ва баъзи танаффуслар билан милоддан аввалги IV асрнинг 30-йилларигача яшаган.

Афина давлатининг асосий органлари: ҳалқ йиғини, Беш юзлар қенғаши ва гелиэя ҳисобланган. Улар мансабдор

шахсларнинг фаолиятини йўналтириб турганлар ва назорат қилганлар.

Афинада давлат ҳокимиятининг олий органи **халқ йиғини-эклесия** бўлган. У дастлаб йилига ўн марта, кейинчалик қирқ марта чақириладиган бўлган. Алоҳида ҳолларда (душманинг тўсатдан ҳужум қилиши, табиий офат ва бошқа ҳолларда) фавқулодда “саросима ва фожиа йигини” чақирилиши мумкин бўлган. Халқ йигини Акрополь яқинида жойлашган яssi тепалик Пникс устида тўпланган, кейинчалик мажлислар Афина театрига кўчирилган. Халқ йигинининг ваколат доираси жуда кенг бўлган: Афина сиёсатининг ҳамма асосий масалаларини қараб чиқкан, қонунлар қабул қилган, хусусий масалалар бўйича қарорлар чиқарган, мансабдор шахсларни сайлаган ва уларнинг фаолиятини текширган, уруш ва тинчлик, мамлакатнинг озиқ-овқат масалаларини ҳал қилган ва ҳоказо. Махсус йигинларда фуқароларнинг илтимос-шикоятлари кўриб чиқилган ва бъязи шахсларни остракисм тартибида давлатдан ҳайдаб юбориш ҳақидаги масалалар ҳал этилган.

Халқ йигинида фақат 20 ёшга етган тўла ҳукуқли афиналик фуқаролар иштирок этишлари мумкин эди. Аёллар ва метеклар халқ йигинига қўйилмаган. (Куллар тўғрисидаку гап бўлиши мумкин эмасди). Одатда дехқонлар унинг ишида кам иштирок этишган, лекин милоддан аввалги IV асрдан бошлаб уларнинг халқ йигинида иштирок этишлари учун мукофот тайинланган. Халқ йигинида ҳатто энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун бор йўғи 6000 киши, яъни бутун тўла ҳукуқли афиналикларнинг 1/5 қисми иштирок этиши талаб қилинарди.

Ҳар бир халқ йигинининг кун тартиби олдиндан белгиланган. Ҳар ойдаги йигинлардан биттаси асосий йигин хисобланган. Унда мансабдор шахслар фаолияти текширилган, озиқ-овқат масалалари муҳокама қилинган ва ҳоказо. Олтинчи ойнинг асосий йигини, бундан ташқари, мансабдор шахсларни айблаш, остракисм ҳақидаги масала ҳал қилинган. Ойнинг қолган бошқа йигинларида фуқароларнинг шикоятлари, диний, маъмурий ва бошқа масалалар кўрилган. Афиналик ҳар бир фуқаро истаган масаласини халқ йигинига қўйишга, унда сўзга чиқишга, янги қонун лойиҳаларини кун тартибига киритишга ҳақли эди. Амалда халқ йигинида нутқлар билан асосан гапга уста профессионал

нотиқлар - сағсатабозлар (демагоглар) сүзга чиқиб әркін кишиларнинг алоҳида гурухлари манфаатларини ёқлаганлар. Қонун лойиҳалари дастлаб ҳамма кўрадиган жойга осиб қўйилган ва даставвал беш юзлар кенгashiда кўриб чиқилгандан кейин халқ йифини муҳокамасига келиб тушган. Қарор очиқ овоз бериш, яъни қўл кўтариш йўли билан қабул қилинган. Ёпиқ овоз берганда кутига ё ловия, ё қора ва оқ тошчалар, ёки хат ёзилган синиқ сопол парчалари ташлаган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, халқ йифинининг ҳар бир иштирокчиси таклиф этилган қонун лойиҳасини ноқонуний деб ҳисоблаб, муҳокамадан ёки овозга қўйишдан олинишини талаб қилиш, бундай лойиҳа муаллифини судга бериш хукуқига эга бўлган. Бундан ташқари халқ йифинининг раиси ўз фикрича киритилган таклифларни ноқонуний деб ҳисобласа, уни овозга қўймаслиги мумкин эди.

Халқ йифинида қабул қилинган қонун лойиҳаси, агар гелиэя томонидан рад этилмаса, қонун бўлиб қолган.

Афинада демократик муассасалардан яна бири **беш юзлар кенгashi - **Буле** бўлган.** Бу кенгаш Клисфен замонидаёқ таъсис этилган бўлиб, унинг аъзолари 30 ёшга тўлган Афина фуқароларидан қуръа ташлаш йўли билан сайланган. Унинг ҳамма ўнта ҳудудий филаларининг ҳар биридан элликтадан вакил киритилган. Беш юзлар кенгashi Афинанинг олий ҳокимият ва маъмурий органи бўлиб, халқ йифинида кўриладиган масалаларни олдиндан тайёрлаган. Унинг қарорларини ижро этган, молия бошқарувини олиб бориб, давлатнинг даромад манбалари- устидан назорат қилган. Шунингдек, Буле ташқи давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Бундан ташқари, мансабдор шахсларнинг ишларини кўриб чиқсан. Кенгашнинг энг муҳим функцияси, юқорида айтиб ўтилганидек, халқ йифинига қўйиладиган масалаларни олдиндан муҳокама қилиш бўлиб, бу билан у халқ йифини фаолиятини йўналтириб турган.

Кенгаш кундалик ишларни юритиш учун ўнта комиссия (пританий)га ажралган. Комиссиялар таркибиға ҳар бир филадан элликтадан вакил киритилган эди. Комиссиялар навбатма-навбат Кенгаш мажбуриятларини бажарганлар. Бунда ҳар куни қуръа ташлаш йўли билан янги Кенгаш раиси сайланган. У халқ йифини вақтида унга ҳам раислик қилган. Милоддан аввалги IV асрда бу тартиб ўзгартирилган:

раис Кенгашнинг ҳар бир мажлисидан олдин сайланадиган бўлган. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси хизмат ўташ муддати тугагандан сўнг ҳисобот берган ва жавобгарликка тортилиши мумкин эди.

Афина давлатининг олий суд органи - **гелиэя** - ҳакамлар суди йирик демократик муассаса бўлган. Унинг аъзолари 30 ёшга тўлган фуқаролардан қуръа ташлаш йўли билан бир йил муддатга сайланадиган 6000 ҳакамдан иборат бўлган. Ҳакамлардан бир мингтаси заҳирадаги ҳакам ҳисобланган. Гелиэя таркибида ўнта ҳайъат - палата (дикастериya) бўлиб, уларнинг ҳар бирида беш юзтадан ҳакам ва юзтадан заҳирадаги ҳакам бўлган.

Афина судида суд қилинадиган ҳеч бир фуқаро унинг иши қайси дикастерияда кўрилишини олдиндан билмаган. Буни у суд бўладиган куни ёки ундан бир кун олдин билган, холос. Томонлар пора бера олмасликлари учун шундай қилинган. Қадим замонларда адвокатлар бўлмаган. Жавобгар ёки айбланувчининг ўзи ўзини ҳимоя қилиб сўзлаган, унинг қариндошлари ҳам суд мажлисида сўзга чиқишлари мумкин эди.

Гелиэя давлатга қарши жиноятлар ва мансабдор шахсларнинг сунистъемолликлари ҳақидаги ишлар бўйича I инстанция суди, бошқа судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича эса апелляцион инстанция ҳисобланган. У, шунингдек, баъзи назорат функцияларини ҳам амалга оширган ҳамда ҳалқ йифинида қабул қилинган қонун лойиҳаларини рад этиш хукуқига эга бўлган.

Шу тариқа, қадимги Афинада қонун чиқариш жараёни куйидаги босқичлардан иборат эди:

а) ҳалқ йифинига қонун лойиҳасининг киритилиши (бундай қонунчилик ташаббуси хукуқига ҳар бир афиналик фуқаро эга бўлган);

б) беш юзлар кенгashi томонидан қонун лойиҳасининг дастлаб кўриб чиқилиши ва бу ҳақда ҳалқ йифини учун хуласалар берилиши;

в) ҳалқ йифини томонидан қонун лойиҳасининг қабул қилиниши;

г) қабул қилинган қонун лойиҳасининг кучга киритилиши ёки гелиэя томонидан рад қилиниши мумкинлиги.

Афина давлат бошқарувида мансабдор шахслар муҳим ўрин тутади. Бунда мансабларни эгаллашда куйидаги асо-

сий тамойилар: сайлаб қўйилиши, муддатлилиги, ҳисоб беришлиги ва коллегиаллиги ўрнатилган.

Мансабдор шахсларнинг сайлови ҳар йили ё халқ йифинида очиқ овоз бериш йўли билан, ёки қуръа ташлаш йўли билан амалга оширилган. Мансабга ўтиришдан олдин барча мансабдор шахслар маҳсус текширувдан - докимасиядан ўтказилганлар. Бунда уларнинг сиёсий жиҳатдан ишончлилиги ва бошқа шахсий сифатлари аниқланиб, уларнинг мансабни эгаллашга ҳақли эканликлари текширилган. Мансабни қаторисига икки марта эгаллаш (ҳарбий мансабдан ташқари) ёки бир вақтда иккита мансабни эгаллаш мумкин эмас эди. Мансабларни бажарганлик учун ҳақ тўланган. Бундан фақат стратеглар истисно қилинган. Мансабдор шахслар хизматлари муддати ўтганидан сўнг ўз фаолиятлари юзасидан беш юзлар кенгаши ва гелиэяга ҳисботлар тақдим қилганлар. Афина давлатининг гуллаб-яшнаган даврида кўп мансаблар коллегиал бўлган.

Афинада асосий мансабдор шахслар **стратеглар** ва **архонтлар** бўлган.

Стратеглар ҳайъатининг аъзолари уйланган ва кўчмас мулкка эга бўлган фуқаролардан ўн киши таркибида халқ мажлиси томонидан сайланган. Милоддан аввалги V асрда стратеглар муҳим ваколатларни қўлга киритганлар. Улар армия ва флотни ушлаб туриш учун келиб тушган маблағларни бошқара бошлаганлар, фавқулодда ҳарбий йигимлар ташкил қила бошлаганлар. Афинага озиқ-овқатлар келтиришга раҳбарлик қила бошлаганлар (тинчлик вақтларида афина фуқаролари доимий соликлар тўламаганлар, бундай соликлар метеклардан йигилган). Стратегларга дипломатик муносабатлар соҳасида ҳам баъзи ваколатлар ўтган: улар душмандан капитуляция (таслим бўлиш ҳақидаги ва голиб томонга имтиёз берувчи шартнома) қабул қилганлар, сулҳ тузганлар. Бундан ташқари, ҳарбий жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича судларда тергов олиб борганлар ва бундай судларга раислик қилганлар. Ниҳоят, стратеглар беш юзлар кенгаши ва халқ йифинининг навбатдан ташқари мажлисини чиқаришни талаб қилиш ва фавқулодда чоралар кўриш ҳуқуқига эга эдилар. Баъзан стратеглардан армияга қўмондонлик қилувчи, фавқулодда ҳолларда эса давлатда бутун ҳокимиётни қўлга олувчи **автократлар** ажратилган.

Стратеглар ваколатларининг ўсиши билан архонтларнинг сиёсий аҳамияти пасайган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Салон ислоҳотларидан кейин ҳудудий Филалар томонидан таклиф қилинган номзодлардан қуръа ташлаш йўли билан тўққизта архонтлар сайланадиган бўлган. Улар жуда кам ҳолларда: ҳалқ йиғинида острракисм ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда ва мансабдор шахслар докимасиядан ўтказилаётганда ягона коллегиал орган сифатида ҳаракат қилганлар. Биринчи архонт **архонт-эпоним** ҳисобланган. Архонт-эпонимда Афина демократиясининг ривожланиши билан фақат оиласвий ишлар бўйича ва мерос ҳақидаги ишлар бўйича суд функцияларигина сақланиб қолган эди. Иккинчи архонт - **архонт-басилей** бўлиб, у диний ишларни юритган ва судда жиноий ишларни кўрган. Учинчى архонт **архонт-полимарх** бўлиб, у эндиликда илгариги ҳарбий қўмондон-лик функцияларини йўқотиб, фақат метеклар ва бошқа чет элликлар (ксенлар) билан боғлиқ бўлган асосий ишлар билан шуғулланган. Бошқа олтитаси **архонт-фесмофетлар** деб аталиб, гелиэяга таалуқли ишларни тайёрлаганлар, афина судларида “адолатли суд қилишга” раҳбарлик қилганлар.

Афинада ҳаммаси бўлиб етти юзга яқин маҳсус мансабдор шахслар бўлиб, улар тегишлича турли вазифаларни ба-жаргалар. Хусусан, Афинада давлат мулкини бошқариш, давлат хазинасини юритиш, кўчалардаги тартибни ва фуқароларнинг аҳлоқини, бозорлардаги савдони кузатиб туриш, ҳарбий тайёргарликдан ўтаётган ёшларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш сингари вазифаларни ана шу маҳсус мансабдор шахслар адо этганлар. Филаларда ва демларда ҳам ўз мансабдор шахслари мавжуд эди.

Милоддан аввалги V асргача бўлган даврда **Ареопаг** давлат ҳокимият органлари ичida муҳим ўрин тутар эди. Унинг аъзолари архонтлар ва илгари архонт бўлиб ишлаган кишилар эди. Милоддан аввалги V асрдан бошлаб, Ареопаг ўз аҳамиятини йўқотиб, асосан қасддан одам ўлдириш ишлари бўйича суд инстанциясига айланган. Ҳалқ йиғинининг топшириғи билан у давлатга қарши жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича тергов олиб бориши мумкин эди.

Суд орган- Айтиб ўтилганидек, Афинада олий суд оргалари. Гелиэя бўлган. **Ареопаг** ҳам баъзи суд функцияларини сақлаб қолган. У архонт-басилей раислигига қасдан одам ўлдириш жиноятлари бўйича ишларни кўриб ҳал қилган. Халқ йифинининг топшириғи бўйича Ареопаг давлатга қарши жиноятлар ҳақидаги ишларни тергов қилиши мумкин эди. Қасдан бўлмаган одам ўлдириш жинояти ҳақидаги ишлар **эфетлар** суди томонидан кўрилган. Талончилик, ўғрилик ва бошқа мулкий жиноятлар **ўн бирлар ҳайъати** томонидан кўрилган. Мулк бўйича фуқаролик-хуқуқий низолар **диэтетларнинг ҳакамлик** судларида кўриб ҳал этилган. Майда мулкий низолар **қирқлар ҳайъати** томонидан куриб чиқилган. Перикл замонидан бошлаб демлар бўйича **сайёр судлар** ташкил этилган. Энг оғир жиноятлар бўйича **халқ йифини ҳам I инстанция** суди сифатида майдонга чиқиши мумкин эди.

Армия. Афина армияси 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркин фуқаролардан халқ лашкарлари асосида ташкил этилган. Армияга сафарбарлик ёши халқ йифини томонидан белгиланган. Урушлар вақтида ҳар бир фила биттадан оғир қуролланган жангчилар (гоплитлар) отряди, енгил қуролланган жангчилар отряди ва маълум сондаги суворийлар (булар жангга одатда пиёдалар сафида туриб киргандар) отряди бериши лозим эди. Тинчлик вақтларида афина фуқаролари 18 ёшдан 20 ёшгача ҳарбий таълим ўтаганлар. Улар тез-тез чегараларни кўриқлаш хизматига жалб қилиб турилган. Милоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб давлат чегараларини кўриқлаш учун маҳсус доимий ёлланма қўшин жалб этилган. Пелопоннес уруши вақтидан бошлаб улардан ҳарбий ҳаракатларда ҳам фойдаланила бошланган. Милоддан аввалги IV асрга келиб армия ва флотда ёлланган ҳарбий хизматчилар пайдо бўлган.

Полиция. Афина давлатида полициячилик функцияларини бажарадиган маҳсус хизматчилар - **токсотлар** бўлган. Улар асосан қуллардан иборат бўлиб, жами икки юзга яқин эди. Полициячилик функцияларининг қуллар зиммасига юкланиши шуни англатар эдики, бу вақтда Афинада бир бирига ишонмайдиган ҳукмрон синфларнинг турили душманлик муносабатларида гурухлари ўртасида зиддиятлар жуда кескин эди.

6. Афина давлатининг (демократиясининг) инқирози ва емирилиши

Афина фуқаролари расман тенг ҳуқуқли ҳисобланган бўлсалар-да, лекин мулкий жиҳатдан нотенг эдилар. Айниқса, мулкий тенгсизлик милоддан аввалги V асрнинг охирида жуда кучайган эди. Бир гурух кам сонли йирик ер эгалари ва савдогар - хунармандлар бойиб кетсалар, фуқароларнинг асосий қисми - майда ер эгалари, хунармандлар ва люмпенлар аҳволи жуда ёмонлашган. Афиналиклар билан ҳуқуқлари чекланган метеклар ўртасидаги зиддиятлар ҳам ўсган. Буларнинг ҳаммаси афина демократиясини кескин инқирозга олиб келган.

Милоддан аввалги 431 йилда бошланиб кетган Пелопоннес уруши натижасида Афинанинг инқирози жуда кучайган. Бу уруш бир томонда Афина денгиз иттифоқига кирган давлатлар, бошқа томонда, Пелопоннес иттифоқи тепасида турган Спарта ўртасида бошланган эди. У Афинанинг мағлубияти билан тугаган. Уруш натижасида катта моддий талофат кўрилган, жуда кўп одам йўқотилган, денгиз иттифоқи бўлинниб кетган ва, демак, Афина иттифоқ таркибига кирган давлатларнинг маблағларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлган. Милоддан аввалги 411 йилда Афинада олигархлар тўнтариши юз берган ва ҳокимият олигархлар кўлига ўтган. Беш юзлар кенгаши бекор қилинган. Унинг ўрнига расман эски Тўрт юзлар кенгаши қайта тикланган ва унга энг бой фуқаролар кирган. Тенг ҳуқуқли фуқаролар сони гоплит бўлиб хизмат қилишга етарли маблағи бўлган беш минг фуқародан иборат қилиб қўйилган. Албатта, кейин демократия яна тикланган. Лекин милоддан аввалги 404 йилда Афина урушда таслим бўлгандан сўнг янги олигархия тўнтариши юз берган. Афинада халқ йиғини Спарта тазики остида ўттиз олигархдан иборат комиссия сайлаган. Бу комиссия оқибатда Афина ҳукумати бўлиб олган. Террор кучайган. Аҳоли, бой афиналиклар ва метеклар ҳукумат томонидан таланганди. Аҳоли олигархларга қарши бош кўтариб, милоддан аввалги 403 йилда уларни енгган ва Афинада демократия қайта тикланган, лекин энди илгариги Афина курдатидан ҳеч вақо қолмаган эди. Мамлакат хонавайрон бўлган, давлат хазинаси бўшаб қолган, савдо инқирозга учраган, денгиздаги

устунлик аллақачон йўқотилган эди. Деҳқонлар хонавайрон бўлиб, ўз ерларини сотишга мажбур бўлган эдилар ва давлат хазинасидан энди етарли ёрдам ололмаган шаҳар камбағаллари сафига келиб қўшилганлар. Бой қулдорлар орасида ҳам норозилик келиб чиқсан. Чунки улар энди фақат ўз маблағлари ҳисобига эркин камбағалларни боқиб туришга мажбур бўлмоқда эдилар.

Умумий норозиликлардан кучизланиб қолган афина демократияси милоддан аввалги IV асрда жуда юксалган Македонияга ҳеч қандай жиддий қаршилик кўрсата олмаган. Милоддан аввалги 338 йилда юон қўшинлари Македония армиясидан мағлубиятга учраган. Милоддан аввалги 336 йилда Афина ва бутун Юноистон Александр Македонский империяси таркибиغا кўшиб олинган ва кейинчалик ҳам бутун Юноистон унинг авлодлари давлати таркибида бўлган. Милоддан аввалги II асрда рим легионлари Афинага бостириб кирган ва натижада Афина бутун Юноистон сингари Рим давлатининг провинцияларидан (вилоятларидан) бирига айланган.

7. Спарта кулдорлик давлати

Давлатнинг Қадимги Юноистон тарихига катта таъсир пайдо ўтказган полислардан яна бири Спартадир. бўлиши. Спарта давлати Пелопоннеснинг жанубида жойлашган. Бу давлатнинг пойтакти Спарта деб аталган. Спарта давлатининг ташкил топиши ўзига хос хусусиятларга эга.

Спартада милоддан аввалги VIII-VII асрларда давлатнинг вужудга келиши асосида ибтидоий жамоа тузуми ёмирилишининг умумий қонуниятлари ётади. Бироқ, agar Афинада бу қонуниятлар амалда уруғдошлик муносабатларининг деярли тўла барҳам топишига олиб келган бўлса, **Спартада давлатнинг вужудга келиш жараёни мухим хусусиятлари билан ажралиб турган ва уруғдошлик ташкилотининг кўпгина қолдиқлари сақланиб қолишда давом этган.**

Спартанинг тарихий ривожланишидаги асосий хусусият синфий жамиятнинг ташкил топишига ташки зўравонлик омилининг аралашуви бўлган. Қабилаларнинг милоддан аввалги XII асрда бошланган Болқон ярим ороли-

га күчиши улар ўртасидаги ҳарбий түқнашувлар билан бирга содир бўлган. Милоддан аввалги XII асрда **ахайя** қабилалари томонидан илгари босиб олинган Пелопоннес яrim оролидаги кичкинагина Лаконика вилоятига **дорий** қабилалари бостириб кирган. Қаттиқ урушлардан сўнг ахайаликлар ва дорийлар ўзаро иттифоқ тузиб, Спарта жамоасини ташкил этганлар ва ўзларини **спарталиклар** деб юритганлар. Спарта жамоасига бири дорийлардан ва иккинчиси ахайаликлардан бўлган иккита подшо бошлилик қилган.

Кичкина Лаконика (300 квадрат километр) янги жамоа учун торлик қилиб қолган. Шу сабабли қўшни Мессинияни эгаллаш учун уруш бошланган. Юз йилга чўзилган бу уруш натижасида Спарта ғалабага эришган.

Мессиния ерлари ғалаба қозонган қабилаларнинг умумий мулки бўлиб қолган, унинг аҳолиси эса қулларга - илотларга айлантирилган. Истилочилар ерларни ва қулларни бўлиб олиб, қулдорлар - ҳукмдорлар табақасини ташкил этганлар. Демак, шу тариқа жамиятнинг аниқ ижтиёмий даражаланиши юз берган: спарталиклар қулдорларнинг ҳукмрон табақасига, бўйсундирилган аҳоли эса қулларга ва тўла ҳуқуқли бўлмаган фуқароларга айланганлар.

Истилолар спарта жамоаси олдига янги вазифаларни келтириб чиқарди. Босиб олинган ерлар босқинчиларнинг илгариги ерларидан анча катта эди. Бундан ташқари бўйсундирилган аҳоли босқинчилардан 20 баравар кўп эди. Шундай шароитда ҳали дорийларга ҳам, ахайаликларга ҳам маълум бўлмаган ҳокимият органларини ташкил этиш зарурияти келиб чиқкан. Бироқ бу вақтда ҳали спарта жамоасида ибтидоий жамоа тузуми бузилмаган эди. Спарталикларда сиёсий ҳокимиятнинг ташкил этилиши ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши даври учун типик эди. Уларда иккита уруғ-қабила сардори (подшоси), оқсоқоллар кенгashi, халқ йиғини мавжуд бўлган. Лекин бу ҳокимият органлари бўйсундирилган аҳоли устидан ҳукмронлик қилиб туриш учун етарлича воситаларга эга бўлмаган. Албатта бундай шароитда бўйсундирилган аҳоли устидан спарталикларнинг тўла ҳукмронлигини таъминлайдиган сиёсий ҳокимият ташкил этиш зарурияти туғилган.

Бўйсундирилган омма устидан ҳукмронлик қилиш, уларни эксплуатация қилиш зарурияти ўз навбатида спарта-

ликларнинг бирлашишларини, уруғ-қабила жамоасининг баъзи элементлари сақланиб қолишини талаб қилган. Бунга яна Спарта хўжалигининг аграр характеристи, мамлакат худудининг бошқа худудлардан ажралиб қолганилиги, ташқи савдо ва товар-пул муносабатларининг ривожланишига тўс-қинлик қилувчи тоғ тизмалари билан ўралганлиги ҳам имконият яратган. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси Спартада синфий жамият ва давлат батамом расмийлаштирилган шароитларда ҳам ҳарбий демократиянинг баъзи элементлари сақланиб қолишига сабаб бўлган.

Спарта давлатининг ташкил топишидаги муҳим хусусиятлардан бири шундай эдики, бу жараён спарталиклар томонидан ўзга халқларнинг ерларини босиб олиш натижасида анча тезлашди. Уруғчилик тузумига маълум бўлган "алоҳида зўрлик" талаб қилинди. "Бунинг натижасида туб халқни чекланмаган тарзда эзиш ва бостириб туришни амалга оширувчи кучли давлат ҳокимияти билан мулк эгалиги шаклларига, оиласа, давлатга ҳамда жамиятнинг ташкилий шаклига кучли таъсир этган ибтидоий жамоа тузуми элементларининг ўзига хос қўшилиши вужудга келади"¹ - деб ёзган эди таникли рус олими З.М.Черниковский ушбу жараёнга тўғри баҳо бериб. Бу эса Спарта ижтимоий ва давлат тузумининг ўзига хос хусусиятини ташкил қиласди.

Спартанинг бу даврдаги ижтимоий ва сиёсий тузуми афсонавий қонуншунос Ликург томонидан ёзилган "ретра"-ларда мустаҳкамланган. Ликург тарихий шахс сифатида мавжуд бўлмаган, унинг ислоҳот ўтказган вақти ҳам аниқ ўрнатилмаган. "Ретра"ларни кўпчилик милоддан аввалги VIII-VII асрларда пайдо бўлган деб ҳисоблайди, "ликург тузуми"ни эса милоддан аввалги VII асрнинг охири - VI асрнинг бошида батамом ташкил топган, дейди. Ретралар иккита асосий вазифа: биринчидан, спарталиклар ўртасидаги мулкий фарқларни ушлаб туриш билан уларнинг бирлигини таъминлаш, иккинчидан, уларнинг (спарталикларнинг) бўйсундирилган аҳоли устидан биргалиқдаги ҳукмронлик ташкилотини яратиш вазифаларини ҳал этишга ҳаракат қиласди.

¹ История рабовладельческого государства и права. - М.: Госюриздан, 1959. - 131-бет.

Ижтимоий Спартада ибтидоий жамоа муносабатлари-тузум. нинг мухим қолдиклари сақланиб қолган ўзига хос синфий қулдорлик жамияти ташкил топган. Бу ерда истиочилар маҳаллий аҳолига нисбатан анча кам бўлганлиги ва улар ҳали уруғдошлиқ тузумининг бузилиш босқичида турганниклари сабабли ҳукмронлиги ўзига хос бир тарзда бўлган. Маҳаллий аҳоли ўз манзилида қолган-у, аммо келгиндилар учун ишлаши лозим бўлган. Аммо туб аҳолининг ҳаёти қулларнинг ҳаётича ҳам қадрланмаган, чунки қулларни ўзларининг хусусий мулки деб ҳисобловчи қулдорлар уларнинг ҳаётидан маълум даражада манфаатдор бўлганлар, бироқ маҳаллий аҳолига келганда, аксинча, улар сонининг кўпаймаслиги келгиндилар учун фойдали эди.

Спарталиклар давлатда ҳукмрон синфни ташкил қилганлар. Улар тўла ҳуқуқли фуқаролар ҳисобланган. Спарта-нинг имтиёзли синфи (табақаси) бўлган спарталиклар "тengлар жамоаси" деб аталадиган жамоани ташкил этарди. Бу-уруғдошлиқ жамиятидан синфий жамиятга ўтиш даври учун характерли бўлган ҳарбий демократия қолдиги эди. Лекин "тengлар жамоаси" Спарта қулдорлик давлати шароитида бўйсундирилган ҳалқларни тутқунлиқда ушлаб туриш учун ҳукмрон синфнинг (спарталиклар табақасининг) ҳарбийлаштирилган бирлашмаси эди.

Қадимги Спартада ер хусусий мулк эмас эди. Бутун ер "тengлар жамоаси"га қарашли бўлиб, жамоа ўз аъзоларига вақтинча фойдаланиш учун алоҳида чек ерлар (клерлар) ажратиб берган. Бундай ер участкаларига илотлар (қулларга айлантирилган ҳуқуқсиз маҳаллий аҳоли) бириктириб қўйилганди. Спарталикнинг ўзи ва унинг оиласи ўз участкасида ишламас эди. Унинг участкасида унга биркитиб қўйилган илотлар ишлаб экин экарди. Бутун ерлар тахминан тўқиз мингта teng бўлинмас ва ажралмас клерларга ажратилган эди. Уларни сотиш, ҳадя қилиш ёки васият қилиш мумкин эмасди.

Спарталиклар 5та қишлоқ бирлашмасидан иборат бўлиб, ўзига хос ҳарбий лагерни эслатадиган шаҳарларда яшаганлар. Спарталиклар илотлардан қўрқардилар, шунинг учун кечаси битта ҳам илот Спарта шаҳри ҳудудида бўлмаслиги лозим эди. Спарталикларнинг турмуш тарзи жуда қаттиқ тартибга солинганди. Ҳарбий мажбурият спарталик-

ларнинг асосий мажбурияти ҳисобланган. Фақат ҳарбий ишгина спарталикка муносиб машғулот ҳисобланган. Спартада кучли ва мустаҳкам жангчилар тарбиялаб етиштириш учун маҳсус тарбия тизими мавжуд эди.

Янги туғилган ҳар бир чақалоқ Спарта олий маҳкамаси - герусияга, яъни оқсоқоллар кенгашига олиб борилган, шундан сўнг маҳсус комиссияда чақалоқни тирик қолириш ёки ўлдириш кераклиги ҳал қилинган. Агар чақалоқ заиф ва дардчил туғилган бўлса, уни қоя устидан пастга улоқтириб юборганлар. Соғлом ва кучли чақалоқни тирик қолдирганлар, лекин у етти ёшгача она қўлида тарбияланган. Сўнгра жамоат мактабига бориб, то балоғат ёшига етгунча, яъни 18 ёшгача шу мактабда яшаган ва таълим-тарбия олган. Мактабда тартиб-қоида жуда қаттиқ бўлган. Ўғил болалар ёстиқсиз қаттиқ бўйра устиди ётиб, устларига енгилгина кўрпа ёпиб ухлаганлар. Уларнинг биттагина киядиган кийими плашч (гиматий) бўлган. Иссиққа ҳам, совуққа ҳам барабаравар чидамли бўлишлари учун қишин-ёзин оёқ яланг ва бош кийимсиз юришган.

Спарта ўғил болаларини чидамли қилиб тарбиялаш учун уларни очликка ва ташналикка ўргатганлар. Баъзи кунларда сира сув ичирилмаганлар. Уларни баданинг оғришига чидашга ҳам ўргатганлар. Шу мақсадда кичик ёшдаги гуруҳдан катта ёшли гуруҳга ўтганда ёш спарталикларни тантанали вазиятда калтаклаганлар. Калтаклаш маросимига коҳина раҳбарлик қилган. Калтаклаш чоғида ўғил боланинг додлаши ва инграши уят ҳисобланган.

Мактабда ўғил болалар жисмоний машқ ва ҳарбий иш билан шуғулланганлар. Тарбиядан мақсад - кучли, чиниккан жангчи етиштириш эди.

Юноистоннинг бирдан-бир мамлакати Спартада хотин-қизларни тарбиялашга ғоятда эътибор берилган. Унда аёллар катта ҳурматга сазовар бўлганлар. Спарталиклар, фақат соғлом онадан соғлом бола туғилади, деб ҳисоблаганлар. Шу сабабли қизлар уй-рўззор иши билан шуғулланмаган. Бу ишларни илот аёллари бажарган. Спарта аёллари эса болалик чоғидан гимнастика ва спорт билан шуғулланганлар, улар ўғил болалар каби ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни билганлар.

Спарталиклар балоғат ёшига етгач, уйланиб оила қурганлар, лекин уйлангандан кейин ҳам бутун ҳаёти соғ ҳар-

бийча тарзда ўтган. Улар эртадан кечгача кун бўйи мактабда бирга ўқиган ўртоқлари билан ҳарбий отрядда бўлишган, бирга ҳарбий машқлар қилишган ва бирга овқатлашишган. Улар аскарий бўлинмалар бўйича тушки овқат қилганлар. Бу Спартада **Фидития** деб аталган, бошқа шахлардаги юононлар уни “**сиссития**” деб аташган.

Фидития аъзолари “тенглар жамоаси”ни ташкил этгандар ва ҳамма сиёсий ҳуқуқларга эга бўлган. Фидитияга аъзо бўлиш учун умумий тушки овқатга муайян миқдорда натура билан ҳақ тўлаш керак эди. Фидития иштирокчиарининг порциялари тенг бўлган. Мансабдор шахслар фахрий улуш олганлар. Жангчиларнинг кийим-кечаклари, курол-яроғлари ҳам бир хил бўлган. Агар спарталик камбағаллашиб қолса ва тушки овқат ҳақини тўлай олмаса, Фидитиядан чиқсан ҳисобланган ва шу билан “тенглар жамоаси”дан ҳам чиқиб қолган, шу тариқа сиёсий ҳуқуқларини ҳам йўқотган.

Спартача тарбиянинг ҳам, спарталикларнинг кейинги ҳаётининг бутун йўналиши ҳам мамлакатнинг ҳарбий кувватини мустаҳкамлашга қаратилганди. Спарталик энг аввал жангчи бўлиши лозим эди. Спарталиклар 18-20 ёшдан 60 ёшгача ҳарбий хизматни ўтганлар. Камчилик сайланган фуқаролар учюзта суворийнинг имтиёзли корпусини ташкил этган.

Спарталикларнинг бирлигини таъминлашга Ликург томонидан ўрнатилган зеб-зийнатга қарши қоида ҳам кўмаклашган. Спарталикларнинг савдо билан шуғулланиши тақиқлаб қўйилган эди. Савдо-сотикини қийинлаштириш учун атайн темир пул жорий қилинган, кумуш пулга рухсат этилмасди. Спарта давлати шундай чоралар билан чет эллар таъсиридан сақланишга ва спарталикларни қаноатлантириб келаётган ибтидоий муносабатларни сақлаб қолишига интилади, чунки бу муносабатлар илотларни эксплуатация қилиш асосида моддий фаровонликнинг керакли даражасини уларга таъминлаб берарди.

Бироқ бундай чеклашлар спарталикларнинг бирлигини ва “тенглигини” бузувчи мулкий даражаланишнинг ривожланишини тұхтатиб қололмаган. Чунки чек ерлар фақат катта ўғилларга мерос бўлиб ўтган, бошқалар фақат эгасиз қолган ер участкаларидан чек ер олганлар. Агар бундай ерлар бўлмаса, улар **гипомейонлар** (камбағаллар, қашшоқ-

лар) даражасига ўтиб, сиёсий ҳуқуқарини йўқотганлар, яъни халқ йифинида ва фидитияларда иштирок этиш ҳукуқидан маҳрум бўлганлар. Гипомейонлар сони тобора ўсиб, спарталиклар сони қисқариб борган ва милоддан аввалги IV асрнинг охирига келиб уларнинг сони тўққиз мингдан тўрт мингга тушиб қолган.

Илотлар - Мессиниянинг қулларга айлантирилган аҳолиси - давлат мулки бўлган. Улар спарталиклар ихтиёрига берилиб, ерларида ишлаб, ҳосилнинг ярмини уларга берганлар (спарталиклар уй хўжаликларида ҳарбий асиirlардан иборат қуллардан фойдаланганлар). Гарчи, Спартада Афинадаги сингари қул меҳнатини эксплуатация қилиш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб қолган бўлса-да, спарталикларнинг жамоа қул эгалиги классик қулчиликдан фарқ қиласан. Илотлик қулликнинг ўзига хос бир шакли бўлган. Илотлар амалда ўзларининг мустақил хўжаликлирини юритиб, қулларга ўхшаб товар бўлмай, ўзларida қолган ҳосилнинг бир қисмини эркин тасарруф этганлар. Уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолати крепостной деҳқонлар ҳолатига яқин эди. Шунинг учун баъзи олимлар илотларни қуллар эмас, балки крепостнойлар деб ҳисоблайдилар. Лекин Спарта қулдорлик жамиятининг иқтисодий жиҳатдан тарақкий қилмаганигини, унинг хўжалиги архаик эканлигини, жамоа ер эгалиги мавжудлигини унутмаслик керак. Илотлар, шубҳасиз, қуллар эди, чунки ахволлари бошқа юон давлатларидағи қулларнинг ахволидан баттар эди. Антик муаллифлар бу ҳақда жуда кўп гапирадилар. Псевдо-Ксенонфонтнинг "Полития"си буни яқзол тасвирлаб беради.

Илотлар бутунлай ҳуқуқсиз бўлиб, Спарталик уни ўлдиришга ҳақли эди. Бугина эмас, ҳар йилда бир марта "криптия" деган хунрезлик қилинарди ("криптия" -юонча "ўлдириш" демакдир). Спарталик йигитлар кечалари бирга ийғилиб, ўзларини танитмаслик учун ниқоб ва узун плашч кийиб олишар, сўнгра илотлар манзилига равона бўлишарди. Агар йўлда илотларни учратиб қолишса, ҳужум қилиб уларни ўлдиришарди. Спарталиклар энг ёш ва кучли илотларни ўлдиришга ҳаракат қилардилар. Спартанинг бошқа аҳолисидан ажralиб туриш учун илотлар маҳсус кийим, бошларига эса ит терисидан телпак қийишарди. Армияда илотлар ёрдамчи вазифаларни бажаардилар.

Бошқа юонон давлатларидағи қуллар билан илотлар ўртасидаги фарқ шундан иборат әдіки, илотлар хусусий хұжайинларга эмас, балки бутун Спарта жамоасига қарашли әди, чунки Лаконика илотларини қулликка солиши даврида спарталикларда ижтимоий жамоа муносабатлари ҳали йүқолмаганды. Бундан ташқари, илотлар ўз оиласыраға әга бўлиб, томорқа ва ер участкалари ажратиб қўйилган. Лекин аслида қайси спарталик берса, ўшанинг мулки ҳисобланган. Илотлар бундай ерларда ўз оиласырағи билан яшаб ва ишлаб ҳосилнинг ярмини ер эгаларига берганлар.

Илотизм дорий қабилаларнинг Пелопоннесни забт этиши натижасида юзага келганди. Дорийлар томонидан забт этилган Фессалия ва Критда ҳам маҳаллий аҳоли қулликка солинган ва бу қуллик илотларнинг қуллигига ўхшарди.

Илотлар - қуллар мамлакат аҳолисининг асосий (кўпчилик) қисмини ташкил этган. З.М. Черниловскийнинг маълумотларига қараганда Спартада 200 мингдан ортиқ илотлар мавжуд бўлган.¹

Шундай қилиб, **Спарта кулчилигининг ўзиға хос хусусиятлари** мавжуд бўлиб, бунга қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) қуллар давлат мулки бўлган; 2) улар мамлакатнинг туб фуқаролари бўлган ва илгари ўзларига тегишли, кейин эса спарталиклар ўртасида тақсимланган ерларни ишлаганлар; 3) улар ўз уйларида, посёлкаларида яшаб, ўзларини ўзлари идора қилганлар; 4) илотлар спарталикларга қайта тақсимланган ерларда ишлаб, ҳосилнинг эллик физини уларга берганлар; 5) илотлар урушларда енгил қуролланган жангчилар сифатида иштирок этганлар ва эркинликларини сотиб олишлари мумкин бўлган.

Пелопоннес худудидаги тоғли жойларда яшовчи қабилалар - **периеклар** (кўшнилар) деб аталган. Улар ҳуқуқий жиҳатдан спарталиклар ва илотлар оралиғидаги мавқега әга, улар шахсан эркин бўлиб, мулкий ҳуқуқий лаёқат соҳиби, лекин сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланмаганлар ва маҳсус мансабдор шахслар - гармостлар назорати остида әдилар. Улар ҳарбий мажбуриятларга әга бўлиб, урушларда оғир қуролланган жангчилар сифатида иштирок этишлари лозим әди. Периекларнинг асосий машғулоти - савдо ва

¹ Қаранг: Черниловский З.М. Всесообщая история государства и права - М., Юристъ, 1996, 73-бет.

хунармандчилик бўлган. Ўзларининг мавқеига кўра афина метекларига яқин турғанлар, лекин метеклардан фарқ қилиб, давлатнинг олий мансабдор шахслари томонидан судсиз қатл этилиши мумкин эди.

Демак, Спарта ахолисининг асосий синфлари - табақалари: спарталиклар, илотлар, периеклар жамиятнинг ижтимоий бўлинишини ташкил этиб, Спарта давлатида тутган ўрни юкоридагича аниқ белгилаб қўйилган эди.

Давлат тузуми. (задагонлик) давлат эди. Унинг тепасида **иккита подшо** турган. Адабиётларда улар подшо деб юритилса ҳам, бироқ ҳатто афина басилейга ўхшаб кенг ваколатларга эга эмас эди. “Подшо” ибораси шартли рашишда ишлатилиб, аслида **архагетлар** деб аталган. Архагетлар ҳокимияти уруғ-қабила сардорлари ҳокимиятидан фарқ қилиб, меросий бўлган, лекин бу уни мустаҳкам бўлишига олиб келмаган. Улар асосан коҳинлик мартабасига эга бўлиб, авлиёлар ҳисобланганлар. Уруш вақтида архагетлар қўшинга қўмондонлик қилганлар. Улар Спарта давлатининг олий аристократик органи бўлмиш герусия ҳокимиятига эга бўлганлар. Бугина эмас, ҳатто эфорлар, яъни Спартадаги барча муассасалар устидан назорат қилувчи олий мансабдор шахслар бирон масала хусусида сўзлашиш учун подшони ўз ҳузурларига чақириш ҳуқуқига эга эдилар. Агар подшо эфор ҳузурига келмаса, уни зўрлаб олиб келишган.

Лекин архагетлар мавқеи фахрий бўлиб, ҳарбий ўлжалардан катта улуш олганлар, қурбонликлар қилганлар, оқсоқоллар кенгаси таркибига кирганлар, бутун жамоа учун аҳамиятга эга бўлган баъзи ишлар бўйича суд ишларини амалга оширганлар. Дастрлаб архагетларнинг ҳарбий ҳокимияти анча тўлиқ эди. Уларга қўшинлар бўйсунган, ҳарбий юришлар вақтида ҳаёт ва ўлим ҳуқуқидан фойдаланганлар, яъни жангчилар тақдирини ҳал қила олганлар. Бироқ кела-жакда уларнинг ҳарбий ваколатлари ҳам анча чекланган.

Спартанинг давлат тузумида ибтидоий жамоа тузумининг кўпгина қолдиклари сақланиб қолган. **Спартада ҳалқ иғи-ни - апелла** мавжуд бўлиб, унда фақат 30 ёшга тўлган спарталик эркаклар иштирок этган. Унда уруш ва сулҳ масалалари ҳал қилинган, қонунлар қабул қилинган, мансабдор шахслар сайланган, бошқа давлатлар билан иттифоқ-

лар тузилган, архагет мансабининг мерос бўлиб ўтиши ҳақидаги масала ҳал этилган, урушлар вақтида архагетлардан қайси бирининг қўшинга қўмондонлик қилиши ҳал қилинган ва ҳоказо.

Дастлаб ҳалқ йигинлари архагетлар томонидан чақирилган ва уларга архагетларнинг ўзлари раислик қилишган. Ҳалқ йигинида фақат мансабдор шахслар ёки чет эллик элчилар сўзга чиқиши мумкин эди. Бошқа иштирокчилар фақат нутқларни тинглаб, овоз беришда иштирок этишган. Овоз бериш қичқиришлар йўли билан амалга оширилган. Агар йигин иштирокчилари келиша олмасалар, турли томонларга тарқаб кетишган. Шуниси ҳам борки, агар йигинга оқсоқоллардан бирортаси келсагина ҳалқ йигини очик деб ҳисобланган. Агар оқсоқоллар йигинни чақиришга рози бўлмай, унга келмасалар, йигин очилмаган. Спарта ҳалқ йигини реал кучга эга бўлмай, асосий давлат масалаларини ҳал қила олмасди. Йигин одатда ҳар ойда чақирилиб турарди. Спарта ҳалқ йигини Афина ҳалқ йигинидан фарқ қилиб давлат ҳаётида жуда катта ўрин тутмаган. Айниқса, милоддан аввалги IV асрга келганда унинг аҳамияти жуда пасайиб кетганди.

Спарта давлатида кучли бошқарув органи - **герусия** - **оқсоқоллар** кенгashi бўлган. У ҳам архагетлар ва ҳалқ йигини сингари уруғдошлик ташкилотидан мерос бўлиб қолган эди. **Герусия** - “геронт” - **кекса сўзидан** олинган. Унга 60 ёшга етган йигирма саккиз киши ва 30 ёшга етган иккита подшо кирган. Агар подшолар ёш бўлса, уларнинг ўрнига қариндошларидан бўлган ваколатларини амалга оширганлар. Геронтлар герусияда умрбод мажлис қилганлар. Геронтлардан биронтаси ўлса, бўшаб қолган ўрнига янги геронт сайланган. Спарталиклар бу мансабга ўз номзодларини ҳалқ йигинида таклиф этганлар.

Герусия ҳалқ йигинида кўрилиши лозим бўлган масалаларни олдиндан кўриб чиқсан, ташқи муносабатларни олиб борган. Вақт ўтиши билан унинг ваколатлари кенгайиб борган. Агар ҳалқ йигини қарорларидан норози бўлсалар, уни тарқ этганлар ва бундай ҳолларда ҳалқ йигини ҳам тарқалиб кетган. Герусия давлатга қарши жиноятларни ҳам кўриб чиқсан, архагетларга қарши суд жараёнларини олиб борган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Спартада барча муассасалар устидан назоратни **олий мансабдор шахслар - эфорлар** олиб борган. Эфорлар Спартада милоддан аввалги VIII асрда уруғ-қабила бошлиқлари ва уруғ аристократияси ўртасидаги кескин зиддиятлар натижасида пайдо бўлган. Уруғ аристократияси ҳарбий ўлжалардан катта хиссалар олиш ва эркин жамоачиларни эзиш имкониятига эга бўлиб, уруғ-қабила бошлиқларининг умрбод ҳокимиятини маълум муддатга сайлаб қўйиладиган аристократлар вакилларининг ҳокимияти билан чеклашга ҳаракат қилганлар. Ҳар йили бешта эфор сайланиб қўйиладиган бўлган. Дастлаб эфорлар гўё архагетларнинг ёрдамчилари ҳисобланганлар ва мулкий низолар бўйича суд ишларини амалга оширганлар. Милоддан аввалги VI асрнинг ўрталаридан бошлаб эфорлар ҳокимияти жуда ошган. Улар архагетларни ҳам ўз назоратлари остига олганлар, юришларда архагетларни иккита эфор кузатиб борган. Эфорлар герусия ва халқ йифинини чақириш хукуқини кўлга киритганлар ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиб турганлар. Герусия билан бирга халқ йифинида қабул қилинадиган ўзлари учун номақбул қарорларни бекор қила олганлар. Спартанинг ташки муносабатларига раҳбарлик қилиш, ички бошқарувини амалга ошириш функциялари ҳам эфорлар қўлига ўтган. Эфорлар спарталикларнинг мавжуд тартибларга риоя этишларини кузатиб турганлар, уларни суд қилганлар, жазолар тайинланганлар. Уруш ва тинчлик эълон қилиш, мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилиш кабилар ҳам эфорларга тегишли эди. Лекин булар, албатта, Афинадагидек кенг эмасди.

Эфорларнинг фаолияти амалда назорат қилинмаган. Улар фақат ўз ворисларига ҳисоб берганлар.

Армия. Спартада армия жуда яхши ташкил этилган эди.

Спарталик эркакларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматга мажбур эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, спарталиклар 7 ёшдан 18-20 ёшгacha ҳарбий таълимни ўрганиб, 20 ёшдан 60 ёшгacha армия хизматида туришган. Илотлар енгил, периеклар эса оғир қуролланишган. Фронтнинг олдинги қисмида илотлар, периеклар борган, улардан кейин ёш спарталиклар, охирида 60 ёшгacha бўлган кекса кишилар жангга киришган. Бу армия милоддан аввалги VI-V асрларда Юнонистонда энг яхши ташкил этилган, интизомли ва кучли армия бўлганди.

Күшинлар ўн иккита ҳарбий қисм (лох)га бўлинган. Лоҳ тегасида лоҳаг турган. Бутун армияга қўмондонликни подшолар амалга оширганлар. Уларга ҳарбий ишларда полимархлар ёрдам берган.

Армия таркибида "Уч юзта суворийлар"дан иборат отлиқ аскарлар ҳам бўлиб, уруш вақтида подшоларни қўриқлайдиган, тинчлик вақтларида эса мамлакат ҳавфсизлигини таъминлайдиган ўзига хос отлиқ гвардияни ташкил этгандар.

Спарта сиёсий тизимиининг инқирози. Спартада ҳукмрон синфнинг қудратли ҳарбий ташкилотига айланган яхлит ижтимоий тузилиши унинг юонон давлатлари ичидаги тез юксалишига кўмаклашган.

Милоддан аввалги V асрга келиб Спарта Пелопоннес симмахиясига бошчилик қилиб деярли бутун Пелопоннес устидан ўз гегемонлигини ўрнатган. Ихтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги турғунлик, маънавий тушкунлик - илотлар устидан хукмронликнинг катта аҳамияти - Юнонистанда Спартани реакция маркази қилиб қўйган. Шу билан бирга Пелопоннес урушидаги (милоддан аввалги 431-404 йиллардаги) фалаба, Афинадан олинган катта миқдордаги контрибуция спарталикларнинг мулкий даражаланишини бирданига кучайтириб юборган ва товар-пул муносабатлари ривожланган. Бу жараёнлар милоддан аввалги IV аср бошида ер участкаларини ҳадя қилишга ва васият қилиб қолдиришга рухсат этилиши билан янада кучайган (ерларни сотишга хали ҳам рухсат этилмаган эди, лекин бундай ҳоллар учраб турган). Давлатнинг чекка ўлкаларидағи ерларни эгаллаб олиш ҳисобига зодагонларнинг ерлари кўпайган. Савдонинг тақиқланишига амал қилинмай кўя бошланган. Собиқ аскетик (таркидунёчилик, зоҳидлик) спартача турмуш тарзи ўтмишда қолиб кетган. Оддий спарталикларнинг оммавий тарзда хонавайрон бўлиши ерларидан маҳрум бўлишига ва демак, тўла хуқуқли бўлмай қолишига олиб келган, Спарта жамоасининг бирлигига путур етган, унинг ҳарбий қудрати пасайган - тўла хуқуқли спарталиклар сони қисқарган, ёлланганлар пайдо бўлган. Милоддан аввалги IV асрда Юнонистаннинг Македония томонидан истило қилиниши натижасида Мессениянинг қўлдан кетиши ва у билан бирга ерлар ва қуллар ҳам йўқотилиши Спарта давлатининг иқтисодий асосини емирган.

Милоддан аввалги III асрда хонавайрон бўлган спарталикларнинг талаби билан ерларни қайтадан тақсимлаш, қарзларни йўқотиш, ҳарбий қудратни тиклаш, Спартанинг тўла ҳукуқли бўлмаган фуқароларига ҳукуқлар бериш йўли билан эски тартибларни қайтадан ўрнатишга бўлган уриниш барбод бўлди. Кулдорлик жамияти ривожланишининг объектив қонуниятлари жамоа тузумининг жамоачилик қолдиклари сақланиб қолган ижтимоий ва сиёсий тартибларини қатъий ҳалокатига олиб келган.

Ички курашлар азобидан батамом кучсизланиб қолган Спарта, бошқа юон давлатлари каби, милоддан аввалги II аср ўртасида Рим давлати ҳокимияти остига тушиб қолган.

8. Афина ва Спартада ҳукуқнинг асосий белгилари

Ҳукуқ манбалари. Афина ва Спартада ҳукуқнинг қадимги манбалини баи одат ҳукуки бўлган. Айниқса Спартада ёзилмаган, одат ҳукуки маҳим ўрин тутган.

Бу ерда ёзма қонунчилик узоқ вақтгача тарақкий қилмаган. Ҳукуқ илотларнинг эзилган, ҳукуқсиз ҳолатини ва спарталикларнинг имтиёзларини мустаҳкамлаган. Спартада ёзма қонунчиликнинг вужудга келиши афсонавий қонун ижодкори Ликургнинг номи билан боғланади. Унинг қонунчилиги “Ретра” деб номланган ҳужжатларда баён қилинган. Ўша даврнинг тарихчиси Ксенофонтнинг маълумотларига қараганда, Ликург спарталикларнинг савдо ишлари билан шуғуллашиларини тақиқлаш тўғрисида қонунлар чиқарган.

Афинада эса милоддан аввалги 611 йилда архонт Драконт даврида биринчи марта ёзма қонунчилик таркиб топган. Бу қонунлар бизгача етиб келмаган, у ўзининг қаттиқ жазо тизими билан машҳур бўлган. Милоддан аввалги VI асрда Салон даврида ҳам кўп қонунлар қабул қилинган. Салон ўз қонунларини ўн олти ёғоч тахтага ёздириб қўйган. Аммо бу ҳам бизгача етиб келмаган. Милоддан аввалги V-IV асрларга келиб қонунчилик фаолияти кенгайиб, ҳалқ мажлисининг умумий аҳамиятга эга қарорлари қонун кучига эга бўган.

Мулк Спартада узоқ вақтгача ерга нисбатан жамоа ҳукуки. мулкчилиги сақланиб қолган. Жамоа ери чек ерларга ажратилиб, уларни бегоналаштириш мумкин эмасди. Бу билан бир қаторда, Аристотелнинг хабар беришича, бошқа бегоналаштирилиши мумкин ҳисобланган

ерлар ҳам бўлган, лекин бу шармандалик ҳисобланарди. Бундай ерлар периеклар жойлашган округлардан эгаллаб олинган ерлар, давлат томонидан спарталик зодагонлар вакилларига инъом қилинган ерлар эди. Шу тариқа ерга эгаликда тенгсизлик келиб чиқсан ва бу вақт ўтиши билан аниқ шаклларга эга бўла борган.

Спартада милоддан авалги IV асрнинг биринчи ярмида уйлар ва ер участкаларини ҳадя этишга васият қилишга йўл қўювчи қонун чиқарилган, зеро бу шу вақтгача тақиқлаб қўйилганди. Ерларни сотиш илгаригидек мумкин бўлмаган, лекин ҳадяга рухсат этилиши мулкларни кўлдан кўлга ўтиши учун имконият яратган. Спартада савдо тақиқлаб қўйилган бўлса-да, бунга деярли амал қилмай кўя бошланган.

Афинада Спартадан фарқли ўлароқ хусусий мулкчилик анча ривожланган. Лекин ҳатто Афина энг ривожланган милоддан аввалги V-IV асрларда ҳам худди рим ҳуқуқида белгиланганидек хусусий мулк эгаларининг кенг ҳуқуqlари ҳақидаги тасаввурлар ҳали вужудга келмаганди. Ҳатто Афинада хусусий мулк ҳуқуқини англатадиган ибора ҳам бўлмаган. Қонунларда ўз аксини топган “ousia” тушунчаси мулқдор эгалик қилиб турган мулкни, ашёлар, бойликлар йиғиндисини англатган, холос, у мулк ҳуқуқини билдирамасди, ерларни эгаллаб олиш Юнонистонда ҳеч қачон хусусий мулкчилик манбаи сифатида катта роль ўйнамаган.

Мулк ҳуқуқи бир неча даъволар билан ҳимоя қилинган. Дастреб ер участкаси ёки уйдан келадиган даромадлар ҳақидаги даъво тақдим этилган; бу мазкур мулкларга вақтинча эгалик қилиб турган шахсларга нисбатан қилинган. Сўнгра мулк ҳақидаги даъво - **dike ousias** тақдим этилган. Бу ерда даъвогар ўз ҳуқуқини исботланишига мурожаат қилган, яъни ўзининг мулк ҳуқуқи тан олиниши ҳақидаги талаби билан чиқсан.

Қадимги Афина фуқаролик ҳуқуқи ерга, қулга, иш ҳайвонларига нисбатан хусусий мулкчиликнинг ривожланганилиги билан характерланади. Шунингдек Афинада давлат мулкчилиги ҳам мавжуд бўлиб, унинг обьекти турли ашёлар бўлган.

Мажбурият Спартада мажбурият хукуки унча ривожлан-хукуки. маган бўлса-да, Юноистоннинг бошқа поли-си - Афинада мажбуриятлар кенг тарқалган. Кўйида асосан Афинанинг мажбурият хукуки билан танишиб чиқамиз.

Мажбуриятларнинг шартномалардан ва деликтлар-дан келиб чиқадиган турлари бир-биридан ажратиб кўрсатилган.

Хар қандай мазмундаги турли битим (келишув) шартнома мажбуриятига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Шартнормаларнинг ҳақиқийлиги учун ҳеч қандай мажбурий шакллар мавжуд бўлмаган. Бироқ исботлашни енгиллаштириш мақсадларида битимлар кўпинча ёзма шаклда тузиленган. Афина хукуқига хос бўлган расмиятчилик жуда барвақт йўқ бўлиб кетган.

Салон ислоҳотларига қадар шартнома мажбуриятларини бажармаслик учун қарздорнинг шахсий жавобгарлиги ўрна-тилиб, бунинг учун у қарздорлик асоратига тушиши мумкин эди. Салон агар бирор фуқаро чет элдан қуллиқдан сотиб олиниб, бунинг учун қарзини тўламаганда уларни қулга айлантирилиши тартибини сақлаб қолган.

Закалат, гаров ва кафиллик салон ислоҳотларидан ке-йин шартнома мажбуриятларини таъминлаш воситалари сифатида сақланиб қолган. Баъзан шартномага шартномани бажармаганлик учун пул жаримаси ҳақидаги шарт кўшиб кўйилган.

Шартнома тузашган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси **закалат** ҳисобланади. Агар за-калат берган шахс шартнома тузишдан бош тортса, берган закалатидан маҳрум этилган. Агар закалат олган шахс шартнома тузиш истагидан қайтса, у ҳолда закалат сифатида олган пул суммасини икки баравар қилиб қайтариши лозим бўлган.

Шартнома мажбуриятларини таъминлаш учун, шунингдек **кафиллик**дан ҳам фойдаланилган. Бунда кафил бошқа шахс олдида ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кафил кредитор олдида жавоб бериши лозим бўлган. Афинада кафилликка жуда қадимдан -

хукуқий муносабатларнинг куртаклари пайдо бўла бошлаган вақтдан мурожаат қилган эдилар. Ҳар қалай “Одессия”да ҳам кафиллик ҳақида эслаб ўтилади (“Одессия”, VIII боб, 344-модда ва XI боб).

Қадимги Юнонистонда судхўрлик билан бир қаторда **га-ров** хукуқи ҳам кенг ривожланган. Ҳаракатдаги ашёлар гаровга қўйилганда улар кредиторнинг эгалигига ўtkазилган. Агар қарздор қарзини тўламаса, гаровга қўйилган ашё қарзни ундириш сифатида кредитор фойдасига сотилган. Ер гаровга қўйилганда, у вақтинча эгасининг ихтиёрида қолаверган. Бироқ қарз муддатида тўланмаса, кредитор гаровга қўйилган ерни тортиб олган.

Афинада шартномаларнинг олди-сотди, ижара, қарз, ашёларни омонат сақлаш, ширкат, топшириқ; воситачилик каби турлари кенг тарқалган эди.

Олди-сотди шартномаси томонларнинг оддий норасмий келишуви асосида тузилган. Фақат ҳаракатдаги ашёлар эмас, балки турли хил кўчмас мулклар: дала, уй, боф ҳам шартнома предмети бўлиши мумкин эди. Олди-сотди шартномасининг предмети кўпинча қуллар бўлган. Лекин Салон ислоҳотларидан кейин эркин кишиларни қул қилиб сотиш мумкин бўлмай қолган.

Бегона ашёларни сотиш ҳақиқий эмас деб ҳисобланган.

Олди-сотди шартномаси Афинада бевосита ҳеч қандай маҳсус расмиятчиликларсиз сотилган ашёга нисбатан мулк хукуқининг бошқа шахсга (сотиб оловчига) ўtkазилишига олиб келган. Бироқ сотиб олинган суммани тўлаш мулк хукуқи ўtkазилишининг дастлабки шарти бўлган. Агар ашё унинг қиймати тўла тўланмасдан аввал оловчига берилган бўлиб, оловчи ўз мажбуриятларини бажармаса, сотувчи сотилган ашёни қайта талаб қилиб олиши мумкин эди.

Шундай қилиб, сотиб оловчининг мажбурияти келишилган нархни тўлашдан иборат бўлган. Сотувчи эса ашёни қандай шартлашилган бўлса, шундайлигича тўлиқ сотиб оловчига ўtkазиш ва уни учинчи шахс томонидан талаб қилинmasлигига кафолат бериш мажбуриятини олган. Афинада касал қулни сотган сотувчининг жавобгарлигини ва бундай ҳолда сотиб оловчига битимни қисқа муддат ичida бекор қилиш хукуқини белгиловчи қонун мавжуд эди. Агар қул тутқаноқ касалига чалинган бўлса - бир йил, бошқа касал

бўлса, олти ой ичида сотувчига қайтарилиши ва унинг учун тўланган ҳақ қайтиб олиниши мумкин бўлган.

Ижара шартномасининг предмети ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз мулклар бўлиши мумкин эди. Ижарага чорва, қуллар, кема, ер, уй бериларди. Афинада айниқса уйларни ижарага бериш кенг тарқалган, инчунун, метеклар, қоида бўйича, уйга мулк сифатида эгалик қилиш ҳукуқига эга эмасдилар ва шунинг учун ҳам уйларни ижарага олиб яшашга мажбур эдилар.

Ижара шартномаси олди-сотди шартномаси сингари қандайдир маҳсус шаклларни талаб қилмаган. Кўчмас мулклар ижарасида ёзма шартномалар тузиш қабул қилинган. Турли хилдаги жамоалар билан тузиладиган ижара шартномалари учун расмиятчиликлар ўрнатилганди.

Ижара шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мulkни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади. Ижарага олувчининг асосий мажбурияти ижара ҳақини ўз вақтида тўлашдан иборат эди. Қишлоқ ҳўжалигида ижара ҳақини натура тарзида тўлашни назарда тутувчи ижара шартномалари учраб турарди. Уйни ижарага олиб яшовчилар, агар ижара ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўламасалар, қонун бўйича мулк эгаси ижарачиларни уйдан чиқариб юборишлари, эшикларни чиқариб олишлари, томни бузиб олишлари, куудукни ёпиб қўйишлари мумкин бўлган.

Ижарачи ижарага олган ашёни яхши сақлаш, зарур бўлса таъмирлаб туриш мажбуриятига эга бўлган. Ижарага олинган ашё муддат ўтгандан сўнг тузатилган ҳолда қайтарилиши лозим эди.

Афинада ижара шартномасидан **ссуда шартномаси**, яъни ашёлардан бепул фойдаланиш шартномаси ажратилганди. Бу шартнома "chresis" деган ном билан аталган.

Афинада **шахсий ижара** унча кенг тарқалмаган, чунки ёлланма меҳнат хўжаликда муҳим роль йўнамаган, асосан қуллар меҳнатидан фойдаланилган. Лекин шунга қарамай Афинада қишлоқ ҳўжалигида, уй ишларида, шаҳардаги бошқа турли хизматларда, шунингдек ижтимоий ишларда шахсий ижара шартномалари тузилган. Арzon қул меҳнатини эксплуатация қилувчи қулдорлар билан рақобат қиломаган Аттика деҳқонлари ва афина хунармандлари хонавайрон бўлиб, баъзилари батраклар сифатида, бошқа-

лари ёлланма ишчилар сифатида хизматта боришга мажбур бўлардилар.

Шахсий ижара шартномасидан **пудрад - eraolabeia шартномаси (ишни баҳолаб олиш)** фарқ қилган. Айниқса ижтимоий ишларни пудрат тартибида бажариш муҳим аҳамиятга эга эди. Манбалардан маълумки, каналлар қуриш, ботқоқликларни қуритиш, ибодатхоналарни таъмирлаш ва бошқа ишларни амалга ошириш бўйича тузилган пудрат шартномалари бўлган. Қулларни ишга ўргатиш ва бошқа шартномалар ҳам пудрат шартномаси ҳисобланган.

Қарз шартномаси Афинада кенг тарқалган шартномалардан эди. Қоида бўйича, қарз маълум фоизлар тўлаш шарти билан берилган. Бироқ, фоизларсиз қарз бериш ҳам мавжуд эди. Қадимги Юнонистонда, айниқса, Афинада судхўрлик жуда ривожланганди. Бунга қарши буюк юонон мутафаккирларидан Платон ("Қонунлар", V боб, 742-модда) ва Аристотель ("Сиёсат", I боб, 3-модда) асарлари ҳам натижага бермаган.

Милоддан аввалги VII-VI асрларда Салон ислоҳотларига қадар қишлоқда кредит операциялари кенг тарқалганди. Бунга кўра, эркин дехқонлар кўп ҳолларда қарзини тўлай олмай кредиторларга қарздорлик асоратига тушиб қоларди. Салон ислоҳотлари, гарчи қарздорлик асоратини тугатган бўлса-да, қишлоқдаги судхўрлик операцияларини тугатмади, шунингдек дехқонларнинг хонавайрон, ер участкаларидан маҳрум бўлишларига барҳам бермади. Шаҳарларда ҳам судхўрлик гуллаб-яшнаган. Ибодатхоналар ҳам судхўрлик билан шуғулланган.

Қарз шартномаси ҳеч қандай расмиятчиликларни талаб қилмаган. У оғзаки ва ҳатто гувоҳларсиз тузилиши мумкин эди. Бироқ, албаттa, қарз шартномаси кўпинча гувоҳлар иштироқида ва ёзма тарзда тузилган. Қарз ўз муддатида қайтарилиши лозим эди. Акс ҳолда кредитор қарзни турли воситалар ёрдамида ундирилишини даъво қилиши мумкин бўлган.

Ашёларни **омонат шартномаси** бўйича бир тараф (омонат сақловчи) унга иккинчи тараф (юк топширувчи) бөрган ашёни сақлаш ва уни тўла ҳолида қайтариш мажбуриятини олади. Бунда ашё фойдаланиш учун эмас, сақлаш учун топширилади. Ашёни омонат сақлаш учун олган шахс хўжайнинг биринчи талабидаёқ уни қайтариши лозим бўлган.

Агар ўз вақтида қайтарилемаса, ашё эгаси тегишли даъво қўзфатиши мумкин эди. Ўз навбатида омонат сақловчи ашёни сақлаш билан боғлиқ харажатларни ашё эгасидан талаб қилиш ҳуқуқига эга эди.

Афинада фуқароларнинг ўзаро **шерикчилик шартномаси** билан боғлиқ турли хил бирлашмалари кенг тарқалган. Бу шартнома, қоида бўйича, ёзма равишда расмийлаштирилган. Шартнома иштирокчилари умумий шерикчилик мулкини ташкил этиш учун маблағлар қўйганлар. Шериклар ишларни эҳтиётсизлик билан юритиш натижасида ёки қасддан етказилган заарлар учун бир-бирларининг олдида жавобгар бўлардилар.

Шериклар Афинада ўз вакиллари орқали кўчмас ва бошқа мулкларга эгалик ҳуқуқидан фойдаланганлар. Даромад ва заар шериклар ўртасида шартнома шартлари бўйича тақсимланган, агар бундай шартлар бўлмаса, ҳар кимнинг қўшган ҳиссасига қараб белгиланган.

Афинада мажбурият ҳуқуқи **топшириқ шартномасидан** ҳам келиб чиқсан. Унга кўра бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчida вужудга келади.

Воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириги бўйича ўзномидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича воситачи ҳуқуқларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади.

Деликатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар. Рухсат этилмаган ҳаракат натижасида пар етказилса, қатор ҳолларда жазо берилмаган, балки жабрланувчи фойдасига жарималар ундирилган. Бу жарималар кўпинча етказилган заарнинг миқдоридан ошиб кетган.

Мулкка етказилган ҳар қандай зарар **dike blabes даъвосини** тақдим этиш учун асос бўлган. Бу даъво қўшниси айби билан далага сув босиб кетган бўлса, ўша қўшнига нисбатан баён қилинган. Шунингдек, бировнинг кўйлагини йиртган ёки бошқа мулкка зарар етказган шахсларга нисбатан ҳам даъво қилинган.

Ота болалари томонидан етказилган, хўжайин ўз қули томонидан етказилган мулкий зарар учун жавоб берганлар.

Никоҳ-оила Афинада **никоҳга** кириш ҳамма учун мажхукуки. бурий эди. Бироқ никоҳсизлик учун ҳеч қандай жазолар назарда тутилмаган. Бу баҳтсизлик ҳолати сифатида кўрилган, чунки никоҳсизлик авлодлар маросимларининг тугашига олиб келган. Гомер даврида никоҳ келинларни олиш-сотиш шартномаси асосида тузилган. Бунда бир томонда қизнинг отаси, иккинчи томонда кўёв турган. Қизнинг отаси кўёвдан чорва ва бошқа қимматбаҳо предметлар (*hedna*) олган ва албатта, ўз навлатида кўёвга ҳам совға берилган.

Ота қизига сеп-сидирға беришга мажбур эмас эди, лекин қиз унинг акаси томонидан эрга берилаётган бўлса, aka сеп-сидирға бериши лозим бўлган. Сеп-сидирға сифатида олинган мулкни эр бошқарган ва уларни никоҳдан туғилган болалари учун бутун сақлаши лозим бўлган.

Никоҳ тузишнинг иккита шакли ажратилган: а) **engiesis** - кўёвнинг келиннинг отаси ёки ҳомийси билан тузадиган оддий шартномаси ва б) **epidikasia** - мансабдор шахслар олдида ёки суд олдида никоҳ тузиш.

Мансабдор шахслар ёки суд олдида никоҳ тузиш фақат баъзи ҳолларда қўлланган. Масалан, агар меросхўр қизлар эрга берилаётган бўлса ёки бошқа шахслар томонидан қиз қилиб олинган қизлар эрга берилаётгандан ёхуд ўғил қилиб олинганлар уйлантирилаётгандан мансабдор шахслар ёки суд олдида никоҳ шартномаси тузилган.

Афина **оиласи** - бир никоҳли бўлган. Аёллар унда тобе, паст мавқега эга эди. Оиланинг бир никоҳлилиги ҳақиқатда аёллар учун эди. Бироқ эрнинг хотиндан ташқари бошқа аёллар билан алоқаси ҳеч қандай юридик оқибатларни келтириб чиқармаган.

Ажралиш эркаклар учун эркин бўлган, эр ҳоҳлаган вақтида хотинини ўз уйидан ҳайдаб юбориши мумкин эди. Бундай ҳолда, агар хотин ҳиёнатда айбланмаган бўлса сеп-сидирға унга қайтариб берилиш лозим эди. Бунда ҳеч қандай расмиятчиликлар, хусусан, ҳеч қандай мансабдор шахсга мурожаат қилиш талаб қилинмаган. Лекин, агар хотиннинг ихтиёри бўйича никоҳ бекор қилинадиган бўлса, хотин ажралиш учун асосларни кўрсатган ҳолда архонтга ёзма ариза билан мурожаат қилиши лозим эди. Бу аёл-

ларнинг қарамлик ҳолати туфайли кўпинча амалга ошириб бўлмайдиган тартиб бўлган.

Ота оиласда жуда катта ҳокимиятга эга бўлган: у ўғилларига нисбатан ҳаёт ва ўлим ҳукуқига эга эди. Салонгача оталарнинг ўз ўғилларини қулликка сотиш ҳукуқи сақланиб қолганди. Салон отага буйсунмаган ва уни ҳурмат қилмаган ўғилни ҳайдаб юбориш ҳукуқини сақлаб қолди. Бироқ вақт ўтиши билан ота ҳокимияти анча камайган. Милоддан аввалги V асрга келиб отанинг илгариги чекланмаган ҳокимлигидан фақат баъзилари сақланиб қолган эди. Ота бола туғилгандан кейин дастлабки кунларда уни, агар ўзиники эмас деб ҳисобласа, ундан воз кечиши мумкин бўлган. Ота, агар ўғли у билан ёмон муносабатда бўлса, ундан юз ўгириши ва меросдан маҳрум қилиши мумкин эди. Ота қизини хоҳлаган кишига эрга бера олган ва ҳатто буни васиятда кўрсатиши ҳам мумкин бўлган.

Болалар ўз ота-онасини ҳурмат қилишлари ва уларга сўзсиз бўйсунишлари, шунингдек, камбағалликка тушиб қолган ота-онасини боқишлиари лозим эди. Бундай мажбуриятларни бажармаган ўғил суд олдида ота-онасига ёмон муносабатда бўлганлиқда жавоб бериши керак эди.

Спарта никоҳ-оила ҳукуқида шу нарса характерли эдики, аёллар Афинадаги аёллардан фарқли ўлароқ, жамиятда катта мавқега эга эдилар. Никоҳ асосан жуфт (моногамия) шаклида бўлган. Лекин Спартада гурухий никоҳ қолдиклари ҳам сақланиб қолганди. Масалан, у ерда бир неча ака-укалар битта, умумий хотинга эга бўлган ҳолатлар ҳам сақланиб қолганди. Спарта жамиятида аёлларнинг анча юқори мавқега эга бўлишини асосан бу ерда матриархат қолдикларининг кучлилиги билан изоҳлаш мумкин.

Мерос Афинада **мерос қонуний ва васият** бўйича қол-хукуки. дирилиши мумкин эди. Агар ўлган шахс васият қолдирмаган бўлса, мерос қонун бўйича қўйида-ги тартибда тақсимланган. Меросга биринчи навбатда ўлган шахснинг ўғиллари чақирилган. Ўғиллар бўлса, қизлар меросхўр бўла олмаганлар. Қизлар фақат турмушга чиқаёт-ганларида акасидан сеп-сидирға олишлари мумкин эди. Мерос ўғиллар ўртасида тенг тақсимланган. Никоҳсиз туғилган болалар ота мулкига меросхўр бўла олмаганлар. Қонун бўйича уларга озгина миқдордаги мулк васият қилиб қолдирилиши мумкин эди. Агар тўғридан-тўғри меросхўр-

лар бўлмаса, унда биринчи навбатда ака-укалар ва жиянлар, улар бўлмаса, опа-сингиллар ва аёл жиянлар меросга чақирилганлар, иккинчи навбатда эса тоғалар, амакиваччалар, уларнинг болалари ва бошқалар меросга таклиф қилинган.

Афинада Салон давридан бошлаб **vasiyat** бўйича мерос пайдо бўлган. Васиятнинг ҳақиқий ҳисобланиши учун васият қолдирувчи соғлом ақлга эга бўлиши ва висият њеч қандай жисмоний ёки маънавий зўрликсиз қилинган бўлиши талаб этилган. Салон қонуни бўйича фақат, агар кимда ўғил жинсидаги қонуний болалари бўлмаса, ўша киши висият қилиши мумкин эди. Бундан ташқари, вояга етмаганлар ва аёллар висият қила олмаганлар. Ўғил қилиб олинганлар ҳам ўз мулкини висият қила олмаган, агар унинг авлоди бўлмаса, унинг мулки уни ўғил қилиб олган оиласа ўтган. Агар висият қилувчидаги битта қиз бўлса, ўз мулкини шу қизига висият қилиши мумкин эди. Агар мерос қилдирувчидаги бир неча қиз бўлса, у ҳолда висият қилувчи ўзига битта меросхўр тайинлаб, унга қизларидан бирини эрга бериб, унинг зиммасига бошқа қизларини ҳам сеп-сириргарлар билан эрга бериш мажбуриятини юклаши мумкин эди.

Жиноят Афина ҳукуқи жиноят ва жазо масалаларида **хукуқи**. ибтидоий жамоа тузумининг анчагина қолдиқларини ўзида сақлаб қолганди. Бу шунда ҳам кўринган эдики, одам ўлдириш жинояти давлат органлари нинг эмас, балки ўлган кишининг қариндошларини қизиқтирадиган иш бўлган. Одам ўлдирганлик учун ўлган кишининг қариндошларига жарима тўлаш билан жавобгарликдан қутилиш мумкин бўлган. Агар ўлган кишининг яқин қариндошлари бўлмаса, қотил ўлган киши тааллуқли бўлган фратрияning ўнта аъзосига жарима (вергельд) тўлаган. Агар ўлган кишининг қариндошлари қотилга қарши таъқиб ишини қўзғатсалар, уларнинг даъвоси хусусий айблов (*dike*) характеристига эга бўлган. Бу давлат манфаатларига тааллуқли айблов (*graphe*) бўлмаган. Қотил ўз хоҳишича мамлакатни тарқ этиб, жазодан қутилиб қолиши мумкин эди. У кейинчалик яна қайтиб келса, қонун муҳофазасида эмас деб ҳисобланган ва суд-сўроқсиз ўлдирилиши мумкин бўлган.

Нихоят, жиноий айбловнинг икки шаклга-*dike* ва *graphe*-га ажралганлиги шу билан изоҳланадики, Афина давлати бевосита ибтидоий жамоа тузумидан келиб чиқсан эди. Ик-

кала ҳолатда ҳам айблов жарбланувчи томонидан қўзғатилган ва қўлланган. Бироқ *dike* да айбловчи зарарни қоплашни ёки жарима тўлашни талаб қилган, фақат *graphe* да иш, хусусан, айбдорни жазолаш ҳақида борган.

Афина давлатида жуда жиддий хукуқбузарликлар, хусусан, одам ўлдириш, қизларни ўғирлаш, заҳарлаш, ўт қўйиш каби ишлар хусусий характерга эга бўлган давволар тартибида кўрилган. Қатор ҳолларда жабрланувчи *dike* ва *graphe* ўртасида улардан бирини танлаш имкониятига эга бўлган. Бундай ҳолларда айбловнинг хоҳлаган шаклини танлаши ва айбланувчидан ё жарима ундирилишини, ёки уни жазоланишини талаб қилиб чиқиши мумкин эди.

Афина жиноят хукуқида давлатга қарши, динга қарши, оиласа қарши, шахсга қарши, мулкка қарши жиноятларнинг турлари учун жиноий жавобгарликлар ўрнатилган.

Афинанинг жазо сиёсатида **давлатга қарши жиноятлар** катта ўрин тутган. Бундай жиноятлар қаторига давлатга хиёнат, ҳалқни алдаш, худоларни ҳақоратлаш, ҳалқ йифинига қонунга хилоф таклифлар киритиш ва бошқалар кирган. Агар бирор шахс ўз хатти-ҳаракати билан мавжуд тузумга суқаsd қилиб, давлат ва давлат тузуми учун жиддий хавф туғдирса, у давлатга хиёнат қилинганлиқда, яъни **эйсангелия** (*eisangelia*)да айбланган. Бунинг учун ўлим жазоси назарда тутилган. Агар бир киши ҳалқ йифинида сўзга чиқиб, ўзининг ёлғон-яшиқ сўзлардан иборат нутқи билан “ҳалқни алдаса”, эйсангелиядага айланиси мумкин бўлган. Бундай ҳолатда баъзан айбдор зиммасига катта миқдорда жарима солиниши мумкин эди. Масалан, Мильтиад Парос оролига муваффақиятсиз юриш қилгандан кейин ҳалқни алдашда айбланган ва унинг катта миқдорда жарима тўлаши белгиланган. Сиёсий жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича ёлғон хабар берган айбдорлар **сикофантияда** айбланиб, суд қилинганлар.

Худоларни таҳқирлаш, худосизлик, диёнатсизлик ҳам оғир давлат жиноятлари ҳисобланган, чунки қадимги Юноистонда диний мафкура ва маросимлар давлат билан жуда чамбарчас боғлиқ эди. Дин давлат **характерига** эга бўлган.

Оиласа қарши жиноятлар баъзи ҳолларда хусусий айблов тартибида, бошқа ҳолларда эса - давлат манфаатлари ҳисобланган айблов тартибида таъкиб қилинган. Бундай

турдаги жиноятларга ота-оналарнинг болалариға нисбатан, хомийларнинг етимларга нисбатан, ота-оналарнинг меросхўр қизларга нисбатан ёмон ва аҳмоқона муносабатлари кирган. Шунингдек хотиннинг эрига хиёнати оғир жиноят ҳисобланган. Бунда эр уни жиноят содир бўлган жойнинг ўзидаёт ўлдириши мумкин эди. Агар бундай ҳиёнат содир бўлганда, эр хотинини жазоламаса, у ҳолда айбланувчига қарши graphē тартибида айблов қўзғатилиши мумкин бўлган. Бироқ эр хотинини хиёнат қилганликда асоссиз айблаган бўлса, унда қарши даъво қўзғатилиши мумкин эди. Юқоридагилар билан бир қаторда қизларни ўғирлаш учун ҳам жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Бунда шикоятчига *dike* ва *graphē*дан ҳоҳлаган бирини танлаб олиш ва даъво қўзғатиш имконияти берилган. Кўшмачиликда айблаш учун ҳам оммавий даъво (*graphē*) назарда тутилган.

Шахсга қарши жиноятларга аввало одам ўлдириш жиноятлари кирган. Бундан ташқари уриш, сўкиш, туҳмат қилиш, ҳақорат ва бошқалар ҳам шахсга қарши жиноятлар ҳисобланган. Бировга қасддан тан жароҳати етказган шахсларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, мамлакатдан ҳайдаб юбориш жазоси назарда тутилган.

Мулкка қарши жиноят турига асосан ўғрилик жинояти киритилган. Ўғрилик учун бериладиган жазолар ўғрининг жиноят жойида қўлга олинган ёки олинмаганлигига қараб турлича белгиланган. Агар ўғри жиноят қилган жойида қўлга олинган бўлса, уни қамоқقا ташлаш, кечаси ўғрилик содир этган шахсни эса тутиб олиб ўлдириш мумкин эди. Бундай ҳолат Римда XII жадвал қонунларига биноан ҳам ўрнатилган эди. Агар ўғри қочиб яширинишга улгурган бўлса, у ҳолда бирмунча вақт ўтгандан сўнг айблов тақдим қилиниши мумкин бўлган. Агар ўғрилик бозорда, ҳаммомда ва бошка қандайдир жамоат жойида содир этилган бўлса, *graphē* тартибидаги айблов қўзғатилиши мумкин эди. Бошка ҳолларда эса даъво *dike* *klopes* тартибида қўзғатилиб, айбордан ўғирланган мулкнинг икки бараваридан ошмайдиган микдорда жарима ундирилган.

Афинада **жазоларнинг** бир қанча турлари қўлланган. Анча оғир жиноятлар, жумладан, қасддан одам ўлдириш, давлатга ҳиёнат, худосизлик каби жиноятлар учун **ўлим жазоси** тайинланган. Бунда кўпинча ўлим жазосига маҳкум қилинганларга заҳар ичиб ўзини ўлдиришига имконият яра-

тилган. Баъзан маҳкумларга қилич ва арқон берилиб, хоҳлаганини танлаши таклиф қилинган. Баъзи ҳолларда қотиллар қулликка сотилган. Талончилик ва босқинчиликни касб қилиб олган жиноятларга нисбатан худди шундай жазо қўлланган. Куллар ва эркин кишилар учун жазолар бир хил бўлмаган. Айни бир хилдаги жиноятлар учун кўп ҳолларда эркин кишилар унча катта бўлмаган **жарима** тўласалар, қулларга нисбатан турли **тан жазолари** қўлланган. Эркин кишилар учун назарда тутилган одатдаги жазолар жарима ва **мол-мулкни мусодара қилиш** каби жазо берилган. Жиноятчиларнинг қочиб кетишининг олдини олиш мақсадида ва фақат эҳтиёт чораси сифатида **озодликдан маҳрум қилиш жазоси** қўлланилган. Шарманда қилиш жазоси сифатида **атимия** жазоси кенг қўлланган. Бунда маҳкумлар одатда сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, мол-мулклари мусодара қилинган. Баъзан атимия фуқаронинг ҳуқуқлардан тўла маҳрум этилганлигини англатиб, бундай ҳолда у судга шикоят билан мурожаат қилиш имкониятини ҳам йўқотган ва судсиз, терговсиз қатл этилган.

Спарта давлатида ҳам жазоларнинг юқоридаги турлари қўлланилган.

Суд ишлари- Афинада фақат тўла ҳуқуқли фуқаролар **ни юритиш.** ташаббуси билан суд ишлари бошланиши мумкин эди. Аёллар ва вояга етмаганлар учун - оила бошлиғи, метеклар учун - унинг ҳомийси, қуллар учун - унинг хўжайини суд ишларини юритиш чоғида ҳаракат қиласан.

Юқорида таъқидланганидек, Афинада суд ишларининг икки тури: 1) *dike* ва 2) *graphē* бир- биридан фарқланган. *Dike* жараёни жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили - *kuriōs* шикояти бўйича бошланган. *Graphē* жараёни эса ҳар қандай тўла ҳуқуқли афиналик фуқаронинг шикояти билан бошланиши мумкин эди. Бунда иш шикоят қилувчининг шахсий манфаатларига тааллуқлилиги ёки тааллуқли эмасли аҳамиятсиз ҳисобланган, *graphē* тартиби бўйича шикоят қўзғатилса бас, шунинг ўзи суд жараёнининг бошланишига асос бўлган. *Dike* тартибида суд жараёнини бошлаган даъвогар суд қарор чиқаргунicha ишни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган, *graphē* тартибида бошланган жараён эса охиригача етказилиши лозим эди. Агар бу жараённи (*graphē*-ни) бўшлаган шахс унинг тўхтатилишини талаб қиласа ва

шикоятини қайтариб олса, унга 1000 драхма жарима солинган. Graphē жараёнини бошлаган шахс кўп ҳолларда ҳеч қандай моддий манфаат кўрмаган. Лекин давлатнинг молиявий ҳукуқларининг бузилиши ҳақидаги, давлат мулкидан ноконуний фойдаланганлик ҳақидаги, инсофсиз ҳомийлик ҳақидаги ишлар бўйича шикоят қилганлар айбдор шахсларнинг мусодара қилинган мулкидан ёки уларга солинган жарималардан бир қисмини олиши мумкин эди. Агар шикоят қилган шахс ишда ютқазса, 1000 драхма жарима тўлаган.

Афинада баъзи кишилар маҳсус касбкор хабар берувчилар - **силофонтлар** вазифасини ўтаганлар ва graphē тартибидаги айловни қўллаганлар.

‘Айбланувчи ёки жавобгар судга давлат органлари томонидан эмас, балки айловчи (даъвогар)нинг ўзи томонидан гувоҳлар олдида чақирилган. Бунда айловчи (даъвогар) унга қайси мансабдор олдига, қачон ва қайси вақтда бориши лозимлиги кўрсатилган. Агар келмаса, иш унинг иштирокисиз сиртдан кўрилган.

Шикоят қабул қилиб олган мансабдор шахс аввало ўзи ишни текшириб чиқсан - **anakrisis** қилган. Бунда айбланувчига (ёки жавобгарга) иш бўйича ўз эътиrozларини ёзма равишда тақдим этиш ҳукуки берилган. Бу эътиrozларни кўриш билан ишни текшириш бошланган.

Томонлар иш бўйича зарур бўлган барча далилларни судга ўзлари тақдим этганлар. **Гувоҳларнинг кўрсатмалари, далилий ашёлар**. (масалан, ҳужжатлар) ва қасам судда **далил** ҳисобланган. Судда фақат эркин кишиларгина эмас, қуллар ҳам гувоҳ сифатида кўрсатмалар бера олган. Бироқ қуллар одатда қийноқлар йўли (қамчи билан савалаш, нарвонга осиб қўйиш, бурнига уксус қўйиш ва сингарилар) билан сўроқ қилинганлар. Аёллар ва вояга етмаганлар судда гувоҳликка ўта олмаганлар.

Дастлабки тергов (анакризис) тугагандан сўнг барча далиллар, жумладан, гувоҳларнинг ёзма кўрсатмалари маҳсус мис ёки лой идишлар (ехинлар)га солиниб қулфлаб қўйилган, энди бошқа далиллар тақдим этиш мумкин бўлмаган. Фақат ехинларда сақланётган далилларга ҳавола қилиш мумкин бўлган.

Анакризис тугагандан сўнг суд мажлисининг куни тайинланган. Суд мажлисида котиб айловчи (даъвогар)нинг шикояти ва бошқа томоннинг эътирозини маълум қилган.

Сўнгра томонлар нутқ сўзлаган. Нутқлар учун кўп ҳолларда маълум вақт ажратилган, бундай вақт иккала томонга тенг берилган.

Суд мажлиси судьяларнинг яширин овоз бериш йўли орқали чиқарган қарорлари билан тугаган. Агар овоз бериш вақтида бирон судья бетараф, овозлар тенг бўлиб қолса, судланувчи оқланган.

Суд қарорлари ва ҳукмлари устидан гелиэяга апелляция тартибида шикоят қилиш мумкин эди. Гелиэяга, ҳатто ҳалқ йифинида кўрилган суд ишлари юзасидан чиқарилган қарорлар устидан ҳам апелляцион шикоят қилиниши мумкин бўлган. Гелиэянинг қарори қатъий бўлиб, шикоятга ўрин бўлмаган.

Суд қарорини бажариш учун жавобгарга маълум муддат берилган. Агар жавобгар кўрсатилган муддатда жаримани тўламаса, даъвогар жавобгарнинг мол-мулкини тортиб олиши мумкин эди, агар бунда қаршилик кўрсатилса, **қарорни ижро этиш ҳақидаги жараён (dike exoules)** бошланган, бунда ютказган жавобгар хазина фойдасига даъво суммасига тенг жарима ҳам тўлаши лозим эди.

VIII боб

КАДИМГИ РИМ ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛЯНИШИ

Антик дунёдаги энг қудратли, йирик давлат - Италиядаги таркиб топган Рим республикаси эди. Рим республикаси Апеннин ярим оролида яшовчи ҳалқлар ва қабилаларни ўз ҳукмдорлиги остига бирлаштириб, рақобатдош муҳолифларга қарши қаттиқ урушлардан сўнг уларни енгигб, Ўрта денгиз давлатлари ичida энг кучлиси бўлиб қолган. Кейинчалик милоддан аввалги I аср ва милоднинг II асрида Рим қулдорлари бутун Шимолий Африкани, Европанинг анча қисмини ва Олд Осиё мамлакатларини ўз ҳукмронлиги остига олган ва қарийб 500 йил ҳукм сурган фоят катта давлатга айланган.

Қадимги Рим давлати тарихини қуйидаги даврларга бўлиб ўрганамиз:

1. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ва қулдорлик давлатининг ташкил топиши даври. Бу давр милоддан аввалги 753 йилда Рим шахрига асос солинишидан то милоддан аввалги 509 йилда охирги Рим подшоси Тарквиний Су-

пербнинг Рим аҳолиси томонидан ҳайдаб юборилишигача бўлган вақтга тўғри келади.

2. Республика даври. Милоддан аввалги 509-27 йиллар. Бу даврнинг ўзи ҳам 2 босқичга бўлинади: илк республика (милоддан аввалги V-III асрлар) ва кечки республика (милоддан аввалги III - I асрлар).

3. Монархия даври. Милоддан аввалги 27 йилдан милоднинг 476 йилигача. Бу давр ҳам 2 босқичга: принципат (милоддан аввалги 27 йилдан то милоднинг 284 йиллари гача) ҳамда доминат, яъни мутлақ якка ҳокимлик (милоднинг 284-476 йиллари)га бўлинади.

Бундан кейинги давр Рим қулдорлик давлатининг инқизори даври бўлиб, милоднинг 476 йилида Фарбий Римни франк қабилалари босиб олганлар. Шарқий Рим эса Византия номи билан усмонли турклар 1453 йилда Константинополни босиб олгунларига қадар яшайди.

1. Қадимги Римда давлатнинг ташкил топиши

Милоддан аввалги 753 йилда Рим шаҳрига асос солинган вақтда (Ромул ва Рэм томонидан) Тибр дарёси бўйлаидаги қабилаларда ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши жараёни рўй берётган эди. Бу ерда учта қабила: қадимги лотин, сабин ва этрускларнинг худди Афинадаги синойкизмга ўхшаб урушлар йўли билан бирлаширилиши натижасида Рим жамоаси ташкил топган. Қадимги рим уруғларининг аъзолари патрицийлар деб аталган.

Чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши мулкий табақаланишга олиб келган ва хусусий мулкнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Патриархал қулчилик келиб чиқсан. Бунда, албатта, урушлар, сўнгра эса жамиятнинг синфий бўлиниши қулчилик манбаи бўлиб қолган.

Мулкий даражаланиш натижасида жамоанинг ижтимоий тузилиши мураккаблашган. Уруғлардан алоҳида бой аристократик оиласалар ажралиб чиқсан. Уларга ҳали жамоанинг умумий мулки ҳисобланган яхши ер участкалари ўта бошлаган. Улар харбий ўлжалардан ҳам кўп ҳисса ола бошлаганлар. Шу билан бирга жамочиларнинг камбағаллашган қисмидан **клиентлар** гуруҳи пайдо бўлган. Клиентлар, шунингдек, уруғга қабул қилинган келгиндилардан ва баъзан эркинликка чиқарилган куллардан ташкил топган. Клиентлар шахсан озод бўлиб, лекин ҳукуқларда чеклаб қўйилган эди. Улар патрицийлардан иборат патронларнинг ҳомийлигига бўлганлар ва бунинг учун ўз патронларига мулкий ва шахсий хизмат ўташлари лозим бўлган.

Чорвачилик ва дәхқончилик учун қулай иқлим шароитлари, савдо билан шуғуланиш учун фойдали жуғрофий жойлашув ва урушлар Римга кўп кўшни қабилалар аҳолисининг кўчиб келишини кучайтирган. Улар рим жамоаси таркибига кирмаган. Римга кўчиб келган көлгиндиilar пле-бейлар деб аталиб, улар Римда ерга эгалик қилиш хуқуқидан маҳрум бўлган, ёш патрицийларга ўхшаб улар жамоат далалари захирадаги ерларидан ҳам чек ер ололмаган. Плебайларнинг кўпчилиги хунармандчилик ва савдо билан шуғулланган. Олимларнинг фикрича, плебайлар қисман Римга кўчиб келган эркин кишилардан, қисман озод қилинган куллардан ва қисман римликлар Римга кўчиб келишига мажбур этган кўшни шаҳарликлардан ташкил топган.

Плебайлар эркин, шахсан озод бўлиб қолавергандар, лекин уларнинг мулкий ва шахсий хуқуқлари чекланганди. Плебайлар фақат эркин жамоа ерларидан баъзи патрицийларнинг ёки бутун уруғнинг ҳомийлигига ўтиб, ўз ҳомийлари ("патрон"лари)дан чек ер олиши мумкин эди.

Плебайлар фуқаролик хуқуқидан фойдаланмаган, жамоа аъзолари билан никоҳга кира олмаган, жамоа ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятидан маҳрум бўлган.

Рим жамоаси тепасида сенат томондан сайланиб қўйиладиган бошлиқ - **рекс (rex - подшо)** турган. Гарчи анъана га кўра уни подшо деб атаган бўлсалар-да, ваколатлари чекланган эди. Афина басилейига ўхшаб, у ҳам асосан ҳарбий, диний ва суд ваколатларига эга эди. Рекс сенатга радилик қилган, бутун жамоа номидан худоларга қурбонликлар берган ва фуқаролар лашкари - "легион"га бошчилик қилган.

Рим жамоасининг муҳим бошқарув органи уруғларнинг **оқсоқоллар қенгаши - сенат** бўлган. Ҳар бир уруғнинг бошлиғи сенатга аъзо бўлиб кирган. Сенат суд вазифасини ҳам бажарган. Рим жамоаси дастлаб уч юз... уруғдан ташкил топганлигидан энг қадимги замонларда сенат ҳам уч юз... сенатордан ташкил топган.

Рим жамоасининг умумий масалалари **халқ йигинида** кўрилган. Бироқ унинг қарорлари сенат ва рекс томонидан бекор қилиниши мумкин эди. Рекс умумий мажбурий қарорлар чиқариши мумкин бўлган.

Рим жамоасининг ташкил этилиши ўзининг изчиллиги ва мукаммаллиги билан ажralиб турган. Римда **қабилалар** "трибалар" деб аталиб, **уруглар бирлашмасидан**, яни "**куриялар**"дан ташкил топган. Ҳар бир курияда ўнтадан уруғ, трибада эса ўнтадан курия бўлган. Шундай қилиб учта трибадан ҳар бирида юзтадан уруғ, бутун жамоанинг аҳо-

лиси эса уч юз уруғдан иборат эди. Агар трибалар учта қабилаларнинг бирлашишидан ташкил топган бўлса, жамоанинг бундай мукаммал ташкил этилиши уни бошқалар учун берк ҳолга келтириш заруриятидан келиб чиқанди. Чунки у ердаги ер фонди анча чегараланган бўлиб, доимо фарбий урушлар натижасида уларни кенгайтириб туруш тақоза этиларди. Халқ йиғинларининг ҳам куриялар бўйича (“куриялар комицияси”) чақирилиши юқоридаги фикрларни тасдиқлади.

Демак, муҳим ҳукумат органларидан бири **халқ йиғини - куриялар комицияси** бўлиб, у ўнта уруғ бирлашмаси - куриялар бўйича тўплланган. Ҳар бир курия бир овозга эга бўлиб, бунда фуқароларнинг овозлари эмас, балки курияларнинг овози билан қарорлар қабул қилинган. Куриялар комицияси уруш эълон қилиш ёки суд тузиш, сенатнинг қарорларини тасдиқлаш, мансабдор шахсларни тайинлаш каби муҳим масалаларни ҳал қилган.

Рим уруғдошлиқ ташкилотининг ҳарбийлаштирилган характеристи уни анча вақтгача берк ҳолда бўлишига имкон туфдирган. Лекин Римда унинг бузилишини тезлаштирувчи жараён ривожланиб борган. Плебейлар сонининг ўсиши, уларнинг қўлида хунармандчилик ва савдонинг тўпланиб бориши жамоада мавқеи ва қудратининг ошишига олиб келган. Плебейларнинг ўзи ҳам мулкий табоқалаша борган. Бой хунарманд ва савдогарлардан иборат плебейлар пайдо бўлиб, Римнинг иқтисодида муҳим роль ўйнаб, улар астасекин ўзларининг жамиятдаги ҳуқуқсиз мавқеидан норози бўла бошлаганлар. Шу билан бирга, қарзини тўлай олмай, тутқинликка тушиб борувчи камбағал плебейларнинг сони ҳам ўсиб борган. Плебейларнинг камбағаллашиб бораётган қисми қуллар сонини тўлдириб, рим жамоаси учун хавфли кучга айланмоқда эди.

Айниқса, римликларнинг ҳарбий юришларга плебейларни жалб қилишга мажбур бўлганликлари аҳволни янада мурракаблаштирган. Энди плебейлар ўзларининг ҳуқуқларини патрицийлар ҳуқуқлари билан тенглаштирилишини янада кўпроқ талаб қила бошлаганлар. Плебейлар аввало жамоа ер фондини тақсимлашда, жамоанинг умумий ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи учун кураш олиб борганлар. Бу кураш ўзгалар учун ёпик бўлган рим уруғдошлиқ ташкилотининг бузиб ташланишига олиб келган ва оқибатда давлатнинг ташкил топиши йўлини очиб берган плебейларнинг ғалабаси билан тугаган.

Шундай қилиб, қадимги Римда давлатнинг ташкил топиши хусусий мулкчиликнинг ривожланиши, мулкий ва син-

фий тафовутларнинг келиб чиқиши оқибатида ибтидоий жамоа тузуми емирилиб бориши умумий жараёнининг натижаси эди. Бу жараёнлар плебейларнинг рим жамоаси аъзолари билан тенг ҳукуқларга эга бўлиш учун олиб борган кураши натижасида тезлашган.

Плебейларнинг ғалабаси ва қадимги Римда давлатнинг ташкил топиши рекс Сервий Туллий томонидан милоддан аввалги VI асрда ўтказилган ислоҳотлар билан мустаҳкамланган.

Сервий Туллий ислоҳотлари Римнинг ижтимоий тузуми асосига мулкий ва ҳудудий тамойилларни қўйган.

Римнинг барча эркин аҳолиси - рим уруғи аъзолари ҳам, плебейлар ҳам мулкий разрядларга бўлинган. Бўлинниш асосига инсон эгаллаб турган чек ернинг миқдори қўйилган. Кейинроқ, милоддан аввалги IV асрда пулнинг пайдо бўлиши билан мулкка пул билан баҳо бериш жорий қилинган. Ислоҳотга кўра, ҳарбий хизмат қилишга мажбур бўлган ҳамма эркаклар мол-мулкига қараб беш синфга бўлинган. Мулки 100 минг мис асс. турадиган энг бадавлат кишилар 1-синфга киритилган. Улар тўла қуролланган 18 та отлик ва 80 та пиёда юзлик бериши лозим эди. Мулки 75 минг асс бўлган фуқаролар 2-синфга мансуб бўлиб, улар сал енгилроқ қуроллар билан қуролланиб, 3-, 4-, 5-синфларга кирадиган (50 минг, 25 минг ва 12,5 минг асс) фуқаролар эса енгил қуроллар билан қуролланиб, қўшинда ўзлари хизмат қиладиган бўлган. 6-синфга энг камбағал фуқаролар кириб, улар proles лар, яъни “бала-чақасидан бошқа ҳеч нимаси йўқ” кишилар (“пролетарлар”) деб аталган. Улар ҳарбий хизматтага яқинлаштирилмаган ва солик тўламаган.

Сервий Туллийнинг ана шу ислоҳоти натижасида **центуриялар мажлиси** (“центурия”- юзлик) деб аталадиган ҳалқ мажлиси вужудга келган. Бунга кўра, ҳалқ мажлисида барча фуқаролар юқоридаги синфларга тааллуқлигига қараб ҳар бир центурияда ўнтадан бўлиб, ҳудди қўшинлар сингари саф тортиб турган. Лекин 1 -синф 80 центурия, 2-синф 22, 3-синф - 20, 4 -синф -22, 5-синф -30, 6-синф эса 1 центурия ҳамда фуқаролар орасидан олинадиган отлик аскарлар - 18 центурия берар эдилар. Бир центурия - юзлик бир овозга эга бўлган. Дастреб 1-синф фуқаролардан фикр сўралган, улар (юзликлар сони ҳисобидан) 98 овозга молик бўлган, аммо қолган синфларнинг ҳаммаси 95 овозга эга бўлган. Шу тариқа жами 193 центуриядан қарор қабул қилиш учун 97 центурия овоз бериши шарт эди.

Аҳолининг энг бадавлат қисмидан иборат 1-синф юзликларида одам кўп бўлмаган, кўпинча ҳар бир юзлик 10-20

кишидан иборат бўлган. Аксинча кейинги синфларнинг ҳар бир юзлигидаги фуқаролар сони юздан анча ортиқ бўлган, 6-синфнинг 1 тагина центуриясида пролетарлар 4 минггacha етган.

Центуриялар бўйича халқ йифинининг қарори қонуний кучга эга бўлиб борган ва бу йифин куриялар бўйича халқ йифинини 2-ўринга тушириб қўйган.

Ислоҳотларнинг 2-қисми - эркин аҳолини ҳудудий белгиларига қараб бўлиш ибтидоий жамоа тузуми асосида ётувчи қон-кардошлиқ алоқаларини заифлаштириш жараёнини кучайтирган. Сервий Туллий эски трибаларга бўлинишни ташки қўринишдан сақлаб қолган бўлса-да, уларни қабилалар иттифоқидан ҳудудий бўлакларга айлантирган. Римда тўртта шаҳар ва ўн еттита қишлоқ ҳудудий округлар ташкил этилган. Уларда қабилаларнинг эскича номи - трибалар сақланиб қолган эди. Трибага унда яшовчи ва унинг оқсоқолига бўйсунувчи патрицийлар ҳам, плебейлар ҳам кирган. Триба оқсоқоли улардан солиқлар йифиб турган. Кейинчалик ҳудудий трибалар бўйича ўзларининг йифинларини - **триба комицияларини** чақира бошлаганлар. Бунда ҳар бир триба бир овозга эга бўлган. Бироқ триба комициялари анча вақтгача аҳамиятсиз бўлиб қолганлар, лекин шунга қарамай, аҳолининг трибалар бўйича бўлиниши, унда патрицийларнинг ва плебейларнинг бир хилдаги мажбуриятларга эга бўлиши Римда ижтимоий ҳокимият ҳудудий тузимлар асосида ташкил этила бошланганидан далолат беради.

Шундай қилиб, Сервий Туллий ислоҳотлари уруғдорчилик тузуми асосларининг емирилиши жараёнини ниҳоясига етказиб, уни ҳудудий бўлинишга ва мулкий тафовутларга асосланган янги ижтимоий-сиёсий тузум билан алмаштириди. Ислоҳотлар плебейларни "рим халқи" таркибиغا киритиб, уларни центурия ва триба халқ йигинларида иштирок этишларига йўл қўйиб, эркин кишиларнинг жисплашувига ёрдам берди, уларнинг қуллар устидан ҳукмронлигини тъминлади. Ташкил топган давлат ана шундай жисплашув ва ҳукмронлик шакли бўлиб қолган. Бироқ бир вақтнинг ўзида давлат ҳокимияти эркин пролетарларга ҳам қарши қаратилган эди.

Сервий Туллий ислоҳотлари давлатнинг ташкил топишидан мухим жараёнларга якун ясади, лекин уни охирига етказмади. Бу жараён уруғдорчилик тузумидан мерос бўлиб қолган ҳокимият органларининг бир шаклдан бошқасига айланана бориши, шунингдек, янги органларнинг ташкил этилиши йўли билан ривожланган. Эркин кишиларнинг ҳукм-

рон синфларда бирлашуви янада давом этди. Бу патрицийлар ва плебейлар ўртасидаги мавжуд фарқларнинг батамом тугатилишини талаб қиласарди. Сервий Туллий ислохотлари плебейларнинг халқ мажлисларида иштирок этишларига йўл қўйди, лекин уларга нисбатан сиёсий ва ижтимоий тақиқларни тўла тугатмади. Рим тарихидаги кейинги асрлар плебейларнинг ўз хукуқларини патрицийларники билан тенглаштириш учун олиб борган курашининг давом этганлиги билан характерланади.

Плебейлар ва патрицийлар ўртасидаги кураш.

Милоддан аввалги V-IV асрларда плебейлар Рим жамоасига қарашли жамоат даласидан ерлар берилишини талаб қилиб чиққанлар. Чунки бундай ерларни фақат патрицийларгина банд қилишлари мумкин эди. Аммо плебейлар бундай хукуққа эга бўлиш учун аввало сиёсий хукуқда патрицийлар билан тенг бўлиб олишлари лозим эди.

Шундай қилиб, милоддан аввалги V-IV асрларда плебейлар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан патрицийлар билан тенг хукуққа эга бўлиш учун узоққа чўзилган кураш олиб бордилар. Патрицийлар қандай фуқаролик хукуқларига эга бўлсалар, плебейлар ҳам ана шундай хукуқлар берилишини талаб қиласарди. Бу хукуқлар: магистратура (манраблар)га эга бўлиш, сенатда ўрин эгаллашдан иборат бўлган. Бундай кураш натижасида плебейлар анчагина ютуқларни кўлга киритганлар. Плебейларнинг ўз мустақил ташкилотларини тузиш хукуқи тан олинган. Милоддан аввалги 493 йилдан бошлаб улар ҳар йили ўз ўрталаридан иккита халқ трибуни сайлайдиган, сенат ва магистратнинг плебс манфаатига заар келтирадиган қарорларини трибуналар тўхтатиб қўйиш, яъни *veto* қўйиш хукуқига эга бўлганлар. Шу тариқа трибуналар плебейларни патрицийлар магистрати ва сенатининг ўзбошимчиликларидан ҳимоя қиласидан бўлган. Дастрасдан иккита трибун сайланган, сўнгра шаҳар трибаларнинг сонига қараб тўртта трибун, кейинчалик ўнта трибун сайланадиган бўлган. Халқ трибуналари плебейларнинг муҳим талаб-истакларини ёклаб чиққанлар. Милоддан аввалги 456 йилда халқ трибуни таклифи билан ерларни камбағалларга бўлиб бериш түгрисидаги қонун чиққан эди.

Айниқса, милоддан аввалги V аср ўрталарида плебейлар катта ғалабага эришганлар. Улар ўз хукуқларининг қонунларда ёзиг қўйилишига муваффақ бўлишган. Хусусан, патрицийлар билан плебейлар учун умумий бўлган, милоддан аввалги 451-450 йилларда қабул қилинган XII жадвал қо-

нунлари плебейларнинг жуда катта ютуғи бўлган. Бу қонунларда патрицийлар магистратининг одат ҳуқуқи меъёrlарини ўзбошимчалик билан шарҳлаш имкониятлари чеклаб қўйилганди. Бу қонунлар плебейлар билан патрицийларнинг фуқаролик ҳуқуқларида деярли тўла тенглаширилганигидан дарак берарди. Қонунларда “плебей” деган сўз фақат бир ерда - патрицийлар билан плебейлар ўтасидаги никоҳ тақиқланган жойдагина қўлланилган. Аммо бу тақиқ ҳам тез орада, аникроғи, милоддан аввалги 445 йилда халқ трибуни Канулей томонидан таклиф этилган қонун билан бекор қилинган.

XII жадвал қонунлари қабул қилингандан кейинги вақтларда ҳам плебейлар муҳим янги сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритганлар. Милоддан аввалги 449 йили Валерий билан Гораций консуллiği даврида қабул қилинган қонунларга мувофиқ ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир киши халқ мажлисига шикоят қилишга ҳақли эди. Халқ трибуналарнинг шахсий дахлсизлиги эътироф этилган.

Милоддан аввалги IV асрда плебейлар билан патрицийлар ўртасидаги кураш яна кескинлашиб, натижада плебейлар давлат мансабларини эгаллаш ҳуқуқини қўлга киритганлар. Милоддан аввалги 367 йилда халқ трибуналари Секстий ва Лициний томонидан тақдим этилган ва халқ мажлисида қабул қилинган қонунларга биноан, икки консул (олий мансабдор шахс)дан бири албатта плебейлардан сайланниши лозимлиги тартиби ўрнатилган. Милоддан аввалги 364-337 йилларда қабул қилинган қатор қонунларда эса плебейларга бошқа давлат мансабларини эгаллаш ҳуқуқлари ҳам берилган эди. Жумладан, улар коҳинлик лавозимини ҳам эгалларди. Шу вақтларда плебейлар билан патрицийларнинг бирлашишига кўмаклашувчи қонунлар ҳам қабул қилинган. Юкорида тилга олинган Секстий ва Лициний қонунлари патрицийлар эгалик қилиши мумкин бўлган жамоат далаларида ерга эгалик қилиш миқдорини чеклаган. Бу плебейларни бундай ерларга эгалик қилиш имкониятларини кенгайтиради. Милоддан аввалги 326 йилдаги Петелий қонунига кўра “қарз учун қарздорнинг тан-жони эмас, мол-мулки жавобгар бўлиши керак” эди. Шу тариқа XII жадвал қонунларида сақланиб қолган ва асосан плебейлар азоб чекиб келаётган қарз учун қул қилиб сотиш тартиби ушбу қонунга биноан бекор қилинган.

Милоддан аввалги 312 йилда цензор¹ Аппий Клавдий ерсиз фуқароларни шаҳар ва қишлоқ трибалари қаторига киришига ижозат берган. Бу эса пул цензини ер цензи билан тенг қилишдан иборат эди. Шаҳар плебси билан эркинликка чиқарилган қуллар, гарчи ерлари бўлмаса-да, давлатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Аммо плебейларнинг сиёсий-иқтисодий ҳуқуқлар учун кураши фақат милоддан аввалги 287 йилдагина тугаган. Шу йили қабул қилинган Гортензий қонунига биноан трибалар бўйича плебейлар мажлисларининг қарорларини фақат плебейларгагина қўлланмай, балки центурия мажлисларининг қарорлари сингари ҳамма учун мажбурий характеристидаги умумдавлат қонунлари кучига эга эканлиги мустаҳкамланди.

2. Республика даврида Римнинг ижтимоий-сиёсий тузуми

Ижтимоий тузум. Милоддан аввалги 509 йилда охирги (еттинчи) рекс Тарквиний Суперб ҳайдаб юборилгандан сўнг Римда республика тузуми ўрнатилган. Республика даврида ишлаб чиқариш жадал суратлар билан ривожланган, муҳим ижтимоий ўзгаришлар юз берган. Бу айниқса ахолининг алоҳида гуруҳлари ҳуқуқий ҳолатлардаги ўзгаришларда ўз ифодасини топган эди. Бу жараёнда Рим давлати томонидан олиб борилган муваффакиятли бөсқинчилик урушлари муҳим аҳамият касб этган. Натижада Рим давлатининг чегаралари кенгайиб, унинг ўзи дунёда энг қудратли давлатга айланган.

Римдаги асосий ижтимоий бўлиниш бу **эркин кишилар ва қуллар** бўлиб қолган эди. Римнинг эркин кишилари (квиритлар) бирлигини бирмунча вақтгача уларнинг давлатга тегишли бўлган ерларга ва қулларга жамоа мулкчилиги ушлаб турган. Бироқ вақт ўтиши билан ерга нисбатан жамоа мулкчилиги соҳта бўлиб қолган, жамоат ерлари алоҳида мулқдорларга ўтган. (Бундай жамоат ерлари милоддан аввалги 3 йилдаги агарар қонун билан хусусий мулкчилик батамом ўрнатилгунга қадар сақланиб қолган эди).

Римда эркин кишилар иккита гуруҳга: 1) қулдорларнинг мулкдор юқори табақаси (ер эгалари, савдогарлар) ва 2) жамиятда қўпчиликини ташкил этган майдада ишлаб чиқа-

¹ Цензорлар фуқароларни центурия ва трибаларга бўлган, сенаторларнинг рўйхатини тузган, кейинроқ ахлоқ тозалигини назорат қилган мансабдор шахслардир.

рұвчилар (дәхқонлар ва хунармандлар) ҳамда шаҳар камбағаллари (люмпен-пролетарлар)га ажратилған. Қуллик дастлаб патриархал қарастырылғанда бүлгани учун йирик құлдорлар билан майда ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кураш узоқ вақттача Рим республикаси тарихининг мазмунини ташкил этған. Вақт үтиши билан аста-секин қуллар билан құлдорлар ўртасидаги кураш бириңчи ўринга чиқиб борған.

Шу таріқа Римнінг барча ақолиси уларнинг эркинлик холатига қараб озод кишилар ва қулларга ажратилған. Фақат озод кишилар тұла ҳуқуқлы бўлиши мумкин эди.

Республика даврида қуллар асосий өзилувчи ва эксплуатация қилинувчи синфға айлантирилған. Қулликнинг асосий манбай ҳарбий асирға олиш эди. Масалан, Карфаген тормор этилганидан сүнг 55.000 киши құлга айлантирилғанди. Қулдорликнинг яна бир манбай құл савдоси ҳисобланиб, чет эллардан қуллар сотиб олиш кенг ривожланғанди. Қулларнинг аҳволи ниҳоятда оғир бүлгани учун уларнинг табиий қайта ишлаб чиқариши кам аҳамиятли бўлған. Шуни айтиш керакки, Петелий қонуни билан қарз учун қулга айлантириш бекор қилинған бўлса ҳам, амалда у чекланған миқдорларда бўлса-да, сақланиб қолаверған. Республика даврининг охирига келиб ўзини қулликка сотиш ҳам тарқала бошлиған.

Қуллар давлат қуллари ва хусусий әгалиқдаги қулларга бўлинған. Ҳарбий асирларнинг асосий қисми давлат қулларига айлантирилиб, конларда ва давлат устахоналарида эксплуатация қилингандар. Хусусий әгалиқдаги қулларнинг аҳволи тинимсиз ёмонлашиб борған. Агар қуллар республика тарихининг бошида, яъни патриархал қуллик даврида рим фуқаролари оиласи таркибиға кирған ва тўлиқ уй әгасига бўйсунған, баъзи диний ҳимоядан фойдаланған бўлсалар, республиканинг гуллаб-яшнаган даврида қуллар меҳнатини эксплуатация қилиш бирданига жадаллашиб кетган. Антик қулдорлик ҳудди майда эркин ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнати сингари рим иқтисодининг асоси бўлиб қолған. Айниқса йирик қулдорлик латифундиялари (заминдорларга қарашли катта ер-мулклари)даги қулларнинг аҳволи жуда оғир бўлған. Шаҳар хунармандчиллик устахоналарида ва уй хўжалигида машғул бўлған қулларнинг аҳволи бирмунча яхши бўлған. Қуллардан чиққан қобилиятли ходимларнинг, ўқитувчиларнинг, актёрларнинг, ҳайкалтарошларнинг аҳволи анча мунча яхши бўлиб, уларнинг кўплари озодлик олишга муяссар бўлғанлар ва эркинликка қўйиб юборилғанлар бўлиб қолғанлар.

Кул ишлаб чиқаришда қандай ўрин тутмасин, ўз хўжайинининг мулки ҳисобланган ва мулкининг бир қисми сифатида қарабган. Хўжайиннинг қул устидан ҳокимлиги амалда чекланмаган эди. Кул томондан ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар хўжайнинг келиб тушган. Хўжайнин қулга унинг яшashi ва меҳнат қобилиятини йўқотмаслиги учун зарур деб ҳисобланган нарсаларнигина ажратган.

Кулдорлик муносабатлари қулларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан умумий норозилигини келтириб чиқарган. Бу эса ўз навбатида қулдорларни эксплуатациянинг анча самарали шаклларини излашга мажбур этган. **Пекулий** шундай шакллардан бири бўлиб қолган. Пекулий деб хўжайнинг ўз қулларига мустақил хўжалик юритиш учун бериб қўйган мулкининг бир қисми (ер участкаси, ҳунармандчилик устахонаси ва бошқалар)га айтилган. Бунинг эвазига хўжайнин ундан келадиган даромаднинг бир қисмини олар эди. Пекулий хўжайнинг ўз мулкидан даромад олишда анча самарали фойдаланишга имкон берган ва кулини ўз меҳнати натижаларига манфаатдор қилган. Республика даврида пайдо бўлган эксплуатациянинг яна бир шакли **колонат** бўлган. Колонлар қуллар бўлмай, балки ерни ижарага (арендага) олувчилар бўлган ва ер эгаларига иктисадий қарамликка тушиб, оқибатда ерга бириктириб қўйилган. Камбағаллашган озод кишилар, эркинликка қўйиб юборилиб, қуллар колонлар бўлиб қолган. Колонларнинг шахсий мулки бўлган, улар шартномалар тузга олганлар ва никоҳга кира олганлар. Вақт ўтиши билан колонларнинг мавқеи мерос тариқасида ўтадиган бўлган. Бироқ бу даврда колонат пекулий сингари ҳали кўп тарқалмаганди.

Кул меҳнатининг самарасизлиги республика даврининг охирида қулларни оммавий эркинликка чиқарилишига олиб келган. Эркинликка чиқарилганлар ўзларининг собиқ хўжайинларига маълум даражада қарам бўлиб қолганлар. Собиқ хўжайинлар patronларга айланиб, эркинликка чиқарилганлар уларнинг фойдасига маълум моддий ва меҳнат мажбуриятларини ўташлари лозим бўлган. Агар patronларнинг болалари бўлмаса булар уларнинг мулкини мерос қилиб олганлар. Бироқ ҳали қулдорлик тузуми тараққий этаётган даврда бундай жараённинг ривожланиши ҳукмрон синфларнинг умумий манфаатларига зид эди. Шу сабабли миљоддан аввалги II асрда бундай ҳолатни чекловчи қонун қабул қилинган.

Римнинг озод аҳолиси фуқаролик ҳолатига қараб **фуқароларга ва чет элликларга (перегринларга)** бўлинган. Фақат эркин туғилган рим фуқароларгина тўла ҳукукий лаё-

қатга эга бўлиши мумкин эди. Улар билан бирга эркинликка қўйиб юборилганлар ҳам фуқароларга киритилган, лекин улар собиқ хўжайинларнинг клиентлари бўлиб қолиб, хукуқлари чекланганди.

Мулкий тафовутларнинг ривожланиши даражасига қараб рим фуқароларининг ҳолатини белгилашда бойликларнинг роли ўсиб борган. Милоддан аввалги III асрнинг охири - II асрда Римнинг озод аҳолиси янада ижтимоий табақаланиб, патрицийларнинг камбағалашган ва плебейларнинг бойиб кетган қисмидан янги имтиёзли табақа - **нобиллар** ҳамда **суворилар** табақаси вужудга келган.

Олий табақа (нобиллар)га энг таниқли патрицийлар ва бой плебейларнинг уруғлари кирган. Нобилларнинг иқтисодий базаси (асоси) йирик ер эгалари ва улкан пул маблағи бўлган. Юридик жиҳатдан нобиллар бошқа эркин фуқаролардан фарқ қиласа, аммо улар боёнлар бўлганликларидан олий мансабларни ишғол қиласа, ва сенат таркибига кирганлар. Нобиллик ўзгалар учун берк табақага айланган, унга янги кишиларнинг кириб келиши амалда мумкин бўлмаган, у ўз имтиёзларини жуда авайлаб-асраб ҳимоя қиласа. Нобилитетга тааллуқли бўлмаган кишилар фақат камдан-кам ҳоллардагина олий мансабдор шахс бўлиб қолишлари мумкин эди.

2 - табақа суворилар, яъни чавандозлар плебейлар орасидан милоддан аввалги III асрда ташкил топа бошлаган. Савдо ва ижарадорлик билан машғул бўлган Римдаги аристократларнинг намоёндалари ана шу тоифага мансуб бўлган. Суворийларга юқсан мулк цензи (1 миллион асс ёки 400 минг сестерций) белгиланган. Милоддан аввалги I асрда нобилаларнинг, суворийларнинг юқори қисми билан қўшилиб кетиши жараёни ривожланган. Суворийлар сенатга киритилганлар ва муҳим суд мансабларини эгаллаганлар. Нобиллар ва сувориларнинг алоҳида вакиллари ўртасида қариндошлик муносабатлари келиб чиқкан.

Рим давлати доирасининг кенгайиши билан эркин кишиларнинг сони Алленнин ярим ороли ва бошқа мамлакатларнинг аҳолиси ҳисобига кўпайган. Улар рим фуқароларидан ўзларининг хукуқий ҳолати бўйича фарқ қиласа. Италия аҳолиси рим жамоаси (лотинлар)га кирмай, дастлаб рим фуқароларининг ҳамма хукуқларидан фойдаланмаганлар. Улар икки гурӯҳ: **қадимги латинлар** ва **колонияларнинг латинларига** бўлинганлар. Қадимги латинларнинг мулкий хукуқлари, судда сўзлаш ва рим фуқаролари билан никоҳга кириш хукуқлари тан олинган. Лекин улар халқ йигинларида иштирок этиш хукуқидан маҳрум этилган эдилар. Италиядা

Рим томондан асос солинган колонияларнинг, шунингдек Рим билан иттифоқ ҳақида шартномалар тузган баъзи шаҳар ва вилоятларнинг аҳолиси бўлмиш **латинлар** рим фуқаролари билан никоҳга кириш ҳукуқига эга бўлмаганлар. Бошқа ҳолларда улар қадимги латинлар эга бўлган барча ҳукуқлардан фойдаланганлар. Келгусида иттифоқчилик урушлари натижасида милоддан аввалги I асрда барча латинларга рим фуқаролари ҳукуқлари берилган.

Рим фуқаролари ҳукуқига эга бўлмаган эркин кишиларнинг иккинчи тоифасини **перегринлар** ташкил этган. Бунга Рим томонидан босиб олинган ва Италиядан ташқаридағи мамлакатларнинг эркин аҳолиси, перегринларга, шунингдек, чет давлатларнинг эркин аҳолиси ҳам кирган. Пере格林лар латинлар ҳукуқларига эга бўлмаган, лекин мулкий ҳукуқий лаёқатга эга эдилар. Улар ўз ҳукуқларини ҳимоя қилишлари учун ўзларига ҳомийлар - патронлар сайлашлари лозим эди. Уларнинг патронларга қарамлик ҳолати клиентларнинг ҳолатидан кам фарқ қилган.

Оиласа фақат рим оиласарининг бошликлари - **уй ҳокимлари** тўла сиёсий ва фуқаролик ҳукуқий лаёқатидан фойдаланганлар. Бошқа оила аъзолари уй ҳокимларининг ҳокимиятия остидагилар ҳисобланганлар. Уй ҳокими "**хусусий ҳукукли**" шахс бўлган, уларнинг оила аъзолари эса "**бегона ҳукукли**" - уй ҳокими ҳукуқи остидаги шахслар деб аталганлар. Улар мулкий ҳукуқий муносабатларга киришиб, ўзлари учун мулкка эга бўлмай, балки уй ҳокими учун мулк сотиб олганлар. Бироқ хусусий ҳукуқидаги чеклашлар уларнинг ҳалқ ҳукуқидаги ҳолатига (мавқеига) таъсир этмаган. Шу билан бирга бу чеклашлар кучсизланга борган, оила аъзоларининг ўз мулкига эга бўлиш ҳукуқи тан олина бошланган.

Шахснинг ҳукуқий мавқеи у ёки бу ҳукуқий ҳолатни йўқотиш билан ўзгарган. Энг кўп ўзгаришлар эркинлик ҳолатини йўқотиш (асирликка тушиш, қулга айлантириш) натижасида содир бўлган. Бу ҳам фуқаролик, ҳам оила ҳукуқий ҳолатларини, яъни ҳукуқий лаёқатни тўла йўқотишни англатган. Фуқаролик ҳукуқий ҳолатини йўқотиш (ҳайдаб юборилиши) билан фуқаронинг ҳукуқий лаёқати ҳам йўқолган, лекин эркинлиги сақланиб қолган. Ва ниҳоят, оила мақомини йўқотиш (мас, оила бошлигининг бошқа шахс томонидан ўғил қилиб олиниши натижасида) фақат "хусусий ҳукук"нинг йўқолишига олиб келган.

Давлат тузуми. Республика даврида ҳокимиятни ташкил этиш анча содда бўлган ва баъзи вақтларда Римда давлатнинг ташкил топиши вақтидаги шароитларга тўла жавоб берган. Республика мавжудлигининг кеиниги беш асри мобайнида давлатнинг миқёси анча кенгайган. Лекин бу илгаригидек Римда жойлашган, лекин улкан худудда марказий бошқарувни амалга оширувчи давлатнинг олий органлари тизимида ўз ифодасини топмаган. Табийки, бу ҳолат бошқарув самарасини камайтирган ва вақт ўтиши билан республика тузумининг қулаши сабаблардан бири бўлиб қолган.

Афинадаги қулдорлик демократиясидан фарқ қилиб, Рим республикасида аристократик ва демократик белгилар қўшилиб кетган. Лекин, албатта, Римда ҳам қулдорларнинг таникли бой юқори қисмининг имтиёзли ҳолатини таъминловчи аристократик белгилар анча кучли бўлган. Бу олий органларнинг ваколатларида ва ўзаро муносабатларида ўз аксини топган. Бундай олий органлар халқ **мажлислари, сенат ва магистратуралар** ҳисобланган. Гарчи халқ мажлислари рим халқининг ҳокимият органи ҳисобланиб, полисга хос демократиянинг яқъол намунаси бўлса-да, асосан давлатни улар идора этишмаган. Буни нобилитетнинг ҳақиқий ҳокимият органлари - сенат ва магистратуралар амалга оширган.

Рим республикасида **халқ мажлисларининг қўйидаги-ча уч тури: центуриялар, трибалар ва куриялар комициялари (кенгашлари) мавжуд эди.**

Халқ мажлисининг асосий тури ҳисобланган центуриялар комицияси катта ўрин тутган. Дастреб у шаҳар лашкарларининг йигинидан иборат бўлган, кейинчалик патрицийларнинг ва плебейларнинг центурияларига ва мулкий дараҷаларига қараб чақириладиган мажлисларига айланган. Центуриялар мажлисларини олий мансаб эгалари чақирган. Мажлис қарорига тегишли масала магистрат томонидан қўйилган ва унинг ўзи овоз беришни идора қилган. Овоз бериш дастреб центурия ичida ўtkазилган, сўнgra маҳsus ҳисобчи "тарафдор" ёки "қарши" овоз берган центуриялар сонини ҳисоблаб чиқсан. Бутун кўпчилик маълум бўлиши билан овоз бериш тўхтатилган.

Милоддан аввалги III аср ўрталаридан бошлаб давлат чегаралари кенгайиши ва эркин кишилар сонининг ошиши билан центурия мажлислари тизимида ҳам ўзгаришлар бўлган. Ҳар бир бешта даражадаги мулкдор фуқаролар тенг центуриялар, аниқроғи етмиштадан центуриялар қўядиган

бўлганлар ва демак, етмиштадан овозга эга бўлганлар. Центурияларнинг умумий сони 373 гача етказилган.

Ўн саккизта суворилар центурияси билан биргалиқда иккита ҳарбий хунармандлар, иккита ҳарбий музикантчилар центуриялари вужудга келтирилиб, овозлар сони тенглаштирилган. Мулксиз пролетарлар сони қанча ошган бўлишига қарамай, илгаригидек битта центурияни ташкил этарди. Албатта, юқоридаги ислоҳотлар аристократлар ва бой кулдор доираларнинг фойдасига ҳал қилинмаган бўлса-да, уларнинг устунлиги барибир сақланиб қолган эди. Юқори даражадагиларнинг центуриясида кўйи даражадагиларнинг центуриясига нисбатан анча кам фуқаролар кирган бўлса ҳам: овозлар сони тенг бўлган.

Центуриялар комицияси (мажлиси)нинг ваколатига қонунлар қабул қилиш, республиканинг олий мансабдор шахслари (консуллар, преторлар, цензорлар)ни сайлаш, уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш ва ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг шикоятларини кўриб чиқиш масалаларини ҳал этиш кабилар кирган.

Халқ мажлисларининг иккинчи кўриниши трибалар комицияси (трибалар бўйича чакириладиган мажлиси) бўлган. Трибалар комицияси уларда иштирок этувчи триба аҳолиси таркибиغا қараб плебейлар ва патриций-плебейларнига бўлинган. Дастреб трибалар комицияларининг ваколати чеклаб қўйилган эди. Улар кўйи мансабдор шахсларни (квесторлар, эдиллар ва бошқаларни) сайлаганлар ҳамда жарималар ундириш ҳақидаги ҳукмлар устидан тушган шикоятларни кўрганлар. Плебейлар мажлисида бундан ташқари, плебейлик трибуни сайланган. Милоддан аввалги III асрда Гортензий маҳсус қонун чиқариб, трибалар комицияларининг қонун чиқариш ҳуқуқини тасдиқлагандан кейин уларнинг Рим сиёсий ҳаётидаги аҳамияти ўсган. Бу вақтда қишлоқ трибаларининг сони ўттиз биттагача кўпайтирилиб, триба комицияларининг сони мавжуд тўртта шаҳар триблари билан бирга ўттиз бештага етган. Лекин узоқ триблар аҳолисининг мажлисларга келиши анча қийин бўлиб, бу ҳолат бой римликларнинг бундай мажлисларда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олишларига кўмаклашарди.

Энг қадимги комиция - куриялар кенгаши уруғлик тузуми қолдиқларидан бўлиб, бунда халқ кенгашига куриялар бўйича қатнашган. Куриялар кенгаши Сервий Туллий ислоҳотларидан сўнг ўз аҳамиятини йўқотган ва кейинчалик бу кенгаши ўттиз лектор йиғилиши билан алмаштирилиб, асосан васият қилиш, ўғил қилиб олиш каби масалаларни ҳал қиласан.

Римда халқ мажлислари олий мансабдор шахсларнинг ихтиёри билан чақирилган, тарқатиб юборилган ва бошقا кунга кўчирилиши мумкин бўлган. Халқ мажлисларига айнан шу олий мансабдор шахслар раислик қилганлар ва унда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни эълон қилганлар. Овоз бериш очиқ тартибда бўлиб, фақат республика даврининг охирига келгач, яширин овоз бериш тартиби кири-тилган. Бунда мажлис иштирокчиларига овоз бериш учун маҳсус жадваллар тарқатилган. Шу нарса муҳим эдики, центуриялар комиссиясининг қонунлар қабул қилиш ва мансабдор шахсларни сайлаш ҳақидаги қарорлари республиканинг I асрода сенат тасдиғидан ўтиши керак эди. Бироқ, кейинчалик, милоддан аввалги III асрда бу қоида бекор қилинган, сенат мажлисга киритиладиган масалаларни дастлаб кўриб чиқиш ҳукуқини олган ва бу билан амалда мажлис фаолиятини йўналтириб турган.

Демак, Рим республикасининг давлат механизмида **сенат** муҳим ўрин туттган. У Рим республикасининг олий давлат органи ҳисобланган. Сенаторлар (дастлаб улар патриций уруғлари сонига қараб уч юзга бўлинган, милоддан аввалги I асрда сенаторлар сони олти юзга, кейинчалик эса тўқиз юзтага кўпайтирилган) сайланмаган. Цензорлар (фуқароларни центуриялар ва трибалар бўйича тақсимловчи маҳсус мансабдор шахслар) беш йилда бир марта таниқли ва бой оиласларнинг вакилларидан сенаторларнинг рўйхатларини тузганлар. Бу ҳақиқатда сенатни амалда кўпчилик эркин фуқаролар иродасидан мустақил қулдорларнинг юқори қатлами органига айлантирган эди. Сенатни фақат олий магистрларгина чақиришга ҳақли бўлган. Ўша магистрлар сенат мажлислида раислик қилганлар.

Расман сенат маслаҳатчи орган бўлиб, унинг қарорлари **сенатус-консультлар** деб аталган. Лекин сенатнинг ваколати жуда кенг бўлган. Сенат, юқорида айтилганидек, центурия мажлисларининг (кейинчалик плебейлар мажлисларининг ҳам) қарорларини тасдиқлаб, оқибатда қонун лойи-ҳаларини дастлаб кўриб чиқиб, рад этиб, уларнинг қонунчилик фаолиятини, халқ мажлисларининг мансабдор шахсларни сайлашини назорат қилган. Сенат дастлаб сайланганларни тасдиқлаган бўлса, кейинчалик номзодларни тасдиқлашни ўз зиммасига олган. Сенатнинг ихтиёрида давлат хазинаси бўлганлиги катта аҳамиятга эга эди. У давлат мулкини идора қилган, солиқлар жорий этган ва зарур молиявий харажатларни белгилаган. Сенат ваколатига ижти-моий хавфсизлик, ободончилик ва диний маросимлар бўйича қарорлар қабул қилиш ҳам кирган. Сенатнинг ташқи-

сиёсий ваколатлари мұхим ақамиятга эга эди. Агар урушни центурия мажлислари әйлон қылса, тинчлик шартномасини, шунингдек иттифоқ ҳақидаги шартноманы сенат тасдиқлаған. Сенат республиканинг ҳарбий ҳаётига бosh бўлган: ас-кар тўплаш муддатини, қўшиннинг таркибини, лашқарбошиларнинг ваколатини белгилаган, уруш олиб бораётган магистратнинг ишларини назорат қилиш учун ўзининг элчи-ларини юборган. Ниҳоят, сенат фавқулодда (хавфли уруш, қулларнинг кучли қўзғолони ва ҳоказо) ҳолларда диктатура ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин эди.

Магистратуралар деб Римда давлат мансабларига айтилган. Қадимги Афинадаги каби Римда ҳам магистратуралар алмаштирилишининг маълум тамойиллари пайдо бўлган. Булар: сайлаб қўйишилик, муддатлилик (муддати белгиланганлик), коллегиаллик (кенгашиб ишлаш), ҳақ тўламаслик ва жавобгарлик тамойиллари бўлган.

Ҳамма магистратлар (диктаторлардан ташқари) центуриялар ёки трибалар мажлислари томонидан бир йилга сайланган. Бу қоида диктаторларга тадбиқ қилинмаган. Уларнинг ваколат муддати олти ойдан ошиши мумкин эмасди. Бундан ташқари, армияга қўмондонлик қилувчи консулнинг ваколатлари уруш ҳаракатлари тугамаган шароитда сенат томонидан узайтирилиши мумкин эди. Афинадаги сингари барча магистратуралар коллегиал бўлган - бир мансабга бир неча кишилар сайланган. (Фақат диктатор битта тайланган). Лекин Римдаги коллегиалликнинг ўзига хос жиҳати шунда эдики, ҳар бир магистрат мустақил қарор қабул қилиш ҳукуқига эга эди. Бу қарор унинг ҳамкасби (коллегаси) томонидан бекор қилиниши мумкин бўлган. Бунга **интерцессия ҳукуки** дейилган. Магистратлар хизматлари эвазига ҳақ олмаганлар. Демак, табиийки, камбағаллар ва мулксизлар ҳеч қачон магистратураларга интилмаганлар. Ўз навбатида магистратуралар, айниқса республика даврининг охирида мұхим даромад манбаи бўлиб қолган эди. . Магистратлар (диктатор, цензор ва плебейлар трибунидан ташқари) ваколат муддати ўтгандан сўнг ўзларини сайлаган халқ мажлислари томонидан жавобгарликка тортилишлари мумкин бўлган.

Рим магистратураларининг яна бир мұхим белгиси - мансаблар иерархиясининг мавжудлигига эди. Бунга кўра, қўйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичмабосқич бўйсуниши, юқори магистрларнинг қўйи магистратлар қарорларини бекор қилиш ҳукуки бўлган.

Магистратлар ҳокимиюти олий (imperium) ва умумий (potestas) га бўлинган. **Imperium**га олий ҳарбий ҳокимият

ва сулҳ тузиш ҳуқуқи, сенат ва ҳалқ мажлиси қақириш ва уларда раислик қилиш ҳуқуқи, бўйруқлар чиқариш ва уларни бажаришга мажбур этиш ҳуқуқи, суд қилиш ва жазо тайинлаш ҳуқуқи кирган. Бу ҳокимият диктаторга, консулларга ва преторларга тегишли бўлган. **Диктатор “энг олий империум”** (*summum imperium*)га, яъни устидан шикоят қилиниши мумкин бўлмаган ўлим жазосига ҳукм қилиш ҳуқуқига эга эди. **Консулга катта империум** (*maius imperium*) - ўлим жазоси ҳақида ҳукм чиқариш ҳуқуқи тегишли бўлган. Агар бундай ҳукм Рим шаҳрида чиқарилган бўлса, унинг устидан центурия мажлисига шикоят қилиш мумкин эди, агар шаҳардан ташқарида чиқарилган бўлса, ҳукм қатъий бўлиб, шикоятга ўрин бўлмаган. **Преторда чекланган империум** (*imperium minus*) бўлган - ўлим жазосига ҳукм қилиш ҳуқуқи бўлмаган.

Potestas (умумий) ҳокимият барча магистрларга тегишли бўлган ва у фармойишлар бериш ва улар бажарилмаганлиги учун жарималар солиш ҳуқуқини ўз ичига олган.

Магистратлик одатий (оддий ва доимий) ва одатдан ташқари (фавқулодда) магистратликка бўлинган. Доимий (одатдаги) магистратураларга консуллар, преторлар, цензорлар, квесторлар, эдиллар ва бошқа мансаблар кирган.

Консуллар (Римда иккита консул сайлаб қўйилган) олий магистратлар бўлган ва бутун магистратура тизимиға бошчилик қилган. Улар ҳар йили центурия комиссияларида сайланган. Ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти консуллар қўлида эди. Айниқса консулларнинг ҳарбий ваколатлари катта бўлган. Қўшин тўплаш ва унга қўмондонлик қилиш, сулҳ тузиш ва ҳарбий ўлжаларни тасарруф қилиш ҳуқуқи консулларга тегишли эди. Фуқаролик ҳокимиятига эга бўлган консуллар сенатни, ҳалқ мажлислини чақирган, уларнинг қаороларини бажарган, мансабдорларни сайлаш ишига раҳбарлик қилган. Консуллар ҳокимияти коллегиал ҳокимият бўлган. Консуллардан бирига якка ҳокимлик бериш (қўшинларга қўмондонлик қилиш) масаласи қуръа ташлаш йўли билан ёки консулларнинг ўзаро келишиши, ё бўлмаса сенат қарори билан ҳал қилинган. **Преторлар** милоддан аввалги IV асрнинг ўртасида консулларнинг ёрдамчилари сифатида пайдо бўлганлар. Консуллар армияга қўмондонлик қилаётган вақтларида Римда бўлмаганиклари учун шаҳарни бошқариш преторларга ўтган. Преторлар суд юритиш ишларига раҳбарлик қилиб, вилоятларни бошқарганлар, сенат топшириғи билан легионларга қўмондонлик қилганлар ва умуммажбурий қарорлар қабул қилиб, ҳуқуқнинг

янги меъёрларини чиқара олганлар. Дастреб битта претор, кейин иккита сайланадиган бўлган. Улардан бири (шахар претори) рим фуқароларининг ишини, бошқаси (перегринлар претори) эса чет элликлар иштирокидаги ишларни кўрган. Аста-секин преторлар сони саккизтагача кўпайган.

Рим фуқароларининг рўйхатини тузиш, уларни мулкий аҳволига қараб трибаларава разрядлар (даражалар)га ажратиш ҳамда сенаторларнинг рўйхатини тузиш учун центурия комициялари томонидан беш йилда бир марта **иккита цензор** сайланган. Бундан ташқари, цензорларнинг ваколатига ахлоқни кузатиб туриш ва тегишилича эдиктлар чиқариш ҳам кирган. **Квесторлар** кичик магистратларга мансуб бўлиб, улар триба комицияларида сайланган. Дастреб маҳсус ваколатларга квесторлар эмас, консулларнинг ёрдамчилари эга бўлганлар. Вақт ўтиши билан улар сенат назорати остида молиявий харажатларни юрита бошлаганлар, хазиначилик вазифасини бажаришган, давлат архивини кўриқлашган, вилоят ҳокимларига ёрдамчи бўлганлар ва ҳарбий хазинага мудирлик қилганлар, шунингдек, баъзи жинонини ишлар бўйича тергов олиб борганлар. Республиканинг охирига келиб уларнинг сони йигирматага етган эди. Эдиллар ҳам (улар иккита бўлган) кичик магистратлардан бўлиб, шахарда жамоат тартибини, бозорда савдони, ободончикликини кузатганлар, шахснинг озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлашга жавоб берганлар, байрамлар ва ҳалқ томошалини ташкил этганлар.

“Йигирма олти эркаклар” коллегиялари йигирма олтида кишидан ташкил топиб, бешта коллегиядан иборат бўлган. Улар турмаларни, монеталар ишлаб чиқаришни, йўлларни тозалашни ва баъзи суд ишларини юритганлар.

Магистрлар орасида ҳар йили триба йигинларидан сайлаб қўйиладиган плебейлар трибуналари алоҳида ўрин тутган. Уларнинг *veto* хукуқи плебейларнинг тенг хукуклар учун курашининг охирги даврида катта роль ўйнаган. Ҳар бир трибун сенат ёки мансабдорнинг қарорига норозилик билдира олган ва, демак, ўзига ёқмаган ишга йўл қўймаган. Трибунлар трибаларда ҳалқ йигинларини чақиришга ҳақли бўлиб, уларда раислик қилганлар. Трибуннинг ваколати Рим ва унинг атрофи билангина чегараланган. Кейинчалик сенатнинг роли ўсиши натижасида трибуналарнинг фаоллиги пасайиб кетган. Милоддан аввалги II асрда Гай Гракх томонидан уларнинг ролини кучайтиришга уриниш амалга ошмай барбод бўлган.

Одатдан ташқари магистратлар (диктатор, триумвирлар ва децемвирлар) фақат Рим давлатига алоҳида хавф туғ-

дирувчи фавқулодда ҳолларда - оғир уруш, қулларнинг катта қўзғолони, ички тартиб-қоидаларнинг жиддий бузилиши ҳолларида ташкил этилган. **Диктатор** сенатнинг таклифи билан консулларнинг биридан тайинланган. Баъзи ҳолларда центуриялар комицияси бевосита диктатор тайинлашга ҳақли эди. Диктатор чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган, барча магистратлар унга бўйсунган. Диктатор бирдан-бир ноколлегиал магистратлик бўлган. Ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти олти ой мобайнода диктатор қўлида бўлиб, уни судга тортиш мумкин эди. Плебейлик трибунининг veto ҳуқуқи унга таъсир этмаган. Диктатор фармойишлари устидан шикоят қилиш мумкин эмас эди, чунки у ўз ҳаракатлари учун жавоб бермаган. Диктаторнинг ўз олий нишони бўлган: уни доим йигирма тўртта фахрий соқчи (ликтор) кузатиб юрган. Тўғри, республиканинг дастлабки даврида диктатура нафақат фавқулодда ҳолларда, балки маълум вазифаларни ҳал этиш учун жорий қилинган ва диктаторнинг ваколатлари ушбу вазифалар доираси билан чекланган. Унинг ваколатлари доирасидан ташқарида доимий (одатий) магистратуралар ҳаракат қилганлар. Илк республика даврида диктатурага деярли мурожаат қилинмаган.

Диктатуранинг муддати олти ойдан ошмаслиги лозим бўлса-да, республика инқирози даврида бу қоида бузилган ва ҳатто умрбод диктатура ("қонунлар чиқариш ва давлат тузиш учун Сулла диктатураси") пайдо бўлган.

Одатдан ташқари (фавқулодда) магистратлар қаторига **децемвирлар комиссиясини** ҳам киритиш мумкин. Бу комиссия плебейларнинг тенг ҳуқуқлар учун навбатдаги курашларидан бири кўтарилган даврда милоддан аввалги 450-451 йиллардаги XII жадвал қонунларини тайёрлаш учун ташкил этилган эди.

Ҳар бир магистрат ихтиёрида кўпдан-кўп **хаттотлар, ликторлар, жарчилар** ҳамда озод қилинган қуллар ва давлат қулларидан иборат **бошқа хизматчилар** бўлган.

Рим республикаси ўзига хос аристократлар республикаси бўлган. Ҳалқ **мажлисларининг жўнлиги ва бўшанглиги, магистратларнинг бепул иш қилиши, сенатнинг ниҳоятда катта таъсири** Рим республикасининг мухим ҳислатларидир. Бунинг сабаби шуки, аввало рим фуқароларининг кўпчилиги доим тарқоқ ва дурустроқ ўюшмаган зироатчилардан иборат бўлганлиги, иккинчидан, милоддан аввалги V-IV асрлардаги тарихий шароитларнинг ўзига хослиги, шунингдек, Рим республикасининг ерлари фақат урушлар туфайлигина кенгайиб борганилигидир. Узлуксиз давом этган урушлар, муттасил талончилик давлат ташки-

лотига қаттиқ таъсир кўрсатган, давлат ҳарбий характер олган. Энг эътиборли халқ мажлислари центуриялар комициялари бўлиб, дастлаб улар одатдаги аскарлар йигинидан иборат эди. Фуқаролар бундай йигинларга бутун курол-яроғларини осиб, ўн етти кунлик запас озиқ-овқат билан келишарди. Трибуналардан бошқа магистратларнинг ҳаммаси ҳарбий бошлиқлар лавозимида бўлган ва легионларга кўмандонлик қилган ёки ҳеч бўлмаса, уруш олиб боришга бевосита алоқаси бўлган бошқа бирон вазифани бажарган. Сенат ҳам ҳарбий ишларга раҳбарлик қилган.

Армия. Римнинг ҳарбий ташкилоти унинг тарихида жуда катта роль ўйнаган. Центуриялар мажлислари нинг қуролланган жангчилардан ташкил топганлигининг ўзиёқ эндиғина вужудга келган давлатда ҳарбий кучларнинг ролини қанчалик тан олинганини кўрсатиб турибди. Айни армия ёрдамида Рим ўз худудини ниҳоятда кенгайтириб, сиёсий мавқенини мустаҳкамлаб олишга эришганди. Республика нинг тақдирини ҳам кўп жиҳатдан армиянинг кўлида эди.

Дастлаб Римнинг ҳарбий ташкилоти жуда содда бўлган. Мулк цензига эга 18 ёшдан 60 ёшгача барча фуқаролар ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишга мажубр бўлганлар. (Шу билан бирга клиентлар патронларнинг ўрнига ҳарбий мажбуриятларни бажаришлари мумкин эди). Жангчилар урушларга ўз қурол-яроғлари ва озиқ-овқатлари билан келишлари лозим эди. Юқорида айтилганидек, мулкдор фуқароларнинг ҳар бир даражаси маълум миқдордаги центурияларни кўйган. Улар легионларга бирлашган. Легион деб Римда дастлаб бутун лашкарга айтилган. Армияга кумондонликни сенат консуллардан бирига топширган. Кейинроқ икки консулнинг ҳар бири ўзига легион тузиб, унга кўмандонлик қилган. Консул кўмандонликни преторга ўтказиши мумкин эди. Милоддан аввалги IV асрда консуллар қўшинлари иккитадан легионга ажратилиб, бутун армияда тўртта легион бўлган.

Аскар тўплашнинг ўзига хос тартиби мавжуд эди. Аскар тўплаш қунини халқ мажлиси белгилаган, қўшинлар таркибини эса, цензор тузиб берган рўйхат асосида консуллар белгилаган. Ҳар бир легион оғир қурол-яроғлар билан қуролланган 3000 аскар ва енгил қуролли 1200 аскардан ташкил топган. Легион таркибига отлиқ аскарлар ҳам киритилган. Улар кўпроқ оти бор бой кишилардан ташкил этилган. Легион хийла майда қўшилмалардан иборат ўттизта манипулага ажратилган, ҳар бир манипула эса олтмиш ва ўттиз

кишидан иборат. Иккита центурияга ажратилган. Легионнинг манипулаларга бўлиниши натижасида бу ихчам қўшилмалар чаққон ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлган. Легионлар тепасида ҳарбий трибуналар турган, центурияларга центурионлар қўмондонлик қилган, отлиқлар отрядларига (декурияларга) декурионлар бошчилик қилган. Агар ҳарбий ҳаракатлар бир йилдан ортиқ давом этса, консул ёки претор армияга қўмондонлик хукуқини сақлаб қолган.

Ўта ҳарбий фаоллик ҳарбий тузумнинг ўзгаришига таъсир этган. Милоддан аввалги 405 йилдан армияда кўнгиллилар пайдо бўлган, уларга маош тўлай бошлаганлар. Милоддан аввалги III асрда центурия мажлисларининг қайта тузулиши муносабати билан центуриялар сони ўсган. Уларнинг базасида йигирматагача легионлар тузилган. Бундан ташқари, иттифоқчилардан тузилган легионлар ҳам пайдо бўлган. Милоддан аввалги II асрда улар рим армиясининг 2/3 қисмини ташкил этган эди. Шу билан бирга ҳарбий мажбурият билан боғлиқ бўлган мулк цензи пасайтирилган.

Армия ўта интизомли ва яхши куролланган эди.

Римликлар пухта ўйлаб ишланилган рафбатлантириш тадбирлари ва жазо чоралари воситаси билан легионерлар орасида қаттиқ интизом ўрнатганлар. Консул жангда жасурлик қолган, хизмат кўрсатган жангчини аскарлар мажлисида мақтаб, қимматли буюмлар билан мукофотлаган. Айникса, ер участкаси энг зўр мукофот эди. Бундан ташқари айбдор жангчилар қўмондонлар томондан жазоланиши мумкин эди. Масалан, жангда куролини йўқотиб қўйган жангчини трибуналар кенгаши ҳатто ўлим жазосига ҳукм қилган. Жанг вақтида чекинган ёки қўзголон қилгани учун қўмондонлар эски "децимация" одатини қўллаганлар, яъни чек ташлаб ҳар ўн жангидан бирини қатл этганлар.

Жангчиларнинг ўз мавқеларидан ва мавжуд тартиблардан норозиликлари тобора ошиб борган. Армияда хизмат қилиш касбга айлантирилган. Армиянинг ўзи доимий ва мустақил, синфсизлашган сиёсий куч, унинг қўмондони эса ийрик сиёсий шахс бўлиб қолган эди.

Урушларнинг узоқча чўзилиши ва тез-тез бўлиб туриши армияни доимий ташкилотга айлантириди. Айнан шундай урушлар жангчиларнинг асосий қисми - дехқонлар норозилигининг ўсишига сабаб бўлган. Қолаверса, дехқонлар ўз хўжаликларини ташлаб кетишга мажбур бўлганларни вазиятни янада кескинлаштиради. Армияни қайта қуриш зарурияти пишиб етилган эди. Бу милоддан аввалги 107 йilda Марий томонидан амалга оширилган.

Марийнинг ҳарбий ислоҳоти рим фуқароларининг ҳарбий мажбуриятларини сақлаб қолиб, давлатдан курол-яроғ ва маош олуви қўнгиллилар тўплашга ижозат берган. Люмпен-пролетарлар ҳам легионларга қўнгилли кириши мумкин эди. Бундан ташқари, легионларга ҳарбий ўлжаларнинг бир қисми бериладиган бўлган, милоддан аввалги I асрдан бошлаб ветеранлар Африка, Галлия ва Италиядан (мусодара қилинган ва эркин ерлар ҳисобидан) ерлар олишлари мумкин эди. Ислоҳот армиянинг ижтимоий таркибини анча ўзгартирди, унинг катта қисми энди аҳолининг камбағал ва мулксиз қатламларидан ташкил этиладиган бўлди.

Армиянинг кучайиши ва сиёсий ҳаётда муҳим ўрин тутишининг дастлабки натижалари тезда кўрина бошлади. Милоддан аввалги 88 йилда Сулла даврида армия рим тарихида бир марта мавжуд ҳокимиyатга қарши бош кўтариб чиқкан ва уни ағдариб ташлаган. Гарчи, қадимий анъаналарга биноан, қўшинларнинг курол кўтариб юриши ва шаҳарда пайдо булиши тақиқланган бўлса-да, Рим армияси бир марта Римга кирган эди.

3. Республиканинг кулаши ва империяга ўтиши

Милоддан аввалги II-I асрларда Римда қулдорлик муносабатларининг ривожланиши натижада синфий ва ижтимоий зиддиятлар янада кескинлашди. Иқтисоддаги силжишлар, қул меҳнатини эксплуатация қилиш шакларининг кенгайиши ва ўзгариши, жадаллашиши қулдорларнинг ҳукмрон табақалари, шунингдек, улар билан кўпчилик эркин, камбағал ва мулксиз кишилар ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши билан бир вақтда содир бўлди. Муваффакиятли босқинчилик сиёсати натижасида Рим давлатининг Рейн дарёсига қадар деярли бутун Фарбий Европани ўзига бўйсундириб олганлиги унинг олдига янги мураккаб ҳарбий ва сиёсий муаммоларни келтириб чиқарди. Энди Рим давлати ишғол этган ерлар халқарини бостириб туриш, улар устидан бошқарувни ташкил этиш каби вазифаларни ҳам ҳал этиши лозим эди.

Бундай шароитларда эски сиёсий тузум вужудга келган ва кескинлашиб бораётган қарама-қаршиликларни ҳал этишга қодир эмаслиги тобора ошкор бўлиб қолганди. Рим инқироз даврига қадам қўйди. Сиртдан кўринишда рим халқи ҳокимиyати сифатида ташкил топган, республика бошқарув шакли билан ниқобланган, нобилларнинг аристократик сиёсий режими ҳисобланган, давлат тузилишининг эс-

кирган полис шакли бўлган мавжуд сиёсий муассасалар ин-қирозга учрагандек қуринарди. Уларни янги тарихий шароитларга мослаштириб, қайта қуришдан иборат бўлган объектив зарурият келиб чиққанди.

Рим милоддан аввалги V-IV асрларда Италияни босиб олар экан, аввало ерларни мусодара қилишга ҳаракат қилганди. Чунки аҳолининг ўсиб бориши ер эгаликларини янада кенгайтиришни талаб қиласарди. Бу тенденцияни милоддан аввалги II асрда шаҳарлар ролининг ошиб бориши ҳам тұхтата олмаган. Милоддан аввалги II-I асрларда урушлар ахволни анча ўзгартириб юборди. Улар босиб олинган аҳолини оммавий равишда кулга айлантирилишига ва Римда қуллар сонининг бирданига ошиб кетишига олиб келди. Қуллик “классик”, антик характер касб этганди. Қулларнинг катта қисми давлат ва йирик хусусий ер эгаликларида ўта оғир меҳнат шароитларida ва қаттиқ террористик тартиб остида эксплуатация қилингандар. Албатта, бу қулларнинг табиий норозиликларига ва, ҳатто, қатор қўзғолонларига сабаб бўлган. Айниқса, милоддан аввалги II асрда Сицилиядаги қуллар қўзғолони ҳамда милоддан аввалги 74-70 йиллардаги Спартак бошчилигидаги қўзғолон кенг қулоч ёйиб, Рим давлатини таҳликага солганди.

Қуллар қўзғолони билан бир вақтда ва ундан кейин Римда фуқаролар ҳамда иттифоқчилар урушлари аланга олган. Бу урушлар хукмрон синфлар турли гурухлари ўртасидаги ҳокимият учун курашнинг ва улар билан майдада ишлаб чиқарувчилар ҳамда люмпен-пролетарлар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг оқибати эди.

Нобилларнинг иқтисодий ва сиёсий зўравонликлари милоддан аввалги II асрда ака-ука Тибериј ва Гай Гракхлар бошчилигидаги мулксизлар оммасининг кенг норозилик ҳаракатларини келтириб чиқарган. Гракхлар йирик ер эгалиги айrim кишилар қўлида тўпланишини чеклашга ва бу билан майдада ер эгаларига ер ажратиб бериш учун ер фонди ташкил этишга, шунингдек задагонларнинг таянчи бўлган сенатни кучсизлантиришга ва ҳалқ мажлиси ҳамда ҳарбий трибууннинг илгариги аҳамиятини қайта тиклашга ҳаракат қилгандар.

Тибериј Гракх милоддан аввалги 133 йилда ҳалқ трибуни лавозимига сайланиб, ҳалқ ҳаракатига таёнган ҳолда, сенат қаршилигига қарамай, ўша йилиёқ ҳалқ мажлисида ўзининг **Аграр қонуни** лойиҳасини тасдиқлатишга эришганди. Қонун давлатдан олинадиган ерларнинг максимал миқдорини чеклаган. Катта ер эгаларидан ортиқча ерлар тортиб олиниб, давлат ер фонди ташкил этилган ва бундан

камбағал ва ерсиз дәхқонларга ер участкалари бўлиб берилганди. Бундай ерлар кўчмас мулк ҳисобланиб, уларни сотиш, ижарага бериш ва тасарруф этиш мумкин бўлмаган, улардан фақат ворислик тартибида фойдаланишга рухсат этилган. Бунда, албатта, дәхқонлар ерга эгасизлигининг олдини олиш мақсади кўзда тутилган эди. Тиберий Гракх мухолифлари томонидан ўша йилнинг ўзидаёқ ўлдирилган, лекин шунга қарамай, унинг ер ислоҳотлари амалга оша бошлаган ва ўн минглаб фуқаро ерларни бўлиб олганди.

Тиберийнинг ислоҳотчилик фаолияти унинг трибун бўлиб сайланган укаси Гай Гракх томонидан давом эттирилган. **Гай Гракх задагонларнинг сиёсий нуфузини заифлаштирувчи қонунлар** чиқартирган. Хусусан, халқ мажлисида магистратларни яширин овоз билан сайлаш тўғрисида қонун жорий қилинганди. Бундан ташқари, халқ мажлиси бирон кишини халқ трибуни вазифасига қаторасига икки йил ва ундан кўпроқقا қайта сайланиши мумкинлиги ҳақида қарор чиқарган. Гай ўз акасининг аграр ислоҳотларини амалга ошириш билан бирга ерсиз фуқароларни ер билан таъминлаш мақсадида милоддан аввалги 123-122 йилларда провинцияларда рим фуқароларининг колонияларини тузиш ва камбағалларга давлат омборларидан жуда арzon баҳо билан дон сотиш тўғрисида қонунлар чиқартирган. Кейинги қонун сенатнинг муҳим ҳукуқи - давлат харажатларига хўжайнлик қилиш ҳукуқини чеклаган. Масалан, дон сотиш учун маблағ ажратиш ҳукуқи ҳам халқ мажлисида ўтиб, унинг роли анча ошган.

Гай ҳарбий ислоҳот ҳам ўтказган. Рим фуқаролари учун мажбурий бўлган ҳарбий юришлар сони чекланган, 46 ёшга тўлган фуқаролар учун ҳарбий мажбурият бекор қилинган, аскарлар давлатдан маош ва қурол-яроғ оладиган бўлгандар, халқ мажлисида ўлимга маҳкум этиш ҳақидаги ҳукмдан шикоят қилишлари мумкин бўлган.

Гай Гракх суворийларнинг мададига эга бўлмоқ учун халқ мажлиси (триба комициялари) орқали вилоятлардаги ноибларнинг суиистеъмолликларни текширадиган суд аъзоларини тайинлаш ҳукуқини сенатдан олиб, суворийларга бериш тўғрисида қонун чиқартирган. Шу билан бирга провинцияларда солиқ тўплаш тартиби суворийлар фойдасига ўзгартирилган. Масалан, собиқ Пергам подшолигида солиқ тўплаш ҳукуқи публиканларга берилган.

Нихоят, Гай Гракх трибун бўлгани сабабли бу магистратуранинг роли ўсган ва ҳатто консулларни иккинчи ўринга тушириб қўйган.

Бирок, Гай Грақхга кўпчилик рим фуқаролари манфаатларини қондирғанлиги учун шухрат келтирган бўлса, Италиянинг эркин аҳолисига Рим фуқаролик ҳуқуқи бериш тўғрисидаги қонун лойиҳаси унга жуда катта заар келтирганди. Гайнинг душманлари бу қонун рим фуқароларининг сонини оширади, натижада Рим камбағалларининг текинга дон олиши мумкин бўлмай қолади, деб тарғиб қилишган. Оқибатда Гай ўз қонуни лойиҳасини қайтариб олишга мажбур бўлган ва обрўси тушиб кетган. Бу ҳол милоддан аввалги 121 йилда ҳалқ трибуналарини сайлаш арафасида унинг таъсирига птур етказди. Бунда Гай кўп овоз олган бўлса ҳам ҳалқ трибуни лавозимига эга бўлолмаган, ўша йўли ўз буйруғи билан ўз қули томонидан ўлдирилган.

Италиянинг эркин аҳолисига Рим фуқаролари ҳуқуқи берилиши ҳақидаги қонун лойиҳасининг барбод бўлиши иттифоқчиларнинг ниҳоятда қаттиқ норозилигини келтириб чиқарган. Бу милоддан аввалги I асрнинг 90-йилларидағи иттифоқчилар урушларига сабаб бўлган. Урушлар Римдаги қулларнинг оммавий қўзғолонлари ва провинциялардаги ўн йилларга чўзилиб кетган босқинчилик урушлари шароитларида Римнинг аҳволини янада мураккаблаштирган.

Милоддан аввалги 91-88 йиллардаги иттифоқчилар урushi натижасида иттифоқчиларнинг мағлубиятга учрашига қарамай, уларнинг кўпчилиги Рим фуқароси ҳуқуқини олганлар. Лекин бу Римдаги сиёсий тангликни (кескинликни) юмшатмади - эркин фуқаролар ичida вужудга келган ва сенатта таянувчи оптиматлар билан сенат олигархиясига қарши курашувчи популярлар ўртасидаги зиддиятлар кескинлашган. Оптиматлар ҳам, популярлар ҳам сотиб олинган люмпенлардан фойдаланганлар. Улар ўртасидаги кураш милоддан аввалги I асрдаги Фуқаролар урушига олиб келган.

Римдаги қуллар қўзғолонлари, майда ер эгаларининг норозилклари, иттифоқчилар ва фуқаролар урушлари сиёсий вазиятни жуда ҳам кескинлаштириб, буларнинг ҳаммаси марказий давлат ҳокимиятини кучайтиришни талаб қилган. Мураккаблашиб кетган вазиятни бартараф этишга эски сиёсий муассасаларнинг қодир эмаслиги борган сари ошкор бўлиб қолган. Бу муассасаларни янги тарихий шароитларга мослаштиришга ҳаракат қилинган. Бундай ҳаракатлардан энг муҳими Сулла диктатураси даврида (милоддан аввалги 82-79 йилларда) қилинган эди. Сулла ўзига содик легионларга таяниб, сенат томонидан ўзини номаълум муддатга диктатор этиб тайинланишига эришган. Сулла ҳокимият тепасига келгач, ўз душманларининг рўйхатларини -

"проскрипциялар"ни туздирган. Проскрипцияларда номлари ёзилган фуқаролар ўлим жазосига ҳукм қилиниб, молмулклари мусодора қилинган ва қуллари озод этилган. Ўша рўйхатда кўрсатилган фуқароларни ўлдирган кишига унинг мулкидан бир қисми мукофот қилиб берилган.

Сулла оптиратларнинг тўла ҳукмронлигини таъминлаш мақсадида Рим давлат тузумини бутунлай қайтадан ташкил этган. Сенаторлар сонини ўз армиясининг лашкарбошлиари ҳисобига қўпайтириб, олти юзтага етказган, сенатнинг ваколатларини кенгайтирган. Трибун ҳокимияти чекланган, унинг таклифлари дастлаб сенат томонидан муҳокама қилиниши лозим бўлган. Халқ мажлисининг ҳукуқлари қаттиқ чегаралаб қўйилган. Сенат қабулидан ўтган қонунларнигина халқ мажлиси қабул қила олган. Халқ мажлисининг сўз ваколатлари ва молияни назорат қилиш вазифалари сенатга қайтадан олиб берилган.

Умрбод диктатуранинг ўрнатилиши нобиллар ва суворийлар юқори табақасининг кучли якка ҳокимликни ўрнатиш йўли билан инқизорздан чиқишига уринишларини намоийиш қилган. Бу шу билан бирга эски давлат шаклини янги тарихий шароитларга мослаштиришга уриниш муваффақиятсизликка учраганлигини ҳам кўрсатди.

Сулла ва муҳлисларининг ҳукмронлиги республика тузумига қакшаткич зарба берди. Расман республика сақланиб қолган бўлса-да, Сулланинг диктаторлик ваколати уни Рим давлатининг якка ҳокими қилиб қўйди. У барпо этган давлат тузуми Римдаги барча нобилларнинг ҳукмронлигини эмас, балки унинг озгина қисмининг ҳукмронлигини таъминлаган, яъни сиёсий олигархияни вужудга келтирган. Сулла ва муҳлисларининг ҳукмронлиги қонуний таррақиёт ёки қонун чиқарувчи органлар қабул қилган қарор натижаси эмас, балки профессионал ҳарбийлар ёрдамида қўпол равишда зўравонлик билан босиб олиш натижаси бўлган эди. Сулла ислоҳотлари Помпей ва Красс томонидан бекор қилинган.

Милоддан аввалги 91-88 йиллардаги иттифоқчилар урушидан сўнг Италия аҳолиси рим фуқаролари ҳукуқини олган. Агар урушга қадар бу ҳукуқлардан 400.000 га яқин киши фойдаланган бўлса, энди уларнинг сони 2 миллионгача етган. Иттифоқчиларни Рим трибуналарига киритилиши шунга олиб келганки, комициялар рим халқи органлари бўлмай қолган. Комицияларнинг қонун чиқариш фаолияти тўхтатиб қўйилган, мансабдор шахсларни сайлаш ҳукуки йўқолган. Муваффақиятли босқинчиллик урушлари Римни кичик шаҳар-давлатдан эски полис давлат шакли билан бошқариш-

га мутлақо мослашмаган йирик давлатнинг пойтахтига айлантирган.

Умрбод диктатуранинг ўрнатилиши ва фуқаролик урушлари шуни кўрсатдики, профессионал ёлланма армия мухим сиёсий кураш қуролига айланган. Кўмондоннинг ютукларидан манфаатдор бўлган армия унга шуҳратпастлигидан иборат сиёсий мақсадларга эришишда унинг қўлидаги куролга айланган ва диктатура ўрнатилишига ёрдам берган.

Ўткир сиёсий инқироздан чиқиш зарурияти, эски давлат шаклининг янги тарихий шароитларга мослашмаганинига ёлланма армияга ўтиш Римда полис-республика тузуми куллашининг ва ҳарбий диктатура тартиби ўрнатилишининг асосий сабаблари бўлган эди.

Сулла диктатурасидан кейин орадан қисқа вақт ўтгач, ҳокимиятни 1-триумвират (Помпей, Красс, Цезарь) эгаллаб олган. Ундан сўнг Ю.Цезарь диктатураси ўрнатилиб, у милоддан аввалги 45 йилда император унвонини олган. Кейинчалик, "давлатни тартибга солмоқ учун" чекланмаган ваколатларга эга бўлган 2-триумвират (Антоний, Лепид, Октавиан) ташкил этилган. Триумвират қулаганидан ва Антоний устидан қозонилган фалабадан сўнг Октавиан император деган унвонни ва умрбод халқ трибуни хукуқини қўлга киритган. **Милоддан аввалги 27 йил 13-январдаги сенат кенгashiда Октавиан сенатнинг принципси, ягона проконсул, легионларнинг кўмондони деб эълон қилинган.** Унга авваллари худога қилинган мурожаатларда тилга олинган Август лақаби берилган. **Шу тарика милоддан аввалги 27 йилда Рим давлати тарихида янги босқич - империя даврининг бошланиши вужудга келган.**

4. Рим империяси

Ижтимоий Ҳарбий-диктаторлик тартибининг ўрнатилишузум. Римдаги вазиятни анча барқарорлаштируди, ўткир сиёсий инқирозни бартараф этишига имкон яратди. Қулдорлик тузуми ўзининг ривожланишидаги энг юқори чўққига чиқди. Республиkaning сўнгги асрларда юз берган ижтимоий ўзгаришлар мустаҳкамланди, янги синфий ва ижтимоий қарама-қаршиликлар вужудга келди.

Рим давлати чегараларининг кенгайиши билан эркин аҳолининг сони, жумладан, рим фуқароларининг сони ҳам ўсди (юқорида айтилганидек, республика даврида Италия аҳолисига фуқаролик ҳуқуқлари берилган эди). Бу жараён империяга ўтиш билан ҳам давом этган: фуқаролик ҳуқуқ-

лари аввало Рим томонидан босиб олинган мамлакатлар - провинцияларнинг италий бўлмаган ахолисига ҳам берилган. Ниҳоят, милоднинг 212 йилида Рим империясидаги барча эркин ахолига Рим фуқаролик ҳуқуқларини инъом этиш тўғрисидаги император Каракелланинг эдикти чиқарилган.

Шулар билан бирга эркин кишиларнинг ижтимоий ва табақавий даражаланиши (фарқланиши) ривожланган. Кулдорлик тузумининг ривожланиши ва давлат чегараларининг кенгайиши билан қулдорлар синфи анча ўсида ва мустаҳкамланди. Ундаги табақавий бўлиниш батамом расмийлаштирилди. Фуқаролар уруши даврида сийраклашиб қолган нобилларнинг ва суворийларнинг сафлари Италияning ва провинцияларнинг йирик қулдорлари, провинциал задагонлар, шунингдек давлат чиновниклари билан тўлдирилган. Нобилитет 1 миллион сестерций мулк цензли сенаторлик табақасига айлантирилган. Сенаторлар давлат аппаратида ва армияда юқори лавозимларни эгаллаб, император ҳокимиятининг мустаҳкам таянчи бўлиб қолганлар. Суворийлар табақаси 400 мингдан 1 миллионгacha сестерций мулк цензига эга бўлган хизматчи табақага айланган ва Римдаги, провинциялардаги император маъмуриятига кадрлар, армияга эса қўмондонлар етказиб турган. Табақа сифатида расмийлашмаган, лекин маҳаллий бошқарувда нуфузли роль йўновчи провинциал задагонлар сон жиҳатдан анча кўп бўлган. Унга римлик ва римлик бўлмаган ҳунармандчилик устахоналарининг эгалари, кема эгалари ва савдогарлар келиб қўшилган.

Кулларнинг аҳволида ҳам ўзгаришлар юз берган. Кул меҳнати ишлаб чиқариш асоси сифатида янги қуллар кучларининг доимо оқиб келишини талаб қилган. Бироқ муваффақиятли босқинчилик урушлари даври ўтиб кетган ва илгари кулчиликнинг асосий манбай бўлмиш ҳарбий асирлик тугаб борган. Кулларнинг аҳволи бирмунча (албатта, вақтинча) яхшиланган. Куллар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш, уларни сабабсиз ўлдириш тақиқланган, оиласий муносабатлари кўллаб-кувватланган. Бу тадбирлар синфий зиддиятларни юмшатиш мақсадларини кўзлаган. Империянинг дастлабки даврида йирик қуллар қўзғолонлари бўлмаганлиги ҳам тасадифий эмас эди. Лекин шу билан бирга қуллар қаршилигини бостириш давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолаверган. Шунинг учун ҳам милоднинг 10 йилида сенатнинг қарори билан хўжайнин ўлдирганлик учун шу вақтда унинг уйида бўлган барча қуллар ўлимга маҳкум қилинадиган бўлган.

Республика даврида ёк вужудга келган эксплуатациянинг шакллари ҳам ривожланган - пекулий ва колонат кенг тарқалган.

Империя даврида шаҳар ва қишлоқлардаги эркин майда ишлаб чиқарувчиларнинг кенг қатлами ҳам сақланиб қолган, ер участкалари олган ветеран жангчилардан иборат дехқонлар сони ўсган. Бироқ аҳолининг бу табақалари аҳволи доимо ўзгариб турган, натижада II-III асрларда ўзини қулликка сотиш ва айниқса колонат кенг тарқалган. Колон ҳам вақт ўтиши билан худди эркин дехқон ва қул сингари кўзга ташланадиган қиёфа бўлиб қолган. Колонлар сағини вақт ўтиши билан нафақат эркин кишилар ва эркинликка чиқарилганлар, балки Рим давлатининг чегара вилоятларида жойлашган “варварлар” ҳам тўлдириб турган. Маълум муддатга (5 йилга) тузиладиган ижара шартномасидан келиб чиқадиган колонат қарздан қочиб қутила олмаган колонлар учун умрбод бўлиб қолган, кейин эса мерос бўлиб ўтган. Колонлар ер эгаларига қарам кишиларга айланиб, абадул-абад ерга бириктириб қўйилганлар ва озод бўлиш имкониятидан маҳрум бўлганлар.

Шаҳарларда ҳам худди шундай жараён кузатилган, хунармандлар ўз касбларига боғланиб, хунармандчилик жамоаларига киритилган.

Давлат Империя давридаги ижтимоий-иқтисодий ўзгатузуми. ришлилар асосан республика даврида пайдо бўлган жараёнларнинг оқибати бўлиб, Римнинг сиёсий тузулиши характерини белгилаган. Империянинг I асрларида эскирган республика муассасалари сақланиб қолган. Бунда деярли ярим минг йил давомида ўрнатилган анъянавий республика тушунчалари (тасаввурлари) катта ўрин тутган. Уларни бирданига йўқотишнинг иложи бўлмаган. Империя дастлаб давлат бошлигининг ҳақиқий ҳокимиятини ниқоблаган, яъни, гўёки республика либоси билан ниқобланган. Давлатнинг империя деб номланиши ҳам шартли бўлган. “Император” унвони узоқ вақтгача фаҳрий ҳарбий унвон бўлиб қолган ва фақат вақт ўтиши билан давлат бошлиги император деб атала бошланган. Ҳар қалай III аср ўрталаригача императорлар ўз унвонларини худди фаҳрий ҳарбий унвон сифатида бир неча марта олганлар. (Масалан, Октавиан - 21 марта, Гордиан III эса ўзининг олти йил ҳукмронлиги даврида олти марта олган эди). Лекин бундан кейин ҳам улар бир неча марта трибун ва консул ҳокимиятини олган эдилар.

Император ҳокимиияти аста-секин кучайиб борган. Уни республика муассасалари билан никоблаш зарурияти ва вақти-вақти билан император ва сенат ўртасида вужудга келадиган зиддиятларда номоён бўлувчи республика анъаналарининг таъсири ўтмишда қолиб кетган. II аср охирида сенат бошқарувдан батамом четлатилган. Бошқарув император бошчилигидаги чиновниклик-бюрократик ва ҳарбий аппаратларга ўтган. III аср охирида монархия соф ҳолда жорий қилинган.

Империя даврини 2 босқичга бўлиш қабул қилинган:

1) **Принципат даври.** Милоддан аввалги I аср - милоднинг III асли. Бу **принцепс-сенатус** - биринчи сенатор деган сўздан олинган. Бу унвонни сенатдан 1 бўлиб сенаторлар рўйхатида 1-ўринга қўйилган империя асосчиси Октавиан Август олган эди ва у сенатнинг қарорларини олдиндан белгилаш имконига эга бўлиб, 1-судга чиқиш ҳуқуқига эга эди.

2) **Доминат (III-V асрлар) “доминус” -“хўжайин”,** ҳукмдор сўзидан олиниб, бу императорнинг мутлақ ҳокимиияти батамом тан олинганлигини англатарди.

Принципат. Давлатни бошқаришни принцепсга ўтиши унга *imperium* олий ҳокимииятининг инъом қилиниши туфайли юз берган. *Imperium* олий ҳокимиияти энг асосий мансабдор шахсларни тайинлаш, магистратуралардан алоҳида чиновниклик аппаратини ташкил этиш ва бутун армияга қўмондонлик қилишни принцепсга ўтганлигини англатар эди.

Октавиан *imperium* ҳокимиятига эга бўлиб, бутун армияга қўмондонликни, уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш ва халқаро шартномалар имзолаш, щахсий гвардия (преторийлардан тузилган когорталар) саклаш ҳуқуқини, олий жиноий ва фуқаролик суд қилиш ҳуқуқини, қонунларни шархлаш ҳуқуқини олган. Принцепснинг қарорлари қонун кучига эга бўлган ҳужжат сифатида кўрила бошланган. Принципатнинг охирiga келиб “принцепс нима қарор қилса, ўша қонун кучига эга” деган қоида ҳамма томондан тан олинган.

Принцепслар республика анъаналарига зид равишда бир вақтда консуллар, цензорлар ва халқ трибуналари этиб сайланганлар. Масалан, Октавиан ўн уч марта консул, уч марта цензор ва ўттиз етти марта халқ трибуни этиб сайлаган. Принцепс консул сифатида интерцессия ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳар қандай магистрат қарорини бекор қила олган, цензор сифатида сенатни ўз тарафдорларидан таза олган, трибун сифатида сенат ёки магистрат қарорига ве-

то қүя олган. Бундан ташқари, Октавиан диний ибодатларни бажарилишини юритувчи олий кохин-понтифик унвонини олган.

Дастлабки вақтларда принцепс ҳокимияти мерос тарикасида ўтадиган бўлмаган. Юридик жиҳатдан у ҳокимиятни сенат ва рим халқи қарори билан олган, лекин сенат сайлайдиган ўз ворисини (одатда ўғлини ёки ўғил қилиб олинганини) курсата олган. Шу билан бирга армия ёрдамида амалга оширилган сарой тўнтаришлари натижасида принцепсларни афдариб ташлаш ва янгиларини тайинлаш ҳоллари ҳам тез-тез бўлиб турган. Октавиан ворислари ҳам дастлаб, гарчи баъзан сенатнинг оппозициясини бартараф этишларига тўғри келса-да, худди ўшандай ваколатлардан фойдалана бошлаганлар ҳамда аста-секин принцепс ҳокимиятини кучайтириб борганлар.

Сенат ваколатларй жуда ўзгарган. Мадомики халқ мажлисларидан фақат триба комициялари сақланиб қолган, бунинг устига улар камдан-кам чақирилиб турган экан, I асрдан бошлаб сенат қарорлари - сенатус - консультлар қонуний кучга эга бўлган. Лекин принцепснинг сенаторларни сайлаш ҳукуқи ва принцепслар томонидан сенатда вақти-вақти билан "тозалаш" ўtkазиб турилиши шунга олиб келдики, II асрдан бошлаб сенат амалда фақат принцепснинг қарорини тасдиқлаган холос. Илгари халқ мажлисидан сенатга ўтган магистрларни сайлаш ва назорат қилиш ҳукуқи ҳам принцепсга ўтиб борган. Магистратларнинг бир қисми фақат принцепс таклиф қилган номзодлардан сайланадиган бўлган. Сенатнинг давлат маблағларини тасарруф этиш ва провинцияларни идора қилиш бўйича ҳукуқлари чекланган. Уларнинг ҳарбий ва ташқи сиёsat соҳасидаги ваколатлари тўла йўқотилган.

Республика магистратуралари билан бир вақтда императорнинг чиновниклик аппарати ташкил этилган. Унинг тепасида **принцепс кенгаши** ва девонхонаси турган. Девонхонага доимий чиновникларга эга бир қанча идоралар кирган. Кенгашга префектлар, императорнинг "дўстлари", девонхона идораларининг бошлиқлари, молия, арз-шикоятнома, расмий ёзишмалар, императорнинг шахсий мулки, император суди ва бошқа идоралар кирган. Маслаҳат бериш вазифаларини бажарувчи кенгаш аъзолари ва девонхона идораларининг бошлиқлари принцепснинг ўзи томондан унинг яқинлари ичидан тайинланган. Чиновниклик лавозимини императорнинг эркинликка қўйиб юборган одамлар ва хатто қуллари ҳам ола бошлаган. Сенатор ва суворийлардан (чавандозлардан) тайинланадиган олий чинов-

никларга: императорлик гвардиясига қўмондонлик қилувчи претория префекти; полиция когорталарини идора қилувчи Рим шаҳар префекти; Миср префекти; озиқ-овқат билан таъминлашга жавоб берувчи префект ва бошқалар кирган.

Маҳаллий Рим давлатининг таркибий қисми бўлиб қол-**бошқарув**. ган провинцияларни бошқариш қайта таш-
кил этилган. Улар император ва сенатга тегишли провинцияларга ажратилган. Императорга тегишли провинциялар принципси тайинлаган **легатлар** томондан идора этилган. Легатлар ўз кенгashi ва девонхонасига эга бўлиб, тегишли провинцияларда ҳарбий ва фуқаролик ҳо-
кимиятини амалга оширганлар. Сенатга тегишли провин-
цияларни сенат томонидан тайинланадиган проконсуллар ва сенаторлардан куръа ташлаш йўли билан сайланувчи ва сенат ҳамда принципсга - (икки томонлама) бўйсунувчи **пропреторлар** идора қилган.

Ташкил этилган чиновниклик аппарати изчил (мукаммал) тизимга эга бўлмаган ва айниқса империянинг I асрларида нисбатан кам сонли бўлган. Лекин республика давлат аппаратига нисбатан ўсиб борувчи давлатни анча самарали идора этишни таъминлаган.

Провинцияларни императорлик ва сенатлик провинция-
ларига бўлиш яна бир муҳим натижа берган. Сенатлик про-
винцияларидан келадиган даромадлар сенат томонидан бошқариладиган давлат хазинасига келиб тушган. Импе-
раторлик провинцияларидан келадиган даромадлар эса прин-
ципси хазинаси **-фискка** келиб тушган. Сенатга анча кам провинциялар тегишли бўлиб, булар аллақачон босиб олинган, талаб бўлинган Рим провинциялари эди. Сенат хазинаси доимо танқис ва гоҳида бўм-бўш бўлар эди. Импе-
раторлик провинциялари нисбатан яқинда босиб олинган ва уларни талаш энгина бошланган бўлиб, булар прин-
ципсга жуда катта даромад келтирарди. Сенат баъзан принципсдан қарзга пул олишга мажбур бўларди.

Аста-секин принципси ҳокимияти сенатлик провинцияла-
рига ҳам ёйилган ва III асрга келиб, бу провинцияларнинг баражаси императорники бўлиб қолган.

Армия. Армияга қўмондонлик ҳуқуқи ва уни нафақат давлат ҳисобидан, балки ўз хазинасидан ушлаб туриш (боқиш) имконияти армияни принципсларга шахсий ва давлат ҳокимиятининг қудратли таянчига айлантириш-
ларига имкон тутдирган. Бундан ташқари армия таъсирли сиёсий кучга айланиб, унга баъзан принципснинг тақдири

хам боғлиқ бўлиб қолган. Агар республика даврида сиёсий ҳокимият ва ҳарбий кучлар бирлиги ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг центуриялар мажлиси ва армияни бошқарадиган сенат томонидан мужассамлантирилган бўлса, эндиликда бу бирлик принцепс томонидан мужассамлантирилганди. Римда бошқарувнинг ягона ҳарбий-бюрократик ташкилоти вужудга келди.

Профессионал армияга ўтгандан сўнг армия корпоротив (ўз манфаатлари билан чекланган) ташкилотга айланган. Октавиан уни уч қисмга бўлиб, қайтадан ташкил этган. У Италияда ўз ҳукмронлигини саклаш ва шахсий муҳофаза учун преторийлар гвардияларини тузган. Преторийлардан тузилган ушбу гвардия тўққизта когортадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида уч юзтадан отлиқ ва етти юзтадан пиёда жангчилар бўлган. Когорталардан учтаси Римда, бошқалари шимолий Италиянинг шаҳарларига жойлаштирилган. Преторийлар когортаси имтиёзли мавқега эга бўлиб, жангчиларининг маошлари легионерларникуига нисбатан 3,5 баравар ортиқ эди. Преторийлар 16 йил хизмат қилган. Преторийлар когортасига фақат Италияда туғилиб ўсган кишиларгина олинган. Аслида император гвардиясини ташкил этган преторийлар корпусига иккита префект-преторий бошчилик қилган, кейинчалик улар императорларнинг энг яқин ишончли кишиларига айланган. Преторийлар истеъфога чиққандан кейин катта мол-мулкларга эга бўлганлар ва ҳукмрон синфнинг сафларини тўлдиргандар. Армиянинг асосий қисмини рим провинцияси фуқароларидан тўпланадиган легионлар ташкил этган. Яхши уюштирилган, техника жихатидан ўз замонасининг ҳарбий санъат талабларига тўла мувофиқ қуроллантирилган легионлар гуруҳ-гуруҳ қилиб ҳарбий ва иктисадий жихатдан энг муҳим вилоятларга жойлаштирилган эди. Легионларнинг кўмондонлари - легатлар ва катта кўмондонлар - ҳарбий трибуналар император томонидан тайинланган. Легионларнинг хизмат муддати 20 йил эди. Октавиан (Август) даврида уларнинг сони 300 минг кишига етган. Жангчилар хизмат давомида йиллик маош олганлар, бўшагандан кейин уларга махсус тортиқ (донатива) ва чек ер бўлиб берилган. Ҳарбий хизматдан бўшаган катта ёшдаги жангчилар ветеран деган ном олган. Ветеран-жангчилар Рим империясининг турли қисмларида ўзларининг алоҳида мавзеларини ташкил этиб, Рим ҳукмронлигининг таянчи бўлганлар. Махаллий магистратлар кўпинча ана шундай ветеранлардан сайланган. Шундай қилиб, легионерлар истеъфога чиққанларидан сўнг унча катта бўлмаган кулдорлик хўжалигини

юритиш ва провинциал зодагонлар сафига қўшилиб кетиш имконига эга бўлганлар. Армиянинг З-қисмини рим фуқаролари ҳуқуқига эга бўлмаган провинциялар аҳолисидан олинадиган ёрдамчи отрядлар ташкил этган. Улардаги жангчиларнинг сони 200 минг кишига етган. Бу жангчилар - **алларнинг** хизмат муддати 25 йил қилиб белгиланиб, маошлари легионерларнидан уч баравар кам эди; ёрдамчи қўшинларда интизом жуда қаттиқ ва шафқатсиз бўлган бўлса-да, унда жангчилар рим фуқаролиги ҳуқуқини олиш, камбағаллар эса маълум мол-мулклар жамғариш имкониятларига эга эдилар. Юқорида айтилганидек, Каракалла эдикти билан империянинг барча озод аҳолисига рим фуқаролиги берилгандан сўнг легионерлар билан аллар ўртасидаги ижтимоий фарқ йўқолган, армиянинг корпоратив (ўз манфаатлари билангина чекланиш) кайфияти ошган, унинг сиёсий роли янада кучайган. Октавиан ташкил қилган доимий Рим армияси қарийб тўрт юз йилгача яшаган. Бу тарихда энг 1-мунтазам армия бўлиб, Рим империясининг ҳокимлари ички ва ташки сиёsatларида айни шу армияга таяниб иш кўрганлар.

Доминат. Перинципат давридаёқ Римда қулдорлик тузуми тушкунликка учрай бошлаган, II-III асрларда эса унинг инқирози пишиб етилган. Эркин кишиларни ижтимоий ва табақавий қатламларга ажралиши чукурлашган, йирик ер эгаларининг нуфузи кучайган, колонлар меҳнатининг аҳамияти ўсган ва кул меҳнатининг роли пасайган, муниципал тузум таназзулга юз тутган, полис идеологияси йўқолган, анъанавий рим худоларига ибодат қилиш ўрнига христианлик келган. Эксплуатация ва қарамликнинг (колонат) қулдорлик ва ярим қулдорлик шаклларига асосланган иқтисодий тизим нафақат ривожланишдан тўхтаган, балки тобора орқага қараб кета бошлаган. III асрга келиб принципатнинг бошланғич даврига деярли маълум бўлмаган қуллар қўзголонлари тез-тез ва кенг миқёсда бўлиб турган. Кўзғолон кўтарган қулларга колонлар ва эркин камбағаллар келиб қўшилган. Рим томонидан бўйсундирилган халқларнинг озодлик ҳаракатлари билан аҳвол янада мураккаблашган. Рим босқинчлилик урушларидан мудофаа урушларига ўтган. Ҳукмрон синфларнинг ўзаро душман гурухлари ўртасидаги ҳокимият учун кураш бирданига кескинлашиб кетган. Северлар сулоласи ҳукмронлигидан 193-235 йиллар) кейин “солдат императорлари”нинг ярим асрлик даври келиб, ҳокимият тепасига армия олиб чиқилган. Сенат, вилоятлар ва легионлар бирининг қўлидан бири ҳо-

кимиятни тортиб олиб, императорларни алмаштираверишган. 235 йилдан 284 йилгача ўн тўқизта “қонуний” император ва ўттиздан ортиқ узурпатор келиб кетган. Булардан кўплари фитначилар томонидан ўлдирилган эди.

Принципат римликлардаги фуқаролик туйғусини янчидан ташлаган, республика анъаналари энди узоқ ўтмишда қолиб кетган, республика муассасаларининг охирги таянчи - сенат принципсга батамом бўйсундирилган. III аср охирдан бошлаб империя тарихида янги босқич - доминат бошлаган. Бу даврда рим императорининг мутлақ якка ҳокимилигига асосланган монархия давлатига айланган.

Доминатнинг расмий бошланиши 284 йилда ўзини dominus (доминус) - ўй эгаси, хўжайин деб аташга бўйруқ берган Диоклетианинг ҳокимият тепасига келиши билан белгиланади.

Императорнинг унвонлари - Август ва Доминус унинг ҳокимиятини чекланмаган характеристини кўрсатади. Қоида бўйича, императорлар илохийлаштирилган, уларнинг баъзилари эса ўлганларидан сўнг ўз динларининг худолари деб эълон қилинганлар. Империя ахолиси фуқаролардан императорнинг фуқароларига айлантирилган. Уларга **императорнинг куллари - сервлар** сифатида қараларди.

Принципат даврида мавжуд бўлган принципс кенгаши **давлат кенгаши - консисториумга** айланган. Иерархияга ва мансабларнинг босқичма-босқич кўтарилиши қоидаларига асосланган, ранглар (даражалар)га бўлинган ва анча ривожланган чиновниклик аппарати ташкил топган. Фуқаролик ҳокимиятининг ҳарбий ҳокимиядан ажратилиши билан фуқаролик ва ҳарбий чиновниклар пайдо бўлган. Чиновникларнинг учинчи груҳи - сарой аъёнлари алоҳида турган. Уларга император саройини бошқарувчи мансабдор шахс бошчилик қилган.

Принципатдан фарқли ўлароқ эски республика муассасалари ҳар қандай умумдавлат аҳамиятини йўқотган. Римни император тайинлаган ва унга бўйсунадиган **префект** бошқара бошлаган. Сенат Рим шаҳрининг кенгашига, магистратлар эса - муниципал мансабдор шахсларга айланган.

Ҳарбий тизим ҳам ўзгарган. Куллар ва бўйсундирилган халқларнинг оммавий қўзголонлари, шунингдек давлат чегараларини германлар, славянлар ва кичик осиё қабилаларининг ҳужумидан ҳимоя қилиш заруриятининг ошиши муносабати билан армия харакатдаги (қўзголонларни бостириш учун) ва чегарадаги қўшинларга бўлинган. “Варварлар”нинг армияга киришига кенг йўл қўйилган, баъзан

уларнинг қабилалари қуролли кучларидан ҳам фойдаланилган.

“Солдат императорлари” даврида муҳим роль ўйнаган преторийлар гвардияси сарой соқчиси қилиб қайта ташкил этилган. Бироқ шундай бўлса-да, баъзан у ҳам императорларнинг тақдирини белгилаган. Умумимперия полициясига император девонхонасининг бошлиғи раҳбарлик қилган. Римда эса полицияга шаҳар префекти бошчилик қилган. Умумимперия полициясидан яширин полиция ўсиб чиқиб, унга преторий префекти бош эди.

Империянинг кейинги тақдирида Диоклетианнинг ислоҳотлари ва сўнгра ушбу ислоҳотларни мустаҳкамлаган ҳамда ривожлантирган Константин қонунчилиги катта аҳамиятга эга бўлган.

Диоклетиан иқтисодий, ҳарбий ва маъмурий ислоҳотлар ўтказган. Иқтисодий соҳада Диоклетиан таркибида анча кам қимматли металл бўлган мавжуд пулнинг қадрсизланишини, нарх-навонинг ошишини тұхтатишига ҳаракат қилган ва тўла қимматга эга бўлган олтин ва кумуш монеталар чиқарган. Лекин улар тез орада муомаладан чиқиб кетган ва натижада кам пробали монеталар чиқаришга қайтишига тўғри келган.

Солик соҳасидаги ислоҳот анча самарали эди. Соликларнинг катта қисми натура тарзида эмас, пул билан оли-надиган бўлган. Соликларнинг келиб тушишини таъминлаш мақсадида вақти-вақти билан аҳолини рўйхатдан ўтказиб туриш жорий этилган. Соликнинг хажмини белгилашда қишлоқ жойларда ер эгалиги ҳажми ва унда ишловчиларнинг сони ҳисобга олинган. Шаҳарларда жон солики жорий этилган. Солик тўлашга ер эгалари ва шаҳар чиновниклари жавоб берганлар. Шу боис ислоҳот қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг асосий оммасини яшаш жойларига ва бирон касбга бириктириб қўйилишига ёрдам берган.

Чегара ва ҳаракатланувчи қўшинларни ташкил этишни мустаҳкамловчи ҳарбий ислоҳот армияга кўнгиллилардан олиш билан бирга рекрут йиғимини жорий этди. Ер эгалири ерга эгалик миқдорига қараб, колонлар ва ишчиларидан маълум миқдорда аскарлар тақдим қилишлари лозим эди.

Диолектианнинг маъмурий ислоҳоти анча чукур из қолдирган ва узоқ сақланиб қолган оқибатларга эга бўлган. Мураккаб ички сиёсий аҳвол, империянинг оғир ташқи сиёсий ҳолати, провинцияларнинг узоқ вақтдан бери иқтисодий ажалиб қолганлиги, “солдат императорлари” давридаги тинимсиз давлат тўнтаришлари Диоклетианни 285 йилда ўзига ҳокимдош-цезарь тайинлашга мажбур этган.

Бир йилдан сүнг цезарь ҳудди Диоклетиан сингари Август деб эълон қилинган ва империянинг бир қисмини идора қилиш ҳокимиятига эга бўлган. Империя гарбий ва шарқий қисмлардан иборат икки қисмга бўлинган. Тўғри, қонунчилик ҳали ягона бўлиб қолаверган, ҳолбуки қонунлар иккала император номидан чиқарилган. Уларнинг ҳар бири ўзига ҳокимдош - цезарь тайинлаган. Натижада юзта провинцияни ўз ичига олган тўрт қисмдан иборат **тетрархия** келиб чиқкан. Рим алоҳида юзинчи провинцияга ажратилган, лекин Рим шаҳри империя пойтахти бўлмай қолган. Фарбий империя пойтахти Медиолан (Милан)га, сўнгра Равенга кўчирилган. Шарқий империя пойтахти Мармар денгизининг шарқий соҳилида жойлашган Никомедия бўлиб қолган.

Ийирма йиллик ҳукмронликдан сўнг Диоклетиан 305 йилда ҳокимиятдан воз кечишига мажбур бўлган. Шундан сўнг унинг ворислари ўртасида тож-тахт учун кураш бошланиб, бунда цезарлардан бирининг ўғли Константин (306-337 йиллар) ғолиб чиқади ва унинг ҳокимият бирлигини қайтадан тиклаган ўттиз йиллик ҳукмронлиги бошланади.

Константин Диоклетианнинг иқтисодий ислоҳотларини давом эттирган. Унинг пул ислоҳоти анча муваффақиятли чиқкан ва пул муомаласининг барқарорлашувига олиб келган. Солик солишнинг тартибга келтирилиши колонлар ва ҳунармандларни ерга ва касбга бириктирилишини янада кучайтирган. Константин эдиктлари билан ҳунармандчилик коллегиялари авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган коллегияларга айлантирилган. 332 йилги "Қоҷоқ колонлар ҳақида"ги қарорга биноан қоҷоқ колонлар ўз участкаларига қайтарилгандар ва занжирларга кишанланган куллар сингари ишлашлари лозим бўлган. Қоҷоқ колонларни яширган кишилар жазо тариқасида уларнинг ўрнига соликилар тўлаши лозим бўлган.

Ҳарбий соҳада жангчининг касби мерос тариқасида ўтадиган бўлиб қолган. Армияга варварлар ҳам кенг жалб қилина бориб, улар рим фуқаролигини олганлар ҳамда олий мансабларгача бўлган хизмат зинапояларидан кўтарилиб бориш имкониятига эга бўлганлар.

Диоклетианнинг маъмурий ислоҳоти ҳам ниҳоясига етказилган. Тетрархия тугатилган бўлса ҳам империянинг ҳар иккала қисмида иккитадан префектура ташкил этилган ва уларни фуқаролик ҳокимиятига эга бўлган префектлар идора этганлар. Префектураларда ҳарбий ҳокимият ҳарбий магистрларга - иккита пиёда аскарлар бошлиғи ва иккита отлиқ аскарлар бошлиғига тегишли бўлган.

Префектуралар диоцезларга (империянинг фарбий қисмида олтита, шарқий қисмида еттита) бўлинган, уларга викариялар бошчилик қилган. Диоцезлар провинцияларга бўлиниб, уларни ректорлар бошқарган. Провинциялар округларга бўлинган. Округни идора этадиган округ маъмурияти мавжуд эди.

Агар Константиннинг юқоридаги тадбирлари Диоклетиан томонидан бошланган ишларнинг давоми бўлган бўлса, диний сиёсат масалаларида Константин Диоклетиан мавқеига қарама-қарши иш тутган. Диоклетиан христиан черковини давлатдан алоҳида автоном ташкилотдир, демак, бу якка ҳокимлик ўрнатишга тўсқинлик қиласди, деб ҳисоблади. Шунинг учун у христианликни тақиқлаган (303 йилда), черковларнинг мулкини мусодара қилган, христианларни сургун қилган ва қатл этган. Аммо христиан жамоалари яширин ҳолатга ўтиб, ўзларини сақлабгина қолмай, балки аъзоларининг сонини ошириб борган. Шундай қилиб, Диоклетианинг диний сиёсати тамомила муваффақиятсизликка учраган. Константин христианлик камбағаллар ва эзилганлар дини эканлигини ва бу динни қабул қилиш мустабид ҳокимлик ўрнатишда, давлат тузумини мустаҳкамлашда энг яхши мафкуравий восита бўла олишини тушуниб етган. У христиан черковида император мутлақ ҳокимиётининг мустаҳкам таянчини кўрган ва 313 йилдаги эдикт билан христианлик империядаги мавжуд бошқа динлар билан тенг хукуқли деб тан олинган, 337 йилда Константин христиан динига киргандан (чўқинтирилганидан) кейин эса христиан дини давлат динига айлантирилган.

Армия, чиновниклар ва христиан черкови доминатнинг учта - ҳарбий, сиёсий ва мафкуравий таянчи бўлиб қолган.

Ниҳоят, Константин империянинг шарқий қисми фарбий қисмига қараганда варвар қабилаларнинг хужумига нисбатан камроқ дуч келишини ва иқтисодий жиҳатдан анча ривожланганигини ҳисобга олиб, ўз пойтахти - қадимги юонон шаҳри Византияни Константинопол деган янги ном билан ўша ерга кўчирган. 330 йилда Константинопол империянинг пойтахти деб расман эълон қилинган. Пойтахтнинг Константинополга ўтказилиши империяни икки қисмга бўлиниш жараёнини мустаҳкамлаган ва оқибатда 395 йилда Рим империяси батамом Фарбий ва Шарқий қисмларга (Византияга) бўлинниб кетган.

Империянинг иқтисодий ажратиб қўйилиши ва сиёсий бўлиниши қулдорлик тузуми умумий инқизорозининг янада чукурлашуви даврига тўғри келган ва унинг ифодаси ва натижаси бўлган. Ягона давлатни бўлиб ташлаш шиддатли

сиёсий ва мафкуравий курашлардан, бўйсундирилган ҳалқларнинг қўзғолонларидан, варвар қабилаларнинг бостириб киришларидан емирилаётган ушбу тузумни ҳалокатдан кутқариб қолишга объектив уриниш бўлган эди.

476 йилда герман қабилалари Фарбий Рим империясини босиб олганлар ва ўзларининг кўмондонлари **Одоакрни** қирол деб эълон қилганлар. Шу тариқа Римнинг сўнгги императори 15 ёшли бола Ромул Августул таҳтдан афдариб ташланган ва император унвони нишонлари Константинополга юборилган. Фарбий Рим империяси тугатилган.

IX боб

РИМ ХУҚУКИ

1. Рим хукукининг дунё тарихида тутган ўрни ва унинг ривожланишидаги асосий босқичлар

Рим хукуки инсоният хукуки тарихида ноёб ўрин эгаллади. У антик жамиятда ва умуман бутун қадимги дунёда хукуқ ривожланишининг энг юқори даражасини акс эттиради.

Рим хукуки аввало жуда хилма-хил ҳаётий муносабатларни ва вазиятларни фоят даражада кенг қамраб олганлиги билан ажralиб туради. Унда айниқса хусусий мулк эгаларининг, шунингдек, мулк айланиши турли-туман иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг хилма-хил услублари пухталик билан ишлаб чиқилган. Айнан римликлар, илгари ўтган жаҳон, жумладан, Шарқ мактаблари тажрибасига таяниб, биринчи марта хусусий мулкни, шунингдек бошқа мулкий хукуклар ва манфаатларни алоҳида мөхирона ва бафоят мукаммал суратда юридик тартибга солиш предмети қилганлар. Ўзининг шаклан мукаммал ишлаб чиқилганлиги билан ажralиб турувчи рим хукуки замираida жуда бой хукукий маданият пайдо бўлиб, у цивилизация ривожланишининг кейинги босқичларида инсониятнинг умумий бойлиги бўлиб қолган. Ушбу хукукий маданиятнинг элементларидан бири рим юриспруденцияси бўлган. Рим юриспруденцияси, айтиш мумкинки, ҳам хукуқ ҳақидаги мустақил фанга, ҳам профессионал юридик таълимга асос солган.

Рим давлати тарихининг минг йилдан ортиқ даврига қараганда кўпроқ унинг хукуқида чуқур ўзгаришлар юз берган. Рим хукуки тарихи, табиийки, Рим давлати тузумидаги ўзгаришларни акс эттирган. Бироқ, у Рим жамиятининг анча чуқур қатламлари билан ҳам боғлиқ бўлгани ҳолда, ўз

ривожланиш жараёнида барча мураккаблашиб келган иқтисодий ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг, жумладан, қулдорлик билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг ҳам таъсирини ўзида синаб кўрган. Будан ташқари, Фарбий Рим империясида тарихан вужудга келган ва ривожланишнинг энг юқори чўққисига чиққан қулдорлик давлатчилигини бoshidan kechirgan. Shу sababli rim xукуки tарихининг даврларга bўlinishi, Rim давлати тарихи даврларiga тўғри kелмайди. Rim xукуки бўйича kўp адабиётларда уни даврларга bўliш borasiда turlicha қaraшlar mavjud. Rim xукуки tарихининг kуйидагicha даврларга bўlinishi, bizningcha, энг кулаг ва maқсадga muvofiқdir:

1. Энг қадимги даври (милоддан аввалги VI аср - III асрнинг ўртаси). Rim xукуки bu даврда асосий институтларнинг полисча маҳдудлиги (ўзгалар учун ёпиқлиги), қадимилиги ва эскириб қолганлиги, ривожланмаганлиги ва диний характерда бўлганлиги билан тавсифланади. Bu даврда Rimda квиритлар, яъни Rimning tub fuқarolari xукуки пайдо бўлган. Unda ҳали уруғдошлиқ тузумининг қолдиқлари кучли сақланиб қолган бўлиб, uning manbai odat xукуки xisobланади. Кейинчалик, милоддан аввалги 451-450 йillarda xукуқ manbai sifatiida XII жадвал қонунлари вужудга келади.

2. Классик даври (милоддан аввалги III аср ўртаси - милоднинг III асли охири). Aйнан мазкур давр мобайнида rim xукуки патриархаллик ва диний қолдиқлардан халос bўлади ва дунёвий юридик тизимга aйланади. Bu тизим нафақат қулдорлик, balki boшқa универсал кишилиқ mуносабатларнинг олий daражada iшlab чиқилганлиги билан характеристланади. Bu xукукий тизимнинг мукаммаллиги дунёга чуқур xукукий taхлил этиш ва naфис (nозик) юридик техника намуналарини берувчи юриспруденцияда ҳам ўз ifodасини топган. Классик даврда Rim xукуки жуда тараққий этиб, квиритлар билан birgaga претор xукуки - ҳалқлар xукуки ҳам вужудга келган. Rim fuқarolari билан келгиндиilar (ажнабийлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга solgan. Милоддан аввалги 212 йилда xукуқнинг bunday ikkiга bўlinishi император Каракалла эдикти (фармони) билан bekor қилинган.

3. Постклассик, янги классик даври (IV-VI асрлар). Bu vaqtda қулдорлик жамияти ва давлатининг emiriлиши муносабати билан rim xукуки amalda ривожланишдан tўxtaydi, ўзида umumiy ikтisodiy ва siёsий inқiroz изlarini kutariib yuradi. Ushbu даврда rim xукуқидagi ўзgariшлар асосан uning tizimlashтирилиши ва вужудга kela-

ётган янги феодал муносабатларига аста-секин мослаштирилиши билан боғлиқ бўлган. Бу даврда қонун чиқариш ҳокимияти тўла императорлар қўлига ўтиб, Рим ҳукуқининг тўпламлари тузилади ва кодификация қилинади.

2. Рим ҳукуки манбаларининг ривожланиши

Энг қадимги давр Архаик даврда рим ҳукуқий анъана-хукуқининг манбалари.

ларининг вужудга келишида коҳинлар жуда катта мавқега эга эдилар. Хусусан уларнинг ичидан **понтификлар**

коллегияси ажralиб чиқиб, ҳукуқ меъёрларини тузиш ва шарҳлаш имтиёзларини ўзлаштириб олганлар. Понтификлар аслини олганда 1-рим юристлари бўлишган. Римда Шарқ мамлакатларидан фарқ қилиб, риммикларнинг диний эътиқодлари ва уларнинг худо олдидаги бурчлари билан боғлиқ диний меъёрлар (*fas*)дан хусусан рим давлатининг фаолияти ёки санкцияси билан боғлиқ бўлган ҳукуқий меъёрлар (*jus*)ни ажратиш нисбатан анча эрта содир бўлган. Шунга қарамай, понтификлар илгаригидек Римнинг бутун юридик фаолиятини назорат қилиб турганлар. Шу боис архаик давр ҳукуки кўп жихатдан диний маросимларга хос характеристерини сақлаб қолган. Бу даврда юридик ҳужжатларни амалга ошириш учун маълум диний урф-одатларни, масалан, қурбонлик қилиш, қасам ичиш ва бошқаларни бажариш талаб қилинган.

Римда ҳукуқининг энг қадимги манбаи **ҳукуқий одатлар (mores majorum)** бўлган. Рим тарихий анъанасига кўра ҳукуқининг бошқа манбаи **рим подшоларининг қонунлари (leges regiae)** ҳисобланган. Бироқ бу қонунларнинг мавжудлиги вақти-вақти билан шубҳа остига олинган. Кейинги ўн йилликларда олимлар рим подшоларининг, ҳеч бўлмаганда Нума Помпилий ва Сервий Туллий қонунлари ҳақидаги маълумотларни ишонарли деб ҳисоблайдиганларнинг бу анъанасини рад этмаятилар.

Мадомики, Рим ҳалқининг (квиритларнинг) анъаналари ва дини билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳукуқининг ушбу манбалари дастлаб патрицийларники сифатида чиқсан экан, адабиётларда плебейлар учун ҳукуқий одатларнинг алоҳида, маҳсус тизими мавжудлиги ҳақидаги тахминлар ҳам йўқ эмас. Плебейларнинг тенг ҳукуқлар учун ҳаракати ҳукуқ доирасида ҳам ўз ифодасини топган, чунки патрицийларнинг магистрлари ва коҳинлар (понтификлар) плебейларнинг манфаатларини эътиборга олмасдан (назар-писанд

қилмай) ёзилмаган одатларни ўзбошимчалик билан шарҳ-лаганлар. Милоддан аввалги 450 йиллар атрофида қабул қилинган **1-рим ёзма қонунлари - XII жадвал қонунларининг** қабул қилиниши плебейлар ва патрицийлар кураши билан боғлиқ. Аньнавий таҳминларга қараганда уларни тузиш учун ўнта патрицийдан (децимвирдан) иборат дастлабки комиссия тузилган. Бу комиссия ўнта жадвалда қонунлар тайёрлаган, лекин унинг матни Римнинг плебейлар аҳолисини қаноатлантирган. Ўткир сиёсий мажаро натижасида патрицийлардан ҳам, плебейлардан ҳам бештадан аъзо таркибида янги комиссия тузилган ва дастлабки матн яна иккита жадвал билан тўлдирилган. Албатта, XII жадвал қонунлари патрицийлар ва плебейлар учун умумий бўлган, фақат рим фуқаролари учун мўлжалланган ягона квирит¹ ёки цивил ҳукуқи (*jus civile*) бўлиб қолганлиги шубҳасиз. XII жадвал қонунларининг қабул қилиниши плебейларнинг патриций - коҳинларнинг юқори табақасига қарши кураши билан, шунингдек, дунёвий ва диний аристократия ўртасидаги зиддиятлар билан боғлиқ бўлган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. XII жадвал қонунларининг қабул қилиниши ўзларида ёзилмаган одатларни ва қонунларни сақлаш ва шарҳлаш, суд даъволарининг шаклларини ишлаб чиқиш ҳукуқини сақлаб қолган ва бу ҳукуқни систеъмол қилиб турган понтификларнинг илгариги мавқеларининг заифлашганлигини англатади. Гарчи, XII жадвал қонунларида қасамлардан фойдаланиш ва бошқа диний маросимга оид ҳаракатларни қилиш кўзда тутилган бўлса-да, ҳукуқ энди диний меъёрлардан ажратилган ва дунёвий характер касб этган эди.

XII жадвал қонунлари ўн иккита мис лавҳага ўйиб ёзилиб, Рим сиёсий ҳаётининг маркази - форумга ҳамма кўриши учун осиб кўйилган. Бу қонунларни билиш ҳамма учун мажбурий бўлган, демак, унинг қабул қилиниши билан рим фуқароларини дунёвий ҳукуқий тарбиялаш зарурияти туғилган.

XII жадвал қонунларининг асл нусхаси сакланиб қолмаган, унинг мазмуни XVI-XVII асрларда анча кейинги рим муаллифларининг асарларида парчалар асосида қайта тикланган. Бироқ ҳозиргача ҳам XII жадвал қонунларининг матни тўлиқ бўлмай, баъзи ҳолларда аниқ бўлмасдан қолиб кетган. Баъзи олимлар (Е.Паис, Э.Ламбер, Р.Шульц ва бошқалар)нинг ишларида бу қонунларни қабул қилиниш вақти аниқ далиллар асосида кўрсатилмайди, уларнинг характеристи ва мавжудлиги далили ҳам шубҳа остига олинади.

¹Квирит - қадимги Римда тула ҳукуқли фуқароларнинг расмий номи (тарж.)

XII жадвал қонунларидаги қатор қарама-қаршиликтар (масалан, жарималарни пул билан ундириш, гарчи, маълумки, милоддан аввалги V асрда ҳали монеталар мавжуд бўлмаса-да) шундан дарак берадики, уларнинг матни вақти-вақти билан қисман ўзгартириб турилган бўлиши мумкин.

Мазмунан XII жадвал қонунлари Рим одат ҳукуқини тўплаш ва унга ишлов бериш ифодасидир. Уларга жанубий Италия полисларининг юонон ҳукуқи маълум даражада таъсир этган. Бироқ, унга одат ҳукуқи меъёрларидан чекинувчи алоҳида янги қоидалар ҳам киритилган эди. Масалан, жарималар тизими қадимги таллион тамойилидан воз кечиш бўлган.

XII жадвал қонунлари ҳали рим жамияти ва ҳукуқий техникасининг нисбатан паст даражада ривожланганлигини акс эттирган. Улар қисқача буйруқ тарзидаги фикрлар ва тақиқлар кўринишида баён қилинган. Улардан баъзилари ўзларida диний маросимларга оид изларни сақлаб қолган.

XII жадвал қонунлари қатор камчиликларга эга бўлишига қарамай, рим архаик даврининг туб эҳтиёжларини аниқ акс эттирган. Шунинг учун улар Римда кўп асрлар мобайнинда катта обрудан фойдаланганлар, антик давр тарихчиси Тит Ливий сўзи билан айтганда, “бутун халқлар ҳукуқи ҳамда хусусий ҳукуқнинг манбаи” сифатида кўрилган.

Квирит (Фуқаролик) ҳукуқининг яна бир муҳим манбаи **қонунлар** бўлган. XII жадвал қонунларининг ниҳоясида бундан бўён халқ мажлисининг ҳар қандай қарорларини **қонун (lex)** кучига эга бўлиши лозимлиги кўрсатилган эди. Мажлисада янги қонунни қабул қилиш ҳақидаги таклиф билан одатда мансабдор шахслар (магистратлар) чиқишган, сўнгра қонун лойиҳаси сенатда муҳокама қилинган ва овозга қўйишдан уч ҳафта олдин ошкор қилинган. Қабул қилинган қонунда, қоида бўйича, уч қисм ажратиб кўрсатилган. Биринчи қисмда қонун қабул қилиш ташаббускори кўрсатилган, иккинчи қисмда ҳукуқий меъёрнинг мазмуни белгиланган, учинчи қисмда эса санкция ўрнатилган. Халқ мажлисида қабул қилинган қонун, агар унда кечиктирилиши тўғрисида маҳсус кўрсатилмаган бўлса, дарҳол кучга кирган. Муҳим қонунлар матни форумга қўйилган.

Энг қадимги даврда шунингдек **сенат қарорлари (сенатус - консультлар)**, айrim ҳолларда **магистратларнинг қарорлари** ҳам ҳукуқий кучга эга бўлган. Масалан, децимвирлар Фавқулодда комиссиясининг қарори билан XII жадвал қонунлари чиқарилган эди.

Қонунларни шарҳлаш, шунингдек, суд календарларини ва даъво талабларини тузиш IV асрга қадар понтификлар-

нинг имтиёзлари бўлиб қолган. Понтифилар эса суд сирларига нисбатан ўз монополияларини шу давргача ҳар томонлама ҳимоя қилиб келганлар. Ҳукуқнинг диний никоблардан батамом холос бўлишига, коҳинлар мавқеига пуретишига ва дунёвий юриспруденциянинг бошланишига хусусан милоддан аввалги 302 йилда котиб (мирза) Клавдий Флавий томонидан понтифилар архивларида илгари ўта маҳфий равишда сақланиб келинган суд тақвими, даъвollar ва ёзувлар нусхалари, ҳукуқий меъёрлар ва одатларнинг шарҳлари ўғирланиб, ошкор қилиниши ёрдам берган.

Классик даврда ҳукуқ манбалари. Милоддан аввалги III аср - милоднинг III асрида XII жадвал қонунлари расман ҳаракат қилишда давом этган, улар расмий равишда кейинчалик, VI асрда Византия императорининг қонунчилик ислоҳотлари давомида бекор қилинган эди). Римликларнинг ўз ҳукуқий анъаналарига чукур ҳурмат билан қараши ва айниқса XII жадвал қонунларига бўлган иззат-икроми уларни бу тарихий ёдгорлиқдан очиқдан-очиқ воз кечишлирага йўл қўймаган. Бироқ Римнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар кундалик ҳукуқий тажрибада XII жадвал қонунларининг ва умуман квирит ҳукукининг эскириб қолган нормаларидан амалда воз кечишини шарт қилиб қўйган. Алмашиб бораётган ижтимоий шароитларни ҳисобга олишга имкон берадиган ва бундай шароитларга мослашувчан ҳукуқ ижодкорлик шаклларини ташкил этиш зарурияти вужудга келган.

Рим ҳукуки тарихининг янги босқичида унинг анча муҳим манбаи **преторларнинг эдиктлари** бўлиб қолган. Шундай эдиктларнинг асосида цивил ҳукуки (ҳанузгача ҳурматли, лекин тобора кам қўлланилаётган) билан бир қаторда иккита янги ва мутлақо мустақил ҳукуқий тизим: “**претор ҳукуки**” (*jus praetorium*) ва “**халқлар ҳукуки**” (*jus gentium*) ўсиб чиқкан. Мазкур иккала тизим преторларнинг ҳукуқ ижодкорлик фаолиятлари натижаси бўлган. Шундай қилиб, Римда ҳукуқ манбаларининг мураккаб (аслида - уч қисмдан иборат бўлган) тизими вужудга келган.

Претор лавозимга ўтириб, ўзининг эдиктини эълон қилган. Бунда у ўз олдига мазкур ҳукуқий ҳужжатда белгиланган юридик қоидалар ёрдамида тартибни ушлаб туриш ва суд қилишни мақсад қилиб қўйган. Мазкур формуулалар (қоидаларнинг аниқ ифодалари) цивил ҳукуки меъёрларидан, гарчи, претор уларнинг доирасида ҳаракат қилиши лозим бўлсада, жиддий равишда четга чиқкан. Эдиктларда мустаҳкамланган қоидалар ўз холича қонун кучига эга бўл-



маган, лекин мажбурий бўлган, чунки улар претор ҳокими-яти томонидан ушлаб турилган. Преторнинг ўзи ўз эдиктига риоя қилишга мажбур эди. Преторнинг ўрнига янгиси келганда, қоида бўйича, у ўз ўтмишдошининг эдиктини фақат бироз ўзгартирган, унга янги қоидалар (*edictum novum*) киритиб, эскирганларини чиқариб ташлаган. Лекин, мадомики, эдиктнинг асосий қисми сақланиб қолган (*edictum tralaticium*) экан, претор хукуки ўзгарувчан ва мослашувчан бўлиши билан бирга мерос бўлиб ўтишлиги ва барқарорлиги билан ажralиб турган.

Классик даврда хукуқнинг ривожланишида перегринлар преторининг (бу мансаб милоддан аввалги 242 йилда таъсис этилган) эдиктлари алоҳида роль ўйнаған. Перегринлар претори рим фуқаролари ва ажнабийлар (перегринлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солган, шунинг учун цивил хукуки меъёрларига умуман боғлиқ бўлмаган. У ўз хукуқ ижодкорлик фаолиятида (эдиктлар чиқаришида) катта ихтиёр эркинлигига эга бўлган, ўзининг хукуқ қоидаларида "адолат" (*aegitas*) ёки "табиий ақл-идрок" (*naturalis ratio*)ни далил қилиб кўрсатиши мумкин эди. Перегринлар преторлари томонидан яратилган "**халқлар хукуки**" халқаро рим хукуки эмас, балки ички давлат хукуки, шу билан бирга у рим хукуқининг анча ривожланган ва такомиллашган қисми бўлган.

Империя ўрнатилиши билан Римнинг сиёсий тизимида преторларнинг мавқеи ҳам аста-секин ўзгарган. Преторлар эдиктлар чиқариш хукуқини расман сақлаб қолганлар, лекин уларнинг фаол хукуқ ижодкорлиги ўсиб бораётган император яка ҳокимлигининг қарама-қаршилигига дуч келган. Шу сабабли милоднинг I асрларида ёқ преторлар ўз ўтмишдошларининг эдиктларини тўлиқ нусха қилиб олишни қоида қилиб олганлар. Шу тариқа, эдикт мазмуни ўзгаришсиз бўлиб қолган ва у янги хукуқ меъёрини келтириб чиқармаган. Шу муносабат билан император Адриан претор хукуқини кодификация қилишга аҳд қилган ва бу ишни таникли юрист Юлианга (эрэмизнинг 125 ва 138 йиллари) топширган. Охирги тузилган эдикт (Юлиан эдикти сифатида машҳур) расман **сенатус-консульт** деб тасдиқланган ва "**абадий эдикт**" (*edictum perpetuum*) деган ном олган. У кейинги магистратларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлиб қолган. Шу вақтдан бошлаб претор эдикти аслида қотиб қолган ва янги хукуқий меъёрлар манбаи бўлмай қолган.

Империянинг биринчи йилларида ёқ халқ мажлисларининг аҳамияти пасайиб кетган, эрамизнинг I асли охирига келиб улар янги қонунларни жуда кам қабул қилганлар, ке-

Йинчалик бу ҳуқуқдан тамомила маҳрум бўлганлар. Сенатус-консультлар аввалги даврда (кечки республика даврида) ҳуқуқий кучга эга эмас эдилар. Императорлар даврида уларнинг аҳамияти яна ўсган. Эрамизнинг I асри биринчи ярмида сенатус-консультлар одатда санкцияга эга эмас эдилар, лекин претор эдикти шарофати билан улар мажбурий кучга эга бўлганлар. Аммо Адриан сенатга қонун чиқариш ҳокимиятини яна қайтариб берган ва сенатус-консультлар қонун сифатида чиқа бошлаган. Уларнинг ҳуқук манбаи сифатидаги роли ўсган, чунки улар принцепс номидан тушиб, кўпинча уларнинг номи билан аталган.

Императорларнинг мустақил қонун чиқариш ҳокимияти аста-секин мустаҳкамланган ва кенгайган. Дастлаб **императорларнинг қонунлари (конституциялари)** халқ мажлислари томонидан ҳокимият вакиллиги натижаси сифатида кўрилган ва бунга кўра рим халқи ўз қонун чиқариш ҳокимиятини императорларга ўтказган. Шу вақтга келиб императорларнинг қонунлари ҳуқуқнинг энг муҳим манбаига айланган. Императорларнинг қонунлари магистратларнинг кўпгина ҳужжатларидан фарқ қилиб, рим давлатининг бутун ҳудудида ҳаракатда бўлган, шаҳар ёки алоҳида провинциялар доирасида чекланиб қолмаган.

Императорлик ҳокимияти ҳужжатлари (конституциялари) қўйидагича асосий қўринишларга бўлинган:

1) Эдиктлар - "империум" ҳокимиятига асосланган, шунинг учун фақат мазкур император ҳаётлиги чоғида юридик жиҳатдан мажбурий бўлган умумий қоидалар. Бироқ эрамизнинг II асридан бошлаб эдиктларга императорнинг ворислари томонидан ҳам амал қилина бошланган.

2) Рескриптлар - императорнинг ҳуқуқий масалалар бўйича консультациялар сўраган алоҳида шахсларга ёки магистратларга берган жавоблари ёки маслаҳатлари.

3) Декретлар - император томонидан суд ишларида чиқарилган қарорлар. Уларнинг асосида мустақил императорлик юриспруденцияси ташкил топган.

4) Мандатлар - провинцияларнинг ҳокимларига йўлланган инструкциялар (йўл-йўриқлар, кўлланмалар). Уларнинг ичида қатор ҳолларда перегринларга нисбатан қўлланиладиган фуқаролик ва жиноят ҳуқуки меъёрлари ҳам мавжуд бўлган.

Императорларнинг конституциялари дастлаб фақат оммавий тартибдаги (маъмуриятни ташкил этиш, жиноятлар ва ҳ.к.) масалаларга тааллуқли бўлган, лекин улар ҳуқуқий тартибга солишининг ҳамма соҳаларини тобора кўпроқ қамраб олган! Императорлик даврида ишлаб чиқилган кўпгина

хукуқий хужжатларнинг турлича шакллари оқибатда ўрта асрлар монархиясининг қонунчилик техникасига катта таъсир кўрсатган.

Хукуқнинг ривожланишнига имкон туттаган ўрни. Классик даврда рим хукуқи ришида Рим юристлари- вожланишининг жуда муҳим ва нинг туттаган ўрни. ўзига хос манбаи юристларнинг фоалияти бўлиб қолган. Рим юристлари Қадимги Римнинг бутун хукуқий тизимини изчил ва яхлит ривожланишига имкон тутдирганлар.

Рим юриспруденцияси плебейлар понтифики Тиберий Коруканиядан (милоддан аввалги 254 йилдан) бошлаб соғ дунёвий характер қасб этган. Унинг хукуқий маслаҳатлари биринчи марта оммавий ва очик характерга эга бўлган. Республика даврининг юристлари суд амалиётида муҳим ўрин туттаган. Улар айниқса, суд жараёни масалалари бўйича, у билан боғлиқ бўлган хукуқий жавобларни аниқ ифодалаб, юридик хужжатларни шарҳлаганлар ва тузганлар, қатор ҳолларда суд жараёнининг ўзида томонлардан бирига ёрдам кўрсатиб иштирок этганлар. Республика даврининг юристлари, одатда, аристократлар доирасидан - сенатор зодагонлардан, милоддан аввалги I асрда эса, шунингдек, суворилардан ҳам чиққан. Уларнинг ичida энг машҳурлари Катон Катта, Марк Манилий, Алfen Вар, Квинт Муций Сцевола, Публий Муций Сцевола, Сервий Сульпиций, Руф бўлган. Бунинг устига, Сервий Сульпиций ва Руф кўпинча рим юридик фанининг асосчилари деб ҳисобланадилар. Республика даврининг юристлари цивил хукуқини мунтазам баён қилиб (Публий Сцевола) ва претор хукуқининг биринчи шарҳини тузиб (Сульпиций), биринчи марта суд амалиётининг умумий холосасини беришга ҳаракат қилганлар.

Принципат даврида юристлар доираси янада кенгайган. Улардан кўплари, масалан, Ульпиан, Гай ва бошқалар энди римликлардан эмас, балки шарқий провинциялардан чиққан эди. Бу даврнинг юристлари юридик назария (доктрина) ва амалиётнинг ривожланишида анча фаоллик кўрсатиб, классик рим хукуқининг ҳақиқий ижодкорлари бўлишган. Юристларнинг ўқитувчилик фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлган. I асрда ва II асрнинг бошида иккита асосий: сабиньянлар (асосчиси Капитон) ва прокульянлар (асосчиси Лабеон) хукуқ мактаблари вужудга келган. Улар хукуқдан таълим берганлар ва баъзи (тўғри, албатта, иккинчи даражали) хукуқий институтларга турлича изоҳлар (шарҳлар) берганлар. Сабиньянларнинг анча машҳур вакиллари Сабин ва Юлиан, прокульянларники - Прокул ва Цельз эди.

Рим юристлари жуда кўп асарлар ёзишган. Уларнинг баъзилари ўқув мақсадлари учун, бошқалари амалиётда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Цивил хукуқи ва претор хукуқи шарҳлари, шунингдек, цивил ва претор хукуқини синтез қилишга уриниб, турли хукуқий масалалар бўйича ёзилган асарлар - **дигесталар** катта шуҳрат қозонган. Дигесталарда, одатда, айнан ўша ёки бошқа муаллифларнинг анча қадимий асарларидаги ("Саволлар", "Жавоблар" ва бошқалар) парчалардан (кўчирмалардан) фойдаланилган, шу билан бирга, хукуқий материал қатъян аниқ тартибда жойлаштирилган. (**digesta** ибораси "**системага солинган**" деган мазмунни англатиши бежиз эмас). Римда Альфен Вар, Цельз, Марцелла, Цервилий Сцевола ва, айниқса, Сальвий Юлиан дигесталари анча машҳур бўлган.

Рим юристларининг асарлари ичida рим хукуқини ўқув мақсадларида тизимли баён қилувчи **институциялар** муҳим ўрин эгаллаган. 143 йилги **Гай институциялари** жуда машҳур бўлган. Уларда кенг хукуқий материалларнинг қисқача, лўнда ва мантиқан изчил жойлаштирилган баёни берилган.

Гай институциялари асосан фуқаролик (цивил) хукуқини ҳал қилишга бағишлиланган, лекин претор эдикти бўйича қатор қўшимчаларни ўз ичига олган. Улар бошқа рим юристларининг институцияларидан анча тўла ва аниқ баён қилинганилиги билан фарқ қилган. Уларда фуқаролик хукуқининг изчил ва мантиқий бўлиниши берилган: "Биз фойдалана-диган барча хукуқ ё шахсларга, ёки ашёларга ёхуд даъволарга тааллуқли" (1.8). Гарчи, кўп олимлар Гай томонидан фойдаланилган тизимни оригинал (мустақил равишда ишланган, юзага келган) деб ҳисоблашмаса-да, у хукуқни тушишида олға ташланган муҳим қадам бўлган. Бу ерда илк бор моддий хукуқ жараёнидан, индивидуал (алоҳида) хукуклар - уларни ҳимоя қилиш воситаларидан ажратилган.

Хукукий хужжатнинг уч қисмли гурухлаштирилишига қарамай, Гай институциялари шахслар, ашёлар, мажбуриятлар, даъволар ҳақидаги 4 китобга бўлинган. Оқибатда институт номини олган бу тизим хукуқнинг кейинги тарихига катта таъсир кўрсатган.

Бирок, классик даврнинг, ҳатто, энг порлоқ ва кенг, чукур маълумотли юристлари мавхум фикр юритишга ва оддий назариябозликка мойил бўлмаганлар. Улар хусусий хуносалар чиқариш ва бошқа мантиқий методлар ёрдами билан алоҳида, гарчи қийин бўлса ҳам, хукуқий казусларни ҳал этишга ҳаракат қилганлар. Айнан шу бөиे улар, ҳатто,

ўз асарларида мавхум тузилишлардан, умумлашмалардан ва таърифлардан ўзларини четга олганлар. Явolen Приск сўзи билан айтганда, "Фуқаролик хукуқидаги ҳар қандай таъриф ҳавфлидир: уни рад этиб бўлмаслик камдан-кам бўлган". Шу муносабат билан рим классик юриспруденциясида цивил ва претор хукуки учун мухим бўлган даъво (*actio*), мулк (*dominium*), шартнома (*contractus*), сервитутлар (*servitutes*) ва бошка шу каби тушунчаларнинг таърифи учрамайди. Лекин унда хукукий муаммоларнинг конкрет, ҳаётний ва суд ҳал қилишига лойиқ кўпдан-кўп ёрқин намуналари мавжуд.

Римда императорлик бошқарувининг ўрнатилиши билан юристларнинг **амалий фаолияти - хукукий маслаҳатлар бериси** фаоллашган. **"Жавоблар"** деб ном олган бу **консультациялар** (маслаҳатлар) судьяларга катта таъсир ўтказган. Судьялар кўпинча обрўли юристларнинг фикрларига риоя қиласар эдилар.

Император Август **расмий аҳамиятга эга бўлган (jus respondendi) жавоблар** беришни фақат маълум доирадаги юристларга рухсат этиб, уларнинг фаолиятини бирмунча ягона шаклга келтиришга ҳаракат қилган. Бу юристлар ўз жавобларини (консультацияларини) ёзиб қўйишлари, уларга ўз мухрларини қўйишлари, бу билан хукукий манбанинг ошкоралигини тасдиқлашлари лозим бўлган. Бундай тартиб император Адриан даврида ўрнатилган бўлиб, бунга кўра, фақат белгиланган айрим юристларнинг фикри хукукий, яъни мажбурий кучга эга бўлган. Агар бундай юристлар бирор масала юзасидан умумий розиликка келсалар, судья қарорлар чиқаришда у билан ҳисоблашиши лозим бўлган.

II-III асрларда рим юриспруденциясининг хукуқ манбайи сифатидаги обрўсининг мустаҳкамланишида императорлар томонидан таникли юристларни ўзларига тез-тез яқинлаштириб туришлари, уларни давлатнинг мухим мансабларига (преторий префектлари ва ҳ.к.) тайинлаб қўйишлари факти ёрдам берган. Масалан, Септимий Север императорлигида Папиниан давлат лавозими мартабасига қўйилган (кейин Каракалла буйруғи билан ўлдирилган эди). Александр Север даврида - Павел ва Ульпиан давлат лавозимиға эришган ва ҳоказо.

Постклассик даври хукуқининг манбалари. Доминат даврида қулдорлик тизмининг чукур инқирози муносабати билан рим хукуқида баъзи унча катта бўлмаган ўзгаришлар юз берган, лекин унинг асосий институтлари амалда илгариги қўринишида сақланиб қолган. Бу вақтда айнан хукуқ манбаларида бир

мунча ўзгаришлар бўлган. Уларнинг ичидаги императорлар қонунларининг аҳамияти тобора ортиб борган. Императорлар тўла ҳокимиятчилигининг ўрнатилиши муносабати билан юристлар янги авлодларининг мажбурий характердаги консультациялар бериш ҳуқуқи йўқотилган, янги ҳуқуқий меъёрларни таърифлаб бериш имкониятлари тутатилган (худди, илгари преторлар билан қилинганидек).

Асарлари ва фикрлари илгаригидек ҳуқуқ манбаи сифатида кўриладиган классик юристларнинг сони қисқарган. **426 йилги қонунларга биноан, фақат бешта юрист: Папиниан, Павел, Ульпиан, Гай ва Модестиннинг асарлари юридик кучга эга эканлиги тан олинган.** Судьялар бу юристларнинг умумий фикрини аниқлашлари лозим бўлган. Агар бу юристлар ўртасида турлича фикр мавжуд бўлса, кўпчиликнинг фикрига қаралган. Агар овозлар тенг бўлса, **Папинианнинг фикри ҳал қилувчи деб тан олинган.** Агар бундай ҳолда Папиниан фикр билдирамаса, судья мустақил ҳаракат қилиши мумкин бўлган.

426 йилдаги қонунларга мувофиқ бошқа Рим ҳуқуқшunosлари - **Сцевола, Сабин, Юлианнинг** қарашлари ва кўрсатмалари ҳам эътиборга олинган, фақат булар юқоридаги беш даҳонинг фикрига зид келмаслиги лозим эди.

Рим ҳуқуқи собиқ ҳаракатчанлигининг йўқотилиши, цивил ва претор ҳуқуқи ўртасидаги чегараларнинг олиб ташланиши (чунки бундай бўлиниш ягона императорлик қонунчилигига ўз мазмунини йўқотган эди) кодификация ишларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратган. Айниқса Рим империясининг шарқий қисмида (Византияда) ҳуқуқни тизимлаштириш бўйича қизғин ишлар қилинган. Бу ерда III аср охирида рим ҳуқуқининг хусусий тўпламлари - **Грегориан кодекси** ва **Гермогениан кодекси** тузилган. Улар ўз ичига 196 йилдан 365 йилгача чиқарилган императорлар қонунларининг асл матнларини киритган. **438 йилда эса императорлар конституцияларининг биринчи расмий кодификацияси амалга оширилган (Феодосия кодекси).** Феодосия тўпламишининг ўзига хос хусусияти шундан иборат эди, у фақат ҳаракатдаги императорлик қонунчилигини ўз ичига олган ва кодификация ишларининг анча юқори даражаси натижаси бўлган.

Рим ҳуқуқининг кенг қамровли кодификацияси Фарбий Рим империяси кулагандан сўнг Византия императори Юстинианнинг буйруғи билан 528-534 йилларда ўтказилган. Кодификация ишларига раҳбарликни таниқли юрист **Трибониан** амалга оширган. Рим ҳуқуқининг қатор йирик тўпламларини тузиш комиссия ишларининг натижаси бўлган.

Бирок, бу тўпламлар **интерполяцияга** - анча кечки намуналарнинг, жумладан, юонон ва шарқ ҳуқуқи меъёрларининг киритилишига учраган. Ҳуқуқ тарихининг анча кечки босқичида (эндилиқда ўрта асрларда) бу тўпламлар **Юстиниан-нинг ягона қонунлар тўплами** (*Corpus juris civilis*) сифатида майдонга чиқкан.

Императорнинг бевосита раҳбарлигидаги кенг кодификация ишлари Юстиниан кодексини тузишдан бошланган. 528 йил февраляда 10 та олий мансабдор шахслар ва ҳуқуқшунослар таркибида комиссия тузилиб, унга Кодексни тайёрлаш вазифаси юкландган. Комиссия аъзолари ичida Трибониан ва Феофия айниқса ажralиб турган. Комиссияяга илгари чиқарилган ҳусусий ва расмий тўпламлардан, ҳусусан: Григориан ва Гермогениан кодексларидан, Феодосия кодексидан Фойдаланиб, императорлик конституцияларини бир бутун қилиб тўплаш, улардаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш, эскириб қолган қонунларни чиқариб ташлаш ваколатлари берилган. Юстиниан кодексининг биринчи таҳрири ҳайратланарли даражада ниҳоятда тезлик билан тузиленган ва 529 йил 7 апрелда нашр этилган (лекин бу нашр бизгача етиб келмаган). Унга киритилмаган қонун ҳужжатлари бундан бўён кучдан қолган (бекор қилинган).

Кодекс тузишдаги шошма-шошарликлар унда бир қанча камчиликларга - унда бир-бирига қарама-қарши меъёрларнинг, эскирган қоидаларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлган. Булар, айниқса, Юстиниан кодификациясининг бош қақимлари тузилаётганда маълум бўлиб қолган. Юстиниан қонунчилигидаги, айниқса "Элликта қарор" тўпламидаги қатор янги киритилган тартиб-қоидалар (Фуқаролик ҳуқуқи ва "халқлар ҳуқуқи" ўртасидаги, квирит мулки ва бонитар мулки ўртасидаги фарқларнинг бекор қилиниши ва бошқалар) Юстиниан кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишини тақозо қилган. Бу иш 534 йилнинг бошида Трибониан бошлигидаги бешта юристдан иборат комиссияга топширилган. Кодекснинг қайта ишланган варианти (у айнан шундай ҳолида сақланиб қолган) 534 йил 16 ноябрда зълон қилинган, уша йили 29 декабрда эса унга қонун кучи берилган.

Юстиниан Кодекси XII жадвал қонунлари намунасида ўн иккита китобга бўлинган. 1-китобда черков ҳуқуқи ва христиан илоҳиёти масалалари кўрилган. 2 - 8-китоблар ҳусусий (шахсий) ҳуқуқнинг турли масалаларига бағишиланган. 9 - 12-китобларда оммавий ҳуқуқнинг турли томонлари (маъмурий бошқарув, жиноят ва жазо ва ҳ.к.) устида тўхтаб ўтилган. Ҳар бир китоб титулларига, титуллар эса парчаларга бўлинган.

Императорлар конституциялари кодексда алоҳида титуллар доирасида хронологик тартибда жойлаштирилган. Кодексда фойдаланилган энг қадимий император конституцияси - 117 йилги Адриан Конституцияси бўлса, энг охиргиси 534 йил 4 ноябрдаги Юстиниан Конституцияси бўлган. Парчалар алоҳида конституцияларнинг матнини ўз ичига олиб, бу конституциялар уларни чиқарган императорлар ҳақидаги, улар кимга бағишлиланган бўлса, ўша шахслар ҳақидаги, уларнинг чиқсан вақти ва жойи ҳақидаги маълумотларни қамраб олган. Кодекс тузувчиларга парча сифатида келтирилаётган қонун-қоидаларга муҳим ўзгаришлар киритишларига (тахрир қилиш, қисқартириш ва ҳ.к.) рухсат этилган. Буни кодификациянинг тегишли матнларини Феодосия кодекси билан солиштирганимизда яққол кўришимиз мумкин.

Император Юстиниан кодексида фойдаланилган материалларнинг бойлиги (кўплиги) бўйича ажralиб турадиган энг муҳим қисмни дигесталар ёки пандектлар ташкил этган. **Пандект** ибораси юон тилидан олинган бўлиб, "ўз ичига ҳаммасини олиш" деган маънони билдиради.

Юстинианнинг 530 йил 12 декабрдаги маҳсус конституциясида баён қилинган мўлжали (нияти) бўйича унинг дигесталари классик даврнинг ҳукукий меросини ўз ичига олган кенг қамровли тўплам бўлиб қолиши лозим эди. Дигестани тайёрлаш иши Трибониан раҳбарлигидаги маҳсус комиссияга топширилган. Бу комиссияга атоқли чиновниклар ва амалиётчилар билан бирга Константинопол ва Байрут ҳукуқ мактабларининг машҳур профессорлари Феофия, Грациан, Дорофей ва Анатолий ҳам киритилган. Дигесталарни тузувчиларга (кейинроқ улар компиляторлар деб атала бошланганлар) классик ҳукуқшунослар ("қадимги юристлар") матнларини танлаб олиш ва қисқартириш бўйича, уларда учрайдиган қарама-қаршиликларни, такрорлашларни ва эскирган қоидаларни бартараф этиш бўйича, уларга императорлар конституцияларини ҳисобга олган ҳолда бошқа ўзгаришлар киритиш бўйича кенг ваколатлар берилган.

Комиссия дигесталар устида ишлаш жараёнида икки мингта асарни кўриб чиқсан ва улардан фойдаланган, 3 миллион мисрага ишлов берган. У низоли масалалар келиб чиқсан ҳолда тушунтириб бериш учун Юстинианга мурожаат қилган. Юстиниан "Элликта қарор"ни ташкил этган тегишли конституциялар чиқарган. Дигесталар уларда фойдаланилган материалларнинг ҳажмини ҳисобга олганда жуда қисқа

муддат ичида тайёрланган ва 533 йил 16 декабрда маҳсус Конституция билан эълон қилинганди.

Дигесталар милоддан аввалги I асрдан эрамизнинг IV асригача яшаб ўтган кўпдан-кўп рим хукуқшуносла-рининг китобларидан олинган 9 мингдан ортиқ матнларни ўз ичига қамраб олган, 150 мингга яқин мисрали ноёб хукукий ёдгорлик ҳисобланади. Дигесталарда Ульпиан, Павел, Папиниан, Юлиан, Помпоний, Модестин асарларидан бошқаларга қараганда кўпроқ парчалар келтирилган. Масалан, уларда Ульпиан матнлари 1/3, Павел-ники - 1/6, Папинианни эса 1/18 қисмни ташкил этади.

Дигесталар тузилиши жиҳатдан 7 қисмга (матнинг ўзида бунақа бўлим йўқ) ва эллиқта китобга бўлинган, китоблар (легатлар ва фидеикомисслар ҳақидаги 30-32-китоблардан ташқари) титулларга бўлинган. Титуллар ўз номларига эга бўлган ва парчалар (фрагментлар)дан иборат бўлган. Парчаларнинг катта-кичиклиги ва сони бир хил бўлмаган. Ҳар бир парча ўз ичига бирор хукуқшуноснинг асаридан олинган матнни қамраб олган. Парча цитата қаердан олинган бўлса, ўша ишнинг муаллифи ва номи кўрсатилган.

Дигесталарнинг мазмуни жуда кенг ва ранг-баранг бўлган. Уларда одил судлов ва хукуқнинг баъзи умумий масалалари кўрилган, хукукни оммавий (публичное) ва хусусий хукуқга бўлинишига асосланган, рим хукуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши очерки, қонун тушунчаси ва бошқалар баён қилинган. Оммавий (публичное) хукуқка нисбатан кам ўрин ажратилган, яъни у асосан 47-50-китобларда назарда тутилган жиноят ва жазо ҳақидаги жараён, фиск хукуклари, шаҳар бошқаруви, ҳарбий пекулий ва бошқалар ҳақидаги меъёрларни ўз ичига олган. Бу ерда халқаро хукуқ доирасига тааллуқли масалалар: уруш олиб бориш, элчилар қабул қилиш ва жўнатиш, чет элликларнинг хукукий ҳолати ва бошқалар ҳам берилган.

Дигесталарда хусусий хукуқ анча тўлиқ берилган. Айниқса, уларда меросга (қонун ва васият бўйича), никоҳ муносабатларига, ашё хукуқига, шартноманинг бир қанча турларига кўп эътибор берилган. Бу ерда постклассик рим хукуки учун характерли бўлган кўпгина янги тенденциялар: пре-тор ва фуқаролик (цивилное) хукуқининг қўшилиб кетиши ва фуқаролик хукуқидаги кўпгина расмиятичилклар (масалан, ашёларни манципацияли ва манципациясиз ашёларга бўлиниши)нинг бартараф этилиши, ота ҳокимиятининг юмшатилиши, легатлар ва фидеикомисслар ўртасидаги фарқларни йўқотиш кабилар ўз аксини топган. VI асрда шархловчилар рим классик юриспруденциясини Визан-

тия шароитларига мослаштиришга ҳаракат қилиб, унга янги қоидалар киритгандар, кўпинча дастлабки матнни бузиб кўрсатгандар. Улар буни ҳақиқий муаллифнинг номидан (интерполяция) қилгандар. Классик матнларга киритилган кўп ўзгаришлар бевосита компиляторлар томонидан эмас, балки ишларнинг нусхасини тузувчилар томонидан амалга оширилган.

Дигесталар лотин тилида ёзилган, лекин кўп иборалар, баъзан эса бутун-бутун парчалар (Марциандан, Папиниандан ва Модестиндан олинган) юонча берилган. Юнистиниан Дигесталарга қонун кучини бериб, уларни шарҳлашни, шунингдек эски қонунларга ва ҳукуқшуносларнинг асарларига ҳавола қилишни тақиқлаган.

Юнистиниан Дигесталарининг дастлабки матни сақланиб қолмаган. Унинг анча қадимий ва тўлиқ нусхаси (флорентин кўлёзмаси) VI ёки VII асрларга тааллуқли. XI-XII асрларда тузилган Юнистиниан Дигесталарининг бир қанча нусхалари ҳам сақланиб қолган, лекин уларда кўп қисқартиришларга, шунингдек, бузиб кўрсатишларга йўл қўйилган.

Юнистиниан кодификациясининг ўзига хос қисми **Институциялар** - "ёшлигидаги қонунларни севадиган" императорга қаратилган ҳукуқнинг содда дарслиги бўлган. Институциялар тузиш учун Юнистиниан кўрсатмаси билан 530 йилда Трибониан (раис) ва ҳукуқ профессорлари Феофил ва Дорофейдан иборат бўлган маҳсус комиссия тузилган. Юнистиниан Институцияларининг ҳақиқий муаллифлари Феофил ва Дорофей бўлган эди, чунки Трибонион бу вақтда Дигесталар тайёрлаш билан банд эди. Институциялар 533 йил 21 ноябрда чиқарилган ва ўша йилнинг ўзидаёқ (Дигесталарни эълон қилиш билан бир вақтда) император қонуни кучини олган, расмий ҳукуқ манбаи сифатида кўлланила бошланган.

Юнистиниан Институцияларининг асосига **Гай асарлари** (Институциялар ва "Кундалик ишлар"), шунингдек **Флорентин, Марциан, Ульпиан** ва **Павел** Институциялари кўйилган эди. Уларга дигесталар, шунингдек, қатор императорлик конституциялари ҳам маълум даражада таъсир этган. Юнистиниан Институциялари Дигесталарга қараганда камроқ бўлса-да, постклассик (кечки рим, Византия) ҳукуқ белгиларини акс эттирган. Улардан кўпгина эскирган ҳукуқий институтлар (масалан, кўлланилмай кўйган никоҳ шакллари, легисакцион ва формуляр жараён ва бошқалар) чиқариб ташланган эди. Бошқа томондан, унга кўпгина янги қоидалар, хусусан, юридик шахсга, колонатга, конкубинатга, кодициллага ва бошқаларга тааллуқли қоидалар киритилган.

Юстиниан Институцияларыда баъзи масалалар Гай Институцияларига қараганда батафсилоқ ишлаб чиқилган. Масалан, унда ашё ҳуқуқини классификация қилиш янада ривожлантирилган, мажбуриятларнинг келиб чиқиш асослари доираси кенгайтирилган, хусусан, квазиделиктлар қўшилган.

Юстиниан Институциялари ҳам Гай Институциялари сингари тўртта китобдан иборат бўлган. Улар Дигесталар тавсири остида титулларга, титуллар алоҳида парчаларга бўлинган эди. Гарчи Юстиниан Институцияларининг тизимга солиниши Гай Институцияларидан ўзлаштириб олинган бўлса-да, улардаги ҳужжатларнинг жойлаштирилишида баъзи фарқлар мавжуд.

I китобда одил судлов ва ҳуқуқ, шахсларнинг ҳуқукий ҳолати, эркинликка қўйиб юборилганлар, никоҳ, оталик ҳокимияти, васийлик ва ҳомийлик ҳақида умумий маълумотлар берилган. II китоб ашё ҳуқуқига бағишланиб, унда ашёлар бўлинишининг ва хусусиятларининг янги услублари батафсил кўриб чиқилган, уларни ўзлаштиришнинг янги усуллари кўзда тутилган. Бу ерда васиятлар ва легатлар ҳақида ҳам гапирилган.

III китобга васиятсиз меросга, когнатлик қариндошлилиги даражасига ва бошқаларга тааллуқли титуллар киритилган. Бу китобда мажбуриятлар ҳақидаги умумий қоидалар баён қилинган ва шартномаларнинг алоҳида турлари мусассал ёритилган. Гай Институцияларидан фарқ қилиб, деликтлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар IV китобга киритилган. Унда келтирилган заарни ундириш ҳақидаги Аквилий қонуни батафсил кўриб чиқилган. Сўнгра ҳукуқларни ҳимоя қилиш (турли даъволар ва интердиктлар) масалалири кўриб чиқилган. Юстиниан Институциясининг якуний қисмига иккита титул қўшимча қилинган. Уларда кишиларнинг мажбуриятлари ва императорлик қонунчилигида маҳсус ишлаб чиқилган турли кўринишдаги жиноятлар (аъло хазратларини таҳқирлаш, бевафолик қилиш (эр-хотиннинг ҳиёнат қилиши), отасини ўлдириш, сохта нарсалар ясаш ва ҳ.к.) санаб ўтилган.

Юстиниан Институциялари тарихий манба сифатида Юстиниан кодекси ва Дигесталарига қараганда камроқ қимматга эга, лекин улар кенг масалалар бўйича ҳуқукий материалнинг системали қисқа ва аниқ баён қилиши билан шубҳасиз юқори қимматга эгадир. Юстиниан Институцияларининг асл матни сақланиб қолмаган, унинг энг қадимги нусхаси IX асрга тааллуқли.

Юстиниан кодификацияси Рим хукуқининг бутун ўтган тарихини бир жойга тўпловчи якуни бўлиб, унинг кўп асрлардан бўён ривожланишига ўзига хос тарзда чегара қўйган. Шунинг учун Юстиниан қонунлари тўплами, гарчи баъзи постклассик ва соф Византия белгиларини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, ўз асоси билан рим хукуқининг манбаи хи-собланади.

535-555 йилларда юқорида кўрсатилган рим хукуқининг учта тўплами Юстинианнинг ўз конституциялари (новеллалари) тўпламлари билан тўлдирилган. Буларда энди рим хукуки хусусиятлари эмас, балки кўпроқ даражада Византия жамияти ва давлати ўз ифодасини топган эди. Бироқ бу хужжатлар хусусий шахслар томонидан тузилган эди ва расмий характерга эга бўлмаган эди. Улар орасида энг каттаси 168 новеллани ўз ичига олиб, унинг 153 таси Юстинианга тегишли бўлган. Анча кейин (ўрта асрларда) Юстинианнинг новеллалар тўпламлари **Corpus juris civilis** (**Юстиниан-нинг қонунлар тўплами**)га 4-китоб сифатида киритила бошланган.

3. Энг қадимги даврда Рим хукуки

Умумий Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарига қадар **тавсиф**. квирит хукуки танҳо ҳукмрон хукуқий тизим бўлиб келган. У ўзининг муқаддас характеристи, кўп даражада анъанавийлиги, қадимги рим хукуки (квирит одатлар ва маросимлар) билан боғликлиги билан ажralиб турган. Бу хусусиятлар, айниқса, XII жадвал қонунларида ҳам ўз ифодасини топган эди. Квирит ёки цивил (айнан - фуқаролик, яъни рим фуқароси билан боғлик) хукуки ўзида кичик дехқончилик давлати - жамоа шароитларида келиб чиққанлиги белгиларини кўтариб юрган. У барча босқичларда фақат рим фуқаролигига эга бўлган шахсларга нисбатан кўлланилган (перегринларга, яъни ажнабийларга эмас) ва рим фуқаросининг имтиёзи сифатида кўрилган.

. Квирит (фуқаролик) хукуки рим фуқаросига кўп ваколатлар, хусусан, республика сиёсий ҳаётида иштирок этиш, давлат фондидан ер участкаси олиш каби имкониятларни берган. Бундай хукуқларга эга бўлмаган плебейлар бутун илк республика даврида патрицийлар билан хукукларининг тенглаштирилиши учун кураш олиб боргандар. Натижада фуқаролик хукуқида кўзда тутилган барча имтиёзлардан плебейлар ҳам фойдаланадиган бўлган.

Квирит хукуки илк синфий жамиятнинг нисбатан қолоқ муносабатларини акс эттирган. У узоқ вақт коҳинлар - понтификлар фаолияти билан боғлиқ бўлган. Ва, ҳатто, унда

аста-секин дунёвий асослар кучайиб борса-да, ўзида кўпгина дабдабаликни ва маросимиilikни сақлаб қолган. Шу билан бирга у талабчанлиги, шафқатсизлиги, аниқ таъкидланганлиги билан ажралиб туради. Архаик рим ҳукуқида, айникса, энди мулкий муносабатлар ва биринчи навбатда хусусий мулк ҳукуқи (*dominium ex jure quiritium*) аниқ тартибиға солинган. Хусусий мулк ҳукуқи мулк эгасининг ўз ашёси устидан тўла ҳукмронлиги (*plena in re potestas*) сифатида кўрилган. Лекин фуқаролик жамоаси ерларни ва бошқа хўжалик ҳукуқи учун муҳим ва оиласи ҳарактерга эга бўлган мулкларни тасарруф этишни олий назорат қилиш ҳукуқини узоқ вақтгача сақлаб қолган.

Квирит ҳукуқида тантанали суд одатларига қатъий амал қилиш катта ахамиятга эга бўлган. Шу боис бу даврда шакл мазмундан, суд жараёни эса - моддий ҳукуқдан устун турган. Расмиятчилик илк синфий жамиятда ҳаётнинг патриархал укладини сақланиб қолиши ва қайтадан тикланиши учун ёрдам берадиган мустаҳкам ҳукуқий тартиботни ушлаб туриш шартларидан бири бўлган. Лекин у объектив жиҳатдан фақат хусусий мулкчилик муносабатларининг ривожланишинигина тўхтатиб қолмасдан, балки ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг демократик шаклларини ҳам тўхтатиб қўйган. Милоддан аввалги III асрга келиб ўзининг ижтимоий моҳиятига кўра консерватив (мутаассиб, эскиликни ёқловчи) бўлган фуқаролик ҳукуқи савдо айланишининг ўсиши йўлидаги маълум тўсиққа айлана бошлаган ва гуркираб ривожланаштган қулдорлик тизимининг эҳтиёjlари билан қарама-қаршиликка учраган.

Манципация. Римда энг қадимги даврдаёқ ашёвий ҳукукларга эга бўлиш усуулларига ва ашёларни классификация қилишга катта эътибор берилган. Умумий фойдаланишда бўлган ашёлар (ҳаво, денгиз ва бошқалар), шунингдек, хўжалик учун муҳим бўлган бошқа ашёлар (жамоат ери - *ager publicus*) мулкий, савдо оборотида бўлмайдиган (*res extra commercium*) деб кўрилган. Бироқ давлат ерлари патриций зодагонлар томонидан талон-тарож қилиниб борган, натижада булар йирик ер эгаллиги пайдо бўлишига олиб келган. Шу боис жамоат фондидан ер участкалари ажратиб берилиши ҳақидаги масала бўйича плебейлар билан патрицийлар ўртасида шиддатли кураш келиб чиқиб, у Республика даврининг анча вақтларигача давом этган. Бу кураш милоддан аввалги 367 йилдаги Лициний қонунининг қабул қилиниши билан бироз юмшаган. Бу қонунга биноан ерлардан фойдаланишда плебейлар ва патрицийлар тенг ҳукукларга эга бўлганлар. Бундан

ташқари, қонунда жамоат фондидан ажратиладиган ер участкасининг энг юқори миқдори 500 югер (125 гектар ат-рофида) қилиб белгиланган ва ундан ошмаслиги лозимлиги ўрнатилган.

Фуқаролик ҳуқуқида хўжалик оборотида бўлган ашёларнинг энг кўп бўлинниши мулк ҳуқуқининг обьектлари ҳам бўлиши мумкин. Улар **манципацияли (res mancipi)** ва **манципациясиз (res nec mancipi)** ашёларга бўлинган. 1-гурухга Италиядаги ерлар, қуллар, ийрик уй чорваси, ер сервитутлари, яъни архаик даврда колектив оила мулки сифатида майдонга чиқкан ашё ҳуқуқининг иқтисодий жиҳатдан муҳим обьектлари кирган. 2-гурухга - қолган барча ашёлар кириб, уларга эгалик қилиш якка тартибда амалга оширилиши мумкин бўлган.

Рим юристи Гайга бориб тақаладиган анъанавий нуқтаи назарга биноан 1-гурухни ташкил этган ашёларнинг бегоналаштирилиши фақат маципациялар орқали, яъни алоҳида, маҳсус мураккаб ва тантанали расм-руслар (маросимлар) талаб қилувчи тартиблар йўли билан амалга оширилиши мумкин. Маниципация "мислар ва тарозилар воситасида" тузиладиган ўта расмий битимлар қаторига кирган. У бешта гувоҳ ва битта тароз ушлаб турувчининг таклиф этилишини тақозо қилган. Харидор қўлида мис бўлагини ушлаб турган ҳолда кўйидаги тантанали формулани¹ айтган: "Тасдиқлайманки, ушбу қўл квирит ҳуқуқи бўйича менга тегишли ва у мен томондан шу металлга ва шу мис тарозилар орқали сотиб олинган деб ҳисобланиши лозим". Сўнгра у ушбу металл билан тарозига урган (бу одат ҳали зарб қилинган монеталар бўлмаган вақтда вужудга қелган) ва уни маниципация йўли билан кимдан ашё сотиб олган бўлса, ўша шахсга сотиб олинган сумма сифатида ўтказган. Маниципациясиз ашёлар ҳеч қандай расмиятчиликсиз мис учун ёки пул учун уларни оддий (анъанавий) ўтказиш йўли билан сотилган.

Энг қадимги ҳуқуқиа маниципацияли ашёларга ҳам, маниципациясиз ашёларга ҳам қўлланиши мумкин бўлган мураккаб одат йўли билан мулк ҳуқуқи ўтказилишининг яна бир расмий усули маълум. Мазкур тартибот претор иштирокида ўйналадиган сохта суд тортишувидан иборат бўлган. Бунда харидор бегоналаштирилаётган ашё унга тегишли эканлигини кўрсатган ва ўзининг мулк ҳуқуқини тантанали равишда изҳор қилган ("мазкур ашё квирит ҳуқуқи бўйича менга тегишли"), ашёни бегоналаштирувчи бундай тасдиқка қар-

¹ Қоиданинг қисқа ва аниқ таърифи, ифодаси.

**шилил билдирмаган ва претор мазкур ашёни олувчига гүё-
ки унинг мулки сифатида тақдим қилган.**

Энг қадимги даврдаёқ Римда мулкка узоқ вақт эгалик қилиб туриш натижасида ҳам мулкка эга бўлиб олиш (сотиб олиш) мумкин бўлган XII жадвал қонунлари фақат ўғирланган ашёларга нисбатан муддат бўйича мулк ҳуқуки олишини тақиқлайди. Ҳаракатдаги ашёлар учун эгаллаб олиш муддати бир йил, кўчмас ашёлар учун - 2 йил ўрнатилган. Бу усулдан ашёни эгаллаб олувчи баъзи ҳолдагина фойдаланган. Масалан, агар манципация вақтида расмиятчиликларга тўлиқ риоя қилинмаса (квирит ҳуқуқининг қаттиқ қўллиги остида) харидор ашёга нисбатан мулк ҳуқуқини олмаган ва квирит мулк эгаси мулкнинг қайтарилишини хатто суд орқали талаб қилиши мумкин бўлган.

Сервитутлар. Ашё ҳуқуқининг қадимги даврдаёқ пайдо бўлган алоҳида тури **сервитутлар - одатларда ёки қонунда мустаҳкамланган ва қаттиқ чеклаб кўйилган бегона ашёлардан фойдаланиш ҳуқуки бўлган.** Сервитутлар хусусий мулк билан бирга ва қўши участкалардаги мулк эгалари ўзаро муносабатларини аниқ юридик тартибга солиш зарурити билан ўсган. Уларнинг хўжалик учун муҳимлиги сабабли сервитутлар манципиляцияли ашёлар категориясига (туркумига) мансуб бўлган. Уларнинг ичида: қўши участка орқали ўтиш, чорва ҳайдаб ўтиш, транспортда юк олиб ўтиш, қўши участкадан сув олиб чиқиш ҳуқуқлари қадимий ва муҳим бўлган. XII жадвал қонунларида ҳам сервитутлар алоҳида кўриб чиқилган. Масалан, қонунларга биноан 15 футдан баланд бўлган дараҳтлар сояси қўши участкага зарар келтирмасин учун бутунлай кесиб ташланган (VII, 9а), қўши участкадан тўкилган чўчқаёнгоқлар (дуб дараҳтининг меваси)ни теришга рухсат этилган (VII, 10).

Шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар. Энг қадимги даврда товарищадиган мажбуриятлар. пул муносабатлари ривожланмаган шароитда шартномалар (контрактлар) ҳали кам сонли бўлган ва очиқ қўринишдаги расмиятчилиги билан ажралиб турган. У ёки бу контрактнинг табиатини айнан уларнинг мазмуни эмас, ташқи қўриниши белгилаган. Энг қадимги шартномаларнинг бошқа белгиси - уларнинг бир томонлами ҳарактерга эгалигидир. Шартномада фақат бир томонга (кредиторга) талаб қилиш ҳуқуки берилган, бошқа томон (қарздорга)га фақат мажбурият юкланган.

Илк қулдорлик ҳуқуқи белгиларини анча яққол ифода этадиган контрактлар қаторига **нексум** киради. Унинг шаклида жуда хилма-хил мажбурият муносабатлари, жумладан, аренда, мулкни бегоналаштириш, қарз ифодаланган. Бу шартнома (манципацияга ўхшаб) бешта гувоҳ ва тарозибон иштирокида “мис ва тарози” ёрдами билан тузилган. Бу шартнома мисни тортишдан ва кредиторнинг қарздор мажбуриятлари мазмунини (қарз миқдори ва бошқаларни) белгиловчи маҳсус формуладаги нутқидан иборат сохта маросим йўли билан тузилган.

Агар қарздор бундай тартибда ўрнатилган суммани ўз мuddатида қайтармаса, кредитор “унинг қўлини боғлаб қўйган” ва 60 кун давомида ўз уйига қамаб қўйган. Бу вакт ичидаги қарздор уч марта бозор кунлари Форумга претор хузурига олиб келиниб, унинг қарзи суммаси эълон қилинган. Агар шу давр мобайнида қарздорнинг (кариндош-урулари ёки бошқалар томонидан) қарзи тўланмаса, у чет элга кул қилиб сотилган. XII жадвал қонунларида кўрсатилишича, қарздор бир неча кредиторларга қарзини дарҳол тўламаса, кредиторлар уни ҳатто бўлакларга бўлиб чопиб ташлаши мумкин бўлган. (III,6). Шубҳасиз, бундай ҳолларда қарзни узиш ҳақида маҳсус битимлардан ҳам фойдаланилган. Бироқ, қарз шартномасининг энг характерли белгиси шундан иборат эдики, қарзни ундириш қарздорнинг мулкига эмас, шахсига қаратилган эди. Қарз муносабатлари заминида кучли зиддиятларнинг ривожланиши милоддан аввалги 326 йилда Петелий қонунининг қабул қилинишига олиб келган. Бу қонунга биноан кредитор қарздорни кулга айлантириш ёки уни ўлдириш ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

Қадимиий даврларда пайдо бўлган контрактлардан яна бири - **стипуляция (stipulatio)** ҳисобланади. Бу шартнома-нинг расмий характеристи уни тузишда қаттиқ белгиланган нутқи формуласининг айтилишида намоён бўлади. Кредитор қарздорга қандайdir ҳаракат содир этиш мажбуриятини зиммасига оладими, деган саволни беради. Қарздор шундай сўзлар билан ўшандай ҳаракатни содир этишлиги ҳақидаги мажбуриятни зиммасига олганини тасдиқлайди. Дастреб савол ва жавобда **spondeo** (“**тантанали қасмёд қиламан**”) деган факат битта феъл (ибора) ишлатилган, **стипуляциянинг ўзи эса “спонсии” (sponsio) деган ном билан юритилган**. Нексумга ўхшаб стипуляция ҳам мавхумий контракт ҳисобланган, яъни ўзида муносабатнинг турли мажбуриятлари: қарз, ашёларни ссудага (қарзга) бериш, сақлаб беришга бериш ва ҳоказоларни ўз ичига олиши мумкин. Бироқ стипуляция факат манципациясиз ашёларга

нисбатан қилиниши мүмкін бўлган. Стипуляцион шартнома бўйича мажбуриятни бажариш фақат савол ва жавобда кўрсатилган ҳоллар билан қаттиқ чегараланган, холос. Стипуляциянинг бажарилиши унда кўрсатилган ҳаракатни қилиш билан бирга унга тескари тартибда (**акцептация**) тантанали процедура ўтказишни ҳам талаб қилган.

Деликтлар. XII жадвал қонунларида кўрсатганимиздек, Қадимги даврдаёк мажбуриятлар фақат шартномалардан эмас, балки **деликтлардан (хукуқбузарликлардан)** ҳам келиб чиқсан. Квирит хукуқида кўзда тутилган кўп деликтлар ҳали ижтимоий манфаатларни бузиш ҳисобланмаган, балки хусусий шахс хукуқига тажовуз сифатида, **хусусий деликт (delictum privatum)** сифатида кўрилган, уни содир этишлик хукуқбузар кишини жабрланувчининг қарздори мавқеига туширган.

XII жадвал қонунларига маълум бўлган шундай деликтлардан кўплари келажакда жиноят сифатида кўрила бошлиланган. Лекин квирит хукуки **бўйича хусусий хукуқбузарликлар туркумига шахсий озор етказиш (injuria), оғир тан жароҳати етказиш, шунингдек, ўғрилик (fur-tum) тааллукли бўлган**. Айбдор (очиғини айтганда, XII жадвал қонунлари бўйича айбга эътибор берилмаган, деликт содир этиш фактининг ўзи кифоя бўлган) зиммасидаги мажбурият аввало жабрланувчи фойдасига (25 ассадан 200 асгача) жарима тўлаш мажбуриятida ифодаланган. Бироқ тан жароҳати етказгандан таллионга ҳам йўл қўйилган. Агар ўғри жиноят устида кўлга тушса, дарра билан урилган. Ўгри калтаклангандан сўнг жабрланувчига берилган. Жабрланувчи унга қарзини тўламаган қарздордек муомила қилган. Кечаси ўғрилик қилган ўғри жиноят қилган жойида ўлдирилиши мүмкін бўлган. XII жадвал қонунларига биноан бирорнинг дарахтларини кесиш (VII, 11) ёки иморатларини ёки уй олдига тахланган буғдой фарамларини эҳтиётсизлик билан ёкиш (VIII, 10) натижасида жарималар тўлаш ва бирорга зарар етказиш кўринишидаги мажбуриятлар келиб чиқсан.

Халқлар хукуқига, хусусан, XII жадвал қонунларига **оммавий деликтлар (delictum publicum)**, яъни рим халқи номидан жазоланадиган жиноятлар ҳам маълум. Бундай жиноятлар учун жарималар хусусий шахслар фойдасига эмас, давлат фойдасига ундирилган. Бироқ, жиноятлар доираси ҳали унча кенг бўлмаган. Уларга аввало республикага қарши жиноятлар кирган. “Рим халқи душманларини Рим давлатига ҳужум қилишга” гижгижловчи ёки “рим фуқаросини душманга” (X, 5) сотувчи шахслар ҳам ўлимга

маҳкум қилинган. Бошқа жиноятлар ичидә, шунингдек, одам ўлдириш, тұхмат ёки бошқа шахсларни шарманда қилады-
ган күшикіларни түқиши ва айтиш, ёлғон гувохлик бериш,
қасдан үт қўйиш, бирорнинг ҳосилини яширинча хароб қи-
лиш, шунингдек бирорнинг экинини кечаси пайхон қилиш
ёки ўриш ва бошқалар ажралиб туради.

XII жадвал қонунларидан кўрсатилишича, ўлим жазоси кам
жиноятлар учун кўлланилган бўлса-да, лекин бу ҳақда кўп-
гина моддаларда эслаб ўтилган. Жиноятларнинг характеристи-
рига қараб ўлим жазоси турлича шаклларда кўлланилган.
Булар бошини кесиш, сувга чўқтириш, кўл-оёқларини бутга
тортиб миҳлаш, Торпея қоясидан ташлаб юбориш ва ҳока-
золардир. Аста-секин ўлим жазоси кўлланилмай борган ва
рим фуқаролари учун фуқароликни йўқотувчи ҳайдаб юбо-
риш жазоси ("олов ва сувдан маҳрум этиш") билан алмаш-
тирилган. Тан жазоларидан қамчи билан уриш, жарималар
ва мол-мулкини мусодара қилиш, фуқаролик ҳолатини чек-
лаш (масалан, магистрат бўлишни тақиқлаш), дафн этилиш
хуқуқидан маҳрум қилиш каби жазолардан ҳам фойдала-
нилган. Баъзи жиноятлар худоларни таҳқирлаш сифатида
кўрилган (масалан, патрон томонидан клиентга зарар етка-
зиш) ва диний лаънатланишга олиб келган.

Оммавий деликтлар (жиноятлар) тизимининг ривожлан-
маган ва оддийлиги шароитида энг қадимги рим хуқуқида
ҳали жиноий жавобгарликнинг умумий тамоиллари (айб,
жиноятда иштирок этиш даражаси ва бошқалар) ишлаб чи-
қилмаган эди. Фақат баъзи ҳоллардагина қасдан ва эҳти-
ётсизликдан қилган жиноятлар ажратиб кўрсатилган ва тур-
ли юридик оқибатларга сабаб бўлган. Алоҳида моддаларда
вояга етмаганлар учун жазоларнинг юмшатилиши кўзда ту-
тилган. Масалан, бирорнинг майдонида кечаси экинни пай-
хон қилган (VIII, 9), ўғрилик қилган жойда кўлга тушган (VIII,
14) вояга етмаганларга енгилроқ жазо назарда тутилади.
Энг қадимги даврларда ёқ жиноят хуқуқи хукмрон табақалар
манфаатига хизмат қилган. Умумий қоида бўйича, қуллар
озод кишиларга қараганда анча оғир жазоларга тортилган.
Қуллар озод кишиларга қараганда кўпроқ ўлимга маҳкум
қилинган.

XII жадвал қонунлари Қадимги рим хуқуқи патриархал
бўйича никоҳ ва оила. оилани мустаҳкамлайди. Никоҳ
эрнинг хотин устидан тўла ҳоки-
миятини ўрнатган. Лекин хотин, агар эри мустақил оила
бўлмаса, кўпинча уй хўжайнининг (эрнинг отаси) ҳоки-
мияти остида бўлган. Хотин ўзининг қариндошлари (ког-
натлари) билан тўла алоқани узган, янги уй хўжайнининг

ҳокимияти остига тушган ва эрининг оила аъзолари (агнатлар) билан қариндошлик муносабатларида бўлган. Эр ёки уй хўжайини унинг устидан чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган. Улар уни сотиши, қулга айлантириши ёки ўлимга маҳкум этиши мумкин бўлган. Қадимги даврда эрнинг ҳокимлигини чекловчи юридик меъёрларнинг йўқлиги эрнинг хотинидан ўзбошимчалик билан, қариндошларининг (агнатларнинг), баъзан эса хотини когнатларининг маслаҳатсиз фойдалиниш мумкин деган эмас эди. Уй хўжайини ва эрнинг ҳокимияти аста-секин юмшаб борган.

Никоҳга кириш учун иккала оила бошлиқларининг розилиги ва никоҳга кирувчиларнинг ҳам розилиги талааб қилинган. Никоҳ ёши аёллар учун 12 ёш бўлган, эркаклар учун кўрик-текширув йўли билан ўрнатилган. Ҳалқлар ҳукуқи бўйича фақат фуқаролар никоҳ тузишлари мумкин бўлган. Бундай ҳукуқка қуллар, перегринлар, лотинлар (Лотин урушларигача) эга бўлмаганлар. Узоқ вақтларгача патрицийлар ва плебейлар ўртасидаги никоҳга рухсат этилмаган. Бу тақиқ XII жадвал қонунларида ҳам ўз аксини топган. Лекин милоддан аввалги 445 йилда Канулей қонуни билан бу тақиқ бекор қилинган. Никоҳ турли шаклларда тузилиши мумкин бўлган. Жумладан, диний маросимлар йўли билан хотинни сохта сотиб олиш кўринишида (манципация типи бўйича) ёки эр ва хотинни бир йил давомида бирга яшаб туришлари натижасида никоҳ тузилиши мумкин. Агар эр хотин бир йил давомида бирга яшаб турсалар-да, шу вақт давомида хотин эрнинг уйидан уч кеча кетган бўлса, унда эрнинг хотин устидан ҳокимияти келиб чиқмаган.

Никоҳ эр-хотиндан бирининг вафоти билан ёки уларнинг ҳукуқ лаёқатини йўқотиши билан, шунингдек, ажralиш на-тижасида бекор қилинган. Энг қадимги даврда ажralиш жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлган. Ажralишга фақат эрнинг ташаббуси билан ва қатъий чекланган шартлар билан йўл қўйилган. Масалан, хотиннинг бевафолиги ёки ҳомилани йўқ қилиши эрга ажralиш ҳукуқини берган.

Қадимги рим оиласи учун кучли ота ҳокимияти ҳам характеристи бўлган. Отa болаларини қулчиликка сотиш, жазолаш ва ҳатто ҳаётидан маҳрум этиш ҳукуқига эга бўлган. Болалар мулкка мустақил эгалик қила олмаганлар. Улар томонидан сотиб олинган барча мулклар отасиники ҳисобланган. Ўғилнинг мажбуриятлари отага дахл қилмаган. Бирор ёки жабрланувчи деликт ҳолатида оила ҳокимияти остидаги жавобгарнинг отасини мулкий жавобгарликка тортиши мумкин.

Үгил қилиб олиш понтификлар иштирокида халқ мажлисида амалга оширилган. Бунда оила бошлиғи күпинча текин ишчи кучига эга бўлиш мақсадини кўзлаган. Үгил қилиб олиш оила аъзосини уч марта қулликка сохта сотиш йўли билан амалга оширилган. Энг қадимги рим ҳуқуқи ёш болалар ва эрга чиқмаган аёллар устидан ўрнатиладиган ҳомийликни, шунингдек, ақлдан озганлар ва исрофгарлар устидан ўрнатиладиган васийликни ҳам билади.

Архаик даврда рим ҳуқуқида ўлган уй эгасининг мулкини **мерос** қолдиришнинг иккита усули мавжуд бўлган. Умумий қоида бўйича мерос ўлган кишининг ("ҳокимияти остида-гиларга") болалари ёки набираларига ёхуд у билан яқин тувишган алоқаларида турувчи бошқа агнатларга ўтган. Факат агнатлар бўлмаган ҳолларда мулк ўлган кишининг бошқа қариндош-уруғларига ўтган. Римда васият бўйича мерос қолдириш жуда эрта вужудга келган. Бироқ дастлабки вақтларда болалари мавжуд бўлган мерос қолдирувчилар мулкни васият қилишлари мумкин эмас эди. Васият умумий қоидадан истисно сифатида кўрилгани учун халқ мажлислирида тасдиқланган. XII жадвал қонунларида кўрсатиладики, васият фармойишлари ўлим ҳолларида бузилмас хи-собланади (V, 3). Васиятда меросхўр ўрнатилиши билан бирга бошқа фармойишлар: ҳомийлар тайинлаш, қулларни эркинликка чиқариш, легатлар ҳам бўлиши мумкин. Васият бўйича мерос олувчилар меросдан бошқа кишилар фойдасига воз кечиши мумкин бўлган. Бунда мулқдан кимминг фойдасига воз кечилган бўлса, ушбу шахс меросхўрдан уша мулкни талаб қилиб олишга хақли бўлган.

Легисакцион Мазкур даврда Римда кўп суд ишлари ху-
жараён. сусий (фуқаролик) тартибда кўрилган. Энг
қадимги даврдан бошлаб суд тизими ва
жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти шундан
иборат эдики, **суд ишларини юритиш 2 та босқич: "ин
юре" (in jure) ва "ин юдицио" (in judicio)дан иборат
бўлган.**

Биринчи босқичда иш магистратлар томонидан (одатда претор томонидан) кўрилган. Бунда даъвогар ва жавобгар шахсан иштирок этиши лозим бўлган. XII жадвал қонунларида магистратга жавобгарнинг даъвогар томонидан чақиришнинг маҳсус тартиби ўрнатилган эди. Бунда агар жавобгар келмаса, даъвогарнинг ҳокимияти остига берилилган. Даъвогар уни "кўлини боғлаш", яъни унга қарзини тўламаган қарздордек муомала қилиши мумкин бўлган. Даъвогар претор хузурида жавобгарга нисбатан ўз даъволарини тан-

танали шаклда баён қилган. Агар жавобгар даъвогар билан келишса, у ҳолда суд жараёни биринчи босқичда якунланган. Бироқ, қоида бўйича, жавобгар ҳам ўз эътиrozларини тантанали тарзда баён қилган. **Судда томонлар ва магистрат томонидан қилинадиган диний маросимларга оид ва қатъий расмий ҳаракатлар, имо-ишолар ва сўзлар йигиндиси “легис акцио” (legis actio) дейилган. Легисакцион жараён деган ном ҳам шундан келиб чиқкан.** Бешта асосий легисакцион формула ишлаб чиқилган. Уларнинг ичида энг кўп тарқалгани *legis actio per sacramentum* бўлиб, бунга кўра, томонлар тантанали баёнотлар қилишлари билан бирга гаровга нарса кўйганлар. Бунда ишда ютқазган томоннинг гаровга кўйган нарсаси хазинага ўтказилган. Томонлардан бири гаровга кўйиш тартибини бўзса, унинг беихтиёр ишда ютқазишига олиб келган.

Агар иккала томон претор ҳузурида ўрнатилган тартибга риоя қилсалар, иш иккинчи босқичга ўтган ва претор томонидан тайинланган судья ёки судьялар ҳайъати томонидан кўриб ҳал қилинган. Бу босқичда томонларнинг вакиллари ва ҳимоячилари (адвокатлар) қатнашиш ҳукукига эга бўлган. Агар томонлардан бири узрли сабабсиз судга келмаса, ишда ютқазган. Бу босқичда суд жараёни қатъий шакллар билан боғлиқ бўлмаган. Судьялар далиллар билан танишганлар, томонларнинг ва улар ҳимоячиларининг нутқларини тинглаганлар. Судларнинг қарори қатъий бўлган ва шикоятга йўл қўйилмаган.

Жиноят ишларида иш юритувчи магистрат **инквизицига оид (шафқатсиз, ваҳшиёна)** тартибдан фойдаланган. Бутун процесс давомида у айбловни қўллаган, суроқ қилган. Агар консул ўлим жазоси ҳақида ҳукм чиқарса, буни ҳалқ мажлиси маъқуллагандан сўнггина ижро этиш мумкин эди.

4. Классик ва постклассик даврларда Рим ҳукуки

Халқлар ҳукуки ва Римнинг суд амалиёти ва юриспруденциясида классик даврда халқлар ҳукуки ва хусусий ҳукуқ.

Ишлаб чиқилган. Ҳар қандай цивилизацияга эришган жамиятда хусусий ва ихтимоий манфаатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни ифода этувчи бундай бўлиниш ҳукуқнинг кейинги тарихида чуқур из қолдирган. Ульпиан тавсифланганидек, халқлар ҳукуки рим давлати ҳолатига, хусусий ҳукуқ эса - алоҳида шахсларнинг фойдасига тааллуқлидир.

Халқлар ҳуқуқи императив (қатъий талаб қылувчи, амр, байруқ берувчи) характеристерга эга бўлган, ўз ичига ҳокимият бўйсуниш муносабатларини олган. Хусусий ҳуқуқда расман тенг, лекин жамиятда мулкий жихатдан нотенг бўлган шахсларнинг муносабатлари ўз ифодасини топган. Унинг субъектлари маълум ҳуқуқий ва хўжалик автономиясига эга бўлганлар. Хусусий манфаатларни кўриқлаш фақат манфаатдор шахсларнинг ташаббуси бўйича амалга оширилган.

Рим юристлари ўрнатганидек, халқлар ҳуқуқи "жамоат манфаати" ифодаси сифатида хусусий ҳуқуқдан устун турди ("хусусий битимлар халқлар ҳуқуқидан юз ўгириши мумкин эмас"). Лекин классик ва постклассик даврнинг халқлар ҳуқуқи хусусий ҳуқуққа нисбатан кам ишлаб чиқилган эди. Бундан ташқари, республика тартибларининг инқизози, сўнгра эса монархия тузумининг ўрнатилиши муносабати билан халқлар ҳуқуқи асосида ётувчи "жамоат манфаати" рим юриспруденциясида очиқдан-очиқ императорларнинг манфаатлари билан бошлана бошлаган. Империя даврида ўз подшосига содиқлик кайфиятидаги юристлар томонидан мазмунан янги халқлар ҳуқуқи яратилиб, у республика ва демократик анъаналар билан узилиб қолган, рим императорларининг ўзбошимчаликларини асослаган.

Хусусий ҳуқуқ классик даврда анча чукур ва нозик ишлаб чиқилган. У ўзида ривожланган товар-пул айланишининг объектив заруриятларини акс эттириб, илгариги расмиятчилигини бартараф этган ва товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган анча кенг доирадаги муносабатларни қамраб олган. Рим хусусий ҳуқуқи классик замонда ўз даври учун юридик техниканинг жуда юқори даражасига эришган. Айнан Римнинг хусусий ҳуқуқи ҳуқуқнинг кейинги тарихига катта таъсир кўрсатган, ўрта асрларда ва янги даврда кўп ҳуқуқий тизимлар томонидан қабул қилинган. Рим юриспруденциясининг ютуқлари, ҳатто, ҳуқуқи оммавий (халқлар) ва хусусийга бўлинмаган мактабларнинг ҳуқуқида ва юридик фанида ҳам фойдаланилади.

Ашё ҳуқуқи. Мулкий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш рим хусусий ҳуқуқида марказий ўрин эгаллайди. Ашё ҳуқуқи тушунчаси ҳали рим юристларига маълум эмас эди. Лекин улар **ашёвий даъволарни (actiones in rem)** мажбурият муносабатлари билан боғлиқ бўлган **шахсий даъволардан (actiones in personam)** аниқ ажратганлар.

Амалий мақсадлар учун классик ва постклассик даврнинг рим юристлари ашёларини қатор классификациясидан

фойдаланганлар. Ашёлар манципацияли ва манципациясиз (бундай бўлиниш илгариги аҳамиятини йўқотиб борган), **ҳаракатдаги ва кўчмас, бўлинадиган ва бўлинмайдиган, алмаштириладиган ва алмаштирилмайдиган** ва бошқаларга бўлинган.

Рим давлати иқтисодиёти аграр характерга эга бўлгани учун мулкий муносабатларда ер алоҳида ўрин эгаллади. Ерлар қадимги даврлардаёқ алоҳида қулдорлар кўлига ўтиб, хусусий эгаликдаги ерларни ташкил этарди. Шунингдек, узоқ вақтгача **жамоат ерлари (ager publicus)** сифатида кўрилган давлат ерлари ҳам мавжуд бўлган. Лициний қонуни қабул қилинганидан кейин бундай ерлар атрофидаги кураш нафақат кучсизланди, балки янги кучлар билан аланга олди. Нобилитет бу ерларни талон-тарож қилган, улардан йирик қулдорлик латифундияларини тузган. Бундай латифундиялар билан майда деҳқон хўжаликлари рақобат қила олмас эди. Ерларни майда мулқдорлар фойдасига қайта тақсимлаш мақсадида ака-ука Гракхлар амалга оширган фавқулодда қонун хужжатлари натижагани сабабли милоддан аввалги 111 йилда аграр қонун қабул қилинган. Бунга кўра, жамоат фондини ташкил этган ерлар энди қайта тақсимланмайдиган бўлган. Бу билан ерга хусусий мулкчилик батамом мустаҳкамланган, хусусий ер эгалиги хукмрон бўлиб қолган.

Мулк айланиши зарурияти ва рим давлати ҳудудининг кенгайиши классик даврда мулк ҳуқуқининг янги турлари пайдо бўлишига олиб келган. Модомики, ўтган даврга маълум бўлган квирит мулкчилиги очиқ кўринишдаги миллийрим характеристига эга бўлган ва уни эгаллашнинг қатор шартлари мавжуд бўлганлиги боис борган сари архаик бўлиб қолган экан, ҳаётнинг ўзи мулкий манфаатларни мустаҳкамлашнинг янги ва унча мураккаб бўлмаган шаклларини ишлаб чиқишини талаб қилган. Претор ҳуқуқи доирасида маҳсус юридик воситалар ёрдамида **претор ёки бонитар мулкчилик** деб аталадиган механизм (тузилиш) ташкил этилган. Претор квирит ҳуқуқи расмиятчиликларига амал қилинмаслиги оқибатида ашё сотиб олувчининг квирит мулк эгаси мақомини ололмагани ҳолларида сотиб олувчининг манфаатини ўз ҳимояси остига олган, яъни сотиб олувчи томонидан сотиб олинган ашёни унинг мулки таркибиға киритган (*in bonis*).

Бонитар мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун преторлар квирит ҳуқуқига маълум бўлган эгалик қилиш муддати институтидан ҳам фойдаланганлар. Претор охир оқибатда квиритларнинг бонитар мулкчилиги ҳуқуқи,

агар эгалик қилиш муддати асосида келиб чиқса, бундай ҳуқуқни ҳам тан олган. Шундай қилиб, ашёга эгалик қи-
лувчи бонитар мулк эгаси квирит мулк эгаси томонидан та-
лаб қилинишидан претор ҳимоясини олган. Вакти-вақти би-
лан преторлар бонитар мулк эгаларини у ёки бу ҳолларда
бошқа шахслардан (жумладан, квирит мулк эгаларидан
ҳам) ашёларини қайтариб олишга эришишларида юридик
қўллаб-қувватлаганлар. Бу мақсадда маҳсус **Публицианлар**
даъвоси (actio in rem Publiciana) қўлланган.

Рим давлати чегараларининг кенгайиши, унга янги-янги провинцияларнинг киритилиши ва чет элликлар сонининг ўсиши муносабати билан, шунингдек, **провинциал мулкчи-лик (рим фуқаролари учун) ва перегринлар мулкчилиги ҳам тан олинган.**

Рим юристлари мулк ҳуқуқининг айнан конструкциясини маҳсус ишлаб чиқмаганлар, лекин улар мулк эгасининг ашёга нисбатан турли ваколатларини тан олиш йўли билан мулк ҳуқуқининг мазмунини очганлар. Рим юристлари мулк эгасининг ашёга нисбатан ваколатларига: эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи, тасарруф этиш ҳуқуқи, ашё келтирадиган ҳосилларга ёки даромадларга бўлган ҳуқуқ, ўз ашёсини учинчи шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини киритганлар. Мулк ҳуқуқига шахснинг ашё устидан тўла ҳукмронлиги сифатида, мутлақ ва чекланмаган ҳуқуқи сифатида қаралган. Хусусий мулкчиликни бундай тушуниш, оқибатда, янги даврда кўп давлатларнинг ҳуқуқида фойдаланилган ва ривожлантирилган эди.

Классик ва постклассик даврнинг рим ҳуқуқида **мулк ҳуқуқига эга бўлиш усуllibарига** катта эътибор берилган, чунки мулкий айланишининг ривожланиши ҳуқуқий муносабатларда жуда аниқликни ва мулк ҳуқуқига эга бўлишнинг ҳуқуқий асоси ҳақидаги масалада ўта ойдинликни талаб қилган.

Тобора кам фойдаланилаётган манципация доминат даврига келиб амалда истеъмолдан чиқиб кетган. Шу билан бирга **"анъана (традиция - traditio)** мулк ҳуқуқидан воз кечишнинг асосий усули сифатида ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Бу усульнинг қулайлиги унинг оддийлиги ва норасмий характерда эканлигига эди. Анъанада мулк ҳуқуқи ашёнинг факат "адолатли", яъни қонуний асослар (*justa causa*) мавжудлиги шароитларида ўтказилиши орқали келиб чиқсан.

Классик даврда, айниқса "халқлар ҳуқуқи"да мулк ҳуқуқига эга бўлишнинг бошқа бир қанча усуслари ҳам анча ба-тафсил ишлаб чиқилган. Улардан баъзилари қадимги давр-

лардаёқ маълум бўлган. Бунга ташландиқ ашёларни, шунингдек, эгасиз ашёларни (масалан, балиқ овлаш, ов маҳсулотлари ва ҳоказоларни) эгаллаб олиш кирган. Душмандан тортиб олинган ашёлар ҳам шунга кирган. Адриан рескриптига биноан, топиб олинган хазина уни топиб олган шахс ва хазина кўмилган ер участкасининг эгаси ўртасида тенг бўлинган.

Мулк ҳукуқига эга бўлишнинг маҳсус усуслари қаторига бегона материалдан янги ашё яратиш ҳам кирган. Бундай ҳолда ашё кимга - уни тайёрлаган шахсами ёки материал эгасими тегишли бўлиши лозимлиги хусусида рим ҳукук шуносларининг асосий мактаблари (сабинъянлар ва' про-кульянлар) ўртасида тортишувлар кетган. Мулк ҳукуқи, шунингдек, ашёларнинг қўшилиши йўли билан вужудга келиши мумкин. Масалан, бирор шахс ўз қурилиш материаллари билан бошқа бирорга тегишли ер участкасида уй курса, ер эгаси мазкур уйга нисбатан мулк ҳукуқига эга бўлган. Классик даврда эга бўлиб олиш муддати (*usucapio*) янада ривожлантирилган. Претор ҳукуқида эгалик қилиш муддати бўйича мулк ҳукуқига эгалик қилиши мумкин бўлган шахслар доираси кенгайтирилган. Масалан, ашёни ўн йилдан ортиқ ҳалол ва узлуксиз эгаллаб турган ҳатто перегринларга ҳам ашёга нисбатан мулк ҳукуқи берилган. Пост-классик даврда (Юстиниан императорлиги даврида) ашёга 30 йилдан ортиқ вақт давомида узлуксиз эгалик қилиб туришлик натижасида, ҳатто бунга қонуний унвони, яъни "ҳақ-қоний эгалик асоси" бўлмаса ҳам, мулк ҳукуқи тан олинган.

Классик даврда хусусий мулк эгаси ҳукуқларини химоя қилишнинг фуқаролик-ҳукуқий шакллари янада ривожланган. Уларнинг ичидаги анча муҳими **виндикацион даъво** бўлган. Бу даъво мулк эгасига қандайдир сабаблар билан йўқолган ва учинчи шахсга ўтиб қолган ашёни тақдим қилган. Виндикацион даъво ўз мазмунига кўра мулк ҳукуқи ҳақидаги тортишув ҳисобланган. Бунда ҳақиқий мулк эгаси жанжалли мулкка нисбатан ўз ҳукуқини исботлаши лозим эди. Агар у буни далиллар асосида исботласа, ашё охирги (бегона) эгага қандай тушиб қолганилигидан қатъий назар, ҳақиқий эгасига қайтарилган. Агар бегона ашёга эгалик қилиб турган шахс ҳалол бўлса, яъни буни ноқонуний эканлигини билмаган бўлса, у ҳолда мулк эгасига ашёни қайтарган ва виндикацион даъво чиққандан буёғига ундан олинган ҳосилни ҳам берган. Агар бегона ашёга эгалик қилиб тўрган шахс ноинсоф, яъни буни файриқонуний эканлигини билган бўлса, у ҳолда мазкур шахс ушбу ашё билан

бирга унга эгалик қилиш давомида олган барча ҳосилни даъвогарга бериши лозим эди.

Хусусий мулк эгасининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун классик ва постклассик даврнинг рим ҳуқуқида **негатор ва прогибатор** даъволардан ҳам фойдаланилган. Негатор даъво бегона ашёга (масалан, қўшнисининг ер участкасига) асосиз даъвони илгари сурувчи учинчи шахсларга қарши қаратилган. Прогибатор даъво эса мулк эгасига ўз ашёсидан нормал фойдаланишига тўсқинлик қилувчи тўсиқни йўқотиш мақсадини кўзлаган.

Претор ҳуқуқининг ривожланиши билан ашё ҳуқуқининг яна бир мустақил тури - **эгалик (possessio) институти** юридик жиҳатдан батамом расмийлаштирилган. У хусусий мулкчилик муносабатлари тузумидан келиб чиқсан ва маълум маънода мулк ҳуқуқини тўлдирган. Ашёга эгалик қилиш деганда унга мулк ҳуқуқи сифатида **мустақил эгалик қилиш (animus possessionis)** мақсадида давом этган ҳақиқатан эгалик қилиб туриш (corpus possessionis) тушунилган. *Animus possessionis* эгаликни **ашёни оддий ушлаб туриш (detento)**дан фарқлаган. *Detento* кўпинча шартнома ва ашёни унинг эгаси томонидан ушлаб турувчига узатилиши асосида келиб чиқсан.

Ашё эгасининг манфаатларини ҳимоя қилиш мулк эгасининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун хизмат қилувчи даъвалар ёрдами билан эмас, балки преторлик **интердиктлари (буйруқлари)** воситаси билан амалга оширилган. Бундай интердиктлар ашё эгаси ҳуқуқларининг бузилишига хавф туғилган ҳолда эгаликни ушлаб қолиш ҳақида ёки учинчи шахс томонидан аллақачон олиб қўйилган ашёнинг қайтарилиши ҳақида бўлиши мумкин эди. Интердиктлар даъво эга бўлган юридик кучга эга бўлмаса ҳам ўзининг анча соддалиги (осонлиги) билан ажралиб турган, чунки у ашё эгасини ашёга эгалик қилиш титулини (ҳуқуқини) исботлашнинг мураккаб тартибига мурожаат қилиш заруриятидан халос қилган. Шу сабабли преторлик интердиктига ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг анча тез ўйуни афзал кўрган ашё эгалари ҳам мурожаат қилганлар.

Классик даврда ашё ҳуқуқининг **бегона ашёга нисбатан ҳуқуқ (jura in re aliena)** каби тури ҳам янада ривожланган. Катор янги ер, айниқса, шахар сервитутлари: бегона уйга тақаб иморат солиш ҳуқуқи, ўз деворини қўшнисининг уйи деворига суюб қуриш ҳуқуқи, қўшнининг ўз қурилишлари билан ён қўшнисини ёруғлик ва ташқи кўринишлардан маҳрум қиямаслигига бўялган ён қўшнининг ҳуқуқи ва бошқалар пайдо бўлган. Классик даврнинг ҳуқуқ манбаларида бегона

ашёга нисбатан хуқуқнинг бирорнинг ерида уй қуриш билан боғлиқ вужудга келган **суперфиция** каби тури пайдо бўлганини эслаб ўтилади. Дастлаб қурувчининг хуқуқи мулкий ижара шартномаси билан тартибга солинган, чунки уйга бўйсундирилган ашё сифатида қарабалди, шу сабабли ер участкаси эгасининг мулки бўлиб қолган. Бирок, кейинчалик претор қурувчининг манфаатларини анча кенг ҳимоя қилинишини амалга ошира бошлаган, уни уйга нисбатан шахсий хуқуқини эмас, балки ижара шартномасидан келиб чиқадиган ашё хуқуқини тан олган. Бу даврда юонон хукуқидан **эмфитеувизис - ўрнатилган тўловни тўлаш билан авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган ер ижараси** ўзлаштириб олинган эди. Ерни ушлаб турувчи (эмфитеувизис) ашё хуқуқи претор томонидан тан олинган ва ҳимоя қилинган бўлиб, у бу ер участкасини ҳатто учинчи шахсга бўшатиб бериши ҳам мумкин эди (уни ер участкасидан ҳайдаб юбориш мумкин бўлмаган).

Классик даврда **гаров хуқуқи** ҳам ривожланган. Бу вақтда ишончга асосланган ва гаровга қўйилган ашё кредиторнинг мулки (федукция) ҳисобланган гаровнинг қадимги шакли камдан-кам қўлланиладиган бўлиб қолган эди. Бунда, agar қарздор ўз мажбуриятини бажармаса, бу ашё, agar унинг суммаси қарз суммасидан юқори бўлса ҳам, абадул абад кредиторда қолган. Товар муомаласининг ривожланниши билан кўпроқ **пиггус** деган гаровдан фойдаланила бошланган. Бунда гаровга қўйилган ашё кредиторга мулк сифатида эмас, ушлаб туриш сифатида ўтказилган, у қарздорнинг ашёга эгалик хуқуқини интердикт ёрдами билан ҳимоя қилиб, ахволини анча енгиллаштирган. Императорлик даврида юонон хукуқининг таъсири остида **ипотека** деган гаров шакли ҳам ривожланган. Бунда гаровга қўйилган ашё (одатда ер) қарздорнинг ўзида қолган, кредитор эса чекланган ашё хукуқига - қарздор томонидан гаровга қўйилган ернинг сотилишига йўл қўймаслик ва мажбуриятлар бажарилмаган ҳолда талаб қилиб олиш хукуқига эга бўлган.

Классик даврда **шахсий сервитутлар** ҳам ривожланган ва ишлаб чиқилган. Булар, одатда, васиятларда назарда тутилган. Бу бегона ашёдан ундан келадиган ҳосилни олиш хуқуқи (**узуфрукт**) билан ёки бундай хукуқсиз (**узус**) фойдаланишини назарда тутувчи сервитутлар бўлиб, бунда сервитут кимнинг фойдасига ўрнатилган бўлса, ўша шахснинг умрбод мулки ҳисобланган.

Мажбурият Рим ҳуқуқининг мажбурият ҳуқуқи институти ҳуқуқи. Классик даврда анча тараққий этган. Бу, албатта, товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган эди. Мажбуриятларга ҳеч бўлмаганда **худди иккита шахснинг ҳуқуқий алоқаси (juri's vinclum)** сифатида қаралган. Рим юристи Павел таъкидлаганидек, мажбуриятнинг мазмуни (ашё ҳуқуқига қарама-қарши ўлароқ) шундан иборат бўлганки, "у бизга ниманидир берган, қилган ёки тақдим этган кишини боғлиқ қилиб кўйган".

Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан мажбуриятлар маълум даражада ўзининг илгариги расмиятчилигини йўқотган, шунингдек, бир томонламаликдан икки томонламаликка айланган, чунки унда иштирок этувчи ҳар икки томон ҳам ҳуқуққа, ҳам мажбуриятга эга бўлган. Қарздорнинг мажбурият бўйича жавобгарлиги унинг шахсига дахл қилмаган ва фақат унинг мулки доираси билан чегараланган.

Классик даврда айниқса **шартномалар** (контрактлар) анча батафсил ва аниқ ишлаб чиқилган. Лекин ҳамма шартнома муносабатлари юридик кучга эга бўлавермаган. Баъзи битимлар (пактлар) норасмий характер касб этган ва, гарчи, уларда назарда тутилган мажбуриятларга, одатда, амалда риоя қилинса ҳам, аммо даъво ҳимоясидан фойдаланмаганлар. Вақти-вақти билан алоҳида пактлар претор ҳуқуқи билан тан олинган, посткласик даврда эса императорлик қонунлари билан мустаҳкамланган.

Классик юристлар томонидан шартнома ҳақидаги баъзи умумий қоидаларнинг ишлаб чиқилганилиги муҳим аҳамиятга эга эди. Масалан, шартномалар тузиш учун томонларнинг эркин ифодаланган розилиги талаб қилинган. Чалғитиш, алдаш ёки қўрқитиш йўли билан тузилган шартномалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланган. Шартномлаар бевосита оғзаки ёки ёзма, шу жумладан, ёзишмалар орқали тузилиши мумкин эди. Кредитор ёки қарздор томонига янги шахсларнинг қўшилишига, шунингдек, шартноманинг дастлабки иштирокчиларини бошқа шахслар билан тўлиқ алмаштирилиши (новация)га йўл қўйилган. Шартномалар бузилимас сифатида кўрилган ва қатъий бажарилиши лозим бўлган. Шартнома мажбуриятларини бажармаслик юридик жавобгарликни, масалан, ашёнинг мажбурий суратда тортиб олинишини ёки бошқа томонга етказилган заарларни тўлаш мажбуриятини келтириб чиқарган. Бироқ заарларни ундириш учун шартнома шартларини бажармаган томонларнинг ҳаракатларида айбларнинг ўрнатилиши (қасд ёки

эҳтиётсизлик) талаб қилинган. Жавобгарлик даражаси кўпол ёки енгил бўлиши мумкин бўлган эҳтиётсизликнинг ўз характеристери билан ҳам белгиланган.

Гай Институцияларида шартномалар (контрактлар) қуидаги тўрт асосий гурӯҳ: вербал, литерал, реал ва консенсуалга ажратилган.

Вербал шартномалар (лотинча *verbum* - сўз демакдир) қадимий диний шартномалар - қасамлардан ўзининг бошлангич асосига эга бўлган, бироқ классик даврда уларнинг шакли анча соддалаштирилган. Мажбуриятларнинг келиб чиқиши учун бундай шартномаларда маълум ўрнатилган сўзларни айтиш (ифода этиш) талаб қилинган. Вербал шартномаларнинг асосий ва анча кенг тарқалган тури илгаригидек **стипуляция** бўлган. Лекин унинг тузилиши учун эндилика илгаригидек кўп қаттиқ шартларга риоя этиш талаб қилинмаган. Масалан, кредиторнинг саволида ва қарздорнинг жавобида нафақат "**spondeo**" тантанали фельидан, балки бошқа феъллардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлган. Стипуляциянинг томонлари перегринлар ҳам бўлиши мумкин эди. Савол-жавоб изҳор қилишда ҳатто фақат лотин тилидан эмас, балки бошқа тилдан ҳам фойдаланишга йўл қўйилган.

Литерал шартномалар (лотинча *littera* - ҳарф демакдир) савдо оборотида қабул қилинган маҳсус ёзма шартномалар ҳисобланган. Мажбурият бу шартномалардан томонлардан бирининг маҳсус китобларга даромад ва ҳаражатларни ёзиш, иккала томондан имзоланган (синграфа) ёки фақат қарздор имзолаган (хирографа) қарздорлик тилхатини тузиш оқибатида келиб чиқсан. Кейингиси юон хукувидан ўзлаштириб олинган эди.

Реал шартномалар (лотинча *res* - ашё демакдир) томонларнинг контракт асосий шартлари бўйича келишувидан ташқари, шартнома предметини ташкил этган ашёни албатта ўтказилишини талаб қилган. Ашёнинг ўтказилмаслиги мажбурият муносабатини келтириб чиқармаган. Реал шартномага ҳаммадан аввал қарз (**mutuum**) шартномаси тааллуқли эди. Бу шартноманинг хукуқий мазмуни шуни ташкил қилганки, бунда кредитор қарз олувчига пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса кредиторга кўрсатилган муддатда ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади. Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Бу шартнома асосан ҳак

олмай тузилган, бироқ күпинча қарз шартномаси билан бир вақтда фоизлар тұлаш ҳақидаги стипуляцияга оид битим ҳам расмийлаштирилған. Реал контрактлар жумласига шунингдек, **ссуда (commodatum)** ҳам кирганды. Бунда ашё текинга якка тартибда фойдаланиш учун тақдым этилған (қарзға үхшаб мұлк сифатида берилмаган) ва қарздор бу ашёни күрсатылған мұддатда қайтариш мажбуриятінә эга бўлган. Реал шартномлаар гурухига **саклаш (depositum), шунингдек, гаровга оид шартномалар** ҳам кирганды.

Анча батафсил ишлаб чиқилған ва унча расмий бўлмаган **консенсуал шартномалар (лотинча consensus - розилик, битим, келишув - демактир)** бошқа гурухдаги шартномалардан кейинроқ тан олинган. Мажбурият консенсуал шартномаларда томонларнинг контрактнинг ҳамма асосий шартлари бўйича одий келишуви асосида келиб чиқсан. Бу гурухдаги шартномалар қаторида аввало **олди-сотди (emptio-venditio)** шартномаси асосий ўрин тутади. Бу шартномада томонлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат сотувчи қандайдир ашёни сотишга келишган, оловчи маълум суммани тұлаш мажбуриятини олган вақтдан бошлаб вужудга келган. Ашёни ёки пулни ҳақиқатдан ўтказилиши кейинроқ содир бўлиши мумкин эди. Олиш-сотиш ҳали маҳсулот сифатида тайёр бўлмаган, лекин сотувчи томонидан ишлаб чиқариш ва күрсатылған мұддатда етказиб бериш мажбурияті олинган ашёга нисбатан бўлиши ҳам мумкин эди.

Претор ҳуқуқида сотувчининг сотилған ашё учун жавобгарлиги батафсил ишлаб чиқилған ва белгиланған эди. Масалан, сотувчи сотилған ашёнинг камчиликларини яширганлиги учун жавобгар бўлған. Бунда оловчи ашёни сотиб олаётган вақтда унинг камчиликларини билмаса ва кейинчалик билиб қолса ҳамда бу камчиликлар мұхим характеристика эга бўлса, у ҳолда ё ашё нархининг пасайтирилишини, ёки тўланған сумманинг тўлиқ қайтарилишини талаб қила олган. Сотувчи, шунингдек, агар сотган ашёси виндицион даъво ёрдамида ҳақиқий эгасига ўтказилганды ҳам жавоб берган. Сотувчи ашёни сотиб оловчига ўтказгунига қадар эҳтиётсизлик билан саклаши оқибатида унга шикаст етгани учун, шунингдек, тасодифан нобуд бўлгани учун ҳам жавобгар бўлған.

Консенсуал шартномалар жумласига, шунингдек, **ижара шартномаси (locattio - conductio)** кирганды. Ашёни ижарага берувчи ижарага оловчига ҳақ эвазига ашёни вақтинча бериш (locatio-conductio rerum) шартномасида ижарага эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини ол-

ган. Римда бу вақтда ерни ижарага (арендага) бериш шартномаси кенг тарқалған эди. Постклассик даврда шундай қоюда ўрнатылған әдіки, унга күра, колон (ёки унинг меросхүри) ижара шартномасини қайтадан янгиламаган ҳолатда томонларнинг сукутли розилиги (битими) билан ер ижараси муддатсиз бўлиб қолган.

Ишчи кучи ижараси шартномаси (locatio-conductio oper arum) маълум муддатга ва белгиланған ҳақ эвазига тузилган, лекин бу шартнома қуллар асосий ишчи кучини ташкил этган қулдорлик тузуми шароитларида унчалик ривожланмаган. Рим ҳуқуқига **пудрат шартномаси (locatio-conductio opers)** ҳам маълум бўлған. Бунга кўра бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буортмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буортмачига белгиланған муддатда топшириш мажбуриятини олади, буортмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Пудрат шартномаси ашёни тайёрлаш ёки уни қайта ишлаш (ишлов бериш) ёхуд бошқа ишни бажариб, натижасини буортмачига бериш ёки бошқача тарзда топшириш ҳақида тузилади. Албатта, бундай турдаги ижара пудратчидан махсус билимлар ва малакалар талаб қилган. Бироқ Рим қулдорлик жамиятида эркин кишилар учун ҳақ тўланадиган ёлланма меҳнат обрўйини тўқадиган машғулот ҳисобланған. Шу сабабли юристлар, рассомлар ва бошқа "эркин" касбларнинг вакиллари бундай турдаги шартномани тузмаганлар. Улар ўзлари томонидан бажарилған ишлар учун ёки кўрсатган хизматлари учун ёлланма ҳақ эмас, балки "фахрий мукофот" - гонорар олишган.

Консенсусал контрактларга, шунингдек, **топшириқ (top-datum) шартномаси ва шерикчилик (societas) шартномаси** ҳам кирган. Топшириқ шартномаси топшириқ берувчи ва топшириқ олувчи (вакил) ўртасида тузиладиган шартнома бўлиб, бунда вакил топшириқ берувчининг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Шерикчилик шартномаси эса қандайдир муайян хўжалик фаолиятини биргалиқда юритиш учун тузилган.

Классик даврда **деликтлардан (хукуқни бузишдан) келеб чиқадиган мажбуриятлар** янада ривожланган. Бир томондан, бир қатор хусусий деликтлар оммавий деликтлар (жиноятлар)га айланишининг сезиларли жараёни кузатилған, бошқа томондан - хусусий деликтларнинг янги турлари яратилған. Янги турдаги хусусий деликтлар қаторига **алдаш (dolus malus) ва дўйқ-пўписа (metus)** кирган. Ал-

даш етказилган заарга тенг микдорда ҳақ түлаш мажбуриятини келтириб чиқарган, metus эса етказилган заарнинг тўрт баравар микдорини қоплаш мажбуриятига олиб келган. Претор ҳукуқига кредиторларни алдаш каби ўзига хос деликт ҳам маълум бўлган.

Деликт ҳукуқининг ривожланишида **Аквилий қонуни** (милоддан аввалги III аср) катта мавқега эга бўлган. Унда мулкка зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг илгари мавжуд турлари тизимлаштирилган. Бу қонунда умумий характерга эга ҳисобланган деликт назарда тутилиб, бунга кўра, бегона мулкни йўқ қилиш ёки унга зарар етказиш (**damnam injuria datum**) етказилган зарарни ундириш бўйича мажбурият туғдирган. Аквилий қонунида айниқса бегона чорва ва қулларни йўқ қилиш учун жавобгарликка алоҳида эътибор берилган.

Никоҳ-оила Классик давр никоҳ-оила ҳукуқининг характеристики. терли белгиси патриархал оиласининг прогрессив емирилиши ҳисобланган. Эр ҳокимиятига асосланган никоҳ II асрга келиб қўлланмай қўйган, хотиннинг эри уйида яшамий йиллар ўтиши билан эр ҳукмронлигининг автоматик вужудга келишига олиб келмайдиган бўлган. **Эр ҳокимиятисиз никоҳ (sine manu mariti)**-нинг янги шакли тарқала бошлаган. Бундай никоҳга кирган аёл ўзининг аввалги оиласи билан алоқасини узмаган, маълум мулкий мустақиллигини сақлаб қолган, болаларига нисбатан баъзи ҳукуқларни олган.

Эр ҳокимиятига асосланмаган никоҳ эр-хотиннинг ўзаро келишуви бўйича, шунингдек, улардан бирининг талаби бўйича осонгина бекор қилиниши мумкин бўлган. Рим қулдорлик жамиятининг умумий инқирози оиласи муносабатларни ҳам кучсизлантирган, ажralишлар оддий ҳодиса бўлиб қолган. **Конкубинат - эрқаклар ва хотинларнинг расмийлаштирилмаган доимий биргаликда яшами** кенг тарқалган. Император Август оиласи муносабатлар соҳасидаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш мақсадида никоҳсизлик ва боласизликни жазоловчи қонун чиқарган. Хатто иккита консулдан қайси бирининг болалари кўп бўлса, ўшениси хизмат бўйича имтиёзга эга бўлган.

Бу вақтда сеп-сидирға билан боғлиқ янги қоидалар жорий этилган. Бунга кўра, гарчи сеп-сидирға илгаригидек эрнинг мулки бўлиб қолаверган бўлса ҳам, эр ундан биргаликда турмуш кечириш мақсадларида фойдаланиши лозим эди ва ажralиш ҳолларида ундан маҳрум бўлган. Август вақтидан бошлиб сеп-сидирға сифатида олган ер участкасини эр фақат хотин ёки унинг қариндошлари (когнат-

лари) розилигисиз бегоналаштириши мумкин бўлган. Ниқоҳ-оила муносабатлари соҳасида бундай янги қоидаларнинг жорий этилишидан асосий мақсад бу вақтда кенг тарқалган ва асосан бой римлик оиласлар азият чекиб келаётган кўп эркакларнинг бой римлик аёллар билан фараз ниятлардаги никоҳига барҳам беришга қаратилган эди.

Патриархал оиласининг емирилиши ота ҳокимиятининг кучсизланишида ҳам ўз ифодасини топган. Болаларни сотиш амалиёти тугаган ва уларни ота томонидан ўлдирилишига эса постклассик даврда оғир жиноят деб қараладиган бўлган. Оила бошлиғи ҳукмронлигидаги оила аъзоларининг мулкий мустақиллиги кучайган. Ўғиллар кўпинча дехқончилик, ҳунармандчилик ёки савдо билан шуғулланиш учун отасидан махсус мулк (пекулий) олганлар. Ўғиллар томонидан отадан олинган пекулий ва бошқа барча мулклар юридик жиҳатдан отанинг мулки ҳисобланган. Бироқ, пекулий, айниқса, ҳарбий хизматга кирган ўғилга ажратилган ер участкаси тобора ажралиб борган. Ўғил амалда бундай ерни ўз мулки қилиб олган, ўз меросхўрига қолдира олган ва ҳатто мазкур мулк юзасидан отаси билан битим тузга олган.

Васийлик институти ҳам қатор ўзгаришларга учраган. Преторлик эдикти билан васийнинг васийлигидагиларнинг ишларини юритиш учун жавобгарлиги ўрнатилган. Вояга етган аёллар устидан васийлик қилиш аста-секин йўқолиб, постклассик даврда уларнинг муомала лаёқати амалда эркакларнинг муомала лаёқати билан тенглаштирилган.

Мерос Кучли ота ҳокимиятининг юмшатилиши мерос **хукуқи**. хукуқида ҳам баъзи ўзгаришларга сабаб бўлган. Преторлик эдикти билан меросхўрларнинг доираси анча кенгайтирилган. Меросхўрлар таркибига, шунингдек, ўлган кишининг эркинликка чиқарилган болалари ва эри билан яшаган хотиннинг олтинчи даражагача бўлган туғишган когнатлари ҳам киритилган. Қариндошлиқ агнат тизимининг илгариги аҳамиятининг заифлашиши ва мерос хукуқида қондошлиқ алоқаларига асосланган когнат қариндошлиknинг тан олиниши аста-секин императорлик қонуниларида ҳам мустаҳкамланиб борган.

Преторлик эдикти **васият** шаклига ҳам ўзгариш киритган. Васиятни энди мураккаб тартибот асосида ("мис ва тарози ёрдами билан") тузиш талаб қилинмайдиган бўлган. Васият, қоида бўйича, оғзаки тарзда эмас, балки маълум шаклларга амал қилган ҳолда ёзма равишида тузила бошланган. Принципрат даврида фақат аскарларнинг васиятлари қандайдир расмиятчиликлар талаб қилмаган. Постклас-

сик даврда еттита гувоҳ иштирокида тузиладиган хусусий вассиятномалар билан бир қаторда юонон ҳукуқидан ўзлаштириб олинган магистратлар иштирокида тузиладиган ва маҳаллий ҳокимиятларнинг қайдномаларига киритиладиган ёки императорлик архивига сақлаш учун ўтказиладиган оммавий вассиятномалар ҳам амалиётга кириб келган. Вассият эркинлигининг чекланиши кучайган. Масалан, қонуний меросхўрларни етарлича асослар бўлмай туриб мулкдан маҳрум қилувчи вассиятномаларнинг юридик кучи тан олинмаган. Вассиятномалар тузишда қонуний меросхўрлар учун мажбурий ҳиссанинг миқдори (мулкнинг 1/3 қисми миқдоригача) кўпайтирилган.

Классик даврда вассиятномаларда **легатлар** (вассиятномадан воз кечиши) ўрнатиш кенг тарқалган. Бунга кўра, меросхўр вассият қилинган шахснинг кўрсатмаси билан мулкнинг маълум қисмини бошқа шахсга беришга мажбур бўлган. Меросхўрнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида милоддан аввалги I асрда шундай қоида қонуний мустаҳкамланган эдики, унга кўра, легатлар кўринишида мулкни беришда меросхўр ҳеч бўлмаганда мероснинг тўртдан бир қисмини ўзида сақлаб қолиши мумкин бўлган. Мулкнинг маълум қисмини қандайдир шахсга бериш ҳақидаги фармойиш (кўрсатма) вассиятнома тузмасдан ҳам берилиши мумкин бўлган. Бу, масалан, вассият бўйича расман мерос олиши мумкин бўлмаган шахсларга - перегринларга, аёлларга ва бошқаларга нисбатан амалга оширилган. **Фидеикомислар** деб аталадиган бундай фармойишлар дастлаб меросхўрлар учун мажбурий ҳисобланган. Бироқ Август императорлиги даврида уларга юридик куч берилган. Пост-классик даврда (айниқса Юстиниан кодификациясида) кўпгина фидеикомислар амалда легатлар билан қўшилиб кетган.

Фуқаролик жараёни Претор ҳукуқининг ривожланиши шаклларидағи билан мураккаб ва архаик легисакцион ўзгаришлар. жараён ўрнига **Формуляр жараён** келган. Бундай кўринишдаги жараён **маҳсус қонун (Lex Aebutio)** қабул қилингандан кейин милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўрнатилган. Формуляр жараёнда преторнинг роли анча ошган. Претор энди илгариги легисакцион жараёнда бўлганидек тарафлар томонидан бажариладиган диний маросимларнинг пассив иштирокчиси бўлмай қолган. Биринчи босқичдаги суд ишлари юритиш ("ин юре")нинг аҳамияти ўсган. Айнан шу ерда низонинг ҳукуқий моҳияти ўрнатилган. У преторнинг хулоса (формула)сида ўз ифодасини топган. Бундай хулосада қа-

самхўр судьяга муайян ишни қандай ҳал қилиш кераклиги кўрсатилган. Преторлар савдо айланиши талабларига ва хусусий мулкчиликни мустаҳкамлаш заруриятига қараб аста-секин қонунлар ва одатлардан воз кечиб, даъволярнинг янги формулаларини тузадан бўшлаганлар. Претор янги формуляр ва даъволяр тузиб, ўз эдикти воситасида хусусий хукуқнинг мазмунан ривожланишига кўмаклашган.

Классик даврнинг охирига келиб, айниқса доминат даврида **экстраординар жараён** кенг тарқала бошлаган. Милоднинг III асрига келиб экстраординар жараён формулар жараённи тўла сиқиб чиқарган. Формуляр жараён энди ҳатто суд ишлари юритиш ҳақида сўз борувчи мухим Диоклетиан қонунида ҳам эслаб ўтилмайди.

Экстраординар жараёнда суд ишлари юритишнинг ань-анавий икки босқич: “**ин юре**” ва “**ин юдицио**”га бўлиниши йўқолган. Ишни кўришга қабул қилиб олган магистрат энди уни бошидан охиригача, яъни қарор чиқаришгача юритадиган бўлган. Агар охирги босқичга қасамхўр (ҳакам) судья жалб қилинса, унда бу судья ўзини тайинлаган магистрат номидан ҳаракат қилган. Жавобгарни судга олиб келиш даъвогарнинг ташвиши бўлмай қолган. Магистрат энди қаттиқ процессуал доиралар билан боғлиқ бўлмай, жараён иштирокчиларига мажбурий таъсир этиш чоралари қўллай оладиган, уларни ўз фармойишларини бажаришга мажбуrlай оладиган бўлиб қолган. Жараён ошкора бўлмай қолган, ёпиқ биноларда ўтказилган. Агар илгари суд ишларини юритиш бепул (текинга) бўлган бўлса, энди суд пошлиналарини йиғиши жорий қилинган. Бу айниқса доминат даврида кенг тарқалган. Гарчи фуқаролик жараёни ҳали асосан оғзакилигича қолган бўлса ҳам, аммо томонларнинг асосий баёнотлари суд қайдномаларига ёзиб қўйилган. Бу эса ўз навбатида ёзма суд ишлари юритишга асос соглан.

Магистрат томонидан чиқарилган суд қарорига апелляция қилиш жорий этилган. Бироқ олий апелляцияга берган шахслар ишда иккинчи марта ҳам ютқазсалар жуда катта жарима тўлаганлар.

Жиноят хукуки Римда республика институтларининг ин-ва жараёни. қирози ва императорлар бутун ҳокими-ятчилигининг ўсиши билан боғлиқ ўзга-ришлар таъсирида рим жиноят хукуки соҳасида ҳам мухим ўзгаришлар юз берган. Рим жиноят хукуки бу вактда империянинг бутун худудига ва аҳолининг барча тоифаларига, жумладан, перегринларга ҳам ёйилган. Мавжуд тартиботларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида жиноий репрессия кучайтирилган.

Мазкур даврда жиноят ҳуқуқи ривожланишидаги характерли тенденция шундан иборат бўлган эдики, қатор хусусий деликтлар аста-секин жиноятлар (crimen publicum) категориясига киритилган. Масалан, ўғрилик илгаригидек хусусий деликт ҳисобланган, лекин қатор ҳолларда (бузуб ёки куч ишлатиб ўғрилик қилиш, катта йўлларда ўғрилик қилиш ва ҳ.к.) анъанавий жарима чораларига яна давлат томонидан бериладиган жазолар ҳам қўшилган.

Бу даврда жуда кўп янги жиноятлар, шу жумладан давлат асосларига хавфли тажовуз сифатида кўриладиган жиноятлар пайдо бўлган. Агар республика даврида "улуфларни ҳақорат қилиш" (магистратларга қаршилик кўрсатиш ва бошқалар) республика институтларига қарши қаратилган жиноятларни ўз ичига олган бўлса, принципат даврида бу тушунча энди император ҳокимиятига қарши жиноятлар деб қараладиган бўлган. Бундай жиноятлар қаторига - императорни ағдариш мақсадида фитна ўюнтириш, император ёки унинг чиновниги ҳаётига суиқасд қилиш, императорнинг диний маросимларини тан олмаслик ва бошқалар кирган.

Рим давлатининг манфаатларига бевосита тааллуқли бўлган жиноятларга, шунингдек, хазина мулкини ўзлаштириш ва давлат маблағларини талон-тарож қилиш, порахурлик, сохтакорлик, сохта пуллар ясаш, тақиқланган йиғилишларда ва бирлашмаларда иштирок этиш, дон ва бошқа маҳсулотлар билан чайқовчилик қилиш, солиқлар тўламаслик ва бошқалар кирган. Доимий армиянинг ўсиши муносабати билан ҳарбий жиноятлар сони ҳам ўсан. Уларнинг ичига жангда ҳиёнат қилиш, қочиш, қуролини йўқотиш, кўмондонга бўйсунмаслик ва ҳоказолар ажралиб турган. Юқоридагилар билан бирга шунингдек қатор диний жиноятлар ҳам мавжуд бўлган. Диний жиноятлар, айниқса, постклассик даврда хрестианликнинг расман тан олинишидан кейин анча ўсан.

Шахсга қарши жиноятлар ичига турли кўринишлардаги одам ўлдиришдан ташқари "озор етказишлар", аввало, XII жадвал қонунлари бўйича хусусий деликт деб қаралган тан жароҳати етказишлар оммавий деликтлар деб ҳисобланадиган бўлган. Мулкий ва ижтимоий тенгизлизикнинг чукурлашви муносабати билан империя даврида тан жароҳати етказганлик учун жавобгарлик жабрланувчининг ижтимоий мавқеига қараб белгилана бошлаган.

Оила ва ахлоқ соҳасига тааллуқли жиноятлар доираси ҳам кенгайган. Бунда айниқса христианлик динининг

таъсири катта бўлган. Бундай жиноятларга яқин қариндошларнинг жинсий алоқада бўлиши, эр-хотиннинг бир-бирига хиёнати, кўп хотинлилик (полигамия), эрга тегмаган аёл билан бирга яшаш, баччабозлик ва бошқалар кирган.

Рим империясида шунингдек **жазоларнинг турлари** ҳам бирданига ўсган. Агар жазо дастлабки вақтларда етказилган зарарни ундириш тамойили асосига қурилган бўлса, доминат даврида эса у борган сари кўпроқ қўрқитиш мақсадини қўзлаган. Кечки республика даврида рим фукароларига қўлланилмаган ўлим жазоси императорлик даврида яна қайта тикланган, бунинг устига унинг янги қўринишлари: ёқиб юбориш, осиш, қўл-оёкларини бутга (крестга) тортиб михлаш, сувга чўктириш пайдо бўлган.

Оғир жиноятлар учун, шунингдек, конларда жуда оғир ишларга маҳкум этиш (бунда маҳкумларга давлатнинг абадий қуллари сифатида қаралган), маълум муддатларга мажбурий ишларга (йўллар қуришга ва бошқаларга) жўнатиш, гладиаторликка¹ бериш ҳам тайинланган. Сургун қилишнинг турли қўринишлари: фуқароликни йўқотиш билан Римдан ҳайдаш, тўлиқ яккалаб қўйиш билан оролга сургун қилиш, вақтинча сургун кабилар кенг қўлланилган. Сургун жойини ўз ҳолича ташлаб кетган маҳкумларга ўлим жазоси тайинланган. Жиноятларнинг баъзи турлари бўйича тан жазолари назарда тутилган, маҳкумларнинг мол-мулкини мусодара қилиш тез-тез қўлланиб турган (бунда фақат мулкнинг маълум қисми болалар учун қолдирилган).

Императорлик даврида (айниқса доминат даврида) жиноят ҳуқуқининг характерли белгиси жиноий жавобгарликнинг очиқ қўринишдаги табақавий тамойилда эканлигига эди. Илгариги даврлардаги каби бу даврда ҳам айниқса қуллар шафқатсизларча билан жазолангандар. Янги жазо чоралари ҳам назарда тутилган. Милоднинг 10 йилида қабул қилинган сенатус-консультга биноан бирор қул томонидан хўжайинни ўлдирганлик учун шу уйда бўлган ва унинг хаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилмаган барча қуллар ҳам ўлимга маҳкум этилган. Олий табақаларнинг вакиллари (сенаторлар, суворийлар, декурионлар ва бошқалар) жуда оғир ишларга (каторга) ва мажбурий ишларга жўнатиш, савалаш ва ҳоказолардан озод этилган, бундай жазолар сургун билан алмаштирилган.

Илк империя даврида имтиёзли шахслар ўз қариндошларини ўлдирган ҳолда ўлим жазоси билан жазоланишлари

¹ Гладиатор - қадимги Римда томоша майдонида кураш туширилган қул, ҳарбий асир.

мумкин эди, доминат даврида эса тўрт ҳолатда: одам ўлдириш, ўт қўйиш, сеҳр-жоду билан шуғулланиш ва жаноби олийларини ҳақорат қилиш ҳолларида ўлимга маҳкум этилганлар. Шу вақтнинг ўзида қўйи табақадаги шахслар ўттиз бир турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси билан жазолангандар. Жазолар соҳасида аскарлар баъзи имтиёзлардан фойдаланганлар, яъни осиб ўлдирилмаганлар, конларга сургун қилинмаганлар. Лекин баъзи ҳарбий жиноятлар учун қаттиқ жазолангандар, албатта. Жазо танлаш ва унинг оғирлигини белгилаш кўп дараражада судьяларга боғлиқ эди. Судьялар бу соҳада айниқса, императорлик даврида бутун жиноий суд тизими ва жараёнининг қайта тузилиши муносабати билан катта имкониятларга эга бўлган эдилар.

Жиноят жараёни (айниқса доминат даврида) очиқ ифодаланган инквизицияга оид (шафқатсиз, ваҳшиёна) характер касб этган. Судья (император чиновниги) ўз қўлида ҳам айблов, ҳам суд қилиш функцияларини тўплаган. Суд ёпиқ эшикларда ўтказилган, айланувчи хукуқий ёрдам хукуқидан маҳрум этилган, республика даврида мавжуд бўлган бошқа процессуал кафолатлар йўқотилган. Суд жараёни давомида қўйи табақага мансуб кишиларга илгари қулларга қилингани каби қийноқлар қўллана бошланган. Суд хукми устидан юқори турувчи императорлик судига апелляцион тартибда шикоят қилиш мумкин эди (дастлаб иккита инстанцияга, Диоклетиандан сўнг учта инстанцияга йўл қўйилган). Айланувчи учун янги ва ягона кафолат императорлик ибодатхоналарида ва императорларнинг ҳайкали ёнида бошпана топиш хукуки бўлган. Бу уни қамоқча олинишдан вақтинча сақлаши мумкин эди.

Классик даврнинг Рим жиноят хукуқида юридик техника соҳасида баъзи прогресс ҳолат кўзга ташланган. Масалан, айб, иштирокчилик, суиқасд ва бошқа тушунчалар ишлаб чиқилган. Бирок императорлар ўзбошимчаликларининг ўсиши натижасида бундай кўргина умумий ва муҳим тоифалардан императорлик судларида амалда фойдаланилмай қолган. Лекин улар кейинчалик Фарбий Европанинг ўрта асрлардаги жиноят хукуки ривожланишига маълум таъсир ўтказган.

МУНДАРИЖА

СҮЗБОШИ.....	3
КИРИШ. Хорижий мамлакатлар давлати ва хукуки тарихи - асосий тари-хий-хукукий фан.....	5
1. Фан ва унинг тарихи.....	5
2. Фаннинг вазифаси, предмети ва аҳамияти.....	10
3. Хорижий мамлакатлар давлати ва хукуки тарихининг юридик ва ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни.....	12
4. Фан ўрганадиган масалаларни текшириш услублари.....	16
5. Хорижий мамлакатлар давлати ва хукуки тарихини даврларга ва таркибий қисмларга бўлиб (системага солиб) ўрганиш.....	24
МУКАДДИМА БЎЛИМ. Давлат ва хукуқ тарихидан олдинги давр.....	26
1. Ибтидоий жамият ва давлат пайдо бўлгунга қадар мавжуд бўлган ижтимоий бошқариш шакллари.....	26
2. Жамият устидаги қурилмаларнинг пайдо бўлиши ва илк давлатларнинг ташкил топиши.....	31
I БЎЛИМ. Қадимги Шарқ мамлакатлари давлати ва хукуки	
I боб. Қадимги Шарқ мамлакатларида давлат ва хукуқ ривожланишининг хусусиятлари.....	39
II боб. Қадимги Миср давлати ва хукуки.....	45
Т. Қадимги Мисрда давлатнинг ташкил топиши ва даврларга бўлиши.....	45
2. Илк подшолик (милоддан аввалги 3100-2800 йиллар).....	48
3. Қадимги подшолик (милоддан аввалги 2800-2250 йиллар).....	51
4. Ўрта подшолик (милоддан аввалги 2250-1750 йиллар).....	57
5. Янги подшолик (милоддан аввалги 1584-1071 йиллар).....	60
6. Сўнгги подшолик (милоддан аввалги XI-VI асрлар).....	63
7. Қадимги Миср хукуқининг асосий белгилари.....	65
III боб. Қадимги Месопотамияда давлат ва хукуқ (Шумер ва Аккад).....	75
1. Давлатларнинг пайдо бўлиши.....	75
2. Қадимги Шумернинг ижтимоий ва давлат тузуми.....	81
3. Бобил давлатининг ижтимоий тузуми.....	82
4. Бобилинг давлат тузуми.....	91
5. Қадимги Месопотамияда хукуқининг асосий белгилари.....	96
[IV боб. Қадимги Хиндистон давлати ва хукуки.....]	123
Т. Қадимги Хиндистон давлатининг ташкил топиши ва ривожланишига умумий тавсиф.....	123
2. Ижтимоий тузуми.....	126

3. Давлат түзуми.....	131
4. Хукуқнинг асосий белгилари.....	139
V боб. Қадимги Хитой давлати ва хукуки.....	151
1. Энг қадимги Хитой тўғрисида умумий маълумот.....	151
2. Қадимги Хитойдаги илк Шан (Инь) давлати (милоддан аввалги XVIII - XII асрлар).....	152
3. Чжоу давлати (милоддан аввалги XI-III асрлар).....	155
4. Цинь давлати (милоддан аввалги 221-207 йиллар).....	160
5. Хань давлати (милоддан аввалги 206-йилдан-милоддаги 220-йили-гача).....	162
6. Қадимги Хитойда хукуқнинг асосий белгилари.....	166
II БЎЛИМ. Антик дунё давлати ва хукуки	
VI боб. Қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим давлати ва хукуқига умумий тавсиф.....	184
1. Антик дунёда давлатнинг вужудга келиши ва полис тизими.....	184
2. Антик дунё давлатларида хукуқнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари.....	190
VII боб. Қадимги Юнонистонда давлат ва хукук.....	193
1. Қадимги Юнонистон тарихига умумий тавсиф.....	193
2. Юнонистондаги энг қадимги давлатлар.....	195
3. Гомер ва архаик даврларда Юнонистон.....	198
4. Қадимги Афина давлатининг ташкил топиши.....	201
5. Афина давлатининг ривожланган даври (милоддан аввалги V-IV асрлар).....	214
6. Афина давлатининг (демократиясининг) инқирози ва емирилиши.....	224
7. Спартада қулдорлик давлати.....	225
8. Афина ва Спартада хукуқнинг асосий белгилари.....	237
VIII боб. Қадимги Рим давлатининг ташкил топиши ва ривожланиши.....	251
1. Қадимги Римда давлатнинг ташкил топиши.....	252
2. Республика даврида Римнинг ижтимоий-сиёсий түзуми.....	259
3. Республиканинг қулаши ва империяга ўтиши.....	273
4. Рим империяси.....	278
IX боб. Рим хукуки.....	290
1. Рим хукуқининг дунё тарихида тутган ўрни ва унинг ривожланишидаги асосий босқичлар.....	290
2. Рим хукуки манбаларининг ривожланиши.....	292
3. Энг қадимги даврда Рим хукуки.....	307
4. Классик ва постклассик даврларда Рим хукуки.....	316

Хайдарали МУҲАМЕДОВ

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТИ
ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ**

(Қадимги дунё давлати ва ҳуқуқи тарихи)

1 қисм

Мұҳаррір	Х.Жалолов
Рассом	А.Бахромов
Техн.муҳаррір	А.Раҳимов
Компьютерда	
саҳифаловчи	М.Ходжиева

Босишига 1999 йил 2 апрелда рұхсат этилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Босма табоги 21,0. Нашриёт ҳисоб табоги 18,6. Адади 5000 нусха. 3985 буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Адолат” нашриёти.
700047. Тошкент, Сайилгоҳ, 5.

“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
700083. Тошкент, Буюк Турон, 41.

